

Жюль Верн

СУВ ОСТИДА 80000  
КИЛОМЕТР



Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
Тошкент — 1973

**Таржимов**  
**САЪДУЛЛА КАРОМАТОВ**

# БИРИНЧИ ҚИСМ

## Биринчи боб

### ҲАРАКАТДАГИ СУВ ОСТИ ҚОЯСИ

1866 йил ҳануз одамлар хотирасидан кўтарилмаган ғаройиб воқеалар билан машҳур бўлиб қолди. Бу воқеалар ҳақидаги миш-мишлар бутун дунё халқлари ўртасида қизиқиш уйғотди ва порт шаҳарлар аҳолисини ташвишлантириб қўйди, денгизчиларни эса ҳаяжонга солди. Савдогарлар, кема эгалари, капитанлар, шкиперлар<sup>1</sup>, ҳарбий денгизчилар, ҳатто Эски ва Янги дунёдаги бир қанча давлатларнинг ҳукуматларини ҳам камдан-кам учрайдиган бу ҳодиса жуда қизиқтириб қўйди.

Уша йили бир неча кемаларда кишилар денгизда қандайдир узун, дуксимон бир нарсани кўришди. У ҳажми ва тез ҳаракат қилиши жиҳатидан китдан устун турар; баъзан ёрқин ёғду таратарди.

Турли кемаларнинг борт журналларидаги ёзувлар бу нарса ёки мавжудотнинг ташқи қиёфасини ифода этишда бир-биридан жуда кам фарқ қилар эди. Унинг мисли кўрилмаган даражада тез ҳаракат қилишини ҳам бир хилда қайд этар эдилар. Бошда уни кит деб ўйлашди. Аммо фанга маълум турли хил китларнинг бирортаси бу қадар катта бўлмаган. Кювье ҳам, Ласепед ҳам, Дюмериль ҳам, Катрфаж<sup>2</sup> ҳам ўз кўзлари билан кўрмагунча, шундай баҳайбат махлуқнинг мавжудлигига ишонмаган бўлур эдилар.

Бу мавжудотни ўз кўзи билан кўрган баъзи бир кишилар унинг узунлигини икки юз инглиз футу<sup>3</sup> деб чамалаш-

<sup>1</sup> Шкипер — ҳарбий кемада кема анжомлари мудир.

<sup>2</sup> Кювье, Ласепед, Дюмериль, Катрфаж — натуралист

чилар.  
1. Бир инглиз футу 30,4 сантиметрни тенгдир.

ди, лекин бу жуда кичрайтириб айтиш эди, албатта. Бошқалар эса унинг узунлигини уч миля, эинини бир миля деб, шубҳасиз, ҳаддан ташқари муболаға қилиб юборган эдилар. Бу бир-бирини инкор қиладиган гапларга қарамай, кўп сонли ахборотлардан хулоса чиқариб, шуни дадил айтиш мумкинки, борди-ю, шундай баҳайбат махлуқ мавжуд бўлган тақдирда ҳам у ҳозиргача зоологларга маълум бўлган ҳайвонлардан беқиёс даражада каттадир. Шунингдек, унинг мавжудлиги ҳам шубҳасиздир, бу ҳақда сўз бўлиши мумкин эмас эди. Табиийки, инсонга хос бўлган сирли ҳодисаларга қизиқиш иштиёқи натижасида, бутун дунё бу хабарлардан ларзага келган эди.

1866 йилнинг 20 июлида Калькуттадаги кемачилик ширкатига қарашли «Губернатор Хигинсон» кемаси сузиб кетаётган бу баҳайбат махлуқни Австралиянинг шарқий қирроғига яқин бир ерда учратиб қолди.

Бошда капитан Беккер харитага тушмаган сув ости қоясига дуч келдим, деб ўйлади. Унинг географик координатларини аниқ белгилаб олишга энди киришмоқчи бўлиб турганида, тўсатдан бу ғалати нарсанинг остидан иккита сув устуни юз эллик фут баландликка вашиллаб отилиб чиқди. Агар бу сув ости гейзери<sup>1</sup> бўлмаса, унда «Губернатор Хигинсон» кемаси бурун катакларидан буғ аралаш сув отадиган алақандай номаълум денгиз махлуқига дуч келгани аниқ.

1866 йилнинг 23 июлида бу ғалати мавжудотни Тинч океанида Вест-Индия ва Тинч океан кемачилик ширкатига қарашли «Христофор Колумб» кемасидагилар учратиб қолишди. Бу ғалати кит чиндан ҳам жуда катта тезлик билан ҳаракат қилар экан. Чунки уч кун мобайнида «Губернатор Хигинсон» ва «Христофор Колумб»дагилар уни ер шарининг оралиги етти юз денгиз милясига тенг бўлган масофадаги икки нуқтасида кўришди.

Ун беш кундан кейин Миллий компаниянинг «Гельвеция» ва «Роял Мейл» компаниясининг «Ханаан» кемалари Атлантика океанида — Америка билан Европанинг ўртасида учрашиб, бу баҳайбат махлуқни шимолий кенгликнинг 42-градус, 15 минутида ва ғарбий узунликнинг 60-градус 35 минутида (Гринвичдан) кўрдилар. Ҳар иккала кеманинг капитанлари бу махлуқнинг узунлигини камида уч юз эл-

---

<sup>1</sup> Гейзерлар — иссиқ сув манбалари бўлиб, у маълум бир муддатгача (25 минутдан 3 соатгача) иссиқ сув ва буғ отиб туради.

лик инглиз футн деб чамалашди. Форштевенидан архерштевенигача<sup>1</sup> ҳар бирининг узунлиги уч юз йигирма беш фут келадиган «Ханаан» ва «Гельвеция» кемалари ундан кичик эди. Алеут ороллари атрофида учрайдиган энг йирик китларнинг узунлиги эса ҳеч қачон бир юз ўн беш футдан ошмаган.

Кетма-кет келиб турган бу ахборотлар, Атлантика океани орқали қатнайдиган «Перейра» кемасидагиларнинг ҳам баҳайбат махлуқни кўргани, «Этна» кемаси у билан тўқнашгани ҳақидаги хабарлар ва ниҳоят, уч мачтали француз ҳарбий елкан кемаси «Нормандия» офицерлари томонидан тузилган протокол ва инглиз адмираллигига «Лорд Клайд» кемаси командири Фитц-Жемс юборган батафсил ҳисобот — мана шуларнинг ҳаммаси жамоатчилик фикрини остин-устин қилиб юборди. Баъзи мамлакатларда бу фавкулудда воқеани гапириб кулишарди. Аммо Англия, Америка ва Германия сингари давлатларда бунга жуда қизиқиб қолган эдилар.

Барча пойтахтларда баҳайбат махлуқ ҳақидаги гаплар асосий суҳбат мавзуи бўлиб қолди. У ҳақида эстрадаalarda кўшиқ куйлашарди, журналларда карикатуралар босиларди, ҳатто уни театр томошаларида тасвирлаб кўрсатишди. Барча газеталарда ўзи чиндан ҳам мавжуд бўлган, аммо ҳаёлан тасвирланган баҳайбат махлуқлар сурати — қутб атрофидаги сувларда юрадиган даҳшатли оқ китдан тортиб, гўё чангалига беш юз тонналик кемани олиб, денгиз қаърига гарқ қила оладиган афсонавий саккизоёқларгача пайдо бўла бошлади. Архивлардан эски ҳужжатлар — Аристотель, Плинийларнинг<sup>2</sup> баҳайбат денгиз махлуқлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қадимий гувоҳномалари, Норвегия денгизчиларининг ҳикоялари, Пауль Геггеднинг ахборотлари ва ниҳоят ростгўйлигига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган Харингтоннинг 1857 йилда жуда катта баҳайбат денгиз илонини кўргани тўғрисида айтганлари зудлик билан қидириб топилди.

<sup>1</sup> Форштевень — кема тагтўсинининг кема бурнига келиб таналадиган уч қисми. Архерштевень — тагтўсинининг кема қуйруғига келиб тақаладиган қисми.

<sup>2</sup> Аристотель — қадимги Грециянинг буюк олим ва мутафаккирларидан бири (эрамизгача 384—322-йиллар). Кай Секунд Плиний — римлик ёзувчи ва олим (эрамизгача 23—79-йиллар).

Уша кезларда олимлар жамоатчилиги орасида, илмий журналларда ишонувчилар ва ишонмовчилар ўртасида тинимсиз тортишувлар қизгин тус олиб кетди. Баҳайбат махлуқ тўғрисидаги масала ҳамманинг хаёлини банд қилиб қўйди. Ана шу тортишувлар вақтида қанчадан-қанча сиеҳлар дарё бўлиб оқди.

Олти ой давомида бу кураш гоҳ у, гоҳ бу томон фикрини ифодалаб, давом этиб турди. Тутуриқсиз матбуот, «Бразилия география институтининг ахбороти»да, «Берлин Фанлар академиясининг солномаси»да, Вашингтондаги Смит институтининг журналида босилган мақолаларни, «Ҳинд архипелаги» ва Петерманнинг «Ахбороти» сингаринуфузли журналлардаги мунозараларни ва Европадаги энг яхши журналларнинг илмий хроникаларини масхаралаб чиқди. Журналистлар Линнейнинг<sup>1</sup> махлуқ мавжудлигини инкор этувчилардан бири келтирган: «Табиат овсарларни яратмайди» деган машҳур иборасини пеш қилиб, «масталаст денгизчилар тасавуридагина яратиладиган баҳайбат нарсаларни табиат яратди», деб, унга тил теккизмасликка зўр бериб олимларни кўндирмоқчи бўлардилар. Ниҳоят оммалашган сатирик ҳафталикда махлуқ энг танқли ёзувчи қалами билан шу қадар ҳажв қилиндикки, оммавий кулгидан сўнг унинг тарафдорлари чекинишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, кучли сўз ўйини фан устидан ғолиб чиқди.

1867 йилнинг дастлабки ойлари давомида баҳайбат махлуқ масаласи қайтиб кўзгалмас қилиб кўмиб ташлангандай бўлди. Аммо шу орада газетхонларга янги фактлар келиб етди. Энди гап қандайдир мавҳум бир илмий муаммони ҳал этиш устида эмас, балки жуда жиддий ва тамомила реал хавфга қарши кураш устида борар эди. Баҳайбат махлуқ яна оролча, чўққи, сув ости қояси деб, аммо қоя бўлганда ҳам ҳаракатдаги, тутқич бермас, жумбоқли қоя тарзида тилга олина бошлади.

1867 йилнинг 25 мартига ўтар кечаси Монреаль омега компаниясига қарашли «Моравия» кемаси кенгликнинг 27-градус, 30 минутида ва узунликнинг 72-градус, 15 минутида ҳеч қандай картага тушмаган қояга урилди. «Моравия» орқадан эсаётган шамол ва тўрт юз қувватли машина ёрдамида ўн уч узел<sup>2</sup> тезликда сузаётган эди. Кема кор-

<sup>1</sup> Линней Карл (1707—1778) — швед натуралисти.

<sup>2</sup> Ёлтин соатига ўн уч денгиз миляси. Бир денгиз миляси — 1852 м.

пуси ўта мустаҳкам бўлмаганида, шундай катта тезликда шиддат билан келиб урилиш кема учун ҳам, ундаги икки юз ўттиз етти йўловчи ва команда учун ҳам ҳалокатли ту-  
гаши турган гап эди.

Бу тўқнашув эрталаб соат бешда содир бўлди. Кун энди ёришаётган эди. Қоровулда турган офицерлар бортга югуриб бордилар. Улар океан сатҳини синчиклаб кўздан кечиришди. Бироқ қудратли пароход парраги зарбидан ҳосил бўладигани каби уч кабельт<sup>1</sup> масофада кўтарилаётган кучли тўлқиндан бўлак ҳеч қандай шубҳали нарса сезишмади. «Моравия» бу ернинг аниқ координатларини белгилаб олгач, йўлида яна давом этди. Бу тўқнашувда кеманинг ташқи томони шикастланмаган эди, бинобарин, «Моравия»нинг команда состави кема сув ости қояга урилдими ёки чўкиб қолган бирор кемагами, деган масала устида роса бош қотиришди.

Портга келиб қуруқ докка чиқиб олгач, «Моравия»нинг таг ёғочи шикастлангани аниқланди.

Уч ҳафтадан кейин худди шу тарзда яна ўша ҳол қайтарилмаганида, бу ғалати воқеа ҳам аввалгилари сингари орадан кўп ўтмай унутилиб кетган бўлур эди. Фақат бу гал шикастланган кема машҳур кемачилик ширкатига қарашли бўлгани учун бу воқеа бир зумда ҳамма ёққа ёйилиб, бутун дунёда шов-шувга сабаб бўлди.

Кемалари Европа билан Америка орасида биринчи бўлиб қатнай бошлаган инглиз кемачиси Кьюнарднинг номи ҳаммага маълум бўлса керак. Кьюнард кемачилигининг йнгирма етти йиллик фаолиятида унинг кемалари Атлантика океанини икки минг мартадан кўпроқ кесиб ўтган шу вақт ичида бирор марта ҳам кеч қолмаган, кема қатновини бирор марта бекор қилмаган, унга ишониб топширилган хат-хабарлардан бироитасини йўқотмаган эди. Кьюнард кемачилигининг обрў-эътибори шу қадар зўр эдики, у рақобатдан ҳам чўчимасди. Бу ҳодиса ана шу компаниянинг энг яхши кемаларидан бири билан содир бўлгани учун ҳам зудлик билан ҳамма ёққа тарқалди.

1867 йилнинг 13 апрелида денгиз сатҳи ойнадай силлиқ ва сира шамол йўқ эди. Шу куни «Шотландия» ғарбий узунликнинг 15-градуси, 12 минутида ва шимолий кенгликнинг 45-градуси, 37 минутида сузиб борар эди. Минг қувватли

---

<sup>1</sup> Кабелът — унча катта бўлмаган масофаларни ўлчайдиган денгиз ўлчови (тахминан 200 метр).

машина кемани ўн учу юздан қирқ уч узел тезликда олиб кетаётган эди. «Шотландия» гилдираклари соат тебратгичидай бир маромда айланиб, сувни ёриб борарди.

Тушдан кейин чой ичиб ўтиришганди, «Шотландия» кемаси ўнг томондаги гилдиракдан анча нарида бир нарса-нинг хиёл урилишидан енгил тебраниб олди.

Бу зарб шу қадар кучсиз бўлдики, трюмдан:

«Трюмга сув кирди. Чўкяпмиз!»— деган қичқириқлар эшитилмаганда, бунга кема палубасидагилар эътибор ҳам бермаган бўлардилар.

Йўловчиларнинг саросимага тушиши табиий эди, албатта. Аммо капитан Андерсон уларни тинчлантирди. Дарҳақиқат, сув ўтказмайдиган деворлар билан етти ҳужрага ажратилган «Шотландия» кемаси учун сув ўтказадиган битта тешик унча хавфли эмас эди.

Капитан Андерсон зудлик билан трюмга тушиб, бешинчи ҳужрага сув кирганини аниқлади. Сув оқимининг тезлигига қараганда кема дурустгина тешилганга ўхшарди, яхшиямки, бу ҳужрада буғ қозонлари ёқилмас эди.

Капитан Андерсон машинани тўхтатишга фармойиш бериб, матрослардан бирига сувга тушишни буюрди. Матрос кема корпусида эни икки метр келадиган тешик борлигини маълум қилди. Бундай тешикни денгизда туриб тузатиш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «Шотландия» гилдираклари сувга ярим ботган ҳолда бир амаллаб йўлида давом этди.

Уша пайтда кема Клир бурунидан уч юз миля нарида бўлиб, Ливерпуль портига уч кун кечикиб келди. Бу ҳолдаси бутун Англияни қаттиқ ташвишга солиб қўйган эди.

«Шотландия»ни қуруқ докка олиб чиқишиб, компания инженерлари уни кўздан кечиришди. Улар ўз кўзларига ишонгилари келмасди: кеманинг қаеригача сувга чўкиб турганини кўрсатадиган чизиқдан икки ярим метр пастда кема корпуси тенг ёнли учбурчак шаклида тешилган эди. Кема тешилган жойнинг атрофи атайин силлиқлангандай теп-текис. Афтидан, кема корпусини тешган асбоб жула мустаҳкам бўлса керак.

Кеманинг қалинлиги тўрт сантиметр келадиган темир қопламасини тешган асбоб қандай қилиб упдан чиқди экан, буни сира тушуниб бўлмас эди...

«Шотландия» билан содир бўлган ҳодиса кишиларнинг сўнаётган қизиқишини қайта авж олдириб юборди. Шу дақиқадан бошлаб номаълум сабаблар билан денгизда



содир бўлган бутун ҳалокатларни баҳайбат махлуққа олиб бориб тақайперадиган бўлишди. Денгиз статистикаси бўйича ҳар йили ҳалокатга учрайдиган уч минг кемадан камида икки юзтаси «номаълум йўқолганлар» қаторига қўшилишини ҳисобга олганда, табиийки, афсонавий баҳайбат махлуқнинг гуноҳи кун сайин оғирлашиб бораверди.

Адолатдаими, йўқми, кўнгилсизликларнинг барчаси учун жавобгарликни баҳайбат махлуққа юклай бошлаган жаҳон жамоатчилиги қитъалараро хабарларга кўра, у тобора кўпроқ хавф туғдираётганидан ташвишланиб, денгизни қайси йўл билан бўлмасин бу даҳшатли мавжудотдан холи этишни талаб этди.

## *Иккинчи боб*

### **ТАРАФДОР ВА ҚАРШИЛАР**

Юқорида қайд этилган воқеалар содир бўлиб турган кезларда мен Шимолий Американинг Небраска штатининг одамзод қадами етмаган ерларида кезиб юрган эдим. Франция ҳукумати мени бу илмий экспедицияга натуралист ҳамда Париждаги табиёт тарихи музейи қошидаги адъюнкт-профессор сифатида юборган эди.

Небраскада ўтказилган олти ой мобайнида жуда қимматли коллекциялар тўплаб, 1867 йилнинг март ойи охирида Нью-Йоркка қайтдим. Францияга биринчи майларда қайтишим керак эди. Шунинг учун қолган вақт ичида ўзимнинг минералогик ҳамда ботаник ва зоологик коллекцияларимни тартибга солмоқчи бўлдим.

Мен жамоатчиликни ташвишлантираётган бу воқеалардан албатта хабардор эдим. Ахир бутун газета ва журналларнинг саҳифалари денгиздаги баҳайбат махлуқ ҳақидаги хабарлар билан тўлиб-тошган бир пайтда бошқача бўлиши ҳам мумкинмиди? Бу жумбоқ менда ҳам қизиқинч уйғотди.

Ҳодисаларни қандай шарҳлашни билмай, ўзимни ҳар томонга урардим. Бунда албатта бир сир бор: ҳар бир нарсага шубҳа билан қарайдиган одам ҳам «Шотландия»нинг тешилган бортини кўргач, бунга ишончи комил бўлади.

Бутун Нью-Йорк ҳаяжонда эди. Воқеадан унча хабардор бўлмаган кишиларнинг сузар оролча, тутқич бермас

сув ости қояси деган фаразлари эътибордан тушиб қолди. Чиндан ҳам ўша сузувчи қоянинг қудратли машинаси бўл-маса қандай қилиб бунақа тезлик билан ҳаракат қилишига ақл бовар қилмасди.

Бир вақтлар чўккан улкан кемалардан бири сув бетига чиқиб қалқиб юрибди, деган тахмин ҳам қолиб кетди, чунки бундай кемалар катта тезликда оқиб юролмас эди.

Шундай қилиб, масалани ҳал этишнинг ҳақиқатга яқин икки йўли қолди: баҳайбат махлуқ ё жуда катта жонивор ёки фавқулодда кучли двигателли сув ости кемаси.

Бу сўнгги, ҳақиқатга бирмунча яқин тахмин ҳам ҳар ик-кала ярим шарда ўтказилган текширишлардан кейин пучга чиқди.

Сув ости кемаси бир шахсни деб тахмин қилиш мум-кин эмас, чунки уни қаердадир бари бир яшаш керак эди. Бундай улкан кемани ясаётганда эса у одамлар эътиборини жалб этмай сира илож йўқ.

Шундай даҳшатли вайрон қилувчи кучга эга бўлган механизмни қуришга фақат бирор давлатнинггина қурби етар эди. Инсониятга ўлим келтирувчи қуроолларнинг ян-гидан-янги турларини ихтиро қилишга зўр берилётган бизнинг аянчли кунларимизда бирон давлатнинг бошқа-лардан яширинча шундай жанговар кема қуриб, уни амал-да синаб кўрган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Аммо ҳарбий кема ҳақидаги фараз ҳам йўқ бўлди. Чун-ки барча ҳукуматлар ўзларининг бу ишга алоқалари йўқ-лигини маълум қилдилар. Баҳайбат махлуқнинг океандаги халқаро кемалар қатновига хавф солаётганидан баёнотлар-нинг тўғрилигига шубҳа қилмаса ҳам бўларди. Бунинг устига маълум бир шахс улкан сув ости кемасини махфий равишда ясай олмагач, рақобатчи мамлакатлар ҳар қада-мини кузатаётган бирор давлатнинг бундай ишни уддалай олиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Шундай қилиб, Англия, Франция, Россия, Германия, Италия, Америка ва ҳатто Туркиядан ҳам маълумотлар олингач, сув ости кемаси, деган тахмин ўз-ўзидан йўқ бўлди.

Тутуриқсиз матбуот кулги остига олганига қарамай, баҳайбат махлуқ яна сув юзасига қалқиб чиқди ва ҳаяжон-ланган хаёлот яна бирин-кетин ғоят афсонавий фаразларни тўқийверди.

Нью-Йоркда кўпгина кишилар мендан ҳаммани ҳаяжон-лантираётган шу масала юзасидан ўз мулоҳазаларини

айтиб беришимни сўрашди. Франциядан кетишимдан бир оз олдин «Океан тубининг сирлари» номли икки томлик китобимни чиқарган эдим. Илмий жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинган бу китоб менга бирмунча кам ўрганилган табиёт тарихи соҳасида мутахассис деган ном олиш ҳуқуқини берди.

Мендан ўз фикримни айтишимни қатъий илтимос қила бошлашди. Турли баҳоналар билан мен бундан бош тортиб юрдим. Аммо «Нью-Йорк ахбороти»нинг қайсар репортёрлари ҳол-жонимга қўймагач, газетхонларга океандаги ғаройиб воқеалар ҳақидаги мулоҳазаларимни айтиб бериш учун ваъда беришга мажбур бўлдим.

Мана, ниҳоят 30 апрелда газетада профессор Пьер Аронакснинг батафсил мақоласи чиқди ва унда баҳайбат махлуқ ҳақидаги масала ҳар томонлама ёритилиб, маълум бўлган барча фактлар илмий нуқтаи назардан баҳоланди.

Шу мақоладан парча келтираман.

«Шундай қилиб,— деб ёздим мен илгари сурилган барча тахминларни бирма-бир келтириб,— ақлга сиғадиган бошқа бирор тахминга асослана олмаслигимиз туфайли, баҳайбат махлуқни жуда кучли денгиз ҳайвони дейишдан бўлак иложимиз йўқ.

Жуда чуқурликдаги океан ҳаёти билан биз мутлақо таниш эмасмиз. Ҳеч қанақа бурғи ҳали у ерга етгани йўқ. Бу тубсиз чуқурликда нималар бўляпти? У ерда қандай мавжудотлар яшайпти, денгиз сатҳидан ўн икки-ўн беш минг метр чуқурликда<sup>1</sup> қанақа мавжудотлар яшай олади? Бу мавжудотларнинг тузилиши қанақа? Бу ҳақда ҳатто бирор тахмин ҳам айтиш қийин.

Бу масалани икки йўл билан ечиш мумкин: ё ер юзидagi барча мавжудотлар бизга маълум, ёки улардан фақат айримлари маълум.

Борди-ю, планетамизда яшаётган барча мавжудотларни билмасак, табиатнинг ҳали бизга номаълум сирлари бўлса, унда балиқ ёки денгиз сутәмизувчиларининг жуда чуқурликда ўз қонун-қоидалари билан яшаётган ва бизга маълум бўлмаган турлари ва наслари борлигини инкор этишга асосимиз йўқ. Бундай мавжудотлар океаннинг тадқиқотчилар етга олмайдиган қуйи қатламларида яшашлари

<sup>1</sup> Океаннинг энг чуқур ери 10 000 метрдан ортиқроқдир (Тинч океанда); 12 000—15 000 метр чуқурлик вса йўқ.

ва бирор номаълум таъсир остида ёки ҳеч қандай сабаб-  
сиз вақт-вақти билан сув сатҳига сузиб чиқишлари мум-  
кин.

Аксинча, борди-ю, тирик мавжудотларнинг барча тур-  
лари бизга маълум бўлса, унда биз ўрганаётган баҳайбат  
махлуқни туркумларга ажратилган денгиз ҳайвонлари қа-  
торига қўшмоғимиз керак. Бундай тақдирда мен жуда  
улкан нарвал<sup>1</sup> мавжуд деган фикрни илгари сурардим.

Оддий нарвалнинг бўйи кўпинча ўттиз футга етади.  
Ана шу узунликни бешга, ўнга кўпайтиринг, унинг катта-  
лигига қараб қозиқ тишида қанча куч бўлиши мумкинли-  
гини чамаланг ва шунда сизни ташвишлантираётган жум-  
боққа жавоб оласиз. Бу ҳайвон «Ханаан» офицерлари  
айтган ҳажмга тенг келади, қозиқ тишлари «Шотландия»  
корпусидагидай шаклда теша олади, унинг пароходни океан  
тубига чўктиришга етарли кучи ҳам бўлади.

Чиндан ҳам нарвалнинг ўзига хос қозиқ тиши ёки ай-  
рим натуралистарнинг тили билан айтганда, алебардаси  
бор. Бу алебарда пўлатдек қаттиқ бўлади. Ана шундай  
алебардаларни нарваллар билан жангда кўпинча мағлу-  
биятга учрайдиган китларнинг танасидан бир неча марта  
топиб олишган. Бир ёнидан кириб, иккинчи томонидан  
тешиб чиққан ана шундай алебардаларни ёғоч кемаларнинг  
корпусидан машаққат билан суғуриб олишган.

Париждаги медицина факультетининг музейида узун-  
лиги икки-ю чорак метр келадиган алебарда бор. Бу але-  
барда ўзак томонининг йўғонлиги қирқ саккиз сантиметр.

Шундай қилиб, оддийларидан ўн барабар катта ва  
жуда улкан алебарда ёки қозиқ тишли нарвали кўз олди-  
мизга келтирамиз, соатига йигирма денгиз миляси тезли-  
гида юра олади, деб фараз этамиз, унинг жисмини тезли-  
гига кўпайтирамиз, ана шунда у билан тўқнашган ҳар  
қанақа кеманинг ҳам ҳалокатга учраши сизни таажжуб-  
лантирмайди! \*

Пирозардида шуни айтмоқчиман: ҳозирча бошқа батаф-  
силроқ маълумотлар йўқ экан, мен бу баҳайбат махлуқни  
оддий алебардали эмас, балки усти пўлат билан қопланган,  
кемадай мустаҳкам ва куч-қувватда ҳам ундан қолишмай-  
диган ҳақиқий тарапли нарвал деб ҳисоблайман!

---

<sup>1</sup> Нарвал — Китсимон сутәмизувчи якка шох денгиз ҳайвони.  
Ургочи нарвалларнинг чап жағининг юқори қисмида катта қозиқ тиши  
бўлади.

Бу камдан-кам учрайдиган гаройиб воқеани... агар у дарҳақиқат чин бўлса, фақатгина шундай изоҳлаш мумкин. Бунинг ўзи ҳали тадқиқ этишга муҳтождир».

Ана шу сўнгги ибора қўрқоқлик орқасида ёзилган: мен буни олимлик мавқеимни сақлаш ва америкаликлар олдида кулги бўлишга туртки бермаслик учун ёздим. Шундай қилиб, мен бу билан ўзимни оқлаш чорасини топиб қўйган бўлсам ҳам, аммо баҳайбат махлуқнинг мавжудлигига ҳеч қандай шубҳам йўқ эди.

Менинг мақолам кенг тарқалиб, катта шов-шувларга сабаб бўлди. Ҳатто унга бир қанча тарафдорлар ҳам тўпланди. Жумбоқни ҳал этмоқ учун унда келтирилган далиллар тасаввур қилиб кўришга катта имконият берди. Одамлар ғайри табиий нарсаларни ўйлашни яхши кўришади. Денгиз эса, дарҳақиқат, жуда улкан мавжудотларнинг ўсиши учун шароит яратиб бера оладиган бирдан-бир қулай муҳитдир. Ердаги фил ва каркидон сингари йирик мавжудотлар улар олдида арзимаган гап. Сутэмизувчиларнинг кит сингари энг йирик намунаси ҳам денгизда яшайди. Нега энди ўша ерда гигант моллюскалар, узунлиги юз метр келадиган даҳшатли қисқичбақасимон омарлар ёки ҳар бирининг вазни икки юз тоннагача етадиган қисқичбақалар яшаши мумкин деб фараз қилмас эканмиз. Олдинги геология даврларида тўрт оёқлилар, тўрт қўллар, қушлар ва ўрмаловчилар жуда улкан бўлганлар. Ун йиллар, юз минг йиллардан кейингина улар ҳозирги ҳажмгача кичрайганлар.

Ер қатлами донмий ўзгаришда бўлиб турса-ю, шу давр мобайнида денгиз таркиби ўзгаришсиз қолса, нега энди унда ҳайвонот оламининг олдинги геологик даврлардан намуналар сақланиб қолмас экан?! Нега энди денгиз ўз қаърида умрлари йиллар билан эмас, балки асрлар ёки минг йиллар билан ўлчанадиган ана шу дастлабки баҳайбат мавжудотларнинг сўнгги намуналарини сақламаган бўлсин?

Сирасини айтсам, ширин ҳаслга берилиб кетдим. Лекин бу ҳақда бошқаларга нисбатан камроқ ўйлардим.

Яна қайтараман, бу ажойиб ҳодисанинг табиати тўғрисида бошқа баҳс-мунозара бўлмади. Жамият эртақлардаги денгиз илонларига сира алоқаси бўлмаган қандайдир жуда катта ҳайвоннинг борлигига ишонди.

Бироқ баъзиларга бу масала илмий нуқтаи назардан қизиқ бўлиб кўринса, океан кемаларининг хавфсизлигидан

манфаатдор англизлар ва америкаликлар олдида денгизни бу хавфли махлуқдан тезда холи этиш учун зарур чоралар кўриш масаласи турар эди.

Молия ва савдо масалалари билан шуғулланувчи матбуот энди баҳайбат махлуқ билан боғлиқ бўлган масалага фақат шу нуқтаи назардан ёндаша бошлади. «Денгиз шарҳловчиси», «Ллойд газетаси», «Пакетбот», «Денгиз савдоси газетаси» каби катта зиён кўриш хавфи туғилиб турган страхование жамиятларининг мана шу барча матбуот органлари баҳайбат махлуққа қарши шафқатсиз уруш эълон қилишни яқдиллик билан талаб эта бошладилар.

Жамоатчилик, биринчи навбатда шимолий америкаликлар фикри страхование жамиятлари томонида эди. Нью-Йоркда нарвални овлаш учун экспедиция тайёрлай бошладилар. Бу экспедиция учун тезюор «Авраам Линкольн» ҳарбий кемасини шайлашга қарор қилинди.

Ҳарбий қурол-яроғлар тайёрланадиган барча ерларнинг эшиклари, қайси йўл билан бўлмасин, тезроқ сузиб кетишга ҳаракат қилаётган шу кема командири капитан Фарагут учун кенг очиб қўйилди. Аммо шундай пайтларда одатдагидай, махлуқни қидириб боришга қарор қилинган заҳоти аксига олиб, у кўринмай кетди. Икки ой давомида у ҳақда ҳеч ким ҳеч нима эшитмади. Биронта кема уни учратмади Гўё нарвал унга қарши юриш бошланишини сезгандай эди. Атлантик океани сув ости кабеллари орқали шу қадар кўп гапирилдики!.. Ҳазилкашлар муғомбир нарвал жуда кўп телеграммалардан бирини олиб, шоша-пишанинга кириб кетди, деб кулишдилар.

Шундай қилиб, ҳарбий кема сафар ҳозирлигини кўриб, ғайри оддий овга зарур анжомлар билан жиҳозланиб бўлганда, капитан қасққа қараб юришни билолмай ҳайрон эди.

Ҳамманинг сабр косаси тўлай деб турганда, Сан-Франциско ва Шанхай ораллигида қатнайдиغان кема бундан қарийб уч ҳафта муқаддам махлуқни Тинч океanning шимолий қисмида учратгани ҳақида хабар тарқалиб қолди. Бу хабар жуда катта таассурот қолдирди. Капитан Фарагутга сафарни лоақал бир кунга ҳам кечиктиришга рухсат беришмади. Озиқ-овқат кемага ортилган, трюмлар кўмир билан лиқ тўла, команда состави шай. Утхонани ёқиб, бу ҳосил қилишу, лангарни кўтариб жўнаб кетиш қолган эди, холос.

Капитан Фарагут ҳатто ярим кунгина кечикканда ҳам уни ҳеч ким кечирмас эди. Сирасини айтганда, унинг ўзи ҳам йўлга ошиқарди.

«Авраам Линкольн» кемасининг жўнаб кетишига уч соат қолганида менга қўйидаги маъмундаги мактубни топширишди:

*«Жаноб профессор Аронаксга.*

*«Бешинчи авеню» меҳмонхонаси, Нью-Йорк.*

*Муҳтарам жаноблари!*

*Агар сиз «Авраам Линкольн»даги экспедицияга қўшилишга рози бўлсангиз Қўшма Штатлар ҳукумати Франция Сиз орқали ушбу ташаббусга қўшилди, деб мамнун бўлур эди. Капитан Фарагут Сизга алоҳида каюта ажратиб беради.*

*Сизга астойдил ихлосманд денгиз министри Д. Б. Гобсон».*

### Учинчи боб

## «ХУЖАМ ШУНИ ИСТАСАЛАР»

Денгиз министрининг хатини олишимдан уч секунд олдин мен Шимоли-ғарбий музликлар<sup>1</sup> орқали ўтиш тўғрисида қанчалик ўйлаган бўлсам, нарвални қидириб бориш ҳақида ҳам шунчалик бош қотираётган эдим. Хатни олганимдан кейин орадан уч секунд ўтгач, менинг чинакам вазифам, ҳаётимнинг ягона мақсади ана шу хавфли баҳайбат махлуқни қидириб бориш ва инсониятни ундан халос этиш эканлигини тушуниб етдим.

Айни вақтда мен эндигина оғир сафардан қайтиб, жуда чарчаган, дам олишим зарур эди. Ватанимга, ёр-дўстларим ҳузурига, Ботаника боғи ёнидаги кичкина уйимга, ўзимнинг қимматли ва бебаҳо коллекцияларимга қайтиш сўзусида эдим. Бироқ мени ҳеч нима тўхтата олмади. Мен ҳамма нарсани — чарчоқни ҳам, ёр-дўстларимни ҳам, коллекцияларимни ҳам унутдим ва ҳеч иккиланмай Америка ҳукуматининг таклифини қабул этдим.

«Бунинг устига,— деб ўйладим мен,— ҳамма йўллар Европага олиб боради, бинобарин, нарвал ҳам мени Франция соҳилларига етакласа ажаб эмас. Бу катта ўлжа Ев-

<sup>1</sup> Атлантик океандан Тинч океанга Америка қитъасининг шимолӣ қирғоқлари ёнидан ўтадиган йўл.

ропа денгизларида қўлга тушиб қолса борми?! Ушанда унинг қозиқ тишидан лоқал ярим метрини Париждаги табиёт тарихи музейига олиб борардим!»

Аммо ҳозирча нарвални Тинч океаннинг шимолий қисмида қидиришга тўғри келди. Бу Францияга қайтиш учун бутун дунёни айланиб чиқишим керак, деган гап.

— Консель!— дея қичқирдим мен сабрсизлик билан.

Консель менинг хизматкорим. У сафар вақтида ҳамиша менга ҳамроҳ. Бу фламандияликка ихлосим жуда баланд. Ўз навбатида у ҳам менга шунчалик ихлосманд. У табиатан совуққон, беғамроқ, хушфеъл, огир-вазмин, мўмин-маъқул ва тиришқоқ; турмушда бўлиб турадиган майда-чуйда тасодифларга ортиқча эътибор бериб ўзини диққат қилавермайдиган, ҳамма иш қўлидан келадиган, ҳамиша ишга ташна одам. Исми жисмига монанд эмас<sup>1</sup>. Илтимос қилишганда ҳам ҳеч кимга маслаҳат бермайди.

Консель менинг кичкина уйимга келиб турадиган олимлар даврасида муттасил бўлганидан, талайгина нарсаларни ўрганди, табиёт фани классификацияси соҳасида мутахассисга айланди. Бутун бўлимлар, гуруҳлар, синфлар, синфчалар, туркумлар, оилалар, насллар, турлар ва турчалар нарвонига акробатларча чаққонлик билан чиқиб туша оларди. Бироқ унинг бутун билими ана шунинг ўзидангина иборат эди. Турларга бўлиш назариясини яхши биларди-ю, амалий билимдан жуда узоқ эди. Назаримда у ташқи кўринишдан китни кашалотдан ажрата олмасди.

Шунга қарамай у ажойиб одам!

Ун йил давомида Консель бутун илмий экспедицияларда мен билан бирга бўлди. Мен бирон марта унинг сафарга чўзилиб қетди ёки чарчадим деб нолиганини эшитмасдим. Консель истаган дақиқада, қайси мамлакат бўлмасин— Хитойми ёки Конгоми суриштирмай, ҳеч нарсадан чўчмай кетаверарди.

Унинг саломатлиги жуда яхши. Бундайлар ҳеч қанақа касалликдан қўрқмайдилар. У мушаклари бақувват, асаблари метин бир одам эди.

Консель ўттиз ёшда эди. Унинг ёши хўжайиннинг ёшига ўн бешнинг йигирмага нисбатидай гап. Қирқ ёшимни шу қадар мураккаб мажозий йўл билан билдирганим учун узр.

Конселнинг бир камчилиги бор эди. У ашаддий рас-

<sup>1</sup> Сўз уйини: «К о н с е л ь» (consiel) — французча маслаҳат дегани.



миятчи, мен билан доим учинчи шахсда гаплашарди. Шундай кезларда кўпинча юрагим тошиб кетарди.

— Консель!— яна чақирдим ва айна вақтда шоша-пиша сафар ҳозирлигини кўра бошладим.

Конселнинг менга ҳаддан ташқари содиқлигига имоним комил эди. Одатда мен сафарга чиқиш олдидан ҳеч қачон унинг розилигини сўраб ўтирмас эдим, аммо бу гал экспедициянинг қанча чўзилиши ҳам маълум эмас, бунинг устига бу иш хавфли эди. Кемани писта пўчоғидай тўнтариб ташлашга қурби етадиган махлуқнинг изидан бориш ҳазилакам гап эмас! Дунёдаги энг оғир-вазмин одам ҳам бир йўлаб кўрарди. Аммо Консель нима деркин?

— Консель!— учинчи марта чақирдим мен.

Консель кириб келди.

— Хўжам мени чақирдиларми?— сўради у кирган зафоти.

— Ҳа, азизим. Сафар жабдугини ҳозирла. Икки соатдан кейин жўнаймиз.

— Хўжам шуни истасалар, тайёрман,— дея бамайлихотир жавоб берди Консель.

— Ҳар бир дақиқа ғанимат. Бутун керакли нарсаларни — уст-бош, кўйлак, пайпоқларни чамадонга сол. Сиққачича жойла, аммо мумкин қадар тезроқ бўл!

— Хўжамнинг коллекциялари-чи?— луқма ташлади Консель.

— Уларни кейинга қолдирамыз. Меҳмонхонада туриб турсин.

— Буғу-тўнғизни-чи?

— Уэлари боқишаверади. Айтгандай, бутун ҳайвонотхонамизни Францияга жўнатишларини айтишим керак.

— Демак, биз Парижга бормаётган эканмиз-да?— деб сўради Консель.

— Нима десам бўлади,— дея мужмал жавоб қайтардим мен,— бир оз айланма йўл билан боришга тўғри келяпти шекилли...

— Хўжам шуни истасалар, ҳар қандай айланма йўл бош устига.

— Албатта бу ҳеч гап эмас! Фақат йўл бир оз олисроқ бўлади... Биз «Авраам Линкольн»да жўнаймиз.

— Хўжам шуни истасалар,— дея вазминлик билан тасдиқлади Консель.

ARGHILON IQTISODIYOTI гап баҳайбат мумкин... ушга шун- хвор насаби... Биз. Биланла... ридан хожи

этишимиз керак!.. «Океан тубининг сирлари» икки томлигининг автори капитан Фарагут билан бўладиган сафардан бош торта олмайди... Бу шарафли вазифа, аммо шу билан бирга хатарли ҳам! Нарвал бизни орқасидан қаёққа эргаштириб бориши номаълум... Бу махлуқ жуда инжиқ бўлиши ҳам мумкин. Аммо нима бўлса ҳам биз борамиз! Капитанимиз — зўр одам.

— Хўжам қаёққа борсалар, мен ҳам ўша ёққа боравераман-да,— деди Консель.

— Яхшилаб ўйлаб ол! Сендан ҳеч нарсани яширмақчи эмасман. Бу — борса қайтиш қийин бўлган сафарлардан.

— Хўжам шунни истасалар...

Орадан чорак соат ўтганда чамадонлар тахт қилиб қўйилган эди. Консель ҳеч нарсани унутмади. Бу ажойиб одам кўйлак ва уст кийимларни ҳам қуш ва сутәмизувчиларни турларга ажратгани каби кўнгилдагидай жойлайди. Йўлак мулозими юкимизни меҳмонхонанинг чиқаверишига олиб бориб қўйди. Мен пастки қаватдаги ҳамиша одамлар билан лиқ тўла идорага тушдим ва жониворлар ҳамда қуритилган ўсимликлар жойлаштирилган тойларни Парижга жўнатиш лозимлигини айтдим. Буғу-тўнғизга етадиган миқдорда кредит очдим ва қарзларимни тўлаб, ниҳоят аравага сакраб чиқдим. Бу ерда Консель ўтирар эди.

Экипаж Бродвей бўйидан Юнион хиёбонига бориб, сўнгра Тўртинчи авенюга қайрилди ва ундан Катринсгритга етиб, ниҳоят Уттиз тўртинчи қирғоқда тўхтади. У ердан паром ҳаммамизни — одамларни, отлар ва экипажни Бруклинга, Гудзон дарёсининг чап қирғоғида жойлашган Нью-Йорк шаҳар чеккасига олиб ўтди. Бир неча минутдан сўнгра арава тўғри иккита мўрисидан ҳалқа-ҳалқа қалин тутун чиқараётган «Авраам Линкольн»ининг кўчма кўприкчаси олдига келиб тўхтади.

Юкимиз бир зумда кемага ортилди. Мен трапдан юғриб бора туриб, капитан Фарагутни қаердан топса бўлади, деб сўрадим. Матрослардан бири мени кўприккача бошлаб бориб, очиқ чеҳрали новча денгизчини кўрсатди. У менга қўлини узатди.

— Жаноб Пьер Аронаксми? — сўради у.

— Худди шундай,— жавоб бердим мен.— Капитан Фарагутмисиз?

— Шахсан ўзлари. Хуш келибсиз, жаноб профессор! Каюта сизга мунтазир.

Мен таъзим қилдим ва кетиш олдидаги доғзарб дақиқаларда капитанга халақит бермаслик учун матросдан ажратилган каютани кўрсатишини сўрадим.

«Авраам Линкольн» назарда тутилган экспедиция учун жуда мос эди.

У тезликни соатига ўн саккизу, ўндан уч милягача еткази оладиган, энг такомиллашган машиналар билан жиҳозланган тезюрар кема эди. Сирасини айтганда, шу катта тезлик ҳам гигант нарвални қувишга етарли эмасди.

Кеманинг ички жиҳозлари ҳам унинг денгизда сузиш сифатларидан қолишмас эди. Менга ажратилган каюта кеманинг қуйруқ томонидаги, офицерлар бўлмасида жойлашган бўлиб, у менга жуда маъқул эди.

— Бу ерда яхшилаб жойлашиб олишимиз мумкин,— дедим мен Конселга.

— Хўжамнинг рухсатлари билан айтмоқчиманки, бу ер маконидан ажралган қисқичбақа шиллиқкуртнинг чиганогига жойлашиб олгандай гап бўлар экан-да,— деди менинг олим хизматкорим.

Мен Конселни чамадондаги нарсаларни чиқариб олиш учун каютада қолдириб, ўзим жўнашга тайёргарликни кўриш мақсадида кема саҳнига чиқдим.

Худди шу дақиқада Фарагут «Авраам Линкольн»ни Бруклин қирғоғида сақлаб турган арқонни ечишга буйруқ берди. Чорак соат кечикканимда «Авраам Линкольн» менсиз сузиб кетиб, фавқулодда қизиқ экспедицияга иштирок этолмас эдим. Сирасини айтганда, ҳар бир нарсага ишончсизлик билан қарайдиган одамлар бу экспедициянинг энг ҳаққоний тафсилотига ҳам ишонмасалар ажаб эмас.

Капитан Фарагут нарвалга қарши юришни бир кун эмас, ҳатто бир соат, лоақал бир дақиқага ҳам кечиктиргиси йўқ эди.

У кема инженерини чақирди.

— Буғ босими етарлими?— сўради у.

— Худди шундай, капитан.

— Секин юрилсин!— буйруқ берди капитан.

Сиқилган ҳаво ҳаракатга келтираётган телеграф орқали бу буйруқни олган механик кемани ишга туширадиган ричагни айлантирди.

Буғ вишиллаб цилиндрларга ўтди ва поршенлар эшкани айлантирадиган валларни ҳаракатга келтирди. Винтнинг ясси парраклари борган сари тезроқ айлана бошлади ва «Авраам Линкольн»ни кузатувчилар билан лиқ тўла

юзлаб кема ва шатакчи пароходчалар ҳамроҳлигида салобат билан сузиб кетди.

Бруклин қирғоқлари томошага келганлар билан тўлиб кетган эди. Минглаб томоқларни қириб чиққан уч марта «ура» садоси момақалди роқнинг гумбурлашидай янгради. «Авраам Линкольн» Нью-Йорк жойлашган ярим орол четидан Гудзон дарёси суёига кириб олгунча минглаб дастрўмоллар оломон боши узра ҳавода ҳилпираб, кемани табриклаб турди.

«Авраам Линкольн» Гудзон дарёси оқимига қараб пастга сузиб, ҳашаматли уйлақ занжирдай тизилишган Нью-Жерсей ёқалаб бориб, қўрғонлар ёнидан ўтаётганида, уларнинг тўндан ўқ узиб бераётган салютларига жавобан қуйруқ томондаги ўттиз тўққизта юдуз билан безатилган байроғини уч марта кўтариб туширди. Шундан сўнг кема юришини секинлатиб, денгиз каналининг кемалар юрадиган ва бакенлар<sup>1</sup> билан белгилаб қўйилган лойқа фарватерига кириб, яна минглаб томошабинлар табриклаётган қумлоқ Сэнди-Гукни ортда қолдириб, очиқ денгизга чиқиб олди.

Турнақатор бўлиб келаётган кемачи ва шатакчилар «Авраам Линкольн»ни чироқлари Нью-Йорк портига қираверишни ёғду билан кўрсатиб турган сузги<sup>2</sup> маякларга ча кузатиб келишди.

Кундуз соат уч эди. Лоцман нарвончани ташлади, эшакли қайиқ уни тезда кемага етказди ва «Авраам Линкольн» тезлигини ошириб, Лонг-Айленд соҳиллари бўйлаб сузиб кетди.

Кечқурун соат саккизларда Файр-Айленд чироқлари кўринмай қолди ва кема шитоб билан Атлантик океаннинг қорамтир суви бўйлаб илгарилаб кетди.

### *Тўртинчи боб*

#### НЕД ЛЕНД

Капитан Фарагут яхши денгизчи, ўзи командирлик қилаётган ажойиб кемага муносиб киши эди. Кема билан у гўё бир бутун яхлит танаю, капитан мия вазифасини

<sup>1</sup> Бакен — кемалар юрадиган сувларда хавфли жойларни кўрсатиш учун лангарга боғлаб қўйилган сузгич.

базарарди. У нарвалнинг мавжудлигига сира шубҳаланмас, бинобарин, ўзи бор жойда бу борадаги баҳсга мутлақо йўл қўймас эди. Баҳайбат махлуқ мавжуд ва капитан денгизни ундан холи этади. У шунга қасам ичган эди.

Ё капитан Фарагут нарвални ўлдиради ёки нарвал капитан Фарагутни ўлдиради — бошқача бўлиши мумкин эмас!

Кема офицерлари ўз капитанларининг ишончига қўшиллар эдилар. Офицерларнинг яқин орада баҳайбат махлуқ билан учрашиш ва унинг юриш тезлиги ҳақидаги баҳсларини эшитиб ҳузур қиларди киши. Ҳатто одатда қоровуликда туришни мажбурият остидаги зерикарли бир нарса, деб ҳисоблайдиган офицерлар ҳам бу галги рейсда ортиқча навбатчилик қилишга ҳамиша тайёр эдилар.

Ҳали қуёш осмон гумбазида кундузги йўлини давом эттирар, кемада тўда-тўда бўлиб турган матрослар баҳайбат махлуқни топиш ниятида денгизни кузатмоқда эдилар. «Авраам Линкольн» эса ҳали Тинч океандан узоқда эди!

Кема экипажи нарвални учратиш, уни гарпунга<sup>1</sup> илинтириб, кемага тортиб чиқариш ва бурдалаб ташлаш иштиёқида ёнар эди. Команданинг бир қисми бутун ишдан бўш вақтини денгиз сатҳига диққат билан тикилиб туриш билан ўтказар эди. Шунинг ҳам айтиш керакки, капитан Фарагутнинг ўзи буни маъқуллаб, икки минг доллар мукофот кўйда қилди. Бу мукофот нарвални биринчи бўлиб кўриш бахтига муяссар бўлган юнга, матрос, боцман ёки офицерни кутар эди. Шундай бўлгач, кема экипажи қанчалик берилиб денгизга тикилиб туришини тасаввур қилиш қийин эмас!

Менга келганда, шунинг айтишим керакки, кема бортларида кун бўйи астойдил туришда бошқалардан сира қолшмасдим. Ёлғиз Консель ҳаммани қизиқтираётган масалага бефарқ қараб, умум ишига қўшилмас эди.

Капитан Фарагут ўз кемасини жуда улкан китларни овлаш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаган эди. Биронта кит овловчи кема денгизга бунчалик жиҳозланиб чиқмаган бўлса керак.

Бизда қўл гарпунидан тортиб, махсус тўпдан отиладиган арра тишли ўққача — ҳозирги замоннинг кит овлайдиган барча ускуналари бор эди. Кема тумшугида ўзининг

---

<sup>1</sup> Гарпун — узун арқонга боғлаб денгиз ҳайвонларига отиладиган найза.

тўрт килограммли снарядларини ўн олти километр масофага ота оладиган такомиллашган тезотар қурол турар эди.

Хуллас, «Авраам Линкольн» командасининг ўлим келтирувчи қуроллари етарли эмас, деб нолишига ўрин йўқ эди. Булар камлик қилгандай, кемада гарпунчилар қироли Нед Ленднинг ўзи ҳам бор эди!

Нед Ленд асли канадалик бўлиб, дунёдаги ўта эпчил кит оловчи, бу хатарли ҳунарда унга тенг келадигани йўқ эди. У ўтакетган даражада совуққон, чаққон, шижоатли ва фаросатли одам эди. Унинг даҳшатли гарпунидан қутулиб кетиш учун жуда маккор кит, ғоят муғомбир кашалот бўлиши керак.

Нед Ленднинг ёши қарийб қирққа бориб қолган. Бўйи салкам олти фут келадиган новча, бақувват, баджаҳл одам. У одамови, тажанг ва сал нарсага тезда тутаклиб кетарди.

Унинг ташқи қиёфаси киши диққатини беихтиёр ўзига жалб қилар, айниқса узоқни аниқ кўра оладиган кўзлари юзига аллақандай ўзига хослик бахш этар эди.

Менимча, капитан Фарагут машҳур кит оловчининг экспедицияда қатнашишга жалб этиб, жуда тўғри иш қилган. Бақувват қўл ва ўткир кўз керак бўлиб қолса, унинг ёлғиз ўзи бутун экспедициядан кўра кўпроқ иш қилади.

Нед Лендни кучли телескоп, шу билан бирга ҳамшиша шай турган ўқлоғлиқ тўп билан тенглаштириш мумкин.

Канадалик, айни вақтда, француз Нед қанчалик одамови бўлмасин, аммо шуни айтишим керакки, у мен билан тез орада танишиб олди. Эҳтимол у француз тилида гаплашиш имконияти туғилганидан қувонгандир. Канаданинг айрим вилоятларида Рабле<sup>1</sup> вақтларидан сақланиб қолган қадимий француз шеvasини мен ҳам ҳузур қилиб тинглар эдим.

Нед Ленд ҳали бу шаҳар Францияга тобе бўлган қадим замонларда жуда кўп шижоатли денгизчиларни етказиб берган эски квебеклар хонадонига мансуб эди.

Бизнинг Нед билан бўлган суҳбатларимиз борган сари жонлана бошлади. Мен унинг қутб денгизларидаги саргуваштларини мириқиб тинглар эдим. Унинг ов ва олишувлар тўғрисидаги ҳикоялари шу қадар содда ва шеирона эдики, баъзан қутб мамлакатлари «илиада»сини ашула

<sup>1</sup> Рабле Франсуа (тахминан 1495—1553 йиллар) — Уйғонув давридаги энг йирик француз ёзувчиси.

қилиб айтаётган аллақандай канадалик Гомерни тинглаётгандай туюларди менга.

Мен бу жасур кишини ҳозир билганимча таърифляяпман. Биз эски қадрдон дўстлармиз ва даҳшатли синов кунларида туғилган дўстлигимиз мустаҳкам ва бузилмасдир.

Баҳайбат денгиз махлуқи борасида Нед Ленднинг фикри қандай эди? Эътироф этишим керакки, у нарвалнинг мавжудлигига ишонмас эди ва кемада кўпчиликнинг шу ҳақдаги фаразларига қўшилмайдиган ягона киши эди. Бир гап мен шу мавзуда гап очиб, унинг фикрини билмоқчи эдим, индамай қўя қолди.

Йўлга чиққанимизга уч ҳафта бўлганда, 30 июлда, кемамиз Патагониядан ўттиз миля масофада Байа-Бланк яқинида борарди. Козерог тропигидан ўтдик ва энди Магеллан бўғози биздан етти юз миляга етар-етмас жанубда эди. Яна саккиз кундан кейин «Авраам Линкольн» Тинч океан сувларида суза бошлайди!

Мен Нед Ленд билан ютда<sup>1</sup> ўтирар эдим. Биз тубига инсон кўзи етмаган сирли денгизга қараб, турли мавзуларда гаплашиб ўтирар эдик. Иттифоқо содир бўлган қулай бир фурсатдан фойдаланиб, мен улкан нарвал ҳақида гапириб қайси шароитларда экспедициямизнинг муваффақият қозониши ёки муваффақиятсизликка учраши юзасидан мулоҳазаларимни айтдим. Аммо Нед Ленд чурқ этмай ўтирганини кўриб, унинг олдига масалани кўндаланг қўйдим:

— Биз қидириб бораётган баҳайбат нарвалнинг мавжудлигига қандай шубҳа қилишингиз мумкин? Ишонмаслигингизга бирор асос борми?

Гарпунчи бир лаҳза менга индамай қараб турди. Саволимга жавоб беришдан олдин одатича, фикрини бир жойга тўплаётгандай пешанасига уриб, кўзини юмиб олгандан кейингина бундай деди:

— Балки бордир, жаноб Аронакс.

— Менга қаранг, Нед, сизнинг касбингиз гарпунчилик. Ўз даврингизда юзлаб катта денгиз сутэмизувчиларини кўргансиз, бинобарин, китсимон катта бир мавжудотнинг бўлиши мумкинлигига бошқалардан кўра сиз кўпроқ ишонингиз керак-ку, ахир!

— Худди шу масалада хато қиласиз, жаноб профессор,— деб жавоб берди Нед.— Ҳеч нарсадан хабарсиз одамга ер шарининг ички пардасида баҳайбат ҳайвонлар бор де-

<sup>1</sup> Ют — кемада юқори палубанинг қуйруқ қисми.

йилса, ишонши турган гап. Аммо бу сафсатага геолог сира ишонмайди. Кит овловчи ҳам худди шундай. Мен озмунча кит ва нарвалларнинг кетидан қувиб ўлдирмадим. Аммо улар қанчалик катта ва бақувват бўлмасин, на думлари, на шохлари билан пўлат қопланган пароходни уриб тешишга кучлари етмайди.

— Аммо, Нед, нарвал тиши билан пароход бортини тешган пайтлари бўлган.

— Ёғочдан ясалганларни, профессор, ёғоч пароходларни!— эътироз билдирди Нед.— Ҳа, яна шунини эътироф этишим керакки, мен бунга унчалик ишонмайман. Шахсан мен бунақасини кўрмаганман. Бинобарин, ўз кўзим билан кўрмагунимча кашалотлар, китлар ёки нарваллар ҳалокат келтиришига, «Шотландия» корпусидагидай тешик очишига ишонмайман.

— Менга қаранг, Нед...

— Йўқ, профессор, йўқ. Нима десангиз денгу, аммо бу ҳақда гапирманг. Эҳтимол жуда катта саккизоёқ...

— Асло мумкин эмас, Нед! Саккизоёқ чиганоқ билан қопланган, юмшоқ танли жуда катта умуртқасиз жонивор. Унинг бўйи беш юз фут бўлганда ҳам саккизоёқ умуртқасизлигича қолади ва бинобарин, у «Шотландия» ёки «Авраам Линкольн» сингари кемалар учун мутлақо хавфсиздир. Саккизоёқлар кемалар учун хавфли деган миш-мишларга чек қўйиш пайти келди.

— Хуллас, жаноб табиатшунос,— деди Нед киноя билан,— улкан нарвалнинг мавжудлигига имонингиз комил, шундайми?

— Ҳа, Нед, бунга имоним комил ва бу сира рад этиб бўлмайдиган бир неча фактларга асосланган. Менинг улкан китсимон ҳайвонлар борлигига, улар китлар, кашалотлар ва дельфинлар сингари умуртқалилар туркумига киришига ҳамда жуда бақувват тишлари, шохлари ёки қозиқ тишлари мавжудлигига шубҳам йўқ.

— Ҳмм!— дея гўлдиради гарпунчи ишонқирамай бошини қимирлатиб.

— Шунини ҳам билиб қўйинг, азизим,— дея давом этдим мен,— агар шундай махлуқ океан қаърида — сув сатҳидан бир неча миля пастда яшаса унинг организми жуда бақувват бўлиши керак.

— Нега энди?— сўради Нед.

— Чунки бундай чуқурликда ғоят катта сув босимида бардош бериб туриш учун бениҳоя бақувват бўлиши керак.



— Ростданми?— деди Нед ишончсизлик билан кўзини қисиб.

— Ҳа, худди шундай. Бунинг исботи учун сизга баъзи бир рақамлар келтираман.

— О, бу рақамлар!— деди чўзиб Нед.— Рақамлар билан истаган нарсани исботласа бўлади...

— Ҳамиша ва истаган нарсани эмас, Нед. Мана қулоқ солинг. Бир атмосфера босимининг баландлиги ўттиз икки футли бир сув устуни босимига тенг деб фараз қилайлик. Ҳақиқатда эса сув устунининг баландлиги анча паст бўлиши ҳам мумкин, чунки денгиз суви чучук сувга нисбатан зичроқдир. Шундай қилиб, Нед, сувга шўнғиганингизда танангиз денгиз сатҳидан неча ўттиз икки футли сув устунига пастда бўлса, ҳар бир квадрат сантиметрига шунча атмосфера босим, яъни шунча килограмм оғирлик тушади. Демак, уч юз йигирма фут чуқурликда бу босим ўн атмосферага, уч минг икки юз фут чуқурликда юз атмосферага ва ўттиз икки минг футда, яъни тахминан икки ярим миля чуқурликда минг атмосферага тенг бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар сиз шу чуқурликда бўлсангиз, танангизнинг ҳар бир квадрат сантиметрининг минг килограмм ёки бир **тонна** босим босиб туради. Ҳа, айтгандай, азизим, танангиз неча квадрат сантиметрининг биласизми?

— Бундан мутлақо беҳабарман.

— Сал кам ўн етти минг.

— Шунчалик кўпми?

— Аслида эса атмосфера босими ҳар бир квадрат сантиметрга бир килограммдан ортиқроқ куч билан таъсир этади. У ҳолда танангиздаги ўн етти минг квадрат сантиметрлик умумий сатиҳга ўн етти минг беш юз олтиш саккиз килограмм куч билан таъсир этади.

— Шунча оғирлик тушганини сезмайманми?

— Ҳа, сиз буни сезмайсиз. Бу катта оғирлик сизни эзиб қўймаслигининг сабаби шуки, ичингиздаги ҳаво бу босим билан мувозанатлашади. Шунинг учун сиз ҳеч нарсани сезмайсиз. Аммо сувга тушгудай бўлсангиз бу мувозанат йўқолади...

— Тушуняпман,— изоҳим қизиқтираётгандай сўзимни бўлди у.— Атрофимни сув ўраб олади, аммо танамнинг ичига қирмайди!

— Ҳа, балли, Нед. Шундай қилиб, ўттиз икки фут чуқурликда ўн етти минг беш юз олтиш саккиз килограмм босим остида бўласиз; уч юз йигирма футда босим ўн ба-

равар ошади, яъни бир юз етмиш беш минг олти юз саксон килограммга тенг бўлади. Уч минг икки юз футда у юз баравар ошади ва бир миллион етти юз эллик олти минг саккиз юз килограммга етади ва ниҳоят ўттиз икки минг футда минг баравар кўпаяди ва сиз ўн етти миллион беш юз олтиш саккиз минг килограммлик босим орасида бўласиз. Бошқача қилиб айтганда, бирпасда пачогингиз чиқиб, улкан гидравлик болға остидан чиққандай, юпқа япроққа айланасиз.

— Ё тавба!— дея хитоб қилди Нед.

— Шундай қилиб, азизим, агар бундай чуқурликда узунлиги бир неча юз метрли умуртқали ҳайвон яшай олса, унинг миллионлаб квадрат сантиметр танаси жуда кўп миллиард килограмм босимга бардош бера олиши керак. Ана энди бу ҳайвонларнинг шунчалик катта босимда яшашлари учун мушаклари қанчалик бақувват ва организмлари қанчалик чидамли бўлиши кераклигини бир ўйлаб кўринг-а!

— Бундан чиқди уларнинг танаси зирҳли кема сингари саккиз дюмли қалин темир билан қопланган экан-а,— деди канадалик.

— Жуда тўғри, Нед. Ана энди сувда энг тез юрар поездларимиз каби тез ҳаракат қила оладиган шундай ҳайвон кема билан тўқнашганда қанчалик зарар етказиши мумкинлигини тасаввур қилиб кўринг.

— Ҳа... рост-а...— дея бу ҳисоблардан доврираб гўдирлади канадалик ҳануз таслим бўлгиси келмай.

— Хўш, сизни ишонтира олдимми?

— Сиз мени, жаноб профессор, бир нарсага — агар шундай ҳайвонлар ҳақиқатан ҳам океан қаърида яшаса, улар жуда кучли бўлишлари кераклигига ишонтирдингиз.

— Оҳ, қандай қайсар одамсиз-а! Агар улар океан қаърида бўлмаса, «Шотландия» билан бўлган воқеага нима дейсиз?

— Эҳтимол...— деди ишонқирамай Нед.

— Ҳа, гапира қолинг!

— Эҳтимол... бундай воқеа бўлмагандир!— тўнғиллади канадалик.

Бироқ, бу жавоб гарпунчининг қайсарлигидан далолат берарди, холос. Уша кунни мен уни ишонтиришга бошқа ҳаракат қилмадим. «Шотландия» билан шундай воқеа бўлгани аниқ эди. Кема чинакамига тешилган эди. Ҳатто тузатиб олишга тўғри келди. Уйлайманки, шундай

махлуқнинг мавжудлигига бундан ортиқ далил ахтаришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу тешик ўз-ўзидан пайдо бўлмагани ҳам аниқ. Иккинчи томондан эса кеманинг сўз остидаги тош ёки қояга бориб урилгани тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Модомики, шундай экан, денгиз ҳайвонининг даҳшатли тиши борлигини тан олишдан бўлак чора қолмайди.

Шахсан мен юқорида баён этилган фикрларга асосланиб, бу ҳайвонни умуртқалилар туркумига, сутәмизувчилар синфи ва китсимонлар гуруҳига мансуб, деб биламан. Оиласи масаласига келганда уни китлар, кашалотлар ва дельфинлар оиласига қўшиш лозим. Ниҳоят, қайси турданлигига фақат келажак жавоб бериши мумкин.

Бу масалани ҳал этмоқ учун номаълум махлуқни ёриб кўриш керак; ёриш учун эса аввал уни тутиш зарур; тутиш учун уни гарпунлаш лозим — бу Нед Лендга тегишли; гарпунлаш учун уни кўриш керак — бу бутун экипажнинг иши; кўриш учун уни учратиш керак — маъна буниси энди тасодифга боғлиқ.

### **Бешинчи боб**

#### **КҮР-КҮРОНА ҚУВИШ**

«Авраам Линкольн» суза бошлаган дастлабки кунларда ҳеч қандай воқеа рўй бермади. Фақат бир кун Нед Ленд ҳайратомуз санъатини намойиш қилишига жудала қулай фурсат келиб қолди. Гарпунчи ана ўшанда унга бемалол ишонавериш мумкинлигини амалда кўрсатди.

Фалькленд ороллариغا яқинлашганда «Авраам Линкольн» Америка кит овловчи кемаси «Монроэ»ни учратди. Унинг командаси нарвал ҳақида ҳеч нарса эшитмаган эди. Аммо «Монроэ»нинг капитани «Авраам Линкольн»да машҳур Нед Ленд борлигини эшитиб, қувиб келинаётган китни овлашда ёрдам беришини сўради. Нед Ленднинг қандай ишлашини кўришга иштиёқманд бўлган капитан Фарагут гарпунчига «Монроэ»га ўтишга рухсат берди.

Канадаликнинг омади келди. Битта кит ўрнига у иккитасини гарпунлади. Биринчисини юрагига гарпун санчиб, ўша заҳотиёқ ўлдирди, иккинчисини эса бир неча минут таъқибдан кейин саранжомлади.

Вақти соати келиб баҳайбат махлуқ Нед Ленднинг гарпунига дучор бўлса, ундан тирик қутулиши амри маҳол!

Кема жуда катта тезлик билан Американинг жануби-шарқий соҳиллари бўйлаб сузар эди. 3 июлда биз Магеллан бўғозининг кираверишидаги Дев бурунига етиб келдик.

Бироқ капитан Фарагут бу илон изи бўғозни четлаб ўтиб, Горн буруни томон йўл олди.

Экипаж унинг бу ишени яқдиллик билан маъқуллади.

Дарҳақиқат, нарвални бу тор бўғозда учратиш эҳтимолдан узоқ эди. Кўп матрослар баҳайбат махлуқ «Магеллан бўғозидан ўтишга семизлик қилиб қолади» деган фикрда эдилар.

6 июль куни тушдан кейин соат учга яқин «Авраам Линкольн» Америка қитъаси тугайдиган жойда ташландиқ бўлиб қолган ва голландиялик денгизчилар ўзларининг жонажон шаҳарлари шарафига Горн буруни деб аташган ўша ёлғиз оролча, ўша қояни айланиб ўтди. Кема шимоли-ғарб томонга йўл олди ва унинг вишти Тинч океан сувларини кўпиртира бошлади.

— Кўз-қулоқ бўлиб тур! Кўз-қулоқ бўлиб тур! — дейишарди «Авраам Линкольн» матрослари.

Улар чиндан ҳам кўз-қулоқ бўлиб туришар эди. Иккинчидан доллар мукофотнинг дарагини эшитиб, қизиқиб қолган одамлар океан сатҳидан сира кўз узмас эдилар. Кўзлар ва дурбинлар кеча-ю кундуз бир секунд ҳам тиним билмас эди.

Никталоларнинг — кечаси ҳам кундуздагидек аниқ кўра билиш қобилиятига эга бўлган кишиларнинг мукофотни олишга ҳамма қатори кўрадиганларга нисбатан икки барабар кўпроқ имкониятлари бор эди.

Гарчанд мукофот мени қизиқтирмаса-да, кун бўйи денгиздан кўз узмай, қараб турар эдим. Суткасига уч-тўрт соатгина ухлаб, наридан-бери овқатланиб олиб, қолган вақтимни қимир этмай палубада ўтказар эдим.

Гоҳ кеманинг олд томонидаги панжарадан энгашиб, гоҳ кема қуйруғига келиб, кўзим илғаган жойгача эшкак валларидан ҳар томонга сачраётган бир хилдаги кўшикларга суқланиб боқар эдим.

Кўпинча уфқда китнинг қораси кўзга чалиниб қолар, шундай пайтларда бутун экипаж билан бирга мен ҳам жуда қаттиқ ҳаяжонланардим! Бундай кезларда бир зум-

даёқ бутун экипаж кема сахнига югуриб чиқар эди. Ҳамма ҳам энтика-энтика кўзини катта очиб, китнинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатар эди. Мен ҳам қарардим, кўз олдим хиралашгунча кузатардим.

Бундай пайтларда тепса тебранмас Консель менга бамайлихотир мурожаат қилар эди:

— Хўжам, кўзларини йирмай қарасалар яхшироқ кўрардилар.

Бироқ ҳар гал ҳам ҳаяжонимиз бекор кетар эди. «Авраам Линкольн» тахмин қилинган душманга яқинлашиб, унинг оддий кашалот ёки китлигини кўриб, яна йўлида давом этар, команда эса гуноҳсиз жонивор бошига лаънатлар ёғдирар эди.

Ҳаво ҳамиша яхши бўлиб турди. Жанубий ярим шарда июль шимолдаги январга тўғри келиб, одатда бундай кезларда айни ёгингарчилик бўлишига қарамай, сафаримиз жуда яхши шароитда давом этди. Денгиз сокин, атроф яққол кўринар эди.

Нед Ленд ўша ишончсизлигида қаттиқ туриб олган эди. Буни намойиш қилиш учун қоровулликдан бўшаган соатларда кит кўринмаса денгизга атайлаб қарамас эди.

Шуниси алам қилар эди. Чунки унинг гоят ўткир кўзлари экспедицияга жуда катта фойда келтириши мумкин эди-да.

Аммо қайсар канадалик йигирма тўрт соатдан ўн олти соатини каютада ўтказишни маъқул кўрарди.

Мен унинг бепарволигини юз марта юзига солдим.

— Бекордан-бекорга кўзни толиқтиришнинг нима кераги бор, профессор,— деб жавоб берар эди у менга.— Аввало, ҳеч қанақа нарвалнинг ўзи йўқ, борди-ю, бирор жонивор мавжуд бўлганда ҳам у билан тўқнашувга бизда қандай асос бор? Ахир биз уни кўр-кўрона, таваккал қилиб қувяпмиз. Аллақандай кема, дарҳақиқат, бу тутқич бермас ҳайвонни Тинч океанида учратди ҳам дейлик. Аммо шундан буён орадан қарийб икки ой ўтди. Ўша нарвалнинг характериға қараганда, у бир жойда узоқ муддат қаққайиб туришни ёқтирмайди. Сиз ўзингиз уни жуда тез ҳаракат қилади, деб айтяпсиз. Уйлайманки, ҳеч нарсани мақсадсиз яратмаган табиат, шамол тезлигида ҳаракат қиладиган ўша мавжудотни табиатан жуда вазмин қилиб ҳам яратмаган бўлса керак десам, фикримга қўшиларсиз. Бинобарин, борди-ю, бу ҳайвон мавжуд бўлганда ҳам, у бу ердан анча узоқда!

Бу фикрни бир пима деб рад этиш қийин эди. Биз дарҳақиқат кўр-кўрона сузар эдик. Аммо бошқа пима ҳам қила олардик. Нед Ленд — ҳақ: бизнинг баҳайбат махлуқ билан учрашувимизга деярли умид йўқ эди. Шунга қарамай, экспедициянинг барибир муваффақиятли ту-гашига ҳеч ким шубҳаланмасди.

20 июлда биз Козерог тропигини узунликнинг 105-градусида иккинчи марта кесиб ўтдик, ўша ойнинг 27-сида узунликнинг 110-градусида экватордан ўтдик. Уша куннинг ўзандаёқ, кема жанубга, Тинч океаннинг марказий ҳавзаси томон йўл олди. Капитан нарвални қуруқликлар ва ороллардан узоқда, суви чуқур зоналарда қидириш керак, деган қатъий фикрда эди. Боманимизнинг фикрича, баҳайбат махлуқ «афтидан денгиз уни қа-ноатландирадиган даражада чуқур бўлмаганидан» бу ер-ларга келмаган.

Шундай қилиб, кема Паумоту, Маркиз, Сандвичев ороллари ёнидан ўтди-да, Рак тропигини узунликнинг 132-градусида кесиб, Хитой денгизи томон йўл олди.

Мана, ниҳоят биз баҳайбат махлуқ сўнги марта уч-раган жойга етиб келдик! Ҳамманинг юраги шу қадар тез гупшалаб урардики, бу аҳволда юрак касаллигининг кемада кенг тарқалиши ҳеч гап эмас эди. Миядан кет-майдиغان бу фикрдан бутун экипаж васвасага тушиб қол-ган эди. Одамлар ухлашмас, овқат ҳам эмас эдилар, кунига йигирма мартадан кўз алданиб қаттиқ ҳаяжонла-ниш, лекин ҳар гал кутилган умид чиппакка чиққанда, экипаждагиларнинг асаблари бузилар, бунинг оқибати яхши бўлмаслиги аниқ эди.

Дарҳақиқат, тез орада бунинг таъсири сезила бошла-ди. Ҳар бир куни юз йилдай туюлган уч ой давомида «Ав-раам Линкольн» Тинч океаннинг шимолӣ қисмининг ҳам-ма томонини кезиб чиқди. Кема кўзга чалинган китлар ортидан қувар, гальсдан-гальсга<sup>1</sup> бурилар, тўсатдан тўхтар, машинани бошқаришни хатарда қолдирадиган даражада буғни гоҳ ошириб, гоҳ камайтириб борарди. Япония со-ҳилларидан тортиб Америка қитъасигача бирон нуқтаги ҳам эътиборидан четда қолдирмади. Аммо бу жуда катта масофада ҳеч нарса, ҳа, ҳеч нарса учрамади, лоақал ўша гигант нарвалгами ёки сувости оролчасигами, ҳалокатга учраган кема синиғигами, ҳаракатланувчи сув ости қоягами

<sup>1</sup> Г а л ь с — кеманинг шамол йўналишига томон юриши.

ёки бошқа бирор балога бўлса ҳам ўхшайдиган нарсага дуч келинмади. Ҳа, ҳеч нарсага!

Ола-говур бошланди. Умидсизлик ишончсизликка йўл очиб берди. Экипажни оғир бир ҳис қийнай бошлади. Бунинг ўндан уч қисми хижолат бўлса, ўндан еттиси алам эди.

Ҳар бир киши бу бўлмағур сафсатага ишониб, аҳмоқ бўлганидан уялар эди. Аммо алам ҳисси уялишдан баттарроқ қийнади. Бунинг исботи учун бир йил давомида аста-секин йиғилган далиллар бир кун иўртага тўкиб солинди. Энди ҳар бир киши беҳуда сарфланган вақтни қоплаш йўлини ахтарарди.

Одамзоднинг ақлига хос ўзгарувчанлик билан кишилар ўзларини ҳар томонга уриб кўрар эдилар. Экскурсиянинг энг қизгин тарафдорлари унинг ашаддий душманларига айландилар. Ишончсизлик тўлқини бутун кемани — трюмлардан тортиб кают-компанияларгача забт этди. Агар капитан Фарагут нимагадир ўжарлик билан қаттиқ туриб олмаганида, «Авраам Линкольн» ўша заҳоти тумшугини жануб томонга буриб олган бўлар эди.

Бироқ бу бефойда излашлар гўхтовсиз давом этавериши мумкин эмас эди. «Авраам Линкольн»га таъна қилиш ўринсиз эди. Кема топшириқни бажариш учун нимаики ундан лозим бўлса, ҳаммасини қилди. Америка кема командаси ҳеч қачон шунчалик гайрат ва шижоат кўрсатмаганди. Экспедициянинг муваффақиятсизлиги учун деярли унда айб йўқ эди. Афтидан, қайтишдан бўлак чора қолмаганга ўхшайди...

Капитан Фарагутга кема экипажи томонидан тегшли баёнот берилди. У рад этди.

Матрослар ўз норозилиklarини яширмас эдилар ва кемада интизом бўшашди. Мен кемада ғалаён бўлди, деёлмайман. Аммо капитан Фарагут узоқ давом этмаган қаршиликдан сўнг, ўз вақтида Колумб қилганидай экипаждан уч кун сабр қилишни сўрашдан бўлак иложи қолмади. Агар шу уч кун мобайнида баҳайбат махлуқ топилмаса, рулни бошқарувчи киши штурвални айлантиради ва «Авраам Линкольн» орқасига қайтади.

Бу ваъда 2 ноябрда берилган эди. Шундан кейин команда кайфияти бир зумда кўтарилиб кетди. Одамлар яна диққат билан тўлқинларга қарай бошладилар. Дурбинлар ва кузатув трубалари яна ишга тушди. Бу гигант нарвалга қилинаётган сўнгги чақириқ эди.

Шу зайлда икки кун ўтди. «Авраам Линкольн» секин юриб борар эди. Мабодо нарвал яқин орада бўлса, деган умидда команда уни жалб этиш учун минг хил нарса ўйларди.

Кема ортидан тўда-тўда бўлиб келаётган акулаларга парча-парча ёғ ташланар эди. Кемадаги эшкакли қайиқлар денгизнинг ҳамма томонларини, сув сатҳининг ҳар бир квадрат метригача синчковлик билан кўриб айланишди.

4 ноябрнинг кечки пайтигача ҳам сир сирлигича қолаверди.

Кейинги куни, 6 ноябрь, пешиндан кейин белгиланган муддат тугади. Соат сўнгги бор бонг уриши билан капитан Фарагут берган сўзига биноан, кемани жануби-шарққа буриши ва Тинч океanning шимолий қисмидан чиқиб кетиши керак эди.

Шу пайтда кема шимолий кенгликнинг 31-градус, 15 минути ва шарқий узунликнинг 136-градус, 42 минутиди эди. Япония биз турган жойдан салкам икки юз миля масофада эди. Кеч кира бошлади. Соат саккизга занг урди. Қуюқ булутлар бир ҳафталик ойнинг нигичка ўроғини ўраб олишди. Денгиз кемани бир маромда чайқаб турар эди.

Шу дақиқада мен штирбортда<sup>1</sup> кема панжарасига суяниб турардим. Консель ёнимда лоқайдлик билан олдинга тикилиб турар эди. Рейга<sup>2</sup> чиқиб олган матрослар қоронғи чўкиши билан тобора кичрайиб бораётган уфқни кўздан кечиар эдилар. Офицерлар тунги дурбишларини океан сатҳига қаратдилар. Аҳён-аҳёнда ой нури булутларни ёриб чиқиб, тўлқинларга кумуш ранг жило берар, бироқ шу захотиёқ булутлар ёғдунини ўз қаърига олиб, яна ҳамма ёққа қоронғилик чўкар эди.

Мен Консельга қарардим. Назаримда шу давр ичида у ҳам биринчи марта умум ҳаяжони таъсири остида қолгандай бўлиб кўринди.

— Ҳа, Консель,— сўрадим мен,— икки минг доллар ишлаб олишнинг сўнгги имкониятларидан фойдаланиб қолай деяпсанми?

— Хўжамнинг рухсатлари билан у кишига шу нарсани маълум қилмоқчиманки, мен бу мукофотни олишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ,— дея жавоб қайтарди Консель,— Қўшма Штатлар ҳукумати худди шунингдек юз минг дол-

<sup>1</sup> Штирборт — кеманинг ўнг томони, чеккаси.

<sup>2</sup> Рей — кема матчасининг кўндаланг тўсини.



лар мукофот ваъда қилганида ҳам давлати камайиб қолмас эди.

— Тўғри айтасан, Консель. У ёғини суриштирсанг, бунинг ўзи бир бемаънилик ва мен ҳам шу экспедицияга қўшилиб, енгилтаклик қилдим. Қанча вақтлар бекор кетди, асаблар қанчалик бузилди! Бундан олти ой муқаддам Францияга етиб олган бўлур эдик...

— Хўжамнинг кичкина уйларига,— гапимни илиб кетди Консель,— унинг музейига. Мен коллекциямизнинг топилмаларини синфларга ажратиб ўтирган бўлардим, хўжам келтирган буғу-тўнгиз зоология боғидан ўрин олиб бутун Парижнинг қизиқувчи кишилари диққатини ўзига жалб этган бўлар эди!

— Ҳа, худди шундай бўлар эди, Консель. Мана энди бутун бу кўргиликлар етмагандек яна биздан куладилар ҳам.

— Шубҳасиз,— бамайлихотир тасдиқлади Консель.— Имоним комилки, хўжамдан куладилар. Билмадим, бу ёғни гапириб ўтиришга арзирмикин...

— Гапир, гапиравер, Консель.

— Менимча хўжамнинг кулги бўлишларига ўзлари сабабчи бўлдилар.

— Ростдашми?

— Одам шунчалик катта олим бўла туриб, таваккалчилик қилмаслиги керак...

Консель ўз мақтовини охирига етказгани ҳам йўқ эди. Атрофда ҳукм сураётган сокинликни бузиб жарангдор овоз эшитилди.

Бу Нед Ленднинг овози эди.

Канадалик қичқирарди:

— Хў-ўй! Ўша нарса мана бу ерда, шамол эсаётган томонда, қаршимизда!

### *Олтинчи боб*

#### ШИТОБ БИЛАН

Бу хитобни эшитган бутун экипаж — капитан, офицерлар, матрослар, юнгалар, ҳатто инженер ва механиклар ўз машиналарини, ўтқарлар ўтхоналарини ташлаб гарпунчи томон югуришди.

Капитан кемани тўхтатишни буюрди.

Кеча қоп-қоронғи эди. Канадаликнинг кўзи ўткирлигини билсам ҳам, шу зулматда қандай қилиб ва нимани кўрди экан, деб ўзимга-ўзим савол берардим.

Юрагим шу қадар қаттиқ тепа бошладики, ҳатто ёрилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас эди.

Бироқ Нед Ленд янглишмабди. Кўп ўтмай ҳаммамиз у қўли билан кўрсатаётган нарсани кўрдик.

«Авраам Линкольн»дан икки кабельт узоқликда штир-борт томондан денгиз ичидан ёритилгандай эди. Бу оддий фосфөр ёғдуси бўлиши мумкин эмас. Баҳайбат махлуқ жуда кўп капитанлар ўз ҳисоботларида кўрсатганларидай сув остида бир неча фут чуқурликда туриб ёрқин, айти вақгда галати бир ёғду таратар эди. Бу ёғдунинг аллақандай ёрқин манбаи бўлиши керак. Океаннинг ёритилган қисми — тухум шаклида бўлиб, унинг марказида жуда ёрқин, чеккаларига қараб ёруғлик камая борарди.

— Бу ёруғлик таратувчи организмлар тўдасидан бошқа нарса эмас!— дея хитоб қилди офицерлардан бири.

— Йўқ, сиз янглишяпсиз!— деб кескин эътироз билдирдим мен. Булар тунда ёғду сочадиган ялтироқ қуртлар ва сальплар бўлса, ҳечам шу қадар ёрқин нур тарата олмасди. Бу ёруғликнинг албатта қандайдир электр манбаи бор... Айтгандай, қаранг... Қаранг! Суриляпти!.. Бизга қараб келяпти!

Кема саҳнида турганларнинг ҳаммаси бирдан қичқириб юборди.

— Жи-им!— Капитан Фарагут буюрди.— Руль чапга! Орқага юрилсин!

Ҳамма ўз жойига отилди.

Буйруқ бир зумда бажарилди ва «Авраам Линкольн» ярим айлана шаклида бурилди.

— Руль ўнга! Олдинга юрилсин!— буюрди капитан Фарагут.

Винт яна ишлаш бошлади ва кема ёрқин ёғду сочаётган манбадан тез чекина бошлади.

Мен янглишдим: кема чекинмоқчи бўлди, аммо ўта гайри табиий махлуқ ундан икки баравар тезроқ юриб, босиб кела бошлади.

Биз нафасимизни ичимизга ютиб, чурқ этмай, қотиб турардик. Бу қўрқув эмас, балки ажабланиш белгиси эди. Ҳайвон ҳазиллашгандай бизни қувиб етди. У ўн тўрт узел тезликда юриб, ўзининг электр нурларини ёруғлик чиқарувчи чанг сингари таратиб, кемадан ўзиб кетди.

Сўнгра у учиб бораётган экспресс локомотиви ортидан қолдирадиган ҳалқа-ҳалқа тутунга ўхшаш ёғду таратиб икки ёки уч миля масофага сузиб кетди. Бироқ баҳайбат махлуқ гўё ҳамла қилиш учун орқага тисарилгандек тўсатдан қоронғилик ичидан чиқиб, «Авраам Линкольн» томон даҳшатли тезлик билан отилди. Худди ўшандай йигирма футлар чамаси нарида тўсатдан тўхтади ва... ўчди. У сувга чўжкани йўқ, у ҳолда таралаётган ёғду аста-секин сўнарди; унга ёруглик бераётган манба кучи бирдан тугаб қолгандай тўсатдан ўчди.

Бирпасдан кейин баҳайбат махлуқ яна пайдо бўлди. Энди у «Авраам Линкольн»ни айланиб ўтдим, остидан ўтдим, кеманинг бошқа томонидан чиқди.

Ҳар дақиқада биз учун ҳалокатли бўлган тўқнашув юз бериши мумкин эди.

Мени кеманинг маневрлари ҳайратга соларди. У баҳайбат махлуқ билан жанг бошлаш ўрнига чап берар, ундан қочар эди. Баҳайбат махлуқни қувиш учун юборилган кема ўзи қувғин ҳолатига тушиб қолди.

Мен бу мулоҳазамни капитан Фарагутга айтдим. Унинг одатдаги вазмин чеҳрасида ҳозир ўта ҳайратланиш аломатлари кўринарди.

— Биласизми, профессор,— дея жавоб қайтарди у менга,— мен қанақа улкан йиртқич билан тўқнашаётганимни билмайман ва бинобарин, бу зулматда ўз кемамни таваккал қилиб, хавф остида қолдирмоқчи эмасман. Бу номаълум махлуққа қандай ҳужум қилиш керак, қайси йўл билан ҳимояга ўтиш керак? Яхшиси, тонг отгунча сабр қилайлик, ана ўшанда ўрнимиз алмашинади.

— Капитан, бу мавжудотнинг табиати ҳалиям сизни шубҳалантиряптими?

— Йўқ, профессор. Бу жуда улкан нарвал бўлса керак, аммо электр нарвал.

— Эҳтимол,— дея давом эттирдим мен,— унга яқинлашиш гимнот<sup>1</sup> ёки сузар минага яқинлашишдай хавфли.

— Бўлиши мумкин,— фикримга қўшилди капитан.— Агар у бунинг устига электр билан зарядланган бўлса, унда чиндан ҳам дунёдаги энг хавфли ҳайвон бўлиши керак. Шунинг учун ҳам эҳтиёт бўлишга қарор қилдим.

Кема экипажи тун бўйи мижжа қоқмади. Ҳеч ким ке-

<sup>1</sup> Гимнот — электр угорь (илон балиқ).

ма саҳнидан жилмади. «Авраам Линкольн» тезликда нарвалга бас келолмаслигига қаноат ҳосил қилгач, юришини секинлатди.

Нарвал ҳам ўз навбатида кемага тақлид қилиб, тўлкинда секин чайқалиб турарди, афтидан, жанг майдонини ташлаб кетгиси йўқ эди.

Аммо, негадир ярим кечада у ғойиб бўлди ёки аниқроқ қилиб айтганда — жуда улкан ялтироқ қуртга ўхшаб ўчди. Қочаётганмикин? Бундай бўлишини орзу қилишдан кўра унга йўл қўймаслик керак эди. Аммо орадан бир соат ўтгач, кичкина тешикдан кучли босим билан ўтаётган сув товушига ўхшаган қулоқни битирувчи овоз эшитилди.

Капитан Фарагут, Нед Ленд ва мен шу пайт кема саҳнида эдик. Биз атрофимизни ўраб олган тун зулматни қаърига тикилганимизча турардик.

— Нед Ленд,— сўради капитан,— китларнинг овоз чиқаришини кўп эшитганмисиз?

— Кўп эшитганман, капитан, аммо ҳозиргача бир кўриниши икки минг доллар келтирган китни учратмаган эдим.

— Сиз чиндан ҳам мукофотга сазовор бўлдингиз. Бироқ айтинг-чи, ҳозир эшитилганингиз китларнинг бурун катакларидан чиқадиган овозга ўхшайдими?

— Овози ўхшайди-ю, аммо ҳаддан ташқари кучли. Қаршимизда қандайдир китсимон ҳайвон турганига шубҳа йўқ ва рухсатингиз билан, капитан, эртага эрталаб унинг қулоғига айтадиган икки оғиз сўзим бор,— деб қўшиб қўйди гарпунчи.

— Агар у сизни эшитишни истаса, Нед,— деб луқма ташладим мен,— аммо негадир бунга унчалик ишонгим келмаяпти.

— Агар мен унга гарпунимнинг тўрт бўйича келадиган масофада яқинлаша олсам,— дея эътироз билдирди каниадалик,— кимлигимни кўрсатиб қўяман.

— Гапингиз тўғри-ю, аммо бунинг учун сизга аниқли қайиқ беришга тўғри келар?— сўради капитан.

— Албатта.

— Эшкакчиларнинг ҳаётини хавф остида қолдириб-а?

— Ҳа, менинг ҳаётимдек,— дея лоқайдлик билан жавоб қайтарди гарпунчи.

Кечаси соат иккига яқинлашганда электр шуъла шамол эсаётган томонда, «Авраам Линкольн»дан беш миля

нарида яна пайдо бўлди. Орадаги шунча масофа, шамол ва денгиз шовқинига қарамай махлуқ думини шалоплатаётгани ва ҳарсиллаб нафас олаётгани аниқ эшитилиб турарди. Нарвал нафас олиш учун сув сатҳига чиққанида, унинг ўпкасига ҳаво шу қадар куч билан ўтар эдики, икки минг кучли машина цилиндрларига буғ қиряпти, деб ўларди киши.

— Оббо! Бутун бошли отлиқ аскарлар полкининг кучига тенг қоладиган кит, чакана китларга ўхшамайди.

Тун эҳтиёт бўлиб кутиш ва жангга ҳозирлик кўриш билан ўтди. Кит овлайдиган қурол-яроқлар кема ёнларига қатор тизиб қўйилди. Капитаннинг иккинчи ўринбосари бир миляга гарпун ота оладиган гарпун тўплари, энг катта махлуқларни ҳам портлайдиган ўқ отиб ўлдирадиган калта бешотар миттиқларни шайлаб қўйишни буюрди. Нед Ленд гарпунини чархлаб олганидан хурсанд эди.

Соат олтида тонг отди. Кун гира-шира ёриши биланоқ нарвал атрофидаги электр ёғду йўқолди.

Соат еттида кун чиқди. Аммо энг яхши дурбинлар ҳам ёриб ўтолмайдиган қалин туман атрофни кўришни мушкуллаштирган эди. Одамлар қанчалик ранжиб, газабланганликларини бир кўз олдингизга келтиринг.

Мен бизаннинг<sup>1</sup> биринчи тўсинига чиқиб олдим. Бир неча офицерлар унда ҳам баландга кўтарилдилар.

Соат саккизда туман тўлқинлар устидан сузиб ўтди ва аста-секин парча-парча бўлиб юқорига кўтарилди бошлади.

Аввалгидай тўсатдан Нед Ленднинг овози эшитилиб қолди.

— Уша нарса — шамол эсаётган томонда, кеманинг қуйруқ томонида! — деб қичқирди гарпунчи.

Ҳамма ўша томонга қаради.

Дарҳақиқат, кемадан бир ярим миля нарида узун қора танасининг тахминан бир метрчаси сувдан чиқиб турар эди. Тез ҳаракат қилаётганидан бўлса керак, унинг дум томонида денгиз ишиқириб тўлқинланарди. Менга маълум бўлган бирорта ҳайвон суви шу қадар катта куч билан урмас эди. Орқасидан каттагина жойда кўзни қамаштирадиган даражада оплоқ кўпик қолдирар эди.

Кема баҳайбат махлуқ томон юрди. Мен кўзимни узмай ва нафасимни ичимга ютиб унга тикилиб турардим. «Ха-

<sup>1</sup> Бизань — кема ортидаги кичик мачта.

наан» ва «Гельвиция» ўз рапортларида нарвалнинг ҳажмини анча катталаштириб кўрсатган эканлар. Мен унинг узунлигини бор-йўғи икки юз эллик фут чамаладим. Унинг йўғонлигини айтиш қийин эди, аммо ҳар учала томонга ҳам мутаносибдай таассурот қолдирди менда.

Мен махлуқни кузатаётганимда унинг бурун катакларидан икки ўрим сув отилиб, қирқ метр баландликка кўтарилди. Бундан унинг қандай қилиб нафас олиши тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлдим.

Бу сирли мавжудот умуртқалилар тўдаси, сутэмизувчилар синфи, бир қоринлилар синфчаси, китсимонлар гуруҳига киради, деган хулосага келдим. Оиласига келганда... бунисини ҳали мен билмас эдим.

Китсимонлар гуруҳи китлар, кашалотлар ва дельфинлар оиласини ўз ичига олади. Нарваллар ҳам шу сўнггисига киради. Бу ҳар бир оила яна кўплаб оилачаларга, оилачалар наслларга, насллар турларга бўлинади. Турлар, насллар, оилачалар ва оилалар — булар ҳақида ҳозирча мулоҳаза юритишим қийин, аммо Нед Ленднинг санъати ва капитан Фарагутнинг тажрибалилиги туфайли яқин орада бу маълумотларни ҳам олишимга сира шубҳаланмас эдим.

Команда бошлиқнинг буйруқларини сабрсизлик билан кутар эди. Капитан баҳайбат махлуқни диққат билан кўздан кечиргач, кема инженерини чақиришни буюрди. У ҳам тезда етиб келди.

— Буғга яхшилаб ўт қаланганми? — сўради капитан.

— Худди шундай, капитан, — жавоб берди инженер.

— Яхши. Утхонага яна кўмир ташланг!

Бу буйруқ уч марта «ура» садоси билан қарши олинди. Жанг соати келди.

Бир неча минутдан кейин кеманинг иқкала мўрисида буруқсиб қоп-қора тутун кўтарилди ва кема аста зирилай бошлади.

«Авраам Линкольн»нинг қудратли винти кемани тўппатўғри баҳайбат махлуқ томон суриб кетди. Махлуқ кеманинг ўзига ярим кабельтгина яқинлашувига йўл қўйиб берди. Шундан сўнг сувга чўкмай, бизнинг кемамиз билан олдинги оралиқни сақлаб, секин орқага суза бошлади.

Таъқиб чоракам бир соат давом этди, аммо шу вақт ичида «Авраам Линкольн» унга бир фут ҳам яқинлашолмади. Бу тезлик билан махлуқни қувиб етиб бўлмаслиги аниқ эди.

Капитан Фарагут жақл билан қалин соқолини тортқилар эди.

— Нед Ленд! — қичқирди у.

Канадалик унга яқинлашди.

— Қани, жаноб кит оловчи,— унга мурожаат қилди капитан,— сизга эшкакли қайиқ керакми?

— Йўқ, — деб жавоб берди гарпунчи. — Бу доғулини ўзи қўлга тушмагунча олиб бўлмайди.

— Хўш, нима қилиш керак?

— Иложи бўлса, буғ босимини ошириш керак. Рухсатингиз билан, мен кема тумшугига ўрнашиб оламан ва биз унга етарли даражада яқинлашган заҳоти гарпун ташлайман.

— Жуда соз, Нед,— деди капитан ва сўзлашув труба-сидан буйруқ берди:

— Бугни оширинг!

Нед Ленд ўз ўрнига қараб кетди. Утхоналарга яна кўмир қаланди ва винт минутига қирқ уч марта айлана бошлади. Сувга ташланган лаг<sup>1</sup> кеманинг соатига ўн саккиз ярим миля тезликда сузаётганини кўрсатди.

Аммо лаънати махлуқ ҳам соатига ўн саккиз ярим миля тезликда суза бошлади.

Бир соат давомида кема шу тезликда сузса-да, лекин бу билан у бир сантиметр ҳам ютмади. Бу Америка флотининг энг тезюрар кемаси учун уят эди.

Бутун команда қутура бошлади. Ғазабланган матрослар баҳайбат махлуқни сўкишарди. Бироқ у бу гаплардан ҳазар қилгандай чурқ этмас эди. Капитан Фарагут тортқилаётган соқолини энди тишлай бошлади.

Инженер яна кўприкча устига чақириб келинди.

— Босимни сўнгги нуқтасигача етказдингизми? — сўради капитан.

— Ҳа, — жавоб берди инженер.

— Неча атмосферагача?

— Олти яримгача.

— Унга етказинг!

Бу ҳақиқий амернкача буйруқ эди. Миссисипида рақобатчисини қувиб ўтмоқчи бўлган бирор компания пароходининг капитани ҳам бундан ошириб бир нима дея олмас эди.

<sup>1</sup> Лаг — кеманинг босиб ўтган йўлини ёки тезлигини аниқлайдиган асбоб.

— Консель — дедим мен ёнимда турган ажойиб хизматкоримга, — бу аҳволда осмони фалакка учиб кетишимизни биласанми?

— Хўжам шуни истасалар, — жавоб берди Консель. Тўғриси айтсам, капитаннинг бу ҳаддан ташқари жасорати менга ёқди.

Ўт қаловчилар ўтхонага яна кўмир ташладилар. Вентилляторлар ўтхона ҳавосини янгилаб турар эди. Буг босими ошди. «Авраам Линкольн» олдинга отилди. Кема устунлари пастигача зириллаб титрар ва тутун қуюни тор мўрилардан сиқилиб зўрға чиқар эди.

Яна лаг ташланди.

— Қанча? — сўради капитан.

— Ўн тўққизу, ўндан уч миля.

— Босим яна кўтарилсин!

Инженер бўйсуниб, буйруқни бажарди. Монометр мили ўн атмосферани кўрсатар эди. Афтидан баҳайбат махлуқ ҳам «бугга ўт қалаганга» ўхшарди. Чунки сира кучанмай энди у ҳам соатига ўн тўққизу, ўндан уч миля тезликда сузар эди...

Бу қанақа қувиш? Йўқ, мен қанчалик ҳаяжонланганимни сўз билан таърифлай олмайман.

Ҳаяжондан аъзойи баданим қалтирарди.

Нед Ленд қўлида гарпуни билан кема тумшуғида турар эди.

Махлуқ бир неча марта ксманинг ўзига яқинлашишига йўл қўйиб берди.

— Етяпмиз! Етяпмиз! — қичқирди канадалик.

Бироқ гарпун ташлаш учун энди қўл узатганда махлуқ тўсатдан ундан соатига камида ўттиз миля тезликда узоқлашди. Бу камлик қилгандай энг сўнгги тезликда кетаётганимизда, у бизни масхаралагандай атрофимизни гир айланиб чиқди. Кема экипажи бунга қаттиқ қичқириқ билангина жавоб бера олди, холос.

Кун пешиндан оққанда ҳам биз билан нарвал ўртасидаги масофа эрталаб соат саккиздагидай эди.

Шундан сўнг капитан Фарагут бошқа воситаларни ишга солишга қарор қилди.

— Ҳали шунақами! — хитоб қилди у. — Бу махлуқ «Авраам Линкольн»дан ҳам тезроқ сузадими? Майли, қани кўрамиз, конуссимон бомбадан ҳам ўзиб кетармикан. Боцман! Тўпчи тумшуқдаги қурол олдинга келсин!

Қурол бир зумда ўқланиб, мўлжалга тўғриланди. Ўқ



узилди, аммо у ярим миля нарида турган нарвалдан бир неча фут баландликдан ўтиб кетди.

— Бошқа абжирроқ мўлжалга олувчи ўтсин, — дея қичқирди капитан. — Шу лаънати махлуқни нишонга олиб урганга беш юз доллар мукофот!

Оппоқ соқолли кекса тўпчи — ҳозир ҳам унинг осойишта қараши ва совуққон юзи худди кечагидай кўз олдимда гурибди — қуролга яқинлашди ва диққат билан мўлжалга олди. Уқнинг гумбурлаган овози тинмасданоқ қаттиқ «ура» овози янгради.

Уқ мўлжалга теккан эди. У кутилган натижани бермай, нарвалнинг биқинидан сирганиб ўтиб, анча ерга бориб тушди.

— Уҳ, жин урсин! — дея хитоб қилди жаҳли чиққан кекса тўпчи. — Наҳотки бу иблиснинг олти дюмли зирҳи бўлса?

— Лаънати! — қичқирди капитан Фарагут.

Қувиш давом этарди.

Капитан менга яқинлашиб:

— Мен нарвални кема титилиб кетгунча қуваман, — деди.

— Жуда тўғри, — деб жавоб бердим мен. — Шундай қилиш керак!

Нарвал эртами-кечми, чарчоқ билмас буғ машинаси билан тенг келолмай чарчайди, деб умид қилиш мумкин эди. Аммо соат кетидан соат ўтарди-ю, лекин унда чарчоқ аломатлари сезилмас эди.

«Авраам Линкольн» шарафига шуни айтиш керакки, у қувишни қаттиқ туриб давом эттирарди. Менинг ҳисобимча, кема ўша машъум кун, 6 ноябрда, камида беш юз миля сузди. Аммо яна кеч кириб, тошқин денгиз бар зумда қоронғи пардага ўралди.

Шу дақиқада мен экспедициямиз тугади, энди биз бу ажиб ҳайвонни кўролмаймиз, деб ўйлаган эдим.

Хато қилган эканман.

Кечқурун соат 10 дан 50 минут ўтганда кемамиздан уч миля нарида электр ёғду яна пайдо бўлди.

Нарвал қимирламай тургандай эди. Кун бўйи чарчаб, энди тўлқинда чайқалиб ухларди. Бундан фойдаланиб қолиш керак эди. Капитан бахтини синаб кўрмоқчи бўлди.

У тегишли буйруқларни берди. «Авраам Линкольн» ҳайвонни уйғотиб юбормаслик учун секин сузиб борди. Оксанда қаттиқ ухлаб қолган китларни кўплаб учратиш

мумкин. Нед Ленд худди ана шу ухлаб ётган вақтларида бир нечтасини гарпунлаган.

Канадалик яна кема тумшугидаги ўз ўрнини эгаллади.

Кема осойишталик билан ҳайвон томон икки кабельт яқинлашди. Шундан сўнг машина тўхтатилди ва кема ўз оқими билангина илгарилар эди.

Кемадаги ҳамма кишилар нафасларини ичларига ютиб олган эдилар. Кема саҳни сув қуйгандай жимжит. Океан сатҳининг тухумсимон ёритилган еридан юз қадамча бериди эдик.

Мен Нед Лендга қарадим. Шунда унинг даҳшатли қуролини қулочкашлаб турганини кўрдим.

Кема ҳаракатсиз ётган ҳайвонга янада яқинроқ борди. Биз билан унинг орасида йигирма қадамча қолган эди.

Бирдан Нед Ленднинг қўли куч билан ҳавода ярим айлана ҳосил этди-ю, гарпун учиб кетди. Мен бир нарса худди темирга урилгандай жаранглаган товуш эшитдим.

Электр ёғду шу заҳотиёқ ўчди ва катта-катта иккита сув устуни тўсатдан кема устига тушиб, одамларни ва бошқа дуч келган нарсани улоқтириб ташлади.

Қарс этган даҳшатли овоз эшитилди. Панжарани ушлаб қолишга ҳам улгуролмай, кемадан учиб кетдим.

### *Еттинчи боб*

### ҒАЛАТИ КИТ

Тўсатдан йиқилиб кетганимга қарамай, нима бўлгани аниқ эсимда. Олдин сувга чўка бошладим.

Сузишни яхши билганим учун бу тасодифий чўкишдан эсанкираб қолмадим.

Океан сатҳига сузиб чиқиб, биринчи навбатда кемани қидира бошладим. Мен йўқ бўлиб қолганимни сезишди-микин? Капитан Фарагун мени қидириш учун қайиқ туширдимикин? Омон қолишга умид қилсам бўлармикин?

Қоронғи бўлганига қарамай, мен шарқ томонда қандайдир қора бир нарсани кўрдим. Турли белгиларни

ифодаловчи чироқларига кўра узоқлашаётган эди. Бу кема эди. Тамом бўлганимни тушундим.

— Бу ёққа, бу ёққа! — деб қичқирдим мен кемани қувиб етишга ҳаракат қилиб.

Уст-бошимни сиқа бошладим. Ҳўл кийим баданимга ёпишиб, ҳаракат қилишга йўл бермас эди. Нафасим тикилиб, чўка бошладим...

— Ермам беринг!

Бу менинг сўнгги бор қичқирим эди. Чўкаётганимни сезиб, жонҳолатда сувни шалоплата бошладим.

Тўсатдан кучли бир қўл ёқамдан ушлади-ю, бир силтаб мени сув юзига тортиб чиқарди.

Қулоғим остида айтилган мана бу сўзларни эшитдим:

— Агар хўжам елкамга таявишни лозим топсалар, анча снгила суза оладилар.

Мен садоқатли Конселнинг қўлидан ушладим.

— Бу сенмисан?! — хитоб қилдим мен. — Сенмисан?!

— Ҳа, бу мен, — деб жавоб берди Консель. — Хўжамнинг хизматларига ҳамиша тайёрман.

— Демак, ўша силкинишда сен ҳам менга ўхшаб декгизга учиб кетган экансан-да?

— Йўқ. Аммо жаноб профессорнинг хизматларида бўлганим учун, изларидан боришни бурчим деб билдим.

Бу ажойиб одам қилган олижаноблигини табиий бир ҳол деб тушунар эди!

— Кема-чи?

— Кема? — қайта сўради Консель елкасига ағдарилиб. — Менимча, хўжам унинг ёрдамига умид боғламаганлари маъқул.

— Нега?

— Шунинг учунки, мен ўзимни сувга ташлаётганимда қоровулда турган матрос: «Винт билан руль синди!» деб қичқирди.

— Синди?

— Ҳа, нарвалнинг тиши синдирди. «Авраам Линкольн»га етган шикаст шунинг ўзи шекилли. Аммо бахтимизга қарши, у ўзини бошқаролмай қолди.

— Демак, ҳалок бўлибмиз-да?

— Бўлиши мумкин, — бамайлихотир жавоб берди Консель. — Аммо бизнинг ихтиёримизда бир неча соат бор, шу бир неча соат ичида эса кўп иш қилса бўлади.

Конселнинг вазминлиги ва совуққонлиги мени руҳлантириб юборди. Мен жонлироқ суза бошладим. Бироқ

кийимларим ҳаракат қилишга ҳамон ҳалақит бериб, пастга тортар эди.

Консель буни сизди.

— Хўжам рухсат берсалар, уст-бошларини кесиб ечардим.

Мен унинг сув сатҳида туришига кўмаклашаётганим-да пичоқ билан уст-бошимни юқоридан пастга кесиб, ечиб ташлади. Ўз навбатимда мен ҳам Конселнинг уст-бошини худди шу йўл билан ечиб ташладим. Шундан сўнг биз яна ёнма-ён суза бошладик.

Аммо шунинг ўзи билан мушкулимиз осон бўла қолгани йўқ. Бизнинг йўқолганимизни ҳеч ким сезмай қолиши мумкин, борди-ю, сезишганларида ҳам бари бир виит ва рулсиз кема шамолга қарши биз томон келолмайди. Бинобарин, фақат капитан Фарагут қайиқ юборишидан умидвор бўлишимиз мумкин эди.

Биз шу қарорга келгач, сув сатҳида мумкин қадар узоқроқ туришга қарор қилдик. Ҳар иккаламиз барабар ҳолдан тоймаслик учун биримиз чалқанча ётганча қўлни қовуштириб, дам олаётганда, иккинчимиз итариб боришга қарор қилдик. Ҳар ўн минутда алмашиб туришимиз керак эди. Шундай қилганимизда бир неча соат давомида қуёш чиққунча сув сатҳида туришимиз мумкин эди.

Қутулишимизга умид кам! Аммо жуда ночор ҳолда қолган пайтларда ҳам умид қилиш инсонга хос фазилатку, ахир.

Кема нарвал билан кечқурун соат ўн бирларга яқин тўқнашди. Модомики шундай экан, биз кун чиққунга қадар қарийб саккиз соат сув сатҳида туришимиз керак. Бу унча қийин иш эмас.

Денгиз сокин, тўлқинланмас эди. Ҳар замонда зулмат ичида бирон нарса кўринармикан деб аланглардим, бироқ атроф бўм-бўш, фақат бизнинг ҳаракатимиздан чайқалган сувгина ялтилар эди.

Аммо кечаси соат бирга яқин жуда қаттиқ чарчадим. Қўл ва оёқларимнинг томирлари қаттиқ тортиша бошлади.

Иккимизни қутқариш ташвиши Конселнинггина зиммасига тушиб қолди. Кўп ўтмай у бечора ҳансраб, нафас олиши оғирлаша бошлади. Бу аҳволда узоққа бераммас эди.

— Мени ўз ҳолимга қўй! Ўз ҳолимга қўй! — дедим унга.

— Хўжамни ташлаб-а? Ҳеч қачон! — жавоб берди менинг садоқатли хизматкорим. — Бундан кўра ўзим тезроқ чўкканим афзал.

Худди шу пайтда шарққа эсаётган шамол қора булутнинг бир чеккасини очди, ой мўраллади. Океаннинг сатҳи унинг нурлари билан бирдан ёришиб кетди. Бу шарофатли нур менга қайта куч бағишлади. Мен бошимни кўтариб, уфқни кўздан кечирдим.

Кемамизни кўрдим — у биздан беш миля нарида эди. Бу масофадан у кичик нуқтадай бўлиб кўринар эди. Битта ҳам қайиқ кўзга чалинмас эди.

Мен ёрдамга чақириб қичқирмоқчи эдим, аммо шишиб кетган лабларимдан овоз чиқмас эди.

Консель қичқирди:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар!

Бир оз вақт қулоқ солиб турдик. Бу нима, бошга қон қуйилиб келаётганидан қулоқда пайдо бўлган шовқинми ёки чиндан ҳам бизга кимдир жавоб бердими?

— Сен эшитдингми? — шивирлаб сўрадим мен.

— Ҳа, ҳа!

Консель бўшлиққа қараб умид билан қичқирди.

Энди ҳеч қандай шубҳа қолмади. Конселнинг қичқирганига кимдир жавоб қайтарди.

Бу ҳам бепоён океанда йўқолган бизга ўхшаган аллақайси бахти қаронинг, кемага урилган зарбнинг яна бир қурбонининг овозимикин? Ёки қоронғида кўринаётган қаёйқдан бизни чақиршдимикин?

Консель зўр бериб таянгани ҳолда белигача сувдан кўтарилди: бироқ шу заҳоти дармонсизланиб чалқанчасиги сувга йиқилди.

— Нимани кўрдинг?

— Мен... мен... — дея шивирлади у, — ...келинг, яхши сў гапирмай, кучимизни сақлайлик...

У нимани кўрдийкин? Негадир шу дақиқада хаёлимга баҳайбат махлуқ ҳақидаги фикр келиб қолди...

Шу ерда Консель мени илгарига итариб борарди. Ҳар замонда у бошини кўтариб, кимнидир чақирар эди. Унга ўша заҳоти аллакимнинг овози жавоб қайтарар эди.

Аммо мен унча яхши эшитолмай қолдим. Тамоман ҳолсизландим; панжаларим беихтиёр чангаж бўлиб сиқилди, қафтларим энди менга таянч бўлолмай қолди; зўрға оғзимни очдим, у шўр сувга тўлди; совуқ суюк-суюгимдан

Ўтиб кетганди. Мен ҳаёт билан видолашмоқ учун бошимни сўнгги бор кўтардим...

Шу пайтда мен аллақандай қаттиқ нарсага келиб уридим. Унга ёпишиб олдим. Сўнг мени кимдир сувдан тортаётганини, эркин нафас олаётганимни сездим ва... ўзимдан кетдим.

Афтидан, тез-тез ишқалашлари туфайли кўп ўтмай ўзимга келдим.

Кўзимни ярим очдим.

— Консель! — дея шивирладим.

— Хўжам мени чақирдиларми? — ўша заҳоти жавоб берди садоқатли хизматкорим.

Шу пайтда уфққа ёнбошлаётган ойнанинг сўнгги нурларида мен бошқа бир таниш қиёфани кўрдим.

— Нед Ленд! — хитоб қилдим мен.

— Худди ўзи, жаноб профессор. Кўриб турганингиздай мукофот кетидан қувиб юрибман, — жавоб берди канадалик.

— Сизни ҳам ўша зарб денгизга итқитдимиз?

— Ҳа, жаноб профессор, фақат менинг омадим келди. Мен деярли ўша заҳоти сузар оролчага чиқиб олдим.

— Оролчага?

— Ҳа. Ёки аниқроқ қилиб айтганда, ўша улкан нарвалнинг устига.

— Тушунтириброқ гапирсангиз-чи, Нед!

— Ана шуидагина мен, — дея сўзини давом эттирди канадалик, — гарпуним нега унинг терисига кирмай, устидан сирғалиб кетганининг сабабини тушундим.

— Нега экан, Нед, нега?

— Шунинг учунки, жаноб профессор, бу махлуқнинг устига пўлат зирҳ қопланган!

Канадаликнинг сўзлари менинг фикрларимни остин-устин қилиб ташлади.

Мен апил-тапил ўрнимдан туриб, сувга ярим ботиб турган — биз паноҳ топган мавжудот ёки нарсанинг елкасида қаддимни ростладим.

Тепиб кўргач, унинг елкаси йирик сутэмизувчиларнинг танасидай қайишқоқ эмас, балки ўзидан сув ўтказмайдиган, ҳам қаттиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Алмисоқдан қолган ҳайвонниқига ўхшаган бош суякда турмаганмикинмиз, деган хаёлга ҳам бордим. Унда баҳайбат махлуқни тошбақа ёки тимсоҳлар сингари судралувчилар туркумига қўшишим керак эди.

Аммо бундай қарорга келиш ҳам қийин. Негаки мен устида турганим қора елка танга билан қопланган бўлмай, жуда силлиқ ва пардозланган эди. Урганда у темирдан чиқадигандай садо берар ва пўлат тахталардан парчинлангандай эди.

Ҳеч шубҳа йўқки, сири бутун фан оламини ҳаяжонлантирган ва ҳар иккала ярим шар денгизчиларини ҳайратга солган ҳайвон, баҳайбат махлуқ ҳеч учрамаган афсонавий тирик мавжудот бўлмай, тасодифни қарангки, кутилганидан ҳам ҳайратлироқ нарса, инсон истеъдодининг маҳсули бўлиб чиқди.

Борди-ю, мен ақлга сигмайдиган бир ҳайвон борлигини аниқлаганимда ҳам бу қадар ҳайратга тушмаган ва ҳаяжонланмаган бўлуver эдим. Табиат мўъжизалар яратишига таажжубланмаса ҳам бўлади. Аммо инсон қўли билан яратилган мўъжизага ўхшаган ва ғайри табиий нарсани кўрганда ақлдан озиб қолиш ҳеч гап эмас.

Бунинг устига шубҳага ҳеч ўрин йўқ эди. Билишимча, пўлат балиқ шаклидаги ғалати сув ости кемасининг устида эдик. Нед Ленднинг бу ҳақдаги фикри тўғрилиги қатъий аниқланди. Консель билан мен унинг фикрига қўшилишдан бўлак чорамиз қолмаган эди.

— Аммо бу кема бўлса, — дедим мен, — унда унинг двигатели ва бошқа ҳар хил механизмлари, шунингдек, буларни бошқарадиган одамлари ҳам бўлиши керак-ку?

— Албатта бўлиши керак, — деб жавоб берди гарпунчи, — гарчи мен бу сузар оролда уч соат мобайнида туриб ҳеч қандай ҳаёт белгисини сезмаган бўлсам ҳам.

— Ўрнидан қўзғалгани йўқми?

— Йўқ, профессор. У тўлқинда чайқалиб турди, лекин ўрнидан жилгани йўқ.

— Аммо биз унинг жуда катта тезликда суза олишини яхши биламиз-ку. Шундай тезликда суза олиш учун эса унинг ишини бошқарадиган машина ва одамлар керак-ку, бинобарин, мен ўзимизни қутқарилган деб ҳисоблайман...

— Ҳмм! — дея гўдирлади ишончсизлик билан Нед Ленд.

Шу пайт менинг сўзларимни тасдиқлагандай, ғалати кеманинг қўйруқ томонидан шовуллаган товуш эшитилди-ю, у ўрнидан қўзғалди. Афтидан, у ясси парраklarининг айланиши билан ҳаракатланадиганга ўхшайди. Биз тумшукдаги унча катта бўлмаган дўнгатки зўрга ушлаб улгурдик. Бахтимизга кема секин сузар эди.

— Ҳозирча у сув сатҳида сузаяпти, — деб тўнғиллади Нед Ленд, — бир нарса дейишга ўрин йўқ. Аммо сув остига шўнғишни ўйлаб қолса борми, унда мени биров икки долларга олса ҳам қиммат дердим.

Канадалик ўзини ундан ҳам камроқ баҳолаши мумкин эди. Афтидан, бу сузар аппаратнинг ичидаги одамлар билан, кимлигидан қатъи назар, зудлик билан алоқа боғлашимиз зарурга ўхшарди.

Мен унинг устида бирор туйнук ёки тешик бормикин, деб қидира бошладим. Аммо пўлат қопламанинг жипсланган четларидаги парчинлари ҳамма ерда бир хил эди.

Ой ботди ва биз мутлақо қоронгида қолдик. Бу сув ости кемасига кириш чорасини излаш учун тонг отгунча сабр қилиш керак эди.

Шундай қилиб, ҳаммамизнинг ҳаётимиз кема рулини бошқараётган номаълум кишилар ҳаракатига боғлиқ бўлиб қолди. Борди-ю, улар сув остига тушмоқчи бўлиб қолишса борми, унда биз тамом. Агар шу ҳол рўй бермаса сув ости кемасининг экипажи билан алоқа боғлай олишимизга имоним комил эди. Дарҳақиқат, борди-ю, улар кислородни ўзлари ишлаб чиқармаётган бўлишса, унда ҳаво запасини тўлатиш учун вақти-вақти билан океан сатҳига чиқиб туришлари керак. Модомики шундай экан, кема ичига ҳаво кириши учун қандайдир бирор тешик бўлиши керак.

Кема ўртача тезлик билан ғарб томонга сузарди. Унинг тезлиги соатига ўн икки милядан ошмас эди. Винт парралари сувда айланиб, ҳар замонда оппоқ томчиларни фаввора қилиб ҳавога отарди.

Тонготарда соат тўртга яқин кема тезлигини оширди. Бизнинг кема устида туришимиз қийинлашиб қолди. Бахтимизга Нед пайпаслаб, қопламага маҳкамланган каттагина ҳалқани топиб олди. Ҳаммамиз шуни ушлаб олдик.

Ниҳоят бу узундан-узоқ тун ўтди. Мен чеккан азобларимнинг ҳаммасини ҳозир эслай олмайман, аммо бир нарса хотирамда мустаҳкам ўрнашиб қолган: аҳён-аҳёнда шамол шовқини ва тўлқиннинг шовулагани тинган пайтларда назаримда аллақандай музика овози, узуқ-юлуқ аккордлар, куй садолари қулоғимга чалингандай туюларди.

Бу сув ости кемасининг қандай сири бор экан?

Унда қандай мавжудотлар яшаркин? Қанақа двигател унинг бу қадар тезлик билан сузишини таъминлаётган экан?..



Тонг ёришди... Бизни эрталабки туман қуршаб олди. Аммо у кўп ўтмай тарқалиб кетди.

Сув ости кемасининг сувдан чиқиб турган қисмини энди-гина синчиклаб кўздан кечирмоқчи бўлиб турганимда у тўсатдан секин сувга чўка бошлади.

— Ҳў, иблислар! — қичқирди Нед Ленд жарангдор темирни кучининг борича оёқлари билан дўпирлатиб. — Бизни ичкарига киритсанглар-чи!..

Аммо унинг товуши винтнинг қулоқни кар қиладиган овозига қўшилиб, йўқ бўлиб кетди. Бахтимизга кема чўкишдан тўхтади.

Бирдан кема ичидан суриб қўйилаётган тамбанинг овози эшитилди. Люк қопқоғи очилиб, ундан биров қаради. У бир нима деб қичқирди-ю, ўша заҳоти ғойиб бўлди. Бир неча минутдан сўнг люкдан саккизта бақувват азамат киши чиқди. Улар индамай бизни сирли кема ичига судраб киришди.

### Саккизинчи боб

#### «ҲАРАКАТЧАН ҲАРАКАТЧАНЛИҚДА»

Бу иш шу қадар тез бажарилдики, мен ҳам, ўртоқларим ҳам ҳатто оғиз очишга улгуролмай қолдик. Сузар қамоқхонага судраб кираётганларида уларнинг ҳолини билмайману, аммо мен бир сесканиб кетдим.

Биз кимга дуч келдик? Шубҳасиз, энг янги тузумнинг алақандай қароқчиларига дуч келганга ўхшаймиз.

Люкнинг энсизгина қопқоғи кетимиздан ёпилиши билан биз зим-зиё қоронғиликда қолдик. Куннинг ёрқин нурига кўникиб қолган кўзларим атрофдаги бирор нарсани ҳам ажратолмас эди.

Нед Ленд билан Консель ҳам қоровуллар қуршовида сўрамдан келишарди.

Трап пойгагидаги эшик биз киришимиз билан тарақлаб ёпилди.

Биз ёлғиз қолдик. Қаердамиз? Бунисиини билолмадим, ҳатто тасаввур ҳам этолмадим.

Атроф қоронғи, шу қадар қоронғики, ҳатто зулматда узоқ турганимиздан кейин ҳам жиндақ бўлса-да, йилтилаган ёруғликни илғаб ололмадим.

Шу орада бундай қўпол муомаладан жаҳли чиққан Нед Ленд газабини яширолмади.

— Минг лаънат!— қичқирди у.— Бу одамлар каледоннинг энг ашаддий ёввойиларидан ҳам баттар экан! Одамхўрликлари қолди холос! Шундай бўлганда ҳам сира ажабланмас эдим... Аммо олдиндан айтиб қўяй, ўз ихтиёрим билан мени ейишларига йўл қўйиб бўпман!

— Тинчланинг, Нед, тинчланинг,— деди совуққонлик билан Консель.— Ҳали ҳеч гап бўлмай, қизишишнинг нима кераги бор. Ҳозирчалик товага тушганимизча йўқ-ку.

— Тўғри айтяпсиз, ҳозирча товага тушганимизча йўқ,— жавоб берди канадалик,— аммо ўчоқда ётганимиз аниқ! Қоронгини қаранг. Бахтимга пичоғим ёнимда, уни ишлатиш учун эса ортиқча ёруғликнинг ҳам ҳожати йўқ. Бу каллакесарлардан қай бири биринчи бўлиб менга тегса...

— Нед, шовқин солманг,— дедим мен гарпунчига,— аҳволимизни ҳам оғирлаштирманг... Ким билади, балки бизни пойлашаётгандир. Яхшиси, қаерга келиб қолганимизни аниқлашга ҳаракат қилайлик.

Мен секин бир неча қадам ташлаган эдим, тунука қопланган деворга бориб тиралиб қолдим. Девор тагидан юриб, атрофида бир неча табуретка турган ёғоч столга қоқилиб кетдим. Турмамизининг полига қалин бўйра тўшалган бўлиб, юрганда қадам товушини чиқармас эди. Яланғоч деворларда мен на дераза ва на эшик топдим. Девор тагидан қарама-қарши томонга кетган Консель мен билан тўқнашди ва иккаламиз узунлиги йигирма фут, эни ўн футли каютанинг ўртасига келдик. Хона баландлигини аниқлай олмадик, чунки ҳатто Нед Ленд ҳам бўйчанлигига қарамай, шифтга етолмади.

Салкам ярим соат ўтди, аҳволимиз эса ўша-ўша. Бироқ тўсатдан бизнинг турмамиз ёришиб кетди. Равшанлиги ва оқлигига қараб сув ости кемаси атрофида ярқираб турадиган гардиш ўша электр нурлигини билиб олдим.

Аввал беихтиёр кўзимни юмдим. Қайтиб очганимда ёруғлик шифтга маҳкамланган сут ранг ярим айланадан таралаётганини кўрдим.

— Хайрият-е, ҳамма нарса кўринди!— хитоб қилди Нед.

У ҳимояга шайлангандай қўлидаги пичоқни маҳкам ушлаб турарди.

— Ҳа,— дея ҳазиломуз жавоб қайтардим мен,— фақат тақдиримиз кўринмаяпти.

— Хўжамга сабр қилишни маслаҳат берардим,— деди Консель.

Чироқ ёруғида турмамизни яхшилаб кўздан кечириб олдик. Стол ва бешта табуретка унинг яккаю-ягона мебели эди. Яширин эшик зич ёпилган — мен унинг ўрнини ҳам тополмадим. Қулоқларимизга тиқ этган товуш эшитилмас эди. Гўё кемада ҳамма қирилиб битгандай эди. Лекин бир жойда турибмизми, сузаяпмизми, сув остидамизми ёки олдингидай сув сатҳида сузиб боряпмизми — ҳеч нарсани аниқлай олмадим...

Аммо электр чироқ маълум бир мақсадни кўзлаб ёқилгани аниқ эди. Команда составидан бирор кишининг яқин фурсат ичида кириб келиши аниқ эди — бўлмаса бу зулматни бекордан-бекорга ёритишмасди.

Адашмаган эканман. Кўп ўтмай сурилаётган тамбанинг овози эшитилиб, эшик очилди ва каютага икки киши кирди.

Улардан бири паст бўйли, мускулдор, кенг яғринли, боши катта, қалин қора сочлари ҳурпайган, шоп мўйлов, нигоҳи ўткир киши эди. Унинг қиёфасида жанубликларга хос ҳаракатчанлик ва тетиклик сезилиб турарди. Францияда бундай фазилатлар провансалларга хос эди.

Иккинчи номаълум киши узун бўйли бўлиб, батафсилроқ таърифласа арзигудек эди. Буюк физиономларнинг шогирдлари Грасиоле ёки Энгеля унинг юзига қараб характерини китобдан ўқигандай айтиб бериши мумкин эди. Мен иккиланмай унинг энг муҳим хусусиятларини аниқладим: бошини мағрур тутиб туриши ва қора кўзларининг совуқ қатъият билан боқишига қараганда у ўзига ишонган одам; хотиржамлиги ва рангпар юзи совуққонлигини; қоши устидаги мускулчаларнинг тез-тез қисқариб туриши ғайратлилигини; ниҳоят чуқур нафас олиши, шунингдек, табиатан жуда бақувватлиги дадиллигини ифодалар эди. Яна шунини қўшиб қўйишим керакки, бу одам жуда мағрур, унинг осойишта ва қатъий боқиши олижаноб фикрлашдан дарак берар ва умуман ташқи қиёфаси ғоят самимий экан деган таассурот қолдирар эди.

У кириши билан мен тақдиримиз ҳақида ташвишланмасак ҳам бўлишини, бу учрашув биз учун кўнгилдагидай тугашини ҳис этдим.

Бу одамнинг ёшини ўттиз бешдан элликкача деб тахмин қилиш мумкин — очирғини айтсам, мен буни аниқ белгилай ололмадим. У пешанаси кенг, қирра бурун, лаблари хушбичим, тишлари жуда чиройли, ингичка қўллари келишган киши эди. Хуллас, у мен учратган энг чиройли эркакларнинг мукамал намунаси эди.

Ўзидаги ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларидан яна бирини айтмоқчиман: кўзлари бир қарашда уфқнинг тўртдаб бир қисмини қамрай оладиган катта-катта эди. Кейинчалик билсам, бу хусусият кўзининг ўткирлигидан, ҳатто Нед Ленднинг кўзидан ҳам ўткирроқлигидан экан.

Бу нотаниш киши бировга тикилиб қараса, қошлари чиририлди, қовоқлари яқинлашиб кўзи торайгач, нигоҳи янада ўткирлашиб кетарди. Қандай қараш-а! У парсаларни яқинлаштирарди, ўйларингизнинг энг яширин жойларига-ча кириб бора оларди, жуда қалин сув қатламларига ҳам ойнадан қараётгандай нигоҳ ташлаб, денгиз чуқурликларидаги ҳаётни китобда ёзиб қўйилган каби ўқир эди.

Ҳар иккаласининг бошида сувсар терисидан қилинган қалпоқча, оёқларида тюлень терисидан қўнғин узун денгиз этиги ва устларида мен билмайдиган алақандай матодан қулай, гавданинг ҳаракат қилишига халақит бермайдиган ҳамда чиройли қилиб тикилган костюм.

Новча киши — бошлиқ бўлса керак — бизга диққат билан разм солди. Шундан сўнг ҳамроҳи томонга ўгирилиб, менга номаълум тилда гаплашди. Бу жуда жарангдор, ихчам, мусиқий, унли товушлар кўп ишлатиладиган, тез-тез ургу бериладиган тил эди.

Униси бош ирғаб жавоб берди ва ўз навбатида икки-уч оғиз тушуниб бўлмайдиган сўз айтди.

Шундан сўнг бошлиқ бир нима сўрамоқчи бўлгандай менга қаради.

Мен соф француз тилида унинг нима демоқчи бўлаётганини тушунмаганимни айтдим. Аммо, афтидан, у ҳам мени тушунмаганга ўхшарди. Оғир аҳволга тушиб қолдик.

— Хўжамга бошимиздан ўтганларни гапириб беришига маслаҳат берардим; зора ундан лоақал бирон нарса тушунишса, — деди Консель.

Мен бу маслаҳатга амал қилдим ва сўзларни доналаб, бирор воқеани ҳам тушириб қолдирмай, бошимиздан кечирганларимизни айтиб бердим. Мен отларимиз ва қасбкоримизни бирма-бир санаб ўтдим, ниҳоят пировардида

одоб сақлаб, номаълум кишиларга профессор Аронакс, унинг хизматкори Консель ва машҳур гарпунчи Нед Ленд-ни танитдим.

Уйчан ва ювош кўзли киши сўзларимни ҳурмат юзасидан диққат билан тинглади. Аммо чеҳрасидан бирор ўзгариш сезмадим; менинг сўзларимдан лоақал биронтасини тушунганини ифодалайдиган ҳеч қандай белги кўринмади.

Энди уларга фикримизни инглизча сўзлаб тушунтириш имконияти қолган эди. Мен инглизчани ҳам немисча сингари луғатсиз ўқиб, яхшигина тушунар эдим, бироқ фикримни ифодалай оладиган даражада эмас. Аммо бу ерда мумкин қадар яхшироқ гапиришга ҳаракат қилиш керак эди.

— Энди навбат сизга, — дедим мен гарпунчига. — Бошланг, Нед! Инглиз тилининг хотирангизда ўрнашиб қолган энг назокатли сўзларини топиб, мендан кўра дурустроқ натижага эришишга ҳаракат қилинг.

Нед ялинтириб ўтирмади, менинг ҳикоямни инглиз тилида қайтарди. Аниқроғи, мен айтган сўзларнинг маъзини тушунтирди, аммо шаклини тамоман ўзгартириб юборди.

Канадалик зўр эҳтирос билан гапирди. У бизга нисбатан қилинаётган зўравонликка қарши қатъий норозилик билдирди ва бу инсоний ҳуқуқларга зидлигини айтди; бизни бу камерага қайси қонунга асосланиб қамаб қўйганларини сўради; бизни озодликдан маҳрум этганларга суд таъқибини айтиб, пўписа қилди; қўлларини пахса қилиб қичқирди ва ниҳоят пировардида имо-ишора билан очликдан ўлаёзганимизни тушунтироқчи бўлди.

Айтаётган гапи жуда тўғри эди, аммо биз бунни деярли унутган эдик.

Минг афсуски, гарпунчи унинг сўзларини ҳам меникидай тушунмаганларига имони комил бўлди. Ҳузуримизга келганлар мижжа қоқмай турардилар. Афтидан улар Фарадсей тилини Араго<sup>1</sup> тилидан ортиқ билмас эдилар.

Тилшунослик бобидаги бутун имкониятларни ишга солгандан кейин ҳам муваффақиятсизликка учраганимдан ажабланиб, нима қилишимни билмай турганимда, Консель менга мурожаат қилиб қолди:

— Агар хўжам ижозат берсалар, мен худди шунинг ўзини немисча сўзлаб берардим.

---

<sup>1</sup> Фарадей — инглиз физиги. Араго — француз физиги ва астрономи.

— Нима, сен немисча биласанми?— дея ҳаяжондан қичқириб юборибман.

— Барча фламандияликлар сингари. Агар хўжам бунга қарши бўлмасалар, албатта...

— Марҳамат, Консель! Гапир тезроқ!

Ниҳоят Консель жуда осойишта бир оҳангда бутун бошимиздан кечирганларимизни учинчи марта ҳикоя қилиб берди. Бироқ сўзловчининг жуда чиройли жумла тузишлари ва нотикона услубига қарамғй, немис тили ҳам қўл келолмади.

Охири деворга суяниб туриб мактабдаги узуқ-юлуқ хотираларни эслаб, худди ўша ҳикояни латин тилида сўзлай бошладим. Цицерон<sup>1</sup> эшитганида, қулоқларига пахта тикиб олиб, мени опхонага қувиб чиқарган бўлардим, аммо мен нима бўлса ҳам сўзимни охирига етказдим.

Натижаси олдингидай яна қониқарсиз бўлди.

Бу сўнгги уринишимиз ҳам муваффақиятсизликка учрагач, нотаниш кишилар лоақал бизни тинчлантириш учун барча мамлакатлар ва халқлар орасида бир хил бўлган имо-ишора ҳам қилмай, ўзларининг тушуниб бўлмайдиган тилларида ўзаро бир неча сўз айтишишди-да, чиқиб кетишди.

Улар чиқиб кетишлари билан эшик бекилди.

— Бу қабиҳлик!— дея қичқирди Нед Ленд шу билан йигирманчи марта газаб ўтида ёниб.

— Нима қилиш керак. Бу галварслар билан французча, инглизча, немисча, латинча гапирилса-да, биронтаси чурқ этиб жавоб бермаса-я!

— Тинчланинг, Нед,— дедим мен ҳаяжонланган гарпунчига,— газаб билан бир иш қилиб бўлмайди.

— Тўғри-ю, профессор,— дея жавоб берди канадалик зарда билан,— аммо биз бу темир катак ичида очликдан ўламин, биласизми!

— Уҳ-ҳў,— файласуфларга хос осойишталик билан эътироз билдирди Консель,— ҳали бунга эрта.

— Оғайнилар,— дедим мен,— ноумид бўлманглар. Бундан оғир синовларга ҳам бардош бердик. Кема капитани ва унинг экипажини қоралашга шошилманглар. Улар ҳақида бирор фикрга келиш вақти ҳам етар.

---

<sup>1</sup> Цицерон — қадимги Рим нотиги ва ёзувчиси (бизнинг эра-мигагача 106—43. йиллар).

— Менинг фикрим ҳозирнинг ўйдаёқ увил-кесил тай-  
ри!— деди Нед Ленд.— Булар разил одамлар!

— Жуда соз, аммо улар қаерда туғилган?— бамайли-  
хотир сўради Консель.

— Разиллар мамлакатада!

— Азизим Нед, бу мамлакат географик картада аниқ кўрсатилмаган, бинобарин, эйтироф этаманки, мен бу одамларнинг қайси миллатданлигини аниқ айта олмайман. Аммо ишонч билан шуни айтишим мумкинки, улар инглиз ҳам, французлар ҳам, немислар ҳам эмас. Менда бошлиқ ва унинг ҳамроҳи кенгликнинг ҳарорати паст ерларида жойлашган мамлакатда туғилган деган таассурот қолди, чунки улар кўринишдан жанубликларга ўхшашади. Аммо ирқий белгилари юзларида ёрқин ифодаланмагани учун қайси миллатга мансубликларини, испанми, туркми, араб ёки ҳиндуми — қатъий айтиш қийин.

— Қаранг, барча тилларни билмаслик қанчалик ёмон,— луқма ташлади Консель,— агар ягона халқаро бир тил бўлганида, қандай яхши бўларди-я!

— Бундан бирон наф чиқмас эди,— дея эйтироз билдирди Нед Ленд.— Нима, зиндонбаримизнинг ўзига хос тиллари ҳалол одамларнинг жигига тегиш учун ўйлаб топилганини кўрмаяпсизми? Дунёдаги барча мамлакатларда оғиз очиш, тишларни шиқирлатиш, чакакни қимирлатиш қандай мазмун ифода этишини яхши билишади. Квебекда, Парижда, Паумотуда, антиподларда<sup>1</sup>— ҳамма жойда бу бир мазмун англатади: очман, менга овқат беринг!

— Эҳ-ҳе,— вазминлик билан жавоб берди Консель,— шундай гап уқмас одамлар борки...

Худди шу пайт эшик очилиб хонага стюард<sup>2</sup> кирди. У бизга уст-бош— менга номаълум бўлган аллақандай матодан тикилган калта камзул билан шим олиб келди.

Мен кийимларни тез кийиб олдим. Шерикларим ҳам худди шундай қилишди.

Шу орада стюард гунг, эҳтимол гаранг бўлса ҳам ажаб эмас— стол устига уч кишига мўлжаллаб қошиқ-вилка қўйди.

— Мана бу бошқа гап!— деди Консель.— Бошланиши чакки эмас.

<sup>1</sup> Антиподлар— Ер юзининг бир-бирига тамоман тескарик икки томонида яшайдиганлар.

<sup>2</sup> Стюард— кема хизматкори.

— Кўрамиз,— дея гўлдиради гинахон гарпунчи. Бу ерда нима билан боқишларини тасаввур қилса бўлади! Тресканинг жигари, суяги олиб ташланган ола-буға балиги-ю, денгиз итининг бир парча қовурилган гўштими?

— Бирпас сабр қилсак, билиб оламиз,— деб жавоб берди Консель.

Кумуш қалпоқлар билан ёпилган идишлар дастурхонга бир текисда қўйилди.

Биз стол атрофига ўтириб олдик. Биз мадашиятли кишилар орасида эканлигимизга шубҳа йўқ эди, агар электр чироқ бўлмаганда, Ливерпулдаги Адельфи ёки Париждаги Гранд отель-меҳмонхонасининг ошхонасида ўтирибмиз, деб ўйлаш мумкин эди.

Ҳа, айтгандай, шуни таъкидлаш керакки, нон ҳам, вино ҳам умуман йўқ эди.

Сув жуда тоза, тиниқ эди. Аммо бу қуруқ сув бўлгани учун Нед бир оз ранжиди.

Бизга берилган овқатлар орасида балиқдан аъло даражада гайёрланган таомлар ҳам бор эди. Бироқ бошқа таомлар хусусида ҳатто улар табиатнинг қайси дунёси — ўсимликлар дунёсигами ёки ҳайвонот дунёсига тааллуқли эканини ҳам ажратолмас эдим.

Овқат сервиси нафис ва чиройли эди. Ҳар бир қошиқ, вилка, тақсимча, сочиқ ва ҳоказоларда қуйидаги шиор ёзилган эди:

«Ҳаракатчан Н ҳаракатчанликда»

Ҳаракатчан ҳаракатчан муҳитда! Бу шиор сув ости кемасига тамомила мос эди. «Н» — сирли сув ости капитани исмининг бош ҳарфи бўлса керак.

Нед Ленд билан Консель ҳар хил ўйлар билан ўзларини қийнамас, очқўзлик билан овқат сийшарди, мен ҳам шу заҳоти уларга эргашдим.

Энди мен тақдиримиздан хотиржам эдим. Хўжайинлар очликдан тинкамизни қуритмаслигига имоним комил эди.

Аммо бу дунёда ҳамма нарса, ҳатто ўн беш соат давомида тамадди қилмаган кишиларнинг очлиги ҳам ўтиб кетади. Қорнимиз тўйғач, қаттиқ уйқу босаётганини сеза бошладик. Бу тунда ўлим билан узоқ олишувдан сўнгги табиий ҳол эди.

— Ростини айтсам, мен жон деб ухлаб олардим,— деди Консель.



— Мен ҳозирнинг ўзидаёқ ухлайман,— деб жавоб берди Нед Ленд.

Шундай деб ҳар иккала ҳамроҳим каюта полига солинган бўйрага чўзилишди ва шу заҳотиёқ қаттиқ уйқуга кетишди.

Мен улар сингари осонгина ухлай олмас эдим. Миям жуда кўп фикрлар билан тўлиб-тошган, ҳал қилинмаган жуда кўп муаммолар мени ташвишлантирар, талай кишилар кўз олдидан нари кетмас эди. Бинобарин, кўзларим анчагача юмилмади.

Қаердамиз? Бизни қандай ажиб куч тортиб кетяпти?

Кема тубсиз чуқурликка чўкаётганини ҳис этдим — аниқроғи, менга шундай туюлди.

Турли даҳшатлар менга тинчлик бермас эди. Бу сирли чуқурликлардаги нимаси биландир шу сув ости кемасига ўхшаб кетадиган, худди шундай катта, худди шундай ҳаракатчан, ўзи сингари кучли номаълум ҳайвонлар тўдаси кўз олдидан нари кетмас эди.

Аммо кўп ўтмай улар хиралашиб, мия мудроқ пардасига ўралди ва мен ухлаб қолдим.

### *Тўққизинчи боб*

## НЕД ЛЕНД ҒАЗАБНОК

Қанча ухлаганимни билмайман. Аммо, афтидан, жуда узоқ ухлаган бўлсам керак, ғоят тиниқиб, тетик бўлиб уйғондим.

Биринчи бўлиб мен кўзимни очдим. Дўстларим ҳали ҳам қаттиқ уйқуда эдилар.

Миям дам олди ва яна аниқ ҳамда беҳато ишлаши мумкин деган ўй билан анчагина қаттиқ тўшакдан туриб, ҳаммадан олдин каютамининг синчиклаб кўздан кечириб бошладим.

Биз ухлаб ётиганимизда ҳеч нима ўзгармапти. Турма турмалигича, бандилар эса бандилигича қолибди. Фақат стюард қолган овқатларни стол устидан йиғиштириб олибди. Шундай қилиб, тақдиримизнинг яқин орада ўзгаришини кўрсатадиган бирон белги кўринмагач, ҳаяжон ичида, наҳотки умрбод шу катакда қамалиб ётишга маҳкум этилган бўлсак, деб ўзимга ўзим савол бердим.

Бу фикр мени шу қадар гангитиб қўйганининг яна бир сабаби шуки, гарчанд миям кечаги даҳшатлардан холи бўлса-да, аммо кўкрагимдан нимадир босарди. Нафас олиш оғирлашаётган эди. Бўғиқ ҳаво ўпканинг бемалол ишлашига халақит бераётган эди.

Каюта анчагина катта бўлишига қарамай, афтидан, бу ернинг ҳавосидаги кислороднинг кўпини ютиб юборганга ўхшаймиз.

Дарҳақиқат, одам бир соат нафас олиши учун юз литр ҳаво таркибидаги миқдорда кислород керак бўлади. Ва бу ҳаво нафас қайтарганимизда ичимиздан чиқадиган угле-кислота билан тўлиб, нафас олишга яроқсиз бўлиб қолади.

Шундай қилиб, бизнинг турмамиздаги, балки бутун сув ости кемасидаги ҳавони янгилаш керакдир.

Ана шунда биринчи савол туғилди: Бундай ҳолларда сув ости кемасининг командири нима қилади? У кислородни химиявий йўл билан, яъни бертолет тузини қиздириб олармикин? Бундай бўлса, у бу туз запасларини тўлдириш учун ер билан алоқа боғлаб туриши керак. Махсус резервуарларда ҳавони суюлтириб, сўнг керагича ишлатармикин? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Еки ортиқча ҳаракатдан қочиб ҳар йигирма тўрт соатда ҳаво ғамлаш учун сув сатҳига кўтарилармикин?

Аммо бу усулларнинг қай биридан фойдаланаётган бўлмасин, менимча уни зудлик билан қўллаш вақти етди!

Ўпкамга етарли миқдорда кислород кериши учун икки ҳисса тезроқ нафас ола бошлаган эдим ҳамки, бирдан каютага туз ҳиди анқиб турган соф ҳаво оқими отилиб кирди. Бу иод аралашган, одамни тетиклаштирадиган денгиз ҳавоси эди. Мен оғзимни катта очиб, жонҳолатда бу ҳаётбахш ҳаво оқимидан юта бошладим. Худди шу дақиқада кема секин силкинди, унчалик қаттиқ бўлмаса-да, аммо анча сезиларли эди.

Сув ости кемаси, темир махлуқ, афтидан, тоза ҳаводан нафас олиш учун китга ўхшаб сув сатҳига кўтарилганга ўхшайди...

Шундай қилиб, кемада ҳавони янгилаб туриш усули тўла аниқланди.

Тўйиб нафас олдим-да, кўзларим билан вентиляция туйнугини ёки бизга ҳаётбахш газ кирган ерни қидира бошладим ва уни осонлик билан топдим. Эшик устида панжара бўлиб, каютага ҳаво оқими ана шундан кирар эди.

Шуни энди кўздан кечириб турган эдим, Нед билан Консель деярли бир вақтнинг ўзида уйғонишди. Улар кўзларини уқалаб, ҳомуза тортиб, ўринларидан туришди.

— Хўжам яхши ухлаб турдиларми?— сўради Консель одатдаги ўзига хос одоб билан.

— Жуда соз, азизим,— жавоб бердим мен.— Сиз-чи, Нед?

— Қотиб ухлабман, жаноб профессор. Аммо бу нима-си? Назаримда денгиз ҳиди келяпти шекилли.

Мен канадаликка у ухлаб ётганида содир бўлган воқеани гапириб бердим.

— Ҳа,— деди у,— «нарвал» «Авраам Линкольн»га яқинлашганда, ундан аллақандай гувиллаган овоз чиққанининг сабаби бу ёқда экан-да.

— Тўғри айтяпсиз, Нед. У «нафас олган» экан.

— Биласизми, жаноб профессор, соат нечалигини сира билолмаяпман. Овқат вақти бўлмадимикин?

— Овқат вақти бўлмадимикин? Сиз нонуштани сўрамоқчи бўлаётгандирсиз, Нед. Чунки биз кун бўйи ҳам кечаси билан ухлаганимиз аниқ.

— Сиз билан баҳслашиб ўтирмайман,— дея жавоб берди Нед Ленд,— аммо стюард нимаики олиб келса — нонуштами, тушликми уни қучоқ очиб кутиб олардим.

— Айниқса унисиниям, бунисиниям битта қилиб олиб келса!— қўшиб қўйди Консель.

— Тўғри айтяпсиз,— деди канадалик,— унисигаям, бунисигаям ҳақимиз бор. Мен бўлсам нонуштани ҳам, тушликни ҳам бирга берса йўқ демасдим.

— Жуда соз, Нед, сабр қиламиз,— дедим мен.— Бу одамлар очликдан силламизни қуритмасликлари аниқ, бўлмаса кеча бизга овқат бериб ўтиришмас эди.

— Балки, аксинча, улар бизни бўрдоқига боқишаётгандир?— эътироз билдирди Нед.

— Нед, ўйлаб гапиринг! Сиз чиндан ҳам одамхўрлар қўлига тушиб қолдик деб ўйламаётгандирсиз ахир?

— Бир мартаси ҳисобга кирмайди,— дея жиддий туриб жавоб берди канадалик.— Ким билади, балки бу одамлар анчадан бери янги сўйилган гўшт ейишмагандир... Мана энди учта соғлом, келишган, миққигина киши — жаноб профессор, Консель ва камина қуллари қўлларига тушиб турибди...

— Бас қилинг, Нед!— мен гарпунчининг сўзини бўлдим.— Бу фикрларни миянгиздан чиқариб ташланг. Хўжа-

йинларимиз билан шундай гаплашишни хаёлингизга ҳам келтирманг — бу бизнинг аҳволимизни оғирлаштиради, холос.

— Нима бўлганда ҳам,— деди Нед Ленд,— мен итдай ошман, понушта ёки тушликни ҳалигача беришгани йўқ.

— Азизим Нед, биз бу ердаги тартиб-қоидаларга бўйсунмоғимиз керак. Менимча, бизнинг қоринларимиз кок<sup>1</sup> соатидан кўра илдамроқ ишлаётганга ўхшайди.

— Майли, нима ҳам қила олардик, қоринларимиз милини сурамиз қўямиз-да, шунда ҳамма нарса жойида бўлади,— деди бамайлихотир Консель.

— Сизга қойил, Консель!— деб хитоб қилди бесабр канадалик.— Одатдагидай асабларингизни эҳтиёт қилиш пайидасиз. Хотиржамлигингизга ҳавас қилса арзийди! Сиз арз-дод қилишдан кўра очликдан ўлишни афзал биласиз.

— Нимага арз-дод қилиш керак? Бу барибир бефойда.

— Бефойда деганингиз нимаси? Ахир арз-дод қилишнинг ўзи аламларингизни анча енгиллаштиради-ку! Аммо бу қароқчилар — мен уларни одамхўр дейишни ман этган жаноб профессорга нисбатан бўлган ҳурматим туфайли қароқчи деб атаяпман — бу қароқчилар мени диққинафас бўлиб, ҳатто уларни бисотимдаги сўкинишлар билан ҳам таништирмай шу каталакда индамай ўтираверади, деб ўйлашаётган бўлишса, жуда катта ҳато қилишади! Менга қараинг, жаноб профессор, очигини айтинг, сизнингча улар бизни бу қафасда кўн сақлашармикин?

— Тўғриси айтганда, Нед, бу ҳақда сиз қанчалик билсангиз, мен ҳам шу.

— Ҳар ҳолда сиз нима деб ўйлаяпсиз?

— Менимча, биз тасодифан муҳим сирни билиб олдик. Агар сув ости кемасининг экипажи ана шу сирни ошкор қилмасликдан манфаатдор бўлса ва бу масала уч кишининг ҳаётидан кўра муҳимроқ деб қараса, унда биз жиддий хавф остидамиз. Агар шундай бўлмаса, унда дастлабки имконият туғилиши биланоқ баҳайбат махлуқ бизни ўзимиз сингари одамлар яшаётган ерда қолдириб кетади.

— Ёки бизни кема командасига қўшиб,— дея луқма ташлади Консель,— шу ерда...

— То «Авраам Линкольн»дан кўра тезроқ сузадиган дурустроқ бошқа бир кема бу қароқчилар уясини забт этиб,— дея Конселнинг фикрини давом эттирди Нед

<sup>1</sup> Кок — кема ошпази.

Ленд,— унинг бутун экипажини биз билан бирга грот-мачтасининг<sup>1</sup> энг баланд жойига осиб қўйгунларича...

— Мулоҳазангиз ўринли, Нед,— дедим мен. Аммо менимча, ҳали ҳеч ким бу сув ости кемаси командаси составига киришимизни таклиф қилганича йўқ. Шунинг учун ўшанда нима қилишимиз керак, деб фол очиб ўтиришимиз ноўрин. Яна қайтариб айтаман, сабр қилайлик, бирор чора кўриш вақти келса, шароитга қараб ўйлашиб олармиз; ҳозир ҳеч нарса қилиш керак эмас, сирасини айтганда, бунга зарурат ҳам йўқ.

— Аксинча,— эътироз билдирди қайсар гарпунчи таслим бўлгиси келмай,— албатта бир нарса қилиш керак.

— Хўш, нима қилиш керак, Нед?

— Қутулиш керак!

— Ердаги турмадан қочишнинг ўзи қанча машаққатли, сув остидагидан эса сира иложи йўқ,— дедим мен.

— Хўш, азизим, Нед,— сўради Консель,— хўжамнинг бу гапига нима дейсиз? Биламан, америкаликлар баҳслашишга уста бўлишади.

Гарпунчи довдираб жим бўлиб қолди. Биз турган шароитда қочиш чиндан ҳам мумкин эмас эди. Аммо канадалик ярим француз-ку, ахир. Буни Нед Ленд ўз жавоби билан жуда исботлаб берди.

— Жаноб профессор,— деди у бир неча минут ўйлаб олгандан кейин,— сиз турмадан қочмоқчи бўлган кишилар бунинг уддасидан чиқолмасалар, нима қилиш кераклигини билмайсизми?

— Йўқ, дўстим.

— Ахир бу жуда осон-ку. Улар турмада қолиш учун қулай вазият вужудга келтирадилар...

— Бўлмасам-чи!— деди Консель.— Сув ости турмасининг остида ёки устида бўлгандан кўра ичида бўлган яхшида, албатта.

— Аммо олдин у ердан турма эгаллаш, дарвозабон ва қоровулларни чиқариб ташлайдилар,— деб қўшиб қўйди Нед Ленд.

— Нима деяпсиз ўзи, Нед! Наҳотки сиз чиндан ҳам кемани эгаллаб олишни ўйлаётган бўлсангиз?

— Ҳазили йўқ, жиддий гапиряпман,— жавоб берди канадалик.

---

<sup>1</sup> Гротмачта — Елканли кемаларда ўртадаги энг баланд мачта.

— Бунинг сира иложи йўқ.

— Нега энди, профессор? Қулай фурсат келса, иложи бор. Бундай фурсатдан фойдаланиб қолмасликка бирон асос йўқ. Менимча кемада йигирмадан ортиқ киши йўқ. Бу бир ҳовуч одам эса биз учун қўрқинчли эмас!

Гарпунчи билан баҳслашиб ўтиришдан кўра, унинг таклифига индамай қўя қолиш маъқулроқ эди. Шунинг учун мен унга қуйидагиларни айтиш билан кифоялана қолдим.

— Шундай фурсат бўлишини кутамиз, Нед, ўшанда кўрамиз. Унгача сабр қилишингизни илтимос қиламан. Бу режани ҳийла билангина амалга оширса бўлади, сизнинг қизиққонлигингиз эса бундай фурсат келишини яқинлаштирамайди. Бундай фурсатни сабр-тоқат билан, жаҳл қилмай кутишга сўз беришингиз керак.

— Сўз бераман, жаноб профессор,— жавоб берди Нед Ленд ишончсиз оҳангда.— Ҳатто овқатни биз истаган тартиб билан беришмаса ҳам мендан бирон ножўя сўз эшитмайсиз, биронга ортиқча ҳаракат кўрмайсиз.

— Шу сўзларингизни унутманг, Нед,— дедим мен канадаликка.

Шу билан орадаги гап тугади ва ҳар биримиз ўз фикрларимиз билан бўлдик. Эътироф этишим керакки, гарпунчининг шунчалик ишонтиришларига қарамай, барибир умидвор бўлмадим. Мен Нед Ленд айтган бахтли тасодиф рўй беришига ишонмас эдим. Ҳеч шубҳасиз сув ости кемаси кўп сонли экипажга эга, бинобарин, жанг қилишга тўғри келса, биз жуда кучли душман билан тўқнашувимиз аниқ эди.

Шуниси ҳам борки, Нед Ленднинг режасини амалга ошириш учун, аввало озод бўлишимиз керак, биз эса бандилармиз. Мен эшиги маҳкамланган бу темир қафасдан қандай қилиб қутулишни кўз олдимга келтиролмас эдим. Ахир сув ости кемаси капитанининг бирон сирини бўлса — бундай бўлиши эса эҳтимолдан холи эмас — унда у бизнинг кемада ҳеч қандай тўсиқсиз юришимизга йўл қўймаслиги аниқ.

У бизни нима қилишини: биздан дарҳол қутулишни истайдими ёки узоқ йиллар қамаб қўйиб, сўнгра бирор инсон оёғи тегмаган бир парча ерга ташлаб кетадими — буни олдиндан билиб бўлмас эди. Биз бутунлай унинг ҳукмронлигида эдик ва бу тахминларнинг ҳаммаси назаримда ҳақиқатга яқин бўлиб кўринар эди. Шундай шароитда озодликка умид боғлаш учун Нед Лендникига ўх-

шаган характерга эга бўлиш керак. Очиғини айтсам, Нед Ленд қанча ўйласа, шунча кўпроқ аччиқланар экан. Аллақачон лаънат сўзлари бўғзига тикилиб турганини, имошораларидан унинг тобора ғазабланаётганини сезардим. У қафасдаги йиртқидай у ёқдан бу ёққа ирғишлар, деворни тепар ва муштар эди.

Вақт ўтиб борарди. Очлик ўз кучини кўрсата бошлади. Стюарддан эса ҳамон дарак йўқ эди. Ҳалокатга учраганларга нисбатан бундай эътиборсизлик яхшилик аломати эмас эди.

Нед Ленд очликдан қийналар, борган сари тажанглашмоқда эди. Узини тутишга ваъда берган бўлишига қармай, командадан бирон киши қирганда тўсатдан қутуриб кетишидан қўрқар эдим.

Кейинги икки соат давомида Нед Ленднинг қаҳри борган сари ошди. Канадалик беҳудага бақириб-чақирар, темир деворлар эса миқ этмай турарди. Бу кеманинг бирон еридан лоақал озгина ҳам шовқин эшитмадим, гўё одамлари ўлгандай. У бир жойда турар эди, акс ҳолда биз паррақнинг айланишидан кема корпусининг зириллашини сезган бўлардик. Тубсиз сув қаърига чўккан бу кема ерга ортиқ сира алоқаси йўқдай эди. Бу сукунат жуда даҳшатли эди.

Мен бу темир қафасда яна қанча вақт ўтиришимизни ўйлашдан ҳам чўчир эдим.

Кема капитани билан бўлган учрашувдан сўнг менда пайдо бўлган умидлар ҳам аста-секин сўна бошлади. Меҳрибон кўзлари, юз ифодасидаги очиқлик, гавда бичимидаги олижаноблик — буларнинг ҳаммаси хаёлимдан кўтарилиб кетди. Энди бу ғалати одамни афтидан у аслида қандай бўлса шундайлигича — зolim ва шафқатсиз тасаввур этардим. Мен уни одамгарчиликдан юқорироқда, раҳм-шафқатдан маҳрум, одамларни бир умр ёмон кўришга қасамёд этган инсониятнинг ашаддий душмани сифатида кўз олдимга келтирардим.

Аммо наҳотки бу одам шу тор турмада бизнинг очликдан тинка-мадоримиз қуриб ўлишимизга йўл қўйса? Бу мудҳиш фикр бутун хаёлимни қамраб олди. Даҳшатга туша бошладим. Консель ҳамон осойишта, Нед тобора кўпроқ тутақиб борарди.

Шу пайт девор ортидан темир плиталарда қадам товуши эшитилди. Тамба гийчиллади. Эшик очилиб, стюард пайдо бўлди.

Мен ҳайҳайлашга улгурмай, канадалик бечорага ташланди ва ерга ётқизиб хиппа томоғидан бўғиб олди. Унинг бақувват қўлларида стюарднинг нафаси бўғила бошлади.

Консель гарпунчининг қўлидан ўлжасини тортиб олишга ҳаракат қилар, унга энди ёрдамлашай деб турганимда, бирдан француз тилида айтилган сўзлардан ҳаммамиз қотиб қолдик.

— Тинчланинг, Ленд, сиз ҳам, жаноб профессор! Қулоқ солингла!

### Учинчи боб

## ҒАЛАТИ ОДАМ

Бу ксма капитанининг овози эди.

Нед Ленд шу заҳотиёқ ўрнидан турди. Ула ёзишига сам қолган стюард хўжайинининг ишораси билан каловлана-каловлана каютадан чиқиб кетди. Хўжайиннинг ҳукми шу даражада эдики, ҳалиги одам канадаликка нисбатан шубҳасиз жўш урган қаҳр-ғазабини бирор ишора билан ҳам билдирмади. Мен билан Консель бунинг охири нима билан тугашини ҳайратланиб кутиб турардик.

Капитан икки қўлини кўкраги устида чапиштириб диққат билан бизга кўз тикди. Гаширишга журъат этолмаётганмикин? Ёки француз тилида сўзлаганига пушаймон бўлаётганмикин? Ажаб эмас шундай бўлса.

Утган бир неча секунд жимликни ҳеч биримиз бузишга журъат қилолмадик.

— Жаноблар,— деди ниҳоят капитан,— мен французчада ҳам, инглизчада ҳам, немисчада ҳам, латинчада ҳам бирдай эркин гаплаша оламан. Бинобарин, биринчи учрашувдаёқ сизларга жавоб беришим мумкин эди. Аммо мен сизларни синаб кўрмоқчи, яна бир ўйлаб олмоқчи бўлдим. Ҳар бирларингиз алоҳида-алоҳида ўз ҳақингизда бир хилда гапириб бердингиз. Шундан кейин сизлар чиндан ҳам ўша ўзларингиз ҳикоя қилаётган кишилар эканлигингизга шубҳам қолмади. Мен энди тасодиф туфайли илмий топшириқ билан чет эл сафарига чиққан, Париждаги табиёт тарихи музейининг профессори жаноб Пьер Аронакс, унинг хизматкори ва Америка Қўшма Штатлари ҳарбий флоти составига кирадиган «Авраам Линкольн» кemasининг гар-



пунчиси канадалик Нед Ленд билан учрашганимни билман.

Мен тасдиқ ишорасини билдириб бош эдим. Капитан менга савол билан мурожаат қилмаган эди, бинобарин, жавобнинг ҳам кераги йўқ эди.

Бу одам фикрини француз тилида биронта сўзни бузмай, соф талаффузда тушунтирар эди. У сўзларни жуда аниқ ва чиройли талаффуз этар, нутқи ғоят раvon эди. Аммо шунга қарамай мен унда ватандошимни кўролмадим.

У сўзини давом эттирди:

— Ҳеч шубҳа йўқки, жаноблар, сизлар мени иккинчи марта келишимни анча чўзиб юборди, деб ҳисоблайсизлар. Аммо кимлигини билиб олгач, сизларни нима қилишим кераклигини ўйлаб кўришим лозим эди. Узоқ вақт иккиландим. Фалакнинг гардиши сизни менга — бутун инсоният билан алоқасини узган кишига тўқнаштирди. Сизлар мени ёлғизликдан маҳрум эттингизлар...

— Бейхтиёр, — дедим мен.

— Бейхтиёр? — овозини баландлатиб қайтарди нотаниш киши. — «Авраам Линкольн» изимдан бутун денгизлар бўйлаб бейхтиёр қувиб юрганмиди? Худди ўша кемага сиз ҳам бейхтиёр тушиб қолганмидингиз? Тўпларингизнинг ўқлари ҳам кемам корпусига бейхтиёр тегдими? Балки мистер Ленд ҳам гарпунини менга бейхтиёр отгандир?

Бу сўзларида унинг ичидан гижинаётгани сезилиб турарди.

Унинг бу барча таъналарига тамомила ўринли жавобим бор эди.

— Жаноб, — дедим мен, — ҳеч шубҳа йўқки, сизни деб Америка ва Европада қўзғалган баҳс-мунозаралардан беҳабарсиз. Сизнинг сув ости кемагиз билан тўқнашув натижасида юз берган бир неча ҳодисалар ҳар икки қитъада жамоатчилик фикрини қўзғатганини билмайсиз. Сирп фақат сизгагина маълум бўлган жумбоқни тушунтириш учун тўқилган сон-саноқсиз фаразларни бирма-бир санаб ўтирмайман. Аммо билинги, «Авраам Линкольн» кемаси сизни Тинч океanning энг узоқ жойларигача қувиб борар экан, у алақандай баҳайбат денгиз махлуқи изига тушганига имони комил ва қайси йўл билан бўлмасин, унда денгизни холи қилиши керак эди.

Капитаннинг юзида табассумга ўхшаган ҳолат содир бўлди.

У босиқ овоз билан сўзида давом этди:

— Жаноб Аронакс, борди-ю сув ости кемасилигини билса, баҳайбат денгиз махлуқи сингари қувиб, ўққа тутмас эди, дейишга журъаъ эта оласизми?

Бу савол мени довдиратиб қўйди, чунки, дарҳақиқат, капитан Фарагут сира иккиланмай шундай қилар эди. У сув ости кемасини ҳам улкан нарвалдай яксон қилишни ўзининг бурчи деб билар эди. Бинобарин, мен саволга жавоб бермадим.

Капитан сўзини давом эттирди:

— Шундай қилиб, сизларга душман билан муомала қилгандай муомалада бўлишга ҳаққим борлигини тушундингизми?

Мен энди тамомила онгли равишда жим туравердим. Ҳар қандай ўривли далилларингиз ҳам кучли зарба билан яксон бўлгандан кейин бу масалада баҳслашиб ўтиришнинг нима ҳожати бор?

— Мен узоқ вақт иккиландим,— дея сўзини давом эттирди капитан.— Менинг сизларга нисбатан меҳмондўстлик қилишим учун зиммамда ҳеч қандай мажбурият йўқ эди. Агар мақсадим сизлардан қутулиш бўлганида, яна бир марта учрашиб ўтиришимнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Мен сизларни қайтариб кема устига чиқариб қўйиб, денгизга шўнғирдим ва... бир вақтлар сизларнинг бўлганларингизни ҳам унутишим мумкин эди. Ё шундай қилишга ҳаққим йўқмиди?

— Бу маданий одамнинг эмас, ёввойининг иши бўлар эди,— деб жавоб бердим мен.

— Жаноб профессор,— шу эҳоти эътироз билдирди капитан,— мен сизнинг «маданий одамнинг иши» деб нимани кўзда тутишингизни билмайман. Мен маълум сабабларга кўра, жамият билан алоқамни уздим ва бунинг туб моҳиятини мулоҳаза қилишга ёлғиз ўзимнигина ҳақли деб биламан. Мен ўша жамият қонунларига бўйсунмайман ва бундан кейин ҳузуримда улар ҳақида сира эслатмаслигингизни маслаҳат бераман.

Бу гап жуда кескин қилиб айтилди. Номаълум кишининг кўзлари қаҳр ва ғазаб билан ёнарди. Менинг хаёлимга, «бу одамнинг ўтмишида аллақандай даҳшатли сир бор», деган фикр келди. Ахир у бекордан-бекорга ўзини инсонлар қонунидан баланд қўйиб, одам қадами етмайдиган жойга кетмаган-ку. Ҳатто сув сатҳидаёқ ўзи билан курашмоқчи бўлганларни осонлик билан бартараф эта олгач, денгиз қаърида уни қувишга ким журъат эта олар эди.

Унинг сув ости мониторига<sup>1</sup> қайси кема бардош бера оларди? Унинг кемасининг даҳшатли тумшуғи зарбига чидай оладиган зирқ борми? Бу сув ҳукмдорининг хатти-ҳаракатларини тергашга дунёда ҳеч кимнинг кучи етмайди.

Бу ғалати одам ўз ўйлари билан бўлиб, каюта бўйлаб юраётганида, тезлик билан шу фикрлар хаёлимдан ўтди.

Мен унга қизиқиш ва қўрқув аралаш туйғу билан қараб турардим.

Узоқ жимликдан сўнг капитан яна сўзини давом эттирди.

— Шундай қилиб, мен иккиландим, — дея давом этди у, — аммо ниҳоят табиий раҳм-шафқатни — бунга ҳар бир тирик жон ҳақли — менинг манфаатларим билан қўшиб амалга ошираверса ҳам бўлади-ку, деган хулосага келдим. Тасодиф сизларни бу ерга олиб келган экан, менинг кемамда қолаверасизлар. Сизлар эркин юрасизлар ва шуниси борки, бу жуда нисбий эркинлик эвазига сизларнинг олдиларингизга биргина шарт қўяман. Сизлар бунга бўйсунамиз деб берган ваъдангиз мен учун кифоя.

— Айтинг, капитан, — мен жавоб бердим. — Шартингизни ҳар бир виждонли одам қабул қилаверса бўладиган деб ишонаман, албатта.

— Шубҳасиз! Мана у, эшитинг: эҳтимол баъзи кўзда тутилмаган шароитларга кўра, сизларни баъзан соатлаб, балки кунлаб — буни олдиндан айтиш қийин — қамаб қўйишга мажбур бўларман. Ҳар қандай шароитда ҳам мен зўравонлик томонига ўтишни истамайман, шунинг учун бундай ҳолларда сўзсиз бўйсунуш ҳақида берган ваъдаларингизга ишонч ҳосил қилишим керак. Мен бундай таклифни сизга айтиш билан бирга рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар учун жавобгарликни сизлардан тамоман соқит этаман, чунки сизлар билишингиз ман этилган нарсани ҳатто кўролмайсизлар ҳам. Шартимни қабул қиласизларми?

Демак, сув ости кемасида жамият қонунлари билан алоқасини узмаган кишилар кўриши лозим бўлмаган воқеалар ҳам рўй бериб турар экан-да. Келажак менга ҳозирлаган барча тасодифларнинг энг нохушларидан бири шу десам янглишмайман.

<sup>1</sup> Монитор — денгиз қиргоқларини мудофаа қилиш ёки қиргоқ истеҳкомларига ҳужум этиш учун мослаштирилган зирқли ҳарбий кема.

— Қабул қиламиз,— деб жавоб бердим мен.— Фақат... рухсат этсангиз, битта саволим бор эди, капитан?

— Марҳамат.

— Сиз кемангизда бизни эркин юра оласиз, дедингиз, шундайми?

— Ҳа, мутлақо эркин юра оласизлар.

— Буни қандай тушунса бўлади, айтиб бера олмай-сизми?

— Сизлар кемада бемалол юришингиз, у ерда бўлаётган ҳамма нарсаларни, айримларидан ташқари, кўришларингиз, кузатишларингиз, қисқаси, худди мен ва ҳамроҳларим фойдаланаётган эркинликка эришишингиз мумкин.

Биз бир-биримизни тушунмаганимиз аниқ эди.

— Кечирасиз, капитан,— дедим мен,— аммо бу эркинлик маҳбусга турмада юриш учун рухсат бериладигандай гап-ку. Биз бу билан қаноатланиб қололмаймиз.

— Худди шу билан қаноатланиб қолишларингизга тўғри келади.

— Нима, биз ватанимиз, оилаларимиз, ёр-биродарларимиз олдига қайтишдан абадий воз кечишимиз керакми?

— Ҳа. Аммо жамиятингизда қонунлар деб аталган ва одамлар унга кўр-кўрона эргашадиган жирканч жабрзулм машаққатларидан воз кечиш сиз ўйлаганча қийин эмас.

— Менга қолса,— хитоб қилди Нед Ленд,— бу ердан қочишга интилмайман деб ҳеч қачон ваъда бермайман.

— Мен сиздан буни сўрамайман ҳам, Ленд,— лоқайдлик билан жавоб берди капитан.

— Капитан,— деб бақириб юбордим мен ўзимни тўғата олмай,— ҳукмронлигингизни сунистеъмом қляпсиз! Бу — шафқатсизлик!

— Йўқ, жаноблар, бу — юшоқ кўнгиллик! Сизлар жангдан кейин менга асир тушдингизлар. Мен сизларга ҳаёт инъом этипман, ваҳоланки, океанга улоқтириб ташлашим ҳам мумкин эди. Сизлар менга ҳужум қилдингизлар! Сизлар бирон кимса билиши мумкин бўлмаган сирдан — менинг борлигим тўғрисидаги сирдан воқиф бўлдингизлар! Хўш, мавжудлигимни ҳеч ким билиши лозим бўлмаган куруқликка қайтсак ҳеч қандай қаршиликсиз қўйиб юборади деб ўйлайсизларми? Ҳеч қачон! Сизларни сув ости кемада тутиб турар эканман, сизларнинг манфаатларингизни эмас, шахсан ўзимникини ўйлапман.

Капитан шундай оҳангда гапирдики, мен уни фикридан қайтариш учун уриниш бефойда эканлигини тунддим.

— Гапнинг қисқаси, капитан, содда қилиб айтганда, бизга асирлик ё ўлимдан бирини танилашни тавсия этгяспиз, шундайми?

— Жуда тўғри.

— Дўстларим,— дея Консель ва Нед Лендга мурожаат этдим,— масаланинг бу қўйилишида баҳслашиб ўтиришимиз ноўрид. Аммо шуни унутманглар, орамизда бизни шу кема хўжайини билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ваъда йўқ.

— Ҳеч қандай,— тасдиқлади капитан.

Шундан сўнг у сўзини юмшоқроқ оҳангда давом эттирди:

— Энди яна бир-икки оғиз гапим бор. Мен сизни биламан, жаноб Аронакс. Уртоқларингиз ҳақида бир нима деёлмайману, аммо шахсан ўзингиз мен билан йўлиқтирган тасодифдан хафа бўлмайсиз. Ҳамиша фойдаланиб юрган китобларим орасида ўзингизнинг денгиз тубининг сирларини тўғрисидаги асарингизни ҳам топа оласиз. Мен уни тез-тез ўқиб тураман. Сиз ўз китобингизда ерда фан учун мумкин бўлган билим даражасига эришгансиз. Аммо кўн нарсадан хабарингиз йўқ, чунки кам нарса кўргансиз. Сизни ишонтириб айтаманки, бу ерда кетган вақтингизга ачинмайсиз. Мўъжизалар ўлкасига саёҳат қиласиз. Ажабланиш, донг қотиб ҳайратланиш ақлингизнинг одатдаги ҳолатига айланиб қолиши мумкин. Кўзларингиз олдида тинмай янгилашиб турадиган манзаралар яқин орада сизни зериктирмаса керак. Мен бутун дунё бўйлаб янги сув ости саёҳатига чиқишга қарор қилдим. Балки бу сўнггисидир — ким билади? Олдинги саёҳатлардаги барча кузатувларимга яқин ясамоқчиман. Бу ишда сиз менга ёрдам бера-сиз. Шу бугундан эътиборан сиз тамома янги дунёга кириб борасиз. Сиз ҳали бирон киши кўрмаган нарсаларни кўрасиз,— мен ҳамда ҳамроҳларим бу ҳисобга кирмайди,— ва планетамиз сизга ўзининг сўнги сирларини очади.

Капитаннинг сўзлари менда ғоят катта таассурот қолдирганлигини эътироф этмай иложим йўқ. У туйғуларининг энг нозик торини чертди ва мен бир зумгина бу мўъжизаларни кузатиш йўқотган эркимнинг ўрнини босолмаслигини унутдим.

Бироқ кейинчалик бу муҳим масалага яна бир карра қайтишни кўзлаб, қуйндаги жавоб билан кифоялана қолдим.

— Капитан, инсоният билан алоқангизни узган бўлсангиз ҳам инсоний туйғулардан воз кечмагандирсиз. Биз ҳалокатга учраганларга раҳмдиллик қилиб кемангиздан жой бердингиз. Мен ҳам, дўстларим ҳам буни сира унутмаймиз. Очигини айтсам, фан манфаатлари йўлида хизмат қилиш шахсан мен учун маълум даражада йўқотган эрким эвазига мукофот бўла олади.

Капитан ўртамиадаги шартни мустаҳкамлаш учун менга қўлини узатади деб ўйлаган эдим. Бироқ у бундай қилмади. Шундай қилмагани учун мен унга ичдан ачиндим.

— Яна бир савол,— дедим мен бу галати одам энди жетмоқчи бўлиб турганида.

— Қулоғим сизда, жаноб профессор.

— Сизни нима деб чақиришимиз керак?

— Сивлар учун мен фақат капитан Немо<sup>1</sup>, сиз ва ҳамроҳларингиз эса мен учун фақат «Наутилус»<sup>2</sup> йўловчилари.

Капитан Немо бир нима деб қичқирди. Каютага стюард кирди. Капитан унга ўша мен тушунмаган тилда буйруқ берди.

Шундан сўнг канадалик ва Конселга қараб:

— Сизлар ўз каюталарингизда нонушта қиласизлар,— деди.— Марҳамат қилиб мана бу киши билан борсангиз.

— Йўқ демайман,— деди гарпунчи.

Консель ва у қарийб ўттив соат биз қамалиб ётган қафасдан чиқишди.

— Энди, профессор, навбат бизга. Нонушта тайёр. Рухсат берсангиз, сизга йўл кўрсатсам.

— Хизматингизга ҳозирман, капитан.

Мен капитан Немо кетидан эргашдим. Биз электр чироклар билан ёритилган оддий кемаларникига ўхшаш йўлакка чиқдик ва ўн метрча юргач, ёпиқ эшик олдида тўхтадик.

Капитан Немо эшикни ланг очиб, олдин менга йўл берди.

Мен силоҳона дид билан жиҳозланган ва пардозланган овқатхонага кирдим. Залнинг икки томонида қора ёғоч

<sup>1</sup> Немо — латинча «ҳеч ким» дегани.

<sup>2</sup> Наутилус — латинча кема дегани.

қадаб нақшланган баланд эман равоқлар турардй. Унинг токчаларида санъаткорона ишланган бебаҳо биллур, чинни, кумуш идишлар ярақлаб товланарди. Девор кошинларининг ранги шифтдан таралаётган жуда ёрқин ёғдуни юмшатарди.

Залнинг ўртасида ясатилган стол турарди.

Капитан Немо менга имо билан жой кўрсатди.

— Утиринг,— деди у,— овқатланиб олинг; дарвоқе, ўлгудай очсиз-а.

Мен ялингириб ўтирмадим.

Нонуштага балиқдан тайёрланган бир неча хил таомлар ва менга номаълум бўлган аллақандай овқатлар берилди.

Бу таомларнинг ҳаммаси мазали, аммо тез кўникса бўладиган қандайдир таъми бор эди. Назаримда бу масаллиқлар фосфорга бой эди, бинобарин, улар денгиздан олингандир деб ўйладим.

Капитан Немо кўз узмай менга қараб турар эди. Ундан ҳеч нима сўраганим йўқ, аммо ўзи мен бермаган, лекин тилимнинг учиди турган саволларга жавоб бера бошлади.

— Бу таомларнинг кўпини сиз билмайсиз,— деди у.— Аммо барибир сира хавотирланмай еяберишингиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси фойдали ва тўйимли. Мен ерда етиштириладиган озиқ-овқатларни анчадан буён емайман, аммо шунга қарамай, ўзимни жуда яхши ҳис этяпман. Мен ейдиган озиқ-овқатлардан тамадди қиладиган бутун экипажим ҳам ҳавас этса арзийдиган даражада соғлом.

— Демак, бу ноз-неъматларнинг ҳаммаси денгиз маҳсулотими?

— Ҳа, профессор, денгиз бутун эҳтиёжимни қондирыпти. Баъзан мен тўр ташлайман, улар бирор марта ҳам бўш чиққан эмас. Баъзан мен бошқаларнинг қадами етолмайдиган табиат оламига овга бораман ва сув ости ўрмонларимда яшаётган «қушлар»ни қуваман. Менинг подаларим кекса чўпон Нептуннинг<sup>1</sup> подалари сингари океан кенгликларида бемалол ўтлаб юришади. Мулкларим беҳад катта ва улардан ёлғиз ўзим фойдаланаман.

Мен капитан Немога таажжубланиб қараб, жавоб бердим:

— Тўрлар дастурхонингизга ажойиб балиқ келтираётганини билиб турибман, капитан. Мен қандайлигини бил-

<sup>1</sup> Нептун — қадимги римликларда денгиз худоси.

майману, ammo сизнинг ўз сув ости ўрмонларингизда «қуш» овлаётганингиз рост деб фараз қилайлик; бироқ мен бир нарсага ҳайронман. Озгина бўлса ҳам, дастурхонингиздаги гўшт қаердан келяпти?

— Мен қуруқликда яшайдиган ҳайвонларнинг гўштини мутлақо емайман,— дея эътироз билдирди капитан Немо.

— Бу-чи?— сўрадим мен бир неча бўлак қовурилган гўшт солинган таомга ишора қилиб.

— Сиз қуруқликда яшайдиган жониворнинг гўшtidан деб тахмин қилган таомингиз денгиз тошбақасининг қовурилган гўшти, холос. Мана бу дельфиннинг жигаридан тайёрланган қайланинг таъми сизга чўчқа гўшtidан қилинган қовурдоқдай туюлиши мумкин. Менинг ошпазим— моҳир пазанда. Балиқ ва бошқа денгиз ҳайвонлари гўшtidан таом тайёрлашда унга тенг келадигани йўқ. Мана бу қисқичбақа консерваларини истаган малайялик дунёдаги энг зўр консерва деб баҳолаши мумкин; мана бу кремнинг қаймоғи китнинг елинидан олинган, қанд — Шимолий денгизнинг сув ўсимликларидан; ниҳоят мана бу мураббо анемонлардан.

Мен уларнинг ҳаммасидан оч бўлганим учун эмас, капитан Немонинг гапларига қизиқиб қолганимдан татиб кўрдим.

— Денгиз,— дея давом этди у,— мени тўйдирибгина қолмай, кийинтиради ҳам. Устингиздаги кийимнинг матоси айрим денгиз чиганоқларининг биссусларидан тўқилган. У шажаранинг қирмизи рангига бўялган, бинафша ранг товланиши Ўртаер денгизи моллюскаларидан бири аплизий шираси ёрдамида олинган. Сизга ажратилган каютадаги столча устида турган атир айрим ўсимликларни қайнатиб йўли билан олинган. Ўрин-кўрпангиздаги тўшак океанининг энг яхши ўтларидан қилинган. Сиз ёзадиган перо — кит мўйловидан, сиёҳ — каракатица<sup>1</sup> безларидан. Ҳозир мен нимаданки фойдаланаётган бўлсам, ҳаммаси денгиздан олиняпти ва буларнинг барчаси вақти келиб яна денгизга қайтади.

— Денгизни севасизми, капитан?

— Ў-ў, нимасини айтасиз, севганда қандоқ. Денгиз — бу мен учун ҳамма нарса. У ер шарининг ўндан етти қисмини эгаллаб турибди. Суви тоза ва ҳаётбахш. Унинг биспоён кенгликларида одам ўзини сира ёлғиз ҳис этмайди,

<sup>1</sup> Каракатица — юмшоқ танли денгиз моллюскаси.



чунки ҳамиша атрофида ҳаёт нафаси уфураётганини сезиб туради. Чиндан ҳам, ахир денгизда табиатнинг ҳар учала дунёси — минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонлар бор. Сўнгисига зоофитларнинг<sup>1</sup> жуда кўп намояндалари, бўгин-оёқларнинг икки синфи, моллюскаларнинг беш синфи, умуртқалилар, сутэмизувчилар, судралувчиларнинг уч синфи ва сон-саноқсиз балиқлар киради. Ҳайвонот оламининг жуда кўп синфлари ўн уч мингдан ортиқ турларга эгаки, буларнинг ўндан бир қисмигина чучук сувларда яшайди. Денгиз — табиатнинг улкан резервуари. Ер шарида ҳаёт денгиздан бошланган, ким билсин, балки у вақти келиб яна денгизда тугар? Денгизда — ўта осойишталик... Денгиз зўравонларники эмас. Улар денгиз сатҳида жанг қилиб, бир-бирларини қиришлари, қуруқликдаги ҳаёт қабоҳатларини қайтаришлари мумкин. Аммо ўттиз фут чуқурликдаги сув остида уларнинг ҳукмронликлари тугайди. Эҳ, профессор, денгиз қаърида яшанг! Тўла мустақиллик фақат шу ерда, фақат шу ерда инсон чинакамига озод, шу ердагина уни ҳеч ким эзолмайди!

Капитан Немо тўсатдан ўзининг оғашин сўзларини тўхтатди. У одатдаги вазминлигини бузганига пушаймон бўлмадимикин? Ортиқча сўзлаб қўйганидан чўчимаётганимикин?

Бир неча минут давомида овқатхонада ҳаяжонланиб юрди. Сўнгра асабларини жиловлаб олди-да, юзига одатдаги совуқ улуғворлик ифодасини бериб, менга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилди:

— Энди, профессор, «Наутилус»ни кўриб чиқмоқчи бўлсангиз, хизматингизга тайёрман

## *Ун биринчи боб*

### «НАУТИЛУС»

Капитан Немо эшик томон юрди. Мен унинг орқасидан бордим. Овқатхонанинг охиридаги икки тавақали эшик очилиб, биз қўшни хонага кирдик. Бу уй катталиги жиҳатидан овқатхонадан қолишмайдиган кутубхона эди. Пали-

---

<sup>1</sup> Зоофитлар — жонивор-ўсимликлар. Илгари игнатерилар, мшанкалар, ичакбўшлар, булутлар (сув жонивори) ва айрим қуртларни шундай деб аташган.

сандр<sup>1</sup> ёғочидан қилиниб, олтин суви югуртиб пардозланган баланд, шифтга етган шкафларда бир хил муқовали жуда кўп китоблар сақланарди. Шкафлар уй деворларини қоплаб олишган. Кенг, жигар ранг чарм сирилган диванлар кишини дам олишга чорларди. Уларнинг яқинида китоб остига қўйиладиган енгил кўчма чорпоячалар турарди.

Устига бир қучоқ китоб уйиб қўйилган катта стол хонанинг ўртасини эгаллаб турар эди. Унинг устида эски газеталарнинг бир неча нусхалари ҳам бор эди.

Бу ҳашаматли зални шифтга ўрнатилган тўртта ярим шар шаклидаги электр лампалар ёритиб турар эди.

Чиройли жиҳозланган жуда қулай бу хонани завқ билан кўздан кечирдим.

— Капитан Немо,— дедим мен,— мана бу кутубхона билан ердаги ҳар қандай сарой фахрланса арзийди. Океан қаърида шундай ажойиб кутубхонагизнинг борлиги мени ҳайратга солмоқда!

— Ишлаш учун бундан қулайроқ шароитни қаердан топасиз, профессор?— деди капитан.— Париж музейидаги кабинетингиз шунчалик осойишта бўладими?

— Йўқ, албатта... Очигини айтсам, бу зал олдида у жуда қашшоқ. Бу ерда камида олти-етти минг китоб бордир?

— Ун икки минг, жаноб Аронакс. Мени ер билан боғлаб турган яккаю ягона нарса шу. Бироқ «Наутилус» биринчи марта сувга шўнғиган кундан эътиборан мен учун дунё йўқолди. Уша куни мен сўнги китоб ва брошюраларни, газеталарнинг сўнги нусхаларини сотиб олган эдим. Ушандан бери мен учун инсоният ўйлашдан ва ёзишдан тўхтади. Бу китоблар, профессор, бутунлай сизнинг ихтиёрингизда — улардан истаган вақтингизда хоҳлаганингизча фойдаланаверинг.

Капитан Немога миннатдорчилик билдиргач, кутубхона тоқчаларига яқинлашдим. Мен у ерда аниқ фанларнинг турли соҳаларига доир, фалсафа, адабиётга доир барча тилларда ёзилган китобларни кўрдим.

Қизиқ бир нарса диққатимни ўзига тортди: ҳамма китоблар қайси тилда ёзилганидан қатъи назар, алфавит тартибда турарди. Бу капитан Немонинг ҳамма тилларни яхши билишидан далолат берарди.

---

<sup>1</sup> П а л и с а н д р — баъзи тропик дарахтларнинг қаттиқ, қимматбаҳо ёғочи.

Мен кутубхонага инсон тафаккури яратган энг ажойиб нарсаларни — фан соҳасида ҳам, бадий проза ва поэзияда ҳам: Гомердан тортиб Виктор Гюгогача, Ксенофонтдан Мишлегача, Рабледан Жорж Зандгача қадимий ва ҳозирги замон авторларининг асарларини кўрдим. Аммо бу кутубхонада илмий китоблар ҳар ҳолда кўпроқ эди. Билишимча, капитаннинг илмий машғулотларининг асосий предмети табиёт тарихи бўлишига қарамай, баллистика<sup>1</sup> механикаси, гидрология<sup>2</sup>, метеорология, география, геология ва ҳоказоларга оид китоблар ҳам кам эмасди. Токчаларда Гумбольдт, Арагонинг барча асарлари, Фуко, Анри Сен Клер-Девиль, Шасль, Мильн-Эдвардс, Катрфаж, Тиндаль, Фарадей, Бертелло, аббат Секки, Петерманн, Мори, Агасиц асарлари, академияларнинг «Солнома»лари, турли географик жамиятларнинг бюллетенлари ва ҳоказолар, худди шу фахрли жамоа ёнида капитаннинг менга кўрсатган ҳурматидан миннатдор бўлишим керакдир, менинг ўша икки томлигим ҳам турар эди. Жозеф Бертраннинг «Астрономия асослари» китоби менга бир санани аниқлаб олиш имконини берди: бу китоб 1865 йилнинг ўрталарида чиққанини билардим; бундан чиқди, «Наутилус» шундан олдин сувга тушмаган.

Демак, капитан Немо кўпи билан бундан уч йил муқаддам сув ости саёҳатига чиққан!

Борди-ю, бундан ҳам кейинроқ чиққан китоблар топилиб қолса, сув ости кемасининг денгизга туширилган вақтини янада аниқроқ белгилаб олиш мумкин, деб ўйладим ўзимча. Аммо бу масалаларни билиб олиш учун ҳали олдинда етарли вақт бор, ҳозир эса «Наутилус» мўъжизаларини кўриб чиқишни кечиктиргим келмади.

— Кутубхонангиздан фойдаланишга рухсат берганингиз учун раҳмат, капитан. Бу чинакам фан хазинаси ва мен ундан фойдаланаман.

— Бу уй фақат кутубхона бўлибгина қолмай, балки чекадиган жой ҳам.

— Чекадиган жой?! — қичқириб юбордим мен. — «Наутилус» да чекишадими?

— Албатта.

---

<sup>1</sup> Баллистика — артиллерия снарядларининг учишини ўрганадиган фан.

<sup>2</sup> Гидрология — ер шарининг сув билан қопланган (океанлар, денгизлар, кўллар ва дарёлар) қисмининг физик хусусиятларини ўрганадиган фан.

— Ундай бўлса, капитан, сиз Гавана билан алоқа боғлаб турар экансиз-да?

— Мутлақо, — жавоб берди капитан Немо. — Мана бу сигарани чекиб кўринг, профессор, у Гавананики эмас, аммо кашанда бўлсангиз сизга маъқул тушади.

Мен кўринишдан энг яхши Гавана сигараларига ўхшаган, аммо ранги очроқ, олтин ранг япроқлардан ўралган сигарани олиб, бронза шамдондаги шамдан тутатдим. Икки кун тамакидан маҳрум бўлган ашаддий кашандадай очкўзлик билан тутундан тортдим.

— Жуда зўр сигара, аммо... демак, бу тамаки эмас экан-да?

— Йўқ, — деб жавоб берди капитан. — Бу, таркибида никотин кўп бўлган турли хил денгиз ўтлари. Энди Гавана сигараларига қалайсиз?

— Шу дақиқадан бошлаб мен ўлардан ирганамап.

— Ундай бўлса, сигаранинг қаердан келиб чиққанини суриштирмай, истаганингизча чекаверинг. Булар учун ҳеч қанақа тамаки монополияси солиқ олгани йўқ. Аммо бу билан сигаралар бемазароқ бўлиб қолмади, шундай эмасми?

— Жуда тўғри.

Шу пайт капитан Немо биз боягина кутубхонага кирган жойнинг рўпарасидаги эшикни катта очди ва биз улкан, яхши ёритилган салонга кирдик.

Бу бурчаклари кесик, узунлиги ўн, эни олти ва баландлиги беш метр келадиган катта зал эди. Шифт сатҳи билан бир текисда бўлган чиройли жимжимадор нақшли лампалар бу музейдаги мўъжизаларга ёрқин, аммо кўзни қамаштирмайдиган ёғду сочарди. Ҳа, бу чинакам музей эди! Эпчил ва сахий қўллар бу ерга табиат ва санъат хазинасини рассом хонасидагидай тартибсиз ҳолдаги гўзаллиги билан йиққан эди. Буюк рассомларнинг бир хил рамкалардаги ўтгизга яқин асарлари одми гулли мато тўртилган деворларни беаб турарди. Расмлар оралигида қалқон ва қурооллар ҳамда барча рицарлик яроғ-аслаҳаларини тақиб олган ҳайкалчалар турарди.

Мен илгари Европа виставкаларида ҳамда шахсий расмлар галереясида томоша қилиб юрганимизда жуда бебаҳо асарларни кўрдим. Қадимги санъаткорлар маҳорати бу ерда Рафаэлнинг «Маъбудаси», Леонардо-да-Винчининг «Қиз бола»си, Корреджионинг «Гунг»и, Тицианиннг «Аёл»и, Веронезениннг «Сеҳргарлар саждаси», Мурильонинг «Мақтов»и, Гольбейннинг «Портрет»и, Веласкеснинг «Монах»и,

Рибернинг «Жафокаш»и, Тенберснинг «Ярмарка»си, Рубенснинг Фламандиянинг икки пейзажи, Жерар-Доу, Метсу, Поль Поттерлар услубидаги учта кичик-кичик асар, Жерико ва Прюдоннинг икки картинаси, Бакюйзен ва Веренинг бир неча денгиз манзаралари орқали намойиш қилинган эди. Ҳозирги замон рассомчилик санъати намуналари орасида мен Делакура, Энгр, Декан, Труайн, Мейсонье, Добиньи ва бошқалар яратган асарларни учратдим.

Антик ҳайкалтарошларининг мрамар ва бронзадан ишлаган ҳайкалларининг бир неча мафтункор нусхалари бу ажойиб музейнинг бурчақларидаги баланд тагликларда турарди.

Капитан Немонинг олдиндан айтиб қўйган сўзлари тўғри чиқа бошлади: «Наутилус»ни кўриб чиқиш учун қўйилган дастлабки қадамлардаёқ мен ҳайратга тушдим.

— Мулозамат кўрсатмай, йиғиштирилмаган, тартибсиз хонага сизни бошлаб келганим учун мени кечирарсиз, деган умиддаман, профессор,— деди бу галати одам.

— Капитан,— дея жавоб бердим мен,— очиғини айтсам, сиз ҳақиқий артист экансиз!

— Ҳ-ҳ, йўқ, ҳаваскорман, холос,— эътироз билдирди у.— Инсон тафаккури яратган бу ажойиб асарларни йиғиш менга қувонч бахш этарди. Мен ҳормай-толмай изладим, харид қилишга ўч эдим. Шунинг учун бу бир қанча жуда қимматбаҳо нарсаларни қўлга киритдим. Бу — мен учун ўлган ердан сўнгги хотиралардир. Назаримда, ҳатто ҳозирги замон рассомларингиз ҳам қадимий санъаткорлардир. Буюк истеъдод эгаларининг ҳозиргиси, қадимгиси бўлмайди.

— Мана бу музикачилар-чи?— сўрадим мен Вебер, Россини, Моцарт, Бетховен, Гайдн, Мейербер, Вагнер, Обер, Гуно ва бошқаларнинг икки эшик ораллигидаги жойни эгаллаб турган катта пианино-органнынг устида сочилиб ётган партитураларига ишора қилиб.

— Бу музикачилар мен учун Орфей<sup>1</sup> замондошларидир. Ўлганлар хотирасида вақт тафовути қолмайди, профессор, мен эса ўша сизнинг тупроқ остида ётган ёр-биродарларингиз сингари ўлган одамман...

Капитан Немо жим қолиб, чуқур ўйга толди. Мен унга катта қизиқиш билан индамай қараб туриб, юз тузли-

<sup>1</sup> Орфей — қадимги грек мифологиясидаги ашулачи. У ўз қўшиқлари билан дарахтлар ва ҳояларни ҳаракатга келтирган, йиртқич ҳайвонларни ўзига ром қилган.

шининг ўзига хос белгиларини қидирардим. У қимматбаҳо столчага суянган, мени кўрмас ва афтидан, ёнидалигимни ҳам тамоман унутган эди.

Мен унинг хаёлини бўлмаслик учун бу салонга тўпланган мўъжизаларни кўришни давом эттирдим.

Санъат асарлари билан бир қаторда табиат яратган нодир нарсалар ҳам каттагина ўрин эгаллаб турарди. Булар асосан ўсимликлар, чиғаноқлар ва океanning бошқа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг маҳсулолари бўлиб, афтидан, капитан Немо ўз қўли билан йиққанга ўхшарди.

Салоннинг ўртасида остидан электр чироғи билан ёритилган фонтан бор эди; сув заррачалари тридакнанинг жуда катта чиғаноғидан қилинган ҳовузга тушиб турар эди. Тридакнанинг айланаси олти метрча келарди. Бинобарин, у ҳатто Венеция республиқаси қирол Франциско I га туҳфа этган машҳур чиғаноқдан ҳам катта эди.

Ҳовуз атрофидаги мис билан пардовланган чиройли ойнабанд витриналарга натуралист етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган энг нодир денгиз мўъжизалари қўйилган. Бир қарашдаёқ қанчалик қувониб кетганимни тасаввур қила олсангиз керак.

Зоофитлар бўлими бу ерда полиплар<sup>1</sup> ва тикантеририллар орқали намойиш этилган эди. Биринчилари орасида елпигичсимон гергонийлар, денгиз органчалари, сурия булутлари, молук маржонлари, альционийнинг ажойиб нусхаси, одамни ҳайратга соладиган елпигич япроқлар, Реюньён оролидан кўзчалар ва мадрепорларнинг жуда катта коллекцияси бор эдики, булар орасида Антиль оролларида олинган «Нептун аравачаси» айниқса диққатни ўзига тортарди. Бу ерга маржонларнинг турли хиллари йиғилган бўлиб, одатда уларнинг тўдалари бутун-бутун ороллари, асрлар ўтиши билан эса аҳтимол қитъаларни ҳам вужудга келтириши мумкин бўлади. Денгиз юлдузларининг бир неча турлари, денгиз кўзчалари (голотурий), денгиз типратиканлари, илондумлилар ва бошқалар бу ерга косаси тиканаклар ҳамда найзачалар билан қопланган тикантеририлларнинг намояндalари сифатида қўйилган.

Менинг ўрнимда асаблари заифроқ конхиолог бўлганида, моллюскалар коллекцияси ўрин олган нариги витринани кўришни биланоқ юраги ёрилиб ўларди. Бу экспонатлар бебаҳодир ва уларни тавсифлаш учун бутун бир томни

<sup>1</sup> Полип — бир жойда қимирламай яшайдиган денгиз ҳайвони.

бағишлаш лозим булур эди. Шунинг учун ҳам энг диққатга сазоворларини санаб ўтиш билан кифояланаман. Капитан Немо коллекциясида Ҳинд океанининг сидирга қизғиш жигар ранг устига мутаносиблик билан жойлашган оқ доғли чиройли болғаси; ҳамма ёғи майда дончалар билан қопланган ва ялтиллаб турадиган «император спондилейси», бунга истаган Европа музейи йигирма минг франкни аямасди; топилиши деярли мумкин бўлмаган австралия болғаси; нафас тегса сочилиб кетадиган даражада мўрт сенегал юраксимонлари — қўштабақа, оқ оҳақ найчаларининг четлари жимжимадор ва ишқибозлар юксак баҳолайдиган бир неча Явана денгиз лейкалари; Америка сувларида учрайдиган сариқ яшил, Янги Зеландия соҳилларида яшайдиган тўқ кул ранг, Мексика қўлтигида учрайдиган тошбақасимон чиганоғи билан ажраладиган бўғиноёқлиларнинг жуда кўп хиллари; булардан ташқари, олтингургуртли жуда ғалати теллинлар, цитер ва венусларнинг қимматбаҳо навлари, садаф тангачали мрамар кубарна; яна Ҳиндистонда танга ўрнида ишлатиладиган «илонбоши» чиганоқларининг ҳамма турлари; Шарқий Ҳиндистоннинг «денгизга шон-шараф» деган энг қимматбаҳо чиганоғи; ниҳоят, олимлар жуда чиройли номлар билан аташган нафис ва мўрт чиганоқлар — минорачалар, янтинлар, митрлар, каскалар, багрецлар, арфалар, тритонлар, птероцерлар, пателлалар, гналейлар, клеодорлар бор эди.

Айрим витриналарда электр ёғдусида чақнаб турган мислсиз чиройли марварид шодалари: Қизил денгиз қаъридан олинадиган пушти ранг марварид, турли моллюскалар баданидан чиқадиган ва деярли барча денгиз ҳамда океанларда учрайдиган яшил, сариқ, кўк, қора марваридлар турарди.

Бу марваридлардан баъзилари каптар тухумидан каттароқ эди. Улар сайёҳ Таверньенинг Эрон шоҳига уч миллионга сотган марваридидан ҳам қимматроқ, чиройда эса мен дунёда энг чиройли деб ҳисоблаганим имом Масқатийнинг марваридидан ҳам афзалроқ эди.

Хуллас, бу коллекцияни баҳолаш сира мумкин эмас эди. Капитан Немо бундай коллекция учун миллионларни сарф этган бўлиши керак.

Бу қулоқ эшитмаган бойликлар қаёрдан олинган экан, деб ўйлаётганимда бирдан капитан менга мурожаат қилиб қолди:

— Коллекцияларимни кўряписизми, профессор? У чиндан ҳам натуралистнинг диққатини жалб этишга моликдир. Аммо мен учун улар янада қадрлироқ, негаки, буларнинг ҳар бирини ўз қўлларим билан йиққанман ва ер юзида бу витриналар учун бирор нарса бермаган денгиз йўқ.

— Капитан, бу бойликларни ҳар кўрганда қувонишингизнинг сабабини яхши тушунаман. Европа музейларидан биронтасида ҳам бунақа коллекция йўқ! Аммо мен завқланишимнинг ҳаммасини музейни кўришга сарфласам, унда кемани кўздан кечирганда нима қиламан? Мен одоб ва камсуқумликни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, сирларингизни билиб олишга ҳаракат қиламан, аммо олдиндан айтиб қўяй, «Наутилус»нинг ўзи, уни ҳаракатга келтираётган куч, кеманинг шу қадар тез юришини таъминлаётган механизмлар мени кўпроқ қизиқтирмақда. Бу салон деворида қандай хизмагни ўташи менга номаълум бўлган асбобларни кўриб турибман. Мен сўрамоқчи бўлган...

— Жаноб Аронакс,— дея менинг сўзимни бўлди капитан,— мен сизнинг бу кемада эркин одам эканлигингизни илгаридан айтиб қўйдим, бинобарин, «Наутилус»да сизнинг боришингиз ман эчланган бирорта бурчак йўқ. Кемани истаганингизча кўришингиз мумкин ва мен бажону дил сизга ҳамроҳ бўлиб, уни кўрсатишга тайёрман.

— Сизга қандай миннатдорчилик билдиришга ҳам ҳайронман, капитан. Илтифотингизни суниетемол қилмасликка ҳаракат қиламан. Бир нарсани билиб олишимга ижозат берсангиз, физикага доир мана бу асбоблар нимага ишлатилади?

— Худди шундай асбоблар, профессор, каютамда ҳам бор, буларнинг нимага ишлатилишини ўша ерда айтиб бераман. Аммо ҳозир сизга ажратилган каютага борайлик. Ахир сиз «Наутилус»да қандай шароитда яшашингизни билишингиз керак-ку.

Мен капитан Немога эргашиб тор йўлакдан кетавердим. Кема тумшуғига етгач, капитан Немо мени каютага, тўғрироғи, каравот, туалет столчаси, креслолар ва бошқалар билан жиҳозланган жуда чиройли кенг хонага бошлаб кирди.

Бениҳоя миннатдорчилик билдирдим.

— Сизнинг каютангиздан меникига ўтиш мумкин,— деди капитан эшикни оча туриб,— меникидан эса биз ҳовиргина чиқиб келган салонга кирса бўлади.



Биз капитаннинг каютасига кирдик. Темир каравот, иш столи, бир неча стул, умивальник—бутун жиҳоз шундан иборат эди. Энг зарур нарсалар, ортиқча ҳеч нима йўқ.

Каюта ним қоронғи эди.

Капитан Немо стулга ишора қилди:

— Марҳамат, ўтиринг.

Мен ўтирдим. У бир оз индамай турди-да, сўнг сўзлай кетди.

## Ўн иккинчи боб

### ҲАММА НАРСА ЭЛЕКТР ВОСИТАСИДА

— Мана бу ёққа қаранг, профессор,—деб сўз бошлади капитан Немо хона деворларида осиглиқ турган асбобларга ишора қилиб. — Булар «Наутилус»ни бошқаришга хизмат қиладиган аппаратлар. Бу ерда ҳам салондагидей булар ҳамиша менинг кўз олдимда бўлади ва «Наутилус»нинг океаннинг қаерида турганини ва йўналишини аниқ кўрсатади. Мана бу «Наутилус»даги ҳаво ҳароратини кўрсатадиган термометр; буниси барометр, у ҳаво босимини аниқлайди ва бу билан ҳавонинг ўзгаришини олдиндан айтиб туради, гигрометр атмосферада намлик миқдорини кўрсатади; кема йўналишини кўрсатадиган компас, қуёш баландлигига қараб жойнинг кенглигини аниқлайдиган секстант; географик узунликни белгилайдиган хронометрлар; ниҳоят, кундузги ва тунги кузатув трубалари, «Наутилус» сув сатҳига чиққанда, мен булар ёрдамида уфқни кузатаман.

— Бу асбобларнинг ҳаммаси,—деб жавоб бердим мен,—кемачиликда ишлатиб келинмоқда ва буларнинг ҳаммаси менга илгаридан таниш. Бироқ мана бу ерда менга маълум бўлмаган аллақандай асбоблар бор. Эҳтимол «Наутилус»ни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ана шуларга боғлиқдир. Мана бу ҳаракат қилиб турадиган милли катта циферблат манометр эмасми?

— Ҳа, бу манометр. У кема ташқарисидаги сув босимини ўлчайди ва булар «Наутилус»нинг сувга қанча чуққанини кўрсатиб туради.

— Мана булар зондларми?

— Ҳа, фақат янги конструкциядагиси. Булар турли

сув қатламларидаги ҳароратни ўлчайдиган термометрий вондлар.

— Мана бу асбоблар-чи? Буларнинг нимага ишлатилишига ақлим етмай турибди.

— Бунинг учун, профессор, олдин сизга баъзи бир нарсаларни тушунтиришга тўғри келади,—деб жавоб берди капитан Немо.

У бирпас жим турди-да, кейин сўз бошлади:

— Табиатда итоаткор, тезкор ва ишлатилиши қулай куч бор. Менинг кемамдаги ҳамма ишларни шу куч бажаради: у ёғду беради, иситади, машиналарни ҳаракатга келтиради. Бу куч—электр.

— Электр дейсизми?!—ажабланиб хитоб қилдим мен.

— Ҳа.

— Бироқ сизнинг кемангиз ғайри табиий тезлик билан сувади-ю, капитан. Электр тўғрисида бизга маълум тушунчалар сизнинг гапларингиз билан сира қовушмайди. Ҳозирча унинг механик кучи жуда чекланган.

— Биласизми, профессор, — деб жавоб берди капитан Немо,—менинг электр қувватидан фойдаланиш усулим ҳамма фойдаланаётганидан бошқача. Хафа бўлмасангиз, бу борада шу гапнинг ўзи билан чеклансам.

— Сизнинг бу гапларингиз мени қанчалик таажжублантирган бўлмасин, зўрламайман, капитан. Айбга буюрмасангиз фақат биргина саволим бор. Ахир бу ақл бовар қилмайдиган кучни олиш манбаига хизмат этадиган элементлар, айниқса, рух жуда тез тугаб қолади-ку. Ер билан алоқа қилиб турмаганингиздан кейин уларнинг ўрнини қандай тўлдирасиз?

— Бу саволга жоним билан жавоб бераман — деди капитан Немо.—Аввало шуни билиб қўйингки, денгиз қаърида рух, темир, кумуш, олтин ва бошқа металлларнинг қони бор, уларни қайта ишлаш эса унчалик оғир эмас. Аммо мен ерда ишлатиладиган бу металллардан фойдаланмайман. Мен керакли миқдордаги энергияни денгиздан оламан.

— Денгиздан?

— Ҳа, профессор, денгиздан. Денгиздан электр энергияси олишнинг йўллари кўп. Чунончи, мен турли чуқурликка туширилган ўтказгичлар орқали уларни ўраб турган сув қатламларидаги ҳар хил сув ҳароратидан ток олишим мумкин. Аммо мен бошқа қулайроқ усулдан фойдаланишни афвал кўрдим.

— Қанақа усулдан?

— Сиз денгиз суви таркибини биласиз-а? Унинг юздан тўқсон олти ярим қисми соф сув, тахминан икки-ю учдан икки қисми натрий хлориддир<sup>1</sup>. Бундан ташқари унинг таркибида бир оз магний хлорид ва кальций хлорид, бромли магний сульфат, сульфат кислотаси ва угле-кальций тузи бўлади. Кўриб турибсизки, хлорли натрий денгиз сувида жуда кўп. Мен ўз элементларимга ҳудди мана шу хлорли натрийни ишлатаман.

— Хлорли натрийни дейсизми?

— Ҳа. У симоб билан бириккач, Бунзен элементларида рухнинг ўрнини боса оладиган амальгама<sup>2</sup> ҳосил этади. Симоб элементларда парчаланмайди, Шундай қилиб, фақат натрий сарфланади, уни эса менга денгиз беради. Сизга яна шунини ҳам айтиб қўяйки, нима бўлганда ҳам натрий элементлари рухникидан икки барабар кучлироқ.

— Сизнинг шароитингизда натрийнинг афзаллигини тушуниб турибман, капитан. Денгизда уни истаганча топиш мумкин. Бу жуда соз. Бироқ олдин натрийни хлорли бирикмадан ажратиш соф ҳолга келтириш керак-ку! Бунини қандай амалга оширасиз? Шубҳасиз, батареяларингиз хлорли натрийни электролиз<sup>3</sup> қилишга хизмат эта олади, бироқ адашмасам, электролизга ундан олинadигандан кўра кўпроқ натрий сарфланади. Бинобарин, сиз янги олганингиздан кўпроқ натрий сарфлайсиз-ку!

— Ҳудди мана шунинг учун ҳам, профессор, натрийни электролиз йўли билан олмайман, балки тошкўмир ёқиб, унинг энергиясидан фойдаланаман.

— Тошкўмир? Демак, сиз барибир ер билан алоқа боғлаб турар экансиз-да?

— Йўқ. Истасангиз уни денгиз кўмири деб аташимиз мумкин.

— Демак, сиз сув ости конларидан тошкўмир олиш йўлини топибсиз-да?

— Сиз бунини ўз кўзларингиз билан кўрасиз, профессор. Фақат бир оз сабр қилинг: вақт бемалоллиги ҳам бардошли бўлишингизни тақозо этади. Фақат бир нарсани унутманг: мен мутлақо ҳамма нарсани океандан оламан.

<sup>1</sup> Натрий хлорид — оддий ош тузи.

<sup>2</sup> Амальгама — бирор металлнинг симобдаги аралашмаси.

<sup>3</sup> Электролиз — бирор эритма орқали ток ўтганда шу эритмадаги модданинг таркибий қисмларга ажратилиши.

У менга электр беради, электр эса «Наутилус»га иссиқлик, ёруғлик, ҳаракат—хуллас, бир сўз билан айтганда, ҳаёт беради!

— Аммо нафас олиш учун ҳаводан бошқа ҳамма нарсани.

— Ҳ-ҳ, керак бўлса, етарли миқдорда ҳаво олишим ҳам осон эди, аммо бунга ҳожат йўқ, чунки мен истаган вақтимда океан сатҳига кўтарилишим мумкин. Сирасини айтганда, электр махсус резервуарларга ҳаво бериб турувчи кучли насосларни ҳаракатга келтиради, зарура тугилганда шулардан фойдаланиб, узоқ муддат сув остида туришим мумкин.

— Капитан,— дедим мен,— сизнинг олдингида фақат бош эгишим мумкин. Афтидан, сиз одамлар анча кейинроқ кашф этиши мумкин бўлган электрнинг жуда катта механик кучини олдинроқ очишга муваффақ бўлганга ўхшайсиз!

— Билмадим, одамлар буни умуман кашф эта олармикин,— дея совуққонлик билан жавоб берди капитан Немо.— Аммо нима бўлса ҳам мен бу ҳайратомуз кучдан қандай фойдаланаётганимни билиб олдингиз. Ана шу куч кемага доимий ва узлуксиз ёруғлик бериб туради, бу имконият ҳатто қуёшда ҳам йўқ. Энди мана бу соатни қаранг—у электр соат, тўғри юришда энг яхши хронометрлардан қолишмайди. Унинг циферблатини итальян соатлари сингари йигирма тўртга бўлдим, чунки мен учун кундузи ҳам, кечаси ҳам, қуёш ҳам, ой ҳам йўқ, фақат денгиз қаърида ортимдан қолдирадиган сунъий ёғду бор. Қаранг, эрталабки соат ўн.

— Жуда тўғри.

— Мана буниси электрдан фойдаланишнинг бошқа йўли. Кўз олдингида осиглиқ турган циферблат «Наутилус»нинг тезлигини кўрсатишга хизмат қилади. Лаг винтидан циферблатга сим тортилган, унинг мили менга кема қандай тезликда кетаётганини айтиб туради. Кўряпсизми, ҳозир биз анча секин—соатига ўн беш миля босаяпмиз.

— Қойил!— хитоб қилдим мен.— Табиий кучни танлаб тўғри иш қилганингизни энди кўриб турибман, капитан. Буғ кучининг электр билан алмаштирилганидан кемангиз фақат ютган.

— Биз ҳали кемани тамоман кўриб бўлганимиз йўқ, профессор,— деди капитан Немо стулдан турар экан.—

Чарчамаган бўлсангиз «Наутилус»нинг қўйруқ томони-га юринг.

Дарҳақиқат, сув ости кемасининг тумшуқ қисмини кўриб бўлган эдим. Кеманинг ўртасидан тумшуғигача жойлашган хоналар ўз тартиби билан қуйидагича эди: кутубхонадан сув ўтказмайдиган тўсиқ билан ажратилган узунлиги беш метрли ошхона; узунлиги беш метрли кутубхона; капитаннинг хонасидан сув ўтказмайдиган, иккинчи тўсиқ билан ажратилган узунлиги ўн метрли катта салон; капитаннинг узунлиги беш метрли хонаси; икки ярим метрли менинг хонам ва ниҳоят форштевенгача чўзилиб борган узунлиги етти ярим метрли ҳаво сақлайдиган резервуар.

Умуман кеманинг бу қисмининг узунлиги ўттиз беш метр эди. Сув ўтказмайдиган тўсиқларнинг эшиклари маҳкам ёпиладиган қилиб ишланган бўлиб, бу «Наутилус»нинг бирон ери тешилган тақдирда ҳам уни сув бошиш хавфидан сақлар эди.

Мен капитан Немонинг ортидан йўлаклар бўйлаб кеманинг ўртасига келдим. У ерда сув ўтказмайдиган икки тўсиқ орасида торгина чуқурлик бор эди. Деворга винт билан маҳкамланган темир нарвои шифтга олиб чиқар эди. Мен капитандан бу чуқурликнинг нимага кераклигини сўрадим.

— Эшкакли қайиқ турган жойга олиб чиқади,—деб жавоб берди у.

— Нима! Сизда қайиқ борми?—таажжубланиб қайта сўрадим мен.

— Бўлмасам-чи. Жуда ажойиб, енгил, чўкмайдиган қайиқ бор. Унда сайр қиламиз, балиқ овига чиқамиз.

— Қайиқни чиқариш учун сиз сув сатҳига кўтарилишингиз керакми?

— Йўқ, бундай қилмайман. Қайиқ «Наутилус» палубасининг махсус уясида туради. Унинг сув ўтказмайдиган маҳкам қопқоғи бўлиб, уяда уни мустаҳкам болтлар тутиб туради. Бу нарвои палубага, қайиқ тагидаги энсизгина туйнукка олиб боради. Қайиқ остида ҳам худди ўшандай туйнук бор. Ана шу икки туйнук орқали қайиққа ўтаман. Мен кириб олгач, «Наутилус»даги туйнукни ёпишади. Қайиқ остидаги туйнукни махсус қопқоқ билан ўзим ёпаман. Шундан сўнг болтларни бураб чиқараман ва қайиқ жуда катта тезлик билан денгиз сатҳига кўтарилади. Мен йиғма қопқоқни очиб мач-

тани қўяман ва елканни кўтараман ёки эшакларни оламан.

— Кемага қандай қилиб қайтасиз?

— Мен ўзим қайтмайман. «Наутилус»нинг ўзи келади.

— Сизнинг буйруғингиз биланми?

— Ҳа, менинг буйруғим билан. Мен у билан электр сими воситасида алоқа боғлайман. Кемага қайтмоқчи бўлганимда телеграмма бераман.

— Дарвоқе,—дея хитоб қилдим мен бу мўъжизалардан ҳайратга тушиб,—бундан осонроқ йўл йўқ.

Кема устига олиб чиқадиган трап катагининг олдидан, увунлиги икки метр келадиган каюта ёнига ўтдик, у ерда Нед Ленд билан Консель лунжларини тўлдириб, ажойиб нонуштани тушираётган эдилар. Бу каютанинг ёнида увунлиги уч метрли ошхона жойлашган эди. Шу ернинг ўзида кенг омбухоналар бор эди.

Ошхонада электр билан овқат пиширилар эди. Платина тахтачаларга парчинланган симлар қизиб, оқиш ранг бўлиб, ёпиш, қайнатиш ва қовуриш учун плиталарга керакли миқдорда ҳарорат бериб турар эди. Электр денгиз сувини қайта ишлаб, кемага етарли миқдорда жуда ажойиб, ичишга яроқли сув берадиган дестилляция аппаратларини ҳам қизитар эди.

Ошхонанинг ёнида ваннахона жойлашган эди.

Ундан нарида кубрик — команда учун хона бўлиб, увунлиги беш метр эди; аммо эшиги берк бўлганидан мен у ердаги аҳволга зимдан қараб «Наутилус»нинг экипажидан неча киши борлигини аниқлай олмадим.

Худди шу ерда кубрикни машина бўлмасидан ажратиб турган сув ўтказмайдиган тўртинчи тўсиқ бор эди. Бив тўсиқдаги эшикдан ўтиб, юксак малакали инженер капитан Немо «Наутилус»ни ҳаракатга келтирадиган машиналарни ўрнатган залга кирдик.

Жуда яхши ёритилган залнинг увунлиги камида йигирма метр келарди. Зал иккига бўлинган эди. Биринчисида электр энергия ҳосил этадиган элементлар, иккинчисида кема паррагини ҳаракатга келтирувчи машиналар турар эди.

Залдаги аллақандай ғалати бир ҳид мени таажжубга солди.

Капитан Немо саросимага тушиб қолганимни сезди.

— Бу натрий олганда ажраладиган газнинг ҳиди,—

деди у.— Ҳечқиси йўқ, арзимаган ноқулайлик. Биз ба-  
рибир ҳар кун и эрталаб бутун кемани шамоллатиб  
оламиз.

Мен «Наутилус» машиналарини қизиқиб томоша қил-  
дим.

— Кўриб турибсизки,— деди капитан Немо,— мен  
Румкорф элементларидан эмас, балки Бунзен элемент-  
ларидан фойдаланяпман. Румкорф элементлари менга  
керакли қувватни беролмасди. Бунзен батареялари менда  
кўп эмас, аммо ҳар бири ҳам жуда кучли. Батареялар  
ҳосил этган электр валнинг қарама-қарши томонига уза-  
тилади ва у ердаги улкан электр моторларни ҳаракатга  
келтиради. Булар эса ўз навбатида трансмиссияларнинг  
жуда мураккаб системаси орқали эшкак валини айлан-  
тиради. Бу валнинг диаметри олтмиш сантиметр, узун-  
лиги етти ярим метр. Шундай катта бўлишига қарамай,  
вал айланишининг тезлиги секундига бир юз йигирмата-  
га етади.

— Сиз тезликни...

— Соатига эллик миля.

Бу ерда аллақандай сир бор эди, аммо суриштириб  
олишга юрагим дов бермади. Қандай қилиб электр шу  
қадар кучли энергия бериши мумкин? Бу мисли кў-  
рилмаган, деярли чекланмаган кучнинг манбаи қаерда?  
Бунинг сири юқори ток бериладиган катушкаларнинг  
янги намуналаридамикин ёки трансмиссиялар системаси-  
дами?

Бунга сира ақлим етмасди.

— Капитан Немо,— дедим,— мен муваффақиятлар ол-  
дида бош эгаман ва бунга қандай эришганингизни ўйлаб  
ҳам ўтирмайман. Мен «Наутилус»нинг «Авраам Лин-  
кольн» атрофида маневр қилганини кўрдим ва у нақадар  
катта тезлик билан суза олишини биламан. Аммо биргина  
тезликнинг ўзи билан иш бигмайди-ку. Қаёққа бораётга-  
нингни ҳам кўриб туриш керак-ку. Кемани юқорига,  
пастга, чапга, ўнгга йўналтириш имконияти ҳам бўлиши  
керак-ку. Сиз буларнинг ҳаммасини босим юзлаб атмо-  
сферага етадиган жуда чуқур ерларда қандай бошқарасиз?  
Қандай қилиб океан сатҳига кўтариласиз? Ниҳоят, ўзин-  
гиз танлаб олган сув қатламида кеманинг тўғри ҳаракат  
қилишига қандай эришасиз? Бу қадар кўп савол бериб,  
одобсизлик қилмадиммикин?

— Мутлақо, профессор,— деб жавоб берди капитан

бир оз иккиланишдан кейин.— Ахир сиз бу сув ости кемасидан ҳеч қачон кетмайсиз-ку. Қани, салонга юринг. Менинг ишлайдиган хонам ўша ерда. Ана ўша ерда «Наутилус» ҳақида билишингиз керак бўлган ҳамма нарсани айтаман.

### Ун учинчи боб

## БИР НЕЧА РАҚАМЛАР

Бир неча дақиқадан сўнг биз салондаги диванда сизгара чекиб ўтирар эдик.

Капитан Немо менга «Наутилус» ҳам узунасига, ҳам кўндалангига кўрсатилган чизмаларни берди. Сўнг тушунтира бошлади.

— Мана бу, жаноб Аронакс, сиз турган кеманинг чизмалари. У узун цилиндр шаклида бўлиб, чеккалари конусга ўхшайди. Кўринишдан сигарага ўхшайди, сигарасимон шакл Лондонда бундай конструкция учун жуда қулай ҳисобланади. Цилиндрнинг у бошидан бунисигача узунлиги роппа-роса етмиш метр бўлиб, ўртасида энг кенг жойи энига саккиз метр. Мен тезюрар кемалардагидай одатдаги мутаносиблик бўйича энининг узунлигига нисбатини бирга ўн қилиб олмадим, бироқ шунга қарамай мен олган мутаносибликда ҳам ксма тумшугидаги қаршилик унча кўп эмас ва сиқиб чиқарилган сув сузишга халақит бермайди. Бу миқдорлар «Наутилус»нинг майдо ни ва ҳажмини ҳисоблаш имконини беради. Сирти бир минг ўн бир квадрат метр, ҳажми бир минг беш юз куб метрдир. Шундай қилиб, кема сувга тўла чўкканда, у бир минг беш юз куб метр ёки бир тонна сувни сиқиб чиқаради.

Сув остида сузишга мўлжалланган бу кема планини тузаётганимда ўз олдимга у сувга туширилганда ҳажмининг ўндан тўққизи денгизга чўкиши ва ўндан бири эса сувдан чиқиб туриши керак, деган вазифани қўйдим. Шундай бўлганда кема ўз ҳажмининг ўндан тўққизини ёки бир минг уч юз эллик куб метр сувни сиқиб чиқариши, вази ҳам шунча тонна бўлиши керак эди. Бинобарин, мен ана шу оғирликдан ортиқчасига йўл қўймаслигим керак эди. «Наутилус»нинг иккита корпуси бор: бири ички ва иккинчиси ташқи; улар ўзаро икки таврали



кесими бўлган темир тўсинлар билан бириктирилган; бу тўсинлар кемани жуда мустаҳкам тутади. Чиндан ҳам шундай қурилма туфайли ичи ковак «Наутилус» қўйма жисмдай мустаҳкам. Унинг қопламаси эгилмайдми; пишиқ қилиб улангани ва бир хил материалдан бўлгани учун энг нотинч денгиз ҳам унга чўт эмас. Бу икки корпус пўлат тахталардан иборат. Ички корпус тахталарининг қалинлиги салкам беш сантиметр ва унинг вазни уч юз тўқсон тонна. Ташқи корпус, баландлиги эллик ва эни йигирма беш сантиметр ҳамда оғирлиги олтмиш тоннали кеманинг таг тўсини, машиналар, балласт<sup>1</sup>, барча бошқа ускуналар, жиҳозлар, ички деворлар ва тирговучлар — ҳаммасининг умумий вазни салкам тўққиз юз тонна, ички корпусининг уч юз тоннаси билан қўшиб ҳисоблаганда, зарур миқдордаги бир минг уч юз эллик тонна бўлади. Тушуна олдингизми?

— Тушундим.

— Шундай қилиб,— дея давом этди капитан,— «Наутилус» сув сатҳида турганида, шу оғирлиги билан унинг ўндан бир қисми ташқарида туради. Бинобарин, агар кемада ана шу ўнинчи қисмининг оғирлигига тенг ҳажмда, яъни бир юз эллик тонна сиғимли резервуар бўлганда ва бу резервуарлар сув билан тўлатилса, «Наутилус» бир минг беш юз куб метр ёки худди шу миқдор оғирлик — бир минг беш юз тоннани сиқиб чиқариб, сувга тўла чўкар эди. Амалда ҳам шундай қилинади. «Наутилус»да резервуарлар бўлиб, булар унинг пастки қисмида жойлаштирилган. Крашлар очиб юборилса бас, улар сувга тўлиб, кема денгиз сатҳи билан баб-баравар бўлиб чўкади.

— Офарин, капитан. Аммо худди мана шу ўринда менимча асосий қийинчиликлар бошланса керак. Мен сиз сувга «Наутилус»нинг бир сантиметри ҳам кўринмайдиган даражада чўка олишингизни тушуниб турибман. Аммо сиз чуқурликка тушганда, кемангиз юқори босим билан тўқнашмайдими? Бу босим уни ҳам ўттиз футли сув қатламида тахминан бир атмосферага ёки бошқача қилиб айтганда, квадрат сантиметрига бир килограммга тенг келадиган куч билан пастдан юқорига итармайдими?

---

<sup>1</sup> Балласт — кеманинг мувозанатини сақлаш учун қўйилган юк.

— Жуда тўғри, профессор.

— Бундай пайтда сиз «Наутилус»нинг ўзини сув билан тўлатмасдан туриб сув қаърига чўкишга қандай мажбур қила олишингизга ақлим етмайпти.

— Жаноб профессор,— деди капитан Немо,— статика<sup>1</sup>ни динамика билан чалкаштириш ярамайди — бу жиддий нуқсонларга олиб келиши мумкин. Океаннинг энг чуқур жойларига тушиш учун ортикча куч сарфлашнинг ҳожати йўқ... Сиз менинг мулоҳазаларимни диққат билан эшитяпсизми?

— Диққат билан эшитяпман.

— «Наутилус»нинг денгиз тубига чўка олишида унинг вазнини қанча ошириш кераклигини аниқлаш учун мен юқоридаги сув қатламларининг оғирлиги таъсирида турли чуқурликларда ҳажмни қанчалик камайтириш лозимлигини билишим керак эди.

— Бу тўғри, капитан.

— Сувнинг сиқилишини инкор этиб бўлмаса-да, лекин шунини айтиш керакки, бу сиқилиш жуда чекланган миқдордадир. Сўнги маълумотларга қараганда, чиндан ҳам босим бир атмосфера ошганда, яъни ўттиз фут чуқурликда, ўн миллиондан тўрт юз ўттиз олти қисми сиқилади. Сувга минг метр чўкканда ҳажмни қанча камайтириш ҳисобини баландлиги минг метрли сув устуни босимига, яъни юз атмосфера босимига қараб олиш керак. Шундай қилинганда ҳажмни камайтириш натижаси юз мингдан тўрт юз ўттиз олти бўлади. Бинобарин, кема вазни одатдаги бир минг беш юз тоннадан бир минг беш юз олти-ю, юздан эллик тўртгача кўпайиши керак. Шундай қилиб, вазнини олти-ю юздан эллик тўрт тонна ошириш талаб этилади.

— Ҳаммаси бўлиб-а?

— Ҳаммаси бўлиб, жаноб Аронакс, бу ҳисобни текшириб чиқиш ҳам унчалик қийин эмас. Сирасини айтсам, менда юз тоннали запас резервуарлар бор. Булар ёрдамда мен жуда катта чуқурликларга чўка оламан. Сув сатҳига кўтарилиш учун бу резервуарларни сув балластидан бўшатишнинг ўзи кифоя. Борди-ю «Наутилус»нинг ўндан бир қисмини сувдан ташқарига чиқармоқчи бўлсам, унда бутун резервуарларни бўшатишим керак.

---

<sup>1</sup> С т а т и к а — назарий механиканинг бир бўлими.

Аниқ рақамларга асосланган бу фикрларга қарши бир нима дейишим қийин эди.

— Ҳисоб-китобларингизга қўшиламан, капитан,— дедим мен. — Дарвоқе, унинг тўғрилиги ҳар куни амалда тасдиқланиб тургач, баҳслашиб ўтиришнинг ўзи кулгили бир ҳол бўлур эди. Аммо менда яна бир шубҳа туғилди.

— Қандай шубҳа?

— Кемангиз минг метр чуқурликка чўкканида унинг корпуси юз атмосфера босимга дуч келади. Бинобарин, агар сиз шу чуқурликда кемангизни енгиллатиб олиш ва сув бетига чиқиш учун резервуарларни бўшатмоқчи бўлсангиз, унда резервуарлардан сувни сиқиб чиқарадиган насослар ҳар бир квадрат сантиметрга юз килограммдан қўшимча қаршиликка учрайди. Бу эса насослардан шундай куч талаб этадики...

— Буни фақат электр бажариши мумкин,— дея сўзимни бўлди капитан Немо. — Яна қайтараман, профессор, менинг машиналаримнинг кучи деярли чекланмаган. «Наутилус»нинг насослари жуда кучли. Ундан чиққан сув устунлари «Авраам Линкольн» палубасига шаршарадай тушганини кўрганда, бунга ишонган бўлишингиз керак. Шуниси ҳам борки, батареялар ортиқча зўриқмаслиги учун мен қўшимча резервуарлардан бир ярим мингдан икки минг метргача чуқурликка тушмоқчи бўлсамгина фойдаланаман. Агар борди-ю миямга океаннинг энг чуқур жойларига — унинг сатҳидан саккиз-ўн минг метрга тушиш фикри туғилса, анча мураккаброқ, аммо айни вақтда шунчалик ишончли усулларни қўллаймам.

— Қанақа усулларни, капитан?

— Буни тушуниб олишингиз учун аввал мен «Наутилус»ни қандай бошқаришни айтишим керак.

— Мен буни сабрсизлик билан кутяпман.

— Кемани ўнгга ва чапга ёки бошқача қилиб айтганда, горизонталь текисликда йўналтириш учун мен кема тумшуги остида ўрнатилган оддий рулдан фойдаланаман. Бу руль штурвал ва штуртрослар ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Аммо «Наутилус»ни, шунингдек, тик текислик бўйлаб — юқоридан пастга ва пастдан юқорига қараб ҳам йўналтириш мумкин. Бу ватерлиния ёнига бемалол ҳаракатлана оладиган қилиб ўрнатилган икки қанот ёрдамида амалга оширилади. Бу қанотлар тик йўналишда ҳам тез ҳаракат қилади ва улар кеманинг ичидан ричаглар ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Қанотлар таг тўсинга параллель

қилиб қўйилганда «Наутилус» горизонтал йўналишда сузади. Парраklar ёрдамида олдинга ҳаракат қилаётган «Наутилус» шу қанотларнинг қанчалик эгилганига қараб ё диагональ бўйлаб пастга тушади ёки диагональ бўйлаб юқорига кўтарилади, айтиб қўйай, бу диагональ узунлиги тамомила менга боғлиқ. Бунинг устига агар мен кўтарилиш тезлигини оширомоқчи бўлсам, винтни тўхтатаман ва сув босими «Наутилус»ни водород тўлатилган аэротатдай тик юқорига сиқиб чиқаради.

— Қойил, капитан! — хитоб қилдим мен.— Аммо сувга чўкиб турган «Наутилус» кўр-кўрона бошқарилса керак, албатта.

— Сира ундай эмас. Рулни бошқарувчи киши «Наутилус»нинг тумшугида палубадан олдинга туртиб чиққан ҳужрада ўтиради. Бу ҳужранинг иллюминаторига икки томонни қабариқ қалин ойна солинган.

— Шундай кучли босимга бардош бера оладими?

— Ҳа. Бирор нарса тегиб кетса жуда мўрт, айни вақтда жуда мустаҳкам биллур қўйилган. Бир минг саккиз юз олтмиш тўртинчи йили Шимолий денгизда электр ёғдусида балиқ овланаётганда етти миллиметрли биллур пластинкалар ўн олти атмосфера босимга дош берган эди. Мен ишлатаётган ойнанинг қалинлиги ўрта қисмида йигирма бир сантиметрга етади, яъни булар мен айтган пластинкалардан ўттиз марта қалин.

— Тушундим. Аммо кўра олиш учун қоронғиликни ёритиш керак, бинобарин, мен ҳайронман, қандай қилиб қоронғи чуқурларда...

— Руль бошқарувчининг ҳужраси олдида жуда катта электр рефлектор ўрнатилган,— дея менинг сўзимни бўлди капитан Немо,— унинг нурлари сувни ярим милягача ёритиб боради.

— Офарин, минг офарин, капитан! Энди мен олимлар ўртасида гулгула солган ўша бадном «нарвал»нинг электр қуёши нималигини тушундим. Ҳа, айтгандай, рўхсат берсангиз бир нарсани сўрамоқчи эдим: «Наутилус»нинг «Шотландия» билан бутун дунёга шов-шув солган тўқнашуви тасодифан содир бўлганмиди?

— Жуда тасодифан, профессор. Тўқнашув содир бўлганда мен сув сатҳидан икки метр пастда сузаётган эдим. Аммо ҳеч қандай фалокат юз бермаганини ўша заҳотиёқ кўрдим.

— Жуда тўғри. «Шотландия» эсон-омон портга етиб олди. «Авраам Линкольн» билан учрашувингиз-чи?

— Жаноб профессор, Америка флотининг бу энг яхши кемасига ўзим ҳам ачинаман, аммо у менга ҳужум қилди ва мен ҳимояга ўтишга мажбур эдим. Лекин кема-ни менга ҳужум қилиш имкониятидан маҳрум эдим, холос, у шикастланган жойини яқин орадаги портда осонлик билан тузатиб олиши мумкин.

— О, капитан, — хитоб қилдим мен, — «Наутилус» дарҳақиқат ажойиб кема!

— Ҳа, профессор, — ҳаяжонли оҳангда жавоб берди капитан Немо. — Мен уни ўз фарзандимдай яхши кўраман. Океан сатҳида сузаётган кемалар минг хил хавф-хатарга йўлиқиши мумкин. Ҳар бир тасодиф уларга фалокат келтириши мумкин. Аммо бу ерда, денгиз қаърида инсон ҳеч нарсадан қўрқмаса ҳам бўлади. Босимдан пачоқ бўлиб кетишидан чўчимайди — негаки бу кема корпуси темирдан ҳам мустаҳкам. Унинг чайқалишидан «чарчайдиган» такелажил<sup>1</sup> йўқ. Шамоқ юлиб кетиши мумкин бўлган елканлар йўқ. Портлаб кетиш хавфи бўлган қозонлар ҳам йўқ. Ёнғин хавфсиз, чунки унинг ёғоч қисмлари йўқ. У тўқнашувлардан ҳам қўрқмайди, чунки океан қаърида ёлғиз ўзи сузади. Бўронлар ҳам қўрқинчли эмас, негаки океан сатҳидан бир неча метр чуқурликда ҳаминша тўла осойишталик ҳукмрон. Сиз ажойиб деган кема ана шунақа, профессор! Агар ихтирочи ҳаминша ўз кемасига инженер-конструкторга нисбатан кўпроқ, инженер-конструктор эса капитанга нисбатан кўпроқ ишониши рост бўлса, менинг биратўла ҳам кема ихтирочиси, ҳам конструктори, ҳам капитан сифатида «Наутилус»га қанчалик чексиз ишонч билан қарашимнинг сабабини тушунсангиз керак!

Капитан Немо жуда кўтаринки руҳда гапирар эди.

Кўзларида чақнаб турган ёлқин, жонли ҳаракатлари уни тамоман ўзгартириб юборган эди. Мен ўзимни тўхтата олмадим ва капитан Немога бир оз галати туюлиши мумкин бўлган савол бердим:

— Демак, сизнинг инженерлик маълумотингиз бор экан-да?

— Ҳа, — дея жавоб берди у. — Мен ер юзида яшаган пайтимда Лондон, Париж ва Нью-Йоркда ўқиган эдим.

<sup>1</sup> Такелаж — кеманинг ҳамма асбоб-ускуна ва жиҳозлари.

— Хўш, бу ажойиб сув ости кемасини қандай қилиб яширинча қура олдингиз?

— Унинг ҳар бир қисми, жаноб профессор, дунёнинг турли бурчакларида қилинган, бунинг устига заводларга улар бошқа мақсадларда фойдаланилади деб айтилган. «Наутилус»нинг таг тўсини Франциядаги Крезо заводида ясалган; эшкак вали — Лондондаги Пена К° да; параги — Глазгодаги Скоттда; резервуарлари — Париждаги Кайиль ва К° да; двигателларини Германиядаги Крупп заводлари; тумшуқ қисмини швед фабриканти Мотан; ўлчов асбобларини Нью-Йоркдаги ака-ука Гарт ва ҳоказо. Буюртмани тайёрловчилар менинг чизмаларимни ҳамisha бошқа-бошқа номлар билан олар эдилар.

— Аммо, — дедим мен, — бу қисмларни олиш билан иш битмаган-ку — уларни йиғиш, монтаж қилиш керак бўлган-ку.

— Мен океан ўртасида йўқолиб кетган ва одам яшамайдиган бир оролда верфь<sup>1</sup> қуриб олдим. У ерда мен ўргатган ишчилар, содиқ дўстларим ўзимнинг кузатувимда «Наутилус»ни йиғишди. Кема йиғиб бўлингач, олов бизнинг оролдаги барча изларимизни йўқ қилиб ташлади. Агар қўлимдан келганида, оролчани портлатиб юборардим.

— Кема сизга жуда қимматга тушган бўлса керак?

— Оддий темирдан ясалган кема вазнининг ҳар бир тоннаси тахминан бир юз йигирма беш минг франкдан тушади. Менинг «Наутилус»имнинг оғирлиги бир минг беш юз тонна. Демак, у асбоб-ускуналари билан камида икки миллион франк туради, унда сақланаётган коллекциялар ва санъат буюмларини қўшиб ҳисоблаганда тўрт-беш миллион франкдан кам эмас.

— Рухсат берсангиз, яна бир сўнги савол, капитан?

— Сўранг, профессор.

— Сиз жуда боймисиз?

— Мен жуда бойман, ҳатто Франциянинг ўн миллиардли давлат қарзини сира қийналмай тўлашим мумкин ва бу билан бойлигим камайиб, камбағалашмасдим ҳам. Мен бу ғалати одамга тикилиб қолдим.

У менинг соддадиллик билан ишонаётганимдан фойдаланмаётганикин?

Буни келажак кўрсатиши керак эди.

<sup>1</sup> В е р ф ь — кема ясайдиган ва ремонт қиладиган жой.

## Ун тўртинчи боб

### «ҚОРА ДАРЕ»

Ер-куррасининг уч юз олтмиш бир миллион квадрат километри сувдан иборат. Бу сувнинг ҳажми бир минг уч юз етмиш миллион куб километрга тенгдир. Демак, ер юзидаги сувнинг вази бир минг уч юз етмиш квинтиллион тоннадир.

Бу соннинг нақадар катталигини идрок этиш учун шу нарсани билиш керакки, миллиард олдида бир қанчалик кичик рақам бўлса, квинтиллион олдида миллиард ҳам шунчалик ушоқ сондир ёки бошқа сўз билан айтганда, миллиардда қапча бир бўлса, квинтиллионда шунча миллиард бор.

Ер янги пайдо бўлган кунларда олов давридан сўнг сув даври бошланган. Бошда океан бутун ер юзини қоплаган эди. Кейинчалик, аста-секин, силурий даврида, тоғларнинг пайдо бўлиш жараёни бошланди. Океандан тоғ учлари чиқди. Сўнг ороллар пайдо бўлди; улар сув тошқинлари натижасида яна йўқолди, сўнгра яна пайдо бўлиб, мустақкамланди ва қитъаларни вужудга келтирди; ниҳоят қуруқлик биз ҳозир кўриб турган ҳолга келди. Қуруқлик сувдан бир юз қирқ миллион олти юз минг етти квадрат метр жойни тортиб олди.

Қитъаларнинг жойлашишига қараб ер юзидаги сувни беш асосий қисмга бўлиш мумкин:

Шимолий Муз океани,

Жанубий Муз океани,

Ҳинд океани,

Атлантика океани ва

Тинч океан.

Тинч океан шимолдан жанубга ҳар икки қутб доираси орасида ва ғарбдан шарққа Осиё билан Америка ўртасидаги узунликда бир юз қирқ беш градус жойни эгаллаб ётибди. У океанлар ичида энг осойиштаси; у вазмин, салобат билан оқади ва унда сув ортиқча кўпайиб, камааявермайди, шу билан бирга серёгиндир.

Менинг одатдан ташқари саёҳатим ана шунақа океандан бошланди.

— Истасангиэ, профессор,— деди менга капитан Немо,— қаерда турганимизни — қаердан саёҳатга чиқиб кетаётганимизни аниқлаб олишимиз мумкин. Ҳозир соғ

чоракам ўн икки. Мен ҳозир «Наутилус»га зудлик билан океан сатҳига кўтарилишини буюраман.

Шу сўзларни айтиб, капитан электр қўнғироқ тугма-часини уч марта босди. Насослар резервуарлардаги сувни сиқиб чиқара бошладилар. Манометр мили ҳаракатга келиб, циферблат бўйлаб юқорига чиқиб, босим тобора камайиб бораётганини кўрсатарди. Ниҳоят, у нулга келиб тўхтади.

— Биз сув сатҳига кўтарилдик,— деди капитан Немо.

Мен марказий трап томон юриб, унинг темир зинапойларидан юқорига кўтарилдим ва очиқ люкдан «Наутилус» палубасига чиқдим.

У сувдан саксон сантиметрча чиқиб турар эди. «Наутилус»нинг урчуқсимон корпуси дарҳақиқат узун сигарани эслатар эди. Мен унинг устки қопламаси ердаги ўрмаловчиларнинг бадани сингари таъғачасимонлигига эътибор бердим. Барча кемалар «Наутилус»ни денгиз махлуқидейишларининг сабабини энди тушундим.

«Наутилус» корпусида ярим беркитилган қайиқ палубанинг ўртасида унча катта бўлмаган дўнглик ҳосил қилган эди. Кема тумшуги ва қуйруғида деворлари қия, унча баланд бўлмаган, қалин қабариқ биллур ойналиқ иккита кабина дўппайиб турарди. Олд томонда «Наутилус» руль бошқарувчиси учун ҳужра, орқада йўлга ёғду сочадиган ёрқин электр прожектор бор эди.

Денгиз жуда ажойиб, осмон тиниқ эди. Узун кема кенг океан тўққинларида билинар-билинмас чайқаларди. Шарқдан эсаётган енгил шабада сув сатҳини жимирактар эди. Тиниқ, кўзга яққол ташланиб турган уфқ атрофни бемалол кузатиш имконини берарди.

Денгиз сатҳи тамоман бўм-бўш эди. На оролча, на қоя кўринарди. «Авраам Линкольн» ҳам кўринмас эди. Бизни бепоён, улуғвор бўшлиқ ўраб олган эди.

Капитан Немо пешинда кўзларини секстантга<sup>1</sup> тикди ва қуёшнинг баландлигини аниқлади — бу унга жойнинг кенглигини билдирарди. Кузатаётганида унинг бирор мускули ҳам қимир этмас ва секстант мармар ҳайкал кўлида ҳам шунчалик қимирламай турмас эди.

— Пешин бўлди,— деди у.— Профессор, пастга туш-сакмикин?

---

<sup>1</sup> Секстант — астрономия ва геодезияда ишлатиладиган бурчак ўлчаш асбобларидан бири.



Мен денгизга сўнги марта нигоҳ ташладим. Унинг суви сарғишроқ бўлиб, бу Япония соҳилларига яқинлашаётганимиздан далолат берар эди. Шундан сўнг капитаннинг кетидан салонга тушдим.

У ерда капитан Немо хронометр воситасида жойнинг увунлигини аниқлади. Узининг бояги бурчак ўлчагич билан кузатганидаги ҳисобларини текширди ва «Наутилус»нинг қаерда турганини картада белгилаб қўйди.

— Жаноб Аронакс,— деди у,— биз ғарбий узунликнинг 137-градус, 15-минутидамиз.

— Қайси меридиандан ҳисоблаганда?— капитаннинг жавобидан унинг миллати маълум бўлиб қолармикин деган умидда шошилиб сўрадим.

— Менда Париж, Гринвич ва Вашингтон вақтларига тўғрилаб қўйилган ҳар хил хронометрлар бор,— дея жавоб берди у.— Аммо сизнинг шарафингизга мен бугун Париж меридианидан фойдаландим.

Бу жавобдан мен ҳеч нарсани аниқлаб ололмадим. Миннатдорчилик билдириб, таъзим қилдим.

Капитан сўзида давом этди:

— Париж меридианидан ғарбий узунликнинг 137-градус, 15-минутида ва шимолий кенгликнинг 30-градус, 7-минутидамиз. Бошқача қилиб айтганда, биз Япония соҳилларидан тахминан уч юз миля масофадамиз. Шундай қилиб, бугун, саккизинчи ноябрь пешинда биз сув ости илмий-текшириш экспедициямизни бошлаймиз. Энди, жаноб профессор, мен ишингизга ҳалақит бермайман. Мен шарқи-шимолий — шарқ томон йўл тутишга ва сув остига эллик метр чўкишга буйруқ бердим. Мана бу катта картада кунда босиб ўтилган йўл белгилаб борилади. Салон бутунлай сизнинг ихтиёрингизда.

Капитан Немо таъзим қилиб чиқиб кетди. Мен салонда ёлғиз қолиб, хаёлга чўмдим. Улар мени тинмай «Наутилус»нинг капитани сари етаклар эди.

Вақти келиб ватаним йўқ деб фахр билан айтаётган бу одамнинг миллатини билиб олармиканман? Ким ёки қандай сабаб унинг қалбида инсониятга нисбатан нафрат уйғотди? «Жамоатчилик хафа қилиб қўйган», тан олинмаган олимлардан бирими ёки Консель айтгандай, ўз Ватанидан қувғин қилинган замонасининг Галилей<sup>1</sup>и ёнки

---

Галилей (1564—1642) — Ер Қуёш атропоиди айланади, деган таълимоти учун руҳонийлар таъкиб этган буюк итальян олими.

‘олим — революционермикни? Бунисини мен ҳали билмасдим.

Кемасига тасодифан тушиб қолган мени у меҳмондўстлик билан кутиб олди, аммо ҳаётим унинг қўлида эканлигини унутмаслигимни таъкидлаш учун бўлса керак, муносабатларида илиқлик сезилмас эди. Шу билан бирга кўришиш учун у бирор марта ҳам қўлини менга узатгани йўқ.

Бир соатлар чамаси мен шу хаёлларга ғарқ бўлиб, унинг одамни ҳаяжонлантираётган сирини билиб олишга интилардим.

Сўнг кўзим стол устидаги картага тушди. Капитан Немо узунлик ва кенгликни белгилаган жойга бармоғимни қўйдим.

Океаннинг ҳам қитъалар сингари ўз дарёлари бор. Бу оқимни бошқа сувдан ранги ва ҳароратига қараб ажратиш мумкин. Энг кўп учрайдиган океан оқими — Гольфстримдир.

Фан беш асосий оқимни картага туширган: бири — Атлантика океанининг шимолий қисмида, бошқаси, жанубида, учинчиси, Тинч океаннинг жанубий қисмида, тўртинчиси шимолида ва ниҳоят бешинчиси Ҳинд океанининг жанубий қисмидадир. Эътимол Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Осиёдаги катта кўлларнинг сув ҳавзаси битта бўлган узоқ ўтмишда Ҳинд океанининг шимолий қисмида олтинчи оқим ҳам бўлгандир.

Картага «Наутилус»нинг турган ери нуқта қўйиб белгиланган пунктдан ана шу оқимлардан бири — Куро-Сиво ўтган эди, бу япончада «қора дарё» дегани; у Бенгаль қўлтигидан чиқиб, тропик қуёшининг тикка нурларидан ҳароратланиб, Малакк бўғозига ўтади, Осиё қирғоқлари бўйлаб боради ва Тинч океаннинг шимолий қисмидан бурилиб ўтиб Алеут ороллариغا етади.

Бу оқим хушбўй дарахтлар ва бошқа тропик ўсимликларнинг новдаларини оқизиб борар, тўқ яшил ва совуқ океан сувларидан ўзининг ёрқин кўк ранги ҳамда юқори ҳарорати билан ажралиб турар эди.

«Наутилус» ана шу оқим бўйлаб сузиб ўтиши керак эди. Бу оқимни картадан кузата туриб, Тинч океаннинг бепоён бўшлиқларида унинг жимирлаб йўқ бўлиб кетишини шу қадар берилиб ўйлабманки, қаерда турганимни унутиб, салонга Нед Ленд билан Консель кириб келганини ҳам пайқаман.

Менинг ажойиб ҳамроҳларим кўзлари олдидаги хазинани кўриб, донг қотиб қолишди.

— Биз қаердамиз?— хитоб қилди канадалик.— Наҳотки Квебек музейида бўлсак?

— Хўжамнинг рухсатлари билан,— деди Консель,— тўғриси айтсам, ўзимизни Сомерар меҳмонхонасида деб ҳис этияпман.

— Дўстларим,— дедим мен,— Канадада ҳам, Францияда ҳам эмассиз, балки сув сатҳидан эллик метр пастроқда сузаётган «Наутилус»дасиз.

— Бу гапни хўжам айтганларидан кейин ишонишга тўғри келади,— деб жавоб берди Консель,— аммо ростини айтсам, бундай салон мендақа фламандияликни ҳам ҳайратга солади!

— Истаганингча ҳайратланишиг мумкин, оғайни. Айни вақтда витриналарга ҳам бир қараб қўй — у ерда сенга ўхшаган классификатор учун иш топилиб қолади.

Классификациялашга келганда, Конселни қайта ундашнинг ҳожати йўқ эди. Витриналар устига энгашиб, натуралистлар тилида алланималар деб гўлдирай бошлади: синф, туркум, туркумча, оила, насл, тур...

Шу орада конхиология билан иши бўлмаган Нед Ленд капитан Немо билан учрашувимни ва ундан кимлигини, қаерлик эканини, қаёққа кетаётганини, бизни қанақа чуқурликларга олиб тушишини билган-билмаганимни суриштира бошлади.

Канадалик жавобимни ҳам кутмасдан кетма-кет саволлар ёғдириб ташлади.

У гапириб бўлгач, билганларимни бирма-бир сўзладим ва мен ундан, шунингдек, бу вақт ичида кўрган-билганларини сўрадим.

— Ҳеч нарса эшитганим ҳам, кўрганим ҳам йўқ,— деб жавоб берди канадалик.— Ҳатто кема командасидан ҳам ҳеч кимни учратмадим. Балки у ҳам электрдандир.

— Электрдан?..

— Худо ҳаққи, бунга ишонса бўлади... Аммо айтингчи, жаноб профессор,— сўради Нед Ленд олдинги ниятидан қайтмай,— бу кема экипажида неча киши бор? Ун кишими, йигирматами, элликтами, юзтами?

— Бир нарса дея олмайман, Нед. Менга қаранг, «Наутилус»ни қўлга олиш ёки ундан қочиб кетиш тўғрисидаги фикрни миянгиздан чиқариб ташланг. Бу кема ҳо-

зирги замон техникасининг мўъжизаси ва мен уни синчиклаб кўздан кечира олмасам бутун умрим бўйи пушаймон бўлиб юрардим. Кўплар биз билан сизга мўъжизалар орасида саёҳат қилиб юриш имкониятимиз борлигигагина ҳам ҳаваси келган бўлар эди. Хуллас, оғирроқ бўлиб юринг. Келинг, яхшиси, ҳозирча атрофимизда нималар бўлаётганини кузатиб борайлик.

— Кузатиб борайлик? — қичқириб юборди гарпунчи. — Ахир бу темир турма ичида ҳеч нарсани кўролмайсан киши! Биз кўр одамга ўхшаб юрибмиз!

Нед Ленд гапни тугатмай тўсатдан салонга зим-зиё қоронғилик чўкди. Шифтдаги ёғду шу қадар тез ўчдики, тим қоронғиликдан бирдан равшан ёруғликка чиққанда бўладигандай кўзларим оғриди.

Бизни яхшилиқ кутяптими ёки нохушлиқми — бунисини билмай, қимирлашга ҳам ботинолмай қотиб қолдик. Бироқ шу пайт бир нарсанинг шарақлаган овози эшитилди, «Наутилус»нинг темир деворлари сурилгандай бўлди.

— Тамом бўлдик, — деди Ленд.

Салон бирдан ёришди. Ёруғлик унинг ҳар икки ташқи томонидан, деворлардаги тухумсимон туйнуклардан тушди. Сувнинг туби электр прожектор билан ёритилган эди. Бизни денгиздан иккита биллур ойна ажратиб турарди. Бошда ойна мўрт, синиб кетади деб бир чўчиб тушдим. Аммо деразалардаги қалин мис ҳошияни кўриб тинчландим: у деразаларни жуда мустаҳкам сақлаши керак.

«Наутилус»дан бир миля масофадаги манзара бемалол кўринарди. Қандай ажойиб манзара! Шаффоф сув қатламларини ёритиб турган электр нурларининг ажойиб жилвасини, гоҳ соя ташлаб, майин жимирлаб ним ранг товланаётган мислсиз бўёқларни таърифлашга ҳар қандай одам ҳам ожиз бўлса керак!..

Денгиз сувининг тиниқлигини ҳамма билади. У энг тоза булоқ сувидан ҳам тиниқроқ. Ундаги эриган ва эрмаган минерал тузлар бу тиниқликни янада ошириб кўрсатарди. Океаннинг айрим ерларида, чунончи Антиль ороллари атрофида бир неча ўн метр чуқурликдаги сув қатламларидан ўзандаги қум заррачаларигача яққол кўриниб туради.

Денгиз қаърида чарақлаб турган электр ёғду «Наутилус» атрофидаги суюқликни ёритилган сувга эмас, балки суюқ аланга селобига айлантиргандай туюлар эди.

Агар Эрембергнинг, сувнинг чуқур қатламлари ёруғлик таратади, деган тахминини тўғри деб билсак, унда табиат сув қаъридаги аҳолига мисли кўрилмаган гўзал манзарани томоша қилишни инъом этибди. «Наутилус»нинг ойнасидан ёруғликнинг сувдаги жилосига қараб бунга имоним комил бўлди.

Салоннинг ҳар икки томонидан кўз кўрмаган ва тадқиқ этилмаган оламга биттадан ойна очилган эди. Салондаги қоронғилик ташқаридаги ёруғликни янада ёрқинроқ кўрсатар ва биз аквариумнинг гигант ойнасидан қараётгандай эдик.

«Наутилус» худди бир жойда тўхтаб тургандай эди. Кўз олдимизда сузиб кетаётганимизни кўрсатадиган биронта ҳаракатсиз нарсанинг йўқлигидан шундай туюларди. Бироқ аҳён-аҳёнда сув ости кемаси тумшуғи таратган сув ирмоқчалари кўз олдимиздан жуда катта тезлик билан ўтиб турарди.

Биз завқ билан ҳайратга тушганимизни қай сўз билан ифодалашни билмай ойнага ёпишганча маҳлиё бўлиб турардик.

Бирдан Консель сўз бошлади:

— Хўш, оғайнижон Нед, томоша қилмоқчи эдингиз шекилли? Кўринг энди!

— Жуда ажиб, диққатга сазовор,— деди канадалик бу ғалати манзарани кўргач, ўзининг нафрати ва қочиш ҳақидаги ниятини ҳам унутиб.— Бу ажойиб манзара шунча йўлдан келиб кўришга арзир экан!

— Капитан Немонинг ҳаётини энди тушундим!— ҳаяжонланиб гапирдим мен.— У ўзига махсус бир олам яратиб, унинг мўъжизаларига маҳлиё бўлиб, улардан баҳра олмақда.

— Бироқ балиқлар қани?— сўради канадалик,— балиқлар кўринмайди!

— Сизга барибир эмасми, Нед?— жавоб берди Консель.— Ахир уларни билмайсиз-ку.

— Билмайсиз деганингиз нимаси? Ахир мен балиқчиман-ку!— ҳаяжонланиб қичқирди Нед Ленд.

Икки дўст ўртасида баҳслашув бошланди. Уларнинг иккиси ҳам балиқларни билишарди-ю, аммо ҳар бири ўзича. Ҳаммага маълумки, балиқлар умуртқалилар туркумининг биринчи синфини ташкил этади. Фан уларни жуда аниқ белгилаб берди: «Совуқ қонли, жабрасидан нафас оладиган ва сувда яшашга мослашган». Балиқлар

Вкки синфчага бўлинади: қилтаноқлилар, яъни орқа суяги қилтаноқли умуртқадан иборатлари ва кемирчаклилар, яъни орқа суяги кемирчакли умуртқалилардан иборат бўлганлари.

Эҳтимол канадалик балиқларнинг бунақа бўлинишини эшитгандир ҳам, аммо, шубҳасиз, Консель бу ҳақда анчагина кўп нарса биларди. Нед билан дўстлашиб қолгани учун унга баъзи нарсаларни астойдил маълум қилиш мақсадида айтди:

— Дўстим Нед, сиз балиқларга даҳшат соласиз, сиз эпчил ва довюрак балиқчисиз. Ҳаётингизда денгиз жониворларини кўплаб тутгансиз. Аммо мен гаров ўйнайман, сиз уларни қандай классификация қилишни тасаввур ҳам этолмайсиз.

— Бекорларни айтибсиз,— деди жуда жиддий оҳангда канадалик.— Балиқлар еб бўладиган ва еб бўлмайдиганларга бўлинади.

— Бу еб тўймаслар классификацияси,— деб кулди Консель,— қани, айтинг-чи, қилтаноқли балиқлар билан кемирчаклилар орасидаги фарқни биласизми?

— Билсам ҳам ажаб эмас.

— Шу синфларнинг қисмларга бўлинишини-чи?

— Йўқ, бундан хабарим йўқ!

— Ундай бўлса қулоқ солинг, Нед, унутманг. Қилтаноқли балиқлар олти гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳи тикантукли балиқлар бўлиб, уларнинг юқори жағи яхлит қимирлайди ҳамда тароқсимон жабраси бор. Бу гуруҳ ўн беш оилани, яъни бизга маълум бўлган барча балиқларнинг тўртдан уч қисмини ўз ичига олади. Оддий олабуға балиқ шу гуруҳнинг намунасидир.

— Анча мазали балиқ,— дея луқма ташлади Нед Ленд.

— Иккинчи гуруҳи,— деб сўзини давом эттирди Консель,— тешик пуфаклилар. Уларнинг қорин сузгичлари қоринларининг тагида, кўкрак сузгичларининг пастида бўлиб, елка суяқларига бирикмаган. Бу гуруҳ беш оилани ўз ичига олади ва буларга чучук сувда яшайдиган балиқларнинг кўпчилиги киради. Зоғора балиқ ва чўртган балиқ шу оиланинг намунасидир.

— Ффу,— деди канадалик иргангандай,— чучук сувда сузадиган балиқларни ёқтирмайман.

— Учинчи гуруҳи,— деди Консель,— юмшоқ туклилар бўлиб, уларнинг қорин сузгичлари кўкрак сузгичла-

рининг тагида ва бевосита елка суякларига бириккан бўлади. Бу гуруҳда тўрт оила бор. Бу гуруҳ намунаси қалқон балиқдир.

— Мана бу ажойиб балиқ!— дея хитоб қилди гарпунчи балиқларга ҳамон фақат таом нуқтаи назаридан ёндашиб.

— Тўртинчи гуруҳ,— унинг гапига эътибор бермай давом эттирди Консель,— фақат илонбалиқлар оиласидан иборат бўлиб, уларнинг танаси чўзинчоқ, қорин сузгичлари йўқ, қалин ҳамда кўпинча шиллиқ тери билан қопланган.

— Бемаза,— дея луқма ташлади гарпунчи.

— Бешинчи гуруҳи,— деди Консель,— тарам-тарам жабралилар. Уларнинг жағлари яхлит қимирлайди, аммо жабралари унинг айланаси бўйлаб тарам-тарам бўлиб, икки тарадан жойлашган. Бу гуруҳда фақат биргина тиканлилар оиласи бор. Унинг намунаси отбалиқ.

— Ффу, ярамас!— хитоб қилди канадалик.

— Олтинчиси ва сўнггиси,— деди Консель,— туташ жағлилар бўлиб, уларнинг жағ суяклари жағ оралиғига қимирламайдиган бўлиб бириккан ва танглайнинг кўтаришган жойи бош суяк билан бириккан. Бу гуруҳда икки оила — қаттиқтериллар ва тиржайгантошлар бор. Намунаси — ойбалиқ.

— Қозонни фақат булғай оладиган балиқ,— деб қўшиб қўйди канадалик.

— Гапларимга тушундингизми, оғайни?— деб сўради доно Консель.

— Ҳеч балони тушунмадим, Консель,— деб жавоб берди гарпунчи.— Аммо давом эттираверинг: сиз айтаётган гаплар жуда қизиқарли.

— Кемирчакли балиқлар синфчасига келганда,— дея вазмин давом эттирди Консель,— шунини айтиш керакки, у бор-йўғи уч гуруҳни ўз ичига олади.

— Қанча оз бўлса, шунча яхши,— деди Нед.

— Биринчиси, думалоқ оғизлилар, яъни жағи бир бутун айлана бўлиб бириккан, жабралари эса ари инидай илма-тешик бўлиб очилади. Бу гуруҳда фақат биргина оила бор. Намунаси — илонбалиқ.

— Ёмон балиқ эмас,— деди Нед Ленд.

— Иккинчи гуруҳи — акулалар ва скатлар<sup>1</sup> бўлиб, бу

<sup>1</sup> С к а т — ўзи япалоқ, дузи ингичка денгиз балиги.

ларнинг жабралари ҳам думалоқ оғизлиларникига ўхшайди-ю, аммо пастки жағлари қимирлайди.

— Қандай қилиб!— ҳаяжон билан сўради Нед.— Акула билан скат бир гуруҳга кирадимиз? Биласизми, дўстим Консель, агар скатлар тирик қолсин десангиз, уларни акулалар билан бир гуруҳга қўшишни зинҳор маслаҳат бермасдим сизга.

— Учинчи гуруҳи,— дея парво қилмай сўзини давом эттирди Консель,— осётра гуруҳи бўлиб, уларнинг жабралари устидаги соябончаси билан бир жойдан очилади. Бу гуруҳда тўртта оила бор. Намунаси — осётра балиғи.

— У-ў, Консель, сарасини пировардида айтаман деб, асраб қўйган экансиз-да. Бўлдингизми?

— Ҳа, Нед, бўлдим. Аммо шуни унутмангки, бу биланларнингиз ҳеч гап эмас, чунки ҳали гуруҳлар гуруҳчаларга, оилалар оилачаларга, насллар, турлар, хилларга<sup>1</sup> бўлинади.

— Ҳу ана, Консель, кўряпсизми, худди айтганингиздай бир неча хиллар,— деди канадалик юзини ойна томон бурар экан.

— Ҳа, балиқлар!— хитоб қилди Консель.— Худди аквариум ичида ўтиргандаймиз-а.

— Йўқ,— дея эътироз билдирдим мен,— аквариум қафасдай гап, бу балиқлар эса кўкдаги қушлар сингари эркин.

— Қани, Консель, менга мана бу балиқларнинг номини айтинг-чи,— илтимос қилди Нед Ленд.

— Буниси менга тааллуқли эмас,— деб жавоб берди Консель.— Бу масалада хўжамга мурожаат этасиз.

Дарҳақиқат, классификациялашда суяги йўқ бу одам натуралист эмас эди ва тунецни пузанкадан ажрата олар-

---

<sup>1</sup> Жюль Верн томонидан келтирилган балиқлар классификацияси ҳозир анча эскириб қолган. Думалоқоғизлиларга мансуб бўлган илонбалиқлар синфидан мустақил синф сифатида ажратилган; балиқлар синфчаларга бўлинади: 1 — кўндаланг оғизлилар, буларга акула ва скат киради; 2 — химералар (қадимги грек мифологиясида — жуда катта баҳайбат ҳайвон); 3 — суяк склетлилар — буларга осётра балиқлари гуруҳи ва чинакам суяклилар гуруҳи; сўнггиси, очиқ-пуфаклилар, юмшоқ туклилар, қаттиқ туклилар, қаттиқ жағлилар, туташ жағлилар ва тарам жабралилар киради; 4-синфчага ҳам сувда, ҳам қуруқликда нафас оладиган балиқлар киради. Шунингдек, Жюль Верннинг балиқлар классификациясига доир келтирган бошқа мисоллари ҳам анча эскирган.



микан, билмадим. Бу масалада у истаган балиқнинг номини иккиланмай айта оладиган амалиётчи-канадаликнинг тамомила акси эди.

— Бу спинорог,— дедим мен.

— Хитой спинороги,— деб қўшиб қўйди Нед Ленд.

— Спинороглар насли, қаттиқтериллар оиласи, ташташгағиллар гуруҳи,— дея шивирлади Консель.

Тўғриси айтсам, Консель билан Нед Лендни қўшса яхши бир натуралист чиқарди!

Канадалик хато қилмаган эди. Ялпоқ, терилари гадирбудур, жуда кўп спинороглар думларидаги тўрт қатор тиканакларини жилпанглатиб «Наутилус» атрофида ўйноқлаб юрган эдилар.

Елкалари кул ранг ва қоринлари оппоқ спинорогларнинг танасидай чиройли нарса бўлмаса керак. Спинорогларнинг ёнида шамолда ҳилпираб турган бир эн матодай скатлар сузишар эди. Уларнинг орасида елкаси сарғишроқ, қорни оч пушти ранг ва кўзи устида уч найзаси бўлган Хитой скатини ҳам кўрдим; бу хил скат жуда кам учрайди. Ласепед хитой скатлари борлигига умуман ишонмас, чунки буларни у фақат япон суратлари тўпламидагина кўрган эди.

Икки соат давомида «Наутилус»ни бутун бошли сув ости армияси кузатиб борди. Рангининг зеболиги ва тез ҳаракат қилиши билан бир-бирларидан қолишмайдиган балиқлар орасида мен яшил губан, елкасида қўшалоқ қора чизиқли султон, танаси кўк ва боши кумуш ранг япон макрели, номининг ўзи ҳар қандай таъриф-тавсифнинг ўрнини босадиган ялтироқ тўқ кўк балиқлар, сузгичлари кўк ва яшил товланадиган йўл-йўл спарлар, думининг атрофи қора чизиқли спарлар, олтига «камар» таққандай чипор спарлар, айримларининг узунлиги бир метрга етadиган лойхўрак балиқлар, кўзлари ёниб турган, оғзи кенг ва узунлиги олти футли муренни кўрдим.

Биз ҳаяжонимизни босолмасдик. Нед балиқларнинг отини атар, Консель уларни ўша заҳоти классификациялар, мен эса уларнинг гўзаллиги ва тез ҳаракат қилишига маҳдиё бўлиб турар эдим. Мен тирик балиқларни ўзининг табиий муҳитида кўришга ҳеч қаерда муяссар бўлмаган эдим.

Кўз олдимиздан ўтган барча хилларни, Япон ва Хитой денгизларидаги бутун балиқлар коллекциясини бирма-бир санаб ўтирмайман. Назаримда, электр ёғдуси

уларнинг диққатини жалб этиб, «Наутилус» атрофига тўда-тўда бўлиб келишар эди.

Тўсатдан салон ёришди. Темир дарча бекилди. Жовибадор манзара йўқолди, бироқ мен ҳамон ширин орзулар оғушидан чиқолмаган эдим. Салонда осиглиқ турган асбобларга кўз ташладим, компас мили илгаригидай шарқ-шимол — шарқ йўналишида турарди, манометр валик метр чуқурликда бўладиган беш атмосфера босими, электр лаг эса соатига ўн беш миля тезликни кўрсатар эди.

Мен капитан Немони кутар эдим. Аммо у келмади. Хронометр кеч соат бешни кўрсатар эди.

Нед Ленд билан Консель каюталарига қайтиб кетишди. Мен ҳам хонамга қайтиб кетдим. Стол устида тушлик овқат турар эди. Таом тошбақа шўрваси, жигари алоҳида пиширилган султон гўштидан қилинган жуда мазали кабоб, думалоқ бош тикан кўзlining сулаймонбалиқникидан хуштаъмроқ қовурмасидан иборат эди.

Кечқурун мен китоб ўқиш билан банд бўлдим. Уйқу боса бошлагач, каравотга чўзилиб, қаттиқ ухлаб қолибман. Бу пайт «Наутилус» «Қора дарё» оқими бўйлаб сиргилиб борар эди.

## *Ун бешинчи боб*

### ТАКЛИФНОМА

Эртаси куни, 9 ноябрда, ўн икки соатлик уйқудан сўнг уйғондим. Консель одатича хўжаси қандай ухлаб турганини билиш ва хизматга ҳозирлигини айтиш учун келди. У гўё бутун умри давомида уйқудан бошқасини билмайдигандай донг қотиб ухлаётган канадалик дўстини ёлғиз қолдирган эди.

Мен дилкаш Консель саволларига истар-истамас ва тўмтоқ жавоблар бериб, бу билан унинг истаганча гапириб олишига имкон бердим. Кечаги манзарани кўраётганимизда капитан Немонинг келмаганига алланечук бўлдим ва у билан бугун учрашарман, деб умид қилдим.

Мен биссус матосидан қилинган костюмимда эдим. Бу кийим тўғрисида Консель ўзининг бир қанча мулоҳазаларини билдирди. Мен унга бу мато қояларда айрим чифапоқлар илашиб турадиган ипак толалардан тайёрлан-

ганини айтдим. Биссусдан жуда юмшоқ ва иссиқ мато ола са бўлади. Шундай қилиб, «Наутилус» экипажини денгизнинг ўзи кийим-бош билан таъминлар ва унинг пахтага ҳам, қўй жунига ҳам, ипак қуртига ҳам ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ эди.

Мен кийиниб салонга чиқдим. У ерда ҳеч ким йўқ эди.

Ойна остига тўпланган қимматбаҳо нарсаларни диққат билан кўздан кечира бошладим.

Энг ноёб денгиз ўсимликлари билан тўлатилган, қуритилганига қарамай, жуда ажойиб ва ёрқин бўёқлари сақланиб қолган гербарийларни титкиладим.

Бутун кун шу йўсинда ўтди. Капитан Немо кўринмади. Салондаги темир деразалар очилмади. Эҳтимол, бу ажойиб мўъжизалар тез меъдамизга тегишидан қўрқишаётгандир.

«Наутилус» олдингидай шарқ-шимол — шарқ йўналишида эллик-олтмиш метр чуқурликда соатига ўн икки миля тезлик билан борар эди.

Кейинги кун, 10 ноябрь ҳам худди шундай ёлғизлик билан ўтди. Мен «Наутилус» командасидан бирон кишини ҳам кўрмадим. Нед билан Консель деярли кун бўйи мен билан бирга бўлишди. Капитаннинг кўринмаётганидан улар ҳам ташвишда эдилар. Балки бу ғалати одам бетоб бўлиб қолгандир? Ёки бизга нисбатан қарорини ўзгартирдимикин?

Ҳақиқатан ҳам, Консель айтгандай, бизнинг шикоят қиладиган еримиз йўқ эди. Тамомила эркин одамлармиз, бизга тўйғунимизча ширин таомлар беришади. Хўжайинимиз келишилган шартларга қатъиян амал қилаётган эди. Бунинг устига ҳозирги ғайри одатий ҳолатимиздан шу қадар мамнун эдикки, тақдирдан нолий олмадик.

Шу кундан бошлаб барча воқеаларни ёзиб бордим — бу менга эндиликда улар ҳақида жуда аниқ гапириб бериш имконини бермоқда. Яна бир қизиқ нарсага эътибор беринг: мен кундалигимни денгиз ўсимликларидан тайёрланган қоғозга ёзар эдим...

Ун биринчи ноябрь эрта тонгда тоза ҳаво оқимининг кириб келиши биз кислород запасларини тўлдириш учун океан сатҳига чиққанимиздан далолат берар эди.

Мен трап томон юрдим ва «Наутилус» палубасига чиқдим.

Эрталаб соат олти. Ҳаво булут. Денгиз кул ранг. аммо сокин; унинг сатҳи билинар-билинемас жимирлар эди.

Капитан Немо юқорига чиқармикин, деган савол менга тинчлик бермас эди. Ҳозирча кема устида ойнабанд хонасига қамалиб олган руль бошқарувчидан бўлак киши кўринмас эди.

Тўнтариб қўйилган қайиқ ҳосил этган дўнгликка ўтириб, туз ҳиди анқиб турган денгиз ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар эдим.

Қуёш нури таъсирида аста-секин туман ҳам тарқалди. Шарқ томондан уфққа ёрқин ёғду сочиб қуёш кўтарилди. Денгиз унинг нурларидан чарақлаб кетди. Парқуга ўхшаган парча-парча булутлар бугун шамол бўлишидан дарак бериб, жуда ажойиб бўёқларда товланар эди.

Аммо ҳеч қандай бўронларни ҳам писанд қилмайдиган «Наутилус» учун шамолли кун нима деган гап?

Ортимдан оёқ товуши эшитилганда, барқ уриб чиқётган қуёшни томоша қилаётган эдим. Кимдир палубага чиқди.

Капитан Немоми деб, энди таъзим қилишга шайланган эдим, унинг ёрдамчиси экан. Мен уни илгари, капитан билан биринчи учрашувда кўрган эдим. У мени кўрмагандай палубага чиқди. Жуда ўткир дурбинни кўзларига тутиб, зўр диққат билан уфқни кўздан кечира бошлади. Сўнгра люкка яқинлашиб, қуйидаги сўзларни айтди,— мен бу сўзлар талаффузини аниқ эслаб қолдим, чунки, ҳар гал бу вазиятда улар қайтариларди:

— *Nautron respoc orni virch!*

Мен бу сўзларнинг маъносини билмайман.

Ёрдамчи шу сўзларни айтиб, зинадан пастга тушиб кетди. «Наутилус» ҳозир сувга чўктирилади деб ўйлаб, мен ҳам тезда пастга тушдим.

Хуллас, беш кун ҳеч қандай ўзгаришсиз шу залда ўтди. Ҳар куни эрталаб мен палубага чиқар эдим. Ҳар куни эрталаб бояги киши ҳалиги сўзларни айтарди. Аммо капитан Немо кўринмас эди.

16 ноябрь куни энди уни кўришдан умидимни узиб турганимда Консель ва Нед Ленд билан хонамга кириб, столим устида менга аталган хатни кўриб қолдим.

Мен шошилганча конвертни очдим. Хат француз тилида пухта ва чиройли ёзилган эди, аммо ҳарфлар немис алфавитининг готик ҳарфларига ўхшар эди.

Хатнинг мазмуни қуйидагича:

«Жаноб профессор Аронаксга.

16 ноябрь 1867 йил.

Капитан Немо профессор Аронаксни эртага эрталаб Креспо ороли ўрмонларида бўладиган овда иштирок этишига таклиф этади. Жаноб профессорнинг ҳамроҳлари ҳам бу эскурсияга қўшилиш истагини билдиришса, капитан Немо гоят мамнун бўлуради.

«Наутилус» командири  
капитан Немо».

— Ов!— дея қичқириб юборди Нед.

— Ҳа, яна Креспо ороли ўрмонларида-я!— деб қўшиб қўйди Консель.

— Демак, бу одам баъзан қуруқликка ҳам чиқиб турар экан-да?— сўради Нед.

— Менимча, жуда аниқ айтилган,— деб жавоб бердим мен хатни қайта ўқигач.

— Майли, ундай бўлса таклифни дарҳол қабул қилиш керак,— деди канадалик. Қуруқликка чиққанимиздан кейин эса вазиятга қараб нима қилишимиз кераклиги режасини тузамиз. Буларнинг ҳаммасини йиғиштириб қўйиб, бир парча тоза гўшдан жон деб тановул қилган бўлардим.

Мен капитан Немонинг қитъалар ва оролларга нисбатан нафрат билан қараши ҳақидаги сўзлари-ю, ўрмонга, овга таклифи ўртасидаги яққол қарама-қаршиликка эътибор ҳам бермай, қуйидаги жавоб билангина чекландим:

— Келинглар, яхшиси, аввал Креспо оролининг қанақалигини бир кўриб олайлик.

Картадан қидириб шимолий кенгликнинг 32-градус 40-минутини ва ғарбий узунликнинг 167-градус, 50-минутини бу оролни топдим. Уни 1801 йилда капитан Креспо очган эди. Эски испан карталарида у Рокко де ла Плата деб аталган бўлиб, бунинг таржимаси «кумуш қоя» демакдир. Бу оролча биз чиққан ердан тахминан бир минг саккиз юз миля масофада эди; шундай қилиб «Наутилус» олдинги йўлини бир оз ўзгартириб, жануби-шарқ томон сузаётган эди.

Мен дўстларимга картадан Тинч океаннинг шимолий қисмида араб кўринаётган кичкинагина нуқтачани кўрсатдим.

— Үз-ўзидан аёнки, капитан Немо баъзан қуруқликка чиққанда ҳам, у бунинг учун одам қадами етмаган жойни танлар экан.

Нед Ленд индамай бош қимирлатиб қўя қолди. Сўнг-ра у Консель билан чиқиб кетди.

Вазмин ва соқовга ўхшаган стюард берган кечки таомдан кейин бир оз нотинчроқ ухладим.

Эртаси кун, 17 ноябрда, уйқудан туриб, «Наутилус»нинг ҳаракатсиз турганини сездим. Апил-тапил кийиниб, салонга чиқдим ва у ерда капитан Немога дуч келдим.

У мени кўриб ўрнидан турди, таъзим этиб, у билан ҳамроҳ бўлишга розилигимни сўради.

Саккиз кун кўришмаганимиз ҳақида оғиз очмагани учун бу тўғрида бир нарса дейишга иймандим ва лўнда қилиб ҳамроҳларим ва ўзим у билан боришга розилигимизни айтдим.

— Рухсат этинг, капитан,— деб қўшиб қўйдим мен,— битта саволим бор.

— Марҳамат, профессор,— деди у.— Қўлимдан келса жавоб бераман.

— Ер билан алоқангизни узган экансиз, капитан,— деб сўрадим мен,— Креспо оролида ўрмонингиз борлигини қандай тушунса бўлади?

— Биласизми, профессор,— деб жавоб берди капитан,— менинг ўрмонларим қуёшнинг иссиғига ҳам, нурига ҳам муҳтож эмас. Уларда арслонлар ҳам, шерлар ҳам, қоплонлар ҳам, умуман тўрт оёқлилар йўқ. Бу ўрмонларнинг борлигини ёлғиз ўзимгина биламан. Улар ҳам фақат мен учунгина мавжуд... Булар ердаги эмас, сув остидаги ўрмонлар.

— Сув остидаги ўрмонлар?!— дея қичқириб юбордим мен.

— Ҳа, профессор.

— Сиз мени ўша ёққа боришга таклиф этяпсизми?

— Худди шундай.

— Яёв-а?

— Ҳатто оёқларингизни ҳам ҳўллатмай.

— Ов ҳам қиламизми?

— Ҳа, ов қиламиз.

— Милтиқдами?

— Милтиқда.

Мен капитан Немога қарадим, ундан бирон мазмун ўқиб ололмадим,

«Бу одамнинг,— деб ўйладим ўзимча,— жинни бўлганига имоним комил; у саккиз кун давом этган тутқаноқдан кейин ҳозиргина туриб келган, аҳтимол, шу топда ҳам ўзига келмагандир. Аттанг! Менга қолса, бу одам галатироқ бўлса ҳам жинни бўлмаса яхши эди».

Менинг ўйлаётганларимни юзимдан ҳам осонлик билан уқиб олиш мумкин бўлгандир. Капитан Немо индамай, орқасидан юришга ишора қилди ва мен барча кўнгилсиз тасодифларга ҳам тик боқишга тайёр одамдай унинг изидан юрдим.

Биз ошхонага бордик, у ерда нонушта тайёр турар эди.

— Жаноб Аронакс,— деди капитан,— марҳамат, ўтиринг ва сира тортинмай овқатланиб олинг. Мен сизга сув ости саёҳати ваъда қилдим, сув ости ресторани эмас. Шунинг учун ҳам дурустроқ нонушта қилиб олишни таклиф этяпман, чунки фақат кечга бориб овқатланамиз.

Мен маслаҳатга амал қилиб, нонуштани зўр қилиб олдим.

Нонушта устига денгиз ўтлари солинган турли хил балиқ таомлардан иборат эди. Нонуштадан сўнг биз сув ичдик, капитанга қараб мен ҳам сувга «пардасимон родомения» деб аталадиган сув ўти шарбатидан бир неча томчи солдим.

Бошда капитан Немо нонушта устида индамай ўтирди. Сўнгра деди:

— Менимча, профессор, сиз мендан Креспо оролига овга боришга таклифнома олганингизда мени бетайин деб ҳисобладингиз. Сизни сув ости ўрмонига таклиф этаётганимни билганингизда эса мени жиннига чиқариб қўйдингиз. Жаноб профессор, одамлар тўғрисида бунақа енгил-елпи ҳукм чиқариш ярамайди!

— Аммо, капитан, ишонинг, мен...

— Марҳамат қилиб эшитсангиз, мени бетайинликда ёки телбаликда айблаб бўладими, йўқми, кейин ҳукм чиқаравринг.

— Қулоғим сизда.

— Ўзингизга ҳам маълумки, профессор, одам нафас олиши учун етарли миқдорда ҳаво олиб тушган тақдирдагина сув остида туриши мумкин. Сув ўтказмайдиган кийим ва бошларини сақлаш учун темир шлём кийиб олган ишчи-гаввослар сув ости ишларини олиб бораётганда

ҳавони юқоридаги насосга уланган махсус шланг орқали олиб турадилар.

— Ҳа, бу уст-бош скафандр деб аталади.

— Тўғри. Аммо скафандр кийган гаввос эркин эмао, У насослар орқали ҳаво келиб турадиган резина шланг билан уланган. Бу уни ерга боғлаб қўйган ҳақиқий занжир. Агар биз шланг билан «Наутилус»га боғланганимизда эди, узоққа боролмасдик.

— Бундан бошқа қанақа йўл бор? — сўрадим мен.

— Руквейроль-Денейруз қурилмасидан фойдаланиш керак. Бу қурилмани, жаноб профессор, сизнинг икки ватандошингиз яратган ва мен уни шу қадар такомиллаштирдимки, эндиликда у билан тамомила бўлак физиологик шароитлардаги сув ости муҳитига тушишингиз мумкин, бунда соғлигингизга заррача ҳам путур етмайди. Бу аппарат ичига эллик атмосфера босимда дам берилган қалин тунука резервуардан иборат. Резервуар тасма ёрдамида гаввоснинг олкасига солдат халтасидай тақиб олинади. Унинг юқори қисмида чигиртка тукига ўхшаш мослама бўлиб, бу ҳаво босимини нормал ҳолатга етказди ва шундан кейингина клапан орқали чиқаради. Руквейроль-Денейрузнинг одатдаги қурилмасида резервуарга уланган иккита резина найча гаввоснинг оғзи ва буртига кийгизилган махсус маскага олиб борилади. Бу найчалардан бири резервуардан ҳаво олишга, иккинчиси карбонат ангидриди чиқаришга хизмат қилади. Гаввос нафас олаётганда ёки чиқараётганида найчалардан гоҳ бирини, гоҳ бошқасини тили билан очиб туради. Аммо денгиз остида сувнинг юқори қатламлари босимига кўпроқ бардош берсин деб мен бу маскани мис шлём билан алмаштирдим ва нафас олиш ҳамда чиқариш найчаларини шунга мосладим.

— Жуда соз, капитан. Аммо сиз ўзингиз билан олиб тушган ҳаво тез тугаб қолиши керак, унда кислород миқдори ўн беш процентдан пастга тушгандан кейин эса нафас олиш учун ярамай қолади-ку.

— Гапингиз тўғри, профессор. Мен олдин айтган эдим-ку, «Наутилус» насослари резервуарга ҳавони жуда кучли босим билан сиқиб киритиш имкониятини беради. Бундай шароитда резервуардаги запас ҳаво тўққиз-ўн соат нафас олишга етарли бўлади.

— Бошқа эътирозим йўқ, — дедим мен. — Фақат руҳсат берсангиз, бир нарсани сўрасам, сиз океан қаърида



йўлингизни қандай ёритасиз? У ерда зулмат ҳукм сурса керак, ахир!

— Румкорф аппарати билан, профессор. Сиқилган ҳаво тўлатилган резервуар елкага, бу аппарат эса белга осилади. У Бунзен элементида иборат бўлиб, уни мен одатдагидай калий бихромат билан эмас, балки натрий билан зарядлайман. Индукцион ғалтак олинаётган токни йиғиб, сўнг уни махсус конструкцияли фонарга юборади. Бу фонарь илонсимон шиша найчадан иборат бўлиб, ичига карбонат ангидрид тўлдирилган. Аппарат электр токи ҳосил қилганда газ ёрқин оқ нур таратади. Шундай қилиб, мен сув остида ҳам нафас оламан, ҳам кўраман.

— Капитан Немо, менинг барча эътирозларимга сиз шу қадар аниқ ва тўла жавоблар беришсизки, эндиликда бирон нарсадан шубҳаланишга ўрин қолмади. Бироқ Руквейроль ва Румкорф аппаратлари билан мен ўзимни мағлуб ҳисобласам ҳам, сув ости овида бизни қуроолантиришга ваъда берган милтиқларингиз билан сизни енгиш умидидаман.

— Бироқ бу милтиқлар порох билан зарядланган ўт очувчи қурооллар эмас,— деди капитан.

— Демак, сизнинг қуроолларингиз сиқилган ҳаво билан ишлар экан-да?

— Албатта. Ахир ўзингиз ўйланг, селитра ҳам, олтингургурт ҳам, кўмир ҳам бўлмаган «Наутилус»да қандай қилиб порох тайёрлашим мумкин?

— Тўғри-ю, аммо отишма сув остида — ҳавога нисбатан бир минг саккиз юз эллик марта зичроқ муҳитда бўлгач, ўқ жуда катта қаршилиқни ёриб ўтиши керак-ку.

— Бу қаршилиқ менинг қуролимдан отишга тўсқинлик қилолмайди. Сирасини айтганда, Фультондан кейин инглиз Филипп Кольс ва Берлей, француз Фурси ва италян Ланди томонидан такомиллаштирилган қуроолдан ўша шароитда ҳам ўқ узиб бўлади. Аммо, яна қайтариб айтаман, порох билан эмас, мен уни ўз қурооларимда сиқиб ҳаво билан алмаштирдим, бунинг запаси эса албатта «Наутилус»нинг электр насослари туфайли чекланмаган.

— Аммо бу запасни ҳар гал ўқ узгандан сўнг янгилаб туриш керак-ку.

— Нима бўпти, ахир елкада Руквейроль резервуари тургач, қуролимни истаганча зарядлайвераман-да. Бунинг учун мурватни бурасам бас. Ҳали ўзингиз кўрасиз, про-

Фессор, сув ости овида сиқиқ ҳаво ҳам, ўқ ҳам унчалик кўп сарф бўлмайди.

— Бироқ, менимча, ним қоронғида, зич суyoқ муҳитда узилган ўқ узoқ масофага етиб бoриб, ўлжани ўлдиpола-маса керак.

— Аксинча, профессор, менинг қуроллaримдан отил-ган ўқнинг барчаси ўлдиpади. Улжaга ўқ сал тегиб ўтса ҳам у яшин ургандай қулайди.

— Нега?

— Чунки менинг қуроллaримдан оддий ўқ эмас, бал-ки австриялик химик Лёнибрeк кашф этган махсус сна-рядлар отилади. Бу — ўртасида қўрғoшин ва пўлат қo-биғли шиша соққалардир. Бошқача қилиб айтганда, Лё-нибрeк ўқлари ичида жуда юқoри қувватли электр заря-ди бўлган кичкина лейден банкaларидан бошқa нарса эмас. У озгина туртки билан разрядланади ва қанчалик катта ҳайвон бўлмасин, ўша заҳоти ўлдиpади. Шуни ҳам айтишим керакки, бу шишачалар тўртинчи номерли пит-радан катта эмас ва ўқдонга камида ўнта заряд сиғади.

— Енгилдим,— дедим мен стол ортидан тураётим.— Сиз менинг барча эътиpозларимни чилпарчин қилиб таш-ладингиз. Мен учун қўлга қурол олиб, сиз бошлаган ерга орқангиздан бoравеpишдан бўлак чoра қолмади.

Капитан Немо мени «Наутилус» тумшугига бошлаб борди. Нед Ленд ва Консель каютаси ённдан ўта туриб, уларни чақирдик. Улар шу заҳоти бизга қўшилишди.

Биз ҳаммамиз бирга машина зали орқасида жойлаш-ган камерага кирдик. Бу ерда бизлар сув ости саёҳатига чиқиш учун скафандрлар кийишимиз керак эди.

### *Ун олтинчи бoб*

#### **СУВ ОСТИ ТЕКИСЛИГИ БУЙЛАБ САЙР**

Бу камера «Наутилус»нинг ҳам қуролхонаси, ҳам кий-им ечадиган хонаси хизматини ўтар эди. Унинг деворла-рида овчилар учун ўн иккита скафандр осиглиқ турар эди.

Нед Ленд скафандрларга қараб, юзини норoзи қиёфа-да буриштирди. Унинг бу оғир костюмни кийиб олишга сира тоби йўқлиги шундоқ ҳам билиниб турар эди.

— Шуни билингки, Нед,— дедим мен жасур канада-ликка,— Крeспo oролининг ўрмонлари сув остида!

— Буниси қизиқ бўлди-ку! — норози оҳангда чўзиб рапирди гарпунчи бир парча тоза гўшт ҳақидаги орзуси чиппакка чиққанини кўриб. — Сиз, жаноб профессор, — деб сўради у мендан, — шу эгар-жабдуқнинг ичига кирмоқчимисиз?

— Албатта, азизим Нед.

— Ҳар кимнинг ихтиёри, — деди Нед Ленд елкаларини қисиб, — аммо мени, борди-ю, куч билан мажбур қилишмаса, ўзим унинг ичига сира ҳам кирмайман!

— Сизни ҳеч ким мажбур қилмайди, мистер Ленд, — деди нохушлик билан капитан Немо.

— Консель борадими? — сўради Нед.

— Консель хўжаси изидан сувгагина эмас, балки ўтга ҳам тушади! — жавоб берди Консель.

Капитаннинг топшириғи билан икки матрос бизга яхлит резинадан қилинган бу сув ўтмас оғир уст-бошни кийиб олишда ёрдамлашиш учун келди. Юқори босим учун мўлжалланган скафандрлар ўрта аср рицарларининг зирҳли кийимига ўхшарди-ю, аммо эгиловчанлиги билан фарқ қиларди.

Кийим камзулча билан иштон ҳамда таг чарм ўрнига қўргошин қоқилган қалин чориқлардан иборат эди. Камзулнинг матоси мис ҳалқаларга тортилган бўлиб, бу кўкрак қафасини сув босимидан сақлаш ва эркин нафас олиш учун хизмат қилар эди. Бармоқларнинг бемалол ҳаракат қилиши учун камзулнинг енгларига юмшоқ қўлқоплар тикилган.

Капитан Немо, унинг матросларидан бири, кўринишидан чинакам Геркулес дейсиз, афтидан, жуда бақувват ҳам бўлса керак, Консель ва мен — ҳаммамиз бирпасда скафандрларни кийиб олдик. Бошимизга мис шлёмни илиб олишимиз қолди, холос.

Аммо унгача капитандан менга бериладиган қуролни кўриб олишга рухсат этишни сўрадим.

Матрослардан бири менга кўринишдан оддий милтиққа ўхшаган, қўндоғи одатдагидан каттароқ, ичи бўш ва пўлатдан ясалган қуролни узатди. Унинг қўндоғи сиқилган ҳаво учун резервуар вазифасини ўтаб, тепкини босганда резервуарнинг қопқоғи сурилиб, милтиқ оғзига ҳаво кирарди. Уқдонга йигирматача электр ўқ сигарди. Бу ўқлар махсус пружина ёрдамида автоматик суратда жойланарди. Қуролдан бир ўқ отилиши биланоқ ўрнига бошқаси келиб турар эди.

— Капитан Немо, — дедим мен, — бу жуда ажойиб, бунинг устига тузилиши ҳам оддийгина қурол экан. Уни амалда синаб кўрмагунимча кўнглим ўрнига тушмайди. Аммо биз қандай қилиб сув остига тушиб оламиз?

— «Наутилус» ҳозир сув тагида, ўн метр чуқурликда турибди. Биз чиқишимиз мумкин, профессор.

— Бироқ кемадан қандай қилиб чиқамиз?

— Ҳозир кўрасиз.

Шундай деди-ю, капитан Немо бошига мис шлёмни кийиб олди. Консель билан мен ҳам худди шундай қилдик. Ҳа, айтгандай, Нед Ленд хайрлаша туриб овимизга киноя билан омад тилади. Камзулнинг ёқасида резбали мис ҳалқа бўлиб, шарга ўхшаган шлём унга бураб маҳкамланар эди. Шлёмнинг учта қалин ойнасидан бошни айлантириб, олдинга ва ён томонларга қараш мумкин эди.

Руквейроль аппаратининг ҳаво жўмрагини очиб, белимдаги тасмага Румкорф лампасини илдим ва қўлимга қуролни олдим. Оғир скафандр, айниқса тагига қўрғошин қоқилган чориқлар мени полга михлаб қўйгандай эди. Назаримда бир қадам ҳам жилолмайдигандай эдим.

Аммо афтидан бу худди шундай бўлиши керакдай туюлди кейинчалик. Мени кийим ечадиган хонанинг ёнидаги кичкина кабинага судраб киришди. Ҳамроҳларимни ҳам менинг кетимдан худди шундай итариб киргизишди. Киришимиз билан орқамиздан эшик ёпилганини эшитдим ва биз эмизие қоронғиликда қолдик.

Бир неча минутдан сўнг қулоқларимга қаттиқ ҳуштак товуши чалинди. Оёқларимдан кўкрагимгача совуқ бир нарса чиқаётганини сездим. Афтидан, машина залидаги денгиз сувини очадиган жўмракни бурашганга ўхшайди ва ҳозир биз турган кабинага сув кира бошлаганди. Сув тепагача чиқиб, кабина тўлгач, «Наутилус» бортидаги иккинчи эшик очилди ва ним қоронғи ёруғлик кўринди. Бир оздан кейин биз денгиз тубида юриб борардик.

Денгиз тубида сайр қилиб юрганда олган таассуротларимни қандай тасвирласам экан? Ҳатто рассом мўйқалами ҳам чизиб кўрсатишга ожизлик қиладиган сув стихиясидаги ажойиб гўзалликларни, ўз кўзим билан кўрган мўъжизаларни қай тил билан баён этай?

Капитан Немо олдинда борар эди. Матрос саф охирида келарди. Консель билан мен мис шлёмдалигимизга қарамай, уё таассуротларимизни бир-биримизга айтса бўладигандай энма-ён борар эдик. Мен скафандр, қўрғошин чориқлар,

сиқилган ҳаво тўлатилган резервуарлар ва ичида бошим писта пўчоғидаги мағиз сиқари лиқиллаб турган мис шлёмнинг оғирлигини ортиқ ҳис этмас эдим. Барча бу нарсалар сувга чўккач, улар сиқиб чиқарган сув миқдоричалик енгиллашди. Ҳаракат қилишимга имконият бергани учун мен физиканинг ўз вақтида Архимед очган бу қонунига сажда қилишга ҳам тайёр эдим.

Ўттиз футли сув қатлами остида бўлишимизга қарамай, денгиз тубига таралаётган ёрқин ёғду мени ҳайратга солди. Қуёш нурлари шунчалик қалин сувни ёриб ўтиб, уни рангсизлантирган эди. Мен майда нарсаларни ҳам юзлаб метр масофадан аниқ кўрар эдим. Ундан у ёғига нарсалар хираллашиб, бўёқлар жимираб қораярди ва ниҳоят аллақандай мовийнамо рангга айланарди-да, кўздан ғойиб бўлар эди. Атрофимни ўраб олган муҳит ўша-ўша ҳавога ўхшарди-ю, аммо ердаги атмосферага қараганда зичроқ, мусаффоликда ҳам ундан қолишмасди. Бошим узра сокин денгиз сатҳини кўриб турар эдим.

Биз зич ўрнашиб олган майда қум устида борар эдик. У тўлқин соҳилда қолдирадиган ғадир-будур эмас, ниҳоят даражада силлиқ қум эди. Кўзни қамаштирадиган бу гилам қуёш нурларига чинакам рефлектор хизматини ўтар эди. Қалин сув қатламларининг ҳар бир заррасигача ялтиллаб туришининг боиси ҳам шунда эди. Ҳозир мен ўттиз фут чуқурликда сув сатҳида ҳаво очиқ бўлган кундагидай ёруғ эди десам, ишонишармикин?

Чорак соат давомида биз миллиардлаб кўзга кўринмас даражада майда чиғаноқлардан иборат қум-гилам устида бордик. «Наутилус» корпуси ортада қолиб, аранг кўринарди; унинг узоққа нур тарата оладиган ёрқин прожектори тунда бортга қайтишимизга ёрдам бериши керак эди.

Биз ҳамон илгарилаб борардик, бепоён қум текислигининг охири йўқдай туюлар эди. Мен қўлларим билан суюқлик пардасини икки ёққа суриб қўйишим билан улар ўша заҳоти ортимдан яна зичлашиб олар ва сув босим: зудлик билан қумдаги оёқ изларимни текислаб йўқ қилар эди.

Ниҳоят, узоқда аллақандай шакллар элас-элас кўрина бошлади. Яқинроқ борганда зоофитлар билан қопланган сув ости қоялари кўринди. Бу ерда суюқлик муҳитигагина хос ёруғликдан кўзларим қамашиб кетди.

Эрталаб соат ўнлар чамаси эди. Сув сатҳига қия тушаётган қуёш нурлари призма орқали ўтгандай синиб, қоя четларини, полипларни, ўсимликларни ўз спектрининг етти

ранги билан жилолантирар эди. Сувда бинафша, кўк, ҳаво ранг, яшил, сариқ, зарғалдоқ ва қизил бўлиб товланаётган ёрқин ранглар моҳир рассомнинг бўёқ тахтачасидай кўзни қувонтирар эди.

Мен ўз туйғуларим, қувонч ва ҳаяжонларимни Конселага айтолмаслигимга ачиғардим... Капитан Немо матрос билан гаплашаётган имо-ишора тилини билмаганимга ачинардим! Шунда ҳам жим туrolмасдим. Ўзимга ўзим гапириб, бақириб-чақириб алланималар дердим ва бу билан қимматли ҳаво запасини сира аямай беҳуда исроф қилар эдим.

Консель ҳам мен сингари бу ажойиб манзара олдида донг қотиб қолган эди.

Тўғриси айтсам, бу ажойиб одам зоофитлар ва моллюскаларни кўриб, назаримда уларни зудлик билан классификациялай бошлаган эди.

Сув туби кўплаб полиплар ва тикантерилилар билан қопланган. Турли хил маржон изидлар, танҳоликда яшайдиган терили маржонлар — корнулярийлар, илгари «оқ маржонлар» деб аталган ўткир кўзли маржонлар группаси, шампиньонга<sup>1</sup> ўхшаган маржон фунгийлар, оғзининг атрофини тиканақлар тож сингари қоплаган актинийлар — буларнинг барчаси чинакам гулзорга ўхшар эди. Аммо кўк тиканақлари жимжимадор, ёқали порпитлар, қумда беҳисоб юлдузлар оламини ташкил этган денгиз юлдузлари, шохлаб кетган ва бурама нур таратадиган офиурлар—астрофитонлар бу денгиз боғининг энг яхши безаклари ҳисобланар эдилар.

Мен бошмоқларим билан денгиз тубини қоплаган минглаб моллюскалар: болғачалар, донацийлар, сакраётган тароқчалар, трохуслар, стромбуслар, денгиз қуёнлари — аплизийлар ва битмас-туганмас бойликларга сероб океаннинг бошқа жониворларини ҳар босиб олганимда астойдил хафа бўлар эдим.

Аммо олдинга юришимиз керак эди ва шунинг учун ҳам биз кетавердик.

Тепамизда ҳаво ранг тиканақли физалийлар гуруҳи ва оч пушти ёки шаффоф шляпали, четларига кўк чизик тортилган медузалар бамайлихотир сузиб борардилар. Шунингдек, медуза-пелагияни ҳам учратдик. Ҳозир қоронғи бўлганида ўзининг фосфор нурлари билан йўлимизни ёритган бўлар эди.

<sup>1</sup> Ш а м п и н ь о н — емишли замбуруғнинг бир тури.

Барча бу мўъжизаларни мен чорак милча борар-бормас масофада кетатуриб йўл-йўлакай кўрдим. Тўхтамай илдам бораётган капитан Немодан ортда қолмаслик керак эди.

Кўп ўтмай ер туси ўзгарди. Қумлоқ америкаликлар «занжир» деб атовчи ёпишқоқ лойқа қатлаам билан ёлмашди. Бу лойқа тош ёки оҳакли чиғаноқлардан иборат эди. Сўнг-ра сув ўтлари билан қопланган ялангликдан ўтдик. Сув ости ўтлоқлари қалин ўсимликлар билан қопланган бўлиб, оёқ ости чапдаст уста тўқиган юмшоқ гилам тўшалгандай эди.

Оёғимиз остидагина эмас, тепамизда ҳам ўсимликлар ёйилиб ётарди. Биз усти сув ўсимликлари билан ёпилган берк йўлкадан бораётгандай эдик. Бу ерда фукусларнинг узун тасмалари, шарсимон ёки найчага ўхшаш лауренциялар, япроқлари юпқа кладостефлар, кактусларнинг елпиғичига ўхшаган кенг япроқли родомениялар бор эди.

Яшил сув ўсимликлари денгиз сатҳига яқин, қизиллари ўрта чуқурликда, жигар ранг ва қоралари эса океanning анча чуқур қатламларида гулзор ва боғларни ташкил этар экан.

Сув ўсимликлари — табиатнинг чинакам мўъжизаси. Қарийб икки минг аъзоси бўлган бу онага дунёдаги энг кичик ўсимликлардан тортиб энг йиригигача таалуқлидир. Чунончи, қирқ минг донаси беш квадрат миллиметр ерга жойлашадиган микроскопик ўсимликлар билан бирга узунлиги беш юз метрдан ортиқ сув ўсимликлари ҳам бор.

Биз «Наутилус»дан чиқиб кетганимизга бир ярим соатча бўлди. Кун пешинга яқинлашяпти. Мен буни қуёш нурлари сувда синмай, тик тушиб турганидан билдим. Таърифга сизмас зумрад бўёқлар бизнинг гумбазимиздан йўқолди. Биз бир маромда қадам ташлаб борар эдик ва қадамларимизнинг овози аниқ эшитилиб турар эди. Тиқ этган товуш ҳам қулоқ одатланмаган даражада теъ ёйилар эди. Ҳа, сув чиндан ҳам товушни ҳавога нисбатан яхши ўтказди ва унда товуш тўрт марта тезроқ тарқалади.

Шу орада сув ости сезиларли даражада қиялашиб борарди. Биз юз метр чуқурликда бўлиб, ўн атмосфера босим остида эдик. Аммо, афтидан, скафандрим шу шароитга мослаштирилгандай юқори босим менга сира таъсир этмас эди.

Бармоқларимнинг бўғинлари билинар-билинемас сиқилатганингина сезардим, холос. Аммо бу бир оз нохуш ҳолатга ҳам кўп ўтмай ўрганиб қолдим. Бу уст-бошга одат-

ланмаганимга қарамай, икки соат юриб сира чарчамаган эдим. Сув ўраб олган бу кийимда мен одатдан ташқари осон ҳаракат қилар эдим<sup>1</sup>.

Уч юз фуг чуқурликдан ҳам қуёш нурининг жимирлаб турганини кўрдим, аммо у энди аранг кўзга ташланар эди. Куннинг ёрқин ёғдуси ўрнини қизғиш қоронгилик — кун билан оқшом ўртасидаги ҳолат эгаллади. Бироқ биз йўлни аниқ кўриб турар эдик ва ҳозирча Румкорф лампаларини ишга солишга ҳожат йўқ эди.

Капитан Немо тўсатдан тўхтади. У яқинлашувимни кутиб турди ва бармоғини олдинга чўзиб, ним қоронғида аниқ кўзга ташланаётган аллақандай қора нарсани менга кўрсатди.

«Бу Креспо оролининг ўрмони бўлса керак», ўйладим мен ва хато қилмаган эдим.

## *Ўн еттинчи боб*

### СУВ ОСТИ УРМОНИ

Шундай қилиб, ниҳоят ўрмон этагига етиб келдик. Капитан Немонинг кўз илғамас мулкидан энг чиройли ери шу бўлса ҳам ажаб эмас. Бу ўрмонни у ўзининг шахсий мулки деб ҳисоблаб, дунё пайдо бўлган дастлабки кунлардаги дастлабки одамларникидай ҳуқуқ даъво этган эди. Сирасини айтганда, сув ости мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини ундан ким ҳам тортиб олар эди? Яна бошқа бир жасурроқ киши қўлига болта олиб, мудроқ ўрмонни чопишга журъат эта олармикин?

Креспо оролининг ўрмони дарахтга ўхшаган улкан ўсимликлардан иборат эди. Унинг кенг майдонига киришимиз биланоқ, шохларнинг туриш ҳолатини кўриб, ҳайрон бўлдим. Бунақасини сира кўрмаган эдим!

Сув тубига гиламдай тўшалган ўт-ўланлар ҳам, дарахтларнинг шохлари ҳам эгилмасдан, қайрилмасдан, горизонтал ҳолатда ер бағирламай, ҳаммаси тикка — океан сатҳига қараб кўтарилган эди. Энг ингичка новдалар ҳам бир тола

---

<sup>1</sup> Гаввоснинг иши жуда оғир жисмоний меҳнат бўлиб, узоқ машқ талаб этади. Ж. Верн қаҳрамонлари гаввос кийимларида истаган чуқурликда сасҳат қилишлари романлардагина бўлиши мумкин.



темир хивичдай юқорига кўтарилиб турар эди. Фужуслар ва бошқа сув ўсимликлари уларни ўраб олган муҳитнинг зичлигидан денгиз сатҳи томон жуда тик ўсган эди. Бу ўсимликларни мен бир томонга суриб қўйганимда ҳам, қўлимни олишим билан улар яна олдинги ҳолатига қайтар эди.

Бир оздан сўнг мен атрофимизни ўраб олган ним қоронғиликка кўниккандай, ўсимликларнинг бу ғалати тикка ҳолатига ҳам ўрганиб қолдим. Урмон «тупроғи» қиррали тошлар билан қопланганди. Сув ости ўсимлик дунёси назаримда жуда кўп ва хилма-хил эди.

Мен бошда ўсимлик олами билан ҳайвонот дунёсини ажрата олмай қолдим: ҳайвонот билан ўсимликларни чалкаштира бошладим. Зоофитларни сув ўсимликлари — гидрофитлар билан чалкаштирдим ёки бунинг акси бўлди. Менинг ўрнимда бошқа киши бўлганда ҳам бу масалада хато қилмасмиди? Ахир, бу сув ости дунёсида ҳайвонот олами билан ўсимликлар шу қадар бир-бирига чирмашиб кетганки, асти қўяверасиз!<sup>1</sup>

Мен жамики ўсимликлар тупроқдан униб чиққан эмас, балки унга ёпишибгина турганини кўрдим. Бунинг сира жаҳабланадиган ери йўқ: илдизсиз бу ўсимликларга тупроқдан ҳаёт кечирришларига озуқа эмас, балки таянч нуқтаси керак эди, холос. Шунинг учун ҳам улар тошларда ҳам, қумда ҳам, шағалда ҳам, чиғаноқлар устида ҳам бирдай тураверади. Бу ўсимликлар уларни ўраб олган сувда ўсади, нафас олади ва озуқа топади. Кўпчилигининг кичкинагина япроқлари жуда ғалати жимжимадор шаклда бўлади. Бу япроқларнинг ранглари ҳам пушти, оч қизил, яшил, қўнғир, кўкиш сариқ ва жигар рангларнинг уйғуллашувидан иборат. Мен бу ерда «Наутилус» коллекциясида кўрганларимга яна дуч келдим. Энди уларни коллекциядагидек қотирилган ҳолда эмас, балки ҳаётлигича кўрдим. Булар ёйиб қўйилган елпигичга ўхшаш сув товуслари, тўқ қизил церамиялар, ламинариялар, тез ўсадиган ёш новдалар, ўн беш метр баландликда гуллайдиган ипсимон нерооцистейлар, поясининг юқори қисми йўгонлашиб борадиган ацетабулярий тўплари ва гулсиз бошқа кўпгина денгиз ўсимликлари эди. «Жуда ғалати олам-да, — деган эди бир натуралист сув ости дунёси ҳақида, — бу ернинг ҳайвонлари гуллайди, ўсимликлари эса гулсиз!»

---

<sup>1</sup> XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида олимлар ўртасидаги хато тушунча.

Катгалиги жиҳатидан иқлими ўртача мчнтақадаги дарахтлардан қолишмайдиган ўсимликлар остида чинакам гулларга ўхшаш буталар, устида, илон изи жўякларда меандринлар гуллаб ётган қатор зоофитлар, сарғиш ва оқиш тутқичлари бўлган юлдузсимон кариофиллия — маржонлар кўзга ташланар ва ниҳоят шунга ўхшаш ердаги чорбоғда балиқ-пашшалар колибри<sup>1</sup> тўдалари сингари гулдан гулга учиб юрар, оёқларимиз остидан эса лойхўраклар, сариқ леписакантлар учар, хўрозлар ва моноцентрлар гала-гала бўлиб кўтарилардилар.

Кундузи соат бирга яқин Немо дам олишга ишора қилди. Биз поялари готик услубда қурилган ибодатхонанинг найза чўққилари каби юқорига қараб кўтарилган аларий остида чўзилишдик.

Жуда ҳузур қилиб дам олдик. Фақат гаплашиб ўтиришнинг иложи йўқ эди. Чунки гапириш ҳам, эшитиш ҳам мумкин эмас эди. Мен ўзимнинг улкан мис бошимни Конселнинг худди шунақа бошига яқинлаштирдим ва дилқаш дўстимнинг кўзлари ҳайратдан чақнаб турганини кўриб қаноат ҳосил қилдим. У ўзининг гоят мамнунлигини билдириш учун металл шлёми ичида бошини кулгили ҳолатда лиқиллатиб қўйди.

Тўрт соатлик сайрдан кейин ҳам қорним очмаганига ҳайрон эдим. Ошқозоним бу қадар бардош бераётганининг сабабини тушунолмасдим. Аммо ғаввосларда бўладигандай мени ҳам уйқу боса бошлади. Қалин ойна ортида кўзимни юмдим. Юриш натижасида енгилб келган мудроқ устун чиқа бошлади. Капитан Немо билан барзанги матрос намуна кўрсатгандай биринчи бўлиб қум устида чўзилиб, тезда ухлаб қолишди.

Қанча ухлаганимни билмайман. Кўзимни очсам, капитан Немо ўрнидан турган экан. Ҳомуза тортиб тургандим, бирдан ўзимдан бир неча қадам нарида бўйи роса бир метр келадиган катта денгиз қисқичбақасига кўзим тушиб қолди; афтидан, менга даф қилмоқчи бўлиб, қийшиқ кўзларини бақрайтириб турарди. Скафандрим унинг тишидан ҳимоя эта оладиган даражада қалин бўлишига қарамай, барибир қўрққанимдан титроғимни босолмас эдим. Шу пайт Консель билан «Наутилус» матроси уйғониб қолишди.

---

<sup>1</sup> К о л и б р и — тропик мамлакатларда яшовчи ранг-баранг патли кичкина қуш.

Капитан Немо даҳшатли махлуққа ишора қилиши билан матрос қисқичбақани ўша заҳотиёқ милтиқ қўндоғи билан уриб ўлдирди.

Улкан бўғиноёқлини кўргач, бу зим-зиё чуқурликда скафандрим улардан ҳимоя этолмайдиган бошқа даҳшатлироқ махлуқлар яшаши мумкинлигини ўйладим.

Эҳтиёт бўлишга қарор қилдим.

Бу дам олишимиз сайримизнинг хотимаси деб хато ўйлаган эканман. Капитан Немо «Наутилус» томон юрмай, яна олга кетди.

Океан туби борган сари чуқурлашарди, бинобарин, биз қиялаб юриб, тобора денгиз қаърига тушар эдик. Юз эллик метр чуқурликда икки тик қоя оралиғидаги пастликка етиб келганимизда, соат учлар чамаси эди. Ғаввослик костюмимиз такомиллаштирилгани туфайли табиат инсоннинг сув остига қиладиган саёҳатларига белгилаган чуқурликдан тўқсон метр пастроққа тушган эдик.

Чуқурликни белгилаб берадиган бирор асбобим бўлмаса-да, биз юз эллик метр сув остига тушганимизни аниқладим. Чунки мен энг тиниқ сувда ҳам қуёш нури бундан чуқур масофага ўтолмаслигини билардим. Худди шу чуқурликда бўлган пайтимизда атроф зим-зиё эди. Аммо бирдан олдинда ёрқин шуъла таралди. Капитан Немо ўзининг электр фонарини ёққан эди. Унга эргашиб ҳамроҳи ҳам фонарини ёқди. Шундан сўнг Консель билан мен ҳам фонарларимизни ёқдик; биз включателни бурдик ва ичига газ тўлатилган илонсимон трубка электр токидан қувват олиб, ёруғлик тарата бошлади.

Бизнинг тўртта фонаримиздан чиққан ёруғлик денгизни йнгирма беш метр радиусида ёритди.

Капитан Немо ҳамон қоронғи ўрмоннинг ичкарисига кириб борарди. Дарахтлар борган сари камайди. Ўсимлик олами ҳайвонот дунёсидан кўра тезроқ сийраклашар эди. Биз энди денгиз ўсимликларини деярли учратмасак-да, зоофитлар, бўғиноёқлилар, моллюскалар ва балиқлар атрофимизда гужғон ўйнади.

Электр фонарлари денгиз жониворларининг диққатини жалб этса керак, деган фикр хаёлимдан ўтди. Аммо улар бизга яқинлашсалар-да, бемалол ов қилса бўладиган масофага келмас эдилар.

Капитан Немо бир неча бор тўхтаб, милтиқ қўндоғини елкасига тираганини кўрдим. Аммо мўлжалга олиб, ўқ узмай милтиқни туширар эди.

Ниҳоят, тушдан кейин соат тўртларга яқинлашганда биз ажойиб сайримизда мўлжаллаган ерга етдик. Тўсатдан олдимизда қоронғи ғорлар ўйилган улуғвор қоялар уюмидан иборат улкан гранит девор пайдо бўлди. У деярли тик экан. Бу Креспо оролининг этаги эди. Бу — ер эди.

Капитан Немо тўхтади. Бизга ҳам тўхташ ишорасини қилди. Менда бу девордан ошиб ўтиш истаги қанчалик кучли бўлмасин, тўхташга тўғри келди. Капитан Немонинг мулки шу ерда тугар эди. У чегара ҳатлаб нарига ўтишни истамас эди.

Бу тўсиқнинг нарёғида у боришни истамайдиган бошқа дунё бошланади!

Биз орқага қайтдик. Капитан Немо яна кичкина отрядимизнинг олдига тушиб, иккиланмай олға бошлади. Назаримда биз «Наутилус»га бошқа йўл билан қайтаётган эдик.

Бу янги, жуда тик, бинобарин, ғоятда чарчатадиган йўл денгиз сатҳига бизни тез яқинлаштирарди. Аммо сувнинг юқори қатламларига биз кўнгилсиз оқибатларга олиб келадиган даражада тез кўтарилганимиз йўқ: маълумки, босимнинг тўсатдан ўзгариши одам организмида қондан азот ажралиб чиқишига — қоннинг қайнашига олиб келади.

Бу хавф катта чуқурликдан сув сатҳига тез кўтариладиган барча эҳтиётсиз ғаввослар учун ҳалокатлидир.

Кўп ўтмай биз яна сувнинг ёруғ қатламларига кирдик. Қуёш шафақда пастлаб турганидан унинг нурлари сувда синиб, ўсимликлар атрофида камалак сингари товланиб, жилваланарди.

Биз турли-туман балиқчалар қуршовида ўн метр чуқурликда борар эдик; аммо шу пайтгача ўқ узса арзигудек бирор сув махлуқи кўзимизга чалингани йўқ.

Тўсатдан мен капитан Немонинг милтиқни яна елкасига тираб, сув ости бутаси остида қимирлаётган аллақандай мавжудотни мўлжалга олаётганини кўриб қолдим. У тепкисини босди. Кучсиз ҳуштак товуши эшитилиб, биздан беш қадам нарида аллақандай махлуқ йиқилди.

Бу денгиз сувсари<sup>1</sup> — денгизнинг ягона тўртоёқлиси эди. Узунлиги бир ярим метр, елкаси тўқ кўнғир, қорни кумуш ранг бу жониворнинг териси рус ва хитой бозоо-

---

<sup>1</sup> Денгиз сувсалари Командор ороли соҳилларига яқин зонада яшайди.

ларида жуда ҳам юқори баҳоланади. Узун танаси симлиқ, оёқлари калта-калта, ясси бошли, тумшуғи пачоқ, қулоқлари кичкина, оёқ панжаларининг ораси парда билан чирмашган ва думи узун бу махлуқни мен қизиқиб кўздаш кечирдим. Кейинги пайтларда жуда камёб бўлиб қолган бу қимматбаҳо йиртқич ҳайвонни балиқчилар овлашга зўр бериб интиладилар. У эндиликда Тинч океаннинг шимолий қисмларидагина учраб, кейинчалик тамоман йўқ бўлиб кетса ҳам ажаб эмас.

Матрос сувсарни елкасига кўтариб олди ва биз яна йўлда давом этдик.

Бир соат давомида қум текислиги бўйлаб бордик. Баъзи ўрипларда у денгиз сатҳидан икки метр ергача кўтарилган эди. Шунда мен аксимизни ойнадагидай яққол кўрдим — гўё тепамизда бир тўда одамлар бизнинг барча ҳаракатларимиз ва имо-ишораларимизни қайтариб борар.. аммо боши пастда ва оёқлари юқорида эди.

Яна бир нарса диққатни жалб этар эди: тепамизда кетма-кет булутлар галаси келиб сувда эриб кетгандай бир зумгина ёруглик юзини тўсарди. Бу ғалати манзаранинг сабабини ўйлаб, шунга амин бўлдимки, «булутлар»нинг бундай таассурот қолдириши устимиздаги тўлқинланаётган сув қатлами қалинлигининг ўзгаришидан бўлак нарса эмас. Қараб туриб тўлқинлар қиррасидаги кўпик мавжларини кўрдим. Сув шу қадар шаффоф эдики, мен ҳатто сув устида лип-лип ўтаётган катта денгиз қушларининг сояларини ҳам аниқ кўриб турардим.

Худди ана шу пайт овчига кўриш сира насиб этмаган ажойиб ўқ узишнинг шоҳиди бўлдим. Қанотларини кенг ёйиб парвоз қилиб келаётган аллақандай катта бир қуш сувга яқинлашар эди. У аниқ кўриниб турарди. Қуш денгиз сатҳидан бир неча метр юқорида учаётганда, матрос қуролини елкасига тираб, унга қараб ўқ узди. Қуш денгизга шу қадар зарб билан қуладики, сув қаршичилигини кесиб, деярли мерганнинг қўлига келиб тушди. Бу денгиз қушлари группасининг ажойиб намунаси йирик альбатрос<sup>1</sup> эди.

Икки соат давомида биз гоҳ қум текислиги, гоҳ сув ўсимликлари билан қопланиб, юришни мушкуллаштирадиган яйловдан бордик. Очигини айтсам, биздан ярим миляча наридаги аллақандай хира ёғдуга кўзим тушганда, ҳолдан

<sup>1</sup> Альбатрос — йирик денгиз қуши.

тояёзган эдим. Бу «Наутилус» прожектори эди. Кўпи билан йигирма минутдан сўнг биз кема бортига етишимиз мумкин эди. У ерда кўкрагимни тўлдириб нафас олиш умидида эдим, чунки резервуардан шлём орқали ўтаётган сиқиқ ҳавода энди етарли кислород йўқдай туюларди менга. Аммо кемага қайтишимизни бир оз кечиктирган бир учрашувни ҳисобга олмаган эканман. Мен капитан Немо ортидан йигирма метрча масофада борар эдим. Бирдан у қайрилиб, тез мен томон юрди. Темир қўли билан мени ерга ағдарди. Матрос Конселни ҳам худди шундай қилди.

Бошда ногаҳоний бу ҳужумнинг сабабини билолмай қолдим. Аммо капитаннинг ўзи ҳам ёнимга чўзилиб, қимирламай ётганини кўриб тинчландим.

Мен сув ўсимликлари буталари остида нима бўлганини билмай ётганимда, бирдан устимиздан аллақандай йўгон нарсалар йилтираб ўтаётганига кўзим тушиб қолди. Юрагим тўхтаб қолгандай бўлди. Бу баҳайбат нарсалар бир жуфт акула экан. Бу даҳшатли махлуқларнинг думи жуда катта, бир урганда одамни торс иккига ёриб ташлайдиган, чакаклари темирдай ва хира кўзлари шиша сингари эди.

Консель классификациялаш билан бандмиди, билмадим, аммо ўзим ҳақимда шуни айта оламанки, уларнинг кумуш ранг қорни ва катта-катта ўткир тишларига табиётшунос олим эмас, балки ўлжа сифатида қарардим.

Яхшиям бахтимизга бу даҳшатли йиртқичларнинг кўзлари жуда хира кўради. Улар нақ бошимиз устидан ҳеч нарсани кўрмай сузиб ўтишди. Бахтимиз чопиб ўрмон ичкарисиди шер билан учрашувдан ҳам даҳшатлироқ хавфдан қутулдик.

Ярим соатдан сўнг биз прожектори йўлимизни ёритиб турган «Наутилус»га етиб олдик. Ташқаридаги эшик очиқ қолган эди. Биз кабинага киришимиз билан капитан Немо уни зарб билан уриб ёпди. Шундан сўнг у тугмани босди. Мен кема ичидаги насослар шовқинини эшитдим ва атрофимдаги сув сатҳи пасаяётганини сездим. Бир неча минут ичида кабина сувдан тамоман холи бўлди. Шундан сўнг ички эшик очилиб, биз кийим ечадиган ерга ўтдик.

Устимдаги скафандрни ечиб олишгач, қаттиқ чарчەқ, уйқу босиш ва дармонсизликдан гандираклаб, бу ажойиб сув ости экскурсиясидан жуда мамнун ҳолда хонамга кириб бордим.

ТИНЧ ОКЕАН ОСТИДАН 16 000 КИЛОМЕТР

Эртаси куни, 18 ноябрда, мен жуда тетик ва тиниқиб уйғондим. Мен «Наутилус» палубасига капитан ёрдамчиси ўзининг одатдаги иборасини қайтараётган дақиқада чиқиб қолдим. Бирдан бошимга бу ибора: «Ҳеч нарса кўринмайди» деган маънони англатади, деган фикр келди.

Ҳақиқатан ҳам океан сатҳида мутлақо ҳеч нарса кўринмас эди. Уфқда битта ҳам елкан йўқ. Креспо оролининг тоғлари тундаёқ кўринмай қолганга ўхшайди. Денгиз барча бўёқларни ўзида сингдириб, мовий рангдагина жилванор эди.

Океан тоғининг ажойиб манзарасини завқ билан кузатётганимда, палубага капитан Немо чиқди. У гўё мени кўрмагандай астрономик кузатувлари билан машғул бўлди.

Ишини тугатиб, штурвал будкаси олдига борди ва тир-сакларини тираганча, океанни кузата бошлади.

Шу орада палубага йигирма чоғли матрос чиқди. Буларнинг барчаси барваста ва бақувват кишилар эди. Матрослар тунда ташланган тўрларни йиғиштириб ола бошладилар. Улар турли миллат кишилари эдилар. Улар орасида бир неча ирландиялик, француз, славян, бир грек, асли Крит оролидан бўлган яна бир киши бор эди. Уларнинг ҳаммалари ҳам жуда камгап ва ўзаро аллақандай тушуниб бўлмайдиган ва мен келиб чиқишини ажратолмаган бир тилда фикр алмашар эдилар.

Матрослар тўрларни палубага тортиб чиқардилар. Бу катта қоп шаклидаги нормандча тўрларни эслатар, унинг оғзидан ички айланаси томон ёғоч ва занжирлар ўтказилган бўлиб, ярим очиқ ҳолда сувда қолдирилар эди. Қоп кема қуйруғига пўлат симлар билан боғланган бўлиб, йўлида учраган нарсани йиғиб олар эди.

Шу куни ўзларининг синчковликлари оқибатида океан ҳайвонот оламининг намуналаридан балиқчи балиқлар тўрға илинган эдилар. Бу балиқлар бениҳоя хунукликлари, баднафсликлари ва ғалати сузишлари туфайли «денгиз алвастилари» деб аталганлар. Бу балиқлар денгиз тубида туриб олдинги сузгичлари билан бир жойдан иккинчи жойга сакрайдилар. Тўрда қашқа тиканқориндилар ҳам типирчилаб ётарди; осойишта вақтида бу балиқнинг қорни ичига тортилиб турар, аммо хавф-хатар яқинлашаётганини сез-

гундай бўлса, у ўзини шишириб, қават-қават терисини ёяр, шар ҳолатига айланиб, даҳшатли тиканлар билан қоплаган қорнини ғанимга тутар эди. Шундан сўнг тўрлардан «Наутилус» палубасига бир нечта сарғишроқ илон-балиқ; узун танаси дум сузгичлари ўрнига ингичка ип билан тугайдиган иккита кумуш кул ранг ингичка дум; танасининг пастки қисмини узун тўғри сузгич эгаллаган иккита тангали тўғрипат; қўнғир қашқалари бўлган сарғиш кул ранг треска; кўплаб турли-туман бичоклар<sup>1</sup> ва ниҳоят жуда тез ҳаракат қилишларига қарамай, тўрдан қутулолмаган бир нечта йирик ажойиб тунецларни ағдаришди.

Тўрлардан камида минг қадоқ балиқ чиқди. Ов жуда зўр бўлмаса-да, чакки эмас эди.

Ҳар ҳолда, тўрлар бир неча соат мобайнида кема ортидан судралиб, йўлда учраган бор нарсанигина йигиштириб олган эди.

Овланган балиқларнинг ҳаммасини матрослар камбузга<sup>2</sup> олиб боришди: улардан бир қисми кундалик таомда ейилиши, қолгани эса гамлаб қўйилиши керак эди.

Балиқ ови тугади; кема ҳозир сувга шўнғийди, деб ўйлаб, энди хонамга қайтмоқчи бўлиб турган эдим, аммо тўсатдан капитан Немо менга яқинлашиб, сўз бошлади:

— Океанга қаранг, профессор! Қалай, сизга ҳам бу тирик мавжудот баъзан қаҳрнок, баъзан эса мулойим бўлиб туюладими? Кеча кечқурун у ҳам биз сингари уйқуга кетди, бугун эса сокин тундан кейин руҳи тетиклашиб, яхши кайфиятда уйғонди.

«На салом бор, на хайр-хўш! — ўйладим мен. — Четдан қараганда, бу одам мен билан анча олдин бошлаган суҳбатини давом эттираётгандай бўлиб кўринади!»

— Қаранг, — дея сўзини давом эттирди капитан Немо, — мана, у қуёшнинг эркалашлари билан уйғоняпти, ҳозир ўзининг кундузги ҳаётини бошлайди. Унинг организида ҳаётининг фаолиятнинг уйғонаётганини кузатиш нақадар завқли! Унинг юраги, қон томирлари бор... Мен олим Морининг океанда жониворлардаги қон айланишига ўхшаш ҳаракат борлиги ҳақидаги фикрига тамомила қўшиламман.

Капитан Немо мендан жавоб кутмаётгани аниқ кўриниб турар эди. Шунинг учун мен ўзимни унинг гапларига «жу-

<sup>1</sup> Бичок — балиқнинг бир тури.

<sup>2</sup> Камбуз — кема ошхонаси.



да тўғри», «ҳақ гапни айтяпсиз», «ҳа албатта» деган мантқиқсиз луқмалар ташлаб туриш аҳтиёжидан холи этдим.

Капитан ўзига ўзи сўзлаётгандай ҳар бир гапидан кейин узоқ жим бўлиб қоларди. Бу овоз чиқариб фикрлашнинг худди ўзи.

— Ҳа, — деди у, — ҳарорат алмашуви, туз ва микроорганизмлар мавжудлиги туфайли океанда доимий ўзгаришлар бўлиб туради. Ҳароратнинг алмашиб туришидан турлича сув зичлиги ҳосил бўлади, бунинг натижасида эса оқим ва қарши оқимлар келиб чиқади. Қутб томонларда жуда оз ва экваториал зоналарда эса кўплаб бўлиб турадиган сувнинг буғланиши тропик ва қутб сувларининг тез-тез алмашиб туришига олиб келади. Бундан ташқари, мен суunning ҳаминша юқоридан пастга ва пастдан юқорига ҳаракат қилиб туришини найқадим; бу океаннинг чинакам нафас олишини ифодалайди. Қуёш нурларидан қизиган зарра денгиз сатҳидан унинг қаърига тушади, нулдан юқори икки даражагача совуб ўзининг нормал меъёридаги зичлигига эришади ва совуб енгиллашгач, яна сув сатҳига кўтарилади. Сиз бу ҳодисанинг натижаларини қутбда кўрасиз ва ўшанда нега сувнинг фақат сатҳи музлашини билиб оласиз.

Капитан Немо оғзидаги гапни айтиб бўлгунча ҳаслимдан: «Қутбда? Наҳотки бу жасур киши бизни ўша ёққа олиб бормоқчи бўлса?» деган фикр ўтди.

Шу орада капитан жим бўлиб қолди; унинг нигоҳи ўзи жуда синчиклаб ва меҳр билан тинмай кузатаётган океанга қадалган эди.

Бирпас жим тургач, яна гапира кетди:

— Денгизда туз жуда кўп. Денгиз сувидаги эриган тузларнинг ҳаммасини йиққанда, у тўрт ярим миллион куб миля ҳажми қоплар эди. Борди-ю, профессор, сиз бу тузларни бутун ер шари бўйлаб бир текис ёйиб чиқсангиз, унинг қалинлиги ўн метрдан ошган бўлур эди. Аммо сиз сувда тузнинг бўлиши табиат инжиқлигидан деб ўйламанг тагин. Мутлақо! Туз денгиз сувининг буғланишини камайтиради, шамолнинг жуда кўп буғни олиб кетишига йўл қўймайди ва бу билан планетамиздаги мўътадил иқлимли зоналарни ёмғирдан сақлайди. Бу ер юзида стихия ишини бир меъёردа тутиш йўлида қилинаётган катта ва фахрли ишдир!

Капитан Немо яна жим бўлиб, палуба бўйлаб бир неча қадам юргач, сўзида давом этди:

— Энг майда тирик организмлар, миллионлаб тўдаси бир томчига сиб кетадиган ва саккиз юз минги бир миллиграмм келадиган бактерияларга келсак, уларнинг родини ҳам камситиб бўлмайди. Улар денгиз тузларини ютадилар, сувда эриган қаттиқ жисмларни йиғиб оладилар. Ҳу пастда зоофитлар, маржонлар ва полиплар колониясини барпо этадилар ва бутун бошли қитъаларни вужудга келтирадилар. Аммо океан суви тинч турмайди. У ҳамини горизонтал йўналишда ҳам, вертикал бўйлаб ҳам ҳаракатланиб туради ва организмларни озуқа билан таъминлайди. Сувнинг доим шунақа юқорига ва пастга силжиб, мунтазам равишда ҳаракатда бўлиши денгизда абадий ҳаёт вужудга келтириб туради. Кўпчилик одамлар учун ўлик, аммо сон-саноксиз ҳайвонот ва мен учун ҳаётбахш муҳит ҳисобланган океanning барча қисмларида жуда жўшқин, қитъалардагига нисбатан самаралироқ, битмас-туганмас, абадий ва гуллаб-яшнайдиган ҳаётни вужудга келтиради!

Капитан Немо бу сўзларни айтаётганда унинг бутун қиёфаси тамоман ўзгарди. Унинг сўзлари менда гоят катта таассурот қолдирди.

— Чинакам ҳаёт ҳам шу ерда, фақат шу ерда! — деб қўшиб қўйди у — Мен сув ости шаҳарлари «Наутилус» сингари ҳар куни эрталаб тоза ҳаводан нафас олиш учун океан сатҳига кўтариладиган сув ости уйлари тўдаси бўлишига ишонаман, — ҳа, эркин, ҳеч кимга тобе бўлмаган шаҳарлар!.. Ким билади, балки бирор зўравон..

Капитан Немо фикрини тўла ифода этмади ва яниб, қўл силтади.

Кейин бу қайғули фикрлардан ўзини холи этмоқчи бўлгандай бевосита менга мурожаат қилиб сўради:

— Жаноб профессор, океан чуқурлиги қанчалигини биласизми?

— Мен сўнгги ўлчовлар вақтида олинган рақамларнинг гина билан, капитан...

— Шу рақамларни менга айта оласизми?

— Марҳамат, эсимда қолганларининг ҳаммасини сизга айтиб беришим мумкин. Адашмасам, тадқиқотлар шуни аниқладики, Атлантик океanning шимолий қисмларидаги ўртача чуқурлик уч минг тўққиз юз метрга етади. Ўртаер денгизда эса бир минг икки юз метр. Атлантик океanning жанубий қисмида, тахминан кенгликнинг ўттиз бешинчи градусида чуқурлик айниқса яхши ўлчанган. Улар-

нинг натижалари бундай: ўн икки минг метр, ўн тўрт минг тўқсон бир метр ва ўн беш минг бир юз қирқ тўққиз метр.<sup>1</sup> Олимларнинг таъкидлашларича, денгиз туби баб-баравар қилиб текисланганда, унинг чуқурлиги бутун ер курраси бўйлаб тахминан уч минг саккиз юз метрга тенг бўлар эди.

— Жуда соз, профессор, — деди капитан Немо. — Сизга бундан дурустроқ маълумот бериш умидидаман. Борди-ю, сизни Тинч океanning шу қисмидаги чуқурлик қизиқтирадиган бўлса, айтишим мумкинки, у тўрт минг метрдан ошмайди.

Капитан Немо шу сўзларни айтиб, люк томон юрди ва темир нарвондан пастга тушди. Мен ҳам унинг кетидан салонга кирдим. Паррак ўша заҳоти ҳаракатга келиб, лаг йигирма миля тезликни кўрсатди.

Кейинги кунлар, ҳатто ҳафталарда капитан Немо ҳузуримга камдан-кам ташриф буюрди. Мен у билан ҳар гал орадан анчагина вақт ўтганда учрашиб турдим. Капитаннинг ёрдамчиси ҳар куни эрталаб ўз вақтида кузатув ўтказиб, олинган натижаларни картага тушириб борар эди.

Консель билан Нед Ленд ҳар куни соатлаб мен билан бирга бўлардилар. Консель шеригига сув ости сайримизининг мўъжизаларини ҳикоя қилганда, гарпунчи унда иштирок этмаганига энди астойдил ачинар эди.

Аммо мен уни яна океан ўрмонларини сайр қилиш имконияти бўлиб қолар, деб умидвор этар эдим. Деярли ҳар куни салон деразаларидаги темир тўсиқлар бир неча соатга очилар ва ҳар гал биз сув ости дунёсининг мўъжизаларидан ҳайратланаар эдик.

«Наутилус» эндиликда юз ва юз эллик метр оралигидаги чуқурликда жануби-шарқ томонга сузар эди. Аммо бир куни чуқурликка тушишга иштиёқманд капитаннинг аллақандай инжиқлиги натижасида, у кемани денгиз тубига қараб икки минг метрга туширди. Юз градусли термометр нулдан юқори тўрту чорак градусни кўрсатар эди. Бу ҳарорат шу чуқурликдаги барча кенгликларда бир хил бўлса керак.

Йигирма олтинчи ноябрь, тунги соат учда «Наутилус» Рак тропигини узунликнинг 172 градусида кесиб ўтди. Эртаси куни биз 1779 йилнинг 14 февралда маъмур

<sup>1</sup> Ҳозирги замон фаннинг маълумотларига кўра океanning энг чуқур ерлари 10 километрдан сэл ошади.

капитан Кук ҳалок бўлган Сандвичев ороллари ёнидан ўтдик.

Биз ер айланаси бўйлаб саёҳатимизнинг бошланишидан буён тўрт минг саккиз юз олтмиш лье<sup>1</sup> масофани босиб ўтдик.

29 ноябрда эрталаб палубага чиқиб, шамол эсаётган томонда, икки миля масофада, Гавай ороллар тизмасини ташкил этувчи митти оролдан энг каттаси — Гавайни кўрдим. Мен ҳайдалган далаларни, соҳил бўйлаб ястаниб ётган тоғ этаклари ва тоғ тепаликларини, баландлиги денгиз сатҳидан беш минг метр келадиган Муна-Реза тепалиги остидаги вулқонларни аниқ кўрдим.

«Наутилус» ҳамон жануби-шарқ томон борар эди. У 1 декабрда экваторни узунликнинг 142 градусида кесиб ўтди, 4 декабрда эса, ҳеч қандай эсда қоладиган воқеасиз Маркиз ороллари группасига етиб келдик.

Мен жанубий кенгликнинг 8-градус 57-минутида ва ғарбий узунликнинг 139-градус 32-минутида жойлашган Маркиз оролларида энг йириги Нукагивада Мартин чўққисини кўрдим. Аммо капитан Немо ерга яқинлашишни ҳуш кўрмаслиги учун тоғни қоплаб олган қалин ўрмонлардан бўлак ҳеч нарсани кўриб бўлмади.

Бу ердаги сувга ташланган тўрларга гўшти жуда маза кўкиш товланадиган олтин ранг бир неча макрель ва кумуш ранг товланадиган ҳаво ранг яшил сарганлар илинди. Бу балиқлар дарҳол дастурхонимизни безади.

Франция байроғи ҳилпираб турган бу ажойиб ороллар билан хайрлашгач, 4 дан 11 декабргача «Наутилус» яна салкам икки минг миля юрди. Утаётганда ҳар нарсага қизиқувчан кальмарларнинг жуда катта тўдасини учратдик. Эсда қоладиган воқеа фақат шу бўлди. Кальмарлар бошоёқлар синфи ва икки жабралилар кенжа синфига мансуб. Сепия ва аргонавтлар ҳам шуларга тааллуқлидир. Бу моллюсклар негадир илгариги натуралистлар диққатини ўзига жалб этган бўлиб, улар қадимги нотиклар томонидан истиора тарзида фойдаланишда алоҳида ўрин тутишидан ташқари, зодагонлар дастурхонини безашда яхшигина шуҳрат қозонган эди. Ҳар ҳолда машҳур Галендан олдин ўтган қадимги юнон табиби Атеней шундай деб таъкидлайди.

<sup>1</sup> Лье — французча узунлик ўлчови; километр льеси 4 километрга тенг. Францияда метр системаси қабул қилингунча меридиан градусининг  $\frac{1}{25}$  қисми, яъни 4445 метр лье деб аталган.

Кальмарлар тўдасини «Наутилус» 9 дан 10 декабрга ўтар кечаси учратди. Бу моллюскларнинг бир неча миллиони мўътадил зоналардан иссиқроқ ерларга сельдлар ва сардинлар сузган йўлдан кўчиб ўтардилар.

Биз уларни қалин биллур ойна орқали кўриб турар эдик; кальмарлар ўзларининг ўнта оёғини тинмай ҳаракатга келтириб, орқалари билан олдинга томон сузар эди. Табиат кальмарларнинг оёқларини бошларига ўрнатган.

«Наутилус» қанчалик тез сузмасин, бир неча соат давомида кальмарлар қуршовида юрди; биз тўрларни ташлаб, ана шу моллюскалардан жуда кўпини тутиб олдик.

Денгиз бизни зериктирмас эди. У кўз олдимизда янги-янги манзаралар, ажойиб томошалар кўрсатиб, уларни тинмай ўзгартирар, кўриниш ва жойлар ҳам соат сайин алмашар эди. У бизни овунтирибгина қолмай, энг яширин сирларигача билиб олиш имкониятини берар эди.

11 декабрь кундузи салонда капитан Немо кутубхонасидан олинган китобни ўқиб ўтирар эдим. Нед Ленд билан Консель ойна олдида жуда яхши ёритилган сувни томоша қилиб ўтиришарди. «Наутилус» қимирламай турарди. У резервуарларини тўлатиб, минг метр чуқурликда, океаниннг ҳеч нарса учрамайдиган, онда-сонда энг йирик балиқларгина сузадиган ерида турар эди.

Мен Жак Масэнинг «Ошқозон хизматкори» деган ажойиб китобини ўқиб, муаллифнинг мислсиз маҳорати ва оқил сўзларига қойил қолиб ўтирганимда, бирдан Консель чақириб қолди.

— Хўжам бир минутгина ойна олдида келиб кетолмайдиларми? — деди у кандайдир ғалати оҳангда.

— Нима бўлди, Консель?

— Хўжамнинг ўзлари келиб кўрсинлар!

Мен китобни бир чеккага қўйиб, ойнага ёпишиб қарай бошладим.

Электр прожектор ёрқин ёғду гаратаётган сув бўшлиғида аллақандай улкан қора нарса қимир этмай турар эди. Мен бу гигант махлуқни яхишлаб кўриб олиш ниятида синчиклаб тикила бошладим. Тўсатдан хаёлимга яшин тезлигида шу фикр келди.

— Кема бу! — деб қичқириб юбордим.

— Ҳа, — деб жавоб қайтарди канадалик, — бу чўкиб қолган кема...

Нед Ленд адашмаган эди. Кўз олдимизда чўккан кема турар эди. Корпусининг яхшигина сақланганига қараган-

да, ҳалокат бундан бир неча соат олдин бўлганга ўхшарди. Палубада бўйи икки футга етар-етмас келадиган учта ходанинг қаққайиб туриши кема ҳаёт-мамот учун курашда мачталарини қурбон этганини кўрсатар эди. Аммо бу ҳам ёрдам бермаган...

Бу чўккан кеманинг кўриниши қанчалик аянчли эди!

Аммо унинг палубасидаги манзара янада мудҳишроқ, унда бир неча жасад ётар эди. Мен олтита жасад санадим: тўрт эркак — улардан бири руль олдида турарди ва люк туйнугидан гавдасининг ярмини чиқариб, қўлида бола ушлаб турган аёл.

Аёл ёш эди. Проекторнинг ёрқин ёғдусида мен ҳатто унинг юзини аниқ кўра олдим, у ҳали ўлмагандай эди. Сўнгги кучини тўплаб, болани боши узра кўтарган; бечора ушоққина бола жажжигина қўлчалари билан онасининг бўйинини қучганча ўлибди...

Уч матрос жасади ғайри табиий бир ҳолда қотиб қолипти — афтидан, ўлим уларни чўкаётган кема палубасида ўзларини ўраган арқонни ечишга уннаётганларида қучганга ўхшарди. Тўртинчиси, руль бошқарувчи, қаддини ғоз тутганича осойишта ва жиддий ҳолда турарди. Унинг қўллари рулни ушлаганча қотиб қолибди.

Кекса руль бошқарувчи, афтидан, уч мачтали кема океан тубига қараб чўкаётганда ҳам рулни қўйиб юбормаганга ўхшайди...

Нақадар даҳшатли манзара! Биз кема ҳалокати манзарасидан кўз узолмас эдик...

Одам гўштининг ҳидини сезиб, катта акулалар яқинлашаётганини кўрдим...

«Наутилус» чўккан кема атрофидан айланиб ўтаётганда, унинг қуйруқ томонидаги ёзув кўзга чалинди:

«Флорида»

Зундерланд

### *Ун тўққизинчи боб*

## ВАНИКОРО

Бу фожиали воқеа худди шундай қатор тўқнашувларнинг биринчиси эди. Кейинчалик биз «Наутилус» ойнасидан сувда чўкиб, чириб қолган кемаларни тез-тез учратиб турдик. Океан тубидаги анча чуқур сув қатлам-

ларида тўплар, замбарак ўқлари, лангарлар, занжирлар ва занг босган минглаб бошқа темир нарсаларни кўрдик.

Ун биринчи декабрда биз бир вақтлар Бугенвиль «Хавфли ороллар гуруҳи» деб ном берган Паумоту ороллар тизмасига яқинлашдик; бу тизмадаги ороллар шарқ — жануби-шарқдан ғарб — шимоли-ғарб томон жанубий кенгликнинг 13-градус 3-минуту — 20-градус 50-минутига ва ғарбий узунликнинг 125-градус 30-минуту — 151-градус 30-минуту оралиғида икки минг километрдан ортиқ ерни ишғол этиб ётарди. Гуруҳнинг шарқий чеккасидаги орол Дюси, ғарбийдагиси Лазарев ороли деб аталар эди.

Бу ороллар тизмаси уч юз етмиш квадрат лье майдонни ишғол этган бўлиб, олтмишта оролча гуруҳидан иборатдир. Францияга қарашли Гамбье ороллар тўдаси ҳам шу жумлага киради. Булар маржон ороллари дир. Полиплар секин, аммо тинмай олиб бораётган иш бу маржонларни сувдан кўтариб эртами, кечми уларни ўзаро боғлайди. Шундан сўнг бу янги орол қўшни ороллар билан қўшилади ҳамда бир томондан Янги Зеландия ва Янги Каледония, бошқа ёқдан Маркиз ороллари оралиғида янги китъа пайдо бўлади.

Шу назария ҳақида капитан Немога сўз очгандим, у менга совуққонлик билан жавоб берди:

— Ер янги китъаларга эмас, балки янги одамларга муҳтож!

«Наутилус» йўли тасодифан бутун тизмада диққатга сазовор Клермон-Тоннер ороли томон тушиб қолганди. Бу тасодиф менга мадрепор маржонлари тўдасини ўрганиш имконини берди. Бу маржонлар Тинч океanning шу қисмидаги ороллارни ҳосил этган эди.

Мадрепор маржонлари оҳак қобирғали тирик тўқимадан иборат. Маржонларнинг қобирға тузилишидаги фарқи машҳур устозим Мильн-Эдвардсга уларни беш тўдага бўлиш учун асос бўлган. Узидап шиллиқ модда ажратадиган, микроскопдагина кўринадиган бу тирик мавжудотларнинг миллиард-миллиарди бир тўдани ташкил этади. Улардан ажралиб чиқадиган оҳакдан қоялар, чўққилар, оролчалар ва ороллар ҳосил бўлади. Бу ерда улар денгиздан ажралган оҳак ҳалқа ёки денгизга сув ости ёриқлари билан қўшилиб турадиган кичик кўллар вужудга келтирадилар; янги Каледония ёки бутун бир ороллар, чунончи Паумот ороллар тизмаси каби қояларни соҳилдан ажратадиган

тўсиқлар бунёд этадилар. Бошқа жойларда, чунончи Маврикия оролларида, қиррали қоялар этагида океан туби жуда пастда қолиб кетадиган баланд деворлар кўтардилар.

Биз Клермон-Тоннер ороли соҳилларидан бир неча кабелът масофада сузар эдик. У ерда мен жажжи қурувчиларнинг улкан ишларига қараб жуда қойил қолдим.

Консель мендан бундай деворни тиклаш учун қанча вақт керак бўлади, деб сўраб қолди. Мен олимларнинг ҳисобларига кўра бундай девор юз йилда дюймнинг саккиздан бир қисми миқдоридан кўтарилади<sup>1</sup>, деганимда у жуда ҳайрон қолди.

— Бинобарин, баландлиги уч юз метрли бу деворни тиклашга...

— Бир юз тўқсон икки минг йил керак бўлади, дўстим Консель! Бундан чиқди, таврот ерни анча ёшартирган экан-да. Агар алмисоқдан қолган ўрмонларнинг кўмирга айланиши учун жуда кўп муддатлар ўтганини эсласак, унда тавротда айтилган фикрлар янада ишончсизроқ бўлиб қоларкан!

«Наутилус» океан сатҳига кўтарилганда, сувдан хиёл кўтарилиб турган, қалин ўрмон қоплаган Клермон-Тоннер оролини икир-чикиригача яхшилаб кўриб олдим. Довул ва бўронлар унинг оҳакли тупроғи ҳосилдорлигини оширган бўлса керак. Кунлардан бирида довул қўшни ердан олиб келган қандайдир кичиккина бир уруғ денгиз балиқлари ва сув ўсимликлари қолдиқлари билан ўғитланган орол ерига келиб тушган. Шундан сўнг тўлқинлар унинг қирғоғига минглаб миля наридаги пальма дарахтининг норжил ёнғини келтириб ташлаган. Уруғ униб, дарахтлар пайдо бўлган. Дарахтлар эса буғланишни камайтирган. Ирмоқлар ҳосил бўлган. Ўсимликлар кўпая бошлади. Бўрон яқин ерлардан учуриб келган ёш дарахтлардан тушган турли-туман ҳашаротлар, қурт-қумурсқалар биринчи бўлиб оролда истиқомат қила бошладилар. Шундан сўнг тошбақалар соҳил қумлоқларига тухум қўя бошладилар. Кичик-кичик дарахтлар устига қушлар ин қўйишди. Шундай қилиб, бу ерда аста-секин ҳайвонот дунёси ривожланди. Ниҳоят, кўкаламзор ва ҳайвонларнинг кўплигини кўрган одамлар ҳам оролга кўчиб кела бошладилар.

<sup>1</sup> Профессор Аронакс адашаётган эди, маржон қоялар анча тез, йилга бир неча сантиметр кўтарилишлари мумкин.



Микроскоп орқалигина кўринадиган жониворларнинг меҳнати билан бунёдга келган бу оролларда ана шу тарзда ҳаёт бошланган.

Кечга бориб Клермон-Тоннер ороли кўзга кўринмай қолди ва «Наутилус» йўлини тамоман ўзгартирди. Узунликнинг 135-градусида Козерог тропигига етган сув ости кемаси тропик зонанинг ичида ғарб — шимоли-ғарб тамон йўл тутди. Тропик қуёшнинг нурлари чидаб бўлмас даражада иссиқ бўлишига қарамай, бизни иссиқ безовта қилмас эди; ўттиз-қирқ метр чуқурликда сув ҳарорати ўн-ўн икки даражадан ошмас эди.

Ун бешинчи декабрда биз Тинч океан дурдонаси ҳисобланган ажойиб Таити оролининг ғарброгидан ўтдик. Эрталаб шамол эсаётган томонда, биздан бир неча миля нарида, шу оролнинг баланд тоғ чўққилари кўринди.

Унинг сувларидан бир неча ажойиб макрель балиқлари, тунец ва денгиз илонининг хили — икки рангли пеламида тутдик.

«Наутилус» саккиз минг бир юз миля масофани босиб ўтди. «Арго» ва «Дюк-оф-Портленд» экипажлари ҳалок бўлган Тонга-Табу ороллар тизмаси ёнидан сузиб ўтаётган куни «Наутилус»нинг лаги тўққиз минг етти юз йигирма миляни кўрсатар эди.

Шундан сўнг ёввойи одамлар «Юнион» кемасининг командасини ва «Назоқатли Жозефина» командири капитан Бюрони ўлдирган Фиджи оролларини айланиб ўтдик. Бу ороллар тизмаси жанубий кенгликнинг 6 ва 2-градуси ҳамда ғарбий узунликнинг 174—179-градуси оралиғида шимолдан жанубга тўрт юз ва шарқдан ғарбга уч юз олтинчи километргача чўзилиб борган эди.

У бир неча ороллар, оролчалар ва қоялардан иборат бўлиб, энг йириклари — Вити-Леву, Вануа-Леву ва Кандубондир.

Бу ороллар Тасман томонидан 1643 йили очилган. Худди ўша йили Торичелли барометрни ихтиро этган, Людовик XIV эса Франция тахтига ўтирган эди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида бу ерга Кук, сўнгра д'Антркасто келиб кетдилар ва ниҳоят 1827 йили Дюмон-Дюрвиль бу географик чигалликнинг барчасини ойдинлаштирди.

«Наутилус» Лаперуз кемаларининг сирли ҳалокатини биринчи бўлиб аниқлаган капитан Диллоннинг даҳшатли саргузаштлари билан ҳамманинг эсида қолган Ваилеа кўрфазига яқинлашди.

Биз бу кўрфазнинг тубига бир неча марта тўр ташлаб, кўплаб устрицалар овладик. Биз уларни дастурхонга қўйиши биланоқ, зўр иштаҳа билан едик. Ванлеа кўрфазининг устрицалар сузадиган саёз ерлари жуда кўп.

Хар бир устрица икки миллионтагача тухум қўяди. Агар уларнинг кўпайишига йўл қўймай қириб ташлайдиган минглаб душманлари бўлмаганда, кўрфаз устрицаларга тўлиб кетарди.

Нед Ленд ўзининг баднафслигидан пушаймон бўлмаганининг бирдан-бир сабаби шуки, устрицалар жуда тез ҳазм бўладиган бирдан-бир таомдир. Дарвоқе, катта кишининг кундалик нормал овқатида уч юз ўн беш грамм азот моддаси бўлиши керак. Бунинг учун эса бу бошсиз моллюсклардан икки юзга яқинини ейиши керак бўлади.

Йигирма бешинчи декабрда «Наутилус» Янги-Гебрид тизма ороллари орасидан сузиб ўтди. Бу ороллارни 1606 йилда Квирос очган; 1768 йилда Бугенвиль бу ерларни тадқиқ этган ва 1773 йилда Кук уни ҳозирги номи билан атаган. Биз Арру оролининг ёнгинасидан ўтдик. Тушлик кузатув пайтида мен палубага чиқиб, бу оролни кўрдим. У тамоман ўрмон билан қопланган бўлиб, баланд тоғ чўққиси билан тугалланган эди.

Капитан Немони кўрмаганимга ҳам саккиз кунча бўлган эди. 27 декабрда эрталаб у салонга кириб, худди атиги беш минут олдин чиқиб кетган кишидай бош силкиб қўя қолди. Мен «Наутилус» қаерда кетаётганини картадан қидираётган эдим.

Капитан столга яқинлашиб, бармоғини карта устига қўйиб, биргина сўз айтди:

— Ваникоро.

Бу сўз унинг оғзидан ўқдай отилиб чиқди. Бу Лаперуз кемалари ҳалокатга учраган оролчанинг номи эди.

Мен ўрнимдан ирғиб турдим.

— «Наутилус» Ваникорога боряптими?

— Ҳа, профессор, — деб жавоб берди капитан.

— Демак, мен «Буссоль» ва «Астролябия» ҳалокатга учраган ўша машҳур оролни кўрарканман-да! Ваникорога қачон етиб борамиз?

— Етиб келдик, профессор.

Мен капитан Немо билан палубага чиқиб, синчиклаб уфққа тикилдим. Шимоли-шарқ томонда иккита орол кўзга ташланар эди. Шубҳасиз, вулқон портлаши натижасида,

пайдо бўлган бу ороллар тахминан қирқ миля узунликда маржонлар билан тўсилган эди.

«Наутилус» торгина бўғоз орқали маржонлар тўсиғидан ичкарига киргач, тўлқинлар келиб уриладиган чизиқнинг нарёғида, чуқурлиги эллик-олтмиш метр келадиган гаванга ўтиб олди. Баланд пальма дарахтлари остида бизнинг яқинлашувимизни гоёт ҳайратланиб кузатаётган бир неча ёввойи одамларга кўзим тушди. Улар «Наутилус»нинг урчуқсимон қора корпусини кўриб, катта кит келяпти; деб ўйлаган бўлсалар керак.

Капитан Немо Лаперуз ҳалокати ҳақида нималарни билишимни сўради.

— Ҳаммага маълум бўлган гапларни, холос,— деб жавоб бердим мен.

— Жуда соз. Аммо ўша ҳаммага маълум бўлган нарсдан мени хабардор қила оласизми? — деб сўради капитан Немо киноя аралаш.

— Жоним билан, — жавоб бердим мен.

Шундай қилиб, мен унга Дюмон-Дюрвиль ахборотининг мазмунини гапириб бердим.

Ўша воқеанинг қисқа баёни қуйидагича:

Лаперуз ва унинг ёрдамчиси капитан де-Лангль 1785 йили Людовик XVI томонидан иккита корвет<sup>1</sup>—«Бусеоль» ва «Астролябия»да ер юзини сузиб чиқишга юборилди.

1791 йилда Франция ҳукумати Лаперуз кемаларининг узоқ вақт йўқ бўлиб кетганидан хавотирланиб, Бруни д'Антраксто қўмондонлигида иккита—«Қидирув» ва «Умид» ҳарбий кемалари составидан иборат қутқаруш экспедициясини тузди. Бу кемалар 28 сентябрда Брестдан сузиб кетди. Икки ойдан кейин «Эльбермель» кемасининг капитани Боуэн ҳукуматга Жанубий Георгия соҳилларида ҳалокат қолдиқлари учраганини хабар қилди. Аммо д'Антраксто бу гапдан хабарсиз, очигини айтганда, аниқ бирор маълумотсиз, Адмиралтейства ороли томон йўл тутган эди. Капитан Гунтернинг рапортида Лаперуз корветлари шу ерда ҳалокатга учраган деб кўрсатилган эди.

Д'Антракстонинг қидиришлари зое кетди. «Қидирув» ва «Умид» кемалари Ваникоро ёнидан тўхтамай ўтиб кетдилар. Сафар катта бахтсизлик билан тугади. Д'Антракст

<sup>1</sup> Корвет — уч мачтаам қадимги уруш кемаси.

тонинг ўзи, унинг икки ёрдамчиси ва экспедицияси составидаги жуда кўп матрослар ҳаёт билан видолашдилар.

Биринчи бўлиб Лаперуз кемалари ҳалокатининг чинакам изини кекса денгизчи капитан Дильон топди. 1824 йил 15 майда унинг кемаси «Авлиё Патрик» Янги-Гебрид оролар туркумига кирадиган Тикопиа ороли ёнида тўхтади. Уша ерда маҳаллий кишилардан бири унга ўйиб ишланган, аллақандай ёзув излари сақланиб қолган кумуш қилич дастасини сотди. Уша киши яна Дильонга бундан олти йил муқаддам Ваникорода шу оролга яқин қояга урилиб, парчаланиб кетган кемаларда илгари матрос бўлиб хизмат қилган икки европаликни кўрганини айтди.

Дильон гап ном-нишонсиз йўқолиб кетиб, бутун дунёга шов-шув бўлган Лаперуз кемалари ҳақида бораётганини пайқади. У маҳаллий кишининг айтишича, ҳалокатнинг жуда кўп излари ҳозиргача сақланиб қолган Ваникорога боришга аҳд қилди. Аммо шамол ва оқимлар унинг бу ниятини амалга оширишига йўл қўймади.

Дильон Калькуттага қайтди. У ерда ўз кашфиёти билан Оскё жамияти ва Ост-Индия компаниясини қизиқтириб қўйди ва унинг ихтиёрига яна «Қидирув» деб ном олган ўша кемани беришди. 1827 йилнинг 23 январида Франция вакили ҳамроҳлигида Дильон Калькуттадан сузиб кетди.

Тинч океаннинг турли ерларида бир неча марта тўхтаб, ниҳоят 1827 йилнинг 7 июнида «Қидирув» ҳозир «Наутилус» турган Вану гаванида лангар ташлади.

Дильон бу ерда ҳалокатдан кейин қолган жуда кўп қолдиқларни: лангарлар, ускуналар, блоклар<sup>1</sup>, тошотар қурул, ўн саккиз қадоқли тўп ўқи, синган астрономик асбоблар ва ниҳоят «Мени Базен қуйган» деган ёзувли, Брест қуюв корхонасининг тамғаси ва «1785» санаси бўлган қуйма қўнғироқ топди. Энди ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмаган эди.

Дильон кўпроқ далиллар тўплаш мақсадида Ваникорода 1827 йилнинг октябрь ойигача турди. Шундан сўнг у лангар кўтариб, Янги Зеландия орқали Калькуттага жўнаб кетди. У ердан Дильон Францияга борди. Бу ерда уни жуда яхши кутиб олишди.

Худди шу вақтда «Астролябия» кемаси командири Дюмон-Дюрвиль Лаперуз кемасининг йўқолиши муносаба-

<sup>1</sup> Блок — оғир юкларни кўтарадиган максус асбоблар.

ти билан, Дильон топган янгилыкдан хабарсиз, ҳалокат изини бутунлай бошқа томондан қидиришни давом эттирмақда эди. Бир кит овловчи киши уларга Янги Каледония ва Лузиададаги ёввойи одамларда авлиё Людовик медали ва орденини кўрганини айтди.

Дильон Ваникородан кетиб, орадан икки ой ўтгач, Дюмон-Дюрвиль Гобарт-Тоунда лангар ташлади. Дильоннинг иши ўнгидан келганини у шу ердагина билиб қолди. Худди шу ерда Калькуттадан чиққан «Юнион» кемасининг капитан ёрдамчиси Жемс Гоббс деган одамдан баъзи нарсаларни билиб олди. Бу киши жанубий кенгликнинг 8-градус 18-минутини ва шарқий узунликнинг 15-градус ва 30-минутинида жойлашган оролга келиб тўхтагач, маҳаллий аҳоли қўлида узун темир парчалари ва қизил газмол лахтақларини кўрганини айтади.

Дюмон-Дюрвиль бу бири бирига қовушмайдиган пойинтар-сойинтар хабарлардан диққати ошиб, ишонини ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, ҳар ҳолда капитан Дильон изидан боришга қарор қилди.

1828 йил ўнинчи февралда «Астролябия» Тикопиа оролга келиб, шу ерда тургун бўлиб қолган оқ танли матросни кемага лоцман қилиб олди-да, Ваникоро томон йўл олди. «Астролябия» бу оролга 12 февралда етиб келиб, унинг маржон ҳалқасидан нарида тўққиз кун туриб қолди ва Вану гаванига 20 февралдагина кирди.

Йигирма учинчида «Астролябия» матрослари оролни айлағиб чиқиб, ҳалокатнинг унча муҳим бўлмаган бир неча қолдиқларини топиб келишди. Маҳаллий кишилар бахтсизлик содир бўлган жойни уларга кўрсатишдан бош тортдилар ва барча сўроқларга ўзларини тушунмасликка олиб жавоб бермадилар ёки билмаймиз деб қўя қолдилар. Маҳаллий кишилар ўзларини бундай тутишлари улар ҳалокатга йўлиққанлар билан ёмон муносабатда бўлишган деган фикрга олиб келар эди Чиндан ҳам улар, афтидан, Дюмон-Дюрвильни Лаперуз ва унинг бахтсиз ҳамроҳлари учун ўч олишга келган деб кўрқишаётганга ўхшарди.

Бироқ 26 февралда эвазига мукофотлар берилишини эшитиб ва ўч олиш хавфи йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, маҳаллий кишилар капитан ёрдамчиси Жакинога ҳалокат содир бўлган жойни кўрсатишди.

У ерда тўрт-беш метр чуқурликда Пану ва Вану қоялари орасида лангарлар, тўплар, мувозанат сақлагичлар, аллақачон оҳак қоплаган темир ва кўрғошин парчалари

ётар эди. «Астролябия» эшакли кемачалари ўша ерга борди ва денгиз тубидан бир минг саккиз юз қадоқ келадиган лангарни, саккиз қадоқли ўқ узадиган тўпни, битта кўрғошин парчаси ва иккита мис тошотар қуролни аранг кўтариб олишди.

Дюмон-Дюрвиль маҳаллий кишилардан суриштириб, Лаперуз орол соҳилида ўзининг ҳар икки кемасидан ажралганидан кейин уларнинг қолдиқларидан учинчи бир кичик кема ясаб, очиқ денгизга кетганини билиб олди... Қаёққа кетишган? Бунисини ҳеч ким билмас эди.

Шундан сўнг «Астролябия» командири мангифер дарахти остида жасур денгизчи ва унинг дўстлари хотирасига ҳайкал тиклашни буюрди. Бу маржон супача устига ўрнатилган оддий тўрт қиррали пирамида эди. Маҳаллий кишилар бузиб олмасин, деб ҳайкалга бир парча ҳам темир ишлатишмади.

Шундан сўнг Дюмон-Дюрвиль дарҳол лангарни кўтармоқчи эди.

Бироқ «Астролябия» командасининг бу ерларда кенг тарқалган безгакдан тинка-мадори қуриган, бунинг устига унинг ўзи ҳам бетоб эди. Шу сабабли у қайтиш учун йўлга фақат 17 мартдагина чиқа олди.

Шу орада Франция ҳукумати Дюмон-Дюрвилни Дильон топган янгиликдан хабарсиз деб ўйлаб, Ваникорога Легоарн де-Тромелен қўмондонлигида «Байонезка» корветини юборди.

«Байонезка» «Астролябия» сузиб кетгач, орадан бир неча ой ўтгандан кейин Ваникоро соҳилларига лангар ташлади ва ҳеч қандай янги ҳужжатлар топмаса-да, ёввойи одамлар Лаперузга ўрнатилган ҳайкалга тегишмаганини ўз кўзи билан кўрди.

Мен капитан Немога шуларнигина айтдим.

— Шундай қилиб,— деди у менга,— Ваникорода ҳалокатга учрагандан кейин қурилган учинчи кеманинг қаерда ҳалок бўлгани шу кунгача ҳеч кимга маълум эмас экан-да?

— Буни ҳеч ким билмайди.

Капитан Немо менга ҳеч нима демай салонга бошлади. «Наутилус» бир неча метр пастга тушди ва ойналардаги темир тўсқичлар очилди.

Мен пешанамни ойнага тираб, маржон қатламлари, зоофитлар ва сув ўсимликлари остида, ҳар томонда сузиб юрган балиқлар орасида Дюмон-Дюрвиль экспедицияси

тополмаган ҳалокат қолдиқларини: лангарлар, тўплар, маччалар, занжирлар, тўп ўқларини кўрдим. Эндиликда уларнинг барини зоофитлар қоплаб олган.

Шу фожиали қолдиқларни кўздан кечираётганимда капитан Немо ғамгин оҳангда гап бошлади:

— Капитан Лаперузнинг экспедицияси Франция соҳилларидан 1785 йилнинг еттинчи декабрида «Буссоль» ва «Астролябия» корветларида сузиб кетган. Улар аввал Ботани-Бей, Янги Каледонияга кирганлар, сўнгра Санта-Круцу томон йўл олиб, Гавай ороллари туркумига мансуб Намукада тўхташган. Ниҳоят, Лаперуз кемалари Ваникоронинг номаълум қояларига яқинлашган. Олдинда сузётган «Буссоль» корвети жанубий соҳилдаги қояларга бориб урилган. «Астролябия» ёрдамга ошиққан ва ўз навбатида у ҳам қояга бориб урилган. Биринчи корвет деярли ўша заҳотиёқ ҳалок бўлган. Иккинчиси, шамол эсаётган жойдаги саёз ерга тиқилгани учун бир неча кун сақланиб қолган. Маҳаллий кишилар ҳалокатга йўлиққанларни хайрихоҳлик билан кутиб олишган. Лаперуз оролга тушиб, икки катта корвет парчаларидан кичик кема қуришга киришган. Бир неча матрослар ўз хоҳишлари билан Ваникоро оролида қолишган. Касалликдан ҳолдан тойиб, тинкаси қуриган бошқа кишилар Лаперуз билан бирга Соломон ороллари томон сузиб кетадилар ва ороллар тўдасининг асосийсида, Умидсизлик ва Қаноат бурунлари орасида битта қолмай ҳалок бўладилар.

— Сиз қаердан биласиз буларни?— дея қичқириб юбордим мен.

— Мен улар ҳалок бўлган сўнгги жойдан мана бу нарсани топиб олдим.

Капитан Немо шундай деди-ю, қопқоғига Франция герби ўйилган темир сандиқчани олди. Сандиқчанинг ҳамма ёғи шўр сувда занглаган эди. У сандиқчани очди ва менга сарғайган ҳужжатлар ўрамини кўрсатди.

Бу капитан Лаперузга денгиз министри томонидан берилган кўрсатма бўлиб, унинг ҳошияларида Людовик XVIнинг қўли билан битилган ёзувлар бор эди.

— Ҳа, мана буни денгизчига муносиб ўлим деса бўлади!— деди капитан Немо.— У осойишта маржон қабрида ором топиб ётибди. Қани энди мен ва менинг дўстларим қабри ҳам шунақа бўлса...

## Иигирманчи боб

### ТОРРЕС БУҒОЗИ

27 дан 28 декабрга ўтар кечаси «Наутилус» Ваникорондан чиқиб, жуда катта тезлик билан жануби-ғарб томон йўл олди. У уч кунда Ваникоро билан Янги Гвинеянинг жануби-шарқий қисми оралиғидаги масофани, яъни уч минг километрдан ортиқ йўлни босиб ўтди.

1863 йилнинг биринчи январида эрта тонгда, Консель мен билан «Наутилус» палубасида учрашди.

— Хўжам янги йилда бахт-саодат тиласам рухсат берадиларми?— деб сўради.

— Бўлмасам-чи, Консель, албатта, сенинг бу тилакларингни Парижда Ботаника боғидаги кабинетимда ўтирган пайтларимдагидай қабул қиламан. Табриклаганинг учун раҳмат, ўзингни ҳам табриклайман. Фақат бир нарсани сўраб олишимга рухсат берсанг: янги йилда бахт-саодат тилашингни қайси маънода тушунув керак? Сен бу бахтни асирликнинг тугашида дебми ёки шу ажойиб саёҳатнинг давом этишида деб тушунасанми?

— Очиғини айтсам, хўжамга нима деб жавоб беришимни ҳам билмайман. Биз жуда ажойиб нарсаларни кўраётганимиз ва бу ерда ўтказилган икки ой давомида зерикишга қўл тегмаганига шубҳаланмаса ҳам бўлади. Кейинги пайтларда кўринаётган ҳар бир манзара ғоят ҳайратланарли. Агар шу зайлда давом этса, охири нима бўлишини тасаввур қилиш жуда қийин! Менимча, ҳеч қачон бундай имкониятга бошқа эга бўлолмасак керак...

— Ҳеч қачон!.. Ҳақ гапни айтдинг, Консель.

— Бундан ташқари капитан Немо ўзининг латинча Ҳеч ким деган исмига жуда монанд одам экан: унинг бу дунёда бори йўғи бизга сира билинмайди!

— Тўғри айтасан, Консель.

— Шунинг учун хўжамга биз учун ҳамма нарсани кўриб олишга имконият берадиган йилни бахтли деб айтишга журъат этар эдим!

— Ҳамма нарсани кўриб олишга дейсанми, Консель? Бунисини ошириб юбордингми, дейман. Айтгандай, бу борада Неднинг фикри қандай экан?

— Нед Ленд албатта бунинг аксини ўйлайди,— деб жавоб берди Консель.— У жуда юзаки ўйлайдиган одам, қорин бандаси. Ҳамиша балиқларга қарайвериш ва балиқ-



дан тайёрланган таом ейиш жонига тегди. Сели оқиб турган қовурилган гўштлару, кунда маълум миқдорда виски, жиш ёки брендиларга<sup>1</sup> ўрганиб қолган бу англо-саксга нон, гўшт, винонинг йўқлиги жуда оғир кечяпти.

— Мен эса бундан сира хафа эмасман,— дедим мен.— Мен «Наутилус» қоидаларига яхшигина кўникиб олдим.

— Мен ҳам худди шундай,— деб жавоб берди Консель.— Шунинг учун Нед Ленд бу ердан қочиб кетишни жон-дилдан қанчалик истаётган бўлса, мен шунчалик жон-дилдан қолишга тайёрман. Шундай қилиб, бошланаётган йил мен учун бахтсизлик келтирса, унга бахт келтиради ёки бунинг акси. Хуллас, биздан биронтамиз албатта мамнун бўламиз. Хўжамга эса мен унинг кўнглига нимаики хуш келса, шуни ишташга хайрихоҳман.

— Раҳмат, Консель. Фақат янги йил совғалари масаласини ҳал этишни ҳозирча унутиб, қаттиқ қўл қисишиш билангина чегараланиб қолишимизни сўрайман. Мен бундан бўлак тақлиф киритишга қодир эмасман.

— Хўжам сира ҳам ҳозиргидек сахий бўлмаган эдилар,— деб жавоб берди Консель.

Иккинчи январда лаг биз Япон денгизидан чиқиб кетганимиздан буён ўн бир минг уч юз қирқ миля масофани босиб ўтганимизни кўрсатиб турар эди.

«Наутилус» олдида Австралиянинг шимоли-шарқий қирғоқларига бориб тақаладиган маржон денгизининг хавфли зоналари бор эди.

Кемамиз 1770 йилнинг 10 июнида капитан Кук кемалари ҳалокатга йўлиқишга оз қолган алдамчи қоялар тўсигидан бир неча миля масофада сузар эди. Кукнинг ўзи тушган кема қояга урилгану, аммо тўқнашув пайтида кўчиб кетган маржон бўлаги тешилган жойни тўсиб қўйгани туфайлигина фарқ бўлмай қолганди.

Уч юз олтмиш лье келадиган ва тошқин денгиз ҳар гал урилганда момақалди роқни эслатадиган овоз чиқарувчи бу тўсиқни жуда кўргин келди.

Аммо айни вақтда чуқурликка туширадиган руль «Наутилус»ни сувнинг пасти қатламларига олиб кетди ва мен бу маржон деворларни кўришдан маҳрум бўлиб қолавердим. Мен тўрға тушган балиқларни кўздан кечириб, бу ерларнинг ҳайвонот дунёси билангина таниша олдим, холос.

<sup>1</sup> Спиртли ичимликлар.

Бошқа турли-туман скумбриялар қаторида катталиги росмана тунецчалик келадиганларини ҳам кўрдим. Уларнинг кўкимтир танасида тасма-тасма чизиқлари бўлиб, ўлганида бу чизиқлар йўқолиб кетади. Бу скумбриялар тўда-тўда бўлиб бизга эргашиб борар, айти вақтда жуда камёб тансиқ таом ҳам эдилар. Тўрга булардан бошқа узунлиги беш сантиметрдан ошмайдиган, аммо жуда маза-ли спарлар ва чинакам денгиз қалдирғочлари — триглар ҳам кўплаб тушар эди. Тўрнинг сиртмоғидан моллюскалар ва зоофитлар орасида, шунингдек, альционарий, тирик бола туғувчилар намуналарини, байдаркалар, болғачаларни топиб олар эдим.

Маржон денгизини кесиб ўтганимиздан икки кун кейин, 4 январда, биз Янги Гвинея соҳиллари кўриниб турадиган жойдан чиқиб қолдик. Капитан Немо мен билан учрашганда Ҳинд океанига Торрес бўғози орқали ўтиш ниятини билдирди. Бу ҳақда у бошқа деч нарса демаган бўлса-да, Нед Ленд учун шунинг ўзи ҳам кифоя эди: у Европа денгизларига яқинлашаётганимиздан мамнун эди.

Торрес бўғози ҳам ўзининг хатарли қоялари ва унинг соҳилларида яшайдиган қабилаларнинг ваҳшийлиги билан ёмон отлақ бўлиб қолган. У Австралияни Янги Гвинеядан ажратиб туради.

Пешинда капитан ёрдамчиси секстант ёрдамида қуёшнинг баландлигини аниқлаётганда, мен зинапоя бўлиб кўтарилиб, қиррали чўққилар билан тугалланадиган Арфалькс тоғи чўққиларини кўрдим.

«Наутилус» дунёдаги энг хатарли бўғознинг кираверишига яқинлашди. Энг шижоатли денгизчилар ҳам унга кириш олдидан бир зум тўхтаб, ўйланиб қолар эдилар. Бу бўғозни Луи Пац де-Торрес жанубий денгизлардан Меланезияга қайтаётганида очган эди; бу ерда 1840 йили Дюмон-Дюрвиль экспедицияси саёзликда ҳалокатга учрашига сал қолган эди. Ҳатто саёзлик ва қоялардан кўркмайдиган «Наутилус» ҳам унинг маржон қояларидан эҳтиёт бўлиши керак эди.

Торрес бўғозининг эни тахминан бир юз ўттиз беш-бир юз қирқ километр эди. Ундаги жуда кўп орол ва оролчалар, тик сув ости қоялари орасидан сузиб ўтиш гоят мушкул иш эди.

Шуларни ҳисобга олган капитан Немо барча эҳтиёт чораларни кўриб қўйди: «Наутилус» сувга ярим чўккан ҳолда жуда секин сузиб борар эди.

Винтининг парраклари ҳориган китнинг думи сингарин сувга секин уриларди.

Мен ва менинг дўстларим бу вазиятдан фойдаланиб, ҳаминша кимсасиз ётадиган палубага чиқдик ва руль бошқарувчининг ҳужраси ортида турдик. Капитан Немо ҳужранинг ичида туриб, «Наутилус»ни шахсан ўзи бошқараётган эди.

Кўз олдимда инженер-гидрограф Винцендон Дюмулен ва Дюмон-Дюрвилнинг ер юзини кейинги марта айланиб чиқиш экспедициясида қатнашган экспедиция мичмани — кейинчалик адмирал бўлган — Купван-Дюбуа томонидан тузилган ажойиб карта намоен бўлди. Шу карта ҳамда капитан Кинг тузган карта Торрес бўғозининг ўтиб бўлмаас даражада айланма йўллари оидинлаштириб берган энг яхши карталар ҳисобланади. Мен уларни синчиклаб кўздан кечирдим.

«Наутилус» атрофида денгиз шиддат билан шовуллаб эди. Жануби-шарқдан шимоли-ғарбга соатига икки ярим миля тезлик билан келаётган кучли оқим деярли ҳар қандамда сувдан чиқиб турган қояларга келиб уриларди.

— Хавфли жой! — деди менга Нед Ленд.

— Ҳа, чиндан ҳам, ҳатто истаган жойдан суза оладиган «Наутилус»дай кема учун ҳам жуда хавфли, — жавоб бердим мен.

— Чамамда, бу лаънати капитан сузаётган йўлини яхши биладиганга ўхшайди, йўқса нарироқда мен шунақанги маржон бижиллаб ётган жойларни кўряпманки, унга «Наутилус» тегиши билан парча-парча бўлиб кетиши ҳеч гап эмас!

Ҳа, чиндан ҳам аҳвол жуда огир эди. Аммо «Наутилус» худди сеҳрлангандай, энг даҳшатли қояларга ҳам чап бериб ўтар эди. У Дюмон-Дюрвилнинг ҳалокатига оз қолган «Астролябия» ва «Ғайратли» кемалари очган йўлдан бормаётган эди. Сув ости кемаси анча шимолроқдан йўл тутди ва Мёррей оролини ортда қолдиргандан кейингина Кумберлендга кирадиган йўлга — жануби-ғарбга қайтди. Мен энди капитан Немо «Наутилус»ни йўлдан тўғри олиб ўтса керак, деб ўйлаб турганимда сув ости кемаси тўсатдан шимоли-ғарбга бурилиб, сон-саноксиз ороллар ва оролчалар оралаб, Таунда ороли ва Хавфли канал томон сузиб кетди.

Мен ҳайратланиб ўзимдан-ўзим, наҳотки капитан Немо шу қадар эҳтиётсизлик билан Дюмон-Дюрвилнинг ҳар

икки кемаси саёзликка тиқилиб қолган каналга кирса, деб сўрадим. Аммо шу вақт «Наутилус» йўналишини яна ўзгартириб, ғарб томон — Гвевороар ороли томон суза бошлади.

Кундуз соат учларга яқинлашган эди. Сув қуйилиш жойига етиб қолган эдик. Тўлқинланиш тинди. «Наутилус» Гвевороарга яқинлашди. Биз пальма дарахтлари билан қопланган соҳилдан бор-йўғи икки миля масофада эдик.

Бирдан қаттиқ силкиниш мени палубага отиб юборди. «Наутилус» қояга урилиб, ўнг томонга хиёл қийшайиб тўхтади.

Урнимдан турсам, палубага капитан Немо билан унинг ёрдамчиси чиқишибди. Улар кемани кўздан кечира туриб, менга номаълум тилда қисқа-қисқа жумлаларда фикр алмашишар эдилар.

Аҳвол мана шунақа эди. Штирборт ортида кўрниниб турган Гвевороар ороли шимолдан жанубга улкан қўлдай ястаниб ётарди. Сув камайганидан шарқда қояларнинг учлари чиқиб турар эди.

Биз саёзликка яхшигина тиқилган эдик. Бунинг устига сув унчалик кўтарилмайдиган ерда. Аммо кема корпуси шу қадар мустаҳкам эдики, бу урилишдан заррача ҳам шикастланмади. Бироқ борди-ю, «Наутилус» бу саёзликдан чиқолмаса, унда бир умр шу қояга қадалиб қолавериш хавфи бор эди. Бу: капитан Немо кемаси тамом, деган гап.

Капитан Немо ўз одатича ташвишсиз ва осойишта ҳолатда менга яқинлашиб келаётганида, хаёлимдан шу фикр ўтаётган эди. Унинг юзида на саросима, на ҳаяжон бор эди.

— Ҳалоқатми? — сўрадим мен ундан.

— Йўқ, арзимаган ишқал, — дея жавоб берди у.

— Ҳар ҳолда бу воқеа сизни ҳамиша қочиб юрган ерда яшашга мажбур қилиши мумкин.

Капитан Немо менга галати бир қараб қўйиб, бош чайқаб рад жавобини берди. Афтидан, менга, ҳеч нарса, ҳеч қачон уни ерга қайтишга мажбур қилолмайди, деган маънони уқтирмоқчи эди шекилли.

Шундан сўнг у менга бундай деди:

— Нима деяпсиз, профессор! «Наутилус» сира почор аҳволда қолмайди. У ҳали сизни океан мўъжизалари билан таништиришни давом эттиради. Бизнинг саёҳатимиз эндигина бошланди ва сизнинг ҳамроҳингиз бўлиш шарафидан бу қадар тез бенасиб қолишни истамайман!

— Аммо, капитан,— дея эътироз билдирдим мен унинг сўзларидаги кинояни тушунмагандай бўлиб,— «Наутилус» сув энг кўтарилиб турган пайтда саёзликка тикилиб қолди. Тинч океанда сув ортиқча кўтарилмаслигига эътибор бергандирсиз; «Наутилус»ни қандай бўлмасин енгиллаштириш чорасини кўрмасангиз уни қайси йўл билан сувга туширишингизга ақлим етмай турибди.

— Сиз ҳақсиз, профессор,— деб жавоб берди Немо,— Тинч океанда сувнинг кўпайиш миқдори жуда оз, аммо шунга қарамай, Торрес бўғозида сув бир ярим метргача кўтарилиб тушади. Бугун тўртинчи январь. Беш кундан кейин ой тўлишади. Ернинг содиқ йўлдоши ҳисобланган ой денгиз сувини етарли миқдорда кўтариб, ўзининг арзимас шу хизмати билан оғиримни енгил қилмаса, қойил эмасман.

Капитан шу сўзларни айтди-ю, уни куватиб чиққан ёрдамчиси билан «Наутилус» ичига кириб кетди.

Сув ости кемаси ер тагидан чиққан каби, маржонларнинг емириб бўлмас цемент сингари моддалари билан қояга жипслаштириб қўйилгандай қимир этмай турарди.

— Хўш, бу ёғи нима бўлди, жаноб профессор?— сўради капитан кетиши билан ёнимга келиб турган Нед Ленд.

— Гап бундай, дўстим Нед: биз тинчгина ўтириб, гўқ-қизинчи январда сувнинг кўпайишини кутамиз. Афтидан, ой бизни саёзликдан чиқарадиганга ўхшайди.

— Фақат шунинг ўзими?

— Шунинг ўзи!

— Капитан ҳам саёзликдан чиқиш учун лангарларни кўтариб, машинани жадаллаб ишга солишни ўйламаётган экан-да?

— Бизни саёзликдан сувнинг ўзи олиб чиқадиган бўлгач, бу ташвишларнинг нима ҳожати бор?— дея лоқайдлик билан жавоб берди Консель.

Канадалик норози қиёфада Конселга қараб олди-да, елкасини қисди. Унда таҳқирланган денгизчининг ҳолати намоен бўлиб турар эди.

— Мени бир айтди дейсизлар, жаноб профессор,— дея менга мурожаат қилди у,— мана шу темир тоғора эндиликда ҳеч қачон сувда ҳам, сув остида ҳам сузмайди! Энди у темир-терсак қилиб сотишгагина ярайди, холос. Шунинг учун капитан Немони даврамиздан маҳрум этиш вақти етди деб ўйлайман!

— Биласизми, дўстим Нед,—деб жавоб бердим мен,— ҳамма ҳам сиз сингари бу ажойиб кеманинг истиқболига бу қадар умидсизлик билан боқмайди. Тўрт кун сабр қилинг — биз Тинч океанда сувнинг кўтарилиш кучининг қай даражада эканини билиб оламиз. Кези келганда шуни ҳам айтиб қўяйки, қочиб Англия ёки Прованс соҳиллари кўринганда ўринли эди. Аммо янги Гвинея соҳиллари ёнида бу масалада шошилиш ярамайди. Ахир «Наутилус» саёзликдан чиқолмай қолган тақдирда ҳам бу ишни амалга ошириш учун кеч бўлмайди-ку.

— Хўп, лоақал ерга ҳам тушиб бўлмайdimи?— хафа бўлиб сўради Нед Ленд.— Мана, орол. Оролда дарахтлар ўсади. Уларнинг остида ер жониворлари кезиб юрибди — тирик котлетлар, ростбифлар ва бифштекслар... Бир бурдагина гўшти қанчалик роҳатланиб ердим!

— Мана бу масалада Нед ҳақ,— деди Консель.— Мен унинг бу фикрига тўла қўшиламан. Хўжам дўстлари капитан Немодан, лоақал қаттиқ ерда юришни унутмаслик учун бўлса-да, соҳилга бориб келишимизга рухсат ололмайдиларми?

— Мен ундан рухсат сўрашим мумкин, аммо рухсат бермаслигига имоним комил.

— Шунга қарамай хўжам бир уриниб кўрсинлар,— деди Консель,— жуда бўлмаганда биз капитан Немонинг шартифоти қанчалик эканлигини билиб оламиз-ку.

Ҳайратланганимни яшириб ўтирмайман, капитан Немо шартимосимни ўша заҳоти астойдил қабул этди. У ҳатто кемага қайтишга ваъда беришимни ҳам талаб этмади. Сирасини айтганда, Янги Гвинея ороли бўйлаб саёҳат қилиш шу қадар хавfli ишки, мен Нед Лендга у ёққа боришга маслаҳат ҳам бермас эдим. Маҳаллий аҳоли — папуаслар қўлига тушгандан кўра «Наутилус»да банди бўлиб қолишнинг марта афзал эди.

Мен капитан Немонинг биз билан бориш-бормаслигини сўрашга журъат этолмадим. Очиғи, биз билан боришга матрослардан ҳеч бирига жавоб берилмаслигига имоним комил эди, бинобарин, қайиқни Нед Ленднинг ўзи бошқариши керак бўлади. Аммо ер биздан нари борса икки миля масофада ва яхши денгизчи ҳисобланган канадаликнинг енгилгина қайиқни катта кемалар учунгина ҳалокатли қоялар орасидан осонгина олиб бориши ҳеч гап эмас эди.

Эртаси куни, 5 январда, қайиқни уясидан ажратиб, сувга туширишди.

Бу ишни икки матрос осонлик билан бажарди. Эшкаклар қайиқнинг ичида эди. Бизнинг ўтиргичлардан жой олишимизгина қолган эди, холос.

Эрталаб соат саккизда биз милтиқ ва болталар билан қуролланиб, «Наутилус» бортидан сузиб кетдик.

Денгиз анча сокин эди. Соҳилдан енгил шабада эсиб турарди. Консель билан мен эшкакда эдик. Биз жон-жақдимиз билан қайиқни ҳайдардик, Нед эса уни қоялар орасидаги тор йўллардан олиб ўтар эди.

Қайиқ рулга тўла бўйсуниб, ўқдай учиб борар эди.

Нед Ленд ҳаяжонини яширмаётган эди. У ўзини эркинликка чиққан бандидай ҳис этар, тез орада яна қамоқхонага қайтишини ўйламас эди.

— Биз ҳозир гўшт еймиз!— бу сўзларни у деярли ашула қилиб айтди.— Яна қанақа гўшт денг! Ҳақиқий, чинакам ёввойи қуш гўшти! Фақат нонсиз... Мен балиқ бемаза таом деёлмайман, аммо ўзларинг ўйланглар, доим фақат балиқ, яна балиқ еявериш ҳам бўлмайди-да! Қовурилган бир бурдагина тоза гўшт меъдага теккан бир хилдаги дастурхонни туслаб безайди!

— Юхо!— деди Консель.— Шу гапларнинг ўзиданоқ сўлақларим оқиб кетди...

— Фақат бу ўрмонларда қуш бор-йўқлигини билишу, башарти бўлганда ҳам овчининг ўзи уни кўрганида қушга айланадиган даражада катта эмаслигини аниқлаш қолди, холос,— деб луқма ташладим мен.

— Бўлмаган гап, жаноб профессор,— дея эътироз билдирди Нед Ленд болта тигидай ўткир тишларини кўрсатиб.— Мен ҳатто шерни ҳам ейишга тайёрман, ҳа, бу оролда бошқа жонивор бўлмаса, бир бурда яхши қовурилган шер гўштини!

— Нед шунчаки мени қўрқитмоқчи,— деди Консель.

— Биринчи кўринган жонивор қайси наслга таалуқан бўлмасин, у хоҳ тетапоя бўлган тўрт оёқли, хоҳ икки оёқли парранда— уни милтиғимдан мўлжаллаб отилган ўқ билан кутиб олишга тайёрман!

— Уҳ-ҳў!— хитоб қилдим мен.— Ленд яна телбалиқни бошлаяпти!

— Ташвишланманг, профессор,— эътироз билдирди канадалик,— эшкакни дадилроқ ҳайданг! Ярим соат ҳам ўтмай олдингизга дид билан тайёрланган таом қўяман.

Соат саккиз яримда «Наутилус»нинг қайғи Гвекороар оролни ўраб олган маржон ҳалқадан ўтиб, қумлоқ соҳилга келиб тўхтади.

### *Йигирма биринчи боб*

#### **ҚУРУҚЛИҚДА УТКАЗИЛГАН БИР НЕЧА КУН**

Эсимда, қаттиқ ерга қадам босишим билан аъзойи баданим жимирлаб кетди. Нед Ленд ернинг мустаҳкамлигини синагандай уни депсиб кўрди. Бу ёғини суриштирсангиз, капитан Немонинг таъбири билан айтганда, «Наутилус»нинг йўловчилари, яна аниқроғи, капитаннинг бандилари бўлганимиздан буён орадан ҳали икки ой ҳам ўтгани йўқ.

Бир неча минутдан сўнг биз денгиз соҳилидан милтиқ отилса ўқи келиб тушадиган масофада эдик. Бу оролниг тупроғи деярли тамоман маржон оҳагидан ташкил топган эди. Бироқ қуриб қолган дарёларнинг ўзани гранит парчалари билан тўлиб-тошганига қараб, орол вулқон отилишидан пайдо бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Бутун уфқ ажойиб қалин ўрмонзор билан қопланган эди. Айримларининг баландлиги икки юз футга етадиган улкан дарахтлар — бир-бирлари билан хиёл шемол бўлса қимирлаб турадиган чинакам табиий тўр беланчаклар сингари чирмовуқлар билан қатишиб кетган эди.

Бу ерда мимозалар, фикуслар, эгилувчан дарахтлар ва чексиз пальмалар бор эди. Дарахтлар остида, уларнинг яшил шоҳлари ҳимоясида улкан орхидеялар<sup>1</sup> гуллаб ётар эди.

Аммо бутун фикру зикри фойда берадиган нарса билан банд бўлган канадаликнинг эътиборини ажойиботлар — Янги Гвинея ўсимлик дунёсининг бу гўзал намуналари жалб этолмас эди. Кокос пальмасига тош отиб бир неча кокос туширди, уни олиб бизга тутди. Биз кокос сутини ичиб, мевасини маза қилиб еб олдик. Бу ишимиз ўзимизга «Наутилус»нинг одатдаги таомларига норозиликдай бўлиб туюлди.

— Ажойиб,— деди Нед Ленд.

<sup>1</sup> Орхидея — гули ғалати шаклда очиладиган жуда хушбўй тропик ўсимлик.



— Жуда мазали!— уни қўллаб-қувватлади Консель.

— Сиз нима дейсиз, наҳотки Немо «Наутилус» бортига апа шу кокослардан бир оз олиб киришни ман этса?— дея мендан сўради канадалик.

— Ман этмаса керак деб ўйлайман,— жавоб бердим мен,— аммо унинг ўзи бунга қўл урмаслигига имоним комил.

— Узига қийин!— деди Консель.

— Биз учун эса яна ҳам яхши!— унинг сўзини илиб кетди Нед Ленд.— Бизга кўпроқ қолади.

— Сабр қилинг, дўстим Нед!— дедим мен иккинчи пальмага ҳам ҳужум қилиш учун шайланиб турган канадаликка қараб.— Кокос ёнғоғи ажойиб нарса, аммо у билан қайиқни тўлатиб олишдан олдин, менимча, оролда фойдаси бундан кам бўлмаган бошқа маҳсулотлар ҳам бор-йўқлигини аниқлаш керак. Менимча, «Наутилус»да ҳўл сабзавотлар ҳам кунимизга яраса керак.

— Хўжам ҳақлар,— деди Консель,— мен қайиқни уч қисмга бўлишни таклиф этаман: биринчисини меваларга, иккинчисини сабзавотга, учинчисини эса, тўғриси, ҳали бирорта учратмаган бўлсак ҳам ёввойи қушларга қолдирсак.

— Консель, ноумид бўлиш ярамайди,— эътироз билдирди канадалик.

— Шундай қилиб, экскурсиямизни давом эттиришни таклиф этаман, бироқ ҳар қадамда ҳушёр турмоқ лозим. Орол кимсасиз туюлса-да, аммо барибир озуқа танлашда биз сингари инжиқлик қилмайдиган одамлар чиқиб қолиши мумкин.

— Уҳ-ҳе-ҳе!— дея қичқирди Нед Ленд бу сўзларни эшитгач, жағларини шақирлагиб.

— Хў, Нед, сизга нима бўлди?— хитоб қилди Консель.

— Худо ҳаққи, чин сўзим,— деди канадалик,— мен одамхўрликнинг лаззатини пайқаетгандай бўляпман.

— Нед! Нед! Нима дедингиз?— хитоб қилди Консель.— Бундан чиқди, сиз одамхўр экансиз-да? Демак, сиз билан бир каютада яшаб ҳамиша хавф остида турган эканман-да? Демак, кунларнинг бирида ярим ейилган ҳолда туришим хавфи бор экан-да менда?

— Дўстим Консель, мен сизни яхши кўраман, аммо ҳеч қандай эҳтиёжсиз еб қўйиш даражасида эмас, албатта.

— Сизга ишонмайман,— деб жавоб берди Консель.—

Келинглар, ов қилайлик. Бу одамхўрга тезроқ бирортә қуш топиб бермасак, яқин кунларда хўжам собиқ хизматкорининг бурдаларинигина топиши мумкин.

Нед билан Консель ҳазил-мутойибаси билан бўлиб ўрмон этагига бориб қолибмиз. Қуюқ дарахтзорлар оралаб юриб, икки соат давомида ўрмоннинг у бошидан бу бошига бориб келдик.

Тасодиф бизга яхшигина имкон берди: тропик минтақанинг энг фойдали ўсимликларидан бирига дуч келтирди; у бизга «Наутилус» бортида жуда илҳақ бўлган озуқани топиб берди.

Мен Гвebopoap оролида жуда кўп ўсадиган нон дарахти ҳақида гапиряпман: биз осонлик билан унинг малайяликлар орасида «рим» номини олган уруғсиз турини топдик.

Нон дарахти атрофидаги бошқа дарахтлардан ўзининг баландлиги қирқ фут келадиган танасининг тиклиги билан ажралиб турар эди. Унинг жуда чиройли дум-думалоқ кўп паллали катга барглардан иборат тепа қисми натуралист диққатини дарҳол ўзига жалб этади. Катталиги бир дециметр келадиган, олти қиррали гадир-будур шарсимон мевалари жуда кўп барглар орасида осилиб турар эди. Бу фойдали дарахт ҳеч қандай қаровсиз ва беташвишгина йилига саккиз ой мева беради.

Бу мевалар Нед Лендга маълум эди.

У ўзининг жуда кўп сафарлари давомида бу мевалардан тановул қилиб кўрган ва уни қандай тайёрлашни билар эди.

— Жаноб профессор,— деди у,— мен бу дарахтнинг юмшоқ мевасини дарҳол татиб кўрмасам, ўлиб қоламан!

— Еб кўринг, Нед, еб кўринг. Ахир биз бу ерга шунинг учун келдик-да, татиб кўришимиз керак. Тортинманг!

— Бу кўп вақтимизни олмайди,— деди у.

Канадалик қалин ойна ёрдамида қуруқ шохлардан тезда гулхан ёқди.

Олов чарсиллаб ёнар эди.

Шу орада Консель билан мен яхшироқ нон дарахтини танладик.

Улардан айримларининг мевалари ҳали етилмаган ва қалин териси оппоқ лаҳми ёпиб турарди. Аммо кўплари худди узиб олишни кутиб тургандай тўнғиб, сарғайиб қолган.

Консель Недга шунақа мевалардан ўнтачасини узиб олиб келиб берди.

Канадалик уруғсиз бу меваларни тилишлаб кесиб чўғ устига қўйди. Бу ишларни қиларкан, у тинмай гапирарди:

— Ҳозир кўрасиз, профессор, бу қанақа мазали нонлигини!

— Айниқса одам икки ой давомида умуман нон кўрмагандан кейин,— деб қўшиб қўйди Консель.

— Бу ҳатто нон ҳам эмас,— дея сўзини давом эттирди канадалик,— бу энг мазали пирожное. Сиз уни ҳеч татиб кўрганмисиз, жаноб профессор?

— Йўқ, Нед.

— Ундай бўлса, бу дунёда кўролмайдиган роҳатга ҳозирланинг. Агар сиз яна бир бўлак талаб қилмасангиз, мен гарпунчлар қироли эмасман!

Бир неча минутдан сўнг бўлакларнинг оловга қаратилган томони тамоман қорая бошлади. Ҳар бир бўлакнинг ўртасида артишокнинг ҳидини эслатадиган оқ лаҳм кўтарилди.

Очигини айтсам, нон чиндан ҳам жуда мазали экан, мен уни зўр иштаҳа билан едим.

— Афсус,— дедим мен,— бу лаҳм узоқ вақт турмаса керак... Шунинг учун, менимча, уни бортга ғамлаб олиб боришга ҳожат ҳам йўқдир.

— Нима деяпсиз, жаноб профессор!— жаҳли чиқиб хитоб қилди Нед Ленд.— Сиз назарийетчи натуралист сифатида гапиряпсиз. Мен бўлсам амалиётчи новвой сифатида иш тутаман. Консель, бу мевалардан ғамлайверинг, қайтишимизда бортга олиб кетамиз.

— Уларни қандай қилиб сақлайсиз?

— Уларнинг лаҳм еридан хамир қораман. У ачигандан кейин, узоқ вақт бузилмай сақланаверади. Емоқчи бўлганингизда уларни «Наутилус» ошхонасида қайнатиш керак, таъми хиёл ачиганроқ бўлишига қарамай, еб, узоқ тамшаниб қоласиз.

— Нонингизнинг бекаму кўстлигини кўриб турибман, бундан бўлак нарсанинг ҳожати ҳам йўқдир...

— Аксинча, жаноб профессор,— эътироз билдирди канадалик,— янада лаззатлироқ бўлиши учун мева-сабзавот керак бўлади.

— Нима ҳам дердик, қани, келинглар бўлмаса, мева ва сабзавот қидирайлик.

Нон дарахтидан мева йиғиб бўлгач, биз яна «ер дастурхони» учун янги маҳсулотлар қидиришга киришдик.

Қидирувимиз зое кетмади ва биз тушгача анчагина банан ғамлаб олдик. Бу ажойиб нозик тропик меваси йил бўйи пишиб ётади. Уни хомлигича ҳам еяверишади. Биз банандан ташқари, мазали манго мевалари ва бир неча йирик ананас топдик. Буларни йиғиб олишга кўп вақт сарфлаган бўлсак-да, бунга ачинмадик.

Консель Нед Ленддан кўз узмас эди. Гарпунчи олдинда борар, бута ёки дарахтлар ёнидан ўта туриб, ғамлаш учун энг яхши меваларни узиб борар эди.

— Хўш, қалай,— деди ниҳоят Консель,— энди хурсандирсиз, дўстим Нед? Сиз истаган нарсаларингизнинг ҳаммасини олдингизми?

— Ҳм...— гўлдиради канадалик.

— Нима, ҳали хурсанд бўлганингиз йўқми?

— Бу ўтларнинг ҳаммаси — овқатга қўшиб бериладиган татимлик, мева-чева, ширинликлар. Шўрванинг ўзи қани? Кабоб қани?

— Ҳа, ҳа, Нед,— дедим мен,— марҳамат қилиб бизни котлетга тўйдириш борасида берган ваъдангизни унутманг! Негадир котлетни кўрмаяпман...

— Жаноб профессор,— деб жавоб берди канадалик,— ов тугаши у ёқда турсин, ҳатто ҳали бошлангани ҳам йўқ. Сабр қилинг! Эртами кечми биз барибир бирор қанотли ёки тўрт оёқли овга учраймиз, бу ерда бўлмаса, бошқа бирон жойда...

— Шу билан бирга бугун бўлмаса, бошқа бирон кун,— дея канадаликнинг гапириш оҳангида давом эттирди Консель. Аммо ўрмоннинг жуда ичкарасига кириб бориш ярамайди. Қайиққа қайтишни маслаҳат берардим.

— Нима? Дарров-а?— қичқирди Нед.

— Биз қоронғи тушгунча бортга қайтишимиз керак,— дедим мен.

— Хўп, ҳозир соат неча?— хафа бўлиб сўради канадалик.

— Камда соат икки,— жавоб берди Консель.

— Қаранг, қуруқликда вақт қанчалик тез ўтади-я!— деди чуқур хўрсишиб Нед Ленд.

Биз қайтишда ўрмондан келдик. Йўл-йўлакай карам пальмасининг баргларини йиғиб олиш учун дарахтларнинг учига чиқдик, малайяликлар «абру» деб атайдиган ловия ва ажойиб ямс тўпладик.

Биз қайиққа қайганимизда чарчоқдан аъзойи баданимиз зирқирар эди. Аммо Нед Ленднинг фикрича, биз озиқ-овқатни кам йиғган эдик. Аммо унга бахт ҳамиша кулиб боқарди. Қайиққа ўтириб олгандан кейин у бирдан баландлиги йигирма беш-ўттиз фут келадиган бир неча саго дарахтларини кўриб қолди.

Булар ҳам нон дарахтларидай фойдали ва Меланезияда ҳақли равишда энг қимматли озуқалардан бири ҳисобланади.

Нед Ленд уларни нима қилишни билар эди.

Болтани олиб, бир неча минут ичида иккита-учта дарахтни қулатди.

Мен канадаликнинг ҳар бир ҳаракатини очиққан одам эмас, балки натуралист сифагида кузатиб турдим. У ишни ҳар бир поядан бош бармоқ қалинлигида пўстлоқни шилиб ташлашдан бошлади; шунда бир-бирига чатишиб кетган ипсимон толалар яланғочланиб, улар орасида ёпишқоқ ун кўринди. Ана шу ун Меланезия аҳолисининг асосий озуқаси бўлиб хизмат қилаётган нарса эди.

Ниҳоят кеч соат бешда ғамлаган нарсаларимизни қайиққа ортиб, орол соҳилидан сузиб кетдик ва ярим соатда «Наутилус»га етиб олдик.

Бизни ҳеч ким кутиб олмади. Улкан темир цилиндр гўё кимсасиз эди.

Нарсаларни ташиб бўлгач, хонамга тушдим. У ерда кечки овқат муҳайё эди. Овқатланиб олгач, ухладим.

Эртаси куни, 5 январда, ҳеч қандай янгилик содир бўлгани йўқ. Кема ичи жимжит, ҳаёт нишонаси сезилмайди. Қайиқ қўйган жойимизда, борт ёнида чайқалиб турар эди. Биз Гвевороар оролига қайтишга қарор қилдик.

Нед Ленд бу гал олдингига нисбаган ов ўнгидан келади деб умид қиларди. Бундан ташқари, биз ўрмоннинг бошқа томонини кўрмоқчи эдик.

Қуёш чиқиши биланоқ йўлга тушдик. Қайиқ соҳилга интилаётган тўлқин устида бир зумда оролга етиб борди.

Биз қайиқдан тушдик ва Нед Ленднинг туйғуларига ишониб, узун оёқ канадаликдан орқада қолмаслик учун илдам борардик.

Нед Ленд бизни оролнинг ғарбий қисми ичкарисига бошлаб борди. Бир неча ирмоқлардан кечиб ўтиб, бир томони ажойиб ўрмон билан ўралган ялангликка чиқдик. Ирмоқлар бўйида бир неча балиқчи қушлар қанот қоқиб

юрар, аммо улардан биронтаси ҳам милтиқдан отса бўладиган даражада яқин келгани йўқ.

Қушларнинг бу хатти-ҳаракати мени улар икки оёқли мавжудотларни биринчи марта кўраётганлари йўқ ва одамдан нима кутиш мумкинлигини билишса керак, деган хаёлга олиб борди. Мен бундан ҳозир оролда ҳеч ким яшамаса ҳам, аммо яқин орада бу ерга одамлар келиб кетган, деган хулосага келдим.

Ялангликдан ўтиб, жуда кўп қушлар сайраётган кичкина ўрмонга етдик.

— Ҳозирча бу қушлар, холос,— деди Консель.

— Аммо буларнинг орасида еса бўладиганлари ҳам бор,— деб жавоб берди гарпунчи.

— Билмадим-ов, оғайни,— эътироз билдирди Консель.— Менимча булар тўтиқуш.

— Эй, дўстим Консель,— жиддий туриб сўзлай бошлади канадалик,— ейишга нарсаси йўқ одамлар учун тўтиқуш ҳам тустовуқ ўрнини босаверади!

— Гапингизга қўшиламан,— дедим мен,— чиндан ҳам яхшилаб пиширилган тўтиқуш жуда лаззатли бўлади.

Дарҳақиқат, дарахтларнинг қалин шохлари остида биров уларга гап ўргатгудек бўлса, одамлар тилида сўзлаша оладиган оламжаҳон тўтиқуш гужғон бўлиб юрарди.

Улар ҳам худди шуни кутиб тургандек, турли рангда тусланаётган модалари билан шохдан шохга сакраб, дарахтдан дарахтга учиб чуғурлашар эдилар. Бу ерда тўтиқушлар гуруҳининг барча хиллари: бамайлихотир ва кеккайма какаду, аллақандай фалсафий муаммони ечиш билан банддай жуда жиддий ва ёрқин тусли арарлар, учаётганда турли-туман қуроқни шамол кўкка олиб кетаётгандай бўлиб кўринадиган, одам тилини бошқаларига нисбатан яхшироқ ўзлаштира оладиган зукко тўтиқуш— жақолар ва бу ажойиб, аммо аксари ейилмайдиган қушларнинг кўпгина бошқа хиллари ҳам бор эди.

Бироқ бу коллекция орасида биргина экспонат етишмас эди: мен фақат шу ўлкаларда бўладиган ва Арру ҳамда Янги Гвиней ороллари чегарасидан сира нари кетмайдиган қуш ҳақида сўз юритяпман. Қарангки, бахт менга ҳам кулиб боқар экан, шу қушни кўришга муяссар бўлдим.

Сийрақ ўрмондан ўтиб, буталар билан қопланган ўтлоқ ёнидан чиқиб қолдик. Оёқ товушларимиз бир жуфт аллақандай қушни чўчитиб юборди; мен уларнинг патлари фақат шамолга қарши учишга мослашганини кўрдим.

Уларнинг тўлқиндай мавж уриб учishi, ҳавода жуда латофат билан чарх уриши, патларининг таърифга сигмайдиган турли рангда жилваланиши — буларнинг бари диққатни жалб этиб, кўзни қувнатар эди. Мен уларни бир кўришдаёқ танидим.

— Бу жаннат қушлари!— дея қичқирдим.

— Узун кўкракдилар бўлими, чумчуқсимонлар тўдаси, жаннат қушлари оиласи,— деди ўша заҳотиёқ Консель.

— Балки какликлар оиласидир?— сўради Нед Ленд.

— Йўқ, дўстим Нед,— дедим мен.— Аммо булар каклик бўлмаса ҳам, ўз абжирлигини кўрсатиб, шу ажойиб тропик қушларидан бирини ушлаб олишимга кўмаклашсангиз, сиздан жуда миннатдор бўлардим.

— Уриниб кўраман, жаноб профессор, очиги, милтиқдан кўра кўпроқ гарпунга ўрганган бўлсам ҳам.

Жаннат қушлари билан савдо қиладиган малайяликлар уларни турли йўллار билан овлайдилар. Улар гоҳ жаннат қушлари ҳаммадан кўпроқ ин қўядиган дарахт учларига тузоқ ўрнатардилар; гоҳ жуда ёпишқоқ махсус елим ёрдамида овлардилар; гоҳ шу қушлар сув ичишга ўрганган ҳовузларни ваҳарлар эдилар. Аммо биз бундай қилолмас эдик.

Бизлар, қийин бўлса-да, уларни учиб кетаётган пайтидагина отиб олишимиз мумкин эди. Дарҳақиқат, биз жуда кўп ўқ сарфладигу, аммо бу қушлардан биронтасини ҳам қулата олмадик.

Эрталаб соат ўн бирларда орол марказидаги тепаликнинг биринчи довонидан ошиб ўтган бўлсак-да, биронта ҳам жониворни учратолмадик. Бизни очлик қийнай бошлади. Овимиз ўнгидан келишига ишониб, ўзимиз билан ҳеч қанақа озиқ-овқат олмаганимиздан жуда ачиндик.

Аммо худди шу пайт бахтимизга Консель икки ўқ билан кетма-кет оқ каптар ва вяхирни қулатса бўладими. Бунга унинг ўзи ҳам ҳайрон қолди. Биз тезда уларнинг патларини юлиб, хивич сихларга ўтказиб, қуруқ шохлардан ёққан гулханимизда пишира бошладик.

Консель қушларни кабоб қиладиган пайтида Нед Ленд нон дарахтининг меваларини тайёрлади.

Вяхирь билан каптарнинг охириги суягигача мужиб ташладик. Ютоқиб турган одамлардан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин. Бу қушларнинг асосий озуқаси бўлган мускат ёнғоғи уларнинг гўштига хушбўй таъм берган эди. Шунинг учун ҳам жуда ажойиб кабоб бўлипти.

— Булар худди қўзиқорин билан боқилган семиз товуклардек мазали-я!— деди Консель.

— Хўш, Нед,— сўрадим мен,— яна нима етмайди сизга?

— Тўрт оёқли ов, жаноб профессор,— деб жавоб берди канадалик.— Бу қушчалар — шунчаки эрмак, чинакам таом эмас. Шунинг учун мен биронта ҳақиқий тўрт оёқли ҳайвонни отиб, уриб юмшатишга котлет қилмагунча кўнглим жойига тушмайди.

— Мен бўлсам, Нед, жаннат қушини тутиб олмагунча кўнглим тинчимайди.

— Демак, овни давом эттирамиз,— деди Консель.— Фақат орқага қайтамиз, денгизга яқинроқ ерга. Биз тоғ тизмаларига етиб қолибмиз. Урмоннинг жуда ичкарисига кирмаганимиз маъқул дейман.

Консель ҳақ бўлганидан унинг маслаҳатига кўндик. Бир соатча юргач, деярли фақат саго дарахтларидан иборат ўрмонга етиб келдик. Оёқларимиз остидан бир неча марта илонлар ўрмалаб чиқди, аммо булар заҳарли эмас эди. Биз ўқ этадиган масофага боришимиз билан жаннат қушлари учиб кетишар эди. Уларни яқинроқдан кўриш умидидан ҳам воз кечаётганимда, олдинда бораётган Консель тўсатдан энгашди ва ҳаяжон ичида мени чақирди. У қўлида жаннат қушининг ажойиб нусхасини ушлаб турар эди.

— Қойил, Консель!— хитоб қилдим мен.

— Хўжам жуда ошириб юбордилар дейман,— жавоб берди у.

— Йўқ, йўқ, дўстим, сен мўъжиза кўрсатдинг. Жаннат қушини тириклигича тутиб олиш, бунинг устига қўлда, бу мисли кўрилмаган ҳодиса!

— Агар хўжам уни яқинроқдан кўришга муяссар бўлсалар, бунда менинг хизматим унчалик катта эмаслигига ишонч ҳосил этадилар.

— Нега бундоқ дейсан, Консель?

— Чунки бу қуш ўлгидай маст!

— Маст!

— Ҳа, мускат дарахти остидан териб еган мускат ёнғонидан маст бўлган. Бинобарин, мен уни енгилгина ушлаб ола қолдим. Диққат қилиб қаранг-а, Нед, мана бу ўзини тута билмасликнинг қанчалик зиёнлигига яққол далилдир!

— Биласизми, Консель, менинг кейинги икки ой мобайнида ичган ароғимга пичинг қилишингиз уят!— деб жавоб берди канадалик.



Шу орада мен қушни кўздан кечирдим. Консель мени алдамаган экан: жаннат қуши чиндан ҳам мускат ёнғоғининг бошни айлантирадиган шарбатидан тамоман чорасиз қолга тушиб қолган эди. У учиш у ёқда турсин, ҳатто зўрға юрар эди.

Консель тутиб олган нусха жаннат қушларининг Янги Гвинея ва унга қўшни ерларда кўп учрайдиган саккюз хилининг энг чиройлиларидан бирига мансуб эди. Бу хил жаннат қушлари «зумрад» деб аталиб, энг камёбларидан эди. Унинг катталиги ўттиз сантиметрча келади. Бу қушнинг боши кичкинагина, тумшугига яқин ўрнашган кўзлари ҳам кичкина. Унинг ранги жуда чиройли, турли-туман бўёқлардан иборат эди: тумшуги сариқ, чангал ва тирноқлари тўқ жигар ранг, жимжимадор ҳошияли қанотлари оч жигар ранг, тожи оч сариқ, бўйни зумрад яшил ва кўкрак ҳамда қорни қўнғир. Ей сингари қайрилма юшоқ ва ҳурпайган жуда нозик ҳамда чиройли икки пати думини безаб турар эди. Умуман бу қуш жуда чиройли ва маҳаллий аҳоли атаган «Қуёш қуши» деган номига монанд эди.

Менда бу нодир нусхани тириклигича Парижга олиб бориб, уни ҳозиргача жаннат қушларининг биронта ҳам тирик нусхаси бўлмаган зоология боғига тақдим этиш истаги пайдо бўлди.

— Бу чиндан ҳам камёб қушми?— сўради Нед Ленд ейилмайдиган қуш бир чақа бўлиб кўринадиган овчи сингари.

— Ҳа, Нед, худди шундай ва бунинг устига жаннат қушини тириклигича ушлаш жуда мушкул. Аммо бу қушларнинг ўлиги ҳам жуда қадрланади. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли бу қушни Европада қалбаки марварид ва бриллиантлар ясаганларидек, сохталаштира бошладилар.

— Нима!— хитоб қилди Консель.— Улар жаннат қушларини сохта қила бошладилар дейсизми?

— Ҳа, Консель.

— Хўжам уни қандай сохталаштиришни ҳам биладиларми ҳали?

— Биламан, Консель. Жаннат қушларининг думидаги ажойиб патлар ёзги муссон<sup>1</sup> пайтида тушиб кетади. Қушнинг «сохталаштирувчилар» ана шу патларни йиғиб оладилар

---

<sup>1</sup> Муссон — қишда денгиз томонга, ёзда эса қирғоққа томон эсадиган шамол.

ва уни бирорта шўри қуриган тўтиқушнинг патини юлиб, думига ёпиштирадилар ёки тикиб қўядилар. Сўнгра ўрнини бўйядилар, қушчани «ярқиратадилару...» ўзига хос бу санъат маҳсулини Европага — музейларга ёки ишқибозларга юборадилар.

— Нима қилибди,— луқма ташлади Нед Ленд,— улар нолимасалар ҳам бўлади. Ахир улар патини оладилар-ку, ейишга мўлжалланмаган қуш учун энг кераклиси унинг пагида.

Менинг орзум жаннат қушини ушлаб олиш эди. У рўёбга чиқди. Аммо Нед Ленднинг котлет ҳақидаги орзуси ҳали-бери ушаладиганга ўхшамас эди!

Ҳар ҳолда канадалик кундуз соат иккида маҳаллий аҳоли «бари-утанг» деб атайдиган ўрмон тўнғизини отиш шарафига муяссар бўлди.

Бизга чинакам кабоб келтирган Неднинг ўқи умумхурсандчилик билан кутиб олинди.

Нед Ленд ови юришганидан мамнун эди. Тўнғиз электр ўқи теккан заҳоти қулаб жон берди. Канадалик уни наридан-бери тозалаб, кечки овқатга бир тилим гўштидан олди. Шундан сўнг ов яна давом эттирилди, яна Нед Ленд билан Консель ўзларини кўрсатишди.

Буталар орасидан ўта туриб, икки дўст кенгуралар галасини чўчитиб юборганларини ўзлари ҳам билмай қолишди. Кенгуралар ёгилувчан оёқларида баланд сакрашиб, қоча бошлашди.

Улар қанчалик тез чопишмасин, электр ўқлари улардан учқурроқ чиқди.

— О, жаноб профессор,— дея қичқирди ўзининг муваффақиятга овидан сармаст бўлган Нед Ленд,— қандай ажойиб ўлжа-я, айниқса димлаб еса! Мана буни «Наутилус» учун ғамланган озуқа деса бўлади! Икки, уч, тўртта кенгура. Яна бунинг устига бутун бир тоғ бўлиб ётган бу гўшгларни ёлғиз ўзимиз ейишимизни, ана у ашаклар эса ҳатто ҳидлаб ҳам кўрмаслигини айтмайсизми!

Менимча, канадалик шодлигини баҳам кўриш учун шу бир зум тинмаганида, бутун галани қириб ташлаши ҳеч гап эмас эди. Ҳозир эса у Конселнинг маълум қилишича, кенгуралар оиласига, икки қоринлилар бўлимига мансуб бўлган бу ажойиб сутемизувчиларнинг ўн иккитаси билан қаноатланишига тўғри келди.

Отиб ўлдирилган кенгуралар кичкиналари эди. Улар қуёнсимон кенгуралар турига мансубдир. Булар дун жо-

ниворлари бўлиб, кундузи қаттиқ ухлайдилар. Кенгураларнинг бу тури жуда тез чопишдан ташқари ҳайратга соладиган даражада абжирликлари билан ҳам ажралиб турадилар. Бу жониворнинг ўзи катта бўлмаса-да, териси жуда юксак баҳоланади.

Биз овимиздан жуда мамнун эдик. Хурсанд бўлган Нед эртасига шу ажойиб оролга келиб, у ердаги ейиладиган бари тўртоёқлик жониворларни овлашни ўйлаётган эди. Аммо у, ич бошқача бўлиб кетишини олдиндан билмаган эди.

Кеч соат олтиларга яқин биз денгиз қирғоғига чиқдик. Қайиқ қолдириб кетган жойимизда турган эди. Узоқдан узун қоядай бўлиб туюлаётган «Наутилус» биздан икки миля масофада сувдан чиқиб турар эди.

Нед Ленд фурсатни бой бермай, овқат тайёрлашга киришди. У ошпазлик санъатининг устаси эди. Ҳавони бирпасда «бари-утанг» гўшtidан тайёрланаётган, уриб юмшатилаган котлетнинг хушбўй ҳиди қоплади...

Мен ҳам канадалик сингари бир парча қовурилган гўштдан бениҳоя хурсанд бўлаётгандай эдим. Мен канадаликни кечирганимдай, китобхон ҳам бунинг учун мени кечирар деган умиддан...

Шундай қилиб, мақгаса арзигудек овқат бўлди. Икки вяхирь қўшимча таом бўлди. Саго хамири, пон дарахтининг мевалари, манго дарахтининг бир неча мевалари, олти ананас ва кокос ёнғоғининг жуда қиёмига етган шарбати кайфиятимизни чоғ этди. Қадрдон дўстларим ва мен кучли овқатдан оғирлашдик.

— Бугун «Наутилус»га қайтмасак нима қилади?— таклиф этди Консель.

— Бугун ҳам, эртага ҳам ва ҳеч қачон қайтмасак-чи?— қўшиб қўйди Нед Ленд.

Шу пайт оёғимиз остига тош келиб тушди.

### *Иигирма иккинчи боб*

#### КАПИТАН НЕМОНИНГ ЧАҚМОҒИ

Биз ўтирган жойимизда ўрмонга қарадик. Қўлимни оғзимга олиб боришга улгурмай қотиб қолдим.

— Осмондан тош ёғмас эди-ю,— деди Консель.— Борди-ю, шундай бўлса, улар аэролит дейилади.

· Мўлжалга аниқроқ отилган иккинчи тош Конселнинг айтганини тасдиқлагандай унинг қўлидан вяхирнинг маза-лигина оёғини уриб туширди.

Ўрнимиздан сапчиб турдик, қурооларимизни елкамизга тираб, учаламиз ҳам ҳужумни даф этишга шайландик.

— Наҳотки маймунлар бўлса?— хитоб қилди Нед Ленд.

— Шунга яқин,— деб жавоб берди Консель.— Бу ёв-войи одамлар.

— Қайиққа!— деб буюрдим ва денгиз томон юрдим.

Чиндан ҳам чеккиниш керак эди. Юз қадамча нарида, уфқни биздан тўсиб қўйган ўрмон этагида, катта ёйлар ва сопқонлар билан қуроолланган йигирма чоғлик ёввойи одам кўринди.

Қайиқ биздан йигирма метрча нарида эди.

Ёввойи одамлар шошилмай, аммо ёвуз ният билан биз томон келишадиган эди. Тош ва камон ўқлари ёмғирдай ёғилди.

Нед Ленд хавф остида бўлганимизга қарамай ғамлаб олинган озиқ-овқатларни ташлаб юборишга кўнмади, ов-ланган тўнғиз ва кенгура гўштларини қайиққа кўтариб борди.

Биз озиқ-овқат ва қурол-яроғларни икки минут ичида қайиққа ташиб олиб, уни суриб чиқардик, эшакларни ҳалқасига ўрнатиб сузишга ўтирдик. Қирғоқдан икки ка-бельт узоқлашмасимиздан, юзлаб ёввойи одамлар ҳуҳу-лаб, ҳайқириб белигача денгизга тушиб олди. Мен улар-нинг ҳайқириғи «Наутилус» командаси диққатини жалб этади, деб адашган эканман: сув ости кемасининг палу-баси бўм-бўшлигича қолаверди.

Йигирма минутда «Наутилус»га етиб келдик.

Люк очиқ эди. Қайиқни бортга боғлаб, кемага тушдик.

Мен орган овози таралаётган салонга кирдим. Капитан Немо шу қадар берилиб чалаётган эдики, менинг кирга-нимни ҳам сезмади.

— Капитан,— дедим мен.

У эшитмади.

— Капитан,— деб қайтардим мен қўлимни унинг елка-сига тегизиб.

У чўчиб, шу заҳоти ўгирилиб қаради.

— Ҳа, сизмидингиз, жаноб профессор,— деди у.— Қа-лай, ов яхши ўтдими? Қанақа ўсимликларни топиб кел-дингиз?

— Аъло даражада, капитан, раҳмат. Аммо яшириб ўтирмайман, ортимиздан икки оёқлилар галасини эргаштириб келдик, менимча уларнинг бу ерда туриши бизни хавф-хатардан холи қолдирмайди..

— Икки оёқлилар?

— Ёввойи одамлар.

— Ёввойи одамлар? — мазах қилгандай чўзиб сўради Немо. — Планетамиздаги ерлардан бирига қадам қўйишингиз билан ёввойи одамларга дуч келганингиз сизни тааж-жублантирдими? Ёввойи одамлар қасрда ҳам йўқ дейсиз!.. Хўш, сиз ёввойи деб атаётган бу одамларнинг бошқалардан нимаси ёмон?

— Аммо, капитан...

— Менга келганда шуни айтиб қўймоқчиманки, ёввойи одамларни ҳамма ерда ҳам учратганман.

— Ҳар ҳолда, — деб жавоб бердим мен, — сиз бу тўда «Наутилус»га ҳужум қилмасин десангиз, эҳтиёт чораларни кўриб қўйишингизни маслаҳат берардим.

— Тинчланинг, бундан ташвишланмасангиз ҳам бўлади.

— Бироқ, бу ёввойи одамлар жуда кўпчилик!

— Қанча?

— Юздан кам эмас!

— Жаноб Аронакс, — деди капитан, яна бармоқларини орган клавишларига қўяр экан, — соҳилга Янги Гвинеяда яшовчи бутун маҳаллий аҳоли йиғилган тақдирда ҳам «Наутилус» хавф-хатардан холи қолаверади.

Капитаннинг бармоқлари музика асбоби клавишлари устида ўрмалай бошлади. У фақат қора клавишларни ураётганди. Бу эса чалинаётган куйга минор оҳангини берар эди. Кўп ўтмай у менинг шу ердалигимни ҳам унутиб, бутун вужуди билан музикага берилиб кетди. Мен унинг диққатини қайта бўлишга журъат этолмай, секин чиқиб кетдим.

Палубага чиқдим. Ҳамма ёқда тун ҳукмрон эди. Кенгликнинг бу ерларида оқшом тушмай, кун ўз ўрнини тунга беради. Гвевороар ороли қоронғида аранг кўринар эди. Бироқ соҳилда ёқилган жуда кўп гулханлардан кўтарилаётган аланга ёввойи одамлар кетишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмаётганликларидан далолат берар эди.

Мен сурункасига бир неча соат гоҳ бу ердаги одамлар ҳақида ўйлаб, гоҳ шу тропик тунининг гўзаллигига мафтун бўлиб палубада ёлғиз турар эдим. Аммо энди ҳеч ни-

мадан хавфсирамасдим, чунки капитан Немодаги ишонч менга ҳам юққан эди.

Кўзим осмоннинг шимолий қисмидаги юлдузларга тушганда, хаёллар мени Францияга етаклар эди, чунки улар бир печа соатдан кейин менинг Ватаним билан дийдор кўришадилар.

Ой юлдузлар ёғдусини ўчириб, тик кўтарила бошлади. Ернинг бу содиқ йўлдоши икки кундан кейин денгиз суви-ни кўтариб, «Наутилус»ни маржон ўриндигидан қутқариш учун худди шу йўл билан осмонда сайр этиши ҳақида ўйладим.

Ярим кечага яқин қорайиб турган сув сатҳи ҳам дарахтлар остида ором олаётган қирғоқ сингари сокинлигига ишонч ҳосил этгач, каютамга қайтдим ва хотиржам ухладим.

Тун осойишта ўтди. Еввойн одамлар сувда ётган баҳайбат махлуқни кўришнинг ўзидаёқ қўрқиб қолганга ўхшардилар. Очiq қолдирилган люкдан улар бемалол «Наутилус» ичига кириб келишлари мумкин эди.

8 январь эрталаб соат олтида мен яна палубага кўтарилдим. Тонг тун кўланкасини эндигина қуваётган эди.

Кўп ўтмай парчалаб ташланган туман ортидан орол кўринди: олдин қирғоқ, сўнгра эса дарахтларнинг учлари ҳам кўзга ташланди.

Маҳаллий кишилар ҳамон соҳилда, фақат улар энди анчагина кўпайишиб, беш-олти юз кишига етибди. Улардан айримлари сув пасайганидан фойдаланиб, учлари кўриниб турган қоялар устидан юриб «Наутилус»га икки кабельдан ортиқ келмайдиган масофада яқинлашиб олишди.

Мен дурбинсиз ҳам уларни аниқ кўриб турардим. Булар бўйлари жуда баланд, қоматлари келишган, пешаналари дўнг, аммо бурунлари пучуқ эмас, тишлари оппоқ папуаслар эди; жингалак сочлари қизилга бўялганидан ялтироқ қора танларидан кескин ажралиб турарди. Қулоқларининг зирак тақиладиган юмшоқ жойи иккига бўлиниб, суяк балдоқнинг оғирлиги пастга тортиб турар эди.

Кўпчилик эркаклар қип-яланғоч эдилар. У ерда турган бир неча аёлларнинг ўтдан тўқилган ва белларига чирмовуқ тасма билан боғланган юбкалари тиззаларига тушиб турар эди. Айримларининг, йўлбошчилари бўлса ажаб эмас, бўйинларига ярим ҳалқа ёки оқ ва қизил шиша маржонлар тақилганди.

Ёввойи одамларнинг ҳаммаси ўқ-ёй ва қалқонлар билан қуролланган эдилар. Кўпларининг орқаларида ичига тош солинган тўр халта осиглиқ бўлиб, сопқон учун мўлжалланган бу тошларни улар зўр маҳорат билан отар эдилар.

Йўлбошчиларидан бири «Наутилус»га яқинроқ келиб, уни диққат билан кўздан кечира бошлади. У мўътабар хотлардан бўлса керак, устида банан япрогидан қилинган ёпинчиғи бор эди.

Менга жуда яқин турган бу ёввойи одамни осонгина отиб ташлашим мумкин эди, аммо яхшиси унинг ўзи ёвузлик ниятини ошкор этмагунча сабр қиламан, деган қарорга келдим.

Сув пасаяётган пайтда ёввойи одамлар «Наутилус» атрофида дайдиб юришди. Аммо уларда бирон душманлик нишонаси кўринмади.

Уларнинг «ассе» деган сўзни тез-тез қайтараётганларини эшитдим ва имо-ишораларига қараб, мени соҳилга давват қилаётганларини тушундим. Лекин бу таклифни рад қилишни афзал кўрдим.

Уша кунни қайиқ, шубҳасиз, «Наутилус» бортидан нари кетмади. Бу эса кўпроқ озиқ-овқат гамлаб олиш ниятида бўлган Нед Лендни қаттиқ ғазаблантирди.

Вақтни тезроқ ўтказиш учун ҳамма ишга моҳир канадалик Гвекороар оролидан олиб келинган гўшт ва «нон»дан консерва тайёрлашга киришди.

Эрталаб соат ўн бирларга яқин, сув тўқинлари қоя учларини ҳам кўма бошлагач, ёввойи одамлар соҳилга қайтдилар.

Соҳилда оломон кўпая бошлади, афтидан «Наутилус»нинг келгани ҳақидаги хабар яқин атрофдаги бутун ороларга тарқалганга ўхшарди ва бичобарин маҳаллий аҳоли ҳар тарафдан Гвекороар томон оқиб келаётган эди. Аммо бирорта қайиқ кўринмас эди.

Шундоққина кўриниб турган, аммо бориш мумкин бўлмаган ер вақти жуда секин ўтар ва бичобарин ўзимни бирор иш билан машгул этиш учунгина драга<sup>1</sup> билан денгиз тубини қира бошладим. Тиниқ сувда жуда кўп чиганоқлар, зоофитлар ва денгиз ўсимликлари аниқ кўриниб турар эди. Бу жойларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан

<sup>1</sup> Драга — сув остини қовлайдиган асбоб.

танишувда фурсатни бой бериб бўлмас эди. Чунки капитан Немо ҳисобдан адашмаган бўлса, Янги Гвинеядан кетишимизга икки кун қолган эди. Консель менга енгил драга олиб келди.

— Ёввойи одамлар ўзларини қандай тутяптилар?— сўради Консель.— Хўжамнинг рухсатлари билан айтмоқчи-манки, улар назаримда жаҳлдор одамларга ўхшамайди.

— Барибир улар одамхўр, дўстим!

— Одамхўр албатта аблаҳ бўлиши керакми?— эътироз билдирди Консель.— Мазахўрак бўлса-да, аммо айти вақтда яхши одамлигича қолиши ҳам мумкин. Бири иккинчисига сира боғлиқ эмас.

— Ҳа, майли, Консель, сен айтганча бўла қолсин — булар виждонли одамхўрлар ва улар ўз асирларини одоб, ахлоқнинг барча қоидаларига амал қилганлари ҳолда ейдилар. Аммо мени виждонли одамлар еб қўйишларини ҳам истамайман, шунинг учун мен доим сергак тураман, чунки «Наутилус» капитани ҳеч қандай эҳтиёт чораларини кўрмапти. Қани энди ишга!

Икки соат давомида биз жон-жаҳдимиз билан драга ташладик, аммо бирон дурустроқ нарса тутолмадик. Драга «Мидас қулоқлари» деб аташадиган чиганоқлар, арфалар, болғачаларнинг бундан олдин менга сира учрамаган энг чиройли нусхалари билан тўлиб чиқарди. Шунингдек, биз бир неча голотурийлар, марварид чиганоқлар ва ўн иккитача кичик тошбақалар (буни биз ошхонага топширишга қарор қилдик) тутиб олдик. Худди ана шу вақтда, кутилмаганда, мўъжиза кўрдим. Жуда камдан-кам учрайдиган хунук нарса деса ўринлироқ бўлур эди. Эндигина драга ташлаган Консель уни ўша заҳоти ичи тўла чиганоқлар билан кўтариб олди. Менинг драгани тортиб олиб, унинг ичидан битта чиганоқни ушлаб, инсонга хос бўлмаган овозда конхиологга ўхшаб қичқириб юборганимдан у жуда ҳайратда қолди.

— Хўжамга бир нима бўлдими?— таажжубланиб сўради Консель.— Бирон нарса чақиб олди ми хўжамни?

— Йўқ, дўстим, аммо мен бу топилма учун бармоғимни ҳам жон деб берардим!

— Қанақа топилма?

— Мана шу чиганоққа!— кўтаринки руҳда дедим мен.

— Ахир бу энг оддий зайтун туркумидаги тароқсимон жабраллар гуруҳи, қоришоеқлилар синфи, моллюскалар типидан жимжимадор зайтун-ку...



— Жуда тўғри, Консель, аммо бу чиганоқ ўнгдан чапга буралиш ўрнига чапдан ўнгга буралаяпти!

— Наҳотки?— қичқирди Консель.

— Ҳа, азизим. Бу чапақай чиганоқ!

— Чапақай чиганоқ?— қайтариб сўради Консель қалтироқ овозда.

— Унинг буралишини қара.

— Мен ҳеч қачон бу қадар ҳаяжонланмаганимга хўжам ишонармикинлар,— деди Консель чиганоқни ихлос билан қўлига олар экан.

Чиндан ҳам ҳаяжонланиш ўринли эди. Ҳаммага маълумки, табиатда ҳаракаг кўпинча ўнгдан чапга бўлади. Юлдузлар ва уларнинг йўлдошлари ўнгдан чапга ҳаракат қилади. Одамнинг чап қўлига нисбатан ўнг қўли кўпроқ тараққий этган, шунинг учун ҳам бутун асбоб-ускуналар, аппаратлар, қулфларни ўнгдан чапга қараб ишлатишга мўлжаллаб ясаган. Табиат ҳам моллюскалар буралишида шу қонунга, агар уни шундай деб аташ жоиз бўлса, риоя қилади; моллюскаларнинг ҳаммаси ўнгдан чапга буралади. Жуда камдан-кам учрайдиган чапақай чиганоқларга унинг ишқибозлари қанча сўрасанг беришади.

Консель билан мен топиб олган бебаҳо бойлигимизни кўздан кечириш билан машгул эдик. Мен ҳатто уни Париждаги табиёт тарихи музейига қандай инъом этиш ҳақида ҳаёл ҳам сура бошлаган эдим, тўсатдан ёввойи одам отган тош Конселнинг қўлидаги бу бебаҳо нарсани синдириб юборди.

Мен жон-жаҳдим билан қичқириб юбордим. Консель дарҳол менинг милтиғимни олиб, ўн метр наридан туриб сопқон отган ёввойи одамга ўқталди. Мен Конселни гўхтатмоқчи эдим, аммо улгуролмадим. У тепкини босди ва ўқ ёввойи одамнинг билагидаги кўзмунчоқдан қилинган билагузугини узиб юборди.

— Консель!— Қичқирдим норози оҳангда.— Консель!

— Нима? Ахир бу одамхўр бизга биринчи бўлиб ҳужум қилганини хўжам кўрмайпгиларми?

— Ҳеч қандай чиганоқ одам ҳаётдан азиз эмас, Консель!

— Ҳа, аблаҳ!.. У менинг елкамни уриб синдирса яхшироқ бўларди!— хитоб қилди Консель.

Консель бу гапни жуда астойдил айтганига қарамай, ўзининг ҳақлигига мени ишонтиролмади.

Биз чапақай чиганоқнинг чиройига маҳлиё бўлиб тур-

ган дақиқаларда аҳвол ўзгарибди. Мақаллий кишиларнинг йигирмадан ортқи қайиғи «Наутилус»ни ўраб олди. Дарахт танасидан ўйиб ишланган бу қайиқлар энди, узун, тез сузишга мослаштирилган бўлиб, борти ёнига ўрнатилган якки қаватли бамбук лангар сувда мувозанатни сақлар эди.

Папуаслар илгари ҳам европаликлар билан учрашганлари ва кемаларини кўрганликлари билиниб турар эди. Аммо мачтасиз, мўрисиз, сувдан аранг чиқиб турган бу темир сигара ҳақида нима деб ўйлашаётган экан улар? Ҳар ҳолда яхши фикрда эмасдилар, чунки анча вақтгача унга яқинлашолмай турдилар. Аммо бизнинг тажовуз қилмаётганимизни кўргач, улар аста-секин «Наутилус»га ўрганишлар, бир оз дадиллашиб, энди у билан яқиндан танишишга қарор қилган эдилар. Аммо худди ана шу яқиндан танишувга халақит бериш зарур эди.

Бизнинг овозсиз отиладиган милтиқларимизни момақалдироқ сингари овоз чиқарадиган қуролга ўрганган ёввойи одамлар писанд ҳам қилмас эдилар. Чақмоқ ҳам момақалдироғи бўлмаганда одамларни кўрқитмас эди. Вақоланки момақалдироқ эмас, балки чақмоқнинг хавфлидиги ҳаммага аён.

Худди шу дақиқаларда бир неча қайиқ «Наутилус» атрофига келиб тақалди ва палубага ёй ўқлари ёғила бошлади.

— Минг лаънат, — хитоб қилди Консель. — Дўлдай ёғилаяпти-я. Балки заҳарланган ҳамдир...

— Капитан Немони огоҳ этиш керак, — дедим мен люк томон юриб.

Салонга кирдим, аммо у ерда ҳеч ким йўқ эди.

Шуида мен капитан Немо турадиган хонанинг эшигини тақиллатиб кўрдим.

— Кириш, — деган овоз эшитилди эшик ортидан.

Капитан Немо аллақандай мураккаб ҳисоб-китоб устида бош қотириб ўтирган экан: олдида ётган бир тўда қоғозга математик белгилар чизилган.

— Бэзовга қилдим шекимли? — одоб юзасидан сўрадим.

— Ҳа, жаноб профессор, — жавоб берди менга капитан, — аммо бирон жиддий шингиз бўлса керак, деб ўйлайман?

— Жуда жиддий. Бизни маҳаллий кишиларнинг қайиқлари ўраб олишди ва узоғи билан бир неча минутдан

кейин юзлаб ёввойи одамлар бизга ҳужу қилса ҳам ажаб эмас.

— Аҳа,— деди капитан ўта осойишталик билан,— улар қайиқларда келишдими?

— Ҳа, капитан.

— Ундай бўлса люкни ёлиб қўйишнинг ўзи кифоя.

— Мен ҳам сизга худди шуни маслаҳат бермоқчи эдим.

— Бундан кўра осонроқ нарса йўқ,— деб жавоб берди капитан Немо.

Шундай деди-ю, электр қўнғироқ тугмасини босиб, команда каютасига тегишли буйруқни берди.

— Мана бўлди,— деди у менга бир дақиқалик жимликдан сўнг.— Қайиқ жойига олиб кириб қўйилиб, люк ёшилди. «Авраам Линкольн» замбарагидан отилган ўқ ҳам ожизлик қилган бортни ёввойи одамлар синдириб киришидан қўрқмасангиз керак, деб ўйлайман.

— Йўқ, қўрқмайман. Аммо яна бир хавф бор, капитан.

— Қандай хавф, профессор?

— Эртага худди шу вақтда ҳавони янгилаш учун люкларни очишга тўғри келади.

— Жуда тўғри, профессор, лекин менинг кемам ҳам китлар сингарни нафас олади.

— Аммо худди шу вақт папуаслар палубада бўлса-чи, сиз уларнинг кемага киришларига менимча қаршилиқ кўрсата олмасангиз керак...

— Демак, профессор, сиз уларнинг «Наутилус» бортига чиқишларига ишончингиз комил экан-да?

— Худди шундай.

— Майли, нима ҳам дердик... Уларга халақит беришга бирор зарурат сезмаялман. Ахир улар қашшоқ, нобой ёввойилар, холос. Мен эса «Наутилус»нинг Гвевороар оролига келиб кетиши ана шу бебахт кишилардан лоақал биронтасининг ўлимига сабаб бўлишини истамайман.

Таъвим қилиб кетмоқчи эдим. Аммо капитан Немо мени тўхтатиб, ёнига ўтиришга таклиф этди. У бизнинг оролга қилган экскурсиямиз, ов ҳақида қизиқиб сўрай бошлади ва канадаликнинг гўштга шунчалик илҳақ бўлганининг сабабини тушунмаётгандай қилиб кўрсатди ўзини.

Шундан кейин суҳбат мавзуи ўзгарди. Капитан Немо дилжанлик қилмаса-да, ҳар ҳолда олдингилардан кўра кўпроқ маърифат кўрсатди.

Дарвоқе, Дюмон-Дюрвиль кемалари ҳалок бўлишига саал қолган ўша бўғозга келиб саёзликка тиқилган «Наутилус»нинг аҳволи ҳақида ҳам гапирилди.

Бу борада капиган Немо бундай деди:

— Дюрвиль энг буюк денгизчилардан ва Франциядаги энг маърифатпарвар кишилардан бири. Француз капитани Кук. Бечора олим! Жанубий қутб музлари, Океания маржонлари, Тинч океан оролларидаги одамхўрлар билан олиша-олиша, охири шаҳар атрофига қатновчи темир йўл поезди ҳалокатида ўлиб кетса-я! Агар тақдир ҳаётининг сўнгги дақиқаларида унга идрок этиб кўриш имкониятини берганда бу шижоатли одамнинг қанчалар азият чекиши мумкилигини тасаввур эта оласизми?!

Капитан Немо бу сўзларни айтаётганида анча ҳаяжонланаётгандай эди. Бу ҳаяжонланишни у ўзи учун шараф деб биларди.

Биз буюк француз денгизчиси сузган барча жойларни, унинг ер юзи бўйлаб қилган саёҳагини, икки марта Шимоллий қутбни очишга интилгани, лекин буларнинг муваффақиятсизлик билан тугаганини, шундай бўлса-да, бу Адел ва Луи-Филипп ерларини очишга олиб келганини картада кўздан кечирдик.

Ниҳоят, биз Тинч океандаги энг муҳим ороллар атрофида гидрографик тадқиқотлар олиб борганини хотирладик.

— Дюрвиль океан сатҳида қилган ишларни мен унинг қаърида олиб боряпман; аммо менинг тадқиқотларим тўлароқ ва аниқроқ бўлиб, анча кам меҳнат ва куч талаб қилади. Дюмон-Дюрвилнинг ҳамиша бўрон ва довуллар силкитиб турган «Астролябия» ва «Интилиш» кемаларини ҳақиқий сув ости уйи, осойишга кабинетларида ишлашга ҳеч нима халақит бермайдиган «Наутилус» билан тенглаштириб бўлмайди, албатта.

— Аммо, капитан, бир жиҳатдан «Наутилус»нинг тақдири ҳам «Астролябия» ва «Интилиш»никига ўхшайди,— дедим мен.

— Қайси жиҳатдан, жаноб профессор?

— Шу жиҳатданки, «Наутилус» ҳам худди ўша кемалар келиб тўхтаган жойда саёзликка тиқилиб қолди.

— «Наутилус» саёзликка тиқилиб қолгани йўқ,— деди совуққина қилиб капитан Немо.— «Наутилус» саёзликда ётиб, дам оляпти ва мен Дюмон-Дюрвиль кемаларини сувга тушириш учун чеккан азоблардан холиман. «Астроля-

бия» ва «Интилиш»нинг ҳалокатига оз қолган эди, лекин «Наутилус» ҳеч қандай хавф-хатарга дуч келмайди. Эртага ўзим белгилаган кун ва соатда сув оқими уни секин кўтариб қўяди ҳамда у яна йўлига равона бўлади.

— Капитан,— деб сўз бошладим мен,— ҳеч шубҳам йўқки...

— Эртага,— дея сўзимни бўлди капитан Немо стулдан турар экан,— кундуз соат икки-ю, қирқда «Наутилус» саёзликдан кўтарилади ва Торрес бўғозидан бешикаст чиқиб кетади!

Капитан Немо бу сўзларни дона-дона қилиб айтди-да, гавдасини хиёл эгиб, таъзим қилди. Бу билан у гапим тамом деган маънони аниқлатмоқчи эди. Кетишдан бўлак иложим қолмади.

Хонамга қайтиб келиб, у ерда Конселни учратдим. Уни капитан билан бўлган суҳбатимнинг натижаси қизиқтираётган эди

— Дўстим,— дедим унга.— «Наутилус»га маҳаллий кишилар таҳдид қилишяпти десам, капитан бу гапларимга кулди. Капитан Немога эса ишониш мумкин. Бемалол ухлайвер!

— Хўжамнинг менда ишлари йўқми ҳозир?

— Йўқ, раҳмат, дўстим. Нед Ленд шима қияпти?

— Хўжамнинг рухсатлари билан айтишим мумкин. Ҳозир Нед Ленд кенгура гўшtidан шунақа қийма гайёр-лаяптики, емаган армонда қолади!

Хонада ёлғиз қолгач, ўрнимга кириб чўзилдим, аммо яхши ухлай олмадим.

Бошим устида — темир қопланган палубада юрган ёввойи одамларнинг оёқ дупурлари ва уларнинг қичқириқлари эшитилиб турар эди.

Тун осойишта ўтди. «Наутилус» командаси, одатдагидай кўринмас, овози ҳам чиқмас эди. Гўё ёввойи одамларнинг палубада бўлиши уларни чумолилар галаси чошиб юришганчалик ҳам таъвишлаптирмас эди.

Мен эрталаб соат олтида турдим. Люклар ҳали очилмаган эди. Демак, ҳаво кемадан буён янгилангани йўқ. Сирасини айтганда, бу упчалик сезилмас ҳам эди. Чунки резервуарлар ўз вақтида сув ости кемасининг сийракланган атмосферасидаги кислород ўрнини тўлатиб турарди.

Мен пешингача каютада ишлаб ўтирдим, капитан Немони ҳатто узоқдан ҳам кўрмадим. Кема бортида жўнаб кетишга ҳозирлик кўришнинг нишонаси ҳам сезилмас эди.

Мен анча вақтгача кутиб ўтирдим, сўнгра салонга ўтдим. Соат икки яримни кўрсатар эди. Яна ўн минутдан сўнг сув кўтарилиши ўзининг юқори нуқтасига етиши ва агар капитан Немо ҳисобда адашмаган бўлса, «Наутилус» денгиз сатҳига чиқиши керак эди. Акс ҳолда, у ўзининг маржон ўрнида яна бир неча ой қолиб кетиши турган гап.

Кўп ўтмай кема корпуси қимирлай бошлади. Кема қопламаси гадир-будур маржонларга тегиб гижирлаганини эшитиб қолдим.

Соат иккидан ўттиз беш минут ўтганда капитан Немо салонга кириб келди.

— Ҳозир жўнаб кетамиз,— деди у.

— Аҳа,— дея пўнғилладим мен.

— Люкларни очишга буйруқ бердим.

— Папуаслар-чи?

— Папуаслар дейсизми?— капитан Немо елкасини қисди.

— Ахир улар «Наутилус»нинг ичига кириб олишлари мумкин.

— Қандай қилиб?

— Сиз очишга буйруқ берган люк орқали.

— Жаноб Аронакс,— бамайликотир жавоб қайтарди капитан Немо.— «Наутилус» люки орқали, ҳатто у очиқ бўлган тақдирда ҳам ҳамини кириб бўлавермайди.

Мен капитанга тикилиб қолдим.

— Тушуномайсиз шекилли?— сўради у.

— Йўқ.

— Ундай бўлса мен билан юринг. Ҳозир кўрасиз.

Биз люкка олиб чиқадиган зинапоя олдига келиб тўхтадик. У ерда Нед Ленд билан Консель бир неча матросларнинг люкни очаётганини зўр қизиқиш билан томоша қилиб туришар эди. Палубадан даҳшатли қичқириқ ва фарёдлар эшитиларди.

Люк тавақалари икки ёққа очилди. Шу заҳоти туйнукда йигирмата ғазабланган башара намоён бўлди.

Аммо трап панжарасига биринчи бўлиб қўлини қўйган ёввойи одамни аллақандай номаълум куч итқитиб ташлади. У сакраб тушди ва фарёд чекканича қочди.

Унинг ўн ўртоғи ҳам трапга тегиб, шу қолга тушдилар.

Консель ҳаяжонини яшира олмас эди.

Ҳамини жанговарлиги билан ажралиб турадиган Нед Ленд қочаётган ёввойи қувмоқчи бўлиб, қўли билан панжарани ушлаб улгурмай, у ҳам орқага итқитиб ташланди.

— Минг лаънат-е! — Шанғиллади у. — Мени чақмоқ урди!

Бу сўзлардан сўнг менга масала аён бўлди.

Трап панжарасига юқори кучланишли ток ўтказилган эди. Унга ким тегса, зўр куч билан итқитиб ташланар эди. Агар капитан Немо панжарага ўзининг бутун батареяларидан ток юборгудай бўлса у теккан одамни ўлдириши ҳеч гапмас. Аммо у ҳужум қилаётганлар билан кема орасига ўлим келтирадиган эмас, ўтказмайдиган тўсиқ қўйиш билан чегараланган эди.

Шу орада ўлгидай қўрққан папуаслар шоша-пиша чекина бошладилар. Биз ўзимизни кулгидан аранг тийиб, телбаларча бўралаб сўкинаётган Нед Лендни тинчлантирар эдик.

Худди шу дақиқада «Наутилус» оқим тўлқини билан саёзликдан кўтарилди. Соат роппа-роса икки-ю қирқ. Бу — капитан Немо белгилаган вақт.

Кема парраги сувни жуда секин ура бошлади. Бироқ айланиши борган сари ортиб, шикастланмай сув сатҳига бут-бутун кўтарилган «Наутилус» Торрес бўғозининг хавфли сувидан чиқиб кетди.

### *Иигирма учинчи боб*

## ЯНА ҚАМОҚХОНАДА

Эртаси куни, 10 январда, «Наутилус» яна очиқ океанда сузиб борарди. Аммо бу гал у жуда катта тезлик билан — соатига камида ўттиз беш милядан сузар эди. Паррак шунчалик тез ҳаракат қилар эдики, бир минутда неча марта айланаётганини санамоқчи эдим, кўзим илғаб ололмади.

Бу мўъжизакор куч электр қуввати эканлигини ва у «Наутилус»ни ҳаракатга келтирибгина қолмай, ҳам ёритиши, ҳам иситиши, ҳам ташқи муҳитдан ҳимоя этиб, ҳеч ким яқин келолмайдиган чақмоқ тўсиқ қўя олишини эслганимда, буларнинг барига қойна қолар эдим. Буларнинг ижодкоридан янада кўпроқ ҳайратланардим.

Биз тўппа-тўғри ғарбга сузар эдик. 11 январда узунликнинг 135-градусида ва шимолий кенгликнинг 10-градусида жойлашган ҳамда Карпентария қўлтиғига киришдан иҳота қилиб турган Вессель бурунидан ўтдик. Бу ерда сув ости қоялар жуда кўп бўлса-да, аммо улар бир-биридан

анча узоқ масофада ва картада ҳам жуда аниқ кўрсатилган эди.

«Наутилус» йўлимиз устидаги узунликнинг 130-градуси ўнинчи параллелида чапдан Моне қоялари ва ўнгдан Виктория чўққилари оралиғидан осонгина ўтиб кетди.

Ўн учинчи январда биз узунликнинг 122-градусида жойлашган Тимор денгизи ва шу номдаги орол сувларига кирдик. Бир минг олти юз йигирма беш квадрат лье майдонни ишғол этган бу орол бир неча рожалар<sup>1</sup> томонидан бошқарилар эди. Орол ҳукмронлари ўзларини тимсоҳ фарзандлари деб атайдилар, яъни улар ўзларини ер юзидаги туғма олижаноб мавжудотлар деб ҳисоблар эдилар. Рожаларнинг йиртқич «аждодлари» орол дарёларида жуда кўп ва улар монархлар билан чатишиб кетганликлари учун аҳолининг иззат-ҳурматига сазовор эдилар. Уларга меҳрибонлик, хушомадгўйлик қилшади, емишига ёш қизларни инъом этишади. Биронта мусофир бу муқаддас судралувчига қўл кўтаргудай бўлса, шўри қурир эди.

Аммо бу ғоят қабих жирканчиликлар билан «Наутилус»нинг мутлақо иши йўқ эди. Биз Тимор оролини тушгайтида, капитан Ёрдамчиси навбатдаги кузатув олиб бораётганда бир неча дақиқагина кўрдик. Шу группага кирувчи кичкинагина Ротти оролини ҳам худди шундай бир нафасгина кўра олдим; бу оролнинг аёллари гўзалликлари билан машҳур ва улар Меланезия қул бозорларида юқори баҳоланар эдилар.

Бу ердан «Наутилус» жануби-ғарбга, Ҳинд океани томон бурилиб кетди.

Капитан Немонинг инжиқлиги бизни қаёққа бошлаб боришини билмас эдик. Балки Осиё қирғоқларигадир? Эҳтимол Европа қитъасигадир?

Капитан Немонинг аҳоли яшайдиган ерга доимий нафрати туфайли бу тахминларнинг қай бири ҳақиқатга яқинлигини билиш ғоят қийин масала эди.

Демак, биз яна жануброқ сурилар эканмиз-да? Балки «Наутилус» Яхши Умид ва Горн бурунларини айланиб ўтиб, жанубий қутбгача сузиб борар? Сув ости кемаси кенг қулоч ёйиши мумкин бўлган Тинч океан сувларига қайси йўл билан қайтар эканмиз?

Бу саволларга келажаккина жавоб бериши мумкин эди.

<sup>1</sup> Рожа — Ҳиндистонда феодал князлар ва ерли ҳокимларнинг унвони.



Биз ёвуз стихия ҳукмронлигига ўтиб, узоққа улоқтирилган қаттиқ ернинг сўнгги истехкомлари Картъе, Гиберни, Серингапатам ва Скотт сув ости қоялари ёнидан ўтиб, 14 январда қуруқликдан узоқдаги очиқ денгизга чиқиб олдик. «Наутилус» секин, бир маромда суза бошлади. Илжиқ ва беқарор кема гоҳ фақат катта чуқурликларда сузар, гоҳ эса узоқ муддат океан сатҳини тарк этмас эди.

Сузаётганимизда капитан Немо турли чуқурликларда денгиз сувининг ҳароратини текшириш юзасидан жуда қизиқ кузатувлар олиб борди. Одатдаги шароитда бу кузатишлар анча мураккаб асбоблар ёрдамида: металллар ўтказувчанлигидаги тафовутга асосланган термометрик зондлар ёки аппаратларда олиб берилади. Аммо бу асбобларга ҳамиша ишониб бўлавермайди, айниқса катта чуқурликларда сув босимига кўпинча ойнаси бардош беролмайдиган термометр зондларга ишонил қийин эди. Бунинг устига олинган маълумотларни текшириб кўриш ҳам қийин, чунки қайта тажриба ўтказиш жуда катта қийинчиликлар билан боғлиқ бўлади.

Капитан Немо эса истаган чуқурликларга тушаверади ва сувнинг турли қатламларида термометр ўша заҳотиёқ жуда аниқ ҳамда ишончли рақамларни кўрсатарди.

Шундай қилиб, капитан Немо гоҳ сув тўлатилган резервуарлар ёрдамида, гоҳ чуқурликка олиб тушадиган руллар воситасида океан сатҳидан аста-секин уч, тўрт, беш, етти, тўққиз ва ўн минг метр чуқурликка тушиб, барча кенгликларда минг метрдан пастда сув ҳарорати ҳамиша Цельсийнинг тўрт ярим градусига тенг бўлади, деган қатъий хулосага келди.

Мен бу тадқиқотларни зўр қизиқиш билан кузатиб бордим. Кўпинча ўз-ўзимдан: бу илмий тадқиқотлар капитан Немога нимага керак экан? — деб сўрар эдим. Наҳотки у инсоният манфаатини ўйлаётган бўлса?

Бу ҳақиқатга тўғри келмас эди — ахир унинг барча ишлари ўзи билан бирга оқибат пировардида аллақайси узоқ денгиз тубидан макон тутиши керак.

Эҳтимол у ўз илмий ишларини мен орқали жаҳонга тақдим этишга қарор қилгандир? Демак, унда эртами, кечми у менга ўзининг сув ости кемасини тарк этиб қуруқликка, одамлар орасига боришимга рухсат берадими?

Афсуски ҳозирча бунга умид боғлайдиган ҳеч қандай асос йўқ эди...

Шунга қарамай, бир куни капитан Немо ўзининг ер куррасидаги энг муҳим денгизларда сув зичлиги юзасидан олиб борган тадқиқотларининг натижаси ҳақида гапириб қолди. Сирасини айтганда, жуда катта илмий аҳамиятга молик бўлган унинг маълумотларидан, йўл-йўлакай мен фанга сира алоқаси бўлмаган, аммо шахсан мен учун муҳим бир хулоса чиқариб олдим.

Бу 15 январда эрталаб содир бўлди. Мен капитан Немо билан «Наутилус» палубасида сайр қилиб юрганамда, у мендан тўсатдан, денгиз суви зичлиги ҳамма ерда бир хил эмаслигини биласизми, деб сўраб қолди. Мен, йўқ, деб жавоб бердим ва фан бу ҳақда аниқ маълумотларга эга эмаслигини қўшиб қўйдим.

— Бу тадқиқотни ўзим олиб бордим,— деди менга капитан Немо.— аини вақтда унинг аниқлигига кафолат ҳам бера оламан.

— Бу жуда соз,— деб жавоб бердим мен,— аммо «Наутилус»— бу ўзича бир олам ва бинобарни ундаги олимларнинг кашфиёти ер куррасидаги аҳолига ҳеч қачон етиб бормади.

— Сиз ҳақсиз, профессор,— деди капитан Немо бир оз ўйлашиб олгач.— «Наутилус» чиндан ҳам ўзича бир олам. У ҳам қуёш атрофида айланаётган планеталар сингари ердан узоқда. Ерда Сатурн ёки Юпитер олимлари олиб бораётган ишдан хабарсиз қолаётганлари сингари «Наутилус» олимларининг ишлари ҳам худди шундай номаълумлигича қолаверади. Бироқ сизга, тақдири тасодифан «Наутилус» тақдири билан боғланиб қолган кишига, ўз кузатувларимнинг натижасини айтиб бера оламан.

— Диққат билан эшитяпман, капитан.

— Сизга, жаноб профессор, денгиз сувининг зичлиги чучук сувга нисбатан ортиқлиги маълум албатта, шундайми? Аммо ана шу зичлик ҳамма ерда бир хил эмас. Аслида агар чучук сув зичлигини бирлик деб қабул этилса, унда Атлантик океан сувининг зичлиги бир бутун мингдан йигирма саккизни, Тинч океанники бир бутун мингдан йигирма олтини ташкил этади; Уртаер денгизида сувнинг зичлиги ҳам шунча...

«Ҳа-а,— ўйладим мен,— демак у Уртаер денгизида ҳам бўлиб турар экан!»

— ...бир бутун мингдан ўттиз бир, Ион денгизида бир бутун мингдан ўн саккиз ва Адриатика денгизининг сувида бир бутун мингдан йигирма тўққиз.

Масала аён, демак «Наутилус» ер куррасидаги энг гав-жум денгизларда ҳам бўлган. Бу гаплардан сўнг мен шундай хулосага келдим: вақти келиб, балки яқин орада, у анча маданийлашган мамлакатларга ҳам яқинлашуви мумкин.

Бу янгилик Нед Лендни курсанд қилса керак.

Кейинги кунларда биз биргаликда бир неча тадқиқотлар ўтказдик: турли чуқурликлардаги сув таркибида қанча туз борлигини, сувнинг ток ўтказиш даражасини, ранги ва тиниқлигини аниқлаш ва ҳоказолар. Бирга ўтказилган шу вақт ичида капитан Немонинг ўта ихтирочилиги мени ҳайратга солди. Унинг ихтирочилиги билан менга нисбатан жуда узоқни кўриб иш тутишигина рақобат қила олар эди. Бироқ бу тажрибалар тугагач, у яна ғойиб бўлди ва мен илгаригидай сув ости кемаси бортида ёлғиз қолдим.

Ун олтинчи январда «Наутилус» денгиз сатҳидан бир неча метр пастда ухлаб қолгандай эди. Электр машиналари юришдан тўхтади ва ҳаракатсиз қолган винт кемани оқимга ташлаб қўйди.

Менимча, машиналар узоқ вақт жуда катта тезликда сузиши оқибатида етган зарарни бартараф этиш учун жорий ремонтга тўхтатилган бўлса керак.

Шу куни мен ва ўртоқларим ғалати бир воқеанинг шохиди бўлдик. Салон деразаларидаги тўсиқ очилган бўлсада, «Наутилус» прожектори ишламаётгани, кўкни эса қора булутлар қоплаганидан сувнинг остки қатламлари етарли ёритилмаган ва атрофимизда ним қоронғилик ҳукмрон эди.

Мен ғалати кўринаётган денгизни кузатаётганимда, «Наутилус» тўсатдан ёрқин ёғду таралаётган жойга келиб қолди. Олдиниға мен электр прожектор ишлай бошлаб, сув қатламларини ёритди, деб ўйладим. Бироқ синчиклаб қарасам бу тахмин хато экан.

Оқим «Наутилус»ни фосфорли шуълаланувчи сув қатламиға олиб келган бўлиб, атрофдаги қоронғиликда бу ёғду кўзни қамаштирадиган даражада ёрқин кўринаётган эди. Еруғлик таратадиган, кўзға кўринмас сон-саноксиз жониворлардан чиқаётган бу нурлар сув ости кемасининг металл корпусида синиб, янада ёрқинроқ кўринарди. Ярқираб турган денгизда бирдан қиздирилган печдаги эриётган қўрошни оқимига ўхшаш ёғду таралиб кетди; бу ёғду олдида фосфорли қатламнинг баъзи ерлари қоронғидай бўлиб туюларди. Йўқ, бу ёғду бизнинг бир хилда нур таратадиган прожекторимизға сира ўхшамас эди. Унда

куч ва ҳаракат сезилиб турарди. Бу ёғдунинг тирик мавжудот эканлиги дафъатан кўзга ташланар эди.

Бир неча соат «Наутилус» ана шу шуълаланиб турган сувда сузди. Саламандралар<sup>1</sup> сингари улкан денгиз жониворларининг шу ёғду ичида юрганини кўрганимизда яшада кўпроқ ҳайратландик. Бу совуқ ёғдуда чарчоқ билмас акробат — дельфинлар, узунлиги уч метрли ва найзалари неча марталаб салон ойласига тегаётган найзашохлар чўмилишар эди. Шундан сўнг спинороглар, макрель ва юзлаб бошқа хил майда балиқлар кўринди.

Бу манзаранинг аллақандай ғалати бир мафтункор кучи бор эди. Эҳтимол атмосфера шароити бу ёруғликни кучайтираётгандир. Балки денгиз сатҳида момақалди роқ бўлаётгандир? Бироқ «Наутилус» сузаётган бир неча метр чуқурликда ҳавонинг айнигани билинмас ва биз сокин сувда бир маромда тебранардик.

Шундай қилиб, бизлар янгидан-янги мўъжизалар оралаб секин сузиб борардик. Консель кўзини тўрт қилиб, зоофитлар, бўғиноёқлилар, моллюскалар ва балиқларни тинмай классификациялаётган эди.

Кунлар жуда тез ўтаётганидан мен уларни ҳисобламай ҳам қўйдим. Нед Ленд ўз одатича, дастурхонимизнинг хилма-хил бўлиши пайида эди.

Биз шиллиқ қурт сингари чиғаноғимизни сира тарк этмас эдик. Шиллиқ қуртга айланиб қолиш ҳеч гап эмаслигини ўз тажрибамда синаб кўрдим.

Биз шу таразда ҳаёт кечиришга ўрганиб қолдик, бу анча осон ва беташвиш эди ва бинобарин ер куррасида ҳаёт мутлақо бошқача эканлигини тамоман унутиб юбордик.

Аммо тўсатдан содир бўлган бир воқеа бизни ҳақиқий аҳволни идрок этишга қайтарди.

Ун саккизинчи январда «Наутилус» узунликнинг 105-градусида ва жанубий кеңликнинг 15-градусида борар эди. Ҳаво момақалди роқли, денгизда баланд тўлқинлар сайр этар эди. Шарқдан шамол довул сингари куч билан эсмоқда эди. Бир неча кун сурункасига тушиб кетган барометр эндиликда бўрон яқинлашаётганини кўрсатиб турарди.

Мен капитан ёрдамчиси кузатув олиб бораётган пайтда палубага чиқдим. У одатдагидай ўша сўзларни қайтаради,

---

<sup>1</sup> Саламандра — ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшайдиган калтакесаксимон жонивор.

деб ўйлаб турган эдим. Аммо ўша куни у олдингига ўхшамаган, аммо худди илгаригидай тушуниб бўлмайдиган бошқа сўзларни айтди. Шундан сўнг ўша заҳотиёқ палубага капитан Немо чиқди ва дурбинни кўзига тутиб, уфққа назар ташлади.

Капитан Немо дурбинни уфқдаги бир нуқтага қадаб, бир неча минут давомида қимирамай турди. Шундан сўнг дурбинни тушириб, ёрдамчиси билан тушунилмайдиган тилда бир неча оғиз гаплашиб олди.

Сўнгги сўзлари капитан ёрдамчисининг нимадандир ҳаяжонланаётганини, ўзини аранг босиб турганини кўрсатар эди. Капитан Немо ўзини анча вазмин тутиб, ўзига хос совуққонликни сақлаётган эди. Назаримда, капитан ёрдамчисига тапбеҳ бергандай бўлди, у эса бунга жавобан бир нима деб ишонтирди ёки ваъда қилди.

Ҳар ҳолда уларнинг гап оҳанги менда шундай таассурот қолдирди.

Мен уфқнинг ҳозиргина капитан Немо ва унинг ёрдамчиси дурбиндан қараган ерига жуда диққат билан тикилдим, аммо ҳеч нарса кўринмади. Узоқдан сув билан осмон қўшилиб кетиб бир чизиқ ҳосил этгандай ва бу тўғри чизиқни ҳеч нарса тўсмаётган эди.

Шу орада капитан Немо ён-верига қарамай, палубанинг у бошидан бу бошига юрар эди, эҳтимол мени кўрмаган ҳамдир. У илгаригидай шошилмай одимлар, аммо одатдагидан бир оз бошқачароқ.

Аҳён-аҳёнда у тўхтаб, қўлини кўкраги устида чамбарак қилиб, денгизга тикилар эди.

Улкан сув саҳросининг нимасига қараркин? «Наутилус» билан энг яқин ернинг оралигидаги масофа бир неча ўн миля эди.

Капитан ёрдамчиси дурбинни яна кўзига олиб борди. Сўнг палубада ўзини у ёқдан бу ёққа уриб чопа бошлади, баъзан тўсатдан тўхтаб қолиб, тепиниб, яна югуришда давом этар эди. Энди у ҳаяжонини яширишга ҳам интиلمас эди.

Ҳар ҳолда бу сир тез орада ойдинлашуви керак эди, чунки капитан Немонинг буйруғига биноан машиналар бор кучи билан ишлай бошлади.

Шу дақиқада ёрдамчи яна ўз бошлиғини чақириб қолди. У юришдан тўхтаб, дурбинни кўрсатилган нуқтага қаратди. У узоқ муддат дурбинни кўзидан узмай турди. Ҳамиша вазмин бу одамларнинг ана шу ғалати қилиқла-

ридан таажжублашиб, салонга тушдим ва доним фойдаланаётган ажойиб дурбинимни олиб чиқдим. Уфққа қараш учун дурбинни кўзимга олиб бордим. Бироқ, дурбинни керакли томонга қаратганимча ҳам йўқ эдики, уни қўлимдан тортиб олишди.

Шартта қайрилиб қарадим. Қаршимда капитан Немо турар эди, ammo мен уни таний олмай қолдим. Ранги қув ўчган эди. Кўзлари маъюс чақнар эди. Оғзи хиёл очилиб, тишлари кўринди. Унинг тортишиб турган гавдаси, мушт қилиб тугилган қўллари, елкасининг ичига тортилган боши бутун вужудини қаттиқ қаҳр ва ғазаб қамраб олганини мфодалар эди.

У қотиб турарди. Қўлимдан тортиб олган дурбини палубада ётар эди.

Наҳотки шу қадар жаҳлини чиқарган бўлсам? Балки бу ғалати одам «Наутилус»нинг бандисига ман этилган бирон сирни билиб олди деб ўйлаётгандир?

Бироқ унинг жаҳли чиққанига мен сабабчи эмас эдим. У ҳатто менга қарамасди. Нигоҳи уфқдаги ўша кўринмас нуқтага қадалган эди.

Аmmo капитан Немо ўз туйғуларини яна жиловлаб олди. Унинг ғазабдан ўзгарган юзи яна одатдаги совуқ осойишта ҳолатига қайтди. У ёрдамчисига бир неча тушунилмайдиган сўзларни айтди, шундан сўнг менга юзланди.

— Жаноб Аронакс,— деди у ҳокимона оҳангда,— мен сиздан шартномамиз шартларидан бирини бажаришингизни талаб этмоқчиман.

— Қайси шартини, капитан?

— Сиз ва шерикларингиз ўзим озод қилгунча бандда туришларингиз керак.

— Буйруғингизга итоат этишга мажбурман,— деб жавоб қайтардим мен унга қаттиқ тикилиб туриб,— ammo бир нарсани сўрашга рухсат берсангиз.

— Йўқ, рухсат бермайман!

Баҳслашиб ўтириш бефойда, чунки менда унга қаршилик кўрсатадиган даражада қудрат йўқ эди.

Бўйсунушга тўғри келди.

Мен Нед Ленд ва Консель турадиган каютага тушиб, уларга капитаннинг буйруғини етказдим.

Менинг бу ҳақдаги гапим канадаликна қанчалик таъсир қилганини тасаввур этиш китобхонга ҳавола. Сирасини айтганда, узоқ гапириб ўтиришга бизда вақт ҳам қолмаган эди. Эшик олдида туриб турган тўр матрос бизни «Нау-

тилус»га тушган биринчи кунимизда қамаб қўйишган ўша каютага бошлаб боришди.

Нед Ленд энди қаршилик кўрсатмоқчи бўлиб турганида, бурни олдида эшик тарақ этиб ёпилди.

— Бу нима қилганлари, хўжам айтолмайдиларми? — деб сўради Консель.

Мен ўртоқларимга палубада бўлиб ўтган воқеаларни батафсил гапириб бердим. Улар мендан ҳам кўпроқ тааж-жубланишди, ammo бундан бизни қамраб олаётган сир аён бўлгани йўқ.

Мен чуқур ўйга толдим. Капитан Немонинг жуда галати афти ангори кўз олдимдан сира нари кетмас эди. Турли-туман бемаъни ўй ва тахминлардан бошим қотиб, ҳеч нарсани идрок этолмайдиган даражага етганимда, тўсатдан Нед Ленднинг овози мени ўзимга келтирди:

— Буни қаранг, стол устида нонушта!

Дарҳақиқат, стол устида идиш-товоқлар турар эди. Капитан Немо «Наутилус»нинг тезлигини ошириш тўғрисида буйруқ берганда, биратўла нонуштани ҳам айтганга ўхшайди.

— Хўжам бир маслаҳат беришимга рухсат берадиларми?

— Бўлмаса-чи, дўстим, — жавоб бердим мен.

— Ундай бўлса, нонушта қилиб олишингизни маслаҳат берар эдим. Эҳтиёт шарт. Ахир, нима бўлишини билмаймиз-ку.

— Тўғри айтасан, Консель.

— Афсуски, — дея хўрсинди Нед Ленд, — бизга фақат балиқдан тайёрланган таомлар беришибди, ўзимиз гамлаган нарсалардан эса ҳеч вақо йўқ...

— Бизга ҳеч қанақа нонушта бермаганларида нима дея олардингиз, Нед?

Бу ўринли гап канадаликни шу заҳотиёқ тийиб қўйди.

Стол атрофига ўрнашиб олдик. Нонушта вақтида ҳамма жим ўтирди.

Мен озгинагина едим. Консель ўша «эҳтиёт шарт» учун ўзини кўпроқ таом еб олишга мажбур этарди, Нед Ленд эса нөрозилигига қарамай, бирор бурда озуқанинг ҳам нобуд бўлишига йўл қўймади.

Нонуштадан сўнг ҳар биримиз ўз бурчагимизга ўтириб олдик.

Худди шу вақт камераимизни ёритиб турган ярим шар ўчи ва биз зим-вие қоронғиликда қолдик. Нед Ленд фур-

сатни бой бермай хуррак торта бошлади. Кўп ўтмай Консель ҳам уйқуга кетгани мени таажжублантирди. Мени ҳам чидаб бўлмас даражада уйқу босаётганини ҳис этгач, дўстларимнинг тўсатдан уйқуга кетиши сабабини ўз-ўзимдан сўрай бошладим.

Мен кўзларимни очиқ тутишга қанчалик уринмай, қовоқларим оғирлашгач, беихтиёр юмилиб қолди. Мени мудроқ қийнай бошлади. Бизга берилган таомларга уйқу келтирадиган моддалар қўшилганга ўхшарди.

Демак, капитан Немога ўз ҳаракатларини яшириш учун бизни зим-зиё зиндонга ташлагани кифоя қилмай, бунинг устига ухлаб қолишимиз ҳам зарур бўлиб қолибди-да?

Уйқу аралаш люкларнинг ёпилаётганини эшитиб қолдим. Денгиз сатҳида турганда бўлаётган енгил чайқалиш ҳам тинди. Афтидан «Наутилус» абадий сукунат ҳукмрон бўлган океан қаърига тушганга ўхшарди.

Мен ҳамон уйқу билан олишар эдим. Аммо иложи бўлмади. Нафас олишим оғирлашиб, бармоқларимнинг учидан бошланган даҳшатли совуқ юрагимгача етиб келаётганини сеза бошладим. Қўрғошиндай оғирлашган қовоқларимни кўтариб бўлмас эди. Алаҳлай-алаҳлай оғир уйқуга кетдим. Кўп ўтмай ҳеч нарса кўринмай қолиб, ўзимдан кетдим.

### *Иигирма тўртинчи боб*

## МАРЖОНЛАР ОЛАМИДА

Эртаси куни уйқудан бошим гувиллаб турдим. Ўз каютамда ётганимни кўриб ғоят таажжубландим. Оғайниларимни ҳам ухлаб ётганларида ўз каюталарига кўчиришгандир. Бинобарин улар ҳам ўтган тундаги воқеаларни менчалик билишса керак, шунинг учун келажак бу сирнинг пардасини очишига умид боғлашдан бўлак чорам қолмаган эди.

Каютадан чиққим келди. Аммо мен озодмикинман ёки илгаригидай банддаманми? Йўқ, ҳартугул тамоман озод эканман. Эшикни очиб, йўлак орқали палубага олиб чиқадиган трапга ўтдим. Воқеалар бўлиб ўтишидан олдин ёпилган люк ланг очиқ эди.

Палубага чиқдим.

У ерда Нед Ленд билан Консель мени кутиб туришган экан. Уларни сўроққа тутдим. Ҳеч нарсани билишмас эди.



Кеча кечкурун оғир уйқуга кетишганларича бугун эрта-  
лаб ўз каюталарида уйғонишган эдилар.

«Наутилус» одатдагидай осойишта ва сирли эди. У ден-  
гиз сатҳида бир маромда сузарди. Унда ҳеч қандай ўзга-  
риш содир бўлмагандай.

Нед Ленд уфқни кўздан кечирди. Денгиз бўм-бўш —  
ҳатто канадаликнинг ўткир кўзлари ҳам узоқда на елкан,  
на пароход мўрилари, на ерни кўра олди. Ғарбдан эсган  
кучли шамол денгизни қаттиқ тўлқинлантирди.

«Наутилус» яхшигина чайқала бошлади.

Ҳавони янгилагач, «Наутилус», зарурат туғилган ўша  
заҳотиёқ, кўтарилиши учун бўлса керак, ўн беш метр чу-  
қурликка шўнғиди. Бу маневр 19 январда одатдан ташқари  
бир неча марта қайтарилди. Ҳар гал капитан ёрдамчиси  
палубага кўтарилиб, ўша ердан люк томонга қараб одатда-  
ги сўзларни қайтарар эди.

Капитан Немо кўринмас эди. Уша куни командадан  
менга тартибу мақом билан овқат келтирадиган тепса-теб-  
ранмас стюарднигина кўрдим.

Кундуз соат иккиларда хотираларимни тартибга сола-  
ётгандим, салонга капитан Немо кириб келди. Унга таъ-  
зим қилдим. У бунга жавобан бошини хиёл эгди-ю, бирор  
сўз демади. У кечаги воқеаларга доир бирон нарсани гапи-  
риб берар, деган умидда ишимни давом эттираведим.  
Бироқ у индамади.

Мен ер остидан унга қараб олдим. У жуда ҳориганга  
ўхшарди; кўзлари уйқудан қолгандек қизарган; юзи ўта  
ғамгин, ҳатто мусибат шарпаси тушиб турар эди.

У хонада юра бошлади, диванга ўтирар, яна ўрнидан  
турар, дуч келган китобни қўлига олиб, шу заҳотиёқ таш-  
лар, асбоблар олдига келиб, уларга тикилар, аммо одатда-  
гидай ёзмас эди. Афтидан, у бир зум бир жойда тек ту-  
ролмаётгандай эди.

— Ниҳоят у менга яқинлашиб, сўради:

— Сиз врач эмасмисиз, жаноб Аронакс?

Бу мен учун кутилмаган савол бўлганидан, бирпас жа-  
воб бермай, унга тикилиб қолдим.

— Сиз врач эмасмисиз, деб сўраяпман. Зеро, натура-  
лист ҳамкасбларингиздан кўпчилиги тиббий маълумот ҳам  
олишган-ку...

— Ҳа, клиникада врач ҳамда ординатор эдим. Музейга  
киргунимча бир неча йил медицина соҳасида ишлаган-  
ман,— деб жавоб бердим мен.

— Жуда соз,— деди капитан.

Жавобимдан мамнун бўлганга ўхшарди. Бироқ мендан нима истаётганини билмаганимдан янги саволларга уларнинг мазмунига қараб жавоб беришни ўйлаётган эдим.

— Жаноб профессор,— дея давом этди капитан,— матросларимдан бирига медицина ёрдами кўрсата оласизми?

— Кемада бемор борми?

— Ҳа.

— Мен тайёрман, бошланг.

— Юринг.

Очигини айтсам, юрагим гупилаб ура бошлади. Негадир хаёлимга дарҳол шу бемор матроснинг касали билан тунги воқеалар алоқадор бўлса керак, деган фикр келди ва бемордан кўра шу сир мени кўпроқ қизиқтириб қўйди.

Капитан Немо мени кема қўйруғига бошлаб бёрди ва матрослар кубригининг ёнидаги кичкина каюта эшигини очди.

Каютада юзидан жасорат барқ уриб турган, қирқ ёшлар чамасидаги чинакам англо-сакс ётар эди.

Мен унга энгашдим. У касал эмас, ярадор эди. Унинг қон бўлиб кетган бинтлар билан тангилган боши ёстиқда эди.

Мен бинтларни ечдим. Ярадор кўзларини катта-катта очиб менга тикилиб турди-ю, аммо бинтларини ечишга ҳалақит бермади, ҳатто бирор марта инграмади ҳам.

Жароҳат жуда оғир эди. Бош коса қандайдир ўтмас нарса билан уриб ёрилган бўлиб, мия очилиб қолган экан. Мия тўқималари қаттиқ зарарлангани шундоққина кўрииб турибди. Кул ранггина мияда қотиб қолган қонлар дастурхонга винодан юққан доғларга ўхшарди. Хуллас, ярадор бир вақтнинг ўзида ҳам мияси чайқалиб лат еган, ҳам ўша ернинг ўзига қон қуйилган.

Бечора зўрга нафас оларди. Ора-сира юзи тиришиб қолар эди. Қаршимда ҳаракат маркаслари ишламай қолган мия шамоллашининг худди ўзи ётар эди.

Беморнинг томир уриши тез-тез ўзгариб турарди. Оёқ ва қўл учлари музлай бошлади. Улим яқинлашаётганини ва уни ҳеч нарса билан қайтариб бўлмаслигини яққол кўриб турибман.

Ярани қайта боғлаб, капитан Немога қарадим.

— Бу одам қандай қилиб яраланган эди?— сўрадим мен.

— Бунинг бирон аҳамияти борми?— жавоб беришда у зини олиб қочди у.— «Наутилус» зарб билан урилиб, машина ричаги синди ва шу одамга келиб тегди. Бунни қўйингу, унинг саломатлиги ҳақида фикрингиз қандай?

Дудуқланиб қолдим.

— Гапираверинг,— деди капитан Немо,— у француз тилини тушунмайди.

Мен ярадорга яна бир қараб олгач, дедим:

— Бу одам узоғи билан икки соат яшайди.

— Уни олиб қолишнинг ҳеч иложи йўқми?

— Мутлақо.

Капитан Немо асабийлашиб муштларини қисди. Кўзларидан ёш думалади.

Мен бир неча минут жон бераётган кишидан кўз узмай қараб турдим. Ҳаёт аста-секин уни тарж эа бошлаган эди.

Электрнинг совуқ ёғдуси унинг рангпарлигини янада бўрттириб кўрсатаётган эди.

Мен унинг қашшоқлик ва бахтсиз ҳаёт изи барвақт ажинлар ҳосил этган оқил юзини кўздан кечирдим.

Мен музлаётган лаблар сўнгги сўзларни айтиб, бу ҳаёт сирини ифода этар деган умидда эдим.

Бироқ капитан Немо менга мурожаат қилди:

— Сизни ортиқ ушлаб ўтирмай бўлмаса, жаноб профессор.

Кетишга тўғри келди.

Мен капитанни жон бераётган матрос тўшаги олдида қолдириб, қаттиқ таъсирланган ҳолда каютамга қайтдим.

Кун бўйи юрагим гаш бўлиб, взилиб юрдим. Кечаси яхши ухлай олмадим. Уйқумда узоқдан йиғи ва мотам куйлари эшитилиб турди.

Эртаси кунни тонготарда палубага чиқдим. Капитан Немо ўша кунни мендан олдироқ чиққан экан. У менга яқинлашди.

— Жаноб профессор,— деди у,— бугун сув ости сайрига чиқишга ҳушингиз борми?

— Дўстларим ҳам унда иштирок этишлари мумкинми?

— Агар боришмоқчи бўлса.

— Таклифингизни мамнуният билан қабул этаман.

— Ундай бўлса, скафандрни кийиб олинг.

Жон бераётган ёки марҳум ҳақида бир оғиз ҳам сўз йўқ.

Мен Нед Ленд ва Консель олдига кириб, капитан Немонинг таклифини айтдим.

Консель жон деб рози бўлди, канадалик ҳам бу гал рад втмади.

Соат эрталабки саккиз ҳам бўлгани йўқ эди. Соат саккиз яримда биз скафандрларни кийиб, Руквейроль резервуарлари ва электр фонарлар билан қуролланиб олган эдик.

Ҳар икки эшик бирин-кетин очилди ва биз капитан Немо ҳамда ўн икки нафар матрос ҳамроҳлигида ўн метр чуқурликдаги «Наутилус» ҳордиқ чиқараётган тошлоқ ерга тушдик.

Хиёл пастлашиб кетган ўзан бора-бора бизни ўттиз метрлар чамаси чуқурликдаги ерга олиб борди. Биз Тинч океандаги биринчи экскурсиямизда кўрганимиздаги ўзандан тамомила фарқ қиладиган ҳавзага тушдик. Бу ерда на юмшоқ қум, на сув ости ўтлоқлари, на денгиз ўрмонлари бор эди. Капитан Немо бошлаб бораётган бу ернинг ўзига хослиги дарҳол кўзга ташланади. Бу маржонлар олами эди.

Зоофитлар бўлими, альционорийлар кичик синфида горгоний гуруҳи бор; олимлар томонидан ҳар учала — минераллар, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига алоқадор деб топилган, табиат яратган бу ажабтовур маржонлар шу гуруҳга мансубдир. Қадимгиларга дори хизматини ўтаган ва замонамиз аёлларининг қимматбаҳо тақинчоқларига айланган бу маржонлар 1744 йилдагина инглиз Тремблей томонидан узил-кесил ҳайвонот оламига киритилган эди.

Маржон — бу тошсимон, мўрт полиплар ҳосил этадиган майда ҳайвонот тўдаларидир. Бу полиплар куртаклаш йўли билан кўпаяди. Улар умумий ҳаёт кечиришса-да, айнаи вақтда тўданинг ҳар бир аъзоси ўзича мустақил яшайди.

Бу қизиқ зоофитлар ҳақидаги сўнгги тадқиқотларни ўқиган эдим. Табиат океан қаърига ўтқазган ва тошга айланган маржон дарахтлардан иборат бу ўрмонни кўриш мен учун жуда қизиқарли эди.

Биз фонарларимизни ёқиб, маржонлар яқиндагина ҳосил этган, вақт ўтиши билан эса Тинч океаннинг бу қисмини Ҳинд океанидан тўсиб қўядиган девор ёнидан юрдик. Йўл-йўлакай қалин маржон дарахтзорларини айланиб ўтишга тўғри келди. Фақат ердаги дарахтлардан фарқли

ўлароқ бу дарахтсимон ўсимликларнинг бир учи қояларга ёпишган бўлиб, юқоридан пастга қараб ўсар эди.

Фонарларимиздан таралаётган ёғду оқиш дарахтларга тушиб, ажойиб манзара ҳосил этар эди. Баъзан бу тошга айланган дарахтлар сув ҳаракатидан қимирлаётгандай бўлиб туюларди; ҳозиргина гуллари қийғос очилган ёки гунчадан лаб очаётган нафис ва майин тиканакли шохларни узиб олгим келар эди. Енгил, тутқич бермас тезюрар балиқчалар уларга хиёл тегиб, қушлар тўдасидай ўтиб кетишарди. Бироқ мен бу тирик гулларга қўл уришим билан бутун туркум жунбишга кирар эди. Оқ шохчалар ўзларининг қизил ғилофларига яшириниб олардилар, гуллар кўз ўнгимизда сўлиб, яшнаб турган бута қуруқ тошга айланиб олар эди.

Тасодиф мени энг нодир зоофитлар тўдасига олиб борди. Бу маржонлар ўзининг зеболиги билан Ўртаер денгизининг Франция, Италия ва Африка қирғоқларидан йиғиб олинадиган маржонлардан сира қолишмас эди.

Ажойиб маржонларнинг товланиши заргарлар уларнинг энг яхши нусхаларига берадиган: «қонли гул» ва «қонли кўпик» каби номларга тамоман мос тушар эди.

Кўп ўтмай буталар тез-тез учрайдиган бўлиб, дарахтлар эса баландлашиб борди. Олдимизда меъморчиликнинг эртақлардагидай узун йўлаклари намоен бўлди.

Капитан Немо қоронғи, хиёл қиялаб кетган йўлакка тушиб кетди. Бу йўлак бора-бора бизни юз метр чуқурликка олиб борди.

Маржон дарахтлар орасида мен бошқалари — бўғинлардан шохлаган полипларнинг жуда қизиқ турларини, тўқималарини оҳақ қоплаб, тамоман тошга айланган бўлса-да, ташқи кўринишидан чинакам сув ўтларига ўхшаш бир неча яшил ва қизил маржон буталарини ҳам кўрдим. Бироқ бир мутафаккирнинг таъбири билан айтганда, «маржонлар — бу эҳтимол ҳаётнинг тош уйқудан уйғона бошлаган, аммо ҳали ҳаракатга кирмаган пайтидир».

Ниҳоят, икки соат юриб тахминан уч юз метр чуқурликка, яъни маржонлар ҳосил бўлиши тугаган ергача тушдик. Бу ерда маржон дарахтларнинг алоҳида гуруҳлари эмас, бир-бирлари билан турли рангдаги денгиз чирмовуқлари ёрдамида жуда чиройли гулчамбарлар ҳосил этиб тутшиб кетган бутун бошли сокин ўрмон ястаниб ётар эди. Биз уларнинг қалин қоронғи сув қатламлари томон

бўй чўзган пештоқларидан қаддимизни букмай ўтардик, оёқларимиз остида эса тубипор, астра, меандрин, фунгий ва кариофилийлар гиламдай ранг-баранг гуллаб ётарди.

Қандай ажойиб манзара! Минг афсуски, таассуротларимизни баҳам кўра олмас эдик! Шундай унутилмас дақиқаларда бошинг ойна ва мисдан иборат шлём асири бўлиб турганини ҳис этиш қанчалик оғир! Нега энди биз ёнимиздан ўқдай учиб ўтаётган мана шу балиқлар сингари сувда яшай олмаймиз ёки яхшиси, узоқ вақт сувда ҳам, қуруқликда ҳам туриб, ҳар иккала муҳит — ҳавода ва сувда ўзини бирдай яхши ҳис эта оладиган амфибиядек эмасмиз?

Шу орада капитан Немо тўхтади. Унга қараб ўртоқларим билан мен ҳам тўхтадим. «Наутилус» матрослари ўз бошлиқлари атрофида ярим ҳалқа бўлиб саф тортишганига кўзим тушди.

Синчиклаб қараганимда улардан тўрт киши елкаларида аллақандай чўзинчоқ нарсани кўтариб туришганини кўрдим.

Биз чор атрофи баланд маржон ўрмон билан ўралган кенггина ўтлоқнинг ўртасида турар эдик. Фонарларимизнинг денгиз тубига тушиб турган хира ёғдусидан улкан соялар ҳосил бўлган эди.

Ўтлоқнинг атрофи тим қоронғи ва фақат унда-бунда қонли ёғду яттиллаб, ўша заҳотиёқ ўчаётган эди. Бу — фонардан таралаётган лурнинг бир зумгина маржонларда синиб қайтиши эди.

Нед Ленд билан Консель ёнимда туришарди. Фақат ҳозиргина ҳаёлимизга сув ости сайримиз маълум мақсадни кўзлаб қилингани ҳақидаги фикр келди.

Сув тубини кўздан кечира туриб, бир нарса эътиборимни ўзига жалб қилди: кўп жойда қатор тепаликлар дўппайиб турар эди; уларнинг тартиб билан туриши инсон қўли билан қилинганидан далолат берар эди.

Капитан Немонинг ишораси билан матрослардан бири олдинга чиқиб, белидаги чўкичини ечиб, ўзандан чуқур ковлай бошлади.

Энди менга ҳамма нарса аён бўлди.

Бу ўтлоқ — қабристон, матрос ковлаётган чуқур эса — қабр; матросларнинг елкасидаги чўзинчоқ нарса — тунда ўлган кишининг жасади эди.

Капитан Немо ва унинг матрослари бу ерга ўз дўстла-

рининг жасадини океан қаъридаги шу биродарлар қабри-  
тонига дафн этиш учун келган эдилар.

Мен ҳеч қачон бу қадар ҳаяжонланмаган эдим. Бирон  
нарсга мени ҳеч шунчалик ларзага солгани йўқ.

Қаршимда содир бўлаётган воқеаларни кўришга тоқат-  
тим йўқ эди, айни вақтда бу манзарадан бир секунд ҳам  
кўз узолмас эдим.

Бу орада ўра океаннинг маржон туби томон аста-секин  
чуқурлашаётган эди. Чўкич зарбидан чўчиган балиқлар  
ўзини ҳар томонга уриб қочар эди.

Темир чўкич сув қаърига тушиб қолган бир парча тош-  
га бориб тегиб бўғиқ овоз чиқарганини ҳам эшитдим.

Ўра узунасига ва энига қараб кенгаймоқда эди. Ниҳоят  
у одамни сигдирса бўладиган ҳолга етказилди.

Шундан сўнг мурда кўтарганлар ўрага яқинлашишди.  
Оқ матога ўралган жасад сув билан тўлган қабр ичига  
сирғалиб тушди.

Капитан Немо ва матрослар қабр атрофида қўлла-  
рини кўкракларини устига чамбарак қилиб турар эдилар.  
Биз бу манзарадан қаттиқ ҳаяжонланиб, уларнинг мотам-  
ларига ҳалақит бермаслик учун бир қадам орқага че-  
киндик.

Қабрни маржон парчалари билан беркитиб, уни тўғри  
шаклга келтиришди.

Бу иш бажарилгач, капитан Немо ва унинг ҳамроҳлари  
бир тиззаларини эгиб, ерга қўйдилар ва сўнгги видолашув  
белгиси сифатида қўлларини юқорига кўтардилар...

Шундан сўнг мотам маросими тугаб, «Наутилус» томон  
йўл олдик.

Биз яна маржон ўрмон пештоқлари остидан ўтиб, мар-  
жон девор этагидан чиқдик. Бу ердан баланд тепалик бош-  
ланди. Бир соатлик машаққатли юришдан сўнг ниҳоят  
олисдан «Наутилус» чироқлари кўринди. Биз тўғри ўшанга  
қараб юрдик ва пешиндан кейин — соат иккида бортга етиб  
олдик.

Уст-бошимни алмаштиргач, ҳозирги ўз кўзларим билан  
кўрган маросимдан ғам-андухга тушган ҳолда ўша заҳоти  
палубага чиқиб олдим.

Кўп ўтмай капитан Немо ҳам ёнимга келди. Мен ундан  
сўрадим:

— Демак, мен олдиндан айтганимдай, ўша одам тунда  
вафот этибди-да?

— Ҳа, жаноб Аронакс, — дея жавоб берди капитан.

— Энди у ўзининг кўпгина ўртоқлари қаторида, сув остидаги маржон қабрда, абадий уйқуга кетди, а?

— Ҳа, у ҳамма томонидан унутилган бўлса-да, аммо биз унутмаган ерда ётипти...

Шундай деб капитан Немо йиғисини қайтариш учун юзини қўллари билан бекитса ҳам бўлмади.

Узоқ жимликдан сўнг у бундай деди:

— У ерда, сув қаърида, бизнинг сокин қабристонимиз жойлашган...

— У ерда, акулалар боролмайдиган жойда, марҳум дўстларингиз осуда уйқуда ётишипти.

— Ҳа,— дея бўғиқ овозда жавоб берди капитан Немо,— акулалар ва одамлар боролмайдиган жой.

### **Биринчи қисм тугади**



## ИККИНЧИ ҚИСМ

### Биринчи боб

### ҲИНД ОКЕАНИ

Шу сатрлардан сув ости саёҳатимиз ҳисоботининг иккинчи босқичи бошланади. Биринчиси менда гоят кучли таассурот қолдирган маржон қабристондаги ҳаяжонли манзара билан тугаган эди.

Капитан Немонинг ҳаёти бепоён океан кенгликларида шу тарзда ўтиб борарди. У ҳагто шу океаннинг энг маърифий жойида ўзига қабр ҳам тайёрлаб қўйган эди.

У ерда, сув қаърида, «Наутилус» марҳумлари сирли капитаннинг ўлганларидан кейин ҳам ҳаёт пайтлардагидек бир-бирлари билан чамбарчас боғланган ёр-дўст ва биродарларининг абадий оромини бузишга биронта ҳам денгиз махлуқи журъат қилолмайди. Уларнинг оромгоҳларига капитан Немо айтганидек, денгиз махлуқлари ва «одамларнинг ҳам» қўли етмайди.

Кишилик жамиятига абадий ва сира ўзгармас қатъий ишончсизлик!

Консель илгари сураётган тахминлар эндиликда мени қаноатлантирмай қўйди.

Бу ажойиб кишининг таъкидлашича, олимлар гоманидан тап олинмаган капитан Немо унга нисбатан бефарқ қаралгани учун дунёдан нафратланадиган бўлиб қолган. Баъзан эса Консель «Наутилус» командири олимлар калака қилган буюк одам ва бинсбарин у жамиятнинг омий ва бефарқлиги билан курашиб чарчаган, эркин ҳаёт кечирish учун одам оёғи етмайдиган узлатга чекинган, дейди. Аммо, менимча, бу тахмин ҳам капитан Немо қиёфасини очиб беролмас эди.

Аслида эса, бизни қсронги жоната камаб, бунинг устига ухлатиб қўйишган ўша тунги сир, мен уфқни кўриб улгурмай, капитан Немо қўлимдаги дурбинни шоша-пиша юлиб олиши, «Наутилус»нинг тўқнашуви натижасида матрослардан бирининг ўласи бўлиб яраланиши,— буларнинг барчаси Конселнинг тахминларини раъ этиб турибди. Йўқ, капитан Немо одамлар орасидан қочиш билангина чекланиб қолмади. Унинг буюк ихтироси — сув ости кемаси эркин ҳаракат этишига ҳеч нарса халақит бермайдиган қароргоҳгина бўлиб қолмай, балки ўч олиш учун даҳшатли қурол сифатида хизмат қилаётгани ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бироқ ҳозирча менда бу тахминларнинг тўғрилигини кўрсатадиган ҳеч қандай далил йўқ эди. Қалин мавҳумлик пардаси ўраб турган бир шароитда бу тахмин ҳам йўлчи юлдуз хизматини ўташи мумкин. Шунинг учун кундалик ёзувимни давом эттираман ва агар таъбир жоиз бўлса, уларни воқеалар айни талаб этган тарзда ёритиб бораман...

Сирасини айтганда, бизни капитан Немо билан боғлаб турадиган ҳеч қандай мажбурият йўқ. У «Наутилус»дан қочиш имконияти йўқлигини билади. Шунинг учун у биздан ҳагто кемада қолишга сўз беришимизни ҳам талаб этмади. Зиммамизда ҳеч қандай мажбурият йўқ. Биз одоб юзасидангина меҳмон деб аталаётган бўлсак-да, аслида олдий бандидан сира фарқимиз йўқ эди.

Нед Ленд озодликка чиқиш ниятидан қайтгани йўқ. У дастлабки қулай фурсатданоқ фойдалана олишига ишончи келди. Мен ҳам унга эргашсам керак. Аммо шунга қармай, сув ости мўъжизаларидан осонликча кўнгил узолмасман. Бу мўъжизалар билан танишув имкониятига капитан Немонинг ҳиммати туфайлигина эришган эдим.

Ҳозир ҳам мен бу одам қаршисида таъзим этишим керакми ёки ёмон кўришим керакми, у жабрдийдами ёки жаллодми — сира тушунолмайман. Очигини айтсам, «Наутилус» билан бир умрга хайрлашишдан олдин, бошлангани жуда ажэйиб бўлган бу бутун дунё сув ости саёҳатини охирига етказишни истар эдим. Денгизларда яширишиб ётган барча мўъжизаларни кўргим бор. Ҳатто билимга нисбатан қонмаётган ташналигим йўлида жонимдан айрилсам ҳам, менгача бирон кишига кўриш насиб қилмаган ҳамма нарсаларни кўришни истар эдим. Ҳозиргача мен нимани билиб олдим? Ҳеч нарсани ёки деярли ҳеч нарса-

ни, зеро биз Тинч окзан бўйлаб атиги олти минг лье масофани босиб ўтдик.

Шу орада «Наутилус» одамлар яшайдиган ерга яқинлашмоқда. Борди-ю, қочишга озгина бўлса ҳам имконият туғилиб, мен илмга ташналигимни қондириш мақсадида оғайниларим манфаатига хиёнат қилсам — бу кечирилмас шафқатсизлик бўлади. Мен уларга эргашиб боришим, балки йўл бошлашим керак бўлар. Бироқ қочишга қулай фурсат келармикин? Тазйиқ остида озодликдан маҳрум этилган киши бунини орзу қилар эди, аммо олим қачондир шундай имконият туғилишидан чўчирди.

Шу куни, 21 январда, пешинда капитан ёрдамчиси одатдагидай кузатув олиб бориш учун палубага чиқди.

Мен ҳам палубага чиқдим па сигара чека туриб, уни кузата бошладим. Мен бу одамнинг франдув тилида сўзламаслигига шубҳаланмасдим. Чунки хўпинча атайлаб овоз чиқариб кишига беихтиёр таъсир этувчи танбеҳлар берардим. Бироқ у ҳамини сира ўзгармай жим тураверарди.

У секстантни кўзига тутиб, қуёшнинг уфққа оғиш бандлигини аниқлаётганида, палубага «Наутилус» матросларидан бири чиқди. Бу Креспо ороли ўрмонига қилган сайлимида бизга ҳамроҳ бўлган ўша барванги эди. У прожектор ойнасини тозалашга киришди.

Мен бу асбобни қизиқиш билан кўздан кечирдим. Ҳар икки томонидаги қабариқ ойна айлана шаклида жойлаштирилганидан манба ёруғлигини бир даста қилиб йиғиб, юз баразар кучайтириб сочарди. Бу манба энг кўп ёруғлик сочадиган қилиб қурилган эди. Электр ёйи сунъий равишда ҳосил этилган ҳавосиз бўшлиқни ёритар эди, бу эса равшанлик даражасини доим бир меъёрда тутар ва айни чоқда оралиғида ёй ҳосил бўладиган графитнинг ўткир дамини сақлар эди.

Бу эса капитан Немо учун айниқса муҳим. Чунки у графит запасини осонликча тўлдиролмаса керак. Бироқ ҳавосиз бўшлиқда графит дами ғоят секин қайтар эди.

«Наутилус» сувга шўнғишга ҳозирланаётганда, мен салонга қайтдим. Люк ёпилди. Юз метрча нагга тушгач, тўғри ғарбга сузиб кетдик.

Эндиликда биз Ҳинд океанида, беш юз эллик миллион гектар майдонни ишғол этган бепоён сув саҳросида сузиб борардик. Океан суви шу қадар тиниқ эдики, унга заифроқ киши кема палубасидан туриб қараса, боши айланиб кетарди.

«Наутилус» одатда юз-икки юз метр чуқурликда сузар эди. Сурункасига бир неча кун шундай бўлди. Менинг ўрнимда бошқа бирор одам бўлганида, бир хилдаги бу саёхатдан сиқилиб кетиши мумкин эди. Аммо ҳар кун эрталаб туз ҳиди анқиб турадиган мусаффо ҳавода палубада сайр этиш, салон деразасида океан мўъжизаларини кузатиш, капитан Немо кутубхонасидаги китобларни мутулаа қилиш, кундалик ёзиб бориш — буларнинг ҳаммаси барча кунларимни банд этар, сиқилиш ёки чарчоққа бир дақиқа ҳам вақт қолдирмас эди.

Нед Ленд ҳам, Консель ҳам ва менинг ўзим ҳам гоят соғлом кишилармиз. «Наутилус»да берилаётган овқат, умуман олганда, бизни тўла қаноатлантирар ва канадалик хафа бўлмаганда, мен умумий дастурхонга турли йўллор билан у кўшимча қилиб қўяётган «ер» таомларидан жон деб воё кечар эдим. Бунинг устига бизни ҳамкиша қамраб турган ҳавонинг мўътадиллиги натижасида киши ҳатто тумов ҳам бўлмас эди. Тумовга чалинган тақдирда ҳам «Наутилус» дорихонасида Провансда «денгиз шивити» деб аталиб, йўтал ва тумовга энг яхши даво ҳисобланган дарахтсимон дендрофиллий маржонларининг етарлича кунни бор.

Бир неча кунгача эрталаблари палубага чиқиб, сув қушлари, айниқса чайка ва поморникларнинг кўплигидан ҳайратга гушдим. «Наутилус» матрослари овлаган бу «сув қушлари»дан жуда мазали таом тайёрлашар эди. Йирик қушлар орасида соҳилдан узоққа учиб, чарчаганда тўлқинларга қўниб дам оладиган, сурнайбурунлилар гуруҳига мансуб чиройли альбатрослар диққатни ўзига торгар эди. Ёшкакёқдилар оиласидан бу ерда денгиз сатҳига яқин сузадиган балиқларни овловчи тезучар фрегатлар<sup>1</sup>, катталегги каптарча, оқ қўшпарларининг чети пушти ранглигидан тўқ қора қанотлари янада яққол кўриниб турадиган жуда кўп фаэтонлар учиб юрар эди.

«Наутилус» тўрларига ҳар кун турли-туман денгиз тошбақалари тушар эди; айниқса жуда қизиқ тошбақа — каретта ёки савдода гоят юқори баҳоланадиган ярим айлана шаклидаги қабарик косали биссани алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчиман. Бу тошбақалар бурун катаклари тешигининг гўштдор қопқоғини бекитиб олиб, сув остида узоқ муддат тура олади. Баъзи бир каретталар денгиз ҳайвон-

<sup>1</sup> Фрегат — денгизда яшовчи катта қуш.

ларидан узини ҳимоя этиш хизматини ўтайдиган қосасиз бекиниб ухлаётганида тўрга тушган эди. Бу тошбақаларнинг гўшти бемаза, аммо уларнинг тухумлари жуда лазиз таом ҳисобланади.

Балиқларга келганда шунини айтиш керакки, уларни салининг очик деразасидан ҳар гал кузатганимизда маҳлиё бўлиб қолар эдик. Бу ерда мен балиқларнинг шу вақтгача сира учратмаган бир неча турларини кўрдим.

Даставвал кузовкалар — фақат иссиқ сувларда, айниқса Қизил денгиз, Ҳинд океани ва Марказий Америка соҳилларига яқин жойларда яшайдиган балиқлар ҳақида гапирмоқчимач. Бу балиқлар тошбақалар, қисқичбақасимонлар ва денгиз тишратиканлари сингари коса билан ёпилган бўлади. Аммо уларнинг косалари тош ёки оҳакли бўлмай, балки бир-бири билан боғланган суяк пластинкадан иборатдир. Бундай косада кузовкаларнинг ёнлари қаттиқ ва мутлақо эгидмас учқиррали, тўртқиррали ёки бешқиррали қутичага ўшарди. Бизга гўшти жуда лаззатли учбурчак кузовкалар, катта кўзлари устида шохга ўхшаш узун тиканаклари бўлгани учун шохдор деб аталган тўртқирра косали кузовкалар ҳам учради.

Яна, қамчига ўхшаш узун думлари ўткир тиканак билан қопланган тукли скатларни учратдик. Улар думлари билан ҳатто одам учун хавfli даражада қаттиқ ура оладилар.

Консель олиб борган ёзувларда балиқларнинг яна бир неча турлари: Тинч океанда учратганимиз игнақоринлилар; узунбурун скатлар; тангача ва туксиз яланғоч электр скатлар; узунлиги бир ярим метр ва эни бир метр, қорамтир, елкасида мрамарга ўхшаган оқишроқ қашқалари бўлган мрамар электр скатлар ва бошқалар ҳам бор эди.

Бошқа турларнинг намуналаридан тухумсимон думсиз балиқларни; жайрага ўхшаб ўзини шишириб шарга айландиган, ҳамма ёғи тикан билан қопланган тарам-тарам чизиқли тўқ жигар ранг, деярли қора икки тишлиларни; бошқа океанлардагидек денгиз отбалиқларини; оғизчаси жуда олдинга чўзиладиган ва қанотга ўхшаб ёнма-ён жойлашган кенг сузгичлари уларга жуда ғалати қиёфа берадиган ола балиқларни; зангор ҳаво ранг чизиқлар ва тангачалар билан қопланган сариқ қуш-балиқларни ҳам қайд қилиб ўтмоқчиман. Уларнинг гўшлари оқ ва мазали бўлади.

Шунингдек, биз ўзининг жуда катта сузгичларини ёзиб, улардан елкан сифатида фойдаландиган тўқ кўк елканли-

ларни; аркаклари оқ кумуш ранг танаси жуда узун ва ингичка лентасимон оддий сочдумлиларни; ниҳоят Ремингтон ва бошқа қурол фабрика эгаларининг тушига ҳам кирмаган аслаҳа билан қуролланган ҳашаротларни ва бир томчи зарядланган сув воситасида ўлдирадиган океан пашшатуткичларини ҳам кўрдик.

21 дан 23 январгача «Наутилус» суткасига беш юз қирқ миладан йўл босди. Бошқача қилиб айтганда, биз соатига йигирма икки ярим миля тезликда борар эдик. Бундай катта тезликда прожекторнинг ёрқин ёғдусига маҳдиё бўлиб биздан ортда қолмай сузаётган балиқларнигина кўра олардик. Аммо уларнинг кўпи деярли ўша заҳотиёқ ортда қолиб, айримларигина бир оз жойгача биз билан ёнма-ён сузиб борарди.

Йигирма тўртинчида эрталаб биз жанубий кенгликнинг 12-градус 5-минутини ва узунликнинг 94-градус 33-минутини жойлашган Киллинг оролини кўрдик. Бу маржон ороли бўлиб, ажойиб кокос нальмалари билан қопланган эди. Бир вақтлар бу оролга Чарльз Дарвин ва капитан Фиц-Рой келиб кетишган. «Наутилус» одам яшамайдиган бу орол соҳилларига жуда яқин ўтди. Драгага сувдан жуда кўн хилма-хил полиплар, шу жумладан капитан Немо коллекциясидан ўрин олган дельфинларнинг бир неча галати нусхалари илинди.

Тез орада Киллинг ороли кўринмай қолди ва «Наутилус» шимоли-ғарбга, Ҳиндистон ярим ороли бошланишининг жанубий чеккаси томон сузиб кетди.

— Биз маданийлашган мамлакатларга яқинлашяпмиз,— деди менга шу куни Нед Ленд.— Бу ёввойи одамларни бугудан ҳам кўп бўлган Янги Гвинеядан дурустроқ. Ҳиндистонда, жаноб профессор, тош йўллар ҳамда инглиз, француз, ҳинду шаҳарлари бор. У ерда ҳар қадамда ватандошингизни учратишингиз мумкин. Қалай, сизнингча, капитан Немо билан хайрлашадиган пайт етмадимкин?

— Йўқ, йўқ!— дея қатъий жавоб бердим мен канадаликка.— «Наутилус» энди одам яшайдиган ерларга яқинлашяпти. У Европа томон йўл олади. Бизни ўша ёққа олиб борсин. Европа қирғоқларига яқинлашганимиздан кейин қочиш ҳақида ўйлаш вақти келади. Шуни ҳам айтиб қўймоқчиманки, капитан Немо бизни Гвевбороар оролига қўйганидек Малабар ёки Коромандель қирғоқларига ҳам бемалол жавоб беришига сира ишонмайман.

— Нима қипти, жаноб профессор, унда унинг руҳсатив ҳаракат қилишга тўғри келади.

Мен канадаликка жавоб бермадим. У билан баҳслашиб ўтиргим келмади.

Мен тасодиф туфайли сув ости кемасига тушганман, бинобарин бу имкониятдан охиригача фойдаланишга астойдил қарор қилган эдим.

Киллинг оролидан ўтгач, «Наутилус» жуда секин суза бошлади. Биз тез-тез катта чуқурликларга шўнғирдик. Денгиз сағҳидан икки, баъзан уч километр чуқурликка тушар эдик, аммо ўн уч километр чуқурликка ташланган вонд сув тубига етмаганига қарамай, Ҳинд океанининг энг чуқур жойи қанчалигини бир марта ҳам тадқиқ этмадик.

Сувнинг пастки қатламларида ҳарорат бу ерда ҳам Тинч океандагидек — нулдан юқори тўрт даража. Мен фақат бир нарсага эътибор бердим: унча чуқур бўлмаган жойлардаги сувнинг юза қатламларида ҳарорат ҳамиша чуқур жойлардагига қараганда паст.

25 январда океан тамоман бўм-бўш эди ва «Наутилус» кун бўйи унинг сатҳида ўзининг кучли винтлари билан тўлқинларни ёриб, сув томчиларини юксакларга фонтан сингари ётиб сузди. «Наутилус»ни фақат узоқдангина кўрган кемалар уни улкан кит деб фараз қилганларига ажабланмаса ҳам бўлади.

Мен кун бўйи палубада туриб, денгизга тикилдим. Уфқ ҳамиша бўшлиғича турди. Фақат пешиндан кейин соат тўртларга яқин узоқдан ғарбга кетаётган кема кўринди. Бир неча минут давомида уфқда унинг мачталари аннқ кўриниб турди, аммо кемадан сувдан бир оз чиқиб турган «Наутилус»ни кўриб бўлмас эди.

Мен бу кемани Мельбури ва қирол Георг буруни орқали Цейлон-Сидней йўлида хизмат қиладиган Яриморол ва Шарқий кемачилик ширкатига мансўб деб ўйладим.

Кеч соат бешда, жуда қисқа тропик оқшомига озгина вақт қолганда Консель билан мен ажойиб бир манзаранинг шоҳиди бўлдик.

Жуда чиройли бир моллюска бор. Қадимгиларнинг айтишича, у билан учрашув бахтдан нишона экан. Аристотель, Атенеи ва Плинийлар унинг одат ва таъбини ўрганиб, уни таърифлашга қадимги Юнон ва Римнинг бутун назмий дурдона сўзларини аямадилар. Улар бу моллюскани «наутилус» ёки «помпилиус» деб атадилар. Ҳозирги замон фанига аргонавт номи билан машҳурдир.

Биз океан сатҳида сузиб юрган аргонавтларнинг бутун бошли бир тўдасини учратдик. Улар бир неча юзлаб эди. Бу латиф моллюскалар нафас олганда ютган сувларини чиқарадиган қадаҳчалари ёрдамида орқалари билан олға сузардилар. Уларнинг саккизта чангалидан олтита ингичка ва узунлари сув сатҳида сузарди, айни вақтда гектоктит деб аталадиган анча қаттиқ ва ёй шаклида қайрилган иккита сўнггиси елкан сянгари шамохта қаратилган эди.

Мен сувда аргонавтларнинг бурама чиғаноқларини аниқ кўрдим. Кювьс уларни ҳақли равишда чиройли қайиққа ўхшатган эди. Дарҳақиқат, улар қайиқни эслатади. Бу қайиқни аргонавтларнинг ўзлари оҳақли тузлар йиғиндидан «қуриб олганлар». Моллюска у билан бирикиб ўсмаган бўлса-да, ҳамшиша кўтариб юради.

— Аргонавт истаган вақтида ўз қайиғини ташлаб кета олади, аммо у сира бундай қилмайди,— дедим мен Консельга.

— Худди капитан Немога ўхшаб,— дея жавоб берди Консель.— Шунинг учун у ўз кemasини «Аргонавт» деб атаса яхши бўлар экан.

«Наутилус» деярли бир соат ана шу моллюска тўдаларининг ҳамроҳлигида сузди. Бироқ, билмадим, негадир бирдан уларни қўрқув босди. Команда берилгандай барча елканлар баб-баравар туширилди, олдинга чўзилган чангаллар тортиб олинди, таналари бужмайди, қайиқлар ўз оғирлик марказини ўзгартирди ва бутун флотилия бир зумда сув осигига кприб гойиб бўлди.

Ҳозирга қадар биронта эскадра шунақа мураккаб маневрни бунчалик келишиб ва аниқлик билан бажармаган эди.

Худди шу дақиқада қуёш ботди ва деярли ўша заҳотиёқ тун бошланди. Енгил шабада мавжидан «Наутилус» аста тебраниб борар эди.

Кейинги кун, 26 январда, биз экваторни саксон иккинчи меридиандан кесиб ўтдик ва шимолий ярим шар сувларига кирдик.

Шу кунни акулаларнинг жуда катта тўдаси бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Булар — елкаси қорамтир, қорни оқ ва ўн бир қатор тиши, бўйнида катта қора қашқаси ва атрофиқа оқ ҳошияси худди кўзга ўхшаган, тикан патли ва думалоқ тумшуғи қора тангачалар билан қопланган акулалар эди.



Бу улкан йиртқичлар бир неча марта даҳшат билан салон деразасига ташландилар. Бундай дақиқаларда Нед Ленднинг газаби қайнаб кетарди. У сув сатҳига чиқиб олиб, бу баҳайбат махлуқларни, айниқса салон деразасига ўзини зарб билан урган узунлиги беш метрли улкан шер акулаларни овлагиси келаётган эди.

Аммо шу пайт «Наутилус» тезликни оширди ва энг тезсузар акулаларни ҳам зум ўтмай ортда қолдирди.

Кеч соат еттига яқин «Наутилус» денгиз сатҳига кўтарилди ва сутдай оппоқ тўлқин бўйлаб сузиб кетди. Қанча тикилмай, океан чиндан ҳам сутга ўхшарди.

Балки ой ёғдусида шундай бўлиб кўринаётгандир? Йўқ, ой туққанига эндигина икки кун бўлгани учун у ҳали чиқмаган ва ҳозиргина ботган қуёш нурининг ёғдусидан яллиғланиб турган осмон ҳам сувнинг оқлиги олдида қорайиб кўринаётган эди.

Консель бу ажойиб ҳолатни кўриб, кўзларига ишонмас эди.

У тушунтириб беришни сўраб менга мурожаат қилди. Ҳартугул у қизиқаётган нарсани тушунтира олдим.

— Бу сут денгизи деб аталади,— дедим мен.— Денгиз сатҳидаги сут ранг — оқ доғлар — Ҳиндистон қиргоқларида тез-тез содир бўлиб турадиган ҳодиса.

— Хўш, хўжам айтолмайдиларми, нега денгиз бунақа оқариб қолди? — сўради Консель.— Ахир денгиз суви чиндан ҳам сутга айланиб қолмагандир-ку?

— Шубҳасиз, бундай бўлгани йўқ, дўстим. Сувнинг сени ҳайратлантираётган бу ранги сон-саноксиз оддий жониворларнинг иши. Улар рангсиз нур таратадиган шиллиқ бўлакчалар бўлиб, қалинлиги сочдай ва узунлиги тахминан бир миллиметрнинг бешдан бир қисмига тенгдир. Бу жониворлар бир-бирига ёпишиб, баъзан бир неча километрга чўзилиб кетадиган яхлит майдонларни ҳосил этади.

— Бир неча километрларга? — хитоб қилди Консель.

— Ҳа, дўстим. Аммо уларнинг қанчалигини санайман деб овора бўлма. Барибир бунинг удрасидан чиқолмайсан. Адашмасам баъзи бир денгизчилар қирқ ва ундан ҳам кўпроқ миляга чўзилиб кетган сут денгизини кўришган!

Менинг маслаҳатимга қарамай, Консель фикран улардан ҳар бирининг йўғонлиги соч толасидай ва узунлиги бир миллиметрнинг бешдан бирига тенг бўлганда қирқ квад-

рат миля майдонга қанчаси сифишини ҳисоблай бошлаган эди.

Бир неча соат давомида «Наутилус» ўзининг ўткир тумшуғи билан сут денгизининг оқиш сувларини ёриб борди ва мен унинг худди қуюқ мағзава орасида кетаётгандай сира овоз чиқармай силжиётганига эътибор бердим.

Ярим кечага яқин олдимизда денгиз тўсатдан одатдаги рангини қайта касб этди, аммо қуйруқ томонда кўз иллаган жойгача сув оқлиги акс этган осмон шимол ёғдусининг жимирашидан ёритилгандай бўлиб туюлар эди.

### Иккинчи боб

#### КАПИТАН НЕМОНИНГ ЯНГИ ТАКЛИФИ

28 январь пешинда шимолий кенгалкнинг 9-градуе 4-минутида денгиз сатҳига кўтарилган «Наутилус» ғарб томонда саккиз миля чамаси масофада кўзга ташланиб турган аллақандай ернинг рўпарасидан чиқиб қолди. Даставвал қалашиб ётган, анча баланд, аммо кўринишдан англаб бўлмайдиган аллақандай тоғ кўзга ташланди; айрим тоғларнинг баландлиги икки минг футдан сшар эди. Кузатишлар поёнига етгач, мен салонга тушдим ва картадаги белгига қараб биз Ҳиндистоннинг дурдонаси ҳисобланган Цейлон ороли соҳилида сузаётганимизни кўрдим.

Мен ер юзидаги бу энг серунум орол тўғрисида китоб қидириш учун кутубхонага бордим ва Х. К. Сиррнинг «Цейлон ва сингалезлар» деган асарини топдим.

Шу пайт салонга капитан Немо ва унинг ёрдамчиси кириб келишди.

Капитан картага қаради. Сўнг менга юзланиб деди:

— Цейлон ороли марваридлари билан машҳур. Марварид изланадиган жойга боришни истайсизми, жаноб Аронакс?

— Жон деб борар эдим, капитан.

— Жуда соз. Буни амалга ошириш жуда осон. Фақат биз марварид қидирувчиларни эмас, балки жойнинг ўзини кўра оламиз, чунки ҳали ов мавсуми бошланмаган. Бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Мен ҳозир Манаар қўлтиғи тсмон йўл олишни буюраман. Биз у ерга тунда егиб борамиз.

Капитан номаълум тилда ўз ёрдамчисига бир неча оғиз сўз айтди ва у шошилганча чиқиб кетди. «Наутилус» шу заҳотиёқ сувга шўнғиди, манометрнинг кўрсаткичи, у ўттиз фут чуқурликка тушди.

Картани олиб, Манаар қўлтиғили қидирдим ва уни шу номдаги кичик орол ёнида шимолий кенгликнинг 9-градусида, Цейлоннинг шимоли-ғарб соҳилидан топдим.

Унга етиб олиш учун биз оролнинг бутун ғарбий қирғоғи ёнидан ўтишимиз керак эди.

Капитан яна гапира кетди.

— Жаноб Аронакс,— дея сўз бошлади у,— марварид Бенгаль қўлтиғи, Ҳинд денгизи, Хитой ва Япон денгизлари, Американинг жанубий қирғоқларини ювиб турадиган денгизларда, Панама қўлтиғида, Калифорния қўлтиғида изланади. Аммо марварид қидирувчиларнинг ови айниқса Цейлонда юришади. Афсуски биз бу ерга жуда эрга эллик каллик. Марварид қидирувчилар Манаарга мартнинг урта-ларисиз келишмайди — ўша вақтда бу ерга уч юзгача кема йнғилиб, ўттиз кун давомида ана шу сердаромад иш билан шуғулланишади. Ҳар бир кема командасида ўнта эшкакчи ва ўнта шўнғувчи бўлади. Шўнғувчилар иккига бўлиниб, сувга навбатма-навбат тушадилар. Оёқлари орасига тош қистириб олиб, унинг ёрдамида ўн икки метр чуқурликка шўнғийдилар, мўлжалдаги жойга етиб олгач, тошни қўйиб юборадилар. Сўнгра эшкакчилар арқон билан боғланган тошни кемага тортиб оладилар.

— Демак, ҳануз ўша ваҳшиёна ҳусулдан фойдаланилаётган экан-да?

— Ҳа,— деб жавоб берди капитан Немо,— марварид сочмалари 1802 йили Амьен шартномасига биноан дунёдаги энг индустралашган мамлакат Англия мулкига ўтган бўлишига қарамай, бу ишда ҳеч нарса ўзгаргани йўқ.

— Менимча, сизнинг скафандрларингиз бу ишда жуда қўл келган бўлар эди.

— Албатта, чунки марварид қидирувчилар сув остида узоқ туrolмасликлари табиий. Персиваль деган инглиз ўз саёҳатномасида Цейлонда, сув остида беш минут турган бир марварид қидирувчини айтиб ўтган, аммо мен бунга ҳануз ишонмай юраман. Мен сув остида эллик етти секунд, яъни деярли бир минут, айрим жуда кучлилари эса ҳатто саксон етти секунд — қарийб бир ярим минут тура оладиган сузувчиларни биламан! Бироқ бундайлари жуда

оз, шу шўранклар ҳам кемага қайтгач, қулоқ ва бурунларидан қон аралаш сув келар эди. Менимча, марварид қидирувчи сувда ўттив секунддан ортиқ туролмаса керак, шу қисқа фурсат ичида ҳам у топиб олган марварид чиғаноқларини узиб тўрига солишга улгуриши керак. Марварид қидирувчиликни касб қилиб олган кишилар бошқалар яшайдиган ўртача ёшга етолмайдилар; уларнинг кўплари ёш ўладилар; яхши кўролмайдиган бўлиб қоладилар, кўзлари йирингланади, бутун баданларига жуда ёмон яра тошади. Кўпинча улар юрак ёрилишдан сув остида тўсатдан ўлиб қоладилар.

— Ҳа,— дедим мен,— бу жуда оғир касб... Биргина хотинларнинг тантиқлиги деб қанча умр ва куч қурбон өтилишини айтмайсизми!.. Аммо шунини айтинг-чи, капитан, ўша кема бир кунда нечта чиғаноқ йиға олади?

— Бир иш кунида қирқдан эллик минггача. Айтишларинча, 1814 йилда Англия ҳукумати давлат учун марварид йиғишни уюштирганида, қидирувчилар йигирма кунда етмиш олти миллион чиғаноқ йиққан эканлар.

— Ҳар ҳолда марварид қидирувчига яхшигина ҳақ тўлашса керак?

— Аксинча, жуда оз. Панамада улар ҳафтада бир доллардан ортиқ ишлай олмайдилар. Кўпинча улар марвариди бўлган ҳар бир чиғаноққа бир су<sup>1</sup> қимматидаги мис чақа олар эдилар. Аммо улар йиққан чиғаноқларнинг қанчасида марварид бўлмайди!

— Корхона эгасини бойтадиган ҳар бир марваридга бир су? Бу — қабиҳлик!— дедим мен.

— Шундай қилиб, жаноб профессор,— деди капитан Немо,— сиз ва ҳамроҳларингиз Манаар қўлтигининг марварид ўзанини кўриш шарафига муяссар бўласизлар. Шу вақтда тасодифан у ерда биронта марварид қидирувчи бўлса, сизлар бу ишнинг техникаси билан ҳам таниша оласизлар.

— Бу жуда қизиқ бўларди.

— Ҳа, айтгандай, профессор, сиз акулалардан қўрмайсизми?

— Акулалардан?— қичқириб юбордим мен.

Бу саволни мен шунчаки берилган деб ўйладим.

— Хўш, жавоб бермадингиз-ку?— дея қистади капитан Немо.

<sup>1</sup> Су — икки тийин.

— Очигини айтсам, капитан,— дедим мен бир оё индамай тургач,— мен ҳали бу баликчаларга унчалик кўниканим йўқ...

— Биз эса уларга шу қадар кўникиб кетдикки, ҳатто эътибор ҳам бермаймиз. Яқинда сиз ҳам уларга худди шундай қарайдиган бўласиз,— деб жавоб берди капитан.— Биз яхшигина қуролланган бўламиз, бинобарин тўғри келиб қолса биронта акула ҳам овлаймиз. Бу жуда қизиқ ов. Хуллас, профессор, эртагача хайр. Эрталаб вақтли жўнаймиз.

Капитан Немо бу сўзларни жуда бепарволик билан айтиб, салондан чиқди.

Агар сизни Швейцария тоғларида айиқ овлашга таклиф қилишса балки: «Жуда соё, эртага албатта айиқ овига борамиз»,— деб жавоб берган бўлур эдингиз. Борди-ю, сиздан: «Атлас текислигига шер овлашга ёки Ҳиндистон чаңгалзорларига йўлбарс овлашга ҳушингиз қалай?»— деб сўрашса, сиз аҳтимол: «Майли, йўлбарс ёки шер овлашга борса бўлади, бу қизиқ нарса», деб ўйлаб жавоб берсангиз керак. Аммо сизни кема палубасидан туриб эмас, уларнинг орасида юриб акула овлашга таклиф этишса, уни қабул этишдан олдин албатта жиддий ўйланиб қолсангиз керак.

Иқрор бўлиб айтаманки, капитан Немо салондан чиқиб кетгач, пешанамдаги совуқ терни артиб олишга мажбур бўлдим.

«Яхшилаб ўйлаб ол,— дедим ўзимга ўзим,— шошилишнинг ҳожати йўқ. Креспо оролининг сув ости ўрмонида сувсар ови бўлса бошқа гап: буни вақтичоғлик деса бўлади. Аммо албатта акула учратишингизни била туриб, денгиз тубида юришнинг ўзи бўладими. Айрим жойларда, жумладан Андаман оролида негрлар бир қўлда ханжар ва бошқасида сиртмоқ ушлаб акулага ҳужум қилишдан қўрқмасликларини биламан. Аммо бу улкан йиртқичлар билан яккама-якка жангга ташланган довюраклардан кўпи тирик қайтмасликларини ҳам биламан».

Кўё олдимдан хаёлан акула галалари ўта бошлади; мен уларнинг улкан оғизларида одамни тишлаб иккига ёриб ташлашга қодир бир неча қатор тишларини кўрдим, улар худди биқинимга санчилаётгандай бўлиб туюлди...

Бундан ташқари капитаннинг менга бепарвогина шу таклифни қилишининг ўзига тушунолмаётгани билан. Гўё у

мени ўрмонга қандайдир беозор тулкини овлашга чақираётгандай.

«Консель рад этса керак,— деб ўйладим мен.— Бу эса менга ҳам капитан Немонинг таклифици рад этиш имкони беради».

Нед Лендга қелганда, очигини айтсам, мен унинг оқилона иш тутишига деярли ишонмас эдим. Хавф қанчалик даҳшатли бўлмасин, бу жанговар шахсни ҳамиша ўзига жалб агар эди.

Мен яна Сирр китобини қўлимга олдим, аммо уни тамоман беихтиёр варақладим: унинг саҳифаларидан даҳшатли оғизларини очиб турган ақулалар менга тикилаётгандай эди.

Шу пайт салонга Нед Ленд билан Консель кириб келишди. Уларнинг ҳар иккаласининг кайфияти чоғ, ҳатто қувноқ эдилар. Уларни нима кутаётганидан хабарсиз эдилар.

— Худо ҳаққи,— дея менга мурожаат қилди Ленд,— капитанингиз Немо қургур ҳозиргина бизга жуда илтифотли бир таклиф айтди.

— Нима,— дедим мен,— демак сизлар ҳам хабардорсиз...

— Хўжамнинг ижозатлари билан,— дея жавоб берди Консель,— шуни айтмоқчиманки, «Наутилус» командири бизни Манаар қўлтиғидаги ажойиб марварид конини бориб кўришга таклиф этди. У биз билан жуда яхши муомалада бўлиб, ўзини чинакам жентльменлардай тутди.

— У сизларга бошқа ҳеч нима демадимиз?

— Капитан бу кичик сув ости сайрига сизни ҳам иштирок этишга таклиф этганини ҳисобга олмаганда,— дея жавоб берди канадалиқ,— бошқа ҳеч нима.

— Бу қанақаси,— дедим мен.— Аммо у сизларга бошқа ҳеч нарсанинг тафсилотини айтиб...

— Ҳеч нарсанинг, жаноб профессор. Сиз албатта биз билан бирга борасиз-а, тўғрими?

— Менми?.. Албатта. Сиз сув ости саёҳатларининг нималигини тушуниб етаётганга ўхшайсиз, мистер Ленд?

— Ҳа, жуда ҳам қизиқ экан... Жуда қизиқ.

— Аммо, балки хавфли ҳамдир,— дедим мен гўё ҳеч нарса билмагандай бўлиб.

— Марварид турган саёзликка оддий сайрнинг нимаси хавфли бўлсин?— эътироз билдирди Нед Ленд.

Уз-ўзидан аёнки капитан Немо акулалар ҳақидаги гапни айтиб, ўртоқларимни чўчитиб қўйишни лозим топмаган. Мен уларга гўё бирон ерлари камайиб қолгандай ҳаяжонланиб қаредим.

Ўртоқларимни бўладиган хавфдан хабардор қилиб қўйишим керакмикин? Албатта. Аммо нимадан бошлашимни билмасдим.

— Хўжам бизга, — деди Консель, — марварид қандай олинисини айтиб беришга рози бўлармиканлар?

— Марвариднинг қандай олинисиними ёки у билан боғлиқ бўлган хавфларними? — сўрадим мен гапни секин ўзимга керакли томонга буришга имконият туғилганини кўриб.

— Қандай олиниси ҳақида, — деб жавоб берди канадалик. — Одам ҳамиша ўзи борадиган йўлни яхши билиб олиши керак.

— Бундай бўлса, яқинроқ ўтиринглар, дўстларим, мен сизларга марварид қидириш тўғрисида Сиррнинг китобидан билиб олганларимнинг ҳаммасини сўзлаб берман.

Нед билан Консель диванга келиб, ёнимга ўтиришди. Даставвал канадалик савол берди:

— Жаноб профессор, марвариднинг ўзи нима?

— Шоир учун, дўстим Нед, марварид — бу денгизнинг кўз ёшлари, — дея сўз бошладим мен. — Шарқ халқлари учун — бу қотиб қолган шабнам, аёллар учун — у хира ялтиллайдиган, безак сифатида бармоқларга, бўйинга ёки қулоқларга тақиладиган, қимматбаҳо тухумсимон тош; кимёгар учун — у фосфор кислотали тузларнинг карбонат ангидридли кальций билан бирикмаси; ниҳоят, натуралист учун — у айрим қўштабақа чиганоқларда учрайдиган оддий касаллик — шиш...

— Моллюскалар туркуми, пластинка жабралилар синфига таалуқли... — дея илиб кетди Консель.

— Жуда тўғри, менинг олим дўстим. Садаф ажратадиган, яъни оғзининг ич томопидан ҳаво ранг, кўкимтир, бинафша ранг ёки оқ модда чиқарадиган чиганоқларнинг ҳаммаси марварид беради.

— Ейиладиган чиганоқлар ҳам шундайми? — сўради канадалик.

— Ҳа, Шотландия, Уэльс, Ирландия, Саксония, Богемия ва Франциянинг айрим қўлларидаги ейиладиган чиганоқлар ҳам.

— Шундай дечг,— деди канадалик.— Буни ҳисобга олиб қўямиз Вақти келиб керак бўлади!

— Аммо марваридни асосан марварид-чиғаноқлар беради. Марварид — бу думалоқ шаклдаги садаф шиш. Марварид ё чиғаноқнинг оғзига ёпишиб олади ёки моллюска танасининг қағларида ин қуради. Марварид қаерда пайдо бўлмасин, чиғаноқнинг оғзидами, танасидами унинг ўзаги бўлади ва шу умумий марказ атрофидан йил сайин юпқа қатламлар билан садаф ажралиб чиқади. Қуриб қолган уруғ ёки моллюска оғзига тасодифан тушиб қолган қум зарраси ўзак вазифасини ўташи мумкин.

— Битта чиғаноқда бир неча марварид ҳам бўлиши мумкинми?— сўради Консель.

— Бунақаси ҳам бўлади. Баъзи бир чиғаноқлардан бутун бир марварид шодаси ўсиб чиқади. Шундай чиғаноқлар борки, ўзларида, — тўғриси айтсам мен бунга унчалик ишонмайман,— камида бир юз эллик акулани сиғдира оладилар.

— Бир юз эллик акулани?!— қичқириб юборди Нед Ленд.

— «Акула» дедимми?— Таажжубланиб сўрадим.— Мен марварид демоқчи эдим. Акулалар ақлга сиғмайди-ку!

— Албатта,— деди Консель.— Аммо хўжам марваридни чиғаноқлардан қандай қилиб чиқариб олишларини айтиб беролмайдиларми?

— Бунинг турли йўллари бор. Баъзан марварид чиғаноқнинг оғзига ёпишиб турган бўлса, уни қисқиччалар билан оладилар. Аммо кўпинча йиғиб олинган чиғаноқларни соҳилнинг ўзида тўшалган бўйраларга ёйиб қўядилар; ўн кундан кейин моллюскалар айний бошлаганда, уларни денгиз суви қуйилган катта ҳовуларга соладилар, шундан сўнг чиғаноқларнинг оғзини очиб ювадилар. Кейин сараловчиларга навбат келади: даставвал чиғаноқларнинг оғзига ёпишиб қолган марваридларни ажратиб, улардан алоҳида сотиладиган садаф пластинкаларни оладилар ва ниҳоят чиғаноқларнинг таналарини суюлиб кетгунча қайнатадилар ва суюқлик ичидан энг майда марваридларгача териб оладилар.

— Марваридларнинг баҳоси фақат унинг катта-кичиклигига боғлиқми?— сўради Консель.

— Йўқ, фақат кагта-кичиклигига эмас,— деб жавоб бердим мен. — шаклига, «сувига», яъни ранги, ялтироқлиги ва кўзни қувшатадиган даражада тусланиб товланишига



ҳам боғлиқ. Энг йирик марваридлар моллюска танасининг қатларида ҳосил бўлади. Улар оқ, куплари тиниқ эмас, аммо баъзилари шишага ўхшаш шаффосф бўлади. Уларнинг кўпи думалоқ ёки ноксимон шаклдадир. Думалоқ марваридлар билағузвукка, ноксимонлари зирак ёки попуқларга ишлатилади. Буларнинг ҳар икки хили ҳам доналаб сотилади. Чиганоқларнинг оғзига ёпишиб қолган марваридларнинг шакли бир текис эмас, шунинг учун улар биринчиларига нисбатан арзон туради ва булар ўлчаб сотилади. Ниҳоят учинчи нави — бу майда марваридлардир. Улар ўлчов идишларга солиб сотилади ва асосан турли кашталарга, айниқса ибодатхонада кийиладиган уст-бошларга ишлатилади.

— Марваридларни навларга ажратиш ҳам анча қийин ва узоқ давом этадиган иш бўлса керак, а? — сўради канадалик.

— Йўқ, дўстим, бу жуда осон. Бу иш ўн битта элак ёки галвир ёрдамида бажарилади. Йигирмадан саксонгача тешиги бўлган галвирдан ўтмаган марварид биринчи навга; юзтадан саккиз юзтагача тешикли галвирдан ўтмаганлари иккинчи навга; саккиз юз минг тешикли галвирда эланадиган марваридлар эса учинчи навга ўтказилади.

— Бу жуда ажойиб, — деди Консель. — Демак, сараловчилар ишн механизациялаштирилган экан-да... Хўжам марварид корхоналарини ишга солиш қанча даромад беришини айтолмайдиларми?

— Сирр маълумотларига ишонадиган бўлсак, — жавоб бердим мен, — унда Цейлондаги марварид саёзликлари йилига уч миллион ақулага ижарага қўйилади.

— Франкка! — тузатди мени Консель.

— Албатта, франк! Уч миллион франкка, — деб қайтардим мен. — Аммо менимча ҳозир бу саёзликлар илгаригидай даромад бермаса керак. Америкадаги саёзликлар ҳам худди шундай. Карл V даврида улар йилига тўрт миллион франклик марварид берган, ҳозир марварид олиш учдан иккига камайди. Умуман олганда дунёдаги барча марварид конлари йилига тахминан тўққиз миллион франк марварид беради.

— Аммо баъзи бир марваридлар жуда катта пулга сотилишини эшитганман, — деди Консель.

— Ҳа, дўстим. Юлий Цезарь Сервиллига бизнинг пулга бир юз йигирма минг франк турадиган марварид тўхфа қилгани тарихдан маълум.

— Мен, — деди канадалик, — қадимда аллақайси бир хоним марваридни сиркада эритиб ичганини эшитгандим.

— Бу Клеопатра! — хитоб қилди Консель.

— Таъми жуда бемаза бўлса керак, — деди Нед Ленд.

— Бу ҳаддан ташқари бемаза, Нед, — дея жавоб берди Консель, — аммо бир кичкина стакан шундай сирка бир юз эллик минг франк туришини айтмайсизми?

— Афсуски, бу хоним менинг хотиним бўлмаган, — деди канадалик ўзининг зарвалли муштумларига тикилиб.

— Нед Ленд Клеопатранинг эри! — хахолаб кулиб юборди Консель.

— Энди уйланмоқчи эдим, Консель, — тортинмай жавоб берди канадалик, — ишим юришмаганига мен айбдор эмас-ку. Ҳатто қайлиғим Кэт Тендерга марварид шодаси ҳам сотиб олган эдим, аммо у нимагадир бошқа одамга турмушга чиқиб кетди. Уша марварид шодаси менга атиги бир ярим долларга тушган бўлса ҳам, аммо сўзларимга ишонинг, жаноб профессор, унинг биронта тоши ҳатто йигирма тешикли элакдан ҳам ўтмас эди.

— Азизим Нед! — кулдим мен. — У маржон оддий думалоқ шишадан қилиниб, марварид эссенциясига ботириб олинган сунъий марвариддан тизилган.

— Ҳар ҳолда, — дея эътироз билдирди канадалик, — ўша эссенция ҳам арзон бўлмаса керак.

— Жуда арзон. Майида баллқ — уклейкаларнинг азот кислотасида эритилган тағачалари. Бу эссенция арзиманган чақа туради.

— Энди тушундим Кэт Тендер нега бошқа кишига турмушга чиқиб кетганини, — деди Нед Ленд файласуфона осойишталик билан.

— Энди яна қимматбаҳо марварид ҳақидаги суҳбатимизга қайтайлик. Мен аминманки, ер юзидаги биронта ҳокими мутлақда ҳам капитан Немога тегишли марвариддан қимматларини топиб бўлмайди.

— Мана шуми? — сўради Консель витрина ойнаси тагида қора духоба устидаги қимматбаҳо тошни кўрсатиб.

— Худди шунинг ўзи. Унинг баҳоси икки миллион десам адашмасам керак...

— Франк! — деди шошилиб менга Консель.

— Худди шундай, икки миллион франк. Уни топиб олиш учун капитан Немонинг бир эгашгани кифоя бўлган...

— Кўрдингизми! — қичқириб юборди Нед Ленд. — Ким билади, ажаб эмас эртаги сайр вақтида биз ҳам шунақасини топиб олсак?

— Ҳмм! — дея гўлдираб қўйди Консель.

— Хўш, нега энди бўлиши мумкин эмас?

— «Наутилус»да бизга миллионларнинг нима кераги бор?

— Кемада улар, албатта, ҳеч нарсага керак эмас, аммо... бошқа жойларда...

— Бошқа жойларда!.. — Консель бош қимирлатиб қўйди.

— Нед Ленд ҳақ, — дедим мен. — Агар биз Европа ёки Америкага бир неча миллион франк баҳоланадиган марварид олиб борганимизда, бу — сув ости саргузаштларимизнинг қадр-қимматини ошириб, уни анча ишонтирарли қилиб кўрсатар эди.

— Шубҳасиз! — дея қўшилди канадалик.

— Аммо айтинг-чи, — яна сўз бошлади масаланинг моддий томонидан кўра илмий томонига кўпроқ қизиқаётган Консель, — марварид излашнинг бирон-бир хавfli томони ҳам борми?

— Йўқ, — тезгина жавоб бердим мен, — айниқса олдиндан айрим эҳтиёт чоралари кўриб қўйилганда.

— Бундай ҳунарнинг қанақа хавfli томони бўлиши мумкин? — сўради Нед Ленд. — Ортиқча бир қултум сув ютиладими.

— Ахир гап фақат шунинг ўзидагина эмас-ку, Нед. Айтгандай, — деб қўшиб қўйдим мен капитан Немо сингари бепарволик билан гапиришга ҳаракат қилиб, — сиз акулдан қўрқмайсизми, Нед?

— Мени айтяпсизми?! — хитоб қилди Нед. — Мен, касби гарпунчи бўлган одам акулдан қўрқсинми!

— Гап акулани қармоққа илинтиргач, кема палубасига тортиб олиб, болта билан думини қирқиб, қорнини ёриб, юрагини юлиб олиб, яна ўзини қайтиб денгизга ташлаш устида бораётгани йўқ...

— Демак, сиз сўраётганингиз...

— Ҳа, худди шундай!

— Сувдами?

— Сувда!

— Агар ўзим билан яхши гарпун олиб олсам... Биласизми, жаноб профессор, умуман олганда у жуда бесўнақай ҳайвон. Сизни ямлаш учун у албатта елкасига ағдарилиши

керак, шу орада эса унинг юрагига гарпун уришга улгурасиз.

Нед Ленд «ямлаш» сўзини шу қадар ифодали қилиб айтардики, баданимдан худди чумоли ўрмалагандай бўлди.

— Сен-чи, Консель, акулалар ҳақида қандай фикрдасан? — сўрадим мен.

— Мен хўжам билан мутлақо очиқчасига гаплашаман... — сўз бошлади Консель.

«Айни муддао!» ўйладим мен.

— ...хўжам акулалардан қўрқмагач, нега энди мен, унинг содиқ хизматкори улардан қўрқишим керак!

### Учинчи боб

#### УН МИЛЛИОН ФРАНК ТУРАДИГАН МАРВАРИД

Тун бошланди. Ўрнимга кириб ётдим, аммо яхши ухлай олмадим. Тинмай акулалар тушимга кирди, совуқ тер босиб бир неча бор уйғониб кетдим.

Эртаси куни эрталаб соат тўртда хизматимга Немо тайинлаган стюард мени уйғотди. Мен тезда ўрнимдан туриб кийиндим-да, салонга чиқдим.

У ерда мени капитан Немо кутиб турар эди.

— Тайёрмисиз, жаноб Аронакс? — сўради у.

— Мутлақо тайёрман, капитан.

— Ундай бўлса, марҳамат, орқамдан юринг.

— Ҳамроҳларим-чи, капитан?

— Уларни айтиб қўйишган, бизни кутишяпти.

— Скафандрларни кийиб оламизми?

— Ҳозирча йўқ. «Наутилус» соҳилга яқин боролмайди, мен уни Манаар қўлтигининг марварид конларидан анча олисда тўхтатдим. Шунинг учун қайиқни тайёрлаб қўйишларини айтдим, у бизни саёзликнинг худди ўзига-ча олиб боради, ортиқча чарчашдан ҳам қутуламиз. Скафандрлар қайиқда турибди ва биз уларни сувга шўнгишимиз олдидан кийиб оламиз.

Биз палубага кўтарилдик. У ерда Нед Ленд билан Консель бизни кутиб туришарди.

Сувга туширилиб, «Наутилус» бортига боғлаб қўйилган қайиқнинг эшакларида беш нафар матрос ўтирарди.

Ҳақиқат тунг ёришмаган, тун зим-зиё эди. Яккам-дуккам юлдузлар кўкни ўраб олган қалин булутлар орасида йил-тилалаб турар эди.

Мен ер томонга қарадим, аммо уфқнинг тўртдан уч қисмени қоплаган қандайдир ноаниқ зулматнигина кўрдим.

Тунда Цейлон оролининг ғарбий қирғоғи бўйлаб сузиб келган «Наутилус» ҳозир қўлтиққа кираверишда ёки тўғрироғи Цейлон қирғоғи ва Манаар ороли ҳосил этган кўрфазда турар эди. Зим-зиё сув сатҳи остида дунёда энг йирик марварид кони, деярли йигирма миляга чўзилиб кетган битмас-туганмас хазина ётар эди.

Капитан Немо, Нед Ленд, Консель ва мен қайиқнинг қуйруқ томонига ўтириб олдик. Матрослардан бири рулга турди, қолганлари эшакларни ушлаб олдилар ва лангар кўтарилиши билан биз йўлга тушдик.

Қайиқ жанубга томон йўл олди. Эшакчилар шошилмас эдилар. Улар эшакни ҳарбий-денгиз флотларидагидек орадан ўн секунд ўтказиб сувга тушираётганларига эътибор бердим. Қайиқ ўз ҳаракати билан сузаётганида кўтарилган эшаклардан тўлқинлар устига томаётган сувнинг чақиллаши эшитилиб турарди. Қирғоқ томондан ғасётган енгил шабада қайиқни хиёл чайқатар ва тўлқин ўрқачлари унинг тумшугига шапиллаб урилиб, парчалашиб кетарди.

Биз жим ўтирар эдик. Капитан Немо нима ҳақда ўйлаётган экан? Балки, шу ер ҳақидадир, биз унга жуда яқинлашаётганимизни ўйлаётганмикин?

Эҳтимол Нед Ленд ҳам ер ҳақида ўйлаётгандир, аммо унинг фикрича, ҳар ҳолда биз ердан анча узоқдамиз.

Конселга келганда, у ҳеч нарса тўғрисида ўйламай, фақат ваъда қилинган томошани сабрсизлик билан кутаётгандай эди.

Беш яримда тунгнинг дастлабки нурлари уфқда тоғин намоён этди. Шарқи пасттекисликдан иборат оролнинг жануб томони тоғлик эди. Биз ундан беш миля масофада эдик.

Орол билан қайиғимиз оралиғида денгиз бўм-бўш эди. На биронта кемача, на сувга шўнғувчилар кўринарди.

Капитан Немо тўғри айтган экан: биз бу ерга жуда эрта келибмиз.

Эрталаб соат олтида на тунг, на оқшоми бўладиган пропик мамлакатлардагидек тўсатдан кун чиқди. Қуёш

нурлари уфқни беркитиб турган булут пардасини ўриб чиқди ва кундуз машъаласи тезда кўкка кўтарилди.

Энди мен ерни, ҳатто соҳилдаги айрим дарахтларни ҳам аниқ кўрдим.

Қайиқ Жанубий қирғоқлари ярим доира шаклдаги Ма-наар ороли томонга бурилди. Капитан Немо ўрнидан туриб, денгизга қаради.

Унинг ишораси билан қайиқ тўхтади ва сувга лангар ташланди. Лангар бир метрча чўкди, холос. Бу ерда марварид кони шу қадар саёз эди.

Сув оқими шу заҳотиёқ қайиқни занжир етганча орқага, очиқ денгиз томон тортди.

— Мана, етиб ҳам келдик, профессор,— деди капитан Немо.— Бу кимсасиз кўрфазни кўряпсизми? Бир ойдан кейин унга юзлаб корхона кемалари йиғилади ва минглаб жасур шўнғувчилар ана шу сувга тушадилар. Бу кўрфаз марварид қидиришга жуда қулай: у шамолдан тоғлар билан ихота қилинган ва унда сира кучли тўлқин бўлмайди — бу шўнғувчиларнинг ишлаши учун ғоят муҳим ҳисобланган шарт-шароитдир. Энди биз скафандрларни кийиб, сайримизни бошлаймиз.

Мен жавоб қайтармай ва бу хавфли сувдан кўз узмай, матрослардан бирининг ёрдамида оғир скафандрни кия бошладим. Капитан Немо ва иккала дўстим ҳам скафандрларини кийишаётган эдилар. Маълум бўлишича, «Наутилус» матросларидан биронтаси ҳам қўлтиқдаги сув ости саёҳатимизда бизга ҳамроҳ бўлмас экан.

Кўп ўтмай биз бўйнимизгача каучук кийимга кириб олдик ва елкаларимизга сиқик ҳаво солинган резервуарларни осиб қўйишди. Қайиқда Румкорф аппаратлари ва электр фонарлар йўқ эди. Шлёмни бошимга кийиб олишдан олдин капитанни бундан огоҳ этдим.

— Бизга фонарь керак бўлмайди,— деб жавоб берди у.— Биз чуқурликка бормаймиз, саёзликни эса қуёш бемалол ёритади. Бундан ташқари, бу сувларда электр фонарларини ёқиш кечириб бўлмас даражадаги эҳтиётсизлик бўларди: унинг ёғдуси хавфли йиртқичларнинг диққатини ўзига жалб этиши мумкин.

Капитан Немо шу сўзларни айтаётганида, мен Нед Ленд ва Конселга қарадим. Бироқ бу ажралмас биродарлар мис шлёмларни аллақачон бошларига илиб олган эдилар. Улар ҳеч нарса эшитолмадилар.

Капитан Немога берадиган сўнги саволим қолди, холос.

— Милтиқлар қани?— сўрадим мен.— Наҳотки қуролланмасдан борсак?

— Милтиқ дейсизми? Уларнинг нима кераги бор?— эътироз билдирди капитан Немо.— Тоғликлар ҳеч вақт айиқ овига милтиқ кўтариб борадиларми? Қўлдаги ханжар ҳар қандай ўқдан ҳам ишончлироқ. Дами ўткирлигини қаранг. Белингизга қистириб олинг, кетдик.

Мен ҳамроҳларимга қарадим. Улар ҳам биз сингари қуролланиб олган эдилар ва бундан ташқари Нед Лениннинг қўлида «Наутилус»дан олиб олган катта гарпун ҳам бор эди.

Бошимни оғир мис шаёмга тиқиб, уни бурашларига рухсат бериш ва сиқик ҳаво тўлатилган резервуар мурувватини очишдан бўлак иложим қолмаган эди.

Бир дақиқадан сўнг матрослар бизни бирин-кетин сувга туширишди ва тахминан бир ярим метрлар чуқурликда оёқларимиз қум қатламларига тегди.

Капитан Немо қўли билан ишора қилгач, биз унинг кетида қиялик бўйлаб сув остига туша бошладик.

Рухимни эзаётган кўнгилғашлик тўсатдан тарқалди. Мен тамоман тинчланиб, сув ости ҳаётининг ажойиб манзараларига мафтун бўлдим.

Қуёш сув остини яхшигина ёритмоқда эди. Ҳатто майда жисмлар ҳам аниқ кўринарди. Ун минутча юргач, биз беш метр чуқурликка тушдик, бу ерда сув туби қаттиқ ва текис эди.

Биз думидагидан бошқа сузгичи бўлмаган бирпатлилар гуруҳидан бир неча тўда балиқларни чўчитиб юбордик. Мен узунлиги салкам бир ярим метр келадиган, елкаси ва қорни сарғиш-кул ранг, хитой илонбошлиларидан катталиги ва рангпарлиги билан ажралиб турадиган йўл-йўл илонбошлиларни кўрдим. Шундан сўнг бизга елкасидаги сузгичи ёқага ўхшаган ёрқин рангдаги елкан балиқлар учради. Бу ейиладиган балиқ, қурилган ва сиркаланганлари маҳаллий аҳоли орасида жуда тансиқ таом ҳисобланади. Мен имо-ишора билан Консель диққатини танаси майда тангачалар билан қопланган каранга балиқлар оиласига мансуб ставридага жалб этдим. Ставридалар юқоридан кўкиш-кул ранг, пастдан кумуш ранг бўлиб, узунлиги ўттиз сантиметрдан ошмайди.

Бу орада кўтарилаётган қуёш сувни борган сари ёрқинроқ ёритмоқда эди.

Сув тубининг кўриниши аста ўзгара борарди.

Майда, зич ўрнашиб олган қум ўрнини нимаси биландир тош йўлни эслатадиган, худди атайлаб қоя парчалари ётқизилган ва зоофитлар ҳамда моллюскалар гиламдай қоплаган ер эгаллади.

Мен бу ерда фақат Қизил денгиз ва Ҳинд океанида учрайдиган ва устрицалар оиласига мансуб чиганоғининг оғзи юпқа ва нотекис плаценларни; чиганоғи думалоқ тўқ сариқ люцин; «Наутилус»ни ажойиб бўёқ билан таъминлайдиган бир неча Эрон қирмизлари; Ҳиндистон бозорларида сотиладиган ейиладиган чиганоқлар ва ниҳоят ажойиб елпигичлари океан ҳайвонот оламининг энг гўзал намунаси ҳисобланган окулинларни кўрдим.

Сув остида сон-саноқсиз бўғиноёқлилар ўрмалаб юришарди. Булар орасида танаси думалоқроқ, бир ёғида хартум, иккинчи ёғида етти жуфт оёғи жойлашган қорни бўлган кўпбўғинлилар; деярли қирилиб битган, тумшуги йўқ палеострактлар; Чарльз Дарвин кузатган баҳайбат денгиз қисқичбақалари бор эди. Табиат бу қисқичбақаларга гоят зўр куч бахш этган; улар соҳилдаги дарахтларга чиқиб, кокос узишар, ерга тушиб ёрилгач, ўзларининг қудратли қисқичлари билан очишарди. Улар бу ерда, ёрқин ёғду тушиб турган сувларда қоялар орасида аранг судралиб юривчи малабар қисқичбақаларига нисбатан ҳайратга соладиган даражада тез сузишарди.

Эрталаб соат еттиларга яқин биз ниҳоят миллионлаб чиганоқлар сочилиб ётган марварид конига етиб келдик. Ейиладиган чиганоқлар ҳаракат қилиш қобилиятидан маҳрум бўлмаса, улардан фарқли ўлароқ бу қимматбаҳо моллюскалар ўзларидан ажралиб чиқадиган шилимшиқ моддалари ёрдамида қояларга ёпишиб олиб, қайтиб қимирламас эди.

Марварид ҳосил бўладиган моллюскалар усти бир оз гадир-будур, оғзи қалин бир хилдаги думалоқ чиганоқлардан иборатдир.

Баъзи чиганоқларнинг устида ҳар томонга таралаётган нурлар каби яшил чизиқлар бўлади. Бу ёш чиганоқлар эди. Бошқа, ёши ўн ва ундан ошганлари қўнғир, ҳатто деярли қора эдилар ва энлари ўн беш сантиметрга борарди.



Капитан Немо қўли билан уюлиб ётган беҳисоб чиганоқларга ишора қилди ва бу хазина чиндан ҳам битмас-туганмаслигини тушундим. Чунки саҳий табиат бу бойликларни инсон етказган зараридан кўра кўпроқ миқдорда қайта яратиб туради. Инсоннинг бузғунчилик туйғусига содиқ бўлган Нед Ленд ёнидаги осиглик тўрни шоша-пиша энг яхши чиганоқларга тўлата бошлади.

Бироқ бизнинг тўхтаб қолишимиз мумкин эмас эди. Таниш йўллардан комил ишонч билан бораётган капитандан ортда қолмаслик керак эди. Биз бир неча марта қўл кўтарса денгиз сатҳига етадиган ерларга ҳам чиқиб қолдик. Бироқ ўша заҳоти сув туби яна қиялаб, пастга қараб кетар эди.

Кўпинча пирамидага ўхшаган баланд қояларни айла-ниб ўтишга тўғри келди. Унинг ёриқлари ва ковакларидан йирик қисқичбақасимонларин қўйиб ётарди. Аллақандай афсонавий ҳарбий машиналарни эслатувчи бу қисқичбақасимонлар ўзларининг узун оёқларида тебраниб, биздан кўз узмай қараб туришарди.

Ниҳоят, денгиз ўсимлик дунёсининг энг чиройли намуналари билан қопланган қояда жуда ғалати қилиб ўйилган хушманзара ғорининг кираверишига келиб қолдик. Аввалига назаримда ғор ичи зим-зиё зулматдай, қуёш нурлари унинг кираверишида сўниб қолгандай бўлиб туюлди, бироқ ғор ичини тўлатган сув ялтиллаётган эди; тиниқ ва қуёш нурларини шимиб олган номаълум рағдда эди.

Капитан Немо ғорга кирди. Биз ҳам унга эргашдик.

Кўп ўтмай кўзларим ғордаги қоронғиликка кўникиб қолди. Баъзи ерларда бир томони деворга кирган, ўзи э а гранит устида ўрнашган тўрт қиррали устунлар кўтариб турган ғор қуббаларига кўзим тушди. Улар тоскан мезморчилигининг улкан устунларига ўхшаб кетар эди.

Бизни бу сув ости ғорининг ичкарасига бошлаб келиш ғалати йўлбошчимизга нечун зарур бўлиб қолди экан?

Орадан кўп ўтмай мен бунинг сабабини тушуниб олдим.

Қияликдан пастга тушиб биз каттагина чўкмага килиб қолдик. Бу ерда капитан Немо тўхтаб, бошда биз кўрмаган нарсага ишора қилди. Бу ниҳоят баҳайбат тридакна бўлиб, диаметри икки метр, яъни «Наутилус» салонидагидан ҳам катта эди.

Мен бу ғаройиб моллюскага яқинроқ бордим.

У гранит майдончага ёпишиб олиб, бу ғорнинг сокин оувларида ёлғиз ўсар эди.

Чамамда бу тридакнанинг вази уч юз килограмм келарди. Бундай устрицанинг камида ўн беш килограмм гўшти бўлса керак.

Капитан Немо бу тридакнанинг мавжудлигини илгаридан билган бўлиши керак. Бу ерга унинг биринчи келиши ҳам эмас ва бинобарин, бизни табиат яратган шу мўъжизани кўрсатиш учун ғорга бошлаб келди, деб ўйлаган эдим.

Аммо хато ўйлабман. Капитан Немонинг ўзи чиғаноқдан хабар олиши керак экан.

Чиғаноқнинг катта тавақаси ярим очиқ экан. Капитан ёпишиб қолмасин деб унинг орасига ханжар қўйди. Сўнг-ра у моллюсканинг кунгурали териси четидан бир оз кўтарди.

Моллюска тапасининг қатлари орасида катталиги қос ёнгогидай марварид эркин ўсаётган экан. Дум-думалоқ силлиқ шакли, ниҳоятда тиниқлиги ва сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада тусланиши унинг қийматини жуда ошириб юборган эди.

Мен қизиқиб қолиб, уни яқиндан билиш, ушлаб чама-лаб кўриш учун қўлимни чўздим. Аммо капитан Немо мени тўхтатиб чиғаноқ тавақасидан ханжарини олган эди, у шу заҳоти ёпилди..

Капитаннинг мақсадини тушундим: у аста-секин ўссин деб, марваридни моллюска терисини орасида қолдирган. Моллюска ажратадиган модда ҳар йили марварид қатламини кўпайтириб борарди. Ғорда ана шундай мўъжизали нарса етишаётганини биргина капитан Немонинг ўзи билар эди, холос. У буни вақти келиб ўз музейига олиш учун ўстираётган эди. Эҳтимол бу марваридни ҳосил этиш учун унинг ўзи моллюсканинг териси остига кўзмунчоқ ёки темир соққа қўйган бўлиши ҳам мумкин.

Нима бўлганда ҳам ўзим эшитган ва «Наутилус» музейи витринасида кўрганларим билан таққослаб мен бу марваридни камида ўн миллион франк туради, деб баҳоладим. Буни қимматбаҳо тош эмас, балки мисли кўрилмаган ноёб нарса десак тўғрироқ бўлар эди. Зеро ер юзида қулоғи бундай зиракнинг оғирлигини кўтара оладиган биронта аёл бўлмаган.

Ажойиб тридакнанинг кўриги тугади. Капитан Немо бордан чиқди ва биз қияликдан яна марварид саёзлигига кўтарилдик.

Биз далада сайр қилиб юргандек сочилиб борар эдик. Ҳар биримиз истаган жойимизда тўхтар, бошқалардан анча ортда қолиб кетар эдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, сайрга чиқиш олдидан мени эзаётган хавф-хатар ҳақида бутунлай ўйламай қўйдим.

Сув туби тобора кўтарилиб борди ва ниҳоят саёзлиги бир метрга ҳам етмайдиган жойда бошим океан сатҳига чиқиб қолди. Консель менга етиб олди ва шлёмининг ойнасини шлёмим ойнасига қўйиб, кўзлари билан дўстона салом изҳор этди. Бироқ бу саёзлик бир неча ўн метргагина борди, сўнг биз яна ўз муҳитимизга шўнғидик. Эндilikда мен океанни шундай деб аташга ўзимни ҳақли деб биламан.

Шундай қилиб, яна ўн минутлар чамаси ўтди. Капитан Немо бирдан тўхтаб қолди. Назаримда у йўлдан адашгандай бўлиб туюлди. Йўқ, ундай эмас экан: у яқинроқ боришимизни ишора қилди ва биз етиб боргач, қўлини чўзиб, аллақандай нарсани кўрсатди.

Диққат билан қарай бошладим.

Мендан беш метрлар нарида соя кўринди. Хаёлимдан акулалар ҳақидаги даҳшатли фикр ўтди. Аммо бекорга ҳаяжонланган эканман: гап бошқа нарса устида бораётган экан.

Бу — одам, тирик одам, балиқчи ҳинду эди. Афтидан марварид чиғаноғини олиш учун шўнғиган бўлса керак. Ўзидан бир оз нарида, боши устида турган қайиқ тагтўсинини кўрдим. У шўнғиб, ўша заҳотиёқ сув сатҳига кўгариларди. Сувга тушаётганда у оёқлари орасида учи арқон билан қайиқ қўйруғига боғланган катта тошни қисиб гузар эди: бу унинг сув тубига тезроқ етиб олишига ёрдам берарди. Тахминан беш метрлар чуқурликка тушгач, у тошни қўйиб юбориб, тиз чўкиб олар, тўрини тезгина қўлига илинган чиғаноқлар билан тўлатарди. Шундан сўнг у сув сатҳига кўтарилиб, тўрдаги чиғаноқларни қайиққа ташлаб, тошни тортиб олгач, яна сувга шўнғирди. Сув остида ҳар гал у ўттиз секунддан ортиқ турмав эди.

Ғаввос бизнинг турганимизни сезмади. Қоя сояси бизни ундан тўсиб турар эди.

Узи сингари мавжудотлар сув остида унинг ёнида ҳар бир ҳаракатини кузатиб турганини бечора ҳинду қаёқдан хаёлига келтирсин?

У бир неча марта шўнғиб чиқди. У чиғаноқлар денгиз тубига қаттиқ ёпишиб қолгани сабабли ҳар шўнғиганида ўнтадан ортиқ йиғиб ололмас эди. Ҳаётини хавф остида қолдириб олиб чиққан чиғаноқларининг нечтаси марваридсиз бўлади!

Мен ғаввоснинг ишини зўр диққат билан кузатардим. У маълум бир вақтнинг ўзида шўнғиб, яна сув сатҳига кўтариларди. Ярим соат давомида унинг ишига ҳеч нарса халақит бермади.

Мен бу диққатга сазовор ишга берилиб, унинг хавф-хатарини ҳам унутиб, шу қадар маҳлиё бўлиб қолибманки, тўсатдан ҳиндунинг кўрқув ичида денгиз тубига оёғини тираб тезда юқорига сакраганини кўриб қолдим.

Кўрқишнинг сабаби аён бўлди. Улкан бир соя бечора ғаввоснинг устига келиб қолган эди. Бу — кўзлари ўтдай чақнаб, оғзини катта очиб ҳинду томон сузиб келаётган баҳайбат акула эди.

Мен кўрқувдан донг қотиб, қимирлашга ҳам мажолим келмади. Юхо йиртқич ўзини тўғри бечора ҳиндуга ташлади. Чап бериб, ўзини акуланинг очиқ оғзидан олиб қочди, аммо кўкрагига унинг думидан келиб тушган зарбдан қочолмай, ўша заҳоти ўзидан кетиб йиқилди.

Бу воқеа бир неча секунд ичида бўлиб ўтди. Акула елкасига ағдарилиб, ҳиндуни иккига бўлиб ташлашга ҳозирлик кўраётганида, тўсатдан ёнимда турган капитан Немонинг ханжарини суғуриб қатъият билан даҳшатли махлуқ томон югурганини кўриб қолдим.

У даҳшатли йиртқич билан яккама-якка жангга шайланган эди!

Акула шўрлик ғаввосни энди ютаман деб турганида, тўсатдан янги ғанимни кўриб қолди. Ўша заҳотиёқ қорнига ағдарилиб, капитан Немо томон ташланди.

Бу даҳшатли олишув манзараси ҳали-ҳали батафсиллигича кўз ўнгимда: Капитан Немо улкан акуланинг етиб келишини ғалати осойишталик билан кутиб турди. Акула унга ташланганда, капитан мисли кўрилмаган чаққонлик билан чап бера туриб, қорнига ханжарни дастасигача санчди.

Аммо бу билан иш битмаган эди. Олишув шундан кейингина бошланди.

Бошқача қилиб айтганда, акула бўкириб юборди.

Унинг жароҳатидан шариллаб қон оқа бошлади. Атрофимизда сув қизариб, шу қадар бўтана бўлиб кетдики, мен ҳатто кейин нима бўлганини кўролмай қолдим.

Бир оздан кейингина, сув оқаргач, жасоратли капитан акула сузгичидан ушлаб олиб, унинг қорнига ханжарни ғазаб билан қулочкашлаб уриб олишаётганини, аммо ҳал қилувчи сўнгги тигни юракка санчишга қулай вазият бўлмаётганини кўрдим. Акула қаҳр билан тўлганиб, сувни шу қадар куч билан чайқатдики, ўзимни зўрға тутиб олдим.

Мен капитан Немога ёрдамга ташланмоқчи бўлдим, аммо қўрқувдан шу қадар қотиб қолган эдимки, турган ўрнимдан бир қадам ҳам жилолмасдим.

Олишаётганлар аҳволи ўзгараётганини дарду алам билан кузатиб турардим. Акула капитанни тўши билан уриб денгиз тубига ағдарди. Акуланинг улкан ва баҳайбат оғзи очилди ва Нед Ленд орага тушмаганида бир секунд ичида капитан Немо ҳаёт билан видолашган бўлур эди.

Каньдалик фикр тезлигида акулага ташланди ва гарпун учини унга зарб билан санчди.

Сув янги қон оқимидан яна лойқаланди ва акула думи билан сувни қаттиқ чайқатди. Нед Ленд бехато урган эди. Унинг гарпуни йиртқичнинг худди юрагини шикастлантирди. Бу жон талвасаси эди. Баҳайбат махлуқ қалтираб, сувни шу қадар тўлқинлантирдики, Консоль иккинчи ағдарилиб тушдик.

Шу орада Нед Ленд капитаннинг ўрнидан туриб олишига ёрдамлашди. Олишувда бирон ери ҳатто тимдаланмаган капитан ўрнидан тура, зудлик билан сал нарида қимирламай ётган ҳиндуга яқинлашди, унинг жонсиз танасини кўтариб, оёғини денгиз тубига тираб, сув сатҳига томон сакради.

Биз учаламиз унга эргашдик ва бир неча секунддан сўнг ғаввоснинг қайиғига чиқиб олдик.

Капитан Немонинг дастлабки ташвиши шўрликни ўзига келтириш эди. Ҳинду сув остида кўп ётгани йўқ — акула билан олишув бир неча секундгина давом этди, бинобарин ёрдам бериш борасида кечикилмаган эди. Аммо иккинчи томондан акуланинг думи билан урилган даҳшатли зарб уни ҳалок қилган бўлиши мумкин.

Бахтига бундай бўлмаган экан. Консель билан капитан Немонинг зўр бериб тез-тез ишқалашлари туфайли сувга чўккан киши аста-секин ўзига кела бошлади. У кўзларини очди.

Каттакон тўртта мис бош унинг устида энгашиб турганини кўрганда қанчалик таажжублангани ва ҳатто кўрқиб кетганини тасаввур қилинг-а!

Капитан Немо белидан марварид солинган тўрини ечиб, қутқарилган кишига узатди. Сув одамнинг бу ажойиб тухфасини цейлонлик бечора ҳинду қалтираб турган қўллари билан олди. Юзидаги кўрқув ва таажжубдан айна вақтда ҳам ҳаётини сақлаб қолган, ҳам кутилмаганда шундай бойлик инъом этган қандай ғайри табиий мавжудотларга миннатдорчилик билдириш лозимлигини билмаётгани сўзсиз кўришиб турарди.

Капитан Немонинг ишораси билан биз қайиқдан тушиб, марварид коняга қайтдик ва ярим соат юргач, «Наутилус» қайиғи боғланган лангарга етдик.

Қайиққа чиқиб олгач, матрослар ёрдамида оғир мис шлёмлардан бўшаб олдик.

Капитан Немонинг биринчи сўзи Нед Лендга қаратилган эди.

— Сиздан миннатдорман, мистер Ленд!— деди у.

— Арзимамайди, капитан,— деб жавоб берди канадалик.— Мен сиздан қарзимни уздим, холос.

Капитанининг юзида совуқ бир табассум жилваландию, шу билан тамом.

— «Наутилус»га!— буюрди у.

Қайиқ тўлқинлар бўйлаб ўқдай учиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг сув бетига қалқиб чиққан акула мурдаси яқинидан сузиб ўтдик. Қиррали тумшуги ва деярли елка сузгичларигача давом этиб кетган ўроқсимон узун кўкрак сузгичлари, ниҳоят кул ранг елкаси ва оқ қорнига қараб мен унинг чинакам акулалар оиласига мансуб энг хавфли турларидан бири — ҳаво ранг акулалигини кўрдим.

Консель ўлдирилган йиртқичга соф илмий нуқтаи назардан қараётган эди. Аминманки, шу дақиқада у ўзича бу махлуқни кемирчаклилар кичик синфи, чинакам акулалар оиласи, ҳаво ранг акулалар турига тааллуқли деб тўғри чамалаётган эди.

Мен қимир этмай ётган бу нимталанган гўштни кўздан кечираётганимда тўсатдан унинг ялмоғиз уруғ-аймоқларидан олтитачаси қайиқ олдида пайдо бўлиб қолди.

Бизга мутлақо эътибор бермай, ҳаво ғайи ақуланинг мурдасига ёширилиб, унинг танасидан юлиб олдинг парчаларни бир-бирларидан тортқилай бошладилар.

Саккиз яримда биз «Наутилус»га қайтдик.

Каютамга киргач, хотирамда бугунги эрталабдан бери бўлган воқеаларни жонлантира бошладим. Улардан икки хулоса чиқариш мумкин эди; биринчиси шуки, жасурликда капитан Немо билан рақобат қиладиган одам йўқ ва иккинчиси — инсониятдан нафратланишига ва ундан бе-зиб денгиз қаърига қочган бўлишига қарамай, умрида биринчи учраган нотаниш бир қашшоқнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз ҳаётини таҳлика остида қолдиришга тайёр эди.

Бу ғалати одам ўзи ҳақида нима демасин, инсонпарварлик туйғуларини бутунисича йўқ қила олмагани кўри-ниб турар эди.

Мен унга шуни айтганимда, ҳаяжонини яширолмай жавоб берди:

— Бу ҳинду мазлумлар мамлакатидан эди, профессор. Сўнгги нафасимгача барча мазлумлар томонида бўламан ва ҳар бир мазлум киши менинг оғам эди, ҳозир ҳам оғам, бундан кейин ҳам оғам бўлиб қолади.

### *Тўртинчи боб*

### **ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ**

29 январда кундузи Цейлон ороли уфқ ортида кўринмай қолгач, «Наутилус» катта тезлик билан Мальдив оролини Лаккадив оролидан ажратиб турган бўғознинг айланма йўлидан сузиб борар эди. Биз Лаккадив ороллар тизмасининг ўн тўққиз йirik оролларида бири — шимолӣ кенгликнинг 10-градус 1-минуту ва 14-градус 30-минутуида ҳамда шарқӣ узунликнинг 69-градус 0-минуту ва 50-градус 72-минутуида жойлашган, 1499 йилда Васко-де-Гама очган Киттан марварид ороли ёнидан ўтдик.

Сув ости кемаси Япон денгизидан чиққанидан ўша кунгача ўн олти минг икки юз йигирма миля босиб ўтган эди.

Эртаси кун, 30 январда, «Наутилус» денгиз сатҳига кўтарилганда ер кўринмай қолган эди.

Кема энди шимол — шимоли-ғарб, Арабистон билан Ҳиндистон ярим ороли оралиғида ётган ва Форс қўлтиғига киравериш вазифасини ўтайдиган Уммон қўлтиғи томон йўл олди.

Капитан Немо бизни қаёққа олиб кетяпти? Мен бу саволга ўзимга ҳам, шу ҳақда сўраган Нед Лендга эса умуман жавоб бера олмас эдим.

— Биз, дўстим Нед, капитан Немонинг боши оққан томонга кетяпмиз,— деб жавоб бердим унга.

— Бу бизни, яхшиликка олиб бормаса керак, — деди канадалик. — Форс қўлтиғига кирадиган биргина йўл бор, чиқадиган йўл ҳам шунинг ўзи, борди-ю, биз унга кирсак, унда албатта орқага қайтишга тўғри келади.

— Нима қипти, қайтаверамиз-да, Нед. Агар Форс қўлтиғидан кейин капитан Немо Қизил денгизга ўтмоқчи бўлса, Бобил-Мандаб бўғози унинг кемасини ўтказиб юборишга ҳамниша тайёр.

— Жаноб профессор, Қизил денгиз Форс қўлтиғи сингари ёпиқлигини мenden яхши биласиз,— дея эътироз билдирди Нед Ленд,— чунки ҳали Сувайш канали қазилмаган, бинобарин ҳатто «Наутилус»дай кема ҳам бўлажак тўғон дарвозалари учун қазилган чуқурдан ўта олмайди. Шундай қилиб, Қизил денгиз бизни Европага сира яқинлаштиролмайди.

— Аммо мен сизга Европага яқинлашяпмиз деганим ҳам йўқ.

— Унда тахмишингиз қандай?

— Менимча, Арабистон ва Миср соҳилларидан ўтгач, «Наутилус» ё Мозамбик бўғози ёки Маскарен ороллари ёнидан ўтиб, яна Ҳинд океанига қайтади ва Яхши Умид бурунига боради.

— Шундай бўлади деб, фараз қилайлик,— дея сўзини давом эттирди унга хос бўлмаган қатъият билан Нед Ленд.— Хўш, Яхши Умид бурунига етиб олганимиздан кейин нима бўлади?..

— «Наутилус» уни ортда қолдириб, биз ҳали бўлмаган ўша Атлантик океанга чиқиб олади. Тўғриси айтиш-чи, дўстим Нед, наҳотки битмас-туганмас шу сув ости манзаралари сизни чарчатиб қўйган бўлса? Менга келганда, очигини айтсам, бирор инсон ҳатто орзу ҳам қилолмайдиган бу ажойиб саёҳат охирлаб қолганда астойдил хафа бўламан.



— Наҳотки сиз, жаноб профессор,— дея эътироз билдирди канадалик,— уч ойдан буён шу сув ости кемасида банди бўлиб ётганингизни унутган бўлсангиз?

— Буниси эсимда йўқ, Нед, ва эслашни ҳам истамайман! Мен «Наутилус»да ўтказаетган соатларни ҳам, кунларни ҳам санамаяпман.

— Бу ишнинг охири нима бўларкин?

— Вақт-соати етганда кўрамиз! Бу ишни тезлаштириш учун қўшимча бирор чора кўриш қўлимиздан келмайди, беҳуда тортишувга эса ҳожат йўқ. Борди-ю, менинг жасоратли Недим, менга келиб: «Қочишга қулай фурсат етди!» деганида жон деб сиз билан ўтириб олиб, қутулиш йўлларини муҳокама этардим. Бироқ ҳозирча бундай қулай фурсат бўлганича йўқ ва очиғини айтсам, капитан Немонинг, умуман қачондир Европа денгизлари-га ўтишига ортиқча ишонмайман ҳам.

Бу қисқа диалогдан мен «Наутилус» ва унинг сирли капитанининг мутаассибона мухлиси бўлиб қолганим кўриниб турибди.

Нед Лендга келсак, фикрини қуйидаги ҳикматли сўзлар билан тугатди:

— Айтганларингизнинг ҳаммаси тўғри, аммо, менимча, зўравонлик бор жойда ҳаловат бўлмайди!

Кейинги тўрт кун давомида, 3 февралгача, «Наутилус» Уммон қўлтиғида турли тезлик ва чуқурликларда сузиб юрди.

У маълум бир йўналишни танламай, тусмоллаб кетаётганга ўхшарди; аммо шу кунлар ичида биз Рак тропиғини бирон марта ҳам кесиб ўтганимиз йўқ.

Бу денгиз билан хайрлашишдан олдин биз бир неча минут давомида Уммоннинг асосий шаҳри Масқатни кузатиб турдик. Мен унинг ажойиб манзарасига маҳлиё бўлдим: қорамтир қоялар олдидаги оқ уйлар ва истехкомлар чиндан ҳам ниҳоят даражада гўзал эди.

Мен мачитларнинг дум-думалоқ гумбазлари, кўкка бўй чўзган миноралари, кўкаламзор айвонларини завқ билан томоша қилдим.

Бироқ бу манзара кўпга чўзилмади, «Наутилус» яна зим-зиё сув қаърига шўнғиди.

Шундан сўнг кемамиз Гадремаут яқинидан унда-мунда қадимий вайроналари бўлган туя ўрқачларидай баланд-паст тоғ тизмалари ёнидан Арабистон соҳиллари бўйлаб қуруқликдан олти миля узоқликда сузди.

Ниҳоят, 5 февралда биз Ҳинд океанининг сувлари Қизил денгизга қуйиладиган Бобил-Мандаб бўғозига чинакам воронка бўлиб турган Аден қўлтиғига кириб бордик.

6 февралда «Наутилус» Аден шаҳри кўринадиган ерда денгиз сатҳига кўтарилди. Бу шаҳар шу номдаги бурнда жойлашган бўлиб, уни қитъа билан торгина бўйинча боғлаб турар эди.

Аден ўзининг табиий шароитига кўра ҳақиқий Арабистон Гибралтари ҳисобланиб, 1839 йилда инглизлар томонидан забт этилган ва эндиликда у олиб бўлмайдиган қалъага айланган эди. Тарихчи Эдриднинг айтишича, бутун денгиз бўйида бир вақтлар энг гавжум ва бой савдо маркази бўлган бу шаҳарнинг саккиз қиррали минораларини узоқдан кўрдим.

Капитан Немо «Наутилус»ни Адендан орқага қайтаришга ишончим комил эди. Бироқ хато қилган эканман.

Эртаси куни, 7 февралда, биз Бобил-Мандаб бўғозига кирдик. Бу бўғоз арабчада «Кўз ёши эшиги» деган мазмунни ифодалар эди. Бўғознинг узунлиги ҳаммаси бўлиб валик икки километр ва «Наутилус» уни жуда тез сузиб, салкам бир соат ичида босиб ўтди. Аммо мен ҳеч қаерни, ҳатто инглизлар Аденнинг денгизга ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун босиб олган Перим ороли соҳилларини ҳам кўролмадим. Сувайш бўйинини Бомбай, Калькутта, Мельбурн ва авлиё Маврикия ороли билан боғлайдиган бўғоз сувларидан ҳаддан зиёд инглиз ва француз кемалари қатнаб тургани учун «Наутилус» сув сатҳида эмас, балки муттасил сувга чўккан ҳолда сузди.

Ниҳоят, пешинда биз Қизил денгиз сувларига кирдик.

Қизил денгиз! Унинг сатҳига булутлар сира ёмғир бўлиб қуйилмайди! Кўк гумбази бу денгиз узра булутлар билан қовоғини солмайди! Унга биронта катта дарё келиб қуйилмайди! Қизиган қуёш денгиз сувини кўп миқдорда буғлатиб, ҳар йили унинг сатҳидан бир ярим метр сувни олиб кетади.

Агар бу ғалати қўлтиқ океандан узилиб, кўлга айланганида, у аллақачон қуриб қолган бўлиши ҳам мумкин эди.

Қизил денгиз бўйига икки минг олти юз километр, энига ўрта ҳисобда икки юз қирқ километр келади. У Пто-

лемейлар, фиръавнлар<sup>1</sup> ва Рим империяси даврида дунёдаги энг катта савдо йўли эди.

Сувайш қаналининг очилиши бу денгизнинг илгариги мавқеини қайта тиклайди.

Мен капитан Немонинг нима сабабдан бу қўлтиққа келиб қолганлигини тушуниб олишга ҳаракат ҳам қилмадим. Бироқ «Наутилус»нинг бу ерга келиб қолганидан бениҳоя хурсанд эдим.

Эндиликда биз олдимиздан келаётган кемаларга учрамаслик учун гоҳ денгиз сатҳида, гоҳ сув остида шошилмай, бир меъёрда сузиб борар эдик, бинобарин мен бу ажойиб сув ҳавзаси билан танишиш имкониятига эга бўлдим.

8 февралда қуёш ўз жамолини кўрсатиши билан биз вайроналар шаҳри, нураган деворлари бир замбарак овозиданоқ қулай деб турган Моккани кўрдик. Вайроналар орасида хурмо дарахтлари илдиз отиб кўм-кўк бўлиб ўсиб ётарди. Бир вақтлар Моккани айланаси уч километр келадиган тасмадай олтита бозор, йигирма олти масжид, ўн тўртта қўрғон ўраб турарди.

«Наутилус» суви анча чуқур бўлган Африка соҳилларига яқинлашиб борарди. У ерда биз сувга чўкиб, ажойиб қип-қизил маржон буталари ва сув ости қояларини гиламдай қоплаб ётган йўсинлар ва фукусларни завқ билан томоша қилдик. Ливия соҳилларига бориб тақаладиган бу сув ости қоялари ва оролчалар нақадар хушманзара! Аммо «Наутилус» кўп ўтмай етиб келган шарқий соҳилларнинг сув ости манзаралари ундан ҳам гўзал ва ранг-баранг эди. Тихам ёнида зоофитлар сув остидагина ўсиб қолмай, уларнинг ажойиб чирмовуқлари денгиз сатҳидан ҳам бир неча метргача кўтарилган эди. Аммо, очиги, сув устидаги зоофитлар сув остидагиларига нисбатан анча рангсиз эди.

Қанчадан-қанча унутилмас дамларни салон деразаси ёнида ўтириб ўтказдим. Электр прожектор ёғдусида сув ости ўсимлик ва ҳайвонот оламининг қанчадан-қанча янги намуналарини: аппендикулярыйлар, сальплар, ранги қора минералга ўхшаган актиниялар, туркум-туркум бўлиб яшайдиган сон-саноксиз чиганоқлар, ниҳоят ҳозиргача мен ҳеч қаерда учратмаган булутлар синфининг минглаб хилларини кўрдим.

<sup>1</sup> Фиръавн — қадимги Миср подшоҳларининг унвони.

Булутлар — ҳануз баъзи натуралистлар ўйлаётганча, ўсимлик эмас, балки бошланғич босқичдаги жонивор, у ҳатто тараққиётда маржонларга нисбатан ҳам анча паст туради.

Булутларнинг ҳайвонот оламига мансублигига ҳеч қандай шубҳа йўқ ва шу билан бирга қадимгиларнинг изидан бориб, уларни ҳайвонот ва ўсимлик оралиғидаги аллақандай оламга тақаш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шуни ҳам айтиб қўйй, натуралистлар ҳануз булутларнинг тузилиши масаласида муайян бир фикрга келганлари йўқ.

Баъзилар бу майда жониворларнинг бутун бир туркумини, бошқалар, шу жумладан Мильн-Эдвардс ҳар бир булутни алоҳида бир жонивор деб ҳисоблашади.

Булутлар синфи бир неча минг турдан иборат. Булутлар барча денгизларда, шунингдек, айрим дарёлар ва кўлларда ҳам яшайди. Бироқ кўпинча улар Уртаер денгизи, Греция денгизларида, Сурия соҳиллари ва Қизил денгизда учрайдилар. Бу ерда асосан ҳар бири юз эллик Франкка сотиладиган жуда нафис, юмшоқ, оқиш Сурия ва Триполитан булутлари яшайди.

Сувайш бўйнининг ўтиб бўлмас девори тўсиб турган Яқин Шарқ мамлакатларида булутларни учратишга умид боғлаб бўлмаслиги сабабли мен Қизил денгиздаги булутларни зўр диққат билан кўздан кечира бошладим.

«Наутилус» серқоя шарқий соҳилдан саккиз-ўн метр чуқурликда сузаётганида, мен Конселни чақириб, деразадан биргалашиб қараб турар эдик.

Бу ерда булутларнинг ҳамма: танасимон, баргсимон, шарсимон, панжасимон турлари бор эди. Фандан кўра поёзияга мойилроқ овловчиларнинг саватча, бокал, йигирувчи, шерпанжа, товусдум, Нептун қўлқопи деб берган номлари уларнинг ташқи кўринишига тамоман монанд эди. Каллапоча шўрвасининг яхнасига ўхшаган ярим суяқ модда булутларнинг толасимон тўқималарига осуқа бериб, ҳар бир ҳужайрага ингичка тола орқали ҳаёт бағишлайди. Озуқаланган ҳужайра тортилиб, ўзидаги ортиқча сувни сиқиб чиқаради. Полип ўлгач, яхнага ўхшаган бу модда йўқолади; у айниб, ўзидан аммиак ажратади ва жонивор ҳавода сариқ толаларга айланади ва ундан эгилувчанлиги, сув ўтказиш даражасига қараб турли мақсадларда фойдаланилади.

Булулар қояларга, моллюскаларнинг чиғаноқларига, ҳатто зоофитларнинг танасига ҳам илашади.

Улар кичиккина ёриққа ҳам, қояларнинг чуқурчаларига ҳам ўрнашиб олиб, марварид полиплари сингари гоҳ энига, гоҳ бўйига, гоҳ пастга қараб ўсади.

Мен Конселга булуларни драгада ҳам, қўлда ҳам овлашларини, қўлда овлаш афзаллиги, чунки ғаввослар унинг ҳужайраларини узмай, авайлаб олишларини, драгада эса бунга сира амал қилиб бўлмаслигини айтдим.

Булулар атрофида, ғиж-ғиж бўлиб юрган бошқа зоофитлар ичида ўзининг чиройли ташқи кўриниши билан ажралиб турадиган медузалар айниқса кўп эди. Моллюскалардан бу ерда кальмарлар, ўрмаловчиларга оид денгиз тошбақаларидан шўрвабоп деб аталадиган хили ёки гўшти сўйилган куннинг ўзида иштаҳа билан ейиладиган яшил тошбақа бор эди.

Балиқлар жуда кўп эди. Уша кунлари «Наутилус» турининг ўлжаси қуйидагилардан иборат эди; скатлар, шу жумладан, эни бир ярим метргача етадиган, вазни салкам ўн икки килограммлик бургутсимон скат ёки денгиз бургути, тўрт қиррали суяк косаси ва кўзи устида шохга ўхшаш найзалари бўлган шохдор кузовкалар; танаси ғалати рангли, олди оч сариқ, орқаси қўнғирроқ, усти эса бош-оёқ мрамар нақшли илонбалиқлар оиласига мансуб йиртқич балиқ муренлар; каранг балиқлар оиласига мансуб сариқ рангли, атрофи эса қора ҳамда жигар ранг тасма билан ўралган шохдор занклар; оч қирмизи ва тўқ тасмали колбасимон чўртонбалиқлар оиласига мансуб сўргичлар,— бу балиқлар кемирчак ўсимтасидан ҳосил бўлган сўргичлари ёрдамида тошлар ёки чиғаноқларга жуда маҳкам ёпишиб оладилар ва ов кўринганда ўзларини ташлаш ёки душмандан сақланиш учунгина ҳаракатсиз ҳолатдан чиқадиладар. Бундан ташқари тўрға биз бошқа денгизларда кўрган кўп ва турли балиқлар ҳам тушган эди.

9 февралда «Наутилус» Қизил денгизнинг энг сербар жойидан, ғарбда Суакин ва шарқда Яман орасидан сузиб борар эди.

Пешинда, капитан ёрдамчиси кузатув ишларини тутатгач, капитан Немо ёнимга, палубага чиқди.

Мең «Наутилус»ни қаёққа бошлаётганини билиб олмагунимча, уни қўйиб юбормасликка аҳд қилдим.

Капитан Немо мени кўриши билан ўзи яқинлашиб, сизга тугди ва гап бошлади:

— Қизил денгиз сизга ёқдимиги, профессор? Унинг балиқлари, булутлар ва маржон ўрмонларини кўриб бўлдингизми? Соҳилларида жойлашган шаҳарларни ҳам томоша қилдингизми?

— Миннатдорман, капитан. Бу имкониятни менга «Наутилус» берди. Қандай оқил кема!

— Ҳа, профессор, оқил, дадил ва мустаҳкам! У Қизил денгизнинг на қўрқинчли бўронларидан, на оқимларидан, на қояларидан қўрқади.

— Дарҳақиқат шундай,— дедим мен,— бу энг хавфли денгизлардан бири ҳисобланади; адашмасам, у қадим замонлардан бадном бўлиб қолган.

— Ҳа, тўғри, у қадим замонлардан ёмонотлиқ. Юнон, шу билан бирга Рим тарихчилари ҳам у ҳақда жуда ёмон фикрдалар. Страбоининг айтишича, ёгингарчилик ва шимол шамоллағи кўтарилган пайтларда у одам ёқтирмай қолади. Уни Кользум қўлтиғи деб атайдиган араб тарихчиси Эдридининг ҳикоя қилишича, кўпгина кемалар унинг қумлоқ саёзликларида ҳалок бўлади ва тунда ҳеч ким унда сузишга журъат этолмайди. Унинг айтишича, бу денгиз ўзининг даҳшатли довуллари билан ном чиқарган, ороллари меҳмон ёқтирмайдиган ва «сатҳида ҳам, қаърида ҳам диққатни жалб этадиган ҳеч нарсаи йўқ». Арриан, Агатархид ва Артемидорлар ҳам шу фикрга қўшилдилар...<sup>1</sup>

— Кўриниб турибдики, бу тарихчилар «Наутилус»-да сузмаганлар,— деб кўшиб қўйдим мен.

— Жуда тўғри,— кулди капитан Немо.— Аммо сирасини айтганда, бу масалада ҳозирги замон тарихчиларининг ҳам аҳволи қадимгиларидан фарқ қилмайди. Бугда яшириниб ётган механик кучни аниқлаш учун жуда кўп асрлар керак бўлди. Ким билади, лоақал юз йилдан сўнг жаҳон иккинчи «Наутилус»ни кўра олармикин? Тараққиёт, жаноб профессор, шошилаётгани йўқ!

— Тўғри,— дедим мен,— кемангиз ўз даврини бир неча аср бўлмаган тақдирда ҳам, бутун бир аср олдиндан белгилаб олди. Аммо унинг сирини ихтирочисини билан бирга дафн этилиши қандай катта бахтсизлик!

<sup>1</sup> Қадимги Грециянинг тарихчи ва географлари.

Капитан Немо жавоб бермади.

Бир неча дақиқалик жимликдан сўнг у яна сўзини давом эттирди:

— Адашмасам, биз қадимга тарихчиларнинг Қизил денгизда сузишнинг хавфли томонлари ҳақидаги фикрлари устида гапирётган эдик шекилли?

— Ҳа, — дедим мен. — Улар хавфсирашни ҳаддидан ошириб юборганлар, деб ҳисоблаяпсизми?

— Ҳа деса ҳам бўлади, йўқ деса ҳам, жаноб профессор, — деб жавоб берди менга капитан Немо. Афтидан у Қизил денгизни обдан ўрганган. — Пухта қурилган, бўйсундирилган буғнинг шарофати билан эркин йўл танлаётладиган, ҳозирги замон кемалари учун сира хавфсиз ҳисобланган нарса қадимги денгизчиларнинг кемалари учун кутилмаган тасодифларга тўла бўлиши мумкин эди. Пальма пўстлогидан қилинган арқон билан тортилиб, тешикларига қора мой ёки дельфин мойи сурилган тахта кемаларни тасаввур қилиш қийин эмас! Уларда кемачиликка зарур бирорта асбоб-ускуна бўлмаганидан номаълум оқимлар гирдобида таваккал қилиб сузганлар. Бундай шароитларда ҳалокатга йўлиқиш жуда осон бўлган. Аммо ҳозирги кунда Сувайш бўйини билан жанубий ярим шар денгизлари оралигидаги рейсларда қатновчи кемалар Қизил денгизнинг бўронлари ва муссонларидан сира чўчимаса ҳам бўлади. Бу кемаларнинг капитанлари, командаси ва йўловчилари сузиб кетиш олдидан даъфи офат учун қурбонлик бермасалар ва қайтгандан кейин эса ибодатхонага кириб, марҳаматлари учун худоларга сажда қилмасалар ҳам бўларди.

— Ҳа, буғ денгизчилар қалбидаги шукрона туйғуларини йўқотди, — дедим мен ҳазил қилиб. — Ҳа, айтгандай, сиз бу денгиз тарихини шу қадар атрофлича ўрганибсиз, балки уни нега қизил деб аташларини тушунтириб берарсиз?

— Қадимгилар унга бу номни айрим қисмларида сувнинг ранги ғалати бўлгани учун беришган, — деб жавоб берди капитан Немо.

— Аммо ҳозиргача биз жуда тиниқ, мутлақо бўялмаган сувини кўрдик.

— Тўғри, аммо биз бўғознинг охирига етганимизда, у ерда сувнинг қизғишроқ товланишига ишонч ҳосил этасиз. Бир гал Тор кўрфазида қон тўла кўлдай қип-қизил сувни кўрганим эсимда.

— Сув рангининг бундайлигига сабаб нима? Микроскоп остидагина кўринадиган сув ўтларими?

— Ҳа. Бу қирқ минги бир квадрат миллиметрга жоллашадиган ва микроскоп остидагина кўринадиган триходесмик ўсимликчалари ажратган шиллиқ модда. Тор кўр-фазига боргач, ажаб эмас бу камдан-кам учрайдиган ҳодисанинг шоҳиди бўлсангиз.

— Демак, сиз Қизил денгизга «Наутилус»да биринчи марта келишингиз эмас экан-да, капитан?

— Йўқ, биринчи марта эмас. Бу ерга Сувайш каналини энди қазий бошлаганларида келганман.

— «Наутилус»дай кемага бу каналнинг сира фойдаси тегмайди,— дедим мен.

— Аммо унга бўлмаса, бутун жаҳонга фойдаси бор,— деб жавоб берди капитан Немо.— Қадимгилар Уртаер денгизи билан Қизил денгиз ўртасида тўппа-тўғри сув йўли очиш савдо-сотиқ учун қанчалик фойда беришини жуда яхши тушунганлар. Аммо улар денгиздан денгизгача оддий канал қазиб мумкинлигини ўйлаб ўтирмай, машаққатлироқ йўл тутганлар: Нил оқимини Қизил денгиз билан қўшганлар. Ана шу Нил каналини қазиб ишлари, айрим маълумотларга қараганда, фиръавн Сезострис<sup>1</sup> даврида бошланган. Ҳар ҳолда шу нарса аниқки, эраמידан аввалги олти юз ўн бешинчи йилда фиръавн Нехо Нилдан сув олиб, Мисрнинг Арабистон томонидаги паст текислик орқали ўтадиган канални қазиб юзасидан иш бошлаган эди. Бу канал орқали Нилдан Қизил денгизгача кемалар тўрт кунда сузиб ўтишлари, унинг кенглиги эса икки кема ёнма-ён сиғадиган бўлиши керак эди. Канал қурилиши Гистаспнинг ўғли Доро<sup>2</sup> ҳукмронлик қилган даврда бошланиб, афтидан, Птолемей II даврида тугатилганга ўхшайди. Страбон уни ишга туширилгандан кейин кўрган; аммо канал унча чуқур бўлмагани учун кемалар Нилда сув кўпайган баҳор ойларидагина қатнай оларди. Канал Антонинлар<sup>3</sup> асригача ишлаб турди; шун-

<sup>1</sup> Сезострис — мисрлик фиръавн. Ҳаётининг аниқ саналари номаълум. Баъзи қадимги тарихчилар тахминан эраמידан 1300 йил олдин яшаган Рамзес II нинг ўзи, деб атайдилар.

<sup>2</sup> Доро — Гистаспнинг ўғли (эрамигача 550—486 йиллар). Эрон шоҳи.

<sup>3</sup> Етти Рим империяси ҳукмронлик қилган давр шундай деб аталади (Нерон, Траян, Андриан, Антонин, Марк Авделий, Верус, Коммод) — эрамигача 96 йилдан эрамининг 92 йилигача.



дан сўнг у емирила бошлади, саёзлашиб, кема қатнамай- диган бўлиб қолди. Халифа Умар кўрсатмаси билан у қайта тикланган эди, аммо эрамининг етти юз олтмиш биринчи ёки етти юз олтмиш иккинчи йилида, халифа Ал-Манзур унга қарши исён кўтарган Абдуллоҳ Муҳам- мадбийнинг қўшинларига озиқ-овқат йўлини тўсиш маъ- садада канални бутунлай кўмиб ташлади. Мисрга юриш вақтида генерал Бонапарт бу канал изларини Сувайш ёнидаги чўлдан топган ва бирдан тошқин келиб, ҳалок бўлишига оз қолган эди.

— Демак, капитан, қадимгилар уддасидан чиқолмаган ишни, яъни икки денгизни бирлаштириб, Кадиксдан Ҳиндистонгача йўлни тўққиз минг километрга қисқарти- ришни Лессепс<sup>1</sup> амалга оширади. Яқин келажакда у Аф- рика қитъасини Сувайш канали билан Осиёдан узиб, кат- та оролга айлантиради.

— Аммо, афсуски, мен сизларга Сувайш канали- ни кўрсата олмайман, — деб сўзида давом этди капитан Немо, — аммо индинга Уртаер денгизига киргани- мизда Порт-Санднинг чўзилиб кетган соҳилларини кўра- сизлар.

— Уртаер денгизига?! — қичқириб юбордим мен.

— Ҳа, жаноб профессор. Нега бунчалик ажабланияп- сиз?

— Мени сизнинг индинга у ерда бўлишимиз ҳақи- даги гапларингиз ажаблантиряпти.

— Ростданми?

— «Наутилус» бортида юрганимдан буён ҳеч нарсага ажабланмасликка одатланаёзган бўлсам ҳам, бу шундай.

— Аммо, ҳар ҳолда нега энди бу хабар сизни бу қа- дар ажаблантирди?

— «Наутилус» бизни индинга Уртаер денгизига олиб бориш учун босиб ўтадиган жуда катта тезлик! Ахир у Яхши Умид буруни ёнидан бутун Африка соҳиллари бўй- лаб айланиб ўтиши керак-ку!

— Аммо ким сизга «Наутилус» бутун Африкани айланиб ўтади деди? У Яхши Умид буруни ёнидан ўта- ди, деб ким айтди?

— Аммо... борди-ю, «Наутилус» Сувайш бўйни қу- руқлигидан ёки осмондан учиб ўтмаса...

<sup>1</sup> Лессепс — Сувайш ва Панама каналларини қазिश ишларини ташкил этган киши.

— Нега энди унинг остидан ўтиб бўлмас экан, жаноб профессор?

— Бўйин остидан?

— Албатта-да, — осойишта жавоб берди капитан Немо. — Табиат ана шу тасмадай тор ер остида одамлар унинг устидан зўр бериб қилаётган ишни аллақачон амалга ошириб қўйган.

— Қандай қилиб! У ердан ўтадиган жой борми?

— Ҳа, мен Арабистон туннели деб атаган сув ости йўли. У Сувайшдан бошланиб, Порт-Саидда тугайди.

— Бироқ Сувайш бўйини кўчма қумлардан иборатку?

— Фақат маълум жойгача. Аммо эллик метр чуқурликдан эса жуда қаттиқ гранит девор бошланади.

— Демак, сиз бу туннелни тасодифан топиб олган экансиз-да? — сўрадим мен.

— Тасодифан ва айни вақтда онгли равишда, шуни ҳам айтиб қўййки, бу туннелни очишда онглилик тасодифдан кўра кўпроқ бўлган.

— Мен сизни жуда диққат билан эшитяпман, капитан, аммо гидроким қулоқларимга ишонмай қўйяпти.

— Оҳ, нимасини айтасиз, жаноб профессор, қулоқлар бўла туриб эшитмаслик барча даврларга тааллуқлидир! Бу ўтадиган жой мавжуд бўлибгина қолмай, балки мен ундан бир неча марта фойдаланганман ҳам. Агар шу йўл бўлмаганида, мен Қизил денгизнинг бу боши берк жойига кирмас эдим!

— Бу туннелни қандай очдингиз деб сўрасам эзмалик бўлмасмикин?

— Бир-бирларидан сира ажраамаслик насиб этган одамлар орасида қандай сир бўлиши мумкин! — дея жавоб берди капитан Немо.

Мен ўзимни унинг нимага шама қилаётганини тушунмаганга солиб, капитан Немонинг сўзларини эшитишга шайландим.

— Мантиқ юзасидан олиб борилган оддий мулоҳаза ва натуралистга хос синчковлик мени туннель мавжуд, деган фикрга олиб келди. Мен Қизил ва Уртаер денгизларида маълум миқдорда тамоман бир хилдаги — учар, ола буға, йўл-йўл қил тишли ва бошқа балиқларга эътибор бердим. Ўзимга-ўзим савол бердим: бу нарса икки денгизни бирлаштирадиган йўл борлигидан далолат бермасмикин? Агар шундай йўл мавжуд бўлса, ер ости оқими-

нинг йўналиши, албатта Қизил денгиздан Ўртаер денгизига бориши керак, чунки сув сатҳи биринчисида кейингисига нисбатан баланд. Бу масalani ечиш учун мен Сувайш атрофидан маълум миқдорда балиқ овладим, ҳар бирининг думига мис ҳалқа кийгизиб, яна сувга ташладим. Бир неча ойлардан кейин Сурия соҳилларида тўрларимга мен думига ҳалқа кийгизган бир неча балиқ илindi. Шундай қилиб, икки денгиз орасида ер остидан йўл борлигига менда шубҳа қолмади. «Наутилус»да мана шу ўтиш жойини қидириб топдим ва таваккал қилиб кирдим... Шундай қилиб, бир-икки кундан кейин, жануб профессор, сиз ҳам менинг Арабистон туннелим билан танишасиз.

### Бешинчи боб

#### АРАБИСТОН ТУННЕЛИ

Мен ўша кунёқ Консель ва Нед Лендга капитан Немо билан бўлган суҳбатимнинг бевосита уларни қизиқтирадиган ерларни айтиб бердим.

Мен уларга икки кундан кейин Ўртаер денгизининг сувларида сузишимизни айтганимда, Консель чапак чалиб юборди, Нед Ленд эса елкаларини қисди.

— Сув ости туннелими? — хитоб қилди у.— Икки денгизни бирлаштирадиган йўл? Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч қачон эшитмаган!

— Дўстим Нед,— деб жавоб берди унга Консель,— сиз «Наутилус» ҳақида сира эшитганмидингиз? Йўқ. Шунга қарамай, у мавжуд экан. Шунинг учун бор нарсани сира эшитмаганингиз учун инкор этиб, елкаларингизни қисманг!

— Ким ҳақ бўлиб чиқишини кўрамиз,— деди Нед Ленд бошини чайқаб.— Мен бу туннелнинг мавжудлигига жилла бўлмаса Ўртаер денгизига тезроқ чиқиб олиш учун ҳам жон деб ишонишга тайёрман.

Уша кеча денгиз сатҳида сузган «Наутилус» шимолий кенгликнинг 21-градус 30-минутида Арабистон соҳилига яқинлашди. Мен Миср, Сурия, Туркия ва Ҳиндистон билан қизгин савдо олиб борадиган муҳим савдо маркази Жаддони кўрдим. Биз турган масофадан ҳам шаҳардаги иморатларни, сув саёзлиги учун соҳилга яқин келол-

магани сабабли унинг қулай жойларига боғлаб қўйилган кемаларни жуда аниқ кўрдим.

Ботаётган қуёш нури шаҳарнинг оқ бинолари устида жилоланиб, кўзни қамаштирар эди.

Шаҳарнинг бир чеккасида ўтроқ арабларнинг тахта ва қамишдан қилинган кулбалари жойлашган эди. Аммо кўп ўтмай Жадда тун қоронғилигига сингиб, ғойиб бўлди ва «Наутилус» бир оз шуълаланиб турган сувга шўнғиди.

Эртаси куни, 10 февралда, сув сатҳига кўтарилиб, ўзиниқадан сал нарида жуда кўп кемаларни кўрдик, шунинг учун «Наутилус» зудлик билан яна сувга шўнғиди. Бироқ пешинда, одатдаги кузатувлар олиб бориладиган пайтда, денгиз бўм-бўш эди ва бизнинг кемамиз яна сув сатҳига кўтарилди.

Мен Нед Ленд ва Консель билан бирга палубага чиқдим.

Шарқда, туман ичида пасттекис соҳил зўрға чалинар эди.

Биз қайиқча дўнғагига суяниб, ундан-мундан лақиллаб турганимизда, Нед Ленд тўсатдан денгиздаги аллақандай нуқтани кўрсатиб, мендан сўради:

— Сиз ўша ёқда ҳеч нимани кўрмаяпсизми, жаноб профессор?

— Йўқ,— жавоб бердим.— Мен узоқдаги нарсаларни сизчалик яхши кўролмаслигимни биласиз-ку, ахир!

— Яхшилаб қаранг,— дея қистай бошлади Нед,— ҳув ана, штирборт тўғрисида, наҳотки, бирорта қимирлаётган нарсани кўрмаётган бўлсангиз?

— Ҳа, тўғри,— дедим мен диққат билан қарагач,— денгиз сатҳида аллақандай узун қорамтир нарсани кўряпман.

— Яна битта «Наутилус»микин?— сўради Консель.

— Йўқ,— жавоб берди канадалик,— аммо адашмасам бу аллақандай денгиз махлуқи.

— Қизил денгизда кит бўладими? — сўради Консель.

— Аҳён-аҳёнда учраб туради,— деб жавоб бердим мен.

Чиндан ҳам узунчоқ қора жисм биздан нари борса бир миля масофада эди. Узоқдан у денгиздан чиқиб турган катта қояга ўхшарди. Аммо асида унинг нималигини аниқлай олганимча йўқ эди.

— Йўқ, бу кит эмас,— деб таъкидлади кўзини махлуқдан бир секунд ҳам узмаган Нед Ленд.

— Китлар эски танишларим ва мен уларнинг ҳамма қилиқларини яхши биламан.

— Сабр қилайлик, — таклиф киритди Консель. — «Наутилус» ўша ёққа боряпти, бир неча минутдан сўнг биз унинг нималигини билиб оламиз.

— Ҳа, ҳа! У ҳаракат қиляпти... У сувга шўнғийди! — хитоб қилди Нед Ленд. — Минг лаънат! Нима экан бу? Унинг китлар ёки кашалотларга ўхшаш иккига бўлинган думи йўқ, сузгичлари эса учи кесилган гўлага ўхшайди.

— Аммо... — деб сўз бошлаган эдим мен.

— Қаранг, — дея сўзимни бўлди канадалик, — у кўкрагини юқорига қилиб елкасига ағдариляпти.

— Ҳа, бу аллақандай васвасачи сирена<sup>1</sup>, — деб кулди Консель.

Конселнинг сўзлари мени дарҳол ўзимга келтирди. Биз ярим аёл, ярим балиқ деб афсона тарқалган сиреналар туркумидан намуна кўриб турибмиз деб тушундим.

— Йўқ, — дедим мен Конселга, — бу сирена эмас, ўша туркумдаги бошқа кам учрайдиган махлуқлардан. Бу — дюгонь.

Бу орада Нед Ленд махлуқдан кўз узмай қараб турар эди. Унинг ошиққан кўзлари чақнаб турарди. У биринчи имкониятдаёқ дюгонга ҳужум қилиш учун ўзини денгизга ташлашга шайланаётгандай бўлиб туюлар эди.

— Эҳ, жаноб профессор, — дея хитоб қилди у ҳаяжондан қалтираётган овозда, — мен ҳали бунақасини сира ҳам овламаган эдим!

Бу сўзларда Нед Ленд ўзининг ички қиёфасини намён этди.

Палубага капитан Немо чиқди. У дюгонни кўрди ва канадаликка қараб, унинг сабрсизланаётганини кўрди.

У Нед Лендга мурожаат қилди:

— Борди-ю, ҳозир қўлингизда гарпунингиз бўлганда, чидаб туrolмасдингиз, тўғрими?

— Худди шундай, капитан.

Бир кунгина ўзингизнинг гарпунчилик касбингизга қайтиб, овдаги муваффақиятларингиз рўяхатига яна бир ғалабани киритишга қарши эмасмисиз?

— Жон дердим!

— Ундай бўлса, марҳамат, ишга киришинг!

<sup>1</sup> Сирена — грек афсоналарида танаси одам, оёқлари балиқнинг думи шаклида бўлган сув париси.

— Раҳмат, капитан,— деди Нед Ленд. Унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Фақат бир шарт бор, бехато урасиз! Билиб қўйинг, буни сизнинг манфаатингизни кўзлаб айтипман.

— Дюгонь шунақа хавфли махлуқми? — сўрадим мен.

Канадалик писанд қилмагандай елкасини қисди.

— Ҳа,— деб жавоб берди капитан.— Баъзан бу махлуқ овчига ташланиб, уларнинг қайиқларини ағдариб юборади. Бироқ мистер Ленд учун бу хавф қўрқинчли эмас. Унинг нигоҳи ўткир ва жуда чапдаст. Мен унга бехато отасан деганимнинг боиси хавфли бўлгани учун эмас, шунинг учунки, дюгоннинг гўшти жуда лаззатли, мистер Ленднинг лаззатли таомга ўчлигидан эса хабарим бор.

— Шунақами! — хитоб қилди канадалик.— Бу махлуқ айтганларингиздан ташқари мазали ҳам денг!

— Ҳа, мистер Ленд. Мазаси мол гўшtidан сира қолишмайди ва Меланезияда шоҳлар дастурхонини безайди. Кейинги пайтларда дюгонни шу қадар жон-жаҳдлари билан овлашяптики, у ҳам ўз уруғи ламантин сингари тез орада қирилиб кетса ажаб эмас.

— Ундай бўлса, капитан,— деди жиддий туриб Консель,— бу дюгонни балки овлаш керак эмасдир? Борди-ю-бу охирги намунаси бўлса-чи? Унда буни фан манфаати учун сақлаб қолиш керак.

— Шундай тақдирда ҳам,— дея эътироз билдирди канадалик,— ошпазлик аҳтиёжи учун уни албатта овлаш керак!

— Бошланг, мистер Ленд,— дея қайтарди капитан Немо.

Шу дақиқада «Наутилус» командасидан етти киши палубага кўтарилди. Улар одатдагидай жим ва вазмин эдилар. Улардан бири кит овловчи кемаларда ишлатиладиган гарпун билан арқонни олиб келди.

Қайиқни сувга туширдилар, олти эшкакчи ва руль бошқарувчи ўриналарини эгаллашди. Нед Ленд, Консель ва мен қайиқнинг қуйруқ томонига ўтириб олдик.

— Биз билан бормайсизми, капитан? — сўрадим мен.

— Йўқ, профессор. Омадингиз келсин.

Қайиқча бортдан бўшади ва олти эшкакчи уни олға сурди. «Наутилус»дан икки миляча масофадан кўриниб турган дюгонга томон тез сузиб кетди.

Унга бир неча кабельт масофа қолгач, эшкакчилар секинроқ суза бошладилар ва эшкакларни сувга товуш чиқармай эҳтиёткорлик билан туширар эдилар.

Гарпун ушлаган Нед Ленд қайиқ тумшугида турарди.

Кит овланадиган гарпун одатда жуда узун ва бақувват арқонга боғланган бўлиб, яраланган махлуқ уни тортиши билан осонгина ечилиб борарди. Бироқ бу гал арқон жуда калта — узунлиги йигирма метрга борар-бормас ва унинг иккинчи учи яраланган махлуқ сув остида қайси томонга сузишини кўрсатиши керак бўлган бўш бочкачага боғланган эди.

Урнимдан туриб, канадаликнинг душманини кўздан кечирдим. Дюгонь ламантинга жуда ўхшар эди. Унинг чўзинчоқ танаси узун дум билан, ён сузгичлари эса чинакам бармоқлари билан тугар эди. Дюгоннинг ламантиндан фарқи шуки, унинг юқори жағида узун ва ўткир иккита чинакам қозиқ тиши бўлади.

Нед Ленд овлашга шайланган дюгонь жуда улкан махлуқ эди. У сира қимирламас, сув сатҳида ухлаб қолганга ўхшарди. Бундай шароит канадалик учун айни муддао бўлиб, унинг ишини анча енгиллаштирар эди.

Қайиқ эҳтиёткорлик билан махлуққа беш-олти метр қолгунча яқинлашиб борди. Матрослар эшкакларни кўтаришди.

Нед Ленд орқага ташланиб, қулочкашлаб гарпунни иргитди.

Хуштак овози эшитилди-ю, дюгонь кўздан ғойиб бўлди. Афтидан куч билан итқитилган гарпун фақат сувга текканга ўхшарди.

— Минг лаънат! — ўкирди қаттиқ ҳаяжонланган канадалик. — Мўлжалга уролмадимми?

— Йўқ, — деб жавоб бердим мен. — Махлуқ яраланган. Мана қон излари. Бироқ гарпун сувга тушди.

— Гарпунимни олинглар! — хитоб қилди Нед Ленд. — Гарпунимни!

Матрослар эшкакларни яна сувга туширдилар ва рулдаги киши қайиқни сув юзига қалқиб чиққан бочкача томон бурди.

Гарпун олингач, қайиқ яраланган махлуқнинг изидан борди. У нафас олиш учун ора-чора сув сатҳига сузиб чиқар эди. Жуда тез сузаётганига қараганда, яра уни ҳолсизлантирмаганга ўхшайди. Ун икки чайир қўл ҳаракатга келтираётган қайиқ унинг изидан сузиб эмас, учиб бо-

рарди. Бир неча марта у дюгонга етаёзганда, канадалик иккинчи зарбни уришга шайланарди-ю, ammo махлуқ ҳар гал тезда сувга шўнғиб, хавфдан қутулиб қолар эди.

Нед Ленднинг қаҳр ва тоқатсизлиги қанчаликка бориб етганини кўрсангиз эди. У шўрлик махлуқни бисотидаги бутун инглиз қарғишлари билан лаънатлади. Дюгонь биз айёрлик билан тузаётган бутун режаларимизни барбод этаётгани ҳатто менга ҳам алам қиларди.

Биз деярли бир соат давомида дюгоннинг кетидан шу алфозда қувиб юрдик. Энди умидсизлана бошлаган эдим, таъқиб қилаётганимиз учун ўч олмоқчи бўлгандай махлуқ бирдан ҳужумга ўтиш мақсадида қайиқ томон суза бошлади.

Бу маневр канадаликнинг эътиборидан четда қолмади.

— Дикқат! — дея қичқирди у.

Рулда ўтирган киши ўзининг ғалати тилида бир неча оғиз сўз айтди. У комаидани эҳтиёт бўлишга ундади шекли.

Дюгонь қайиқ томон йигирма фут яқинлашиб, бирдан тўхтади, тумшуғининг остида эмас, балки устида жойлашган бурун катаклари орқали жуда кўп ҳаво тортиб, сўнг бизга ташланди.

Зарбдан ўзимизни муҳофаза этолмадик. Ammo рулда ўтирган кишининг тўғридан келган зарбга моҳирлик билан чап бергани туфайли қайиқ бир оз лопиллаб, унинг ичига бир-икки тонна сув кирди, биз кейинчалик уни тўкиб ташладик.

Нед Ленд қайиқ тумшуғидан туриб, тишлари билан қайиқнинг бортига ёпишиб олган, Африка шери буғини кўтарадигандай сувдан узишга уринаётган гигант махлуқни гарпун билан тинмай яралар эди.

Биз ҳаммамиз бир-биримизнинг устимизга йиқилдик. Қаҳр-ғазабга тўлиб-тошган гарпунчи чаққонлик қилиб, тўғри махлуқнинг юрагига туширмаганида, бу ҳангоманнинг нима билан тугаши номаълум эди.

Қайиқ бортида тишнинг гижирагани эшитилди ва дюгонь гарпун билан бирга чўка бошлади.

Ammo кўп ўтмай сув сатҳига бочкача, зум ўтмай кетидан елкасига ағдарилган дюгонь кўтарилди. Қайиқ уни шатакка олиб «Наутилус» ёнига борди.

Дюгонь гўштини чиғириқлар ёрдамида «Наутилус» палубасига аранг кўтариб олишди: унинг вазни беш минг килограммдан ортиқ эди.



Гўшти майдалаш бевосита Нед Ленд раҳбарлигида ўтди, бу ишни у ҳеч кимга ишониб топширмади.

Уша куни кечқуруноқ стюард менга кема ошпази дюгонь гўшtidан боплаб тайёрлаган таом келтириб кўйди. Менга у мол гўшtidан ҳам кўра кўпроқ маъқул тушди.

Кейинги кун, 11 февралда, «Наутилус» омборхонаси янги қуш гўшти билан тўлдирилди. Сув ости кемасининг палубасига бир тўда қалдирғоч келиб қўнди. Булар Нил қалдирғочларининг фақат Мисрда учрайдиган тури бўлиб, тумшуғи қора, кул ранг бошининг уч томони ингичкалашиб борган, кўзининг атрофини оқ доначалар қоплаган, елкаси, қаноатлари ва думи кул ранг, кўкраги, қорни оқ ҳамда панжалари қизил эди. Шунингдек, биз бир неча ўнлаб боши ва гардани оқ, танасини қора қашқа қоплаган ёввойи Нил ўрдакларини ҳам ушлаб олдик. Бу қушларнинг гўшти ҳам жуда мазали экан.

Шу куни «Наутилус», ҳеч қаёққа шошилмаётгандай жуда секин сузиб борар эди. Биз Сувайшга яқинлашган сари Қизил денгизнинг суви анча камтуз бўлиб боришини пайқаб қолдим.

Кеч соат бешдарга яқин биз шимолда Сувайш қўлтиги билан Ақоби қўлтиги оралиғида тошлоқ Арабистоннинг охири ҳисобланган Рос-Муҳаммад бурунини кўрдик.

«Наутилус» Сувайш қўлтиғига кирди. Рос-Муҳаммад буруни узра баланд тоғ аниқ кўзга ташланиб турарди. Бу Ореб тоғи эди.

Кечқурун соат олтида «Наутилус» сувга гоҳ чўкиб, гоҳ унинг сатҳига кўтарилиб кўрфазнинг ичкарисиди жойлашган Тор кўринадиган ердан ўтди. Бу кўрфазнинг суви капитан Немо менга айтганидай, дарҳақиқат, қизғиш товланар эди.

Тун вазмин сукунат ичида тўсатдан бошланди. Бу сукунатни соқоқушларнинг қичқириқлари, тўлқинларнинг шовиллаши-ю, олис-олислардан пароходларнинг хувиллашларигина бузиб турар эди.

Соат саккиз билан тўққизлар орасида «Наутилус» бир неча метр сув остига тушди. Менинг ҳисобимча, биз Сувайш яқинида эдик.

Салон деразасидан мен прожекторлар билан ёрқин ёритилган қояли соҳил тубини кўриб турардим. Назаримда бўғоз борган сари тораётгандай туюларди.

Соат 9 дан 15 минут ўтганда кема яна сув сатҳига чиқиб олди.

Мен капитан Немонинг Арабистон туннелини тезроқ кўришга ошиқардим. Ўзимни қўйишга жой тополмай тоза ҳаводан нафас олиш учун палубага чиқдим.

Кўп ўтмай мен узоқдан, биздан тахминан бир ярим милялар нарида, кечки туманда хира кўринаётган ёгдуни кўрдим.

— Бу сузгич маёқ,— ёнимда турган кишининг овози эшитилди.

Мен кутилмаганда бу овозни эшитиб чўчиб тушдим. Қайрилиб қарасам, капитан Немо турибди.

— Бу Сувайшнинг сузгич маёғи,— деб қайтарди у.— Ҳозир биз туннелга кириладиган йўлга етиб борамиз.

— Унга кириш ҳам унча осон бўлмаса керак деб ўйлайман? — дея сўрадим мен.

— Ҳа, бу анча хавfli жой. Шунинг учун туннелга кириш олдидан рулни бошқариладиган ҳужрага кириб, кемани шахсан ўзим идора этишни одат қилиб олганман. Энди эса, жаноб профессор, пастга тушсангиз: «Наутилус» сувга шўнғийди ва шу бўйи Арабистон туннелидан ўтгач, Уртаер денгизида сув сатҳига кўтарилади.

Мен капитан Немога эргашдим. Люк ёпилиб, резервуарларга сув тўлдирилди ва кема яна ўн метр чуқурликка шўнғиди.

Энди каютамга кетаман деб тургандим, капитан Немо чақириб қолди.

— Жаноб профессор, — деди у, — штурвал ҳужрасида мен билан бирга навбатчилик қилишни истамайсизми?

— Шунингиздан сўрашга журъат этолмай турган эдим,— деб жавоб бердим.

— Ундай бўлса, юринг. Сиз у ердан туриб бу ер ости ва айни чоғда сув остидан сузаётганда нимаики кўриш мумкин бўлса, ҳаммасини кўра оласиз.

Биз палубага олиб чиқадиган трапнинг ўртасигача кўтарилдик. Бу ерда капитан Немо эшикни очди ва биз тор ҳамда пастак йўлакка чиқдик. Йўлакнинг охирида кема тумшугида дўппайиб турадиган штурвал ҳужраси жойлашган эди.

Бу бўйи ва эни олти футдан келадиган, яъни ҳажми тахминан Миссисипи ва Гудзон бўйлаб сузадиган пароходлардагичалик каюта эди. Ҳужранинг ўртасига штурвал ўрнатилган бўлиб, у тумшукдаги бошқариладиган

руль билан штуртрослар воситасида уланган эди. Каю-танинг тўрттала деворидаги икки томони қабарик ойна солинган тўртта иллюминатордан руль бошқарувчи тўрт томонни кўра оларди.

Хужра қоронғи эди, аммо бир оздан кейин кўзларим бу қоронғиликка ўрганиб, мен икки қўли билан штурвални ушлаб турган руль бошқарувчини кўрдим.

— Энди,— деди капитан Немо,— туннельга кирадиган йўлни қидирамиз.

Штурвал хужраси билан машина бўлими электр симлари билан боғлацган бўлиб, капитан бир неча шартли сигналлар воситасида шу ерда туриб, кема тезлигини ошириш ёки қамайтириш тўғрисида буйруқ бериши мумкин эди.

Капитан Немо металл тугмачани босиши билан кема паррагининг айланиш тезлиги камайди.

Мен жим туриб қитъанинг мустаҳкам этаги — биз қарийб бир соатдан буён ёнидан бир неча метр берида бораётганимиз тик гранит деворга тикилиб қолдим.

Капитан Немо компасдан кўз узмай турар ва руль бошқарувчи унинг кўрсатмаси билан штурвални буриб, кема йўналишини муттасил ўзгартириб борарди.

Соат 10 дан 15 минут ўтганда капитан Немо ўзи штурвалда туриб олди.

Кўз олдимизда кенг ва чуқур йўлакка олиб кирадиган тешик намоён бўлди.

«Наутилус» унга дадиллик билан кирди.

Кеманинг темир қопламаси одатдан ташқари ғувиллай бошлади. Бу Қизил денгизнинг пастликка — Уртаер денгизига қараб шовиллаб тушаётган сувнинг шовқини эди. Ҳаракатни секинлаштириш учун машина бутун тезлиги билан парракин тескари айлантираётганига қарамай, сув оқими кемани ўқдай олға суриб кетди.

Бошни айлантирадиган даражадаги бу тезликда туннель деворларида прожектордан таралаётган нурнигина кўриш мумкин эди. Юрагим қинидан чиққудай тез ура бошлади ва мен унинг уришини секинлатиш учун қўлим билан босиб турардим.

Соат 10 дан 35 минут ўтганда капитан Немо штурвални руль бошқарувчига берди-да, менга қараб деди:

— Биз Уртаер денгизидамиз.

«Наутилус» сув оқими билан йигирма минутга қолмай ер остида Сувайш бўйнидан ўтди...

ГРЕК ТИЗМА ОРОЛЛАРИ

Кейинги кун, 12 февралда, эрта тонгда «Наутилус» сув сатҳига кўтарилди. Мен палубага чиқишга шошилдим.

Биздан уч миля жанубда эрталабки туман ичида қадимий Пелузиум ғира-шира кўриниб турарди.

Кучли сув оқими бизни зум ўтмай бир денгиздан иккинчисига олиб ўтди. Бу томон пастлик бўлгани учун туннелдан осонлик билан келинди-ю, у орқали Уртаер денгизидан Қизил денгизга қайтиш сира мумкин бўлма-са керак.

Эрталаб соат еттиларга яқин Нед Ленд билан Консель ёнимга келишди. Бу ажралмас икки дўст туни билан бемалол ухлаб, «Наутилус» кўрсатган жасоратдан безабар қолган эдилар.

— Хўш, жаноб профессор, — киноя билан сўради канадалик, — ваъда қилинган Уртаер денгизи қани?

— Биз унинг сатҳида сузиб боряпмиз, дўстим Нед, — деб жавоб бердим мен.

— Нима! — хитоб қилди Консель. — Демак, тунда...

— Жуда тўғри, шу тунда йигирма минут ичида биз ўтиб бўлмас бўйиндан сузиб чиқдик!

— Ишонмайман, — деди Нед Ленд.

— Бескор қиласиз, мистер Ленд, — деб жавоб бердим мен. — Сиз жанубда кўраётган пасттекис соҳил — бу Миср соҳили.

— Мени лақиллатиб бўлмайди, жаноб профессор, — эътироз билдирди ўжар канадалик.

— Хўжам айтгандан кейин, унга ишонмоқ керак! — деди Консель.

— Ҳа, айтгандай, Нед, — дея давом эттирдим мен, — капитан Немо туннелини менга шахсан ўзи кўрсатди. «Наутилус»ни тор йўлакдан ўзи бошқариб ўтаётганида, мен штурвал ҳужрасида унинг ёнида турдим.

— Эшитяпсизми, Нед? — деб сўради Консель.

— Кўзингиз жуда ўткир, Нед, — деб қўшиб қўйдим мен — сизни алдамаётганимга осонликча ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Қаранг, ўша ёқда Порт-Саид гавани кўринаётган бўлиши керак.

Канадалик кўзларини кўрсатилган томонга тикди

— Ҳа-я,— деди у,— ҳақ экансиз, жаноб профессор, капитанингиз ҳам ишига пишиқ экан. Биз Ўртаер денги-  
ғидамиз. Жуда соз. Келинг, ўз ишларимиз ҳақида гап-  
лашиб олайлик, аммо ҳеч ким бизни пойламаслиги керак.

Канадалик гапни қаёққа бураётганини жуда яхши  
тушундим.

«Ҳар ҳолда Нед Ленд талаб қилгач, бу ҳақда гапла-  
шиб олиш шарт», деб ўйладим.

Шундай қилиб, учаламиз прожектор дўппайиб турган  
жойга бориб ўтириб олдик:

— Мана энди қулоғимиз сизда, Нед,— дедим мен.—  
Бизга нима демоқчи эдингиз?

— Менинг гапим жуда қисқа бўлади. — деб жавоб бер-  
ди канадалик. — Европага яқинлашяпмиз ва капитан  
Немонинг хаёлига бизни Қутб денгизи ёки Океания ости-  
га олиб тушиб кетиш келмасдан туриб «Наутилус»  
билан хайрлашишни таклиф этаман.

Ҳа, канадалик билан бу мавзуда баҳслашиб ўтиргим  
келмади. Мен ҳеч қанақасига ўртоқларимнинг озодлигига  
таҳдид солмоқчи эмасман, аммо иккинчи томондан эса  
капитан Немо билан бу қадар тез хайрлашиш истагим  
ҳам йўқ. У туфайли, унинг ажойиб кемаси туфайли мен  
ҳар куни ўз билимимни ошириб бордим, денгиз тубидаги  
ҳаёт ҳақидаги китобимни, агар таъбир жоиз бўлса, шу  
ҳаёт тараққиётининг марказида туриб қайта ёздим. Оке-  
ан мўъжизаларини бу қадар мукамал ўрганиш имкония-  
тини бошқа қаердан топа оламан? Шубҳасиз, ҳеч қаер-  
дан! Шунинг учун ҳам ер юзи бўйлаб илмий экспедиция-  
миз тугамагунча сув ости кемасини ташлаб кетгим йўқ  
эди.

— Дўстим Нед, — дедим мен, — очигини айтинг-чи,  
шу сув ости кемасида наҳотки зериккан бўлсангиз? На-  
ҳотки бизни шу ерга олиб келиб ташлаган тақдирни лаъ-  
натласангиз?

Канадалик дарҳол жавоб бермади. Қўлларини кўкра-  
ги устида чамбарақ қилиб туриб айтди:

— Тўғриси айтсам, сув остида сузганимдан ачи-  
наётганим йўқ. Вақти келиб мен буни мамнуният билан  
хотирлайман. Бироқ шундай бўлиши учун сув ости саё-  
ҳатимизга чек қўйиш керак. Бу ҳақдаги менинг фик-  
рим шу!

— Саёҳат поёнига етади, Нед.

— Қаерда? Қачон?

— Қаерда? Билмайман. Качон? Сизга аниқ айта олмайман, бироқ денгиз бизга ўзининг охирги сирини очиб берган заҳоти, деб ўйлайман. Бу дунёда ҳар бир бошланган иш эртами ёки кечми поёнига етиши керак.

— Мен хўжамнинг айтганларига тамоман қўшиламан,— деб қўйди Консель.— Менимча, капитан Немо бирга бутун денгиз ва океанларни айлапиб бўлгач, бизни ташлаб кетавериши мумкин.

— Ташлаб кетади? — жаҳли чиқди канадаликнинг.— Сиз у бизни ташлаб кетавериши ҳам мумкин дедингизми?

— Бу сўзларга ўчакишаверманг, Нед Ленд, — гапга аралашдим мен.— Бизнинг капитан Немодан қўрқадиган жойимиз йўқ, бу масалада мен Конселнинг фикрига қўшила олмайман. Аммо иккинчи томондан, у бизни ўз хоҳиши билан қўйиб юборади, деб умид қилмасак ҳам бўлади. Биз «Наутилус»нинг барча сирларини биламиз, бинобарин у бу сирларнинг биз билан бирга бутун дунёга ёйилишига йўл қўйишига ақл бовар қилмайди.

— Ундай бўлса сиз нимага умид қиласиз? — сўради канадалик.

— Эртами, кечми биз фойдаланиб қолишимиз мумкин бўлган қулай фурсат келишига. Бу қулай фурсат олти-етти ойдан кейин ҳам худди ҳозиргидек келиши мумкин.

— Ҳм,— тўнгилади Нед Ленд.— Марҳамат қилиб айтинг-чи, жаноб натуралист, олти ойдан кейин биз қаерда бўлишимизни олдиндан биласизми?

— Балки яна шу ерда бўлармиз, балки Хитойда. «Наутилус» жуда тезюрар кема, буни биласиз. У океанда қалдирғоч ҳавода учгандай ёки тезюрар поезд ерда юргандай катта тезликда сузиб юради. У серқатнов денгизлардан чўчимади — биз бунга амин бўлдик. Олти ойдан кейин яна Франция ёки Англия соҳилларига қайтмайди ва қочишга бугундагидан кўра қулайроқ фурсат бўлмайди деб ким айта олади?

— Жаноб профессор,— деди канадалик,— сизнинг далилларингиз асоссиз. Сиз айтган ҳамма гаплар келаси замон: «Бу ерда бўламиз. У ерда бўламиз». Мен эса ҳозирги замонни гапираман: «Биз бундан шу ерда фойдаланиб қоламиз».

Нед Ленднинг мантиқан тўғри мулоҳазасига қарши эътироз билдиришга асосим йўқ эди, бинобарин бу баҳс-

да ўзимни мағлуб ҳис этдим. Ўз таклифимни ҳимоя қиладиган бошқа асосим йўқ эди.

— Жаноб профессор,— деб сўзини давом эттирди Нед,— бир дақиқагина сира ақлга сиғмайдиган нарсани капитан Немонинг ўзи бизга озодлик берди, деб фараз қилайлик. Бунга сиз рози бўлармидингиз?

— Билмадим.

— Борди-ю, бу таклифни бошқа сира қайтармайман деса-чи,— унда нима қилар эдингиз?

Мен ҳеч нарса деёлмадим.

— Дўстим Конселнинг бу тўғридаги фикри қалай?— сўради канадалик.

— Дўстингиз Консель бу тўғрида аниқ бир нарса айтилмайди,— деб бамайлихотир жавоб берди фламандиялик.— У масаланинг у ёки бу тарзда ҳал этилишидан маънафаатдор эмас. Хўжайини, худди шунингдек дўсти Нед Ленд сингари у ҳам бўйдоқ. Уни ватанида на хотини, на болалари, на қариндош-уруғлари кугади. У хўжасининг қўлида ишлайди ва бу хизматидан кетиш нияти йўқ. У чуқур қайғу билан шуни маълум қиладики, бу масала овозга қўйилганда қатнашиб, ўз овози билан у ёки бу томоннинг посангисини босмоқчи эмас. Дуэлда фақат икки киши иштирок этади: бир томондан хўжаси ва иккинчи томондан Нед Ленд. Шунга кўра дўстингиз Консель жим туриб, ким қанча зарба берганини ҳисоблайди.

Конселнинг бу нутқини эшитиб, ўзимни кулгидан тилмадим. Афтидан канадалик Консель унга қарши чиқмаганидан ич-ичидан мамнун бўлганга ўхшарди.

— Консель бу баҳсда иштирок этмас экан. Биз уни ўзаро ҳал этмоғимиз керак. Мен фикримни айтдим. Сиз мени эшитдингиз. Сиз нима дея оласиз?— деди Нед Ленд.

Бирон-бир фикрга келиш керак эди. Гапни айлантириб ўтиришни ёмон кўраман.

— Жавобимни тингланг, дўстим Нед,— дедим мен.— Сиз баҳсда мени сиғдингиз ва далилларингизни босиб тушадиган бирор жиддий эътироз билдира олмайман. Капитан Немонинг ўзи бизни қўйиб юборишини кутиб ўтириш бефойда. Энг оддий эҳтиёткорлик учун ҳам у бундай қилмайди. Аммо ўша эҳтиёткорликнинг ўзи биздан биринчи қулай фурсат келиши биланоқ «Наутилус»ни тарк этишни тақозо этади.

— Жуда соз, жаноб профессор! Мана энди оқилона фикр айтдингиз!

— Бироқ яна бир нарсани айтиб қўяй,— дедим мен.— Уша фурсат чиндан ҳам қулай бўлиши керак. Биринчи уринишдаёқ ишимиз ўнгидан келиши керак. Чунки борди-ю, улдасидан чиқолмасак, унда ҳеч қачон қулай фурсат бўлмайди ва капитан Немо ҳам қочмоқчи бўлганимиз учун бизни сира кечирмайди.

— Бу гапингиз тўғри,— деди Нед Ленд.— Аммо сиз таъкидлаётган нарса ҳозир қочишимизга қанчалик тааллуқли бўлса, икки йилдан кейингисига ҳам шунчалик алоқадордир. Бундан рад этиб бўлмайдиган шундай хулосага келиш мумкин: қочишга қулай фурсат келиши билан ундан дарҳол фойдаланиш керак.

— Мен розиман. Қани, энди айтингчи, Нед: «Қулай фурсат» деб нимани кўзда тутяпсиз?

— «Наутилус» Европа соҳилларидан биронтасига яқинлашгандаги қоронғи тунни.

— Сузиб қутулиб кетишни ўйлайсизми?

— Ҳа, «Наутилус» сув сатҳида соҳилга яқин ерда сузаётганида. Борди-ю, кема сув остида бўлиб, қирғоқ олисда бўлса, унда...

— Шундай бўлган тақдирда-чи?..

— Шундай бўлган тақдирда қайиқни олиш керак. Уни қандай қилиб олишни мен биламан. Биз унинг ичига кириб, болтларни бўшатамиз ва сув сатҳига шу қадар усталик билан чиқиб оламизки, ҳатто штурвал ҳужрасидаги руль бошқарувчи ҳам қандай қочганимизни пайқамай қолади.

— Майли, Нед. Қулай фурсатни пойлайверинг. Фақат эсингизда бўлсин, муваффақиятсизликка учрасан, ҳалок бўлдик, деяверинг!

— Эсимда бўлади, жаноб профессор!

— Мана, ҳамма нарсани келишиб олдик, энди, Нед Ленд, лойиҳангиз ҳақидаги фикримни билишни истайсизми?

— Албатта, жаноб профессор.

— Мен ўйлайманки — яна таъкидлайман: умид қилман эмас, ўйлайманки — бундай қулай фурсат яқин орада бўлмайди.

— Нега?

— Шунинг учунки, менимча капитан Немо бизнинг озодликка чиқиш ниятидан қайтмаганимизни тушуниб



турибди, бинобарин Европа соҳилларига яқин ердан ўтаётганимизда у анча ҳушёр туриши табиий.

— Мен ҳўжамнинг фикрига қўшиламан,— деди Консель.

— Тирик бўлсак — кўрамиз,— деб жавоб берди Нед Ленд бошини қайсарлик билан лиқиллатиб.

— Яхши,— дедим мен,— энди бас қилайлик! Бу ҳақда ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Қочишга қарор қилган кунни огоҳлантириб қўйинг ва биз ҳеч нарсани суриштирмай, сизга эргашиб кетаверамиз. Биз сизга кўр-кўрона ишонамиз, Нед!

Шундай қилиб, жуда муҳим самаралар берадиган бу гапга хотима берилди.

Вақтида айтиб қўяй, канадаликни қанчалик ранжитмасин, бундан кейинги воқеалар менинг тахминларим тўғрилигини кўрсатди. Капитан Немо бу серқатнов денгизларда ё бизга ишонмади, ёки Ўртаер денгизи сувларида сузатган кўпгина турли миллат кемалари билан учрашиб қолишдан қўрқди, ҳар ҳолда биз доим сув остида ва соҳилдан олис ердан юрдик. «Наутилус» ё сув сатҳига фақат штурвал ҳўжраси кўринадиган даражада кўтариларди, ёки катта чуқурликларга тушиб оларди. Ҳа, айтгандай, Грек тизма ороллари билан Кичик Осиё оралиғида биз икки минг метр чуқурликка тушганда ҳам ўзанга етолмадик.

Биз Додеканез гуруҳига мансуб бўлган Карпафос ороли ёнидан ўтганимизни мен капитан Немо унинг қаерда жойлашганини картадан кўрсатгандан кейингина билиб олдим.

Кейинги куни, 14 февралда, мен бир неча соат вақтимни Грек тизма оролларидаги балиқларни ўрганишга бағишламоқчи эдим. Бироқ негадир салон деразаларидаги темир тўсиқ куни билан ёпиқ турди.

«Наутилус» қаердалигини картадан кузатиб, унинг Крит ороли томон бораётганини кўрдим. Мен «Авраам Линкольн» бортига чиққан пайтимда бу орол турклар зулмига қарши бош кўтарган эди. Қўзғолон кўтарган критликларнинг тақдири нима бўлганини билмаймай, шубҳасиз, инсоният олаmidан тамомила алоқасини узган капитан Немо бу ҳақда менга бирон нарса деёлмас эди.

Мен кечқурун капитан Немо билан салонда учрашганимда бу воқеани лоақал бирон ишора билан ҳам сездирмадим. Капитан назаримда хомуш ва нимадандир ташвишланаётгандай эди. Одатига хилоф равишда у тўсатдан

салондаги ҳар икки тўсиқни очишни буюрди ва бир деразадан иккинчисига ўтиб, синчиклаб сувга тикилди. У нимани кўрмоқчи эди? Бунисини билолмадим, шунинг учун кўз олдидан ўтаётган балиқларни кузата бошладим.

Бошқа кўпгина балиқлар орасида мен оддий халқ тилида бичок деб аталувчи денгиз қолбенларини кўрдим: бу балиқлар, кўпинча Нил дельтаси яқинидаги шўр сувда учрайди.

Шундан сўнг мен спарлар ёки денгиз товонбалиқ оиласига мансуб бўлган шуълаланувчи паграларни кўрдим. Мисрликлар бу балиқларни муқаддас ҳисоблашар ва уларнинг Нил сувларига кириб келиши одатда дарёда сувнинг кўпайиши, яъни яхши ҳосилдорлик нишонаси сифатида катта дабдабали диний маросимлар билан нишонланарди.

Енимиздан хейлинлар — узунлиги ўттиз сантиметр, тангачалари тиниқ кўкиш, унда-мунда қизил қашқалари бўлган қилтаноқли балиқлар тўдаси сузиб ўтди. Бу балиқлар фақат сув ўтлари билан озиқлангани учун гўшти жуда мазали эди. Хейлинлар қадимги Римдаёқ жуда тансиқ таом сифатида устига мурен сути, товуснинг мияси ва қалдирғоч тили қўйилиб, дастурхонга тортилар эди.

Бу денгизларда яшайдиган яна бир балиқ менга қадимий Рим даврларини эслатди. Бу лоцман бўлиб, бу балиқча ҳамisha акулаларнинг ёнида юрар эди; қадимгиларнинг эътиқодича, бу кичкина балиқча кеманинг тагтўсинига ёпишиб олса, уни тўхтатиши мумкин эмиш.

Шунингдек, мен қадимий Грециянинг муқаддас балиғи ажойиб *anthias* ларни кўрдим. Ақидаларга кўра, бу балиқ ўзи яшайдиган жойдан баҳайбат махлуқларни йўқ қила олармиш. Бу балиқларнинг номи — *anthias* — «гул» маъносини англатиб, улар бу номга жуда мос — қизил бўёқнинг оч пуштидан тортиб ёқут рангигача товланардилар.

Шу денгиз мўъжизасидан кўз узолмай турганимда, тўсатдан кутилмаган манзара мени бениҳоя таажжублантириб қўйди. Сув остида белига чарм халтача осиб олган одам пайдо бўлиб қолди. У тирик эди. Бир неча марта сув сатҳига қайтиб, сўнг яна сувга шўнғир эди.

Мен капитан Немога қараб, ҳаяжон ичида хитоб қилдим:

— Одам чўкяпти! Қандай бўлмасин уни қутқариб қолиш керак!

Капитан Немо менга жавоб бермай, шошилиб ойна олди борди.

Сузаётган одам яна шўнғиди ва кўзларини деразага тикиб, бизга қаради.

Капитан Немонинг унга бир нарса ишора қилиб кўрсатганини кўриб, гоят ҳайратландим. Сувдаги киши унга жавобан бош қимирлатди-да, тез денгиз сатҳига сузиб кетди ва қайтиб келмади.

— Ундан хавотир бўлманг,— деди менга капитан Немо.— У Матапан бурундан, исми Николай, лақаби «Балиқ». Уни грек тизма ороларининг ҳаммасида билишади. Ажойиб сузувчи! Сув унинг стихияси ва тинмай бир оролдан иккинчисига, баъзан ҳатто Критгача етиб, сувда қуруқликдагига кўра кўпроқ вақтини ўтказади.

— Сиз уни танийсизми, капитан Немо?

— Нега энди уни танимай, жаноб Аронакс?

Шундай деди-ю, капитан салон деворига ишланган шкаф олдига борди. Унинг ёнида тунука қопланган сандиқ турар эди. Сандиқ қопқоғидаги мис тахтачага «Наутилус» шиори — «Ҳаракатчанлик ҳаракатда» ва кеманинг бош ҳарфи «Н» ўйиб ёзилган эди.

Капитан Немо менга бошқа эътибор қилмай, шкафни очди, унда жуда кўп қўйма металллар тахланиб ётарди.

Бу — олтин парчалари эди

«Наутилус»га шу қадар кўп миқдордаги бундай металл қаёқдан келиб қолди? Капитан Немо олтинни қаердан олган ва ҳозир у бу олтинларни нима қилмоқчи?

Мен бир оғиз ҳам сўз айтмай, қараб турардим.

Капитан Немо шкафдан олтин парчаларини олди ва уни сандиқ тўлгунча биттадан териб чиқди.

Менинг ҳисобимча сандиққа у камида минг килограмм, салкам беш миллион франклик олтин солди.

Капитан сандиқ қопқоғини ёпиб, устига янги юнён тилида бўлса керак, адрес ёзди.

У бу ишларни қилиб бўлгач, команда хонасига уланган кўнғироқ тугмачасини босди. Уша заҳотиёқ саккиз матрос келиб, салондаги сандиқни зўрға судраб олиб чиқиб кетишди.

Уларни сандиқни блок ёрдамида трапдан палубага олиб чиқишаётганларини эшитиб турдим.

Шу пайт капитан Немо менга қараб:

— Ҳа, айтгандай, нима деётган эдингиз, жаноб профессор?

— Ҳеч нарса деганим йўқ,— деб жавоб бердим мен.

— Ундай бўлса, менга рухсат, тунингиз хайрли ўтсин.

Шундай деб у салондан чиқди.

Каютамга ичимга гулгула тушиб қайтдим.

Ухлайман деб бекорга уринардим. Мен сувда пайдо бўлган киши билан сандиқдаги олтин қуймаларни ўртасида қандай маптиқий боғланиш борлигини билолмай хуноб эдим.

Енгил чайқалиш бошланганидан «Наутилус» сув сатҳига кўтарилганини фаҳмладим.

Шундан сўнг палубада оёқ товушлари эшитилди. Қайикни ўрнидан олиб сувга тушираётганларини сездим. У «Наутилус» бортига бир урилди-да, сўнг шовқин тинди.

Икки соат ўтгач, шовқин яна эшитила бошлади. Қайикни сувдан чиқариб ўрнига маҳкамлашаётган эди. Сўнг «Наутилус» яна сувга шўнғиди.

Демак, миллионлар белгиланган жойга етказилган эди. Бироқ қитъанинг қаерига? Капитан Немонинг воситачиси ким бўлди экан?

Эртаси куни мен Консель билан Нед Лендга ўтган тунги воқеаларни сўзлаб бердим.

Уртоқларим ҳам мен сингари ғоят таажжубланишди.

— Хўш, у бу миллионларни қаердан олади?— сўради Нед Ленд.

Мен бу саволга жавоб беролмадим.

Нонуштадан сўнг мен салонга ўтиб, ишлай бошладим.

Пешиндан кейинги соат бешгача бошимни кўтармай кундалигимни ёздим. Тўсатдан исий бошладим.

Камзулимни ечдим, бироқ бу ҳам фойда бермади. Нафас олиш борган сари оғирлашиб борар эди.

Сира тушунолмадим: биз тропиклардан узоқдамиз, бунинг устига «Наутилус»га сув остида барибир юқоридаги ҳаво ҳарорати таъсир эта олмасди. Манометр милига қарадим: биз олтмиш фут чуқурликда сузаётган эдик.

Ишимни давом эттирмақчи бўлдим, аммо иссиқ борган сари кўтарилиб, чидаб бўлмайдиган даражага етди.

«Кемага ўт тушдимикин?» ўйладим мен.

Салондан энди чиқаман деб турганимда, тўсатдан капитан Немо пайдо бўлиб қолди. У тўғри термометр томон юрди, симоб устунига қаради ва менга ўгирилиб деди:

— Ҳарорат қирқ икки!

— Буни сезиб турибман, капитан,— деб жавоб бердим мен.— Агар ҳарорат яна кўтариладиган бўлса ҳолимиз хароб.

— О, жаноб профессор, ҳарорат биз истаган тақдирдагина кўтарилиши мумкин.

— Демак, сиз уни истаганингизча оширингиз ёки камайтирингиз мумкин экан-да?

— Йўқ, бироқ мен ҳароратни кўтарадиган бу ўчоқ олдидан узоқлашувим ёки яқинлашувим мумкин.

— Демак, бу ўчоқ «Наутилус»дан ташқарида экан-да?

— Албатта. Биз қайнар сувда сузямиз.

— Наҳотки шундай бўлса?!— хитоб қилдим мен.

— Узингиз ўйлаб кўринг.

Тўсиқ очилди ва мен «Наутилус» атрофида тамоман оппоқ сувни кўрдим. Олтингургуртли буғ қозондагидай қайнаб турган сув устига ёйилаётган эди. Мен бармоғимни ойнага тегиздим, у шу қадар иссиқ эдики, ўша заҳоти қўлимни тортиб олишга мажбур бўлдим.

— Биз қаердамиз?— сўрадим мен.

— Санторин ороли ёнида, жаноб профессор,— жавоб берди капитан.— Аниқроқ билишни истасангиз — Неа-Каммени ва Палеа-Каммени оралигидаги бўғозда. Мен сизга бу камдан-кам учрайдиган ҳодисани — сув ости вулқонининг қайнаб чиқишини кўрсатмоқчи эдим.

— Мен эса,— луқма ташладим,— янги ороллarning пайдо бўлиши аллақачон тўхтаган деб ўйлаган эканман...

— Вулқонли жойларда бирорта жараёни ҳам тугалланган деб ҳисоблаб бўлмайди,— деб жавоб берди капитан Немо.— Ахир ер шари илгаригидай ички олов билан тўлган. Агар тарихчилардан Кассиодор билан Плинийга ишонч билан қарасак, эрамизнинг ўн тўққизинчи йилида яқинда вужудга келган мана шу уч орол ўрнида янги орол — Тейя пайдо бўлган. Сўнгра у тўлқинлар остида йўқолиб, олтмиш тўққизинчи йил яна оламга келди ва шундан сўнг мутлақо ғойиб бўлиб кетди. Ўша вақтдан бошлаб бизнинг кунларимизгача бу ерда вулқон отилиши тўхтаб қолди. Бироқ минг саккиз юз олтмиш олтинчи йил учинчи февралда, Неа-Каммени ёнида, олтингургуртли буғ булувлари орасида кўққисдан сувдан янги оролча қад кўтарди. Уни Георг ороли деб атадилар. Олтинчи февралда у Неа-Каммени билан қўшилиб кетди. Етти кундан кейин, ўн учинчи февралда, сув остидан яна бир оролча — Неа-Камменидан ўн метрли торгина бўғоз билан ажралиб тур-

ган Афрoэса пайдо бўлди. Бу камдаң-кам учрайдиган ҳодисанинг содир бўлиш пайтида мен тасодифан шу сувда эдим ва унинг бутун босқичларини кузатдим. Афрoэса оролчасининг шакли деярли думалоқ бўлиб, диаметри уч юз фут ва баландлиги ўттиз фут. У шишасимон қора лавадан иборат бўлиб, ора-чора дала шпатлари<sup>1</sup> сочилган эди. Ниҳоят ўнинчи мартда Неа-Каммени ёнида денгиздан яна ҳам кичикроқ учинчи оролча — Рэка кўтарилди ва ҳар учала оролча қўшилиб кетди.

— Ҳозир биз турганимиз қанақа бўғоз? — сўрадим мен.

— Мана бу бўғоз, — деди капитан Немо картадан грек тизма ороллари кўрсатиб. — Кўряпсизми, картага янги оролчаларни ҳам қўшиб қўйганман.

— Бу бўғознинг ўзани ҳам бирон вақт сувдан кўтарилса керак?

— Шундай бўлиши мумкин, жаноб профессор, зеро бир мишг саккиз юз олтиш олтинчи йилдан буён Палеа-Камменидаги авлиё Николай порти рўпарасида саккизта янги оролча пайдо бўлди. Бундан шу нарса яққол кўриниб турибдики, яқин орада Неа ва Палеа-Каммени қўшилиб кетади. Тинч океанда янги ороллар барпо этиш-маржонларнинг иши. Бу сувларда эса янги ороллари вулқонларнинг фаолияти вужудга келтирмоқда. Кўряпсизми, жаноб профессор, ҳаёт сув остида бир минут ҳам тинмай қанчалик қайнамоқда.

Мен яна дераза олдига келдим. «Наутилус» қимирламай турарди. Чидаб бўлмайдиган даражада иссиқ эди. Сувнинг ранги аллақандай темир тузи аралашмасида оқдан қизилга айланди.

Дераза ойнаси герметик усулда қопламага маҳкамланганига қарамай, салонни олтингугуртнинг нафасни бўғадиган ҳиди тутиб кетди. Сувда қизил нурлар манбаини кўриб қолдим. Бу шу қадар ёрқин эдики, унинг олдида прожекторимиз нурлари хиралашиб қолди.

Мендан тер қўйилиб, нафасим бўғила бошлади. Бу ҳол яна бир неча дақиқа давом этса нишиб кетишим ҳеч гап эмас!

— Бу қайноқ сувда ортиқ туришнинг ҳожати йўқ, — дедим мен капитанга.

---

<sup>1</sup> Ш п а т — силикатлар жинсидан бўлган баъзи минералларнинг номи.

— Ҳа, бу вҳтиётсизлик бўлади,— лоқайдлик билан жавоб берди у.

У аллақандай тугмачани босди. «Наутилус» яна йўлга тушди ва қолсақ ҳалокатга олиб келадиган бу ўт ичида тезда узоқлашиб кетди. Чорак соатдан сўнг биз денгиз сатҳида жонҳолатга тоза ҳаводан нафас ола бошладик.

Хаёлимга, борди-ю, Нед Ленд қочиш учун шундай жойни танлаганида тириклайин пишардик, деган фикр келди...

Эртаси куни, 16 февралда, «Наутилус» Матапан бурунини ортда қолдириб, грек тизма оролларида чўкиб кетди.

### Еттинчи боб

#### УРТАЕР ДЕНГИЗИ БУИЛАБ ҚИРҚ САККИЗ СОАТ

Теран Уртаер денгизи қадимги яҳудийларнинг «Улкан денгиз»и, қадимги греклар «Денгиз»и, қадимги римликларнинг «Бизнинг денгиз», баланд тоғлар билан ўралган, апельсин дарахтлари, алой, кактус, денгиз қарағайларидан иборат, гуллаган боғлар билан қопланган, миртанинг<sup>1</sup> ажойиб ҳиди анқиб турадиган тоза ҳавоси билан шуҳрат қозонган, Уртаер денгизи азалдан сув билан ўт ўртасидаги кураш давом этадиган майдон бўлиб келган. Бу ерда Плутон билан Нептун<sup>2</sup> дунё ҳукмронлиги учун курашдилар.

«Уртаер денгизи соҳилларида,— деб ёзган эди Мишле,— дунёда иқлими ажойиб бу жойда инсон кучига куч, соғлигига соғлиқ қўшилади». Бироқ мен икки миллион юз минг квадрат километр майдонни ишғол этган, ўз гўзаллиги билан донг таратган бу сув ҳавзасини бир неча лаҳзагина кўра олдим.

Шу бир лаҳзалик таассуротларимни кенгайтириш учун капитан Немодан ҳам ҳеч нарсани сўраб ололмадим, чунки бу ғалати одам Уртаер денгизи бўйлаб сузаётганимизда бирор марта ҳам кўзга кўринмади. Шуни ҳам айтиш керакки, биз шитоб билан сузаётган эдик ва «Наутилус» сув остида икки кеча-кундузда икки минг тўрт юз километр йўл босди: грек тизма оролларида 16 февралда чиққан

<sup>1</sup> Мирта — хушбўй, оқ гулли, доим яшил ўсимлик бутаси.

<sup>2</sup> Грек мифологиясида Плутон ер ости дунёсининг худоси. Нептун — денгиз худоси.

бўлсак, 18 февраль тонг отарда биз Гибралтар бўғозини ортда қолдирган эдик.

Капитан Немо ҳамма ёғи ўзи қочган қуруқлик билан ўраб олинган бу денгизни ёқтирмаслигини сездим. Эҳтимол унинг гўлқинлари ва шамоли ўзи билан бирга аччиқ хотираларни эса солаётгандир ёки бир умрга йўқотган нарса-сига ачиниш ва афсусланиш ҳиссини уйғотаётгандир. Балки бу ерда океанлардагидек эркин ҳамда бемалол суза олмаётгани ва «Наутилус» яқинлашиб қолган Европа ва Африка соҳиллари орасида сиқилиб қолаётгани уни асабийлаштираётгандир?

Нима бўлганда ҳам биз соатига ўн икки лье ёки қирқ саккиз километрдан сузар эдик. Нед Ленд, унга қанчалик оғир бўлмасин, қочиш ҳақида ҳеч нарса ўйламаётгани ўз ўзидан аён эди. У секундига ўн икки-ўн уч метр тезликда кетаётганда қайиқдан фойдалана олмас эди. Бу худди шу тезликда кетаётган поезддан сакраш билан баробар, бу ишга жазм қилган довюракнинг эса ҳолига вой. Бунинг устига «Наутилус» ҳаво запасини тўлдириш учун сув сағдига тундагина чиқиб, бошқа вақтларда эса компас ва лағға қараб сузди.

Шунинг учун ҳам мен Уртаер денгизини тезюрар поезднинг кўзи олдидан яшин тезликда липиллаб ўтадиган йўл ёқасидаги жойларни эмас, узоқдаги уфқнигина кўра оладиган йўловчисини сингари кузатдим.

Аммо шунга қарамай, Консель билан мен сузгичларнинг бақувватлиги туфайли маълум жойгача «Наутилус» тезлиги билан баҳслашган Уртаер денгизидаги бир неча балиқларни кўздан кечира олдик.

Биз соатлаб салон деразаси олдида турардик ва ўшандаги шошилинч ёзувлар эндиликда менга бу сувларнинг ихтиологик<sup>1</sup> манзараларини умумий тарздагина ёзиш имкониятини беради.

Уртаер денгизидаги жуда кўп турғун балиқлардан баъзиларини бошқаларига нисбатан узоқроқ кузатдим, бошқаларини бир зумгина кўрдим, учинчи бир хилларини эса тез сузганимиздан умуман кўролмадим.

Шундай қилиб, уларни ана шу фантастик классификациялаш асосида ёзаман, тўғрироғи, бу менинг бир лаҳзалик таассуротларимнигина кўрсатади.

Прожекторнинг ёрқин нурлари билан чароғон бўлиб

<sup>1</sup> Ихтиологича — балиқлар ҳақидаги фан.



турган қалин сув қатламларида узунлиги бир метр келадиган ингичка, деярли барча денгизларда учрайдиган илонбалиқлар сузиб юришарди. Йўғонлиги беш фут келадиган, териси гадир-будур, ёшлари айниқса нафис, қарилари эса йирик ва ўткир тиканаклар билан қопланган тиканли скатлар сув оқизиб кетаётган катта рўмоллар сингари чайқалишарди. Кўз олдимизда скатларнинг бошқа хиллари ҳам ўтиб турар, мен уларнинг қадимги греклар денгиз бургутлари деган номга монандми ёки ҳозирги денгизчилар ирганиб қўйишган каламуш, қурбақа ва кўршапалак лақабларига лойиқлигини аниқлашга ҳам улгуролмай қолдим.

Балиқчилар учун айниқса хавfli ҳисобланган дельфин акулалар оиласига мансуб сельд акулалари биз билан ким ўзарга ўйнашарди. Шунингдек, биз акулалар бўлими, селяхийлар гуруҳига кирадиган узунлиги саккиз футдан ошадиган балиқлар — денгиз тулкиларини ҳам кўрдик: бу денгиз жониворларида билиш қобилияти кучли, уларнинг орқалари ва биқинлари тўқ ҳаво ранг, танасининг пастки қисми оқ қашқа.

Яна бизга спар балиқлари оиласига мансуб дорадилар учради; улардан айримларининг узунлиги бир юз ўттиз сантиметрга етар эди; дорадиларнинг кўк кумуш ранг таналари товланиб турар, айниқса сариқ рангли сузгичлари уларга алоҳида кўрк берар эди.

Узунлиги икки-уч метр келадиган осетралар салон деразасига тикилишар, тезликда биз билан баҳслаша олмагач, майда жигар ранг қашқалари бўлган ҳаво рангга мойил елкаларини кўрсатишиб қолиб кетишарди. Осетралар тана тузилиши билан акулаларга ўхшасалар-да, аммо кучлиликда уларга тенг келолмайдилар; ҳаётларининг кўп қисмини улар денгизда ўтказди, баҳорда эса дарёларга ўтадилар ва Волга, Дунай, По, Рейн, Луара ва Одер оқимларида сузадилар; улар сельд, макрель ва бошқа кичик балиқлар билан озиқланадилар.

Ҳаммасидан ҳам Уртаер денгизидаги сувда яшайдиган тунецлар билан яхшилаб танишиб олдим. Уларнинг елкалари тўқ кўк бўлиб, кўкрак қафаси ҳаво ранг, биқинлари билан қорни оқиш қашқали кул ранг. Айтишларига қараганда, тунецлар кемалар соясида бориб, тропик қуёшининг ўтли ҳароратидан ўзларини сақлар эканлар ва «Наутилус» билан сузганларида ҳам, бир вақтлар Лаперуз кемаларига ҳамроҳ бўлганларидек, бу одатларини тарк этмадилар.

Улар соатлаб «Наутилус»дан бир сантиметр ҳам ортда қолмай бирга сузиб бордилар.

Табиат уларни ким ўзарга қатнашмоқ учун яратгандай. Мен бу балиқларни қизиқиш билан кўздан кечирдим: уларнинг боши кичкина ва чўзинчоқ, урчуқсимон таналарининг узунлиги уч, ҳатто тўрт метр, кўкрак ва дум сузгичлари жуда бақувват. Тунецлар айрим қушлар галаси сингари тизилишиб, тўғри учбурчак ҳосил этиб сузар эдилар. Ана шунга асосланиб қадимгилар тунецларни геометрия ва стратегия элементларини биладилар деб таъкидлар эдилар.

Бироқ тунецларнинг «олимлиги» уларни Прованс балиқчиларидан қутултиролмасди. Улар тунецларни қадимий Пропонтида ва Испания аҳолиси сингари юксак баҳолар эдилар. Ҳар йили юз минглаб ана шу ажойиб балиқлар кўр-кўрона ва телбаларча марсель тўрларига илнарди.

Уртаер денгизига хос бўлган спинорогларни, денгиз отчаларини, ойбалиқларни, кузовкаларни, сельдларни, бичокларни, денгиз ёршларини, губанларни, қиличбардорларни, феринкларни, игнабалиқларни, анчоусларни ва юзлаб бошқа хил балиқларни кўздан кечира олмаганимга мени эмас, бу жойлардан жуда катта тезлик билан ўтиб кетган «Наутилус»ни айбламоқ керак.

Денгиз сутәмизувчиларига келганда шуни айтиш керакки, Адриатик денгиздан ўтаётганимизда мен иккита кашалотни, сўнг бир неча дельфинларни ва ниҳоят монах деган лақаб олган ва чиндан ҳам доминикан монахларига ўхшаб кетадиган, фақат бўйи уч метр келадиган олтитача тюлень кўрдим.

Консель эни олти фут, косасининг устида еттита узунчоқ дўнглиги ёки қовурғалари бўлган жуда улкан гашбақани кўрибди. Менинг ўзим бу тошбақани кўрмаганимга жуда ачиндим, чунки Конселнинг таърифлашича, бу тошбақанинг жуда камдан-кам учрайдиган терили тури эди.

Зосфитлардан бир неча секунд давомида салон деразасининг ойнасига ёпишиб олган галеолярийнинг ажойиб нусхасини кўришга муяссар бўлдим. У шохлаб кетган жим-жимадор толага ўхшарди, унинг жуда нозик шохлари Фландриянинг бирорта каштачиси тиколмайдиган нафис шакллар ҳосил этган эди. Афсуски мен бу ажойиб нусхани ололмадим.

Агар шу куни, 16 февралда, кечқурун «Наутилус» тўсатдан секин суза бошламаганида мен Уртаер денгизда бошқа биронта ҳам зоофит кўролмас эдим.

Воқеа бундай бўлган эди.

Биз Сицилия билан Тунис орасидан борар эдик. Бу тор жойда денгиз туби бирдан кўтарилган. Бу ердан сув ости тизмасининг чўққиси ўтган бўлиб, унинг устида сув чуқурлиги аранг ўн етти метрга етади, ваҳоланки, бу жойнинг ҳар икки ёни тахминан етмиш метр чуқурча. «Наутилус» ана шу сув ости тўсиғига ўзини уриб олмаслик учун жуда эҳтиёткорлик билан сузиб ўтди.

Мен Конселга картадан бу сув ости чўққилари тизмаси қаерда жойлашганини кўрсатдим.

— Хўжамнинг рухсатлари билан шуни айтмоқчиманки, бу тоғ тизмаси менимча, Европа билан Африкани қўшиб турадиган бўйин бўлиши керак,— деди у.

— Тўғри айтасан, дўстим,— дедим мен,— у бутун Сицилия бўғозини тўсиб қўйган. Смит тадқиқотларида кўрсатилишича, бир вақтлар Аддар буруни билан Марсала орасида бу қитъаларни бирлаштирадиган тасмадай қаттиқ ер бўлган

— Бунга тамоман ишонаман,— деди Консель.

— Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, Гибралтар билан Сеута орасидан ҳам шунақа тўсиқ ўтган. Қадимги геология даврида бу тўсиқ Уртаер денгизини тамоман бўғиб турган.

— Агар,— сўз бошлади Консель,— кунлардан бирида яна вулқон отилиб, бу бўйинчани сув остидан кўтарса...

— Бундай бўлиши эҳтимолдан узоқ,— дея унинг сўзини бўлдим мен.

— Хўжам рухсат берсалар, фикримни охирига етказсам: борди-ю, бу воқеа содир бўлганда ҳам Сувайш каналини қазिशга жуда кўп меҳнат қилган шўрлик Лессепсга ачинаман!

— Албатта, Консель, аммо ташвишланмай қўя қол, бундай бўлмайди! Ер остидаги оловнинг кучи аста-секин сўнади. Ер пайдо бўлган дастлабки пайтлардаги ниҳоят даражада кўп вулқонлар бирин-кетин сўна бошлайдилар; ер остидаги иссиқлик кучсизланади; ернинг остки қатламлари ҳарорати асрлар ўтиши билан пасайиб боради. афсуски, бу иссиқлик ҳаёт манбаи бўлган бизнинг планетамиз учун бахтсизликдир...

— Бироқ қуёш..

— Биргина қуёшнинг ўзи етарли эмас, Консель. У мурда танасига иссиқлик югуртира оладими?

— Менимча, йўқ.

— Модомики шундай экан, дўстим, бир кун келиб Ер музлаб қолган мурдага айланади. Унда ҳам ўз ҳаёт иссиқлигини аллақачон йўқотган Ой сингари ҳеч зот яшамайдиган бўлади.

— Неча асрдан сўнг шундай бўлади?— сўради Консель.

— Бир неча юз минг йилдан сўнг,— жавоб бердим мен.

— Ундай бўлса биз ўзимизнинг сув ости саёҳатимизни охиригача етказишга улгурар эканмиз, фақат бунга Нед Ленд халақит бермаса.

Ернинг келажакдан бир оз тинчланган Консель «Наутилус»нинг ўртача тезликда сузаётганидан фойдаланиб, яна сув ости ҳаётини кузата бошлади.

Вулқон отилишидан вужудга келган чўққиларда Бугенвиль медузалари, булутлар, голотуррий, камалакнинг барча рангларида товланадиган денгиз бодринглари кўриниб турарди, йўғонлиги бир метр келадиган, қирмизи ранги атрофидаги сувга қизиллик киритаётган коматуллар; поялари узун гидроактинийлар; мидийларнинг жуда кўп ейиладиган хиллари; оёқлари кул ранг, атрофи зайтун тукли ҳурпайган қалин соч билан қопланган яшил актинийлар сайр қилишарди.

Консель моллюскаларни кузата бошлади ва тароқсимон нектункулюсларнинг жуда кўп намуналари — устма-уст қалашиб кетган спондолийлар, денгиз капалаклари деган лақабларига мос тушадиган сариқ сузгичлари рўмолсимонлар, денгиз қуёнлари номи билан маълум бўлган чиганоқ ва аплизийларни; гўштдор, еса бўладиган юраксимонлар, чиганоқлари қимматбаҳо садаф билан қопланган денгиз қулоқчаларини; Лангедокда устрицаларга қараганда лаззатлироқ таом ҳисобланадиган мидийларни; ўчбурчак донацийлар, денгиз хурмолари, золидлар, дарахт йўнувчилар, галтаклар, цинерарийлар ва кўпгина бошқаларини бирма-бир санаб чиқди. Бироқ Сицилия бўғозидаги тўсиқдан ўтиб олғач, «Наутилус» яна илгариги тезликда суза башлагани сабабли Консель кузатувларини охирига етказолмади.

Хайр сизга, моллюскалар, зоофитлар, бўғиноёқлилар! Энди салон ойнасидан соядай липиллаб ўтаётган катта балиқлардан бўлак ҳеч нарсани ажратиб бўлмасди.

16 дан 17 февралга ўтар кечаси Ўртаер денгизининг энг чуқур жойи уч минг метрдан ошмайдиган иккинчи ҳавзасига келиб қолдик. Бу ерда «Наутилус» тўсатдан сув тубига шўнғиди.

Бироқ бу ерда бизни табиат мўъжизалари билан бирга ҳаяжонлантирадиган ҳам қайғуртирадиган манзара кутиб турарди. Биз энди Ўртаер денгизининг жуда кўп кемалар ҳалокатга учраган жойида борар эдик. Жазоир билан Прованс оралиғида қанча кема ҳалокатга учрагани ёки йўқолганини ким санай олади?

Ўртаер денгизи Тинч океаннинг кўз илғамас кенгликлари олдида кўлдай бир гап. Аммо бу кўл инжиқ ва асов, унинг суви панд берадиган ва беқарор; бугун у ўзининг кўзани қамаштирадиган тўлқинларида сузаётган мўртгина қайиқчани аллалаб ардоқласа, эртаси куни эса оёққа туриб асовлашгач, қисқа, аммо тез-тез уриб турадиган пўртанаси билан энг катта кемани ҳам парча-парча қилиб итқитади.

Чуқур сув қатламларида тез сузиб бораётганимизда кўз олдидан қанчадан-қанча ҳалокатга учраган кемалар ўтмади! Баъзилари сув остида кўп ётганидан маржон билан қопланибди; яқинда ҳалокатга учраганлари энди занглай бошлабди.

Бора-боргунча бизнинг йўлимизда лангарлар, тўплар, эшкак ўқлари, машина қисмлари, синиқ цилиндрлар, портлаб кетган қозонлар; баъзи жойларда эса кемаларнинг яхлит корпуслари — улардан баъзилари тумшуги пастга қараб, бошқалари эса тўнтарилиб ётарди.

Бу кемалардан айримлари тўқнашув натижасида, баъзилари эса қояларга урилиб ҳалокатга учраган эди. Мен денгиз ўзанига мачталари синмай тўгри тушиб, ўз ҳолича бут-бутун турган кемаларни ҳам кўрдим... Улар гўё бир пана жойда лангар ташлаб, сузишга фармойиш кутиб тургандай эди.

«Наутилус» прожекторининг ёғдусини таратиб, уларнинг ёнидан ўтаётганида худди зум ўтмай флагштокда байроқ ҳилпираб, рўпарадаги келаётган кема билан саломлашиб, унга оқ йўл тилайдигандай бўлиб туюлар эди...

Аммо байроқ ҳилпирамади: бу денгиз қабристонига танҳо ўлим ва сукунат ҳукмрон эди...

«Наутилус» Гибралтар бўғозига яқинлашган сари денгиз ўзанида қайғули ҳалокат қолдиқлари тобора кўпая борган экан. Европа ва Африка соҳиллари оралиғи яқинлашган сари кемалар ҳалокати кўпая борган. Бу ерда мен

кўплаб темир корпусларни, тик ёки ёнбошлаб қолиб, афсонавий ҳайвонларни эслатадиган пачоқланган пароход қолдиқларини кўрдим.

Битта гилдиракли пароход айниқса қаттиқ ҳаяжонлантирди; унинг борти гўё йиртиб ташлангандай, мўрилари эгилган, гилдиракларидан фақат пачоқланган темир синчгина қолган, рули қуйруқдан кўчиб, занжирда осилиб турар эди, корпуси занглаган... Ичида қанча одам ҳалок бўлган экан? Бу даҳшатли ҳалокатни сўзлаб бериш учун қанча одам тирик қолган? Еки тўлқинлар бу сирни пинҳон сақлаётганмикин?..

Хаёлимга бу ўша йигирма йил олдин сирли равишда йўқолиб, бутун дунёни ҳаяжонлантирган «Атлас» пароходи эмасмикин, деган фикр келди.

— Қанчадан-қанча бойликлар кўмилиб ётган, қанча одамнинг сўнгги оромгоҳига айланган бу улкан қабристон — Уртаер денгизи ўзанидаги сирлар ҳақида қандай даҳшатли китоб ёзиш мумкин эди-я!

Бу орада жамики нарсага парвои фалак «Наутилус» сув ости пойгасини давом эттирмақда эди. 18 февралда кечаси соат учларда у Гибралтар бўғозининг кираверишига етиб келди.

У ерда икки оқим бор: юқори оқим илгаридан маълум бўлиб, у Атлантик океан сувларини Уртаер денгизига олиб киради ва унинг қаршисидан келадиган қуйи оқимларнинг мавжудлиги мантиқ йўли билан исботланган эди.

Дарҳақиқат, Уртаер денгизи сатҳи унга Атлантик океани ва дарёлардан узлуксиз қуйиладиган сув туфайли муттасил кўтарилиб бориши керак эди, чунки унинг бир меъёрда сақланиши учун биргина буғланишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунга қарамай бу ерда сув сатҳи кўтарилмайди, бинобарин иккинчи оқимнинг мавжудлигини фараз этиш муқаррар ва у Гибралтар бўғозининг тубидан ўтиб, Уртаер денгизидagi ортиқча сувларни Атлантик океанга олиб кетиши керак эди.

Бу ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. «Наутилус» ана шу йўл-йўлакай оқимдан фойдаланиб, тор бўғоздан тез сузиб ўтди.

Кўз ўнгимдан бир лаҳзагина, Плинийнинг айтишича, оролча билан бирга сувга чўккан ҳашаматли Геркулес ибодатхонасининг вайроналари гавдаланди ва бир неча дақиқадан сўнг биз Атлантик океан сатҳига кўтарилдик.

ВИГО КУРФАЗИ

Атлангик океан! Сатҳи йигирма беш миллион квадрат миляга ястаниб ётган, эни ўрта ҳисобда икки минг етти юз миля ва узунлиги салкам тўққиз миллион миляга чўзилган улкан сув яланглигидир.

Бу улкан денгиз қадим замонларда деярли номаълум бўлган. Эҳтимол фақат қадимий голландлар ҳисобланган корфагенлар ўзларининг савдо ишлари билан Европа ва Африканинг ғарбий қирғоқларини айланиб ўтган бўлишлари мумкин.

Бу океаниннг илон изи соҳиллари жуда катта масофага чўзилиб кетган бўлиб, дунёдаги энг машҳур авлиё Лаврентий, Миссисипи, Амазонка, Ла-Плата, Ориноко, Нигер, Эльба, Луара, Рейн каби дунёдаги энг маданийлашган ва энг ёввойи мамлакатлардаги ерларни суғорадиган дарёлар унга қуйилади. Барча мамлакат ва барча халқларнинг кемалари ҳамма томонларга юрадиган ва денгизларга даҳшат солувчи икки бурун — Горн ва Бурь бурунлари билан тугайдиган улурвор сув сатҳи.

«Наутилус» ўткир тумшуғи билан Атлангик океан сувларини кесиб, уч ярим ой мобайнида салкам ўн минг лье масофани — ер экваторининг узунлигига тенг келадиган йўлни босиб ўтиб, сузишни давом этар эди. Энди у қайси томонга йўл олади? Эртанги кун бизга қанақа тасодифлар олиб келади?

«Наутилус» Гибралтар бўғозидан чиққач, очиқ океанга йўл олди. У яна сув сатҳига кўтарилди, бинобарин биз учун илғаригидай ҳар куни очиқ ҳавода сайр қилиш имконияти туғилди.

Дастлаб сув сатҳига кўтарилганимизда мен, Нед Ленд ва Консэль теъда палубага чиқдик.

Йигирма миля нарида Испан ярим оролининг жануби-ғарби билан туташиб кетган авлиё Винцент буруни хиёл кўриниб турар эди.

Анчагина кучли жануб шамоли марҳаматсиз денгизда катта тўлқин ҳосил этди. «Наутилус» қаттиқ чайқала бошлади. Минут сайин шалоплаб шўр сув келиб тушаётган палубада узоқ туриб бўлмас эди.

Бир оз тоза ҳавода тургач, кема ичига тушишга ошиқдик.

Мен каютамга қайтдим. Консель ҳам каютасига кетди, бироқ нимадандир ташвишланган канадалик менинг орқамдан юрди. Уртаер денгиздан тез ўтилгани сабабли, у тузган режасини рўёбга чиқаролмади ва бинобарин, қаттиқ изтироб чекаётганини яширишга уринмас ҳам эди.

Каюта эшигини ёпишим билан у стулга ўтирди ва жимгина менга қараб қолди.

— Сизга оғир, буни тушуниб турибман, дўстим Нед, — дедим мен унга. — Аммо ташвиш чекаверманг, бу масалада ўзингизни айблашга ўрин йўқ. Уша биз сузган шароитда қочиш ҳақида ўйлаш телбалик бўлур эди.

Нед Ленд жавоб бермади. Чимрилган қошлари ва маҳкам қисилган лаблари унинг бир нарса ҳақида қаттиқ ўйлаётганидан гувоҳлик берар эди.

— Менга қаранг, — сўзимни давом эттирдим, — ақл билан иш қилинг! Ҳеч нарса йўқотганимиз йўқ. Биз ҳозир Португалия соҳиллари бўйлаб шимол томонга кўтариламиз. Франция ва Англия ёнидан ўтамиз, у ерда ҳам осонлик билан бошпана топса бўлади. Борди-ю, «Наутилус» Гибралтар бўғозидан чиқиб, жанубга, деярли қуруқлик бўлмаган томонга йўл тутганида эди, ташвишингизга мен ҳам шерик бўлур эдим. Бироқ энди капитан Немо серқатнов денгизларни четлаб ўтолмаслигини билиб турибмиз, бундай шароитда эса бир неча кундан сўнг қочишнинг мутлақо хавфсиз режасини туза олишингизга имоним комил.

Нед Ленд менга яна ҳам тикилиброқ турди-да, сўнг қимтлаган лаблари очилиб, сўз қотди:

— Бугун кечаси қочамиз!

Мен бир нарса чақиб олгандай сапчиб кетдим. Очигини айтсам, бу хабарни эшитишни кутмаган эдим.

Канадаликка эътироз билдирмоқчи эдим, аммо нима дейишимни билолмай қолдим.

— Биз сиз билан қулай фурсатни кутамиз деб шартлашганмиз, — деб сўзини давом эттирди Нед Ленд. — Шундай фурсат келди. Бугун кечаси биз испан соҳилидан атиги бир неча миля масофада бўламиз. Ҳозир кечалар қоронғи, ой йўқ. Шамол бор кучи билан қутурмоқда. Менга сўз бергансиз, профессор, бинобарин, сизга ишонаман.

Мен индамай турар эдим.

Канадалик ўрнидан туриб, менга яқинлашди.

— Бугун, соат тўққизда! — деди у. — Бу ҳақда Конселни хабардор қилганман. Бу вақтда капитан Немо уйига кириб олса керак, балки ухлаши ҳам мумкин. Бизларни на



механик, на матрослар кўра олади. Консель билан мен палубага чиқадиган трап остига яширинамиз. Сиз, жаноб профессор, сигналимни кутубхонада кутиб турасиз. Эшаклар, мачталар, елкан қайиқда бўлади. Мен унга ҳатто бир оз озиқ-овқат ҳам олиб бориб қўйдим. Бундан ташқари қайиқни «Наутилус» палубасидан бўшатиб олиш учун мурватларни бурайдиган инглиз калитини ҳам топиб қўйганман. Хуллас, ҳамма нарса тахт. Кечгача хайр!

— Денгиз жуда тошқин, — дедим мен.

— Гапингизга қўшиламан, — деди канадалик, — аммо бунга эътибор бермасликка тўғри келади. Озодликка эришиш учун бир оз таваккал қилиш керак. Айтгандай, «Наутилус»нинг қайиғи мустақкам, бипобарин, шундай ҳавода ҳам шамол оқими бўйлаб бир неча миля сузиш ҳеч гап эмас. Ким билади, балки эртага биз Европа соҳилидан юзлаб миля нарида бўлармиз? Агар омадимиз келиб қолса, унда кечаси соат ўн билан ўн бир орасида испан соҳилининг бирор бир жойига етиб оламиз. Борди-ю, шундай бўлмаса, унда худди шу вақтда биз оламдан ўтган бўлаемиз. Шундай қилиб, кечгача хайр!

Канадалик шундай деди-ю, мени тамоман саросимада қолдириб, каютадан чиқиб кетди. Мен нимагадир қочишининг вақт-соати етганда, Нед Ленд билан ҳамма нарсани бафуржа келишиб олиш ва ҳатто баҳслашиш ҳам мумкин, деб ўйлаган эдим. Бироқ қайсар канадалик менга ҳатто бир сўз ҳам айттирмади. Сирасини айтганда, унга нима ҳам деб эътироз билдирар эдим? Нед Ленд ҳар қанақасига ҳақ эди. Бу дарҳақиқат бошқа вақтлардагига нисбатан қулай фурсат ва у бундан фойдаланиб қолишга қарор қилган эди...

Ўз шахсий манфаатим деб берган сўзимдан қайғиб, ўртоқларимнинг тақдирига бефарқ қарашга ҳаққим бормиди? Эртага капитан Немо бизни яна ҳар қандай ердан олис бўлган сув саҳросига олиб чиқса-чи?

Шу пайт қаттиқ ҳуштак овози эшитилди. «Наутилус» резервуарларига сув тўлатиб, океан қаърига чўкмоқчи эди.

Ҳаяжонланаётганимни юзимдан сезиб қолмасин деб, капитан Немо билан учрашмаслик учун каютадан чиқмадим.

Бир томондан яна озодликка чиқиш истаги ва иккинчи ёқдан жаҳон бўйлаб сув ости саёҳатимни тугатмай бу ажойиб кемадан ажраш зарурлигидан афсусланиш билан ўша кун нақадар оғир кечди!

Бу океанни, яъни Атлантикамни Тинч ва Ҳинд океанлари сингари очолмай тўсатдан ташлаб кетиш: Дунёдаги энг

диққатга сазовор бу китобнинг икки жилдинигина ўқиб, қолган жилдларини ўқишдан ихтиёрний равишда воз кечини!

Каютамда нақадар нохуш соатларни кечирар эдим! Мен ўртоқларим билан бирга қуруқликдаги ҳаво сингари озод бўлишимни кўз олдимга келтириб, ўзимга шу билангина тасалли беришга ҳаракат қилардим, аммо кўпинча беихтиёр бирор кўзда тutilмаган тўсиқ Нед Ленднинг режаларига ҳалақит беришини орзу қилардим.

Мен «Наутилус»нинг қаёққа бораётганини — қуруқликками ёки ундан узоқлашяптими — шуни билиш учун компасни кўришга икки марта салонга кирдим.

Бироқ ишлар жойида! «Наутилус» Португалия ёнидан сузиб борар эди. Кема унинг қирғоқлари бўйлаб тўғри шимол томон йўл тутган эди.

Бошқа илож йўқ, қочишга ҳозирлик кўриш керак.

Юким унча кўп эмас эди — у ёзувларимдангина иборат.

Ўз-ўзимга савол берар эдим: Нед Ленд ўзининг телбалик билан кўзлаган ишини амалга ошира олган тақдирда капитан Немо нима деб ўйларкин? Борди-ю, қочолмай қўлга тушсак, «Наутилус» нинг ғалати капитани нима қиларкин?

Ундан нолишимга, шубҳасиз, ҳеч қандай асосим йўқ эди. Аксинча! Бундан ҳам олижаноброқ ва яхши меҳмондўстлик ҳақида ўйлаш ўринсиз эди. Аммо иккинчи томондан қочганим учун у мени ношукурликда айблашга ҳам ҳақсиз эди. Мен қочишга уринмасликка унга сўз берганим йўқ. Биз сўз олиб сўнг озодликка чиқарилган бандилар эмас эдик, — кемада қамаб сақламаётганликларининг бирдан-бир сабаби «Наутилус»дан қочиб бўлмайти, деган қатъий ишончларидир. Бундан ташқари капитан Немонинг биз унинг кемасини абадий ташлаб кетмаслигимизни қайта-қайта таъкидлаши ҳам қочиш йўлидаги ҳар қандай уринишимиз айбини бўйнимиздан соқит қилар эди.

Мен капитани Санторин ороли соҳилларига яқин ерда гаплашганимиздан буён бошқа учратмадим. Наҳотки тасодиф мени қочишимиз олдидан у билан учраштириб қўйса? Мен айни вақтда шундай бўлишини ҳам истардим, ҳам бундан қўрқар эдим.

Меники билан ёнма-ён бўлган каютасида эмасмикан, деб қулоқ солдим. Бироқ пардевордан ҳеч қандай овоз эшитилмади. Каютада ҳеч ким йўққа ўхшарди.

Ҳақиқатан ҳам бу ғалати одам «Наутилус» бортидамин, деб ўз-ўзимдан сўрадим. Аллақандай сирли топшириқни бажариш учун қайиқ «Наутилус»ни ташлаб кетган ўша эсда қолган тундан кейин капитан Немо тўғрисидаги фикрим бир оз ўзгарди. Унинг барча таъкидлашларига қарамай, барибир қуруқлик билан қандайдир алоқа боғлаб туради, деган хулосага келдим. «Наутилус»дан сира чиқмагани аниқмикин? Ахир баъзан мен у билан ҳафталаб учрашмас эдим. Шу вақт ичида у пима қилар эди? Илгарилари мен, у вақт-вақти билан мизантропия<sup>1</sup> балосига гирифтор бўлиб ётади, деб ўйлардим, эндиликда эса хаёлимга у қуруқликка чиқиб, менга мутлақо номаълум бирор вазифани бажаради, деган фикр келди.

Мана шунга ўхшаш минг хил хаёл менга тинчлик бермай қўйди. Биз ўзимизнинг тутган ғалати мавқеимиз билан сира ҳақиқатга тўғри келмайдиган тахминлар қилишимиз табиий эди.

Жуда қийналиб кетдим. Кутишимизнинг поёни йўқдай туюларди менга. Соат миллари жуда секинлик билан айланарди.

Овқатни одатдагидай каютамга олиб кириб беришди. Бўладиган воқеалардан ҳаяжонланаётганимдан иштаҳам бўрилганди. Дастурхон устидан турганимда, соат етти бўлган эди. Нед Лендга бориб қўшиладиган дамгача бир юз йигирма минут бор — мен эса ҳар минутни ҳисоблаб турардим.

Ҳаяжоним тобора ошиб борар эди. Бир жойда ўтиролмас эдим. Мен таранг тортилган асабларимни босиш учун хонанинг у бошидан бу бошига юрар эдим. Юрак ютиб қилган бу ишимиз ҳалокатга олиб боради, деган фикр мени ортиқча ташвишлантирмас эди; режамиз «Наутилус»дан чиқиб кетишимиздан олдин фош бўлиш хавфи ва бу хиёнатимиздан ғазабланган ёки ундан ҳам баттарроқ ранжиган капитан Немо қаршисида туришимиз мени кўпроқ эзарди ва шуни ўйлаганимда юрагим қаттиқроқ урарди.

Салонни сўнгги бор кўздан кечиргим келди. Тор йўлак орқали жуда ажойиб ва фойдали дамларни ўтказган ўша машҳур музейга ўтдим. Мен у ерда тўпланган бойликларни бир умрга қувғин қилинган ва шу кетганча қайтиб бу ерга келмаслигини билган одамдай кўздан кечира бошладим. Мен чиндан ҳам бу ажойиб санъат асарлари, табиат-

<sup>1</sup> Мизантропия — одамовилик; инсонни севмаслик.

нинг бу мўъживалари билан бир умрга ажралишим керак эди. Ҳаётимнинг кейинги ойлари шулар орасида ўтган эди. Салон ойнасида Атлантик океан сувига сўнгги бор қаргим келди. Бироқ тўсиқлар берк ва корпуснинг темир қопламаси унинг сирларини мендан яшириб турар эди.

Салонда юриб, капитан Немонинг хонасига олиб кирадиган эшикка яқинлашдим. Эшик қия турганини кўриб, ажабландим. Орқага тисарилдим: борди-ю, капитан Немо хонасида бўлса, мени кўриб қолиши мумкин. Бироқ сиратовуш чиқмагани учун яна эшикка яқинлашдим. Хонада ҳеч ким йўқ эди.

Эшикни ланг очиб, ичкарига кирдим. Хонада ҳеч нарса ўзгармаган, жиҳозлар ўша-ўша, саранжом турар эди.

Деворларга осиглиқ турган бир неча офорт<sup>1</sup> диққатимни жалб этиб қолди. Хонада олдинги гал бўлганимда буларни кўрмаган эдим. Офортларга ўз ҳаётларини бирор буюк гоёга багишлаган тарихий арбобларнинг тасвири туширилган эди. Булар: Польшани озод этиш учун курашган Костюшко, Боцариса — ҳозирги замон Грециясининг Леониди,<sup>2</sup> Ирландия мустақиллиги учун курашган, о'Коннель, Шимолий Америка Иттифоқининг асосчиси Георг Вашингтон, қулдор-фанатик ўқидан ҳалок бўлган Линкольн ва ниҳоят негрларни қулликдан озод этиш иши учун қийноққа солиниб, дорга тортилган Жон Броуннинг Виктор Гюго қўли билан қаламда чизилган ваҳимали ва ғалати портретлари эди.

Нега капитан Немо бу портретларни ўз ётоқхонасига осиб қўйди экан? У билан бу қаҳрамонлар орасида қанақа алоқа бўлган? Балки бу портретлар тўдаси унинг ҳаёгидаги жумбоқни ечишда менга ёрдам берар? Балки у эзилган халқнинг йўлбошчиси бўлиб, сўнгги пайтлардаги бирор сиёсий ёки ижтимоий ҳаракатда иштирок этгандир? Балки у шимолий ва жанубий штатлар ўртасида бўлиб ўтган бир умр хотирадан ўчмас қонли граждандар урушининг қатнашчисидир?

Бирдан соат саккиз марта занг урди. Соат болғачасининг биринчи занг уришидаёқ мени ширин хаёл оғушидан уйғотди.

<sup>1</sup> О ф о р т — мис тахтачага ўйилган ёки кислота ёрдамида рухга ўйиб туширилган гравюра.

<sup>2</sup> Л е о н и д — спартан шоҳи; унча катта бўлмаган отрядга бошчилик қилиб, Грецияда Фермопилга ўтиш йўлини форсларнинг беҳисоб қўшинларидан ҳимоя этиб, ўз отряди билан ҳалок бўлган.

Кўз илғамас бир нарса хаёлимдаги сирга шерик бўлаётгандай чўчиб кетдим ва тезда хонадан чиқдим.

Салонга чиқиб, биринчи навбатда компасга қарадим. Унинг мили бирдай, шимол томон кетаётганимизни кўрсатар эди. Лаг кеманинг ўртача тезлик билан сузаётганини, манометр тахминан олтмиш метр чуқурликни кўрсатар эди.

Шундай қилиб, шароит Нед Ленд режаларини амалга ошириш учун жуда қулай эди.

Каютамга қайтиб келиб, иссиқ кийиндим: оёғимга узун денгиз этикларини, бошимга мўйна қулоқчинимни ва эгимга астарига тюлень териси тикилган иссиқ камзулимни кийиб олдим. Мен тайёр эдим. Фақат кутиб туриш қолган эди.

«Наутилус»да ҳукмрон бўлган сукунатни винт айланишидан чиқаётган овозгина бузаётган эди. Мен эшик олдида қулоқларимни динг қилиб, кутилмаганда Нед Ленд «жиной» режаларини амалга ошираётганда қўлга тушганини ифодаловчи бирор кишининг қаттиқ қичқириғини эшитишдан чўчиб турар эдим. Мен телбаларча ҳаяжонлана бошладим... Узимни осойишта тутаман деб беҳуда уринар эдим.

Соат тўққизга бир неча минут қолганда қулоғимни капитаннинг каютасини меникидан ажратиб турган деворга қўйиб, тингладим. У ердан ҳеч қандай овоз чиқмас эди. Каютадан чиқиб, салонга кирдим. У ер ним қоронғи, аммо ҳеч ким йўқ эди.

Кутубхона эшигини очдим. У ерда ҳам ним қоронғи бўлиб, бўм-бўш эди.

Нед Ленднинг сигналинини кутиш учун трапга олиб чиқадиган эшик олдида бориб турдим.

Шу пайт винт айланишидан чиқаётган овоз анча пасайиб, сўнг умуман тинди. «Наутилус» нега тўхтаб қолди? Бу тўхташ Нед Лендга режасини амалга ошириш учун кўмаклашармиди ёки халақит берармиди? Бунисини бпмас эдим.

Энди сукунатни юрагимнинг қаттиқ уриб туришигина бузар эди.

Тўсатдан кема бир силкиниб қўйди. «Наутилус» океан ўзанига тушганини сездим. Кўпроқ ҳаяжонлана бошладим. Канадаликнинг сигналидан дарак йўқ эди. Нед Ленднинг ёнига бориб, қочишни қолдиришга кўндириш истаги туғилди. Биз бу кеча одатдагидан бошқача шароитда сузалигандай бўлиб туюлди менга.

Шу пайт кутубхона остонасида капитан Немо пайдо бўлди. Мени кўриб, саломлашмади, ammo жуда илтифот билан гапирди:

— О, жаноб профессор, сизни излаётган эдим. Испания тарихини биласизми?

Ҳозирги гоят саросимадор ва ташвишли ҳолатимда у мендан ўз ватанинг тарихини биласанми, деб сўраганида ҳам, ҳеч нима деб жавоб беролмас эдим.

— Саволимни эшитдингизми? — сўради капитан Немо. — Испания тарихини биласизми?

— Жуда чала, — ниҳоят куч йиғиб, жавоб қайтардим.

— Вой-бўй, бунақа олимлардан! — деди капитан. — Улар ўз мутахассисликларидан бўлак ҳеч нарсани билмайдилар! Утиринг, — қўшиб қўйди у, шу тарихдан қизиқ бир воқеани гапириб бераман.

Капитан диванга яхшилаб ўрнашиб олди. Мен ҳам капитан Немога эргашиб, қоронғироқ бурчакни эгаллаб олдим.

— Жаноб профессор, — дея сўз бошлади у, — яхшилаб қулоқ солинг. Ҳикоям сиз учун қизиқ бўлади. Чунки, у ўзингизга бериб жавобсиз қолдирган бир саволингизга бошқа йўл билан бўлса ҳам жавоб беради.

— Қулогим сизда, капитан, — дея жавоб бердим бу муқаддимадан ташвишга тушиб.

Капитан бу гапни нимага айтаётганини билмай, унинг бу ҳикояси бизнинг амалга ошмай қолган қочишимиз билан боғлиқ эмасмикин, деб ўз-ўзимдан сўрадим.

— Рухсат берсангиз, жаноб профессор, сўзингиз давом эттирди капитан, — биз 1702 йилдан бошлаймиз. Эсингиздадир, ўша даврда Пиренеяни бир чертишда ер билан яксон қилиб юбораман деб, катта кетган француз қироли Людовик XIV невараси герцог Анжуйскийни испан тахтига ўтқизиш қўйган эди.

Филипп V номи билан подшолик қилган бу анчагина лаёқатсиз шаҳзода забардаст ташқи душманларнинг қаршичилигига дуч келиб қолди.

Чиндан ҳам бир йил олдин, 1701 йилда, Голландия, Австрия ва Англия қироллари Гаагада испан тожини Филипп V бошидан олиш ва уларни вақт-соати етмай Карл III деб номлаган эрцгерцогга кийгизиш мақсадида иттифоқ тузган эдилар.

Испания ана шу иттифоққа қарши курашмоғи керак эди. Бироқ унинг солдатлари ҳам, матрослари ҳам йўқ эди.

Аммо етарли миқдорда пули бор эди. Бироқ шуниси ҳам борки, башарти Америка олтини тўлатилган галионлар унинг кўрфазига қаршиликсиз кира олса.

Худди 1702 йилнинг охирида Испания Америкадан катта бойлик юкланган транспорт кутаётган бўлиб, адмирал Шато-Рено қўмондонлигида Франциянинг йигирма уч кемадан иборат эскадраси уни қўриқлаб келаётган эди. Бу қўриқчилар Испания душманларининг бирлашган флоти Атлантик океанда изғиб юргани учун зарур эди.

Транспорт Кадикс томон йўл тутди, бироқ адмирал Кадикс сувларида инглиз эскадраси соқчилик қилиб юрганини билгач, бирор француз портига киришга қарор қилди.

Бироқ испан капитанлари бундай қарорга порозилик билдиришди. Улар бирорта испан портига киришни талаб этишди. Кадиксга кириш мумкин бўлмагани учун инглизлар томонидан қамал қилинмаган Виго кўрфазига киришни маъқул топдилар.

Адмирал Шато-Рено иродаси бўш киши бўлгани учун бу талабга кўнди ва галионлар Виго кўрфазига кирди.

Аммо бахтга қарши бу кўрфаз денгиз томондан ланг очик бўлиб, унга кирадиган йўлни тўсиш имконияти йўқ эди. Шунинг учун душман иттифоқининг флоти етиб келгунча галионларни зудлик билан бўшатиб олиш зарур эди; агар тўсатдан имтиёз бузилгани борасидаги бемаъни иш қўзғалмаганида ҳаммаси муваффақиятли тугар эди... Сиз ҳикоямни диққат билан тинглаяпсизми? — бирдан сўзини бўлиб мenden сўради капитан Немо.

— Жуда диққат билан тинглаяпман, — жавоб бердим довдираб унинг нима мақсадда менга тарихдан лекция ўқиётганининг сабабини билолмай.

— Хуллас, сўзимни давом эттираман. Мана бундай бўлди. Кадикс савдогарларининг имтиёзи бор эди. Бу имтиёзга кўра ўша вақтда Вест-Индия деб аталган Америкадан келтирилган бутун юклар Кадиксда туширилиши керак эди. Шундай қилиб, олтин парчалари юкланган галионларнинг Виго кўрфазига туширилиши уларнинг имтиёзларига хилоф эди. Савдогарлар Мадридга арз қилишди ва бўшанг Филипп V дан Кадиксни иттифоқчилар қамалидан чиқарилгунча кемаларни Виго кўрфазига тўхтатиб қўйиш ҳақида фармон олишга эришдилар.

Бироқ Мадридда бу қарорга келишгунча 1702 йилнинг йигирма иккинчи октябрида инглиз кемалари Виго кўр-

фазига киришди. Душман кучлилигига қарамай, адмирал Шато-Рено мардона курашди. Бироқ олтин транспорт душман қўлига тушиши муқаррарлигини кўриб, у галионларга ўт қўйиб, чўктиради, шундай қилиб, улар юклари билан бирга сувга чўкишди...

Капитан Немо жим бўлиб қолди. Очигини айтсам, бу воқеа нега мен учун қизиқлигини тушунмаётган эдим.

— Кейинчи? — сўрадим мен.

— Кейин дейсизми? Кейин шуки, биз ҳозир Виго кўр-фазининг ўзанида турибмиз; унинг сирларига назар солмоқ ўз қўлимизда.

Капитан Немо ўрнидан турди ва менга орқасидан юришни таклиф этди.

Мен ўзимни қўлга олиб, бамайлихогир унга эргашдим.

Салон қоронги эди; очиб қўйилган тўсиқлар ортидан океанда ялтираб турган денгиз суви кўзга ташланар эди. Мен ойнага яқинлашдим.

Прожектор атрофидаги сувни ярим миля масофада ёритиб турган эди. Унинг ёғдуси шу қадар кучли эдики, ҳар бир қум заррасигача аниқ кўриш мумкин эди.

Скафандрларни кийиб олган «Наутилус» матрослари ўзандаги бошқа синиқ нарсалар орасидан ярим чириган бдчкалар, пачоқланган яшикларни тортиб олишаётган эдилар. Бу яшик ва бочкаларнинг ичидан олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар сочилар эди. Қум усти бойликка тўлди.

Елкасига яшик ёки бочка ўнгариб олган матрослар қимматбаҳо юкларини кемага келтириб тахлашар ва яна ғамлаш учун ўша битмас-туганмас хазина томон борардилар.

Энди менга ҳамма нарса аён бўлди. Бу денгиз жанг майдони эди. Бу ерга 1702 йилнинг 22 октябрида испан қиролига олгин олиб бораётган галионлар чўккан эди. Капитан Немо бу сочма кондан ўзига керак вақтида олтин олар эди. Бу бочка ва яшиклар фақат унгагина, ёлғиз унинг ўзигагина тегишли эди. У бу миллионларнинг бево-сита ва яккаю ягона меросхўри эди.

— Сиз, жаноб профессор, — дея кулиб сўради мендан капитан Немо, — денгиз ўз бағрида шунча бойликни яшириб ётишни билармидингиз?

— Мен денгиз сувида икки миллион тоннага яқин кумуш эритмаси борлигини билардим, холос.

— Гапингиз тўғри, бу кумушни сувдан ажратиб олиш учун ундан келадиган киримдан чиқими катта бўлар эди.



Бу ерда эса одамлар йўқотган нарсани олиш учун эгилишнинг ўзи кифоя. Хазина сифатида фақат Виго кўрфазининг ўзигина хизмат қилаётгани йўқ: сув ости картамада бойлиги бундан кам бўлмаган яна минглаб ҳалокат жойлари белгилаб қўйилган. Бойликларим миллиардлар билан ўлчанишига энди тушуниб етгандирсиз?

— Жуда яхши тушуниб турибман, капитан. Рухсатингиз билан фақат шуни айтмоқчиманки, худди шу Виго кўрфазидан олтин олишда сиз билан рақобат қилиши мумкин бўлган бир савдо жамиятини рафлатда қолдиргансиз.

— Қайси савдо жамиятини?

— Чўккан галионларни излаб топиш ишларини олиб бориш учун испан ҳукуматидан имтиёз олган жамиятни. Бу жамият акционерларининг тушларига ҳам ўша беш юз миллион кирадиган бўлди, чунки чўккан галионлар худди шунча, яъни беш юз миллион баҳоланган эди.

— Беш юз миллион дейсизми? — қайтариб сўради капитан Немо. — Улар шу ерда эди, аммо ҳозир йўқ.

— Тушунарли, — дедим мен. — Шунинг учун бу иш қатнашчиларини бундан огоҳлантириб қўйилса чакки бўлмас эди. Аммо бу огоҳлантиришни улар қандай қабул қилишларини ким билсин? Ахир ўзингиз биласиз-ку, корчалонлар йўқолган пулдан кўра ақлга сиғмайдиган умидларининг барбод бўлганига кўпроқ ачинадилар. Сирасини айтганда, мен бу корчалонларга ачинмайман! Мен кўпроқ юз минглаб қашшоқларнинг оғирини енгил қилиши мумкин бўлган шу пуллар ҳеч қачон уларга бориб тегмаслигига ачинаман...

Мен гапимни тугатмасдан бу гап капитан Немонинг ражжитганини пайқадим.

— Ҳеч қачон уларга бориб тегмаслигига дейсизми? — ҳаяжон билан сўради капитан. — Демак, сизнингча, модомики бу пулларни мен олган эканман, улар йўқолган экан-да? Наҳотки бу хазиналарни ўзи учун йиғяпти, деб ўйласангиз? Мени шулар ёрдамида хайрли иш қилмаяпти, деб сизга ким айтди? Ер юзида кўмак ва қурбонга муҳтож, ўч олишга даъват этувчи сира аримас кулфат, эзилган халқлар, бахтсизлик борлигини биламан. Наҳотки, сиз...

Капитан Немо шундай деб бирдан жим қолди. Эҳтимол у жаҳл устида ортиқча гапириб қўйганига пушаймон бўлгандир.

Аммо мен энди бусиз ҳам ҳаммасини тушунган эдим. Унинг сув остида мустақиллик қидирганининг сабаблари

қандай бўлишидан қатъи назар, бироқ барибир биринчи навбатда одамлигича қолибди. Инсоният чекаётган азоб-уқубатдан юрак-бағри қон бўлганидан сахий қўллари билан тизилган халқларга ёрдам бермоқда эди.

«Наутилус» қўзғолон кўтарилган Крит ороли ёнида бўлган кунни капитан Немо жўнатган миллионлар кимга тегишли эканлигини энди тушундим!

## *Тўққизинчи боб* ЙУҚОЛГАН ҚИТЪА

Эртаси кун, 19 февралда, эрталаб каютамга канадалик кириб келди. Унинг келишини кутган эдим.

Нед Ленд ғамгин кўринарди.

— Бу ёнгига нима дейсиз, жаноб профессор? — дея сўз бошлади у.

— Нима дердим, Нед? — жавоб бердим мен. — Тасодиф режамизни бузди.

— Ҳа... — Қаёқданам бу лаънати капитаннинг хаёлига кemasни худди биз қочадиган дақиқада тўхтатиш келиб қолди!

— Нима ҳам қила олардик, Нед, у ўз хазиначисини кўриши керак экан-да.

— Хазиначисини?

— Неднинг кўзлари катта очилди.

— Тўғрироғи, ўз хазинасининг кассасини. Ҳар қандай давлатнинг жуда катта бойлик сақлайдиган хазинасидан ҳам ишончлироқ океан тубини кўзда тутяпман.

Шундан сўнг Нед Лендга ўтган кеча бўлган воқеаларни сўзлаб бердим ва менинг бу ҳикоям уни капитан билан яраштириб, қочиш ҳақидаги фикридан қайтаришга мажбур қилади, деган умидда эдим.

Ҳикоямнинг бирдан-бир натижаси шу бўлдики, Нед Ленд Виго жанги бўлиб ўтган ўша ерларда сайр қилмаганидан қаттиқ ачинди.

— Бироқ, — деди у, ўзига тинчлик бермаётган фикрига қайтиб, — ҳали ҳеч нарса йўқотилгани йўқ. Кеча кечқурун амалга оширолмаган ишни бугун қилишимиз мумкин...

— «Наутилус» қасққа қараб кетяпти? — унинг сўзини бўлдим мен.

— Билмадим.

— Пешинда картага қараймиз.

Канадалик Конселнинг ёнига кетди. Кийиниб, шошлинч салонга чиқдим.

Компас менга ортиқча тинчлантирадиган янгиликни хабар қилмади: «Наутилус» жануби-ғарб томон кетаётган эди. Биз Европага орқамиз билан туриб қолган эдик.

Мен натижаси ўша заҳотиёқ картага тушириладиган пешиндан кейинги кузатишларни сабрсизлик билан кутар эдим.

Соат ўн бир яримда насослар резервуарларни бўшатди ва «Наутилус» океан сатҳига сузиб чиқди.

Мен югуриб палубага чиқдим; Нед Ленд мендан олдинроқ чиққан экан.

Ҳеч қандай ер кўринмас эди. Фақат кўз илғамас денгиз. Уфқда бир неча елканли кема кўринди. Осмонни булут қоплаган эди. Афтидан, бўрон яқинлашаётганга ўхшарди.

Бундан ранжиган Нед Ленд булутлар пардасини кўзи билан тешиб юборгудай бўлиб қарар эди: у туман ичидан ўзи қидираётган қуруқликни кўриш умидида эди.

Пешинда бирпасгина қўшиб чиқди. Бундан фойдаланган капитан ёрдамчиси кузатишларини олиб борди. Денгиз қаттиқ чайқала бошлагани учун «Наутилус» ўша заҳотиёқ яна сувга шўнғиди.

Бир соатдан кейин кеманинг қаерда кетаёгани картага туширилгач, мен узунликнинг 16-градус 17-минутида ва кенгликнинг 33-градус 22-минутида энг яқин ердан олти юз километр масофада турганимизни кўрдим. Бундай шароитда қочиш ҳақида ўйлаб ҳам бўлмас эди.

Бу хабардан канадаликнинг қанчалик диққати ошганини тасаввур этиш қийин эмас эди.

Менга келганда, шуни айтиш керакки, бундан унчалик хафа ҳам бўлмадим. Аксинча, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди ва мен жон-дўлимдан кундалик ишларимга шўнғиб кетдим.

Кечқурун вақт алламаҳал бўлганида, соат ўн бирларга яқин каютамга кутилмаганда капитан Немо кириб қолди. У мендан жуда меҳрибонлик билан кеча анчагача ухламай юрганимиз чарчатиб қўймадими, деб сўради. Мен сира чарчамаганимни айтдим.

— Ундай бўлса, жаноб профессор, мен сизни ажойиб бир экспедицияда қатнашишга таклиф қиламан, — деди у.

— Марҳамат, капитан.

— Сиз шу пайтгача денгиз ўзанини кундузи, қуёш нур сочиб турганда кўрдингиз. Уни қоронғи тунда кўришни истайсизми?

— Жон дердим.

— Олдиндан айтиб қўяй, бу жуда чарчатадиган сайр бўлади. Анча яёв юриб, тоққа ҳам чиқишга тўғри келади. Ўзингизга маълумки, бу ерларнинг йўллари қаровсиз ётади.

— Сиз бу гапларингиз билан қизиқишимни оширяпсиз, капитан. Мен ҳозироқ изингиздан боришга тайёрман.

— Ундай бўлса, кийиниш хонасига юринг, скафандрларни кийиб олиш керак.

Ечинадиган хонада мен на кема экипажининг матрослари ва на ўртоқларим бу экспедицияда бизга ҳамроҳ бўлмасликларини кўрдим. Капитан Немо ҳатто Нед Ленд билан Конселни таклиф қилишни ҳам айтмади.

Биз тезда скафандрларнинг ичига кириб олдик. Жуда кўп ҳаво запаси бўлган резервуарларни елкамизга ошишди. Аммо Румкорф аппаратлари ва электр лампаларни ўзимиз билан олмадик.

Мен бу ҳақда капитанни огоҳлантирдим.

— Улар бизга керак бўлмайди, — деб жавоб берди у.

Назаримда яхши эшитолмагандай бўлдим, аммо саволимни қайтаролмадим, чунки капитан бошини шлёмга тикқан эди. Мен ҳам шлёмни кийиб олдим. Қўлимга тунука қопланган ҳасса беришди ва одатдаги бир неча минутлик тайёргарликлардан сўнг биз Атлантик океан тубида уч юз метр чуқурликда кетиб борардик.

Вақт ярим кечага яқинлашган эди. Атроф жуда қоронғи, аммо капитан Немо менга «Наутилус»дан чамаси икки миля нарида гулхандай ловиллаб турган аллақандай қизил чўғни кўрсатди. Бу қанақа олов бўлди, нимадан чиқяпти, сув остида қандай ва нимага ёниб турибди у — буниси менга номаълум эди. Нима бўлганда ҳам у бизнинг йўлимизни ёритиб турган эди.

Капитан Немо билан ёнма-ён тўғри ўша олов томон борардик.

Бошда текис ўзан, энди сезиларли даражада тиклаша борди.

Биз ҳассага таянганча катта-катта одимлаб борардик, аммо шунга қарамай, умуман жуда секин илгарилардик, чунки оёқларимиз сув остидаги ҳар хил йиғиндиларга ёпишиб қолар эди.

Бора-боргунча бошим устида аллақандай тарақлаган овоз эшитилиб турди. Баъзан у дупир-дупир этиб, баландлашиб, барабан овозини эслатар эди. Кўп ўтмай мен шовқиннинг сабабини тушундим. Океан устида ёмғир ёғаётган бўлиб, баъзан тўлқинларнинг учига шатирлаб уриларди.

Бошда мен шалаббо бўлсам керак, деб қўрқдим, аммо бу фикр шу қадар бемаъни туюлдики, ўша заҳоти хахолаб кулиб юбордим. Сув остида туриб, ёмғирдан қўрқишни қаранг! Бироқ ҳамма гап шундаки, скафандр ичида сувда юрганингизни ҳис этмайсиз, фақат атрофингиздаги муҳит ҳаводан зичроқ эканлигинигина пайқайсиз, холос.

Ярим соат юрганимиздан сўнг тошлоқ ер бошланди. Медузалар ва кўзга кўринмас чиганоқсимонлар хира фосфорли ёғду таратиб турардилар.

Баъзи тошлар зоофитлар яна бошқалари сув ўтлари билан қопланган эди.

Лой гилами устида ҳар қадамда тийганиб борардим ва ҳассам бўлмаганда, ҳеч сўзсиз бир неча марта йиқилишим аниқ эди. Орқамга қараб, узоқдан «Наутилус»нинг хиралаша бошлаган прожекторини кўрдим.

Океан ўзанидаги уйиб ташланган тошлар дуч келганча эмас, балки аллақандай қатъий тартиб билан ётардики, бунинг сирини тушунолмадим.

Олисда аллақандай узун ўра ёки жўяк қоронғида гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан гойиб бўларди. Мен ўзим тушунолмайдиган яна аллақандай гаройиботларга зеҳн солдим. Назаримда қўрғошин қоқилган вазмин чориқларим суяклар устидан гичирлатиб босиб бораётгандай эди.

Биз бораётган бу бепоён водий қанақа ғалати жой бўлди экан!

Мен буни капитандан сўраб олмоқчи эдим, аммо у матрослар ҳамроҳлигида бораётганида фикрини имо-ишора билан тушунтирадиган шартли тилни билмас эдим.

Бу орада бизга йўлчи юдуз бўлиб хизмат қилаётган қизғиш ранг яна-да кучайиб, энди бутун уфққа ёйилган эди. Сув остида ёнаётган бу олов қизиқишимни ғоят ошириб юборди. У нима — электр ёғдумикин? Ёки ердаги олимларга аён бўлмаган аллақандай камдан-кам учрайдиган воқеами? Балки, бу бирор киши ёқиб турган оловмикин, деган хаёлга ҳам бордим. Бу ерда, шу чуқур сув қатламларида балки, мен капитан Немонинг ўзидай ғалати ҳаёт кечирадиган дўстлари ва маслакдошлари билан учрашарман? Наҳотки мен бу ерда инсонлар адолатсизлигидан

ҳориб, океан қаърида ўзига мустақил ва осойишта макон танлаган бутун бошли қувғиндилар жамоасини учратсам?

Бу бемаъни, аҳмоқона хаёллар менга ҳеч тинчлик бермасди. Бунинг ажабланидиган жойи ҳам йўқ. Кун сайин янгидан-янги мўъжизалар кўринишидан тинимсиз ҳайратланиш ҳолатида денгиз қаърида капитан Немо орзу қиладиган сув ости шаҳарларидан бирига дуч келганимда ҳам сира ажабланмаган бўлар эдим.

Иўлимиз тобора ёришиб бормоқда эди. Еруғлик манбан сув тубидан тахминан саккиз юз фут баландликдаги тоғ чўққиси ортида эди. Атрофимда таралиб турган ёғду ўша манбанинг сувда синган нурлари бўлиб, унинг ўзи илгаригидай кўзга кўринмас эди.

Капитан Немо айланма тошлоқ йўлдан сира иккиланмай борарди. У бу қоронғи йўлни яхши билар эди. Адашиб қолишидан чўчимай, дадил боришига қараганда, у бу йўлдан тез-тез ўтиб турган бўлса ҳам ажаб эмас. Мен капитан ортидан комил ишонч билан борардим. У менга ғайри табиий бир мавжудот, сув ости мутафаккири сифатида гавдаланар ва унинг қора сояси уфқнинг оқ фониде кўриниб турган баланд қомагига маҳлиё бўлиб борардим.

Соат тунги бирга яқинлашган эди. Биз тоғ этагига келдик. Аммо унга тўғридан чиқишнинг сира иложи бўлмагани учун қалин ўрмон бўйлаб кетган торгина йўлакдан тириша-тирмаша чиқа бошладик.

— Ҳа, у ўрмон, гарчанд қуриган, баргсиз, шўр сув ичида кўмирга айланган дарахтлардан иборат бўлса-да, росмана ўрмон эди. У ер-бу ерда улкан қарағайлар ҳамон қад кўтариб турар эди.

У ҳали қатламларга ажралмаган, қуриган илдизлари эса сув ювиб кетган ерга ҳамон ёпишиб тик турган тошкўмир эди; тошга айланиб қолган дарахтларнинг шоҳлари ҳар томонга тарвақайлаб, ёритилган сувда қуришиб, тим қоралигича яққол кўзга ташланар эди.

Сув ўсимликлари қоплаган сўқмоқ йўлларда минглаб чиганоқсимонлар ғужғон ўйнашарди.

Мен қоялар устига чиқардим, бир вақтлар бўронлар қулатган дарахтлар таналари устидан ҳатлардим, йўлни тўсиб қўйган денгиз чирмовуқларининг торларини узиб ташлардим, юриб туриб шохдан-шоҳга учаётгандай сузаётган балиқларни чўчитар эдим.

Қизиқиб кетиб чарчоқ ҳам сезмай, йўлбошчимдан ортда қолмай борардим, афтидан, у ҳам ҳали чарчамаган кўринарди.

Нақадар унутилмас манзара! Уни сўз билан ифозалаб бўлармиди?! Сувда пастки қисми ним қоронғи ва учлари қизариб турган дарахтлар ва қояларни, синган нурларнинг ҳар томонга таралиб, камалак сингари товланишини қайси бўёқ билан чизиб бўлади?

Биз чўққидан-чўққига сакраб ўтиб, ҳозиргина ортимизда қолган қоянинг пастга думалаб кетишидан ҳосил бўлган бўғиқ овозни эшитардик.

Унгу сўлдаги қоронғи йўлкалар узоқларга чўзилиб кетган бўлиб, уларни кўз илғамас эди. Биз худди одам кўли билан саранжомлаб қўйилгандай ўтлоқларни кўрдик: ва шунда ўз-ўзимдан сўрардим: тўсатдан олдимиздан шу сув ости ўлкасида яшайдиган бирор одам чиқиб қолса-я!.

Капитан Немо ҳамон илгарилаб борар эди. Мен ундан кейинда қолмаслик учун шаҳдам қадамлар билан орқасидан борардим. Ҳасса менга жуда катта ёрдам берди. Хато ташлаган бир қадамнингиз ҳам бу торгина йўлкаларда тубсиз ҳалокатли жарликларга олиб тушар эди. Аммо бошим айланмай ишонч билан олға юрардим.

Мен шундай даралардан сакрар эдимки, мабодо ердаги музликларда бундай чуқурлик учрагудай бўлса, орқага қайтган бўлардим. Оёғим остига қарамай ва кўз ўнгимда ястаниб ётган антиқа гўзалликлардан тинмай ҳайратланиб, жарликларга ташлаб қўйилган дарахтларнинг омонат ёғочларидан сира чўчимай ўтиб олар эдим. Пойдеворларида жуда ғалати оғиб қолган улуғвор қоялар мутаносибликнинг ҳар қандай қонунларини рад этгандай турар эдилар. Уларнинг ёнида, сўқмоқ устида йўниб қўйган каби тош жинслари «ер»даги ҳар қандай тортиш кучи қонунларига зид бурчак ҳосил этиб осилиб турар эди.

Менинг ўзим ҳам сувдаги муҳитнинг таъсир этаётганини сезиб турар эдим: оғир кийимларим, бошимдаги мис шлем ва чоригим тагчарми ўрнига қўрғошин қоқилганига қарамай, деярли тикка деворларга тоғ эчкисидай енгилгина чиқардим.

Ҳикоямнинг шу ўринлари ҳақиқатга тўғри келмаётгандай туюлаётганини ўзим ҳам сезиб турибман. Мен бир қарашда аҳтимолдан узоқ, маънисиз бўлиб туюладиган, бироқ айни чоқда ҳақиқатан ҳам мавжуд воқеалар тафсилотини ёзишим керак. Мен талмовсираётганим ҳам, хаёл су-

раётганим ҳам йўқ. Барча айтганларимни ўзим кўрдим ва ҳис этдим!

Экскурсиямиз бошланганидан икки соат кейин ўрмондан юқориға кўтарилдик ва биздан тоғ чўққисигача энди юз футлар чамаси қолган эди.

Бу ерда онда-сонда бир-бирига чирмашиб, аллақандай ғалати нақш ҳосил этган буталаргина кўзга ташланар эди. Оёқларимиз остидан гала-гала балиқлар баланд ўтлар орасидан чўчиб чиқадиган қушлар сингари ҳар томонга қо-чишарди.

Яхлит қоя ўтиб бўлмайдиган даражада катта ёриқлар, чуқур ғорлар, туби йўқ жарликлар билан тилинган бўлиб, пастда назаримда ҳар хил даҳшатли нарсалар кўрина бошлади. Қисқичбақа панжасими, бир улкан чангал тўсатдан йўлимизни тўсиб, биз яқинлашгач, қаттиқ қарсиллаганда юрагимга зарб билан қон қуйилиб келди. Қоронгида минглаб ёрқин нуқталар ялтиллади. Бу уясида яшириниб ётган даҳшатли қисқичбақалар, қозик тишга ўхшаш пилжаларини ҳаракатлантираётган улкан омарлар<sup>1</sup>, чангаллари илонлардан иборат тирик тўсиқ сингари буралаётган қўрқинчли саккизоёқларнинг кўзлари эди.

Бу — ҳали менга маълум бўлмаган баҳайбат махлуқлар олами эди. Қоялар уларнинг иккинчи косалари бўлиб хизмат этаётган бу бўғиноёқлилар қайси турларга тааллуқли экан? Уларнинг мавжудлигини табиат қай йўсинда сир сақлай олди? Улар ана шу океан қаърида неча асрдан буён яшапти?

Афсуски уларни дурустроқ кўриб олиш учун тўхтаб олмас эдим. Бу даҳшатли мавжудотларга аллақачон кўникиб қолган капитан Немо уларга эътибор ҳам бермай ўтиб кетаётган эди.

Биз тоғ устидаги биринчи майдончага чиққанимизда, у ерда мени янги тасодиф кутиб турган экан. Бу баланд уйилиб ётган тошлар бўлиб, инсон қўли билан яратилган саройлар, ибодатхоналар, уйларнинг вайроналари эканлигини кўриниб турар эди. Эндиликда буларнинг барини чаман бўлиб гуллаётган зоофитлар қоплаб, яшил сув ўтларининг чирмовуқлари ўраган эди.

Бироқ бу қандай қуруқлик бўлди ва қайси ҳалокат уни денгиз қаърига чўктирди? Мен қаерда эдим? Капитан Немонинг фантазияси мени қаерларга бошлаб келди?

<sup>1</sup> Омар — жуда катта денгиз қисқичбақаси.



Мен ундан шуларни сўрамоқчи эдим. Чақиринг имкони бўлмагани учун унинг енгидан тортдим. Бироқ шлём остида бошини чайқаб: «Юр! Нарироққа юр, нарироққа!» дегандай қўли билан тоғ чўққисига ишора қилди.

Сўнгги кучимни тўплаб, унинг ортидан бордим ва яхлит қоядан йигирма метрча югуриб, бир зумда тоғнинг энг чўққисига чиқдим.

Ўзимиз чиққан қияликка қайрилиб қарадим. Биз чиққан томонда тоғнинг баландлиги водийдан чўққигача етти юз футдан ошмас эди. Бироқ иккинчи тарафи камида бир ярим минг фут пастга қиялаб кетган эди.

Ҳайратланган кўзларим олдида улкан, жуда ёрқин пасттекислик ястаниб ётар эди. Биздан эллик фут чамаси пастроқда катта кратер бор эди. Лава оқимлари олов шаршара сингари қиялик бўйлаб пастга оқиб тушарди. Бу вулқон улкан машъала сингари унинг этагида ястаниб ётган пасттекисликнинг уфқигача ёритиб турар эди.

Вулқондан аланга эмас, лава отилиб чиқарди. Ер қатламларида қизиб, оқиш рангга айланган лава оқими сувга тушиб, ўзи совугунча сувни буғга айлантириб турарди. Ҳароратнинг ҳар хиллиги туфайли ҳосил бўлган сувнинг кучли оқими буғни бир чеккага суриб борар, олов лава оқими эса тоғ этакларигача думалаб тушарди.

Кўз ўнгимда томлари ва деворлари қулаган вайрона уюмлар, ибодатхонанинг тўнтарилган пештоқлари, ерда ётган устунлари билан ўлик шаҳар намоён бўлди. Бу иморатлар тоскан услубига ўхшар эди.

Олисда, текисликда, улкан водопровод вайроналари осилиб ётарди; тоғ этакларига яқинроқ ерда нимаси биландир Афина Парфенонини<sup>1</sup> эслатадиган улуғвор Акрополнинг қолдиқлари кўзга ташланарди; у ерда, қиргоқ бўйида сақланиб қолган баъзи жойлар, савдо кемалари ва ҳарбий триремалар учун бошпана вазифасини ўтайдиган антик порт бурчаклари; нарироқда қатор бузилган деворлар — илгариги кўчаларнинг излари бор эди.

Бу капитан Немо кўзим олдида жонлантирган янги Помпея эди.

Мен қаердаман? Қандай бўлмасин буни билмоқчи эдим. Бунинг учун бошимни асирликда тутиб турган мис шлёмни олиб ташлашга ҳам тайёр эдим.

---

<sup>1</sup> Парфенон — Афина-Паллада худосининг ибодатхонаси, қадимий архитектурасининг энг яхши намунаси.

Аммо капитан Немонинг ўзи менга яқинлашди. Энгашиб бир парча бўр олди-ю, қора базальт қоя олдига келиб, унга биргина сўз ёзди.

### «А т л а н т и д а»

Миямда гўё яшин чақнади. Атлантида! Платон<sup>1</sup> Атлантидаси! Ориген, Порфирий, д'Анвиль, Мальтбрэн, Гумбольдтлар эса унинг мавжудлигини инкор этиб, бу йўқолган қитъа чиройли қилиб тўқилган афсонадан бошқа нарса эмас деб ҳисоблаганлар. Мавжудлигини Плиний, Амиан-Марцеллин, Тертуллиан, Энгель, Шерер, Турнефор, Бюффон, д'Авезаклар тан олган Атлантида. Ўзида ҳалокат изларини сақлаб қолган ўша Атлантида кўз олдимда ястаниб ётибди!

Шундай қилиб, унинг Европада ҳам, Осиёда ҳам, Ливияда<sup>2</sup> ҳам эмас, Геркулес устунларининг<sup>3</sup> нарғидалигини ва у ерда қадимий греклар дастлабки жангларини олиб борган атлантлар қабиласи яшашидан бўлак нарсани ҳеч ким билмайдиган ўша сувга чўккан мамлакат шу ерда экан.

Платон йилномаларида ўша қаҳрамонона даврнинг улуғвор ишлари ёзиб қолдирилган. Тимей билан Критиас ўртасидаги диалогда Атлантида ҳақида мана бундай дейилади:

Кунлардан бир куни Солон ўша вақтдаёқ саккиз юз ёшга кирган, бу ҳақда унинг муқаддас ибодатхонаси деворида ўйиб ёзилган сана гувоҳлик берадиган Саис шаҳрининг бир неча донишманд қариялари билан суҳбатлашиб қолади. Ўша қариялардан бири унга Саисдан ҳам қадимийроқ бошқа бир шаҳарнинг тарихини ҳикоя қилиб берди. Тўққиз юз аср давомида мавжуд бўлган бу шаҳар атлантлар томонидан забт этилган ва қисман вайрон қилинган.

Унинг ҳикоя қилишича, атлантлар ҳумкронлиги ҳатто Мисргача бориб етган. Улар, шунингдек Эладани<sup>4</sup> ҳам бўйсундирмоқчи бўлганлару, аммо эллинларнинг қаҳрамонона қаршилигига дуч келиб чекинганлар.

Ҳалокат — сув тошқини, зилзила содир бўлади...

Атлантида бир кеча-кундузда ер юзидан йўқ бўлиб кетади. Фақат унинг энг баланд чўққилари — Мадейра,

<sup>1</sup> Платон (эрамизгача 427—348-йиллар) — юнон файласуфи.

<sup>2</sup> Ливия — Африканинг қадимий номи.

<sup>3</sup> Геркулес устунлари — Гибралтар қояларининг қадимги номи.

<sup>4</sup> Элада — Қадимий Греция.

Азор ороллари, Канар ороллари, Яшил Бурун оролгина океан сатҳида сақланиб қолди...

Капитан Немо ёзиб кўрсатган сўз хаёлимда ана шундай тарихий хотираларни жонлантирди.

Хуллас, тақдир бугун мени ана шу йўқолиб кетган қитъа тоғларидан бирининг чўққисига олиб келган, кўп минг йиллар бурун мавжуд бўлган иморатларнинг вайронларини қўлим билан ушлашга имкон берган эди! Илк бор ерда яшаган кишилар юрган тупроққа оёқ босгандим! Жуда узоқ ўтмишда яшаган, минг йиллардан буён тош уйқуда ётган шу дарахтлар соясида ҳайвон скелетлари қўрғошин қоқилган чориқларим остида қисирлар эди.

Оҳ, қани эди вақт бемалол бўлса! Тикка тоғдан частга тушиб, қачонлардир балки Африка билан Американи бирлаштириб турган бу бепоён қитъанинг у бошидан-бу бошигача кезиб чиқардим; мен дунё тошқинидан анча илгари мавжуд бўлган қитъанинг барча шаҳарларида бўлардим. Бу шаҳарларни юз йиллаб яшаган шу қадар забардаст паҳлавонлар қурганки, улар бунёд этган иморатлар минг йиллар давомида сувнинг вайрон этувчи ҳамласига ҳам бардош бериб турар эди!..

Балки вақти келиб вулқон ёки ер қобиғининг силжиши натижасида денгиз ўз қаърига олган бу вайроналар яна сув сатҳига чиқиб қолиши ҳам мумкин. Ахир биз океanning бу қисмида ҳали сўнмаган бир неча вулқонлар борлигини биламиз-ку. Ана шу чуқурликлари бесаранжом сув сатҳида сузиб юрганда кемалари қаттиқ чайқалганини сезган денгизчилар оз бўлмаган. Улардан баъзилари қутурган стихия курашининг бўғиқ овозини эшитган бўлсалар, бошқалари сув сатҳида қалқиб юрган вулқон кулини кўрганлар. Планетанинг бу қисми экваторгача бошдан-оёқ тинимсиз ёниб турадиган вулқонлар масканидир. Ким билади, балки чиндан ҳам узоқ келажакда, лава қатламларининг тез-тез отилиб туриши натижасида тўпланиб, оловли тоғ чўққилари яна океан сатҳига кўтарилиши мумкинми?

Хаёл оғушига ғарқ бўлиб, айни вақтда бу улуғвор манзарани борича хотирамда сақлаб қолишга интилаётган пайтимда, капитан Немо сув ўтлари қоплаган устунга суяниб, ҳаракатсиз ва гунг одамдай турар эди. У йўқолиб кетган авлодларни ўйлаётганмикин? Келажак авлодларнинг тақдири гўғрисида ўзига савол бераётганмикин? Ёки замонавийликка нафрат билан қаровчи шу ғалаги киши тасавурида қадимгилар ҳаёти билан яшаб кўриш учун бу

ерга келганмикин? Унинг нима ҳақда ўйлаётганини билиш учун истаган нарсани беришга тайёр эдим!

Бир соат мобайнида шу еринг ўзида лаванинг олов оқимлари қуёшдай равшан ёритиб турган бепоён текисликни томоша қилдик.

Ички қатламларида лава қайнаши натижасида баъзан тоғ чўққилари қалдираб кетарди. Бўғиқ шовқин сув орқали аниқ ўтиб, даҳшатли ва дабдабали эшитилар эди.

Шу вақт ой нурлари сув қатламларидан ўтиб, чўкиб қолган қитъани бир неча минут ёритиб турди. Одамни лол қолдирадиган бу манзарани сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Капитан Немо тўсатдан устун ёнидан нари кетди, бепоён ялангликка сўнгги бор назар ташлади ва шундан кейин менга орқасидан юришни ишора қилди.

Биз тезда тоғдан тушдик. Кўмирга айланган ўрмондан чиқишимиз билан узоқдан «Наутилус»нинг юлдуздай чарақлаб турган прожекторини кўрдим.

Капитан тўғри ўшанга қараб юрди. Биз бортга қайтганимизда, тонгнинг дастлабки нурлари океан устидаги уфқни ёритмоқда эди.

## *Унингчи боб*

### СУВ ОСТИ КОНЛАРИ

Эртаси куни, 20 февралда, мен жуда кеч уйғондим. Тунги сайрдан шу қадар чарчаган эканманки, соат ўн биргача ухлабман.

Тезгина кийиниб, салонга чиқдим: «Наутилус»нинг қайси томонга кетаётганини билишга ошиқар эдим.

Асбоблар у соатига йигирма миля тезликда ва юз метр чуқурликда илгаригидай жанубга кетаётганини кўрсатиб турарди.

Салонга Консель кирди. Мен унга тунги саёҳатимизни сўзлаб бердим. Шу пайт деразадаги тўсиқлар сурилди ва унинг ўзи сувга чўккан қитъанинг бир қисмини кўра олди.

«Наутилус» Атлантиданинг «ери»дан бор-йўғи ўн метрлар берида сузиб борарди. У шамол учираётган ҳаво шари сингари тез илгариларди, сирасини айтганда, биз олаётган таассуротларни тезюрар поезд вағони ойнасидан тез-тез алмашиб турадиган манзарани томоша қилиб кетаётган йўловчи ҳолати билан қиёс қилса тўғрироқ бўлар эди.

Кўз олдимиздан ўсимлик олаmidан минерал оламга ўтган афсонавий шаклдаги қоялар, ўрмонлар, буталар, асцидий гилами билан қопланган биноларнинг вайроналари ва тош уюмлари, анемонлар, узун сув ўсимликлари, ниҳоят, ер ости олови фаолиятининг тилсиз гувоҳи бўлган лаваларнинг парчалари липиллаб ўтиб турарди.

«Наутилус» прожекторининг нурлари зулматни ёриб, бу ажойиб манзарани кўз олдимизда намоён этаётганда эндиликда мавжудлиги мен учун сўзсиз бўлиб қолган атлантлар ва Атлантида ҳақида Консельга ҳикоя қилиб борардим.

Бироқ нимадир Консельнинг диққатини жалб этиб, у ҳикоямни паришонхотирлик билан эшитар эди. Зум ўтмай тарихнинг бу улуғвор жумбоғига унинг шу қадар бепарқ қараётганининг сабабини тушундим. Дарҳақиқат, ёнимиздан балиқлар ўтаётган эди. Балиқларни кўрганда эса Консель классификация ҳаёлига ботади ва шу пайт оламини сув босса ҳам тўпиғига чиқмайди. Атлантида ҳақидаги ҳикоямни тўхтатиб, унга қўшилиб балиқлар билан машғул бўлишдан бўлак чорам қолмади.

Сирасини айтганда Атлантик океаннинг балиқлари бошқа океанларда кўрганларимиздан унчалик фарқ қилмас эди. Булар — узунлиги беш метр ва сувдан сакраб чиқа оладиган даражада қудратли улкан скатлар; акулаларнинг турли хиллари, шу жумладан яшил ва кўк тусда товланадиган, узунлиги ўн беш футли, тишлари ўткир уч бурчак шаклида бўлиб, ранги денгиз сувига ўхшагани учун тўлқинларда деярли кўринмайдиган акулалар эди. Бу ерда яна спар балиқлари наслидан бўлган тўқ жигар ранг саргалар, Ўртаер денгизда кўрганимизга ўхшаган осетралар, узун найсимон тумшуғи оч кул ранг ва кўндалангига тўқ кўнғир йўл-йўл қашқали найза балиқлар ҳам бор эди. Бу балиқлар сувда илон сингари тўлғаниб сузади.

Қилтаноқли балиқлар орасида Консель денгиз аждаҳолари ёки денгиз чаёнлари деб аталадиган ва заҳарли ҳисобланган балиқларни ҳам рўйхатга олиб қўйди. Чиндан ҳам аждаҳонинг елкаси ва бошидаги найзаларнинг иккитадан жўяги бор эди; найзалар ўлжа танасига санчилгач, жароҳатланган жойга ўша жўяклар орқали заҳарли шилимшиқ модда қуйилади. Аждаҳолар кул ранг-қизғиш рангда бўлиб, елкалари жигар ранг, қорни эса оқиш. Аждаҳонинг бутун бадани қорамтир ғалати доғлар билан қопланган.

Консель яна кўкимтир товланадиган ажойиб сарғиш олтин макрелларни, гўзал скумбрияларни, доирага ўхшаган ва ҳайратомиз даражала чиройли рангдаги, юқори томони кўк, ёнлари бинафша ранг, қорни пушти ранг, сузғичлари эса қип-қизил ойбалиқларни кўрди.

Бироқ денгиз ҳайвонот оламининг ана шу хилма-хил намуналарини кўздан кечириш, аynи вақтда Атлантида текисликларини томоша қилишимга ҳалақит бермас эди. Баъзан инжиқ денгиз тубининг баланд-пастликлари «Наутилус»ни секинлашга мажбур этар эди. Ушанда у сув ости қайрилишларида чинакам чаққон балиқдай усталик билан сузиб ўтарди.

Айланма тепаликлардан ўтиш қийин бўлганда, кема аэростат сингари сувнинг юқори қатламларига чиқиб, тўсиқдан ошиб ўтиб, яна бир неча метр пастликка тушар ва илгаригидай тез сузаверар эди.

Бу зайлдаги сузишимиз ажойиб сайр бўлиб, кишига ҳаво шарида юргандай туюларди. Аммо ундан фарқи шу эдики, бизнинг «шар» руль бошқарувчининг ҳар бир ҳаракатига итоат қилар эди.

Тушдан кейин соат тўртларда шох-шаббалар аралаш балчиқ билан қопланган денгиз тубининг кўриниши ўзгара бошлади. Энди ер асосан тошлоқ, конгломератлар,<sup>1</sup> вулқон тошлари, қотиб қолган лава қуйилмалари ва олтингургуртли обсидианлар билан қопланган эди. Бу ерда текислик тугаб, тоғлик ер бошланса керак, деб ўйладим. Дарҳақиқат, кўп ўтмай мен уфқ жануб томондан баланд тоғ билан тўсилганини кўрдим. Ундан ўтиб бўлмаса керак, чунки тоғ чўққилари океан сатҳигача кўтарилиб, сувга учи чиқиб турган бўлиши мумкин. Бу ё қитъа, ё Яшил Бурун ёки Канар оролларида бири бўлса ҳам ажаб эмас.

Кейинги кунларда астрономик кузатувлар картага туширилмаётгани учун,— балки атайин шундай қилинаётгандир,— мен қаерда сузиб бораётганимизни кўз олдимга келтиролмас эдим. Бу гранит девор, менимча атлантлар қитъасининг тугаганини кўрсатса керак, аммо биз унинг бир қисминигина кўрдик.

Мен кузатувларимни тунда ҳам тўхтатмадим. Консель ухлаш учун каютасига кетди, мен эса салонда, ёлғиз қол-

---

<sup>1</sup> Конгломерат — ҳар хил минерал бўлаклари ва қумнинг лой, оҳақ воситаси билан бир-бирига маҳкам ёпишувидан ҳосил бўлган тоғ жинси.

дим. «Наутилус» сузишни секиналатиб, ғира-шира кўринаётган массивлар устидан тегай-тегай деб, тўхтаб қолгудай бўлиб, гоҳ океан сатҳига кўтарилиб борар эди.

Шундай дақиқаларда юпқа сув қатлами орқали мен бир неча ёрқин юлдузлар туркумини, жумладан Орионнинг кетидан милтиллаб турган беш-олти юлдузни кўрдим.

Тўсатдан тўсиқлар беркилмаганда дераза олдида яна соатлаб туриб денгиз ва осмон ажойиботларини жон деб томоша қилган бўлардим.

Шу дақиқада «Наутилус» тик юқорига кўтарилган девор олдига келиб қолган эди. У бу тўсиқдан қандай қилиб ўтишига ақлим етмади. Каютамга қайтишга тўғри келди. «Наутилус» қимирламай турар эди. Мен вақтлироқ туришга аҳд қилиб, ухлаб қолдим.

Бироқ эртаси куни мен соат саккизга яқин уйғондим ва шу заҳотиёқ салонга ўтдим. Манометр «Наутилус» океан сатҳида сузаётганини кўрсатиб турар эди. Сирасини айтганда, буни мен палубада у ёқдан-бу ёққа юра бошлаган одамларнинг оёқ товушидан ҳам билиб турган эдим. Аммо океан сатҳида сузганда бўладиган чайқалиш сира сезилмас эди.

Люк томонга ўтдим. У очиқ эди. Бироқ мен кутган ёруғлик ўрнига атрофни ўраган зим-зиё қоронғиликка дуч келдим.

Биз қаердамиз? Наҳотки мен бир кечаю-кундуз ухлаб қолиб, ҳозир тун бўлса?

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, осмонда битта ҳам юлдуз милтилламаяпти ва умуман тун ҳеч қачон бунақанги қоронғи бўлмайди.

Мен гап нимадалигини билмай турганимда тўсатдан қоронғиликда кимдир менга мурожаат қилди:

— Сизмисиз, жаноб профессор?

— Ҳа, капитан Немо! Биз қаердамиз?

— Ер остида, жаноб профессор.

— Ер остида?! — қичқириб юбордим мен. — «Наутилус» сузаяптими?

— У ҳамиша сузаверади.

— Аммо... ҳеч нарсани тушунмаяпман...

— Бир оз сабр қилинг. Ҳозир прожектор ёнади ва ҳаммасини тушуниб оласиз.

Мен прожектор дўнглигига ўтириб сабр қилиб кута бошладим. Шу қадар зим-зиё қоронғи эдики, ҳатто капитан Немони ҳам кўролмадим.

Юқорига қараб худди бошим устида думалоқ туйнукдан тушаётган аллақандай ғалати шуълани кўрдим. Худди шу дақиқада ялт этиб прожектор ёнди ва унинг кўзни камаштирувчи нури бояги ғалати шуълани йўқ қилиб юборди.

Кўзларим ёруғликка кўнцккач, агрофни кузата бошладим.

«Наутилус» аллақандай порт қирғоғига ўхшаш соҳил яқинида қимир этмай турар эди. Сув ости кемаси ҳамма томони тош девор билан ўралган кўл сатҳида эди. Кўл диаметри тахминан икки миляча келарди; бленбарин, унинг айланаси олти миляга бориб қоларди. Кўлда сув сатҳи океандагича эди. Шунга кўра бу кўл албатта океан билан туташган бўлиши керак. Ҳа, айтгандай, буни манометр кўрсаткичи ҳам тасдиқлаб турар эди.

Сув устида осилиб турган баланд деворлар беш юз ёки олти юз метр баландликда улкан гумбаз шаклида туташган эди. Ана шу гумбазнинг энг юқорисида бояги хира шуъла сочиб турган туйнук бўлиб, у ердан қуёш нурларининг акси тушаётган бўлса керак.

Бу улкан ғорнинг ичини синчиқлаб кўздан кечиришдан олдин, ҳатто ўзимга бу ғор табииймикин ёки инсон қўли яратган сунъиймикин деган савол бермай туриб, мен капитан Немодан сўрадим:

— Биз қаерда турибмиз?

— Бирор тектоник<sup>1</sup> силкиниш натижасида денгиз суви кириб, ўчиб қолган вулқоннинг қоқ ўртасидамиз, — деб жавоб берди у. — Сиз ухлаб ётганингизда, жаноб профессор, «Наутилус» океан сатҳидан ўн метр чуқурликда ўтадиган табиий канал орқали денгиздан ажралиб турган ана шу жойга кириб олди. Бу — «Наутилус»ни ёмон кўзлардан асрайдиган ва ҳар қандай кучли шамоллардан ҳимоя қиладиган ишончли ва мустаҳкам гаванлардан биридир. Айтинг-чи, сизнинг қитъа ва ороллариңизда кемага қутурган тўфондан ана шу ғор сингари ишончли бошпана бўла оладиган лоақал бирорта порт борми?!

— Сиз ҳақсиз, — дедим мен, — бу ерда хавф-хатардан тамоман холисиз, капитан Немо. Бу ўчиб қолган вулқон қаърида сизга нима хавф сола оларди? Аммо айтинг-чи,

---

<sup>1</sup> Текто̀ника — ер қобиғининг тузилиши ва унда юз берадиган ўзгаришлар.



гор гумбазида назаримда туйнук кўриндими ёки у чиндан ҳам борми?

— Бор, бу қачонлардир олтингугурт буғи ва олов пуркаб турган собиқ вулқоннинг оғзи. Эндиликда у менинг гаванимни биз нафас олаётган тоза, ҳаётбахш ҳаво билан таъминлаб туриш учун хизмат қилмоқда.

— Бу қанақа вулқон?

— Бу вулқон океаннинг шу қисмидаги жуда кўп оролчалардан бирида кўтарилган. Уткинчи кемалар бунга денгиздан чиқиб турган қоя деб қарашади, биз учун эса бу дунёдаги энг хавфсиз порт. Уни тасодифан топдим ва бу тасодиф менга озмунча хизмат қилаётгани йўқ.

— Бу ерга вулқоннинг оғзидан кириб бўлмайдими?

— Турган еримиздан вулқон оғзига кўтарилиш имконияти бўлмаганидай, ундан кириш ҳам сира мумкин эмас. Тахминан юз футларча девордан кўтарилиш мумкин, аммо ундан у ёғига у ўтмас бурчак ҳосил этиш учун эгила бориб, гумбаз бўлиб туташади, бинобарин, юқорига чиқишнинг сира иложи йўқ.

— Табиат ҳамма ерда ва ҳаммиша сизга ёрдамга келатганини кўриб турибман, капитан. Бу ер ости кўлида хавф-хатардан тамоман холисиз ва ҳеч қанақа чақирилмаган меҳмон сизни безовта қилолмайди. Бироқ сизга нана жойнинг нима кераги бор? Ахир «Наутилус» гаванга муҳтож эмас-ку!

— Гапингиз тўғри, жаноб профессор, аммо у ҳаракат қилиш учун электрга, электр қуввати ҳосил этиш учун батареяларга, бу батареяларни таъминлаш учун натрийга, натрий олиш учун тошкўмирга ва тошкўмир қазиш учун унинг конларига муҳтож. Денгиз жуда қадим геологик даврларда ўсган бутун бошли ўрмонларни ўз бағрига олган; қотиб тошкўмирга айланган бу ўрмонлар мен учун битмас-туганмас ёқилғи омборларидир.

— Демак матросларингиз бу ерда кончиларга айланар экан-да?

— Худди шундай. Бу конлар ҳам Нью-Кестлнинг кўмир шахталари сингари сув остида. Скафандр кийиб, кўлларига чўкич ва бел ушлаган матросларим бу ердан кўмир қазиб чиқаришади. Бу билан ердаги конлардан кўмир қидириш ташвишидан мени халос этадилар. Натрий олиш учун тошкўмирни ёққанимда туйнукдан чиққан тутун бу тоғни ёнар вулқондай қилиб кўрсатади.

— Матросларингиз қандай қилиб кўмир қазиб олишларини кўра оламанми?

— Йўқ, бу галча кўролмайсиз. Мен жаҳон бўйлаб қиладиган сув ости саёҳатни давом эттиришга шошиляпман. Бу ерда сақланаётган тайёр натрий запасларини оламан, холос. Уни кемага ортиб бўлгач,— бунга узоғи билан бир кун керак, — биз яна йўлга тушамиз. Шунинг учун денгиздан ажралиб турган бу гор билан яхшилаб танишмоқчи бўлсангиз, ихтиёримиздаги шу бир кундан фойдаланиб қолинг, жаноб профессор.

Капитанга миннатдорчилик билдирдим-да, ҳали каюталаридан чиқмаган ўртоқларим олдиға кетдим.

Мен уларга қаерда турганимизни билдирмай, орқамдан юришларини айтдим.

Улар палубага чиқишди. Консель одатича ҳеч нарсага таажжубланмай сув остида ухлаб, ер остида уйғонганини табиий бир ҳол деб билди. Нед Лендга келганда шуни айтиш керакки, уни бир нарса: бу гордан очиқ ҳавога чиқадиган бирор йўл йўқмикан, деган савол қизиқтириб қолди.

Нонуштадан сўнг эрталабки соат ўнаарга яқин биз соҳилга тушдик.

— Мана, биз яна ердамиз! — деди Консель.

— Ахир бу қанақасига ер бўлсин! — эътироз билдирди канадалик. — Бунинг устига, биз ерда эмас, ер остида-мизку.

Кўл билан гор деворининг этаги ораси қумлоқ бўлиб, энг кенг жойининг эни беш юз футдан ошмас эди. Ана шу қумлоқ соҳил бўйлаб бутун кўлни осонлик билан айланиб чиқса бўлар эди.

Девор тағларида вулқондан отилиб чиққан парчалар, қоя бўлаклари ва улкан жилвир тошлар тартибсиз уюлиб ётар эди.

Ер ости оловида эриб, сўнг қотиб қолган бу тошларнинг юзаси прожектор нурида минг хил рангда жилоланар эди. Оёғимиз остидан ҳавога кўтарилаётган шаффоф минераллар чанги сон-саноқсиз ялтироқ қуртлар сингари атрофга сочиларди.

Кўлдан узоқлашган сари ер нарвон пиллапояларига ўхшаб кўтарилиб борар, бироқ жуда эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келарди. Чунки тошлар ёпишиб турмаганидан оёқ остида лиқиллаб ётар эди.

Бу улкан горнинг бир вақтлар вулқон эканлиги ҳар қадамда тасдиқланиб борар эди.

Мен бунга ҳамроҳларим диққатини ҳам жалб этдим.

— Бу горнинг ичи қайнаб турган лава билан тўла суюқ олов карнай ичига эритилган темир солиб қўйилгандай тоғ туймугигача кўтарилган пайтини тасаввур қила оласизми?

— Жуда яхши тасаввур қиламан, — деб жавоб берди Консель. — Аммо хўжам айтолмайдиларми, нега эриш жараёни тўхтаб қолиб, эндиликда қизиб ётган вулқон ичига сув тушиб олган?

— Бу ўзгариш, Консель, — дедим мен, — зилзила туфайли рўй бериб, бунинг натижасида тоғ қиялиги ёрилган бўлиши аҳтимолдан холи эмас. «Наутилус» ҳам бу горга ана шу ёриқдан ўтган. Ундан Атлантик океан суви вулқоннинг марказий ўчоғига отилиб кирган. Бу ерда ўт билан сув ўртасида даҳшатли олишув бўлиб, сувнинг ғалабаси билан тугаган. Ушандан буён жуда кўп асрлар ўтган бўлиши керак ва сув кўмиб ташлаган вулқон сокин ер ости кўлига айланган.

— Жуда соз, — деди Нед Ленд, — гапларингизга тамомила қўшиламан, аммо минг афсуски, сиз айтган ўша туйнук, жаноб профессор, денгиз сатҳининг устида эмас, балки остида экан. Шунинг акси бўлганида, бизга қўл келар эди.

— Сиз шуни унутмангки, Нед, — дея эътироз билдирди Консель, — агар бу канал сув остида бўлмаганида, «Наутилус» кирз олмас ва ўшанда унинг бизга ҳеч қандай нафи тегмас эди.

— Унда вулқон ҳам ёниб турган ҳолатида қолишини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, — деб қўшиб қўйдим мен. — Афсусланишингиз беҳуда, Нед Ленд.

Биз ҳамон кўтарилиб борар эдик. Сўқмоқ тобора тиклашиб ва торайиб борарди. Катта йўлимиздан ёриқлар чиқиб қолар ва улардан ҳатлаб ўтишга тўғри келар эди.

Баъзан сўқмоқ устига қулаган қоя йўлимизни тўсиб қўйиб, айланма йўл излашга, ётиб олиб эмаклашга, оёқ-қўлларимиз билан баравар ер тимдалашга мажбур қилар эди. Бироқ Конселнинг чаққонлиги ва Нед Ленднинг кучқуввати туфайли биз бу тўсиқларнинг барчасини бартараф этар эдик.

Тахминан ўттиз метр баландликка кўтарилгач, ер хусусияти ўзгарди, аммо барибир юриш ўнғайлашгани йўқ. Бу ерда трахитлар ва вулқон конгломератлари қора базальт билан алмашди, улардан баъзиларининг усти силлиқ, баъзилари фақат лава пуфакчалари қотиб қолганидан би-

роз гадир-будир, айримлари эса тик кўтарилиб, тўғри призма ҳосил қилган бўлиб, бу ердаги пастак гумбазнинг табиий устунлари вазифасини ўтаб турарди. Бу умуман табиат яратган архитектура санъатининг ажойиб намунаси эди.

Базальт қоялари орасида лава оқимлари иллон изидай қотиб, уларга сланец жинслари ва кристалланмаган олтин-гугуртнинг энли оқмалари тасмадай ёпишган эди. Кратер туйнугидан тушиб турган куннинг тарқоқ ва хира ёғдуси ўчган вулқон қаърига абадий кўмилган ана шу жинсларни гира-шира ёритар эди.

Тахминан етмиш беш метр баландликда бизнинг юқорига кўтарилишимизга ўтиб бўлмас бир тўсиқ халақит бериб қолди; бу ерда девор гор ичкараси гомон жуда кескин қиялашиб кетган эди; биз юқорига кўтарилишдан воз кечиб, пастаккина равоқ бўйлаб кетдик.

Бу ерда ўсимлик олами ўлик табиат олдида тиз чўкиб, таслим бўлмаган эди. Тошлар оралиғидаги чуқурликда бир неча буталар, ҳатто айрим дарахтлар ўсиб, девор тирқиши ва ковакларига илдиз отган эди.

Мен бу ерда заҳарли шарбат чиқарадиган ихрож буталарини; сўлиб, ҳидсизланган, бунинг устига ўзининг «кунгабоқар» деган номига сира мос келмайдиган — чунки қуёш нурлари уларгача сира етиб бормаган, бир неча ҳазоранг гулларни кўрдим, сўлғин хризантема кўринишдан касалга чалинган сабур ёнида ўсэр эди; ниҳоят қотиб қолган лава оқимлари орасида ўзининг жуда нафис ҳидини сақлаб қолган бинафшалар гуллаб ётар эди. Очигини айтганда, мен уларни роҳатланиб ҳидладим.

Биз бораётган сўқмоқнинг баъзи жойларидан бутун кўл кўриниб турар эди. «Наутилус» прожектори ёритиб турган, ойнадай силлиқ кўл сатҳини на тўлқин, на қилт этган шамол тебратар эди.

«Наутилус» тамоман ҳарақатсиз турарди. Унинг палубасида ва қирғоқда матрослар юришарди, уларнинг қора соялари ёғду тушаётган қояларда аниқ кўриниб турар эди.

Биз бутун горни гир айланган қоя зинапояларининг энг юқорисига етган эдик.

Бир неча йиртқич қушлар ҳавода чарх урар ёки чиқиб бўлмайдиган қояларга қўйган инларида ўтиришардилар.

Булар оқ тўшли, йўрғакли қирғий ва бақироқ қирғийлар эди.

Тик қияликда жуда кўркам, семиз тувдолар у ёқдан-бу ёққа юришарди. Канадалик бу мазали қушни кўрганида кўзи очофатларча чақнаганини ва унинг қурол ола келмаганига қанчалик ачинганини тасаввур этиш қийин эмас. У қўргошин ўрнида тош ишлатишга ҳаракат қилди ва кўпгина муваффақиятсизликлардан сўнг йирик бир тувдонни уришга муваффақ бўлди. Жароҳатланган қушни тутиб олгунча канадаликнинг ҳаёти бир неча бор қил устида турди, деса муболаға бўлмайди.

Аммо нима бўлганда ҳам қуш эсон-омон унинг сафар тўрвасидан жой олди.

Қоялардан ўтишнинг сира иложи бўлмай қолгач, соҳилга тушишга тўғри келди. Бизнинг устимизда, анча баландда, пастдан қараганда қудуқнинг катта оғзига ўхшаган туйнукдан ёруғлик тушиб турарди. Биз турган ердан бир парча зангори осмон ва ғарб шамоли қуваётган булут кўзга ташланарди. Унинг парчалари баъзан туйнук устида бир дақиқагина туман тутуни сингари қотиб қолар эди. Бундан ишонч билан булутлар унча баландда эмас, деган хулоса чиқариб олиш мумкин, чунки тоғ чўққиси океан сатҳидан нари борса саккиз юз фут баландликда эди.

Кўлнинг қумлоқ соҳилига қайтгач, мен унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан таниша бошладим. Ўсимлик дунёсининг намунаси сифатида овқатга солинса мазали қиладиган соявонгулларнинг унча катта бўлмаган тури ва укроп анчагина жойни гилам сингари қоплаб ётар эди. Консель ундан бир неча боғ йиғиб олди. Ҳайвонот оламига келганда, унинг намунаси сифатида мишглаб турли хил чиганоклар, қисқичбақалар, омарлар ва барча тур ва ҳажмдаги кўплаб моллюскалар бор эди.

Биз бу ерда парқу каби юмшоқ кум қатлами билан қопланган ажойиб горга дуч келдик. Қояларга тармашаверириб ҳориган мен билан ўртоқларим қум кўрпаси устига роҳатланиб чўзилдик. Ер ости олови гор деворларининг устини силлиқлаб, олмос сингари ярқираб турган шаффоф минерал билан қоплаган эди.

Нед Ленд деворларнинг қалинлигини билиб олиш учун уларни дукиллашиб ура бошлади. Мен унинг беҳуда уришини кўриб, ўзимни кулгидан тиймадим. Гап айланиб, шубҳасиз, яна қочишга келиб тақалди. Мен Нед Лендни ишонтириб қўйиш керак, деган қарорга келиб, капитал Немо балки натрий запасини тўлдириш учунгина жануб то-

монга тушгандир, бинобарин, яна шимолга, Европа ёки Америка соҳиллари томонга қайтишига умид боғлаш учун барча асос бор, дедим унга, ўшанда канадалик қочиб қутулишга яна бир бор уриниб кўриши мумкин.

Биз қарийб бир соат вақтни шу ажойиб ғорда ўтказдик. Жуда қизгин бошланган суҳбатимиз энди деярли сўнаёзганди. Бизни нимагадир мудроқ боса бошлади. Қайтиш учун шошилишга аҳтиёж сезмаганим сабабли, уйқумни қочиришга уриниб ўтирмадим.

Туш кўрибман, ахир биз ўз тушларимизга ҳамиша ҳукимимизни ўтказа олмаймиз-да,— тушимда моллюскалар сингари жуда бошланғич ўсиш жараёнини бошимдан кечираётган эмишман ва икки тавақали чиганогим шу ғорда эмиш.

Конселнинг тўсатдан қичқариши мени уйғотиб юборди.

— Туринг, тезроқ туринг!— қичқирди у.

— Нима бўлди?— деб сўрадим кумга ўтириб олиб.

— Сув!

Сакраб туриб кетдим. Денгиз суви ғоримизга тошиб келаётганди ва биз моллюскалар бўлмаганимиз учун ўзимизни қутқаришимиз зарур эди.

Бир неча минут ичида биз ғорнинг сув чиқолмайдиган деворига кўтарилдик.

— Нима бўляпти?— деб сўради Консель.— Яна табиатнинг бирор янги мўъжизасими?

— Йўқ, дўстим,— деб жавоб бердим мен,— бу оддий сув кўтарилиши, ҳа, сал бўлмаса бизни ифлатда қолдириши мумкин бўлган оддий қуйилиш. Сув қуйилиши пайтида ғордан ташқарида океан сатҳи кўтарилди ва икки бир-бири билан боғланган идишдаги суюқлик барабар бўлишининг қатъий қонунига мувофиқ кўлда ҳам сув сатҳи кўтарилади. Биз енгил-елпи ванна қабул қилиш билан қутулганимизга шуқур қилишимиз керак. Қани, энди «Наутилус»га қайтайлик, уст-бошимизни алмаштириб олишимиз лозим.

Чорак кам бир соатда биз бутун кўлни гир айланиб, «Наутилус»нинг нариги томонидан келдик.

Матрослар натрий ортишни тугатишаётган эдилар ва «Наутилус» шу заҳотиёқ йўлини давом эттириши мумкин эди.

Бироқ капитан Немо жўнаб кетиш ҳақида буйруқ бермай турарди. Сув ости каналдан билдирмай чиқиб кетиш учун тўнни кутаётганмикин? Шундай бўлиши ҳам мумкин.

Эртанги тонг «Наутилус»ни гаванида эмас, қуруқликдан олисда, Атлантик океан сатҳидан бир неча метр настда сузиб кетаётганда учратди.

## Ун биринчи боб

### САРГАССО ДЕНГИЗИ

Бироқ «Наутилус» ҳамон Европадан узоқлашмоқда эди. Яқин орадаги унинг соҳилини кўриш умидидан воз кечиб туришга тўғри келди.

Капитан Немо жануб томон йўл олган эди.

У- кемасини қаёққа олиб кетяпти?

Буписини билолмадим.

Шу куни «Наутилус» Атлантик океаннинг энг қизиқ жойларидан суэди. Катта иссиқ океан оқими — Гольфстрим мавжудлиги ҳаммага аён. У Флорида соҳилларидан Шпицберген томон оқади. Бироқ Мексика қўлтиғига етмай, шимолий кенгликнинг қирқ тўртинчи градусида бу оқим икки тармоққа бўлиниб кетади: булардан кўпроғи Ирландия ва Норвегия соҳиллари ёнидан ўтади, камроғи эса жанубга, Азор ороллари томон бурилади, сўнг Африка қирғоғига бориб, кенг ярим доира ясайди-да, Антиль оролларига қайтади.

Ана шу иккинчи тармоқ — аслида тармоқ эмас, доира деса тўғрироқ бўлади — Атлантик океаннинг Саргассо денгизи номини олган камқатнов ва сокин қисмини илиқ сув оқими билан гир айлантириб тўсиб қўйган.

Шундай қилиб, Саргассо денгизи Атлантик океандаги чинакам кўлга ўхшаб қолган. У шу қадар чўзилиб кетганки, ўз йўлида Гольфстрим суви унинг атрофини уч йилда айланиб чиқади.

Сирасини айтганда, Саргассо денгизи бутун Атлантиданинг денгизга чўккан қисми устида ястаниб ётади. Ҳатто айрим олимлар унинг сатҳида қалқиб юрадиган ўтлар ана шундай йўқолиб кетган қитъанинг кенг далаларида ўсган деган тахминларни ҳам айтишган. Бироқ бу тахмин ҳақиқатга унчалик тўғри келмасди; ўша Гольфстрим бу йўсин ва ўтларни Саргассо денгизига Европа ва Америка қирғоқларидан олиб келган бўлиши эҳтимолга яқинроқдир.

Ана шу вазият бошқалар қаторида Колумбни ҳам Янги Дунё мавжудлиги ҳақидаги фикрга олиб келган. Шижоат-

ли тадқиқотчи Саргассо денгизидан ўтаётганида, йўсин ва ўтлар унинг кемалари йўлини тўсиб, командани роса қўрқитди ва сузиш муддати роса уч ҳафтага кечикди.

Ҳозир «Наутилус» сузаётган денгиз мана шунақа эди. У сув ўтлари гилами билан қопланган чинакам яйловга ўхшаб кетар ва шу қадар қалин ва мустаҳкам эдики, кема уни тумшуги билан зўрға кесиб борарди. Шунинг учун ҳам капитан Немо Саргассо денгизининг бу ўтиб бўлмас тўсиқларида парракни синдириб қўймаслик ёки шикастлантирмаслик учун бир неча ўн метр чуқурликда сузар эди.

«Саргассо денгизи» деган ном испан сўзи «Sargazzo» дан олинган бўлиб, «сув ўтлари», яъни йўсин демакдир. Йўсинлар асосан сузиб юриб, бу гигант ҳавзани ўсимлик билан қоплайди.

Нега энди Атлантик океаннинг ана шу соқин бурчагида бу қадар кўп йўсин йиғилган, деган саволга «Ер юзининг физик географияси» китобининг автори Мори жавоб берди.

«Бу ҳодисанинг қандай содир бўлганига жавоб,— деб изоҳ беради у ўз китобида,— ҳаммага маълум тажрибадан келиб чиқади. Агар сув солинган идишга бир парча пўкак, пайраха ёки бошқа сузадиган жисмлар ташланса ва сув ҳаракатга келтирилса, тез орада сочилиб ётган парчалар идиш марказига, яъни ҳаракат камроқ бўлган ерга йиғилади. Бизни қизиқтираётган масалада Атлантик океани идиш деб фараз этсак, Гольфстрим — бу айланма оқим, Саргассо денгизи эса идиш маркази бўлиб, сузадиган барча жисмлар унга йиғилиб келади».

Мен Морининг фикрига тамоман қўшиламан. Мен бу ҳодисани бошқа олимларнинг оёғи етмаган ерда — сув ости шаронтида ўргандим. Кемамиз узра қўнғир йўсинлар ва ўтлар сузар эди; Анда ва Қояли тоғларида бўрон ағанатган ва океанга Амазонка ёки Миссисипи сувлари орқали оқиб келган дарахт таналари, кема рангоутлари, қуйруқлари, қоплама ёки корпусларининг бўлаклари каби кўпгина ҳалокат қолдиқлари сузар эди, улар ёпишиб олган чиганоқлар қатлаמידан шу қадар оғирлашган эдики, ҳатто внди сув сатҳига сузиб чиқолмас эди.

Вақти келиб Морининг — Саргассо денгизида тўпланган ана шу барча нарсалар узоқ асрлар давомида денгиз суви таъсирида минераллашади ва битмас-туганмас тошқўмир қатламларига айланади, деган фикри ҳам тасдиқланишига сира шубҳам йўқ. Бу — одамлар ер юзи конлари-



даги бугун кўмирни ишлатиб бўлган тақдирда табиат ҳар аҳтимолга қарши гайёрлаб қўйган ёқилғи омборлари эди.

Таотибсиз ҳолда ётган шу ўтлар ва йўсинлар орасида мен устида майда туклардан иборат ҳурпайган тожи силкиниб турган антинийлар ва кўплаб яшил, қизил, кўк медузаларни, шу жумладан ҳаво рангга мойил, соябони би-пафша ранг ҳошияли медузани кўрдим.

22 февралда кун бўйи Саргассо денгизи остида бўлдик. Денгиз ўтлари билан озиқланадиган балиқларга емиш бу ерда жуда сероб эди. Бироқ эртаси куни океан асл ҳолига қайтди.

Кейинги кунлар давомида, 23 февралдан 12 мартгача «Наутилус» суткасига тўрт юз километрдан йўл босиб, сира оғишмай жануб томон юрди. Афтидан, капитан Немо жаҳон бўйлаб сув ости саёҳати режаларини амалга ошираётганга ўхшарди, бинобарин, мен «Наутилус» Гори бурунидан ўтгач, Тинч океanning жанубий қисмига қайтишига ишонардим.

Хуллас, Нед Ленднинг аҳтиёткорлиги тўғри бўлиб чиқди. Оролар камдан-кам учрайдиган бу бепоён сув саҳросида қочиш ҳақида ўйлаш бефойда эди. Бироқ иккинчи томондан капитан Немо рожасининг амалга оширилишига халақит берадиган имкониятимиз ҳам йўқ эди.

Тақдирга тан беришдан бўлак иложимиз қолмаган эди.

Аммо қочишга қулай фурсат келишига умид қолмаган экан, озодликка чиқишнинг яна бир йўлини ишга солиш мумкин. Жаҳон бўйлаб саёҳат поёнига етгач, капитан Немодан унинг сирларини ҳеч қачон фош этмасликка ваъда бериб, эвазига бизни озодликка чиқаришини сўрашга умидвор эдим. Бу бурчимизни шараф билан бажарган бўлар эдик ва унинг сирини биз билан бирга ўлар эди.

Бироқ аввало бу тақлифга капитан Немо нима дейишини аниқламоқ керак эди. Ахир у бошда ўз сирини фош этмаслик учун бизни умр бўйи «Наутилус»нинг бандилари қилиб сақлашини қатъий тарзда айтган эди. Тўрт ой давомида бирор марта ҳам менинг бу масалага қайтмаганимни сукут — аломати ризо қабилида у ўз режаларига қўшилганининг ифодаси деб тушунган бўлиши мумкин.

Ҳозир бу ҳақда гап очса, у шубҳаланиб қолади, бу эса вақти келиб яна қочишга қулай фурсат етганда, уни амалга оширишимизга фақат халақит бериши мумкин.

Мана шундай мулоҳазалар ҳаёлимни тамоман банд этган эди. Бу ҳақдаги ўйларимни Қонселга айтдим. Бу фикр-

лар уни ҳам мейдан кам ташвишга солмади. Умуман олганда, мен тушкунликка осонликча берилмасам-да, аммо жамиятга қайтишимизга умид кун сайин сўнаётганини сезардим ва капитан Немонинг гоаят қатъийлик билан борғиси сари Атлантик океаннинг жанубига қараб кетаётгани эса бу умидсизликни тобора кучайтирмоқда эди.

Кейинги ўн саккиз кунлик сузишимиз давомида бирор ёзда қоладиган воқеа содир бўлгани йўқ. Мен капитан билан камдан-кам учрашардим. У кўп ишлар эди. Кутубхонада кўпинча у очиқ қолдирган китобларга кўзим тушар, буларнинг кўпи табиийёт тарихига доир эди. Денгиз ости сирлари ҳақидаги китобимнинг ҳошиялари унинг турли белгилари билан тўлиб кетган, уларнинг кўпида менинг назарияларим ва жумла тузишларимга эътироз билдирилган эди. Аммо капитан Немо хатоларимни белгилэб қўйиш билангина қаноатланар, мен билан эса, баҳслашмас эди.

Баъзан унинг орган чалаётганини эшитар эдим. У жуда ҳаяжонланиб, маҳорат билан, аммо фақат тунда, ҳамма ёқни зулмат пардаси қоплаб, «Наутилус» океан саҳросида қаттиқ уйкуга кетганда чалар эди.

Шу кунларда биз кўпинча океан сатҳида суздик. Денгиз бўм-бўш эди. Аҳён-аҳёндагина узоқда аллақандай елканли кема Ҳиндистонга ёки Яхши Умид буруни томон шошилиб кетаётганини кўриб қолар эдик.

Бир кунни оптимиздан кит овлайдиган кема қувиб қолди, афтидан, бизни жуда катта кит деб ўйлади, шекилли. Аммо капитан Немо шўрлик денгизчиларнинг бекордан-бекорга вақт ва меҳнат сарфлашларини истамади ва сувга шўнгиб қўя қолди.

Бу воқеа Нед Лендни жуда қизиқтириб қолди. Менимча канадалик бизнинг темир китимизни гарпун санчиб ўлдириб бўлмаслигига астойдил афсусланаётган эди, десам хаго қилмаган бўламан.

Бу ернинг балиқлари шимолнй кенгликларда кўрган балиқларимиздан кам фарқ қилар эди. Баъзан ёнимиздан денгиз итлари — балиқчиларнинг айтишларича, ниҳоят даражада юхоликлари билан фарқ қиладиган катта балиқлар сузиб ўтар эди.

Уйноқи дельфинлар бизни кун бўйи кузатиб боришар эди. Улар бўрилар қишда овга чиққанлари каби беш-олти-тадан бўлиб сузиб боришарди. Дельфинлар юхоликда денгиз итларидан қолишмас эди.

Дельфинлар оиласининг ўн тури бор. Биз учратган нусхалар оддий дельфинлар турига мансуб эди. Уларнинг олд томони ингичкалашиб борган бошлари унча катта бўлмай, башаралари тумшуксимон энсиз эди. Таналарининг узудлиги тахминан икки метрга борарди.

Бу денгизларда тикан патли балиқлар гуруҳига мансуб горбиллар ёки қора сциенлар сингари ажойиб намуналар учради. Баъзи бир авторлар — олимлардан кўра кўпроқ шоирларнинг таъкидлашларича бу балиқлар оҳанг тартиб ашула айта олармиш ва уларнинг тўдалари энг яхши ашулачилар ансамблидан дурустроқ концерт бериши мумкин эмиш. Бу гап ёлгон дейишга журъат этолмайман, бироқ афсуски, йўлда учратган сциенлар бизга серенада куйлаб беришгани йўқ.

Ниҳоят, жуда кўп миқдорда учар балиқларни учратганимизни ҳам айтиб қўяй. Дельфинларнинг ана шу учар балиқларни овлашдан кўра ажойиброқ томоша бўлмаса керак. Дельфинларнинг ҳисоблари жуда аниқ: учиш траекторияси қанчалик узун бўлмасин, барибир учиб кетаётган балиқ чор-ночор дельфинларнинг очиб турган оғзига келиб тушади!

Биз учратган балиқларнинг кўпи тригл турига мансуб эди. Тунда улар учар юлдуз сингари ҳавода эгри чиқиқли ёғду ҳосил этар эдилар.

Саёҳатимиз бошланганидан буён биз ўн уч минг лье ёки эллик минг километр йўл босдик. Ҳозир биз жанубий кенгликнинг 45-градус 37-минутида ва ғарбий узушликнинг 37-градус 53-минутида эдик.

Бу жойларда «Герольд» капитани Дэнгэм ташлаган зонд ўн тўрт минг метрда ҳам денгиз тубига етмаган. Худди шу ернинг ўзида Американинг «Конгресс» кемасидан лейтенант Паркер ҳатто ўн беш минг бир юз қирқ метрда ҳам тубини тополмаган экан.

Капитан Немо ана шу ўлчовларнинг тўғрилигини билиш учун «Наутилус»да охириги чуқурликкача шўнғишга қарор қилди.

Салон деразаларидаги тўсиқлар очилди ва мен асбоблардаги кўрсаткичларни ёзиш ва кузагув олиб бориш учун дераза ёнига ўтирдим.

«Наутилус» бу катта чуқурликка тушиш учун ҳозирлик кўра бошлади. Ўз-ўзидан аёнки, бу чуқурликка резервуарларни тўлатиш йўли билан тушиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳеч қандай қўшимча балласт ҳам бу мақсад-

ни амалга ошириш учун етарли бўлмаслигини айтиб ҳам ўтирмаймиз. Яна бир нарсани унутмаслик керакки, денгиз сатҳига чиқиш учун сув тубида резервуарлардаги барча сувларни сиқиб чиқаришга тўғри келарди, бунга эса кучли ташқи босим туфайли — ҳатто «Наутилус» насосларининг кучи ҳам етмас эди.

Капитан Немо океан тубига қия диагональ бўйлаб тез сузиб тушишга қарор қилган эди. Чуқурлик руллари 45 градус қияликка қўйилиб, винт сўнгги тезликда айланар эди. Унинг парраклари сувни зўр куч билан кесарди. Бу қудратли кучдан бутун кема қалдираб, ўша заҳоти итоткорлик билан пастга учиб кетди.

Капитан Немо менинг ёнимга келди ва биз биргаликда тез ҳаракат қилаётган манометр милини кузатдик. «Наутилус» тез орада балиқлар яшайдиган зонадан ўтиб кетди.

Балиқларнинг айрим турлари океаннинг сатҳига яқин ерида ёки дарёларда яшаса, баъзилари фақат чуқур сув қатламларидагина яшайди. Ана шу катта чуқурликлардагина яшайдиган балиқлар орасида мен гексанхларни — олти жабрали эшкаксимон тишли ҳар хил акулаларни, кўзлари катта-катта телескопларни ва ниҳоят босим бир юз йигирма атмосферага тенг келадиган бир минг икки юз метр чуқурликда яшайдиган грендерларни учратдим.

Мен капитан Немодан, катта чуқурликларда сира балиқ учратганмисиз, деб сўрадим.

— Балиқ? — қайтарди у. — Бу чуқурликларда улар жуда кам бўлади. Хўш, бу ҳақда ҳозирги замон фани қандай фикрда?

— Бу ҳақда қуйидагиларнинггина биламиз: сув сатҳидан унинг пастки қатламларига тушган сари ҳайвонотдан кўра ўсимлик олами тезроқ йўқола боради. Биз биламизки, ҳали тирик мавжудотлар учрайдиган ерларда, биронта ҳам ўсимлик топиб бўлмайди. Бизга маълумки, устрицалар ҳамда бошқа чиғаноқлар сув остида икки минг метр чуқурликда ҳам яшайдилар ва қутб денгизларининг қаҳрамони Мак Клинтон бир кун икки ярим минг метр чуқурликдан тирик денгиз юлдузини қармоққа илинтирди. Ниҳоят, шу нарса ҳам маълумки, «Бульдог» инглиз кемаси экинжи ҳам тўрт минг метр чуқурликда тирик денгиз юлдузини қармоққа илинтирган эди. Биз биладиган нарсаларнинг ҳаммаси ана шулардан иборат. Бироқ сиз капитан Немо, бизнинг фанимиз ҳеч нарсани билмайди, дейишингиз мумкин, албатта, тўғрими?

— Йўқ, жаноб профессор, мен бундай беадабликка бормаيمان. Рухсат берсангиз, яна бир нарсани сўраб олсам, тирик мавжудотлар шундай чуқурликда ҳам яшай олишини қандай изоҳлайсиз?

— Бу — икки нарса билан изоҳланади, — деб жавоб бердим мен. — Биринчидан, сувнинг тузи ва зичлиги турлича бўлган ҳар хил чуқурликларда тик оқимлар денгиз типратиконлари ва юлдузларининг оддий ҳаёт кечириши учун етарли миқдорда ҳаракатланиб туради...

— Тўғри, — деди капитан.

— ...ва иккинчидан, ҳаёт учун энг зарур бўлган сувда эриган кислороднинг миқдори чуқур қатламларда камаймайди, аксинча кўпаяди, бу қатламлардаги юқори босим эса унинг қуюқлашувига имкон беради.

— Тўппа-тўғри, сиз буни ҳам биласизми? — хитоб қилди капитан Немо таажжубланганини яширмай. — Бу нарса сизга маълум бўлганидан ғоят мамнунман, чунки факт аниқ, исботга муҳтож эмас. Мен фақат шуни қўшиб қўймоқчиманки, унча чуқур бўлмаган жойлардан ушлаб олинган балиқларнинг сузгич қовугида кислородга нисбатан азот кўп бўлади, чуқур жойлардан овланган худди ўшанақа балиқларда эса ҳамиша азотга нисбатан кислород кўп. Бу сизнинг тахминингиз тўғрилигини кўрсатади. Келинг, яхшиси кузатувларимизни давом эттира қолайлик.

Мен яна манометрга қарадим. Унинг мили олти минг метр чуқурликни кўрсатиб турар эди. Биз бир соатдан буён сузаётган эдик ва диагональ бўйлаб сирғалиб тушаётган «Наутилус» ҳамон сувга шўнгишни давом эттирар эди. Бу ерда сув баланд тоғ ҳавосидан тиниқлиги билан ажралиб турар эди.

Яна бир соат ўтгач, биз ўн уч минг метр чуқурликка етдик, аммо океан туби ҳали кўринмас эди.

Бироқ биз ўн тўрт минг метр чуқурликка тушгач, мен олисдан сувда ажралиб турган тоғ чўққиларини кўрдим. Сирасини айтганда, бу чўққиларнинг баландлиги Ҳимолай ёки Монблан тоғларичалик, балки улардан ҳам юксакроқ бўлиши мумкин. Биз илгаригидай бу губсиз сувнинг чуқурлигини аниқлай олмадик.

«Наутилус» жуда катта босимга дуч келаётганига қарамай, биз шўнгишни давом эттираётган эдик. Мен сув ости кемаси темир қопламасининг парчинлари қалдираётганини, вертикал куч таъсирида горизонтал босимнинг ошиб бораётганини, деворларнинг дириллашини, салон де-

разалари сув босимидан эгилаётганини ҳис этиб турар эдим. Агар кемамиз яхлит қуймалиги учун мустаҳкам бўлмаганида, бир онда пачоғи чиқиб кетар эди.

Биз сувда, қорайиб турган тоғ қияликлари яқинидан ўтаётганимизда мен унда бир неча чиганоқ ва денгиз юлдузини кўрдим. Бирок кўп ўтмай ҳайвонот оламининг ана шу сўнги намуналари ҳам йўқолиб, «Наутилус» нафас олса бўладиган қатламдан чиқиб кетган ҳаво шари сингари ҳаёт мавжуд бўлган жой чегарасидан ўтди.

Биз энди ўн олти минг метр чуқурликда эдик ва «Наутилус» қопламаси бир минг олти юз атмосфера, бошқача қилиб айтганда, ўз сатҳининг ҳар бир квадрат сантиметрига тушаётган бир минг олти юз килограмм босимга бардош бериб турар эди.

— Таажжуб: сира ҳаёт бўлмаган жойда сузишимизни қаранг!— дея хитоб қилдим мен.— Қаранг, капитан, мана бу улугвор қояларга, тирик мавжудот кўринмайдиган тоғларга, заррача ҳаёт нишонлари ҳақида сўз ҳам юритиб бўлмайдиган океаниннг сўнги нуқтасига қаранг! Афсуски бу ҳақда бизда ноаниқ хотираларгина сақланиб қолади, холос.

— Шу хотираларни аниқ қилиш ҳам мумкин,— деди капитан.

— Бу билан нима демоқчисиз?— сўрадим мен.— Гапингизни тушунмаяпман.

— Лйтмоқчиманки, ана шу манзараниннг фотосуратини олишдан кўра осонроқ нарса йўқ.

Мен капитан Немонинг бу янги таклифидан таажжубланишга ҳам улгурмай, бир матрос салонга фотография аппаратини олиб кирди.

Прожектор ёрқин нурларида ястаниб ётган манзара кўз олдимизда одамни ҳайратга соладиган даражада тиниқ ва аниқ намоён бўлди. Тиниқлик ва сувнинг қилт этмай ҳаракатсиз туриши фотосуратга олиш учун ҳатто табиий, қуёш нурлари тушиб турганидан ҳам яхшироқ шароит яратиб берган эди. Биз аппарат объективини сув ости тоғига қаратиб, ажойиб бир сурат олдик.

Кун ёруғини сира кўрмаган қадимги қоялар ер сатҳининг устки гранит қавати, тоғ жинсларининг уйилишидан ҳосил бўлган чуқур горлар ва ниҳоят сув фонида фламандиялик рассом кўли билан яратилгандай жуда аниқ кўринаётган чўққилар шакли фотосуратда алоҳида ажралиб турарди.

Бироқ сурат қумлоқ ўзанда маҳкам ўрнашиб, прожектор иурларида ярқираб турган ана шу қора, атайлаб йўнилгандай силлиқ, заррача ҳам доғи бўлмаган тамоман бир хилдаги қояларда ҳаёт нишонаси сира йўқлигидан олинган таассуротни акс эттиролмаган эди.

Капитан Немо суратга олиб бўлгач, менга мурожаат қилди:

— Кўтарилишга тўғри келади, жаноб профессор. «Наутилус» корпусини бундай босим остида узоқ вақт сақлаб бўлмайди.

— Фикрингизга қўшиламан, капитан.

— Ўзингизни маҳкам тутинг,— деди у.

Мен капитан Немодан бу билан нима демоқчилигини ва нега мен ўзимни маҳкам тутишим кераклигини сўраб улгурмай, тўсатдан полга ағанаб кетдим.

Капитан Немонинг буйруғи билан «Наутилус» винти тўхтатилиб, чуқурликка олиб тушадиган руллар тик ҳолатга келтирилган эди. «Наутилус» ўша секунднинг ўзидаёқ ҳаво шари сингари визиллаб юқорига кўтарилиб кетди. Кўтарилиш тезлиги чиндан ҳам кишини эсанкирагиб қўярди. У сувни бўғиқ овоз билан кесар эди.

Атрофдаги нарсаларни ажратиб бўлмас эди — тўрт минутда у ўн олти минг метр ерга кўтарилиб, учар балиқ сингари сувдан сакраб чиқиб яна тушди ва ён-веридан сувни кўтариб жуда баландга сачратиб юборди.

## *Ун иккинчи боб*

### КАШАЛОТЛАР ВА КИТЛАР

13 дан 14 мартга ўтар кечаси «Наутилус» яна жануб томон йўл олди. Горн буруни кенлигида ғарбга, Тинч океан томонга бурилиб, шу билан жаҳон бўйлаб саёҳатимизни тугатамиз деб ўйлаган эдим. Бироқ хато қилган эканман: «Наутилус» ҳамон жануб томон сувар эди.

У қайёққа йўл олди экан? Наҳотки қутбга бўлса? Бу бемаънилик.

Мен капитан Немонинг бебошлигини кўриб, Нед Ленд уни бошдаёқ хуш кўрмагани тўғри экан, деган хулосага келдим.

Канадалиқ охириги пайтларда ўзининг қочиш ҳақидаги режаларини менга гапирмайдиган бўлиб қолган эди. У

анча камгап ва ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Бизнесинг узоқ вақт тутқуналикда қолиб кетаётганимиз унга оғирлик қилаётган эди. Қаҳр-ғазабга тўлаётганини сезиб турар эдим. Капитан Немо билан учрашганда, унинг кўзларида қайғу ўти чақнар ва мен ҳар гал табиий қизиққонлик канадаликни бирор фалокатга бошламаса, деб кўрқиб турар эдим.

Шу куни, 14 мартда, Консель билан Нед Ленд каютага кириб келишди.

Мен улардан нимага келганларини сўрадим.

— Фақат битта савол, профессор,— деб жавоб берди менга канадалик.

— Қулоғим сизда, Нед.

— Сизнингча, «Наутилус»да неча киши бор?

— Билмадим, дўстим.

— Назаримда,— дея давом эттирди Нед,— бу кемани бошқариш учун катта экипажга ҳожат бўлмаса керак.

— Тўғри,— деб жавоб бердим мен,— унинг машиналари мукамал, бинобарин командада ўн киши бўлса, кемадаги барча зарур ишларни бемалол бажариши мумкин.

— Шундай экан, капитан Немонинг командаси катта бўлмаса керак,— деди Нед Ленд.

— Бунчалик бўлмаса керак,— дея эътироз билдирдим мен.

— Нега?

Мен Нед Лендга тикилиб қарадим. Унинг мақсадини билиб олиш қийин эмас эди.

— Шунинг учунки,— дедим мен унга,— борди-ю, капитан Немо ҳақида ўйлаётганларим тўғри бўлса, унда «Наутилус» оддий кема эмасу, айтилиши вақтда капитан сингари ер билан ҳар қандай алоқасини узганлар учун бошпзна ҳамдир.

— Эҳтимол,— деб жавоб берди ҳозиргача жим турган Консель,— хўжам ҳақдирлар. Бироқ шундай бўлишига қарамай, «Наутилус» жуда чекланган миқдордагина одам сиғдира олади. Хўжам ундаги команда состави кўпи билан неча кишидан иборат бўлиши мумкинлигини айтолмайдиларми?

— Мен буни қаёқдан билай, Консель.

— Оддий ҳисоб-китоб воситасида. Хўжамга кема ҳажми маълум, бинобарин, унга қанча ҳаво сиғиши ҳам. Иккинчи ёқдан — одамнинг нафас олиши учун қанча ҳаво зарурлигини ҳам билган ҳолда, «Наутилус»нинг ҳар йигирма



тўрт соатда ҳаво запасини янгилаб туришини наварда тутганда...

Мен Конселнинг гапни қаёққа бураётганини тушуниб, унинг узундан-узоқ нутқини бўлиб қўйдим.

— Тушунарли, тушунарли,— дедим мен.— Бу ҳисоб-ки-тобни қилиш қийин эмасу, аммо унинг натижаси гоят ноаниқ бўлади.

— Ноаниқ бўлса ҳам майли,— гапида туриб олди Нед Ленд.

— Мана бўлмаса ўша ҳисоб. Одам бир соатда нафас олиш учун юз литр ҳаво таркибидаги кислородни сарф этади ёки бир кеча-кундузда унга нафас олиш учун икки минг тўрт юз литр ҳаво зарур. Бинобарин, номаълум сонни топиш учун «Наутилус» ҳажмини икки минг тўрт юзга бўлиш керак, вассалом...

— Жуда тўғри,— деди Консель.

— «Наутилус»нинг ҳажми бир минг беш юз тонна,— деб давом эттирдим мен,— ҳар бир тоннада эса минг литр бўлишини ҳисобга олганда, кеманинг умумий ҳажми бир ярим миллион литр, буни икки минг тўрт юзга бўлганда кема ҳажми...— мен тезгина қорозга ёзиб ҳисобладим,— айни ҳолда олти юз йигирма бешга тенгдир. Бошқача қилиб айтганда, «Наутилус»даги ҳаво йигирма тўрт соат давомида роппа-роса олти юз йигирма беш кишига етар экан.

— Олти юз йигирма беш киши?— хитоб қилди Нед Ленд.

— Аммо мен сизларга кафил бўла оламанки, бизнинг ҳаммамизни — матрослар, йўловчилар ва командирларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам ўшанча одамнинг ўндан биричалик бўлолмаймиз.

— Шунча бўлган тақдирда ҳам уч киши учун жуда кўп,— дея шивирлади Консель.

— Шунинг учун, менинг шўрлик Недим, сизга сабр қилишнинг маслаҳат бера оламан.

— Фақат сабр қилишгина эмас,— деб қўшиб қўйди Консель,— балки кўникиш ҳам керак.

Консель тониб гапирди.

— Ахир нима бўлганда ҳам,— дея сўзини давом эттирди у,— капитан Немо фақат жанубга қараб кетавермаса керак. Бирон ерда, чунончи, жилла бўлмаса, музликларда тўхтайти-ку, ахир! Вақт-соати келиб у маданийлашган мамлакатлар яқинидаги денгиз соҳилларига қайтишга

мажбур бўлади. Ана ўшанда яна қочиш ҳақида ўйлашга фурсат келади.

Канадалик бош чайқаб, пешонасини қашлади-да, индамай каютадан чиқиб кетди.

— Хўжам рухсат берсалар бир нарсани таъкидламоқчи эдим,— деди Консель.— Шўрлик Нед ҳамиша амалга ошириб бўлмайдиган нарсаларни ўйлаб юради. У тинмай ўтган бахтиёр кунларини хотирлайди. Бизнинг назаримизда эришиб бўлмайдиган барча нарсалар унга жўнгина кўринади. Хотиралар уни эзиб қўйиб, куни билан маънос юради. Унинг аҳволини тушуниш керак. Бу ерда у нима билан шуғулланади? Ҳеч нарса билан! У хўжам сингари олим эмас; сув ости дунёси унга бизчалик қувонч бахш этолмайди. Нед Ленд кечалари ўз ватанидаги бирон кичик майхонага кириб чиқиш имкониятига эга бўлиш учун ҳар қандай хавф-хатарга тик боришга тайёр.

Консель ҳақ эди. Жўшқин эркин ҳаётга ўрганиб қолган канадалик учун «Наутилус»даги бир хилдаги ҳаёт жуда оғир кечаётгани гоят табиийдир. Уни қизиқтирадиган воқеалар ҳам жуда камдан-кам бўлаётган эди.

Аммо худди шу куни шундай воқеа рўй бердики, бу унга эркинликда юрган бахтиёр дамларни эслатган бўлса ҳам ажаб эмас.

Соат ўч бирларга яқин океан сатҳида сузиб бораётган «Наутилус» китлар тўдасига дуч келди. Бу учрашув мени таажжублантиргани йўқ; одамлар эринмай ва астойдил овлашга жазм қилиб юрадиган бу сутамизувчилар кит овловчилар кам учрайдиган юқори кенгликларга бошпана қидириб келишини билар эдим.

Китлар денгиз ишида ҳамиша муҳим роль ўйнаб келганлар ва географик кашфиётларни очишда ҳам уларнинг таъсири гоят сезиларли бўлган. Китлар барча даврлар ва халқлар овчиларининг эътиборини — бошда баскларнинг, сўнгра ассирияликлар, инглизлар ва голландияликларнинг эътиборини жалб этган. Океандаги хавф-хатарларга қарши курашавериб бу овчилар ҳеч нарсадан қўрқмайдиган бўлиб қолган, бинобарин, улар океаннинг у бошидан бу бошига сузиб юраверар эдилар.

Китлар шимолий ҳамда жанубий қутб денгизларига келишни жуда хуш кўрарди. Қадимий ривоятларга кўра, бир гал овчилар шу қадар ичкарига кириб борибдиларки, қутбгача нари борса етти лье қолибди. Бу ривоят гарчанд тўқилган бўлса-да, аммо вақти келиб у ҳақиқатга айланади

ва ернинг ана шу номаълум нуқтасига худди ўша кит овига ишқибоз кишилар бориб қолиши эҳтимолга жуда яқиндир.

Биз палубада турар эдик. Денгиз жуда сокин: бу кенгликларда март ойида об-ҳаво ҳамиша яхши бўлади.

Канадалик олисдаги китни биринчи бўлиб кўрди.

Мен ҳам кўрсатилган томонга диққат билан назар ташлаб, «Наутилус»дан беш миляча нарида гоҳ юқорига кўтарилиб, гоҳ сувга шўнғиётган аллақандай қора нуқтани кўрдим.

— Эҳх,— дея қичқирди Нед Ленд.— Агар ҳозир кит овловчи кемада бўлганимда, бу учрашув менга қанчалик қувонч бахш этган бўлар эди! Жуда катта экан. Буғ ва сув томчилари фавворасини қанчалик баландга оғаётганини кўринг. Бу жомашовга михлаб қўйилганимни қаранг!

— Назаримда, Нед, сиз ҳали ҳам ўзингизни гарпунчи деб ҳис қиляпсиз шекилли,— дедим мен.

— Кит овловчи киши ўз касбини унутармиди? Бу оқ келтирадиган роҳатга тўйиб бўлармиди?

— Сиз бу денгизларда ҳеч ов қилмаганмисиз, Нед?

— Сира, жаноб профессор. Мен доим шимолий денгизларда ишлаганман. Беринг бўғозигача борганман, Дэвис бўғозига етганман...

— Демак, сиз бу китларни билмайсиз. Сирасини айтганда, сиз уларни билишингиз ҳам қийин, чунки жануб китлари шимолга экваторнинг иссиқ сувларидан ўтишга журъат этишолмайди.

— Қўйсангиз-чи, жаноб профессор? Нималарни тўқияпсиз!— норозилик билан эътироз билдирди канадалик.

— Мен ҳеч нарсани тўқиётганим йўқ, бор гапни айт-япман.

— Шунчалик бўлмаса керак! Шахсан менинг ўзим олтиш бешинчи йилда, яъни нари борса бундан икки ярим йил олдин Гренландия соҳилларида бир китни урган эдим, унда ҳали Беринг бўғози кит овловчи кема тамгаси босилган гарпун ҳам турган экан! Хўш, қани, айтингчи, Америкадан ғарбда яраланган махлуқ агар тахминан Горн буруни ёки Яхши Умид буруни орқали келмаса, яъни экваторни кесиб ўтмаганда, қандай қилиб шарқда биқинни гарпунга тутар эди?

— Мен дўстим Неднинг гапларига тамомила қўшиламан ва сабрсизлик билан хўжамдан жавоб кутаман,— деди Консель.

— Хўжангизнинг жавоби шуки, дўстларим, китларнинг ҳар хил турлари турлича денгизларда яшайди ва бошқасига сира ўтмайди. Агар китлардан бири Беринг бўғозидан Дэвис бўғозига ўтар экан, демак бу денгизлар орасидан ё Америка ёки Осиё соҳилида ўтадиган йўл бўлиши керак.

— Мени шунга ишонади деб ўйлайсизми?— кўзини қисиб сўради канадалик.

— Хўжамга ишонмоқ керак,— деб жавоб берди Консель.

— Демак, бу сувларда сира ов қилмаганим учун бу ердаги китларни билмайди демоқчисиз-да?— дея сўзини давом эттирди гарпунчи.

— Худди шундай.

— Нима қипти, Нед, демак, сизнинг улар билан танишингизга кўпроқ асос бор,— деди Консель.

— Қаранг-қарапг!— дея қичқирди канадалик.— Кит яқинлашяпти. У тўғри бизга қараб келяпти. У қўлимдан ҳеч нарса келмаслигини билиб, мени калака қилапти!

Нед депсиниб қўйди. Кит оловчининг бармоқлари хаёлида гарпунни сиқаётгандай мушт бўлиб тугилди.

— Бу китларнинг катталиги ҳам,— дея сўзини давом эттирди у,— шимолдагилардай келадими?

— Деярли ўшанча, Нед.

— Буни сўраганимнинг сабаби шуки, жаноб профессор, узунлиги юз футга етадиган катта китларни ҳам кўрмаган. Кекса кит оловчилар Алеут ороллари атрофида яшайдиган китларнинг узунлиги юз эллик футга етишини ҳикоя қилиб беришган.

— Менимча ошириб юборишган, Нед,— дея эътироз билдирдим мен.— Ҳаётда бунақа китлар бўлмайди, кашалотлар аса китлардан ҳам кичик.

— Уҳу,— дея қичқирди канадалик океандан кўз узмай,— кит ҳамон яқинлашиб келяпти! Кўп ўтмай у «Наутилус» ёнидан ўтиб кетади!

Айни чоқда суҳбатимизни давом эттириб, менга муржаат қилди:

— Сиз кашалотларни аллақандай майда балиқлардай қилиб кўрсатиб гапиряпсиз. Ваҳолонки жуда катта кашалотлар ҳам бор. Биласизми, улар жуда ақлли махлуқ. Менга ҳикоя қилиб беришларича, улардан айримлари йўсинларга ўралиб, сув сатҳига чиқар эканлар. Одамлар уларни

орол деб фараз қилишаркан. Уларнинг ёнида кемани тўхтатиб, ўтириб олишар ва ўт ёқишар экан...

— Уй солишаркан,— дея канадаликнинг сўхангида қўшиб қўйди Консель.

— Ҳа, ҳа!— унинг сўзини тасдиқлади Нед Ленд.— Сўнгра ажойиб кунлардан бирида кашалот сувга шўнғиб, устида турганларни океан қаърига олиб кетар экан.

— Денгизчи Синдбод саргузаштларининг худди ўзи-я,— дея кулдим мен.— Аммо, мистер Ленд, мен сизнинг бунақа ёлғон-яшиқ тўқишга уста эканлигингизни билмаган эканман! Бунақа кашалотларнинг бўлишига ўзингиз ишонмасангиз керак, деб ўйлайман?

— Жаноб олим,— дея жиддий жавоб берди канадалик,— китлардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Ана уни қаранг, қанчалик тез сузиб кетяпти-я! Сувга шўнғишни кўринг! Бу махлуқлар ер юзини ўн беш кунда айланиб чиқа олади, дейишади!

— Бунга шубҳам йўқ.

— Гаров ўйнайман, жаноб профессор, дунё пайдо бўлганда китлар ҳозиргидан ҳам тезроқ сузганларини сиз билмайсиз.

— Ростданми, Нед? Ҳақиқатан ҳам мен буни билмас эканман. Нега бундай бўлган?

— Чунки авваллари уларнинг думи балиқникидай тик бўлган, бинобарин улар сувни чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга уриб сузишган. Бироқ кейинчалик, худо қараса, китлар жуда тез сузаётгандай бўлиб туюлибди ва уларнинг думини буриб қўйибди: ўшандан буён ҳамма китларнинг думлари ётиқ бўлиб қолган ва сувни юқоридан пастга ҳамда пастдан юқорига қараб уради, бу эса, шубҳасиз, тезликни сусайтирган.

— Хўш, мен шу гапларга ишонишим керакми? — Неднинг овозига тақлид қилиб сўрадим.

— Шарт эмас,— деб жавоб берди,— аммо буниси ҳам ҳолва, узулиги уч юз фут ва вази беш юз минг килограмм келадиган китларни кўрганман десам нима дейсиз?

— Бу эса ҳаддан ошганингиз бўлади,— деб жавоб бердим мен.— Аммо баъзи бир китсимонлар чиндан ҳам жуда катта бўладилар. Айтишларича, шуларнинг айримларидан бир юз йигирма-бир юз ўттиз тонна ёғ эритиб олар эканлар.

— Буни ўз кўзим билан кўрганман,— деди канадалик.

— Сизга, Нед, айрим китларнинг катталиги ювта Филни қўшиб олганчалик келади, деса ишонганчалик ба- жонудил ишонаман. Шундай жуда улкан бир нарса, го- ят тез ҳаракат қилиб учиб бораётганда нима бўлишини бир кўз олдингизга келтиринг-а!

— Кит кемани чўктира олади, деганлари ростми? — сўради Консель.

— Мен бунга ишонмайман,— деб жавоб бердим.— Аммо ана шу энг жанубий кенгликларда 1820 йил кит «Эссекс»га ҳужум қилиб, уни секундига тўрт метр тез- ликда орқага сурган деб ҳикоя қилишади. Тўлқинлар кемани қуйруқ томонидан сувга тўлатган ва у ўша заҳо- тиёқ чўкиб кетган.

Нед менга қараб айёрона кулиб қўйди.

— Бир гал,— деди у,— бундай бўлди: кит мени думи билан уриб юборди, албатта шахсан ўзимни эмас, қайи- гимни. Мен билан бирга ўртоқларим осмонга қараб ол- ти метрча учиб кетдик. Аммо ҳозиргина жаноб профес- сор ҳикоя қилиб берган кит олдида бу — болачаси, эми- викли чақалоқ эди!

— Бу махлуқлар узоқ умр кўришадими? — сўради Консель.

— Минг йиллаб,— деб иккиланмай жавоб берди ка- надалик.

— Сиз бунга қаяқдан биласиз, Нед?

— Шундай дейишади.

— Нега шундай дейишади?

— Чунки бу нарса ҳар бир кишига маълум.

— Йўқ, Нед, бу нарса ҳеч кимга маълум эмас. Бу фақат тахмин. Бу тахмин қуйидаги мулоҳазага асослан- ган. Бундан тўрт юз йилча муқаддам китларни биринчи марта ов қила бошлаганларида, улар ҳозиргиларидан анча катта бўлган. Шунинг учун ҳозирги китларнинг кич- киналигини қали улар ўзларининг тараққиёт босқичла- рини тўла ўтмаганларидан деб фараз қилинса табиий бўлади. Бюфонни китлар минг йилдан яшайди де- йишга ундаган нарса ҳам худди шунинг ўзи. Тушу- нарлими?

Бироқ Нед Ленд менга қулоқ ҳам солмас, гапларим- ни ҳам эшитмас эди. Кит яқинлашар ва канадалик уни кўзлари билан еб қўйгудек эди.

— Уҳ-ҳў,— дея қичқирди у тўсатдан,— бу битта кит эмас! Улар ўнта... йигирмата... бутун бир гала! Биз эса

ҳеч нарса қилолмаймиз? Шунақа вақтда қўл-оёқ боғлиқ-лигини қаранг-а!..

— Аммо, дўстим Нед, нега энди сиз капитан Немодан уларни овлашга рухсат сўрамаяпсиз? — сўради Консель.

Консель оғзидаги гапни айтиб улгурмай, Нед Ленд капитанни қидириб пастга отилиб тушиб кетди.

Бир неча минутдан кейин улар палубага бирга чиқишди.

Капитан Немо «Наутилус»дан тахминан бир миля нарида сув сатҳида лапанглаётган китлар галасини кўздан кечира бошлади.

— Бу жануб китлари, — деди у. — Бу гала бутун бошли бир кит овловчи флотни бойитишга етар эди.

— Капитан, лоақал гарпунчилик касбимни эсимдам чиқармаслигим учун ҳам уларни овлашимга рухсат берсангиз?

— Жониворларни бекордан-бекорга ўлдиришнинг нима кераги бор? — эътироз билдирди капитан. — Бизга ворваннинг<sup>1</sup> мутлақо кераги йўқ.

— Аммо, капитан, Қизил денгизда сиз менга дюгонни овлашимга рухсат берган эдингиз, — дея, яна туриб олди канадалик.

— Дюгоннинг гўштини ғамлаб олдик. Энди эса сиз фақат қатл этиш учун қотил бўлишга рухсат сўраяпсиз. Мен ваҳшийлик билан вақтни хуш ўтказишга йўл қўёлмайман. Беозор ва юввош жануб китини ўлдириш билан, мистер Нед, сиз ва сизнинг маслакдошларингиз ёвуз иш қилган бўласизлар... Улар шу алфозда Баффин қўлтигидаги бутун тирик мавжудотларни қириб ташладилар, энди эса мана бу фойдали ҳайвонларин битта ҳам қўймай қирмоқчилар. Бу шўрлик китларни ўз ҳолига қўйсангиз-чи. Шусиз ҳам уларнинг табиий душманлари — кашалотлар ва пайзабардорлар етарли.

Кутилмаган бу папд-насихатлар давомида канадаликнинг қиёфаси қандай бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас. Касби кит овлаш бўлган кишига бунақа сабоқ бериш — беҳудага жавраш билан баробар.

Нед Ленд капитан Немога тикилиб қолган, афтидан, у нима ҳақда гапирётганини мутлақо тушунмас эди.

Бироқ капитан ҳақ эди. Кит овловчиларнинг телба-

<sup>1</sup> Ворвань — денгиз ҳайвонларининг эритилган мойи.

ларча ваҳшийлиги яқин орада океанда сўнги китларнинг ҳам қирлиб кетишига олиб келади.

Нед Ленд ҳуштак чалиб, тишлари орасидан «Янки дудль»<sup>1</sup> куйини таратди ва бизга орқасини ўгириб олди.

Шу орада капитан Немо, китлар галасини кузата туриб, менга деди:

— Мен ҳозиргина китларнинг одамдан бошқа табиий душманлари ҳам кўп бўлади, деб айтганим ҳақ гап. Мана шу талага ҳозир кучли душман билан тўқнашишга тўғри келади. Жаноб профессор, ҳув, олисда, шамол эсаётган томонда биздан саккиз миляча нарида ҳаракат қилаётган қора нуқталарни кўряпсизми?

— Кўряпман, капитан, — жавоб бердим мен.

— Бу — кашалотлар, жуда даҳшатли махлуқлар... Мен уларнинг бутун бошли тўдалари — икки юз, уч юз-тасига дуч келганман! Мана бу шафқатсиз ва зарарли махлуқларни ҳақиқатан қириб ташласа арзийди.

Бу сўзлардан кейин канадалик кескин бурилди.

— Ундай бўлса, капитан, — дедим мен, — китларнинг манфаати учун мистер Лендга рухсат берса бўлар...

— Ўзини хавф-хатар остида қолдиришга зарурат йўқ, — дея сўзимни бўлди капитан. — «Наутилус»нинг ўзи кашалотларни тумтарақай қилиб юборади. Унинг пўлат тишлари бор, у мистер Ленднинг гарпунидан қолишмайди.

Канадалик рўйирост елкасини қисди. Унинг туриши яққол: «Кашалотларни кема тумшуғи билан қириб ташлашнинг ҳеч эшитганмисиз?!» деган маънони англашиб турар эди.

— Шошмай туринг, жаноб профессор, — деди капитан, — мен ҳали умрингизда кўрмаган овни кўрсатаман. Оғзию тишлари бўлган бу йиртқичларга зигирча ҳам шафқат қилиш керак эмас!

«Оғзию тишлари бўлган» — баъзан узунлиги йигирма беш метрга борадиган бу катта бош кашалотга бундан ҳам яхши таъриф топиш қийин. Бу китсимон махлуқнинг улкан боши танасининг учдан бир қисмидан ҳам кўпрогини ташкил этар эди. Кашалот оғзининг «Кит мўйлови» шох пластинкалари бўлган кит оғзидан фарқи шуки, кашалотникида ҳар бири икки фунтдан келадиган ўттиз

<sup>1</sup> «Янки дудль» — Англия ҳукмронлигидан озод бўлиш давридаги Шимолий Американинг ватанпарварлик қўшиғи.



тўққиз-эллик иккита ўткир тиши бор. Кашалот бош суягининг орқа томонида ўзаро боғлиқ икки хона бўлиб, ҳар бири уч юз-тўрт юз килограммдан жуда қиммат-баҳо ҳисобланадиган ёғсимон суюқлик — спермацета билан тўла.

— Ҳеч шубҳа йўқки, кашалот дунёдаги энг бесўнақай ва бадбашара махлуқдир. Унинг боши ниҳоят даражада нотекислиги билан кишини ҳайратга солади. Чунончи иккита бурун палласи ўрнига битта, чап кўзи эса ўнг кўзидан анча кичик, бу — илгари замонларда овчиларнинг унга ҳамиша чап томондан ҳужум қилишига сабаб бўлган.

Шу орада йиртқичлар галаси яқинлашар эди. Кашалотлар аллақачон китларни кўришган ва уларга ҳужум қилишга шайланишар эди.

Бу тенгсиз жангда китлар енгилишини олдиндан айтиш мумкин, бунинг сабаби эса кашалотлар фақат китлардан кучли бўлгани ва яхши қуролланганидагина эмас, балки нафас олиш учун юзага чиқмай, сув остида китларга нисбатан узоқроқ тура олишида ҳамдир.

Китларга ёрдамга бориш вақти келди. «Наутилус» сувга шўнғиди. Консель, Нед Ленд ва мен салон деразаси ёнига ўтириб олдик.

Капитан Немо кема янги — қириб ташлаш қуроли вазифасини ўтаётганда, уни шахсан ўзи бошқариш мақсадида штурвал ҳужрасига борди.

Винтнинг айланиши тезлашди ва «Наутилус» бор кучи билан илгарилади.

«Наутилус» егиб келганда кашалотлар билан китлар ўртасидаги жанг бошланган эди. Капитан Немо ўз кемасини кашалотлар галасини иккига бўлишни мўлжаллаб йўналтирди.

Бошда кашалотлар янги душман пайдо бўлганига ортиқча парво қилмадилар, аммо тезда улар ўз хатоларини тушундилар.

Кўз ўнгимизда чинакам жанг бошланди! Ҳатто Нед Ленд ҳам донг қотиб қолиб, пировардида қаттиқ чапак чалиб юборди.

«Наутилус» улкан гарпунга, ўз капитани кўлида итоаткор қуролга айланди. «Наутилус» гўштдор кашалотлар томон учиб бориб, уларни тилиб юборар ва бадбашара махлуқнинг тирқираб қон оқаётган иккига бўлинган гавдасини ортда қолдириб кетар эди. «Наутилус» ўз

қопламасига думларнинг даҳшатли зарб билан келиб уридаётганини, қутурган кашалотларнинг куч билан итараётганини сезмас эди. У битта йиртқични қулатгач, ўзини иккинчисига отарди, вақтни бекор кеткизмаслик ва мўлжалдаги ўлжани қўлдан чиқармаслик учун ўқи атрофида айланиб олға интиларди, орқага қайтарди, борди-ю, кашалот ундан қочиб сув остига тушса, шўнғирди, қайтиб чиқса, юзага чиқиб олиб, ёнидан, олдидан, орқа томондан ҳужум қиларди ва ҳар қандай тезликда ҳам қайси ёқдан урмасин — кашалотни бўлиб ташлар ва бурдалар эди.

Қандай даҳшатли қушхона! Сув сатҳида қий-чув! Қўрқиб кетган кашалотларнинг қаттиқ чинқириб нафас олиши! Улкан думлар ҳаракатидан ҳатто сувнинг ҳамшиша сокин пастки қатламлари ҳам жунбишга келди...

Бу қирғин бир соатдан ошиқроқ давом этиб, биронга кашалот ҳам омон қолмади. Кашалотлар бир неча бор ўнга-ўн иккитадан бўлиб тўдалашиб ҳужумга ўтишар, бирлашган зарба билан «Наутилус»ни ағдармоқчи бўлардилар. Салон деразаларидан даҳшатли тишларини яланғочлаб, оғизларини катта очганлари, ғазаб билан ёнган кўзлари кўриниб турар эди.

Нед Ленд ўзини тутолмай, уларни лаънатлар, муштумини кўрсатиб дағдага қилар эди.

Кашалотлар ўрмондаги ҳайвонни қувиб чарчатгач, хиппа бўйнига ёпишадиган итлар каби сув ости кемаси бортига тишлари билан ёпишиб олган эди.

Бироқ «Наутилус» на бирон оғирлик, на душманларининг зўр бериб уринишларини сезарди. У навбатдаги ўлжасини қувишни бир секундга ҳам тўхтатмай, кашалотларни ё орқасидан денгиз қаърига олиб тушар ёки сув сатҳига судраб чиқарар эди.

Ниҳоят кашалотлар галаси сийраклашди. Тўлқин тинди. «Наутилус» сув сатҳига кўтарилди. Люк очилди ва биз шошилиб палубага чиқдик.

Денгиз бурдалаб ташланган нимталар билан тўлган эди. Бордию, сувда кашалотлар орасида жуда катта вайрон этувчи кучга эга бўлган снаряд портлаган тақдирда ҳам, у бу катта гўшт бўлақларини бундан ортиқ ёриб, бурдалаб, парча-парча қилиб ташлай олмас эди. Бир неча милягача бутун атрофда сув қизил рангга бўялган ва «Наутилус» гўё қон океанида сузаётгандей эди.

Капитан Немо бизнинг ёнимизга келди.

— Хўш, мистер Ленд, бу ёғига нима дейсиз? — канадаликка мурожаат қилди у.

— Ҳеч нарса деёлмайман, капитан, — деб жавоб берди бу орада завқ-шавқи сўниб қолган канадалик. — Сиз бизга жуда даҳшатли томоша кўрсатдингиз, бу шубҳасиз. Аммо мен қассоб эмас, овчиман, сиз бўлсангиз бизга қушхонани кўрсатдингиз...

— Бу ёвуз ва йиртқич ҳайвонларга келтирилган қиргин эди, — дея эътироз билдирди капитан Немо, — «Наутилус» ҳам қассоб болтаси эмас.

— Бари бир менга ўзимнинг гарпуним яхши, — деди канадалик.

— Ҳар кимнинг ўз қуроли бўлади, — деб жавоб берди капитан, Нед Лендга тикилиб туриб.

Мен, Нед капитанга қўпол гапириб қўймасин деб қўрқиб турардим — бунинг оқибати бизнинг ҳаммамиз учун яхши бўлмас эди. Бироқ ҳартугул, шу дақиқада канадаликнинг диққатини «Наутилус» олдига сувиб бораётган кит ўзига тортиб қолди.

Бу жонивор кашалотлар ҳужумидан қочиб қутулишга улгуролмай қолган. Унинг жанубий китлигини кўриб турибман, қоп-қора, боши янчилган. Анатомик жиҳатдан оддий китлардан фарқи шуки, уларнинг еттита бўйин умуртқаси бўлади ва шимолдаги уруғларига нисбатан қовурғаси иккита ортиқроқ.

Шўрлик кит ёнбошлаб ётар эди. Қорнининг анчагина жойларини кашалотлар жароҳатлаганди: У ўлик эди. Қиймаланган сузгичи остида тирик сақлаб қолаолмаган боласи ётарди. Ўлган ургочи китнинг очиқ қолган оғзидан кит мўйлови пластинкалари орасидан ирмоқдан оқаётгандай шилдираб сув тушар эди.

Капитан Немо «Наутилус»ни нимта ёнида тўхтатишни буюрди. Икки матрос махлуқнинг биқинига чиқиб олишди ва мен уларнинг сут берадиган безларидан сут соғиб олаётганларини кўриб ҳайрон қолдим. Шундай қилиб улар уч бочкани тўлатиб олишди.

Капитан менга ҳали совумаган ана шу сутдан бир косача ичишни таклиф этди. Мен бу таклифни эшитишим биланоқ юзимни буриштириб, ижирғанаётганимни яширолмадим. Аммо у кит сути жуда мазали ва сигирникидан сира ажратиб бўлмайди деб ишонтира бошлади.

Тотиб кўрдим. Бу сут чиндан ҳам жуда ажойиб экан.

Бу уч бочка сут биз учун гоят бебаҳо топилма бўлди,

чунки ундан олинган мой ва пишлоқ дастурхонимиздаги сзиқамиз хилини кўпайтирди.

Шу кундан бошлаб Нед Ленднинг капитан Немога борган сари ёв қараш қилаётганини кўриб хафа бўлдим ва кит овловчи бирор бемаънигарчиликка йўл қўймасин деб, уни кузатиб юришга жазм этдим.

### *Ун учинчи боб*

## МУЗЛИКЛАРДА

«Наутилус» оғишмай жануб томонга йўлини давом эттирмоқда эди. У эллигинчи меридиан бўйлаб катта тезлик билан сузиб борарди. Наҳотки у қутбгача бормоқчи бўлса? Мен бунга ишонмас эдим, чунки жанубий қутб мамлакатларида март шимолий мамлакатлардаги сентябрга, яъни кузнинг бошларига тўғри келади.

14 мартда узунлигининг 55-градусида мен биринчи марта оқар музни кўрдим. Бу узунлиги йнгирма-йнгирма беш футли чоғроқ, кўкиш муз бўлаклари бўлиб, денгиз тўлқинлари уларга қарсиллаб урилиб, парчаланиб кетар эди.

«Наутилус» океан сатҳида сузиб борар эди. Қутб денгизларида тез-тез бўлиб турган Нед Ленд илгари ҳам оқар музларни бир неча бор кўрган эди. Консель билан мен бу манзарани биринчи кўришимиз.

Уфқда кўзни қамаштирадиган оқ чизик тортилди. Инглиз кит овловчилари бунини «муз жилваси» дейишади. Булутлар қанчалик қалин бўлмасин, уни тўсишолмасди. Бу чизик олдинда муз яланглиги борлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай каттароқ муз парчалари пайдо бўлиб, уларнинг жилоси атмосфера ҳолатига қараб гоҳ кучаяр, гоҳ сусаяр эди. Айрим сузар муз тоғлари — айсбергларнинг ёнларида мисга олтингугурт кислотаси теккан каби яшил чизиклар бор эди. Бошқа бир хил муз парчалари улкан аметистлар<sup>1</sup> сингари нарғи кўринадиган даражада тиниқ эди. Уччинчилари қуёш нурларини ўзининг минг бир қирралари билан жиолоантирарди. Ниҳоят, устидаги қор билан оқаяётган тўрттинчилари бутун шаҳар

<sup>1</sup> Аметист — бинафша ранг, қимматбаҳо тош.

қурилишига етадиган даражада улкан мармар бўлаклари-га ўхшар эди.

Жанубга кириб борган сари биз сузар музларни кўпроқ учрата бошладик, айрим муз парчалари ва айсберглар тобора йириклашар эди. Арктика қушлари уларда ўзига минглаб ин қуриб олган эдилар.

Булар ўзларининг қий-чувлари билан қулоқларимизни қоматга келтираётган тентакқушлар, бўрон қушлари, пуффинлар эди. Улардан баъзи бирлари «Наутилус»ни кит нимтаси деб ўйлаб, унинг палубасига қўниб олиб, тумшуклари билан тунукани даранглатиб ура бошладилар.

Музликлар орасида ҳозирги сузиб боришимизда капитан Немо палубага тез-тез чиқар ва узоқ туриб қолар эди... У бу кимсасиз, бўм-бўш жойларни зўр диққат билан кўздан кечирар эди. Мен унинг одатдаги совуқ нигоҳи баъзан жонланиб кетганини кўрар эдим. Балки у ўша дамларда инсон қадами етмаган шу қутб сувларида танҳо ўзи ҳукмрон эканини ўйлаётгандир? Эҳтимол шундай-дир. Бироқ у бу ҳақда овоз чиқариб гапирмас эди. У соатлаб қимир этмай турар ва музлар «Наутилус»ни ўраб олиб, бу тузоқдан чиқиш зарур бўлиб қолгандагина, уйқудан уйғонгандай ўзига келар эди.

Ушанда у ўзи штурвалда туриб; «Наутилус»ни маҳорат билан бошқарар, муз майдонлари ва тоғларига чап бериб ўтар эди. Улардан баъзилари, сув сатҳига етмиш-саксон метрга чиқиб турадиганларининг узунлиги бир неча миляга чўзилиб кетган эди.

Кўпинча «Наутилус» йўлини яхлит муз девори тўсиб қўяр эди. Аммо капитан Немо зудлик билан торгина ёриқ топиб олиб, кетидан дарҳол ёпилиб қолишини билсада, унга дадил кириб кетар эди.

Шундай қилиб, ўз капитанининг моҳир қўли билан бошқарилаётган «Наутилус» абадий музликлар орасидан илгарилаб борар эди.

Музларни унинг шакли ҳамда ҳажмига қараб аниқ классификациялаш мумкинлиги Конселга жуда маъқул тушди ва у бу ишни тезда ўзлаштириб олди: айсберглар ёки муз тоғлари; айсфильдлар ёки муз яланглиги; драйфтайс ёки сувар музлар; пёклар ёки муз бўтқаси.

Ҳавонинг ҳарорати анча паст эди: симоб устунчаси нулдан юқори икки-уч хонадан нарига кўтарилмас эди. Аммо устимизда пўстин бўлгани учун совуққотмас

эдик. «Наутилус»нинг ичидаги ҳаво ташқаридаги совуқдан қатъи назар, электр печлар ёрдамида мўътадил ҳароратда эди.

Тўсатдан печлар ишламай қолган тақдирда ҳам мўътадил ҳарорат вужудга келтириш учун «Наутилус»нинг бир неча метр сувга шўнгиши кифоя.

Агар биз бу ерларга бир ой илгари келганимизда эди, қуёшнинг кечаси-ю кундузи сира ботмай туришини кўрардик. Бироқ биз кечиккан эдик, тун уч-тўрт соат вақт олар ва кейинчалик бу қутб ерларига олти ой соя ташлаб туриш учун у ҳар кеча-кундузда узайиб борар эди.

Биз 15 мартда Янги Шетланд ва Жанубий-Оркней ороллари жойлашган параллелни кесиб ўтдик. Капитан Немонинг айтишича, яқин-яқинларгача бу ерлар беҳисоб тюленларга бошпана бўлган, ammo Англия ва Америка саноатчилари ўзларининг бойлик орттириш йўлидаги кўркўрона ҳирсларини қондириш мақсадида урғочисини ҳам, нарини ҳам, болаларини ҳам қириб ташлашди, ана энди бу ерлар қабристондай ҳувиллаб ётибди.

16 мартда эрталаб соат саккизга яқин «Наутилус» эллик бешинчи меридиан бўйлаб сузиб бориб, Жанубий Қутб доирасини кесиб ўтди.

Чор атрофимизни музликлар ўраб, уфқ ҳам тўсилиб қолди. Шунга қарамай капитан Немо ёриқ кетидан ёриқ излаб, ўтадиган жой топар ва жануб томон сузишни давом эттирар эди.

— У бизни қаёққа олиб боряпти? — деб ўз-ўзимдан овоз чиқариб сўрадим.

— Боши оққан томонга,— деб жавоб берди менга Консель.— Борадиган йўл қолмагач, тўхтайти.

— Бунга кафил бўлолмайман,— жавоб бердим мен. Гапнинг очиги бу хатарли сузиш менга маъқул эди.

Бу муз саҳроси нақадар ажойиб манзара кашф этганини сўз билан ифодалай олмайман. Бу ердаги музлар сира кутилмаган шакллар ҳосил этган эдилар. Баъзан муз майдони сон-саноксиз масжидлар ва найза учли миноралари бўлган катта шарқ шаҳрига ўхшаб кетар эди. Бошқа бир жойда эса музликлар зилзиладан қулаган шаҳар вайроналарини эслатар эди. Бироқ қуёш уфқ томон пастроққа тушиб, тик нурлар қиялашгач, музликлар манзараси сеҳрланган каби таниб бўлмас даражада ўзгарар эди. Қуёш булут ортига яшириниб, музларни туман қоплаган-

да ёки икки муз бўлаги бир-бирига урилиб, мингта тўп отилгандай гумбирлаганда, бу афсонавий спектакль ман-вараси янада тезроқ ўзгарар эди.

Бундай тўқнашув пайтида «Наутилус» денгиз остида бўлса, овоз сув орқали янада кучлироқ эшитилар, улкан муз бўлаклари тушганда сувни тўлқинлантириб, хавфли гирдоблар ҳосил этар эди. Бундай кезларда «Наутилус» сув устида сузадиган оддий кема қаттиқ бўронда учрай-диган ҳолатга тушиб, тўлқинлар уни чайқатар ва ирғи-тиб ташлар эди.

Кўпинча музлар орасида заррача ҳам ёриқ кўрмага-нимда, музликлар орасида қолиб кетдик, деб ўйлар эдим. Аммо капитан Немо ўзидаги табиий туйғу туфайли ян-гидан-янги ўтиш жойларини топарди. У сира адашмас эди; айсберглар ён бағирларида оқадиган ингичка кўкиш сув жилгаси унга кўрсаткич вазифасини ўтар эди. Шунинг учун у қутб денгизларида биринчи бор сузаётгани йўқ, деган қарорга келдим.

Бироқ 16 мартда кечга яқин музлар йўлимизни тамо-ман тўсиб қўйди. Бу ҳали абадий музликлар минтақаси эмас, балки ях қопланган муз майдони эди, холос. Тўсиқ капитан Немони тўхтатолмади. Узоқдан кема тезлигини ошириб келиб, катта куч билан муз деворни бориб урди. «Наутилус» пона каби мўрт муз орасига кирди ва уни қар-силлатиб парча-парча қилиб ташлади. Бу ерда қадимий таран<sup>1</sup> усули қўлланилди, аммо ҳозирги таран кучининг ниҳояси йўқ эди. Кўкка кўтарилган муз парчалари атро-фимизга дўлдай ёғилди. Зарб шу қадар кучли бўлдики, кема олдида ўша заҳоти йўл очилди.

Баъзан «Наутилус» тез сувиб келиб ўз инерцияси билан муз майдони устига чиқар ва оғирлиги билан уни синдираар эди. Бунда ҳам пировард-натижада муз икки томонга чекиниб, ҳосил бўлган бўғоздан илгарилаб кетар эдик.

Шу кунларда биз тез-тез қаттиқ бўронга дуч келиб турдик. Баъзан музларни шу қадар қалин туман қоплар-дики, палубанинг бир ёгидан иккинчи ёғи кўринмас эди. Шамол жуда беқарор эсарди. Тунда ёққан қор эрталаб-гача заранг бўлиб қолар, унга бел ўтмаганидан чўкич билан тозалашга тўғри келарди.

---

<sup>1</sup> Таран — қадимги урушларда қўрғон ва қалъа деворларини ағдариш учун ишлатилган найзали ёғоч қуроқ.

Ҳаво ҳарорати нулдан беш даража пастга тушганда «Наутилус» палубасини қалин муз қатлами қоплар эди. Елканли кема бу ерларда бутун блок ва талаялари музлаб қолиб, сузолмаган бўларди. Бунақа баланд кенгликларда электр кучи билан ҳаракатга келтириладиган кемагина суза олиши мумкин.

Барометр босим пастлигини кўрсатар ва ундан янада пастлашишга мойиллиги билиниб турар эди. Компас кўрсаткичларига сира ишонч қолмади.

Жанубий магнит қутбига яқинлашган сари компаснинг жонсарақ мили ақл бовар қилмайдиган йўналишларни кўрсатар эди. Дарҳақиқат, Гастеннинг аниқлашича, жанубий магнит қутби кенгликнинг 70-градус ва узунликнинг 130-градусида жойлашган. Дюперей эса бошқачароқ координатларни ҳисоблаб чиқди — кенгликнинг 70-градус 30-минуту ва узунликнинг 135-градуси. Йўналишни аниқлаш учун энди компасни кеманинг турли бурчакларига олиб бориш. бир неча бор кузатувлар ўтказиш ва шу йўл билан олинган ўртача рақамни тўғри деб топиш керак бўлиб қолди.

Баъзан кема қаерда кетаётганини фақат лаг кўрсаткичларига асосланиб картага туширилар эди. Илон изи бўлиб кетган ўтиш жойларида кема йўналишини минут сайин ўзгартириб туришга тўғри келганидан бу усул, албатта, ҳақиқатдан узоқроқ эди.

18 мартда ўзи йўл очаман деб йигирма мартача уринганда ҳам муваффақиятсизликка учрагач, «Наутилус» тамоман музлар орасида қолиб кетди. Бу энди на муз бўтқаси, на сузар муз ва ҳатто на муз майдони, балки бир-бирига чатишиб муз тоғини барпо қилган, қимир этмайдиган ўтиб бўлмас тўсиқ эди.

— Узлуксиз яхлит муз, — деди менга канадалик.

Нед Ленд ҳам бошқа қутб денгизчилари сингари бу тўсиқни ўтиб бўлмас деб ўйлаётганини тушуниб турибман. Пешинда бир неча минутгина қуёш кўринганда капитан Немо аниқ ҳисоб чиқариб олди. Биз узунликнинг 51-градус 30-минутуида ва жанубий кенгликнинг 67-градус 39-минутуида сузар эдик. Кўриб турибмизки, «Наутилус» Антарктиканинг анча ичкарасига кириб борган эди.

Олдимиэда ҳам, орқамиэда ҳам энди очиқ сув кўринмас эди. «Наутилус» турли шаклдаги муз парчалари тоғ-тоғ уюлиб ётган яланглик билан ўраб олинган бўлиб, бу



манзара дарё музи ёрилиши арафасилаги тартибсизликни эслатар, фақат у кўлам жиҳатидан жуда улкан эди. Унда-бунда балаидлиги икки юз фут ва ундан ҳам ортиқроқ найза учли муз тепаликлари кўзга ташланар эди. Ундан нарироқда кул ранг туман тутуни қоплаган тикка муз қоялари тизилишиб турарди. Ана шу қайғули манзара устига бу ерда сукунат ҳукмронлигини бўрон қушларининг қаттиқ қичқиришлари ва қанот қоқишларигина бузиб турар эди. Бу ерда ҳамма нарса ўликдай бўлиб туюлар эди...

«Наутилус» ўзининг мардона сузишини худди ана шу ерда тўхтатишга мажбур бўлди!

— Биласизми, жаноб профессор,— деди менга ўша куни Нед Ленд,— агар капитанимиз бу ғовдан ҳам ўтишга муваффақ бўлса...

— Унда нима бўлади, Нед?

— Унда у чинакам шоввоз!

— Нега?

— Чунки бу қалин музликни ҳеч ким ёриб ўтган эмас. Капитанингиз кучли одам, бунга шак келтирмайман. Аммо минг лаънат! — табиатдан кучлироқ бўлмаса керак! Бу ерда табиат ўтиб бўлмас ғов қўйган экан, у хоҳласа, хоҳламаса тўхташга мажбур бўлади.

— Гапларингизда жон борга ўхшайди, мистер Ленд... Аммо ҳар ҳолда шу музлар ортида нима борлигини жуда билгим келяпти. Бу девор ғашимга тегяпти!

— Хўжам ҳақлар,— деди Консель.— Деворлар олимларнинг ғашини келтириш учун атайин яратилади. Агар менинг қўлимда бўлганида ер юзидаги бутун деворларни бузиб ташлар эдим!

— Сафсата,— деб жавоб берди канадалик.— Бу девор ортида нима борлигини мен жуда яхши биламан.

— Нима бор? — сўрадим мен.

— Муз, фақат муз! — жавоб берди канадалик.

— Бунга ишончингиз комилми, Нед? — дея эътироз билдирдим мен.— Аммо мен бунга ишонмай турибман. Шунинг учун ҳам жануб томон юриш давом этишини истайман.

— Ўзингизга жабр, жаноб профессор,— жавоб берди Нед Ленд.— Ҳали бу фикрингиздан қайтасиз. Биз узлуксиз, яхлит муз чегарасига келиб етдик — шунинг ўзи кифоя. Бундан у ёғига сиз ҳам, капитан Немо ҳам, «Наутилус» ҳам бир қадам силжий олмайсизлар. Сиз буни истай-

сизми, истамайсизми, барибир биз шимолга, яъни ҳақиқий одамлар яшайдиган жойларга қайтамыз.

Нед Ленд бир масалада ҳақлигини эътироф этишим керак: кемалар музликлар майдони бўйлаб сузишни ўрганмагунарига қадар улар узлуксиз яхлит музликлар олдида тўхтаб қолишга мажбур бўладилар.

Дарҳақиқат, ҳаракат қилинаётгани, музни ёришга жон-жаҳди билан уринаётганига қарамай, «Наутилус» қимирламай жойида қолаверди.

Одатда олдинга юролмаган кема орқага қайтади. Бироқ бу ерда олға юриш мумкин бўлмаганидек, орқага қайтишнинг ҳам иложи йўқ, чунки орқамиздан бутун ўтиш жойлари бирлашиб қолган эди. Борди-ю кемамиз яна бир оз вақт ҳаракатсиз турса, музга ёпишиб яхлаб қолиши аниқ эди.

Тушдан кейин соат иккига яқин бу хавф аён бўла бошлади: сувнинг «Наутилус» турган музламаган жойини жуда тез ях қоплай бошлади. Шунга иқрор бўлишим керакки, капитан Немонинг бу иши энди менга ўта эҳтиётсизликдай туюла бошлади.

Шу пайтда мен палубада турган эдим. Пайдо бўлаётган юпқа муз қатламини бир неча минут давомида кузатиб турган капитан менга савол берди:

— Бизнинг бу туришимиз ҳақида қандай фикрдасиз, жаноб профессор?

— Шу ерда яхшигина тиқилиб қолдик, деб ўйлайман, капитан.

— Тиқилиб қолдик? Бу нима деганингиз?

— Бу шу деганимки, биз на олдинга, на орқага, на ўннга, на чапга юра оламиз. Бу ҳолат маданийлашган мамлакатларда «тиқилиш» сўзи билан ифодаланади.

— Демак, сиз «Наутилус» бу ердан чиқиб кетолмайди, деб ўйлаётган экансиз-да?

— Мен бунга унчалик ишонмайман, капитан. Аммо ҳамма гап шундаки, Антарктика қиши арафасида музларнинг кўчишига умид қилиб бўлмайди.

— Эҳ, профессор, ғояларингизга содиқсиз,— деди киноя билан капитан Немо.— Кўз ўнгингизга нуқул тўсиғу ғов келаверади! Ижозатингиз билан сизга шуни айтмоқчиманки, «Наутилус» муз ҳалқасидан чиқиб кетибгина қолмай, балки ҳали олға ҳам юради!

— Жануб томонга қараб-а? — сўрадим мен кўзимни капитан Немога тикиб.

— Ҳа, жаноб профессор, у қутбнинг ўзгинасигача бо-  
ради!

— Қутбга?! — қичқириб юбордим мен бунга ишонма-  
ётганимни яширолмай.

— Ҳа,— дея совуққина тасдиқлади капитан.— Жану-  
бий қутбга, ер юзининг барча меридианлари кесишадиган  
ўша сирли жойга. Нимани хоҳласам, «Наутилус»ни шун-  
га мажбур қилишимни биласиз-ку!

Ҳа, буни билар эдим. Бу одам ақл бовар қилмайдиган  
даражада жасоратли эканлиги ҳам менга аён эди. Шимо-  
лий қутбга нисбатан бориш анча қийинлигини ҳисобга  
олганда Жанубий қутб йўлини тўсиб турган сон-саноксиз  
говларни енгишга урinishни фақат телба кишилардангина  
кутиш мумкин.

Ахир энг жасур, энг тажрибали денгизчилар ҳам Ши-  
молий қутбгача стаман деб беҳуда уриниб, ё мағлубиятга  
учраб қайтганлар ёки ҳалок бўлганлар.

Мен капитан Немодан: «Ҳали инсон оёғи тегмаган бу  
қутбни илгари очганмидингиз?» деб сўрадим.

— Йўқ,— деб жавоб берди. у.— Биз уни бирга очамиз.  
Бошқалар қилолмаган ишни мен қиламан. Мен ҳали ҳеч  
қачон «Наутилус»да жануб томон шу қадар узоққа кириб  
келмаган эдим; аммо, яна қайтариб айтаман, биз ҳали яна  
олға юрамиз, қутбгача етамиз!

— Гапларингизга ишонишга ҳаракат қиламан, капи-  
тан,— жавоб бердим мен киноя билан.— Сизга ишонаман.  
Олға бораверайлик! Йўлимизни ҳеч нарса тўса олмайди!  
Бу узлуксиз яхлит музларни парчалаб ташлаймиз! Порт-  
латамиз, бўйсунмаса унинг устидан учиб ўтиш учун «Нау-  
тилус»га қанот тақамиз!

— Муз устидан дейсизми, жаноб профессор?— осо-  
йишта жавоб берди менга капитан Немо.— Йўқ, нега эн-  
ди? Биз, яхшиси, муз остидан ўтамиз!

— Муз остидан?!— хитоб қилдим мен.

Тўсатдан умид чироғи ёнгандай бўлди. Капитан Немо  
нимани мўлжаллаётганини тушундим. «Наутилус»нинг  
мўъжизакор фазилати капитан Немога яна бир марта хиз-  
мат қилиши керак эди!

— Бир-биримизни тушуна бошлаганимизни кўриб ту-  
рибман,— дея сўз бошлади кулиб капитан.— Назаримда  
сиз бунга уриниб кўриш мумкинлигига шубҳаланяпсиз.  
Менинг эса бу ишнинг муваффақият билан амалга ошири-  
лишига ишончим комилдир. Оддий кема қилолмайдиган

ишни «Наутилус» осонгина бажаради. Борди-ю, қутб ёнида қитъа учраб қолса, у тўхтайди. Аммо аксинча, океан бўлса, унда биз қутбнинг ўзигача борамиз!

— Дарҳақиқат,— дея жавоб бердим мен капитаннинг мулоҳаза билан айтган гапларини ўйлаб туриб,— агар океан сатҳини муз қоплаган бўлса, унинг пастки қатламлари музламайди. Хато қилмасам — музнинг сувга ботиб турган қисми денгиз сатҳидагига нисбатан ортиқ, яъни сув остини тўрту, сатҳидагина бир деб фараз этса бўладими?

— Ҳа, жаноб профессор, уларнинг мувозанати деярли шундай. Денгиз сатҳига чиқиб турган айсбергнинг ҳар бир футига сувга ботиб турган уч фути тўғри келади. Демак, бу муз тоғлари океан сатҳига юз метрдан ортиқ чиқмагани учун улар сувга нари борса уч юз метр чўкиб туради. «Наутилус» учун уч юз метр чуқурликка шўнғиш чўт бўлибдими?

— Чўт эмас!

— Бугина эмас, биз янада чуқурроққа, барча кенгликларда ҳам ҳарорат бир меъёрда сақланидиган сув қатламларига туша оламиз ва у ердан туриб очиқ ҳаводаги ўттизқирқ даража совуқни калақа қилгандек бемалол юришимиз мумкин!

— Сиз ҳақсиз, капитан, мутлақо ҳақсиз! — дея хитоб қилдим мен.

— Биз энгишимиз лозим бўладиган бирдан-бир қийинчилик шуки,— дея сўзини давом эттирди капитан Немо,— ҳаво запасини янгиламай сурункасига бир печа сутка давомида сув остида туришимиз мумкин.

— Фақат шунинг ўзими? — эътироз билдирдим мен.

— «Наутилус»да анчагина катта ҳажмдаги резервуарлар бор. Уларга ҳаво тўлатамиз ва бу бизни етарли миқдорда кислород билан таъминлайди!

— Жуда соз, жаноб профессор,— дея яна кулиб қўйди капитан.— Яна бир шубҳага солаётган масала устида сиз билан маслаҳатлашиб олишга рухсат берсангиз, чунки кейин мени телбаликда айблашингизни истамайман.

— Нимадан шубҳаланяпсиз? — сўрадим капитан Немодан.

— Қутбдаги денгиз, агар у ерда денгиз бўлса, тамоман муз билан қопланган бўлиши мумкин ва бинобарин, биз унинг сатҳига чиқа олмаймиз.

— Нима деяпсиз, капитан! Наҳотки сиз «Наутилус»нинг қозик тиши борлигини унутган бўлсангиз! Сиз уни

диагональ бўйлаб тўғрилаб, муз остидан урасиз ва осонгина йўл очилади.

— Қаранг-а, жаноб профессор, бугун сизни таниб бўлмаяпти.

— Аммо, капитан,— дея борган сари ҳаяжоним ошиб сўзимни давом эттирдим мен,— нега энди Жанубий қутбда биз музламаган денгизни учратмас эканмиз? Совуқлик қутблари жанубий ярим шарда ҳам, шимолийсида ҳам ер қутблари билан тўғри келмайди. Бинобарин, бунинг акси исботланмаган экан, ер шарининг бу икки бир-бирига қарама-қарши нуқталарида музламаган денгизлар ёки ер мавжуд деб фараз этишга ҳақлимиз.

— Мен ҳам шу фикрдаман, жаноб профессор,— деб жавоб берди капитан Немо.— Фақат бир нарсага эътибор беряпсизми, лойиҳамга қарши эътирозларимни шунчалик инкор қилдингизки, ўзим ҳам унга ён босишга мажбур бўлман.

Капитан Немо ҳақ гапни айтди. Энди жасорат бобида у билан беллашаётган эдим, Жануб томон сузишга энди мен уни ундаётган эдим. Ҳатто мен ундан ҳам ошиб кетдим...

Йўқ, йўқ, бирпас сабр қил, тентак! Капитан Немо «бориш» ёки «бормасликнинг» ҳамма томонларини аллақачон ўйлаб қўйган ва эндиликда орзуларга ғарқ бўлиб, тап тортмай, ўзимни ҳар томонга ураётганимни кўриб, мени эрмак қилаётган эди.

Бу орада капитан Немо бекор турмади. Палубага ёрдамчисини чақириб, у билан номаълум тилда сўзлашди. Ёрдамчи капитан режаларини олдиндан билганиданми ёки бу топшириқнинг бажарилишида ҳеч қандай тўсиқ кўрмаганиданми, ҳар ҳолда унинг юзида ҳатто ажабланиш ифодаси ҳам сезилмади.

Аммо у қанчалик совуққон бўлмасин, мен содиқ дўстларимга капитан Немонинг қутбга бориш ниятини айтганимдаги Конселнинг бепарво ҳолагидан ўтолмас эди. Осойишталик билан «хўжам шуни истасалар» дейиши бу дов-юрақ одамнинг бирдан-бир жавоби бўлди ва мен ундан бошқа ҳеч нарса билолмадим. Нед Лендга келганда, бу тамоман бошқа гап: менинг гапларимни эшитгач, елкани канадалик кўтарган даражага етказиш амри маҳолдир.

— Биласизми, жаноб профессор,— деди у,— сиз ва капитанингиз Немога раҳмим келяпти.

— Аммо, тушунсангиз-чи, ахир, биз қутбга борамиз, қутбга-я!

— Эҳтимол боришингиз мумкиндир, аммо шуни бир билингки, у ердан қайтиб келолмайсиэ!

Нед Ленд шундай деди-ю, каютасига кетди. «Бирор корҳол қилиб қўймай», деди у эшикни ёпар экан.

Бу орада «Наутилус» экспедициясига ҳозирлик кўришга киришди. Двигатель ҳаракатга келтирган кучли насослар резервуарларга катта босим билан ҳаво жойлай бошлади.

Тушдан кейин соат тўртларда капитан Немо менга ҳозир люк ёпилишини айтди. Мен йўлимизга гов бўлиб турган узлуксиз яхлит музликларга сўнгги бор назар ташладим. Ҳаво очиқ, осмонда булут кўринмасди. Совуқ анча баланд — нулдан ўн икки даража паст эди, аммо шамол бўлмагани учун бу совуқ унча билинмасди.

Матрослардан ўнтачаси қўлларида чўкич билан палубага чиқишди ва «Наутилус» атрофидаги музни уриб ёра бошлашди.

Матрослар кемани тезгина бўшатиб олишди, чунки муз ҳали қалинлашмаган эди. Биз ҳаммамиз кема ичига тушиб олганимиздан кейин люкни ёпишди ва «Наутилус» секин сувга шўнғиди.

Мен Консель билан бирга салонга кирдим. Биз дераза ёнида ўтириб, Жанубий Муз океани сувларининг остки қатламларини томоша қила бошладик. Ташқи муҳит ҳароратини ўлчайдиган термометр симоби тез кўтарила бошлади, манометр мили аста ўнгга сурилар эди.

Капитан Немо башорат қилганидай, уч юз метр чуқурликда сув муздан холи эди. Аммо «Наутилус» саккиз юз метргача шўнғиди. Бу ерда сув ҳарорати сатҳдагидан икки даражада баланд эди. Ўз-ўзидан аёнки, электр печлари воситасида иситилаётган «Наутилус» ичидаги ҳарорат ташқи ҳароратдан қатъи назар, ҳамиша бир меъёردа турар эди.

«Наутилус» барча маневрларни аввалгидан ҳам итоаткорлик ва аниқлик билан бажарар эди.

— Хўжамнинг рухсатлари билан шуни айтмоқчиманки, менимча, биз эсон-омон ўтиб оламиз,— деди Консель.

— Умидимиз ҳам шу,— деб жавоб бердим мен қатъият билан.

«Наутилус» муздан холи бу чуқурликда эллик иккинчи меридиан бўйлаб тўғри қутбга йўл тутаётган эди. 67-гра-

дус 30-минутдан 90-градусгача йигирма икки ярим градус ёки икки минг километрдан ошиқроқ йўл босиш керак эди. «Наутилус» соатига тахминан эллик километр, яъни тез-юрар поезд тезлигида сузаётган эди. Агар йўлда тўхтаб қолмаса, у қирқ соатдан бир оз ортиқроқ вақт ичида қутбага етиши керак.

Янги манзара пайдо бўлганидан мен билан Консель туннинг бир қисмини дераза ёнида ўтказдик. Проектор сувни жуда яққол ёритаётган эди. Бироқ денгиз бўм-бўш. Муз қопланган бу сувларда балиқ яшамас эди.

«Наутилус»нинг тез сузаётгани корпусининг тинимсиз вириллашидангина сезилаётган эди.

Тунги соат иккига яқин каютамга кириб бир неча соат ухлаб олишга қарор қилдим. Консель ҳам ухлашга кетди. Йўлакдан ўтиб каютамга кираётганда капитан Немони учратмадим. У штурвал ҳужрасида навбатчилик қилаётган бўлса керак.

Кейинги кун, 19 мартда, эрталабданоқ мен яна салон деразаси ёнидаги кузатув постимни эгаллаб олдим. Электр лаг «Наутилус»нинг оддий тезликда сузаётганини кўрсатиб турар эди. У энди денгиз сатҳига бирданига эмас, балки ўз резервуарларини оз-озроқ бўшата бориб, аста кўтарилар эди.

Юрагим тез-тез ура бошлади. Денгиз сатҳига чиқа олармиканми? Муздан холи жой топармиканми?

Йўқ, йўқ, шошмай тур! «Наутилус» бир туртиниб, узлуксиз яхлит муз сатҳининг тагига бориб урилганини сездим, овознинг чиққан бўғиқлигига қараганда, қалин музга тақалган эдик. Дарҳақиқат манометр кўрсаткичлари ҳам бу тахминнинг тўғрилигини ифодаларди — биз бир ярим минг фут сув остида эдик. Демак, тепамизда қалинлиги икки минг фут келадиган муз қатлами бўлиб, унинг беш юз фути денгиз сатҳига кўтарилган! Бинобарин, бу ердаги узлуксиз яхлит муз сувга шўнғиган еридагимиздан қалинроқ эди. Демак, тасалли берадиган бирон нарса йўқ эди!

«Наутилус» кун бўйи сатҳга чиқиш учун бир неча бор уриниб кўрди, аммо ҳар гал қалин муз шипга дуч келарди. Айрим жойларда бу «шип» тўққиз юз метр чуқурликкача борар, яъни муз қатламининг қалинлиги бир минг икки юз метрга етиб, шундан уч юзи денгиз устига чиқиб турар эди. Энди буниси биз сувга шўнғиган пайтдаги айсбергларнинг энг баландидан ҳам уч баравар ортиқ эди! Мен айсберглар учи жойлашиб олган жойгача бўлган чуқурлик-

ни диққат билан ўлчардим ва шу йўл билан бу тўнтарилган сув ости тоғ тизмасининг примитив картасини тузар эдим.

Кечга бориб ҳам аҳволимиз ўзгармади. Соат саккизлар чамаси эди. «Наутилус» ҳаво запасини одатда белгиланганича бундан тўрт соат олдин янгилаб олиши керак эди. Бироқ капитан Немо запас резервуарлардан ҳали бир литр ҳам кислород чиқармаганига қарамай, нафас олишда ҳеч қандай қийинчилик сезилмас эди.

Шу кеча яхши ухлай олмадим. Бир ёқдан умид ва иккинчи ёқдан ташвиш мени ҳаяжонлантирар эди. Бир неча бор ўрнимдан турдим. «Наутилус» ҳамон чиқишга йўл ахтарар эди. Тунда соат учга яқин салонга чиқдим ва манометрга қараб, муз қопламанинг остки сатҳи эллик метр чуқурликда ўтаётганини кўрдим. Узлуксиз яхлит муз аста-секин айсфильдга — муз майдонига айланиб борар эди. Сув ости тоғлари ўрнини сув ости тепалиги эгаллаб олган эди.

Мен манометрдан кўз узмас эдим. Биз прожекторимиз нурида минг хил товланаётган қия муз сатҳи остида диагональ бўйлаб муттасил кўтарилиб борар эдик.

Босиб ўтилган ҳар бир километрдан кейин узлуксиз яхлит муз қатлами тобора юпқалашиб борар эди.

Ниҳоят, шу унутилмас кун, 19 мартда эрталаб соат олтида салон эшиги очилиб, остонада капитан Немо пайдо бўлди.

— Денгиз бўм-бўш! — деди у.

### *Ун тўртинчи боб*

### **ЖАНУБИЙ ҚУТБ**

Мен палубага югурдим.

Ҳа! Денгиз бўм-бўш эди. Фақат унда-бунда айрим муз парчалари ва айсберглар сузар эди. Жануб томон ичкарироқда эса тамоман муз йўқ эди. Минглаб қушлар ҳавода парвоз этиб юришар ва тўқ кўкдан тортиб зайтун ранглигича бўлган турли рангдаги балиқлар тўлқинларда гужғон ўйнашарди. Цельсий термометри нулдан юқори уч даражани кўрсатиб турар эди. Уфқдан нариги томонда аранг кўзга чалинаётган узлуксиз яхлит музликлардаги совуқлар олдида бу баҳор ҳавосидай гап эди.



— Биз қаердамиз?— сўрадим капитандан. Юрагим гупиллаб уриб турар эди.— Қутбдами?

— Ҳзим ҳам билмайман,— деб жавоб берди у.— Пешинда қуёш баландлигига қараб қаерда сузаётганимизни аниқлаб оламан.

— Аммо шундай туманда қуёш кўринармикин?— булут қоплаган осмонга қараб ишончсизлик билан сўрадим мен.

— Ярим минутгина мўраласа бас, шунинг ўзи кифоя,— деб жавоб берди капитан.

Жануб томонда «Наутилус» дан ўй миля нарида денгиз сатҳидан икки юз метрча баландликда ёлғиз орол кўзга ташланиб турарди. Биз ўша томонга йўл тутдик, денгизда қоялар бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб, жуда секин сузар эдик.

Бир соатдан сўнг биз оролнинг ўзига етиб олдик. Икки соат давомида уни айланиб чиқдик. Орол соҳили тўрт-беш миля келар эди. Торгина бўғоз уни аллақандай ердан ажратиб турар эди. Эҳтимол бу янги, номаълум қитъадир. Бу ернинг мавжудлиги билан Мори тахминининг тўғрилиги тасдиқлангандай бўлди. Уткир зеҳли олим Жанубий қутб билан олтишинчи параллел оралиғида денгиз шимолий ярим шарда сира учрамайдиган даражада улкан сузар музлар билан қопланганлигига диққатни жалб этган эди. Ана шу кузатувдан у Жанубий қутб доирасида қандайдир қитъа бор, деган хулосага келган эди. Чунки айсберглар денгизда эмас, балки фақат ердагина ҳосил бўла олади. Морининг ҳисобича, Жанубий қутбни ўраб олган яхлит музлар диаметри тўрт минг километрли кенг ҳалқани ташкил этади.

Шу орада «Наутилус» саёзликка тиқилиб қолмаслик учун жуда улкан қоя чиқиб турган соҳилдан уч кабельтча берида тўхтади. Қайиқ сувга туширилди. Капитан, асбобускуналарни кўтариб олган икки матрос, Консель ва мен унга ўтириб олдик. Вақт эрталаб соат ўнлар чамаси эди.

Бугун ҳали Нед Лендни кўрмаган эдим. Афтидан, канадалиқ ўзининг мағлуб бўлганини тан олгиси келмас эди.

Эшаклар бир неча бор эшилгач, қайиқ қумлоқ соҳилга келиб тўхтади

Консель соҳилга сакраб тушмоқчи бўлиб турган эди, аммо мен уни тўхтатдим.

— Капитан Немо,— дедим мен,— бу ерга биринчи бор қадам қўйиш шарафи сизга муяссар бўлмоғи керак!

— Тўғри айтасиз, жаноб профессор,— деб жавоб бер-

ди капитан.— Айтганингизни иккиланмай бажо келтираман, чунки аминманки, менгача бу ерга ҳеч қачон инсон оёғи тегмаган!

У шу сўзларни айта туриб, қум устига енгил сакраб ўтди. Кучли ҳаяжон, афтидан, унинг юрагини тез уришга мажбур этган эди. У қоя устига чиқди-да, қўлини кўкраги устига чамбарак қилиб олиб, қимирламай жимгина чақмоқ кўзлари билан шу қутб ерларини қабул қилиб олаётгандай қараб турарди. Шу ҳолатда бир неча минут тургач, бизга қараб қичқирди:

— Марҳамат, жаноблар, ерга тушинглар!

Мен ўша заҳотиёқ соҳилга сакраб тушдим. Кетимдан Коңсель ҳам тушди. Матрослар қайиқда қолишди.

Ер қизғиш туфдан<sup>1</sup> иборат бўлиб, устидан туйилган тош ёйиб қўйилгандай эди. Унинг устини ўчиб қолган лава оқимларидан қолган тош қоялар, жилвир тош парчалари қоплаган эди.

Оролча, шубҳасиз, вулқон отилишидан ҳосил бўлган эди. Баъзи жойларда ер остидан кучли олтингугурт ҳидини анқитиб тутун чиқариб турар эди. Бу ер остидаги олов ҳали сўнмаганидан далолат берар эди.

Бу мени сира ажаблантиргани йўқ, чунки Жемс Рос Антарктика сувларида узунликнинг 167-градуси ва кенгликнинг 77-градус 32-минутиди иккита ҳаракатдаги вулқон — Эребус ва Террорни кашф этганини билар эдим. Мен капитан Немога тақлид қилиб тезда қоя устига чиқиб олдим ва уфққа қарай бошладим. Бироқ вулқон оғзини тополмадим.

Оролчада ўсимликлар жуда кам: бир неча қурбақа ўти-ю, қояларга ёпишган йўсинлар — бутун ўсимлик олами шундангина иборат эди. Ҳайвонот дунёси эса бирмунча ранг-баранг: моллюскалар, зоофитлар, жумладан, маржон полиплар ва денгиз юлдузлари ҳамда қушлар, яна қушлар... Бу ерда қушлар ҳаддан зиёд эди. Уларнинг минглаб галалари қулоқларимизни қоматга келтиргудек чуғурлаб, парвоз этишар, минг-минглаб тўдалари қояларнинг погоналарида қўниб ўтиришар, яна мингларчаси қўрғошин рангли сув узра чарх уришарди.

Бу ерда асосан қуруқликда судралиб, гавдасини кўтаролмайдиган, аммо сувда эса балиқдай енгил ва эпчна пингвинлар ниҳоятда кўп эди.

<sup>1</sup> Туф — бинокорликда ишлатиладиган тошнинг хили.

Кўкда қанотларини ёйганда тўрт метрга етадиган ва ҳақли равишда океан калхатлари деб аталадиган йирик альбатрослар; тюленларнинг хавfli душмани ҳисобланган баҳайбат бўрон қушлари; ўрдакнинг морянка деган бир тури; ниҳоят тентак қушларнинг булутдай галаси — қанотлари жигар ранг хошияли оқлари ва Антарктикадагина яшайдиган кўклари парвоз қилишарди.

— Бу қушлар шу қадар ёғлиқки,— дедим Конселга,— Фарер оролларининг аҳолиси ўлган қушга пилик қўйиб, уни тайёр шам сифатида ишлатишади.

— Табиат уни яна бир оз диққат билан яратганда эди,— дея жавоб берди Консель,— у тайёр ажойиб лампа бўлар экан-да. Эсиз, пилигини ҳам қўйиб, тайёрлаб берса нима қиларкан!

Биз тушган жойдан тахминан ярим миля нарида ҳамма ёқ пингвинлар инига ўхшаб ўйиб ташланган эди. Капитан Немо матросларга ана шу қушлардан бир неча юзтасини тутишни буюрди, чунки уларнинг қорамтир гўшти жуда мазали бўларкан. Катталиги фоздай келадиган бу қушларнинг патлари қора, кўкракларида оқ тангачалар ва бўйинларида жигар ранг чизиқ бўлиб, улар ўзларининг тошбўрон қилинаётганларига қарамай, ҳатто қочиб қутулишни ҳам ўйлашмасди.

Туман ҳамон тарқалмас ва соат ўн бирда ҳам қуёш кўринмади. Бундан қаттиқ ҳаяжонланардим. Агар қуёш чиқмаса, биз кузатув олиб боролмаймиз. Кузатувсиз қутбга етдикми йўқми, қандай биламиз?

Капитан Немонинг олдига борганимда, у қояга суянганча жимгина денгизга тикилиб турар эди. У норози қиёфада бўлиб, бот-бот сабрсизлик билан кўзларини кўкка қадарди. Аммо нима ҳам қила оларди! Бу жасоратли киши осмон устидан ҳам денгиздагидек ҳукмронлик қила олмас эди.

Туш пайти ҳам бўлди. Қуёш ҳамон кўринмас эди. Бутун осмонни қоплаган қалин булутлар орасидан қуёшнинг турган ери лоақал бир оз бўлса-да сезилмас эди. Кўп ўтмай қор ёға бошлади.

— Эртагача сабр қилишга тўғри келади,— деди лоқайдлик билан капитан ва авжига минган қор бўрони ичида «Наутилус»га қайтдик.

Биз оролчада бўлган вақтимизда «Наутилус» матрослари тўр ташлаб олишга улгуришибди. Мен овланган баликларни зўр иштаҳа билан кўздан кечирдим. Антарктика

денгизи анча паст кенгликлардаги бўронлардан қочган жуда кўп балиқларга бошпана бўларди-ю... аммо денгиз шерлари ва тюленларига ем қилиб берар эди.

Мен тангачалари қўнғир рангли бир неча кумуш ранг бўлиқчалар — бичокларни, бўйи уч футли, танаси силлиқ, олтин ранг — сариқ, қўнғир ва оқ ранглардаги, тумшуғи конус сингари олдинга туртиб чиққан ва узун думи ипга ўхшаш ингичка антарктик химерларини кўрдим. Менга уларнинг гўшти ёқмади, аммо Конселга у анча мазали туюлди.

Қор бўрони кейинги куни эрталабгача давом этди. Палубага ҳатто бош чиқариб бўлмас эди. Салонда ўтириб, кейинги кунлардаги воқеаларни кундаликка ёзаётиб, бўронни писанд этмай гужғон ўйнашаётган альбатросларнинг қичқириқларини очиқ люкдан эшитиб ўтирар эдим. «Наутилус» соҳил бўйлаб сузиб, жануб томонга яна ўнлаб миля масофани босиб ўтди.

Эртаси куни, 20 мартда бўрон тинди. Совуқ бир оз кучайди. Термометр нулдан икки даража пастни кўрсатар эди.

Туман тарқалди ва мен бутун астрономик кузатувларимизни амалга ошира олишимизга умудвор бўла бошладим.

Капитан Немо ҳали чиқмаган эди. «Наутилус»нинг қайиғи Консель билан мени номаълум ернинг соҳилига олиб бориб қўйди. Бу ернинг ҳам тупроғи вулқонлардан ҳосил бўлганини яққол кўрсатиб турар эди. Ҳамма ёқда лава, шлак, базальт излари кўзга ташланарди-ю, аммо ҳеч қаерда вулқон оғзи кўринмасди. Оролчадагидек, бу ерда қам минглаб қушлар парвоз этиб юришарди. Патлилардан ташқари ёнларидан ўтаётганимизда беозор боқаётган денгиз сут эмизувчиларининг жуда катта тўдалари юришарди. Булар тюленлар эди. Улардан баъзилари соҳилда ётишарди, бошқалари музликларда юришар, яна бир тўдаси қирғоқ ёнида чўмилишар ёки сувдан чиқаётган эди. Улар биз яқинлашаётганимиздан чўчишмади, афтидан, одамни биринчи бор кўришаётган бўлса керак.

Тюленлар тўдаси шу қадар катта эдики, бир неча юз овчи кемаларни таъминлай оларди.

— Ростини айтсам,— деди Консель,— бизга Нед Ленд қамроҳ бўлмаганидан гоят шодман!

— Нега, Консель?

— Чунки бу ашаддий овчи ҳамма тюленларни қириб ташлар эди!

— У, албатта, ҳаммасини ўлдиролмас эди-ю, ammo бу беозор жониворларнинг баъзиларига анчагина зарари те-гар эди. Бу эса беозор жониворларнинг қонини беҳуда тў-кишни хуш кўрмайдиган капитан Немога ёқмаган бўларди.

— У жуда тўғри қилади.

— Албатта, Консель. Ammo айт-чи, денгиз ҳайвонот оламининг бу намуналарини сен ҳали классификациялаш-тирганинг йўқми?

— Мен тажриба соҳасида нўноқлигимни хўжам била-дилар-ку. Агар хўжам бу жониворларнинг номини айтган-ларида эди...

— Булар тюленлар билан денгиз шерлари...

— Сут эмизувчилар синфига мансуб икки туркум; бир қориндилар синфчаси, куракоёқдилар тўдаси,— дея шошиб жавоб берди Консель.

— Тўғри, Консель,— дедим мен.— Бироқ бу туркум-нинг яна ўз туркумчалари ҳам бор ва адашмасам, яқин орада биз бу ерда уларни ҳам кўрамир. Юр!

Эрталаб соат саккизлар чамаси эди. Капитан Немо пешинда астрономик кузатув олиб бориши керак. Хуллас, бизнинг ихтиёримизда салкам тўрт соат бор эди.

Мен бу ернинг анча жойигача кирган кенг кўрфаз қир-гоғи бўйлаб боришни таклиф этдим. Соҳиллар ва соҳил бўйидаги музликлар ва сув минг-минглаб сут эмизувчилар билан тўлиб кетган эди. Бу ерда асосан тюленлар кўп эди. Улар оила-оила бўлиб жойлашишади: эркак тюлень оила боши ҳамда қўриқчиси ва унинг ҳимоясида болаларини эмизадиган модаси. Куч-қувватга тўлишган ёш эркак «бўй-доқлари» уларнинг ёнида алоҳида сузар эдилар.

Тюленлар ерда ғоят катта машаққат ва бесўнақай ҳа-ракатлар билан судралишади: бошда улар орқа оёқларида турадилар ва бутун гавдалари билан ўзларини олдинга ташлайдилар, сўнгра олдинги оёқларини букиб, кўкракла-ри билан ётиб оладилар, елкаларини кўтариб, таналарин-нинг орқа қисмини тортиб оладилар. Кейин яна орқа оёқларида турадилар ва шу алфозда бутун ҳаракат қайта-рилади. Бироқ ерда юришга нўноқ тюленлар ўзларининг эгилувчан орқа суяклари, ингичка беллари, қалин жун қоплаган пардасимон калта қўллари туфайли сувда жуда эпчиллик билан ҳаракат қилар эди. Сув сатҳида ва соҳил-да дам олаётганда бу жониворлар жуда чиройли кўринади.

Конселнинг диққатини бу ақлли жониворларнинг ғоят тараққий этган, дўнг пешаналарига жалб этдим. Инсондан

бошқа биронта сут әмизувчида мия моддаси тюленларни-кичалик миқдорда эмас. Шунинг учун ҳам тюленларни осонлик билан ўргатиб олиш мумкин. Улар тезда қўлга ўрганадилар ва мен бир қатор натуралистларнинг, тюленлар яхшилаб ўргатилса, улар балиқ овлаш ва умуман денгиз овида ит ўрнида одамга анчагина фойда келтиришлари мумкин, деган фикрларига тамомила қўшиламан.

Биз уларнинг ёнидан ўтаёгганимизда кўпчилик тюленлар ухлаб ётишган эди. Мен қум устида ва соҳил яқинидаги қояларда узунлиги бир ярим-икки метрли, юқори лаблари қалин, йўғон бурама мўйловли оддий тюленларни кўрдим: уларнинг қулоқлари борлиги деярли билинмас, кичик уч бурчак шаклидаги дўнгликкина кўринарди.

Шу ернинг ўзида тюленлар туридан бўлган ҳаракатчан, калта хартумли денгиз филлари бор эди. Узунлиги ўн метр келадиган бу улкан ҳайвонлар бизга сира эътибор беришмас эди.

— Бу ҳайвонлар хавfli эмасми? — сўради Консель.

— Йўқ, — жавоб бердим мен, — агар унга тегилмаса, индамайди. Аммо уларга ҳужум қилинса, айниқса болаларига тегиладиган бўлса, тюленларнинг қаттиқ жаҳли чиқади ва кўпинча эҳтиётсиз овчиларнинг қайиқларини парчалаб ташлашади.

— Шундай қилишга улар тамоман ҳақлилар, — деди Консель.

— Ҳа, эътироз билдиролмайман.

Биздан икки миляча нарида денгизнинг анча ичкари-сига кирган бурун кўрфазни жанубий шамоллардан тўсиб турар эди. У ердаги қоялар сувга осилиб турар ва уларнинг ости қирғоққа уриладиган тўлқин кўпиклари билан қопланган эди.

Худди шу ернинг ўзида бизга тўсатдан гўё яқин орада кавуш қайтарувчи моллар подаси ўтлаётгани сингари қаттиқ маъраган овоз эшитилди.

— Бу ерга ҳўкиз қаёқдан келиб қолди, — сўради Консель.

— Бу ҳўкиз эмас, моржлар, — жавоб бердим мен.

— Уришишяптими?

— Ё уришишяпти ёки ўйнашяпти.

— Ҳўжам рухсат этсалар, уларни кўрмоқчи эдим.

— Юра қол, кўрамиз, Консель!

Биз яна қора базальт қоялар ёнидан кетдик. Унинг харсанг тош поғоналарига тирмашиб, муз билан қопланган

силлиқ сатҳида сирганишиб борардик. Мен бир неча бор қоқилиб йиқилдим ва қаттиқ лат едим.

Анчагина эҳтиёткор ёки чайирлигиданми, Консель бирор марта ҳам йиқилмади ва мени кўтара туриб, ҳар гал айтарди:

— Агар хўжам оёқларини кериброқ қўйганларида, мувозанатларини сақлаш анча енгил бўлур эди.

Буруннинг энг юқорисига чиқиб олгач, биз моржлар ёйилиб юрган кенг қор яланглигини кўрдик.

Моржлар бир-бирларини қувлаб, ўйнаб юришарди. Бизга эшитилган шовқин, қаҳр-ғазабини эмас, балки хурсандчиликни ифода этадиган қийқириқлари экан.

Моржлар ётоғи атрофини айланиб ўтиб, орқага қайтмоқчи бўлдим. Соат ўн бирга яқинлашиб қолганди. Обҳаво шароити капитан Немонинг кузатиш олиб боришига имкон берса, жой кенглигини аниқлашда иштирок этмоқчи эдим.

Очиғи, бундан умид кам эди. Кўк гумбазини тамоман қоплаб олган қалин булутлар қуёшни тўсиб туришарди. Гўё ҳасадчи офтоб ер шарининг ҳеч ким келолмайдиган бу бурчагини одамлардан сир сақлаш учун атайлаб булут ортида яширингандай туюлар эди.

Биз қоя тизмасининг чеккасидан ўтган торгина йўлқадан юрдик. Соат ўн бир яримда биз соҳилга тушган жойимизга етиб келдик. Капитан Немо базальт бўлагининг чўққисига чиқиб турар эди. Ёнида астрономик асбоблар. Унинг нигоҳи шимолга, уфқнинг шу вақт булут орқасида кўринмаётган қуёш туриши керак бўлган томонига қадалган эди.

Мен унинг ёнида туриб, жимгина кута бошладим. Пешин бўлди, аммо қуёш ҳамон олдингидай кўринмас эди.

Агар эртага пешинда ҳам қуёш чиқмаса, қутбнинг қарердалигини аниқ билиш учун қилинаётган уринишдан воз кечишга тўғри келади.

Бугун 20 март. Эртага 21 мартдан кечаси-ю кундузи барабар бўлади, бишбарин, нурларнинг синиши ҳисобга олинмаса, эртага уфқда қуёш кўринмайди ва олти ой давом этадиган қутб туни бошланади.

Сентябрь ойи кеча-кундуз бараварлигидан бошлаб қуёш шимол уфқида чиқиб, 21 декабргача тобора тик кўтарилиб кун узая боради. Жанубий ярим шардаги ана шу ёзги қуёш туриши кунда у яна кун сайин пастлаша бошлайди ва ниҳоят эртага уфқда сўнги бор намоён бўлиши керак.

Мен хавотирланаётганимни капитан Немога айтдим.

— Гапингиз тўғри, жаноб профессор,— деди у.— Агар эртага, йигирма биринчи мартда, уфқ узра қуёшнинг баландлигини аниқлай олмасам, унда бу ишни олти ой кечиктиришга тўғри келади. Аммо борди-ю, эртага пешинда қуёш лоақал бир лаҳзагина мўраласа ҳам, тасодиф бизларни бу ерга тенг кунликда олиб келгани туфайли унинг баландлигини аниқлаш менга айниқса осон бўлади.

— Нега, капитан?

— Чунки қуёш осмон гумбазида катта айлана чизса унинг уфқдан баландлигини аниқ белгилаб олиш жуда қийин. Асбоб-ускуналарнинг кўрсаткичлари бундай вақтда кўпинча нотўғри бўлади.

— Эртага нимаси ўзгаради?

— Эртага мен асбоб-усканаларсиз, биргина хронометр ёрдамида аниқ кузатиш олиб боришим мумкин. Агар эртага 21 мартда пешинда қуёш айланаси — синишини ҳисобга олганда, албатта уфққа қоқ ўртаси билан турса, биз қутбнинг худди ўзида эканлигимизни кўрсатади.

— Бу-ку тўғри-я,— дедим мен.— Аммо иккинчи томондан бу аниқлаш математик равишда аниқ бўла олмайди-да, чунки тенгкунлик пешинга тўғри келмайди.

— Бунисини биламан, жаноб профессор, аммо бу ноаниқлик бир неча юз метргагина хатоликка сабаб бўлиши мумкин, бу эса менинг ишимга халақит бермайди. Шундай қилиб эртагача!

Капитан Немо «Наутилус»га қайтди. Консель билан мен соат бешгача шу ерда қолиб, қирғоқни кузатдик. Аммо ўзининг ғоят катталиги билан эътиборимизни ўзига жалб этган пингвин тухумидан бошқа бирон қизиқарли нарса топмадик. Кўк ранга бўялган ва иероглифларга ўхшаб кетадиган нуқтачалар ва чизиклар тортилган бу жуда ғалати тухум учун ишқибоз одам сира иккиланмай минг франк тўлар эди. Мен бу тухумни Конселга бердим; эҳтиёткор ёрдамчим уни қимматбаҳо хитой чиннисидай авайлаб, эсон-омон «Наутилус»га етказиб келди ва у ерда тухум музей витриналарининг биридан ўрин олди.

Овқат вақтида мазаси чўчқа гўшти таъмини берадиган бир парча тюлень жигарини зўр иштаҳа билан еб, қуёшпараст ҳиндулар сингари кундуз машъаласининг марҳамат кўрсатиб эртага туш пайтида чиқишини илтижо қилиб ётдим.

Эртаси куни, 21 мартда, эрталаб соат бешда палубага чиқсам, капитан Немо ўша ерда экан.



— Ҳаво очилаётганга ўхшайди,— деди у менга.— Умидвор бўлиб турибман. Нонуштадан сўнг соҳилга бориб, кузатиш учун қулай жой танлаймиз.

Капитан билан келишиб олгач, мен Нед Ленд олдига бордим. Уни соҳилга тушишга таклиф этгим келди. Бироқ қайсар канадалик таклифларимни қатъиян рад этди. У кун сайин маъюс ва асабийлашаётган эди. Сирасини айтганда, бу галги унинг қайсарлиги мени ортиқча хафа қилмади: соҳилда жуда кўп тюленлар бўлиб, тавбасига таянмаган бу худо беҳабарнинг уларни беҳуда қириб ташлашига йўл қўйиб бўлмас эди.

Нонуштадан сўнг мен соҳилга бордим. «Наутилус» тунда жануб томонга яна бир неча миля йўл босганди. У энди очиқ денгизда, баландлиги тўрт юз-беш юз метр келадиган ингичка тоғ чўққиси остидаги соҳилдан тўрт километрча берида турар эди. Қайиқда мендан бошқа капитан Немо ва икки матрос бор эди. Капитан ўзи билан кузатиш учун унча мураккаб бўлмаган асбобларини: хронометр, дурбин ва барометр олган эди.

Соҳилга ўтаётганимизда бир неча китларни кўрдик. Бу улкан сутәмизувчилар гала-гала бўлиб, сокин сувда гужгон ўйнашар ва инсон қадами етмайдиган бу жанубий қутб ҳавзаси шафқатсизлик билан қирилаётган китлар учун беҳатар бошпана бўлганини тушундим.

Соат тўққизда биз серқоя соҳилга келиб тўхтадик. Ҳаво тиниқ. Туман аста-секин тарқалаётган эди. Капитан Немо тўғри тоққа қараб юрди, афтидан, ўша ерни кузатув жойига айлантирмоқчи шекилли. Муз қопланган сирпанчиқ қоялардан чиқиш жуда оғир эди. Капитан Немо энг тик қияликларга ҳам шу қадар чаққонлик билан чиқардики, ҳар қандай ёввойи эчки овловчи ҳавас қилган бўлур эди. Орқасидан зўрға етиб юрар эканман, унинг чаққонлигига ажабланардим. Айниқса ерда юришга одатланмаган денгизчининг бу эңчиллиги кутилмаган ҳол эди.

Биз икки соатда чўққига чиқиб олдик. Кўз ўнгимизда денгизнинг ажойиб манзараси намоён бўлди, ҳатто узоқдан узлуксиз, яхлит музларнинг қирраларигача аниқ кўриниб турарди. Тепалик этагида кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ қор ястаниб ётар эди. Тепамизда булутсиз, оч ҳаво ранг осмон. Шимолдан қуёш айланаси кўринар, унинг остидан уфқ чизиги ўтган эди. Сувдан китлар отаётган юзлаб фавворалар кўтарилмоқда эди. Узоқда, очиқ денгизда «Наутилус» тўлқинларда ухлаб ётган китдай чайқа-

либ турарди. Атрофда, кўз илғаган жойгача, тош парчалари ва қоялар тартибсиз ҳолда ётибди.

Чўққининг учига чиқиб олган капитан Немо биринчи навбатда кейинчалик ўз кузатишларига тузатиш киритиш мақсадида барометр ёрдамида у жойнинг денгиз сатҳидан баландлигини ўлчади.

Соат чорак кам ўн иккида шу вақтгача атмосфера нурларининг синиши натижасида кўриниб турган қуёш айланаси уфқдан чиқиб, бизгача бирон кишининг оёғи тегмаган гамгин, ташландиқ ер ва денгизни ўзининг қип-қизил нурлари билан ёритди.

Капитан Немо нурларнинг синиши натижасида кўзни алданишдан сақлайдиган ойнали дурбини билан жуда узун доира бўйлаб шундоққина уфқнинг устида ҳаракат қилаётган кун шамини кузата бошлади. Мен қўлимдаги хронометрнинг секин сурилаётган миалига қараб турар эдим. Юрагим қаттиқ ура бошлади: агар пешинга бориб қуёш айланасининг ярми уфқ ортига яширинса, демак, биз қутбнинг худди ўзгинасида бўламиз.

— Пешин бўлди!— дея қичқирдим мен.

— Жанубий қутб!— деб жавоб берди менга капитан Немо ҳаяжонланиб.

У менга дурбинни узатди. Ундан қараб уфқ чизиги жимираб турган қуёш баркашини тенг иккига бўлиб турганини кўрдим.

Қуёшнинг сўнгги нурлари чўққи устига ёғду сочиб турар, унинг нишаб ерларига ўса пастдан юқорига қараб тун сояси ўрмалаётган эди.

Капитан Немо қўлини елкамга қўйиб, менга тантанали оҳангда мурожаат қилди:

— Жаноб профессор, менким, капитан Немо бугун, 1868 йилнинг йигирма биринчи мартада Жанубий қутбга ёки жанубий кенгликнинг 90-градусига етдим ва ер шарининг ана шу қисмига эгалик қила бошладим.

— Бу қитъага кимнинг номидан эгалик эълон қиляпсиз, капитан?

— Шахсан ўз номимдан, жаноб профессор!

У шу сўзларни айтди-ю, олтин билан «Н» ҳарфи ёзилган катта қора байроқни ёйди ва уфққа сўнгги нурларини таратаётган кун машъаласига қараб хитоб қилди:

— Хайр қуёш! Ёғду таратаётган машъала, кетавер! Шу бўм-бўш денгизга шўнғин ва менинг янги мулкимга олти ой тун соясини ташла.

## Үн бешинчи боб

### ТУВОҚДА

Кейинги кунни, 22 мартда, эрталаб соат олтида «Наутилус» командаси қайтишга тайёргарлиқ кўра бошлади. Сўнги ёғду тун қоронғисига сингиб кетди. Совуқ сезиларли даражада эди. Юлдуз туркумлари кўкда гоят ёрқин чарақларди. Тиккада жанубий ярим шарда қутб юлдузи вазифасини бажараётган Жануб Бути кўзни қамаштирар эди.

Термометр нулдан пастки ўн икки даражани кўрсатарди. Аёз юзни чимчилар эди. Денгизнинг қирғоқ томонларини юпқа муз қоплаган, бир неча соатдан сўнг бутун денгиз музлаб қоладигандай эди. Афтидан, олти ойлик жануб тунни мобайнида қутб ҳавзаси тамоман ўтиб бўлмас даражага етса керак. Китлар нима қиладилар? Улар ях остидан музламайдиган денгизларга кетса ажаб эмас. Қаттиқ совуққа одатланиб қолган тюленлар билан моржлар шу музлар оламида қолишарди. Бу жониворлар муз ялангликларини тешишар ва унинг бутунлай қопланишига йўл қўйишмас эди. Шу тешиклардан улар нафас олишади. Қушлар совуқдан қочиб шимол томонга, иссиқроқ ўлкаларга кетганда, моржлар билан тюленлар қутб қитъасининг яккаю ягона хўжайинлари бўлиб қоладилар.

Шу орада «Наутилус» резервуарларини тўлатиб, аста сувга чўка бошлади. Минг фут чуқурликда унинг винтлари ишлай бошлади ва кема соатига ўн беш миля тезлик билан шимол томон сузиб кетди. Кечга томон биз узлуксиз яхлит музликларнинг улкан гумбази остида борар эдик.

«Наутилус» тўсатдан бирор сузар муз билан тўқнашиб қолиши эҳтимоли бўлганидан эҳтиёт шарт салон деразалари тўсиқлар билан беркитиб қўйилган эди. Шунинг учун мен кун бўйи ёзувларимни тартибга солдим. Хаёлим тамоман қутб ҳақидаги хотиралар билан банд эди.

Биз ер шарининг инсон қадами етмайдиган бир ерига сира чарчамай, бутун қулайликлар билан етиб олдик, сузар вагонимиз гўё темир йўл излари устидан юриб борарди.

Эндиликда эса биз қулайликлар билан келган изимизга қайтмоқдамиз. Бу йўлда бизни янги мўъжизалар кутаётганмикин? Бунга ишончим комил, зеро денгиз хазинаси битмас-туганмасдир!

Тасодиф бизни сув ости кemasига ташлагандан буён ўтган беш ярим ой давомида ўн тўрт минг лье ёки эллик олти минг километр босиб ўтдик ва йўлимизда не-не гаройиб, кутилмаган ва қўрқинчли саргузаштларни бошимиздан кечирмадик!

Кўрганларим тун бўйи кўз олдимга келавериб, шишиб қизарган қовоқларимни бир зум ҳам юмолмадим. Мен Креспо оролидаги сув ости овимизни, Торрес бўғозида беихтиёр тўхтаб қолганимизни, океан тубидаги маржон қабристонини, Цейлон марварид конини, Арабистон тоннелини, Виго кўрфазидаги сочма олтинларни, Атлантидани, Жанубий қутбни хотирлар эдим.

Кечаси соат учда қаттиқ силкинишдан уйғониб кетдим. Урин устида ўтириб олиб диққат билан қулоқ солаётганимда тўсатдан «Наутилус» бир томонга қийшайиб, мени каюта ўртасига полга итқитиб ташлади.

Деворни ушлаб салонга кириб олдим. У ердаги бутун мебель полда ағанаб ётар эди. Бахтимизга витриналар яхши маҳкамланган экан, коллекциялар зарарланмапти. Бакбортнинг қуйи қисми девордан бутун бир фут очилиб кетганига қарамай, штирборт қопламасига осиб қўйилган суратлар елимлаб қўйилгандай қимир этмай турар эди.

Йўлақларда оёқ товушлари ва гала-говур эшитилар эди. Бироқ капитан Немо кўринмас эди. Салондан чиқаман деб турганимда у ерга Нед Ленд билан Консель кириб келишди.

— Нима бўлди?— ўша заҳоти улардан сўрадим.

— Буни хўжамдан сўрайман деб келган эдим,— деди Консель.

— Минг лаънат!— хитоб қилди канадалик.— Мен билман нима бўлганини! «Наутилус» саёз ерга тиқилиб қолди ва унинг оғишига қараганда, ўтган гал Торрес бўғозидан кўра чуқурроқ тиқилган.

— Аммо, нима бўлса ҳам, биз денгиз сатҳидамизми?— сўрадим мен.

— Билмадим,— деди Консель.

— Буни аниқлаш осон,— дея манометрга яқинлашдим. Унинг мили уч юз олтиш метр чуқурликни кўрсатаётганини кўриб ғоят таажжубландим.

— Бу нимаси?— хитоб қилдим мен.

— Капитан Немодан сўраш керак,— деди Консель.

— Аммо шу топда уни қасқдан топасиз?— эътироз билдирди Нед Ленд.

— Орқамдан юринглар,— дедим мен ўртоқларимга.

Биз салондан чиқдик. Кутубхонада ҳеч ким йўқ эди. Капитан Немо штурваль ҳужрасида деган қарорга келдим. У ерда уни безовта қилиш ноқулай эди, бинобарин, салонга қайтдик.

Нед Ленднинг шикоят ва мотамларини қайтариб ўтирмайман. Бу гал унинг хуноби ошишига асос бор эди. Ҳасратини айтиб олиб, бир оз бўшасин деб индамадим, аммо саволларига жавоб ҳам бермадим.

Шу алфозда йигирма минутча «Наутилус» йўлагидаги ҳар бир овозга диққат билан қулоқ солиб турган эдик, тўсатдан салонга капитан Немо кириб келди. Афтидан, у бизни кўрмади шекилли. Унинг одатдаги осойишта чехраси бу гал қаттиқ ҳаяжонланаётганини ифода этиб турар эди. У миқ этмай компас олди, манометрга борди ва ниҳоят карта олдида туриб, бармоғи билан картанинг Жанубий қутб денгизи кўрсатилган жойига ишора қилди.

Унинг хаёлини бўлгим келмади. Аммо бир неча минутдан сўнг мен томон ўгирилганида, ундан сўрадим:

— Яна бирор ишқал чиқдими, капитан?

— Йўқ,— жавоб берди у.— бу сафар кўнгилсиз воқеа.

— Жиддийми?

— Эҳтимол.

— Хавфлими?

— Йўқ.

— «Наутилус» саёзликка тикилиб қолдими?

— Ҳа.

— Қандай қилиб?

— Табиатнинг аллақандай тушунтириб бўлмайдиган тузоғи, бунда руль бошқарувчининг айби йўқ. У хатога йўл қўйгани йўқ. Бироқ биз тортиш қонунига халақит беришга ожизлик қиламиз. Инсон жорий қилган қонунларни назар писанд этмаслик мумкин, аммо табиат қонунлари билан ўйнашиб бўлмайди!

Капитан Немонинг фалсафа сўқиши ҳозир жоиз эмас эди. Очиғи у ўз жавоби билан менга ҳеч нимани тушунтириб беролмади.

— Бу ҳодисага нима сабаб бўлганини айтолмайсизми, капитан?— деб сўрадим мен.

— Жуда катта муз бўлаги, бутун бошли муз тоғи ағдарилиб кетди... Айсберглар остидан иссиқ оқим текканда: оғирлик маркази бир ўриндан иккинчи ўринга кўчади, бинобарин, ағдарилиб кетади. Сув остида сузаётган «Наути-

лус»га шунақа муз тоғи дуч келиб қолди. Афғарилиб кетган айсбергнинг остки қисми ўзи билан «Наутилус»ни ҳам тортиб, уни кўтарди-да, сўнг ёнбошладиб қўйди.

— Хўш, «Наутилус» резервуарларини бўшатиш йўли билан уни енгиллатиб, саёзликдан олиб чиқса бўлмайдими?

— Биз ҳам ҳозир худди шундай қиламиз, жаноб профессор. Қулоқ солинг-а — у ёқда насослар ишлаб, сувни сиқиб чиқаряпти. Манометр милига қаранг: «Наутилус» юқорига сузиб чиқяпти, аммо у билан бирга муз тоғи ҳам кўтариляпти. Унинг ҳаракатини бирор ров тўсмагунча, аҳволимиз ўзгармайди.

Чиндан ҳам «Наутилус» ҳамон штирборт томонга оғаетган эди. Айсбергнинг янги оғирлик маркази атрофида ҳаракати тўхтагач, «Наутилус» кўтарилади. Ким билади, борди-ю, айсбергнинг айланишини узлуксиз яхлит музларнинг остки сатҳи тўхтагудай бўлса, биз икки муз сатҳи орасида қолиб катта куч билан сиқилмасмикинмиз, бу-ку ҳолва, пачоғимиз чиқмасмикин?

Мен «Наутилус» дуч келган кўнгилсиз ҳодисанинг барча оқибатлари ҳақида ўйлаётганимда, капитан Немо манометр милидан кўз узмай турар эди. «Наутилус» айсберг билан тўқнашгандаги ҳолатига нисбатан юз эллик футга кўтарилган эди, аммо унинг оғиш бурчаги ҳамон штирборт томонда эди.

Тўсатдан сув ости кемасининг корпуси бир қалдираб олди. «Наутилус» кўтарилаётган эди. Салон деворида оснғлик турган суратларнинг туриш ҳолати ўзгара бошлади, бугина эмас, деворларнинг ўзи ҳам сезиларли равишда тик ҳолатга келаётган эди. Биз ҳаммамиз шунга эътибор бериб жим турар эдик. Аста-секин кема корпуси кўтарилаётганини нафас олмай диққат билан кузатар эдик. Салон поли горизонтал ҳолга келди.

— Хайрият, мана, ниҳоят тикланиб олдик!— хитоб қилдим мен.

— Ҳа, хайрият,— деди капитан Немо салоннинг чиқаришига бора туриб.

— Хўш, энди сузиб кетамизми?— сўрадим мен.

— Албатта,— жавоб берди у,— резервуарлар бутунлай бўшатилагани йўқ, бинабарин, насослар улардан ҳамма сувни сиқиб чиқаргач, «Наутилус» денгиз сатҳига кўтарилади...

Капитан чиққан заҳоти унинг буйруғига биноан насосларнинг ишлаши тўхтатилди. Ўз-ўзидан аёнки «Наутилус»

ҳам юқорига кўтарилмай қолди. Дарҳақиқат, биз яна кўга-риладиган бўлсак узлуксиз яхлит музларнинг остки сатҳига бориб урилиш хавфи бор эди, бинобарин, яхшиси чуқурликда маълум бир жойда туриш керак эди.

— Бахтимизни қаранг, қутулганга ўхшаймиз!— деди Консель.

— Ҳа. Бу муз парчалари бизни осонгина пачоқлаб ташлаши, жуда бўлмаганда асир қилиб қўйиши мумкин эди. Ана унда, ҳаво запасини янгилаш имкониятидан маҳрум бўлгач... Бахтимиз бор экан, эсон-омон қутулиб олдик!

— Агар чиндан ҳам қутулиб олган бўлсак!— деди паст овозда Нед Ленд.

Мен канадалик билан беҳудага баҳслашиб ўтирмадим ва унинг луқмасига жавоб ҳам бермадим.

Шу пайт салон тўсиқлари очилди ва биз дераза олдига югурдик.

Прожектор ёғдуси сувни мунаввар этиб турар эди. Биздан ўн метрча нарида жимирлаётган муз деворларнинг ёнлари кўтарилиб турган эди. Юқоридан ҳам, пастдан ҳам ўша деворлар! Юқоридан бошимиз узра улкан шипдай бўлиб узлуксиз яхлит муз бўлаги осилиб турар эди. Ағанаб, оғирлик маркази ён деворларига кўчган ва шу ҳолатда мустаҳкам ўрнашиб қолган айсберг пастда пол вазифасини ўтар эди. Шундай қилиб, «Наутилус» эни йигирма метр келадиган чинакам муз туннели орасида қолган эди. Биз ё олдинга ёки орқага сузиб, ўша ердан бир неча юз метр чуқурликка шўнғиб, узлуксиз яхлит музликлар зонасидан бемалол чиқиб кетишимиз мумкин эди.

Шипдаги лампалар ёнмаётганига қарамай, салонга ёрқин ёғду тушиб турар эди. Бу «Наутилус» прожектори нурларининг муз деворларда синиб қайтаётган акс ёғдуси эди.

Мен бу ёғдунинг сеҳрли жилосини сўз билан ифода этолмайман, зеро нурнинг ҳар бир синиши, муз парчасининг ҳар бир дўнг ери кристалл тузилишига қараб турлича рангда жилваланар эди.

Булар гўё сон-саноксиз қимматбаҳо тошлар — сапфир, зумрадлар хазинасига ўхшаб, бир-бири билан кесишаётган яшил ва кўк рангларда товланар эди. Қалин қабарик ойна ичига ўрнатилган лампа сингари прожектор ёғдуси ҳам юз баравар ошган эди.

— Нақадар гўзал! Кўз қамашадиган чирой!— дея завқланиб гапирди Консель.

— Ҳа,— дедим мен,— бу унутилмас манзара! Шундай эмасми, Нед?

— Ҳа, минг лаънат, ҳақ гап!— дея эътироф этди канадалик.— Мен бу фикрга қўшилаётганимга ичимдан зил кетяпман. Бунақасини сира кўрмаган эдим! Аммо бу томоша бизга қимматга тушса керак, деб ўйлайман. Табиат инсон унинг энг махфий сирларигача билиб олишини ёқтирмайди.

Нед Ленд ҳақ эди. Бу манзара инсон учун ҳаддан зиёд ажойиб эди

Тўсатдан Конселнинг қичқиригидан у турган томонга қарадим.

— Нима бўлди?— деб сўрадим.

— Хўжам кўзларини юмиб олсинлар! Хўжам қарамасинлар!

Шундай деб Консель қўлини кўзлари томон олиб борди.

— Сенга нима бўлди ўзи, огайни?

— Кўзим қамашиб кетди!

Мен беихтиёр дераза томон қарадим, аммо унинг ғоят кучли ёғдусига бардош беролмай ўша заҳоти кўзимни олиб қочдим.

Нима бўлгани аён эди: «Наутилус» шитоб билан олга сузиб кетди. Биз бир жойда турганимизда осойишта жимираётган прожектор ёғдуси жуда ёрқин яхлит нурларга айланди. Гўё жимираб турган миллиардлаб брильянтлар бир даста бўлиб қўшилди ва «Наутилус» чарақлаб кесишаётган яшин нурлари оралаб учиб борар эди.

Салон тўсиқлари ёпилди. Қуёшга узоқроқ тикилганда тўрсимон қобиқчалар пайдо бўлиб жимирагани каби олдимиздаги ёрқин концентрик<sup>1</sup> думалоқ нарсалар ёғдусидан қўлларимизни қамашиб кетган кўзимизга босдик.

Анчадан кейингина кўзларимиз ўз ҳолига келиб, атрофни кўра бошладик.

Ниҳоят қўлларимизни кўзимиздан олдик.

— Шунақа манзарани кўрганини биров менга гапириб берса,— деди Консель,— ўлсамам ишонмас эдим!

— Мен эса бунга ҳозир ҳам ишонмаяпман,— деди канадалик.

— Биз қуруқликка қайтганимиздан кейин,— сўзини давом эттирди Консель,— табиатнинг бу қадар кўп мўъжизалари олдида одамлар яшаётган ер ва инсон қўли билан

<sup>1</sup> Концентрик — умумий марказли доиралар.



яратилган нарсалар қанчалик аянчли кўринаркин! Йўқ, энди бизни оддий дунё қониқтиролмайди!

Бизнинг қанчалик завқ-шавққа тўлиб-тошганимизни фламандияликлар ичида ўта тепса тебранмас Конселдай одамнинг шунчалик ҳаяжон билан гапирганига қараб ҳам тасаввур этса бўлади! Аммо канадалик шундай ширин туйғуларимизга ҳам заҳрини сочмай қололмади.

— Одамлар яшайдиган ер?— дея қайтарди у бошини ликиллашиб.— Ташвишланманг, дўстим Консель: биз энди у ерларни сира кўролмаймиз!

Азонда, соат бешга яқин кема яна бир туртинди, бу гал туртки олд томондан бўлди. «Наутилус» тумшуги билан музга бориб урилганини сездим. Афтидан, руль бошқарувчи муз бўлаклари тўлиб ётган ва кемани олиб юриш осон бўлмаган бу тоннелда яхши маневр қилолмай қолганга ўхшайди. Капитан Немо бу тўсиқдан ўтгач, кема йўналишини ўзгартиради ва биз тоннелнинг илон изи йўлларида яна олға сузамиз деб ўйлаган эдим. Аммо мен кутганинг акси бўлиб, «Наутилус» орқага суза бошлади.

— Орқага қайтпимизми?— деб сўради Консель.

— Ҳа,— деб жавоб бердим мен.— Тоннелнинг бу ёғидан йўл бўлмаса керак.

— Демак...

— Демак, биз орқага қайтиб, тоннелнинг жануб томонидан чиқиб кетамиз. Бу ҳеч гап эмас.

Бунга ўзимнинг ишончим бўлмаса ҳам, дўстларимни ишонтиришга ҳаракат қилдим.

Бу орада «Наутилус»нинг орқага сузиши тезлаша бориб, ниҳоят кема тўла тезликка ўтди.

— Бу вақтни беҳуда ўтказишдан бўлак нарса эмас,— деди Нед Ленд.

— Бу ердан чиқадиган бўлганимиздан кейин, ортиқча бир неча соатнинг бизга нима аҳамияти бор!— деди Консель.

— Тўғри.— деб жавоб берди Нед Ленд.— агар биз чиндан ҳам бу ердан чиқа олсак.

Мен салондан кутубхонага бориб-келиб турибман. Уртоқларим бамайлихотир диванда ўтиришар эди. Бир ордан сўнг мен ҳам диванга ўтириб, ўзимни ўқишга мажбур қилдим, аммо кўзларим ҳарфларни шунчаки кўрарди, холос.

Орадан чорак соат ўтгач, Консель олдимга келиб сўради:

— Хўжам қизиқ китоб ўқияптиларми?

— Жуда қизиқ китоб,— деб жавоб бердим мен.

— Бунга шубҳам йўқ. Чунки, хўжам ўз китобларини ўқияптилар.

— Дарҳақиқат, мен тамоман ўйламаганим ҳолда ўзимнинг «Денгиз қаърининг сирлари» китобимки ушлаб турар эдим. Китобни ёпиб, яна салонда юра бошладим. Нед билан Консель менга халақит бермаслик учун дивандан туриб, эшик томон юрдилар.

— Дўстларим, кетманглар,— дедим уларга.— Туннелдан чиқиб олгунимизча бирга бўлайлик.

— Хўжам шуни истасалар, марҳамат,— деди Консель.

Бир неча соат шу алфозда ўтди. Мен тез-тез салон деворига осиглиқ турган асбобларга қарар эдим. Манометр миля биз муттасил уч юз метр чуқурликда сузаётганимизни кўрсатиб турар эди. Компас бирдай жануб томонга сузаётганимизни, лаг бундай тор жой учун ортиқчароқ бўлса-да, соатига йигирма миля тезликда бораётганимизни кўрсатар эди. Аммо ҳар бир минутнинг қиммати йилдан ошиқ бўлган ҳозирги шароитда капитан Немо ҳар қандай шошилиш чора ортиқча эмаслигини чуқур ҳис этар эди.

Соат саккиздан йигирма беш минут ўтганда кема иккинчи бор туртинди. Бу гал туртки қуйруқ томондан эди. Рангим қув ўчди. Уртоқларим ўринларидан сапчиб туришиб, менга яқинлашишди. Мен Конселнинг қўлини маҳкам ушлаб олдим. Биз савол назари билан бир-биримизга қарадик ва сўзсиз сўзлашув ҳар қандай бошқа гапдан тушунарлироқ эди.

Шу дақиқада салонга капитан Немо кириб келди.

Мен югуриб унинг олдига бордим.

— Жанубда ҳам йўл беркми?— сўрадим.

— Ҳа, жаноб профессор. Ағанаган айсберг бизни қамаб қўйибди.

— Биз тузоқдамизми?

— Ҳа.

### *Ун олтинчи боб*

## ҲАВО ЕТМАЙ ҚОЛДИ

Шундай қилиб, «Наутилус» ҳамма томондан ўтиб бўлмас муз деворлар билан ўралиб қолди. Биз музларга асир бўлиб қолган эдик.

Канадалик улкан муштумини столга урди. Консель жим турар эди. Мен капитандан кўз узмас эдим. Унинг юзига яна совуққонлик югурди. Қўлларини кўкрагига чамбарак қилиб ўйга толди.

«Наутилус» кимираётмай турар эди.

Капитан Немо сўз бошлади.

— Жаноблар, — деди у тамоман осойишталик билан, — бизнинг ҳозирги аҳволимизда ҳаёт билан видолашувнинг икки имконияти бор.

Бу галати одам ўзини бизнинг олдимизда математика профессори студентларга лекция ўқиётгандай тутар эди.

— Биринчиси — бу муз сиқиб қўйинчи, иккинчиси ҳаво етмай ўлиш. Мен очликдан ўлишни тамоман истисно этман, чунки «Наутилус» да ғамланган озуқа ҳеч шубҳасиз, биздан кейин қолгандарга ҳам етади. Шундай қилиб, биз ана шу икки имкониятни чамалаб кўрамиз.

— Менимча, ҳаво етмай ўлишдан чўчишга сира ҳожат йўқ, капитан, — дедим мен, — негаки «Наутилус» резервуарларига сиқиб ҳаво тўлатилган.

— Галингиз тўғри, — жавоб берди капитан, — улар бизни икки кунга етадиган ҳаво билан таъминлайди. Биз эса ўттиз олти соатдан буён сув остидамиз, кема ичида эса нафас олиш тобора оғирлашиб, ҳавони янгиллашга зарурат туғилмоқда. Қирқ саккиз соатдан кейин запас тугайди.

— Демак, шу муддат тугамай биз озодликка чиқиб олишимиз керак, капитан!

— Биз шунга интилишимиз керак. Муз деворни пармалаб кўрамиз.

— Қайси томондан? — деб сўрадим.

— Буни бизга зонд кўрсатиб беради. Мен ҳозир «Наутилус» ни муз катагимизнинг тубига тушираман ва матрослар скафандр кийиб олиб, муз деворларидан қайси бири юпқалигини аниқлайдилар.

— Салон тўсиқларини очса бўладими?

— Албатта. Ахир биз эндиликда ҳаракатсиз турибмиз-ку.

Капитан Немо салондан чиқиб кетди. Кўп ўтмай эшитила бошлаган ҳуштак овози резервуарларга сув қўйилганидан далолат берарди. «Наутилус» аста-секин муз катак остига, уч юз эллик метр чуқурликка туша бошлади.

— Дўстларим, — дедим мен Консель ва Нед Лендга, — оғир вазиятга тушиб қолдик, аммо ўзларингизга хос ба

ланд руҳ ва шижоатларингизни йўқотмасликларингизга аминман.

— Жаноб профессор хотиржам бўлсинлар, бунақа вақтда мен у кишига нолимайман,— деди канадалик.— Мен ҳаммамизнинг қутулишимиз учун нимаки зарур бўлса, бажаришга тайёрман.

— Жуда соз, Нед!— жавоб бердим канадаликнинг қўлини сиқиб.

— Шунини ҳам айтиб қўяйки, мен чўкични ҳам гарпун сингари яхши ишлата оламан, бинобарин, капитан Немога зарур бўлиб қолсам, хизматига тайёрман.

— Чўзган ёрдам қўлингизни бажонудил қабул қилишига шак-шубҳам йўқ. Юринг, Нед.

Мен канадалик билан «Наутилус» матрослари скафандр кийётган хонага ўтдим. Канадаликнинг таклифини капитан Немога айтганимда у бажонудил қабул этди.

Нед Ленд бошқа матрослар билан бир вақтнинг ўзиде скафандр кийиб олди. Улардан ҳар бири елкасига резервуарлардан тоза ҳаво тўлатилган руквейроль аппаратларини илиб олди,— бу «Наутилус»да ҳавонинг умумий миқдорини камайтирса-да, бу сарфни ортиқча деб бўлмас эди. Румкорф лампаларига келганда шунини айтиш керакки, унинг бу яхши ёритилган ерда кераги йўқ эди.

Нед скафандр ичига кириб олгандан кейин мен салонга қайтдим, унинг тўсиқлари очилган эди. Консель билан дераза ёнида ўтириб, «Наутилус»ни ўраб олган муз деворларни кўздан кечира бошладим.

Бир неча минутдан сўнг ўн икки гаввос муз устига чиқиб олганларини кўрдик. Улар орасида бўйчанлиги билан ажралиб турган Нед Лендни осонлик билан таниб олиш мумкин эди. Капитан Немо ҳам шу тўда ичида эди.

Музни синдиришга киришишдан олдин у яхши қайси томондан ёриш қулай бўлишини синаб кўриш мақсадида бир неча қудуқ қазишни буюрди. Узун пармалар ён деворларга киргизилди. аммо ўн беш метрга борганда ҳам музламаган сувга етмаган эди. Туннелнинг шипини ёриш мутлақо бефойда, чунки у узлуксиз яхлит музнинг пастки қатламлари бўлиб, қалинлиги камида тўрт юз метрча келарди. Шундан кейин капитан Немо туннелнинг остини парламашга буюрди.

Бу йўналишдаги муз қатламининг қалинлиги ўн метрдан ошмас экан. Бинобарин, ана шу муз гори остидан «Наутилус» ҳажмидан каттароқ тешик очиш, яъни «Наути-

лус»нинг муздан холи пастки сув қатламларига ўта олиши учун тажминан олти ярим минг куб метр яхни ёриш керак эди.

Ғаввослар тезда ишга тушдилар ва уни сира бўшаштирмай ғайрат билан давом эттирдилар. Капитан Немо музни қийин бўлмасин учун «Наутилус»нинг худди остидан эмас, балки кема корпусининг чапроғидан, саккиз метр наридан тешишни буюрди. Ғаввослар муз устига тешадиган жойларининг бичимини катта қилиб чиқиб олдилар ва бир неча жойда иш бошладилар. Уларнинг чўкичлари муз қатламларига барабар тушиб, катта бўлақларни кўчирар эди.

Бу ишнинг қизиқ бир томони бор эди: кўчириб олинган муз парчалари, сувдан енгил бўлгани сабабли шипга қалқиб чиқарди ва паст қанчалик юпқалашиб борса, ғор шипи шунчалик қалинлашар эди. Бироқ бу нарса бизни сира чўчитмас, чунки музнинг пастки қисми ҳар ҳолда камайиб бораётган эди!

Нед Ленд икки соатлик оғир ишдан чарчаб салонга кирди. У ва унинг ўртоқлари ўрнига матросларнинг янги тўдаси чиқди. Мен билан Консель ҳам уларга кўшилдик. Бизнинг ишимизни капитанинг ёрдамчиси бошқариб турди.

Бошда сув менга жуда совуқдай туюлди, аммо чўкич билан ишлагач, тезда қизиб олдим. Босим ўттиз атмосфера бўлишига қарамай, бемалол ҳаракат қилар эдим.

Икки соат ишлаб, овқатланиш, бир оз дам олиш учун «Наутилус»га қайтганимизда, мен Руквейрол аппаратидаги тоза ҳаво билан кеманинг карбонат ангидриди кўпайиб оғирлашган ҳавоси орасидаги кескин фарқни сездим. Кема ичидаги ҳаво қарийб қирқ саккиз соатдан буён янгиланмаган ва нафас олиш учун деярли яроқсиз бўлиб қолган эди.

Ун икки соат тинимсиз ишлаб, биз муздаги қизиқ ичида бир метрлик қатламнигина олиб ташлаган эдик. Агар кейинги ҳар бир метр учун ҳам ўн икки соатлик меҳнат талаб этиладиган бўлса, ишни поёнига етказиш учун бизга яна беш кечаю тўрт кундуз керак бўлади.

— Беш кечаю ва тўрт кундуз!— дедим мен ўртоқларимга.— Резервуарларимиздаги ҳаво эса атиги икки кечаю кундузга етади!

— Ҳали бу лаънати қамоқдан чиққандап кейин ҳам,— деб қўшиб кўйди Нед Ленд,— маълум вақтгача денгиз

сатҳига кўтарилолмай узлуксиз яхлит музликлар остидан сузишимиз ҳам кераклигини ҳисобга олмаганда.

— Нед Ленд ҳақ эди. Чиндан ҳам, очиқ жойга чиққунимизча қанча вақт ўтишини аниқлаш қийин эди ва бинобарин, биз «Наутилус» сув сатҳига кўтарилгунча ҳаммамиз бўғилиб ўлмасмикинмиз. Ҳаммамизга гўр музликлардан насиб этган бўлса ҳам ажаб эмас...

Аҳволимиз чиндан ҳам фожиали эди. Аммо ҳаммамиз хавф-хатарга тик боқардик ва бурчимизни охиригача адо этишга аҳд қилгандик.

Мен олдиндан айтганимдай, ўтган бир кеча ичида муз яна бир метр чуқурлашибди. Бироқ эрталаб скафандрни кийиб, музга чиққач, горнинг ён деворлари бир-бирига анча яқинлашиб қолганини кўриб қолдим: унга тегиб турган бир қатлам сув ғаввослар ишламаётгани учун музлаб қолибди.

Бу бизнинг қутулишга бўлган умидларимизни пучга чиқарувчи янги ва даҳшатли хавф эди. Сувнинг музлаб қолиб, туннель деворларининг яқинлашиб, «Наутилус»ни мўрт ойнадай мажақлаб ташлаш хавфини қандай қилиб ва нима билан даф этиш мумкин?

Мен ўртоқларимга бу янги хавф ҳақида ҳеч нима демасдим. Уларни қутулиш учун қилаётган ишидан совутишининг нима кераги бор? Аммо кемага келгач, бу жиддий мушкулликдан капитан Немони огоҳ этдим.

— Кўрдим, — деди у ҳаяжондан асар ҳам сезилмайдиган вазмин оҳангда. — Бу янги хавф, аммо уни тўхтатишга ожизман. Қутулишнинг бирдан-бир йўли шуки, бу тузоқдан сув музлагунча чиқиб кетиш керак. Ана шунақа.

«Ана шунақа», деди у. Унинг гапирини услубига аллақачон кўникишим керак эди!..

Кун бўйи бир неча марта муз устига чиқиб, чўкични қўлимга олиб астойдил ишладим. Иш мени анча тетиклаштирарди. Бундан ташқари, ишлаш — бу «Наутилус»дан чиқиб, кеманинг кислороди сийраклашиб огирлашиб қолган ҳавоси ўрнига резервуарларнинг тоза ҳавосидан нафас олиш имкониятига эга бўлиш деган гап эди.

Кечга бориб ўра яна бир метрга чуқурлашди.

Кемага қайтганимда углекислота билан тўлган ҳавони ўқкамга тортиб бўғилиб қолишимга сал қолди. Бизда нафас олишга зарарли бу газни йўқ қиладиган химиявий восита йўқлигини қаранг-а?! Кислород танқислигига сира дуч келмаган бўлардик. У бизни ўраб турган сувда иста-

ганча топилади. Батареяларимиздаги электр токида сувни парчалаш йўли билан осонликча кислород олишимиз мумкин эди. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрдиму, бироқ кейинчалик бу фикримдан қайтдим. Чунки биз нафас олаётганимизда чиқариб, бутун кемани тўлатган углекислотадан ҳавони қандай тозалаймиз? Углекислотани йўқ қилиш учун катта идишларга ўювчи натр тўлатиб, уни тинмай аралаштириш керак эди. Бироқ «Наутилус»да ўювчи натр йўқ эди ва биз унинг ўрнини босадиган бошқа ҳеч нарса билан алмаштиролмасдик.

Кечқурун капитан Немо ўз резервуарларининг мурватини очиб, кемага бир неча куб метр ҳаво чиқаришга мажбур бўлди. Агар у шундай қилмаганда, биз эрталаб туролмас эдик.

Эртаси куни, 26 мартда, қазувчилик ишимни давом эттириб, чуқурнинг бешинчи метрига чўкич урдим. Тунелнинг ён деворлари ва шипи сезиларди даражада яқинлашиб қолган эди. Иш суръати шундай давом этадиган бўлса, улар «Наутилус» чиқиб кетиб улгурмай қўшилиши аниқ эди.

Бир зумгина умидсизликка тушиб қолдим. Чўкич қўлимдан тушиб кетишига сал қолди. Бари бир ҳаво етишмаслигидан бўғилиб ўлишимиз ёки тошга айланган сув эзиб ташлаши аниқ бўлгандан кейин музени ёришининг нима ҳолати бор?

Назаримда мени аллақандай даҳшатли махлуқ жағлари орасига олиб сиқаётгандай ва у ортиқ очилмайдигандай бўлиб туюлди.

Худди шу дақиқада бизга бошчилик қилаётган ва ўзи ҳам чаққонлик билан чўкич ураётган капитан Немо ёнимдан ўтиб қолди. Мен уни тўхтатиб, қўлим билан қамоқхонамининг деворига ишора қилдим. Кечаси у кема томонга камидан тўрт метр яқинлашибди.

Капитан Немо нима демоқчилигимни тушуниб, орқасидан юришга ишора қилди.

Биз кемага қайтдик.

Скафандрни ечиб, унинг кетидан салонга кирдим.

— Жаноб Аронакс,— деди у.— биз бирон жасорат кўрсатадиган тadbир қўллашимиз керак, акс ҳолда биз музда цементлангандан ҳам мустаҳкамроқ парчинланиб қоламиз.

— Ҳа,— дея жавоб бердим мен,— аммо нима ҳам қила олардик?

— Эҳ,— хитоб қилди у,— агар «Наутилус»им бу босимга дош бериб, парчаланиб кетмаганида эди!

— Унда нима бўлар эди?— сўрадим капитан Немонинг бу билан нима демоқчи бўлганини англамай.

— Наҳотки сиз сувнинг музлаши бизга қўл келишини тушунмаётган бўлсангиз? Ахир сув музга гйлангач, у қўпроқ жой эгаллайди ва ҳеч шубҳасиз бизни асир қилиб турган муз майдонини, энг мустаҳкам тошларни ҳам музлаб ёргандай ёриб ташлайди. Наҳотки сиз бу бизнинг ҳалокатимиз эмас, қутулишимизга йўл очишини тушунмасангиз!

— Ҳа, капитан, бўлиши мумкин. Аммо «Наутилус» қанчалик мустаҳкам бўлмасин, у бу қадар даҳшатли босимга бардош беролмайди ва муз деворлар уни юпқа япроқ қилиб мажақлаб ташлайди.

— Бунисини биламан, профессор. Шунинг учун ҳам эндиликда табиатдан мадад кутаётганим йўқ, балки фақат ўзимга ишоняпман. Қандай бўлмасин сувнинг бундан ортиқ музлашига йўл қўймаслик керак! Уни тўхтатиш керак! Энди фақат ён деворларгина яқинлашаётгани йўқ: «Наутилус»нинг тумшуғи билан қуйруқ томонидан ҳар бири ўн футдан ортиқ келмайдиган сув бўшлиғи қолибди... Муз катагимиз ҳамма томондан торайиб келяпти!

— Резервуарлардаги ҳаво запаси қанча вақтга етади?— деб сўрадим.

Капитан Немо кўзимга тик қаради.

— Индинга.— деди у бир оз жим тургач.— резервуарлар бўшаб қолади!

Пешанамдан совуқ тер чиқиб кетди. Сирасини айтганда, бу жавоб мени таажжублантирмаслиги керак эди: 22 мартда «Наутилус» қутбдаги очиқ денгиз сувларига шўнғиган эди, бугун 26 март,— бинобарин биз беш кундан буён кемадаги запас ҳаво ҳисобига яшаймиз. Бундан ташқари, музни тешиш учун олиб борилаётган сув ости ишларига анчагина ҳаво кетди.

Ҳозир мана шу сатрларни ёзар эканман, бошимдан кечирилган даҳшат хотирамда худди кеча бўлиб ўтгандай шу қадар равшан турибдики, қўл ва оёқларимнинг томирлари тортишиб кетади ва ўпкамга нафас кирмаётгандай жон ҳолатда ҳаво ютаман...

Бу орада капитан Немо фикрини бир ерга гўллаб, жимгина хаёлга толган эди.

Тўсатдан унинг хаёлига аллақандай фикр келганини,



сездим. Бошда у бу фикрни хаёлидан қувмоқчидай бўлди, ўзи қоникмагандир. Аммо кейин унинг оғзидан:

— Қайноқ сув! Қайноқ сув!— деган сўзлар огилиб чиқди.

— Қайноқ сув?— қичқирдим мен.

— Ҳа, профессор. Биз жуда тор жойда қамалиб қолганмиз «Наутилус» насосларидан муттасил қайноқ сув пуркаб турилса, у атрофимиздаги сув ҳароратини кўтарари ва музлаш жараёнини тўхтатади!

— Бу воситани синаб кўриш керак,— дедим мен.

— Кўрамиз, жаноб профессор.

Кема ташқарисига қўйилган термометр нулдан пастки етти даражани кўрсатиб турар эди.

Капитан Немо кетидан кема ошхонасига кирдим. У ерда катта қайнатгич — денгиз сувининг шўрини кеткизадиган опреснитель турарди.

Қайнатгичга тўлатиб сув қўйилди ва «Наутилус»нинг электр батареялари бутун кучи билан сув айлашиб ўтган спираль найчаларни қизитишга қўйилди. Бир неча минут ичида сув қайнаш нуқтасига етди. Насослар уни ташқарига ҳайдаб чиқара бошлади, ўрнига эса ўша заҳоти янги совуқ сув кирар эди. Электр батареялар чиқараётган иссиқлик шу қадар баланд эдики, спираль найчаларга кирган муздай денгиз суви ундан юз даража ҳарорат билан чиқар эди.

Уч соат давомида тинимсиз қайноқ сув пуркаш натижасида симоб устунчаси бир даража кўтарилиб, минус олтини кўрсата бошлади. Орадан яна икки соат ўтгач, у тўрт даражага кўтарилди.

— Таъсир қилди! — дедим мен термометр кўрсаткичини кузата туриб. — Энди талаба бизники!

— Ҳа, — деди капитан, — мен ҳам шундай деб ўйлайман. Биз пачоқлашмаймиз. Энди ҳаво етишмай бўғилиб қолиш хавфидан қутулиш чорасини кўришимиз керак.

Бутун тун давомида сув ҳарорати нулдан пастки бир даражагача кўтарилди. Биз уни яна кўтаришга қанчалик уринмайлик бўлмади. Сирасини айтганда, музлаш жараёни тўхтагани учун бунга аҳтиёж ҳам йўқ эди. Кейинги кун, 27 мартда, эрталаб ўраининг чуқурлиги олти метрга етди. Шундай қилиб, яна атиги тўрт метр қазиш қолди, холос. Бунинг учун яна қирқ саккиз соат лозим эди.

Шу кун «Наутилус»нинг ичида ҳаво ўзгартирилмади. Капитан Немо резервуарларда қолган арзимаган ҳаво за-

пасини сув ости ишларига сақлаб турарди. Кемада нафас олиш соат сайин оғирлашиб борар эди.

Зилдай нарса бутун оғирлиги билан кўкрагимни эзаётгандай эди. Пешиндан кейин соат учда чидаб бўлмайдиган даражада қийнала бошладик. Мен тинимсиз ҳомуза тортар эдим. Упкаларим «Наутилус»нинг оғирлашган атмосферасидан жон ҳолатда ҳаётбахш кислород зарраларини симиришга интиларди, аммо бу зарралар нафас олган сари тобора камая борар эди.

Миям ва ўзим ҳаракат қилолмай донг қотиб қолдим. Дармонсизланиб деярли ҳушсиз ҳолда ётар эдим.

Меҳрибон Консель мендан кам азоб чекмаётганига қарамай, ёнимдан бир дам жилмади. У қўлимни олиб, мени тетиклаштирди. Қулоғимга шивирлагани кирди:

— Оҳ, қани эди ҳавони хўжамга эҳтиёт қилиш учун нафас олмаслигимнинг иложи бўлса!

Бу сўзларни эшитиб кўзларимда ёш қалқиди.

Кема ичида нафас олиш оғирлашган сари ишлаш навбати етганда шунчалик бажонудил скафандрларни киядиган бўлдик. Чўкичлар музга урилиб, жарангларди. Елка ва белларимиз чарчоқдан зирқираб оғрирди, қўлларимиз қадоқ бўлиб кетди. Аммо кўкракни тўлдириб тоза ҳаво симирганда чарчоқ ва оғриқлар ҳеч гап бўлмай қоларкан.

Шундай бўлса-да, ҳеч ким сув остида керагидан ортиқча турмас эди.

Икки соат ишлагач, ҳар бир киши тоза ҳаво тўлатилган қутқазувчи резервуарни кеманинг оғир атмосферасида бўғилаётган ўртогига узатишга ошиқар, бу эса унга яна ҳаёт бахш этар эди.

Капитан Немо қатъий тартибга риоя қилишда биринчи бўлиб намуна кўрсатар эди. Сувда иш муддати охирига етгач, у собит қадамлар билан кемага, заҳарли атмосферага қайтар эди. Унинг юзи илгаригидай осойишта ва оғзидан битта ҳам нолийдиган сўз чиқмас эди.

Ўша кун иш одатдагидан ҳам кўпроқ қунт билан давом этар эди. Бир кеча-кундузда муз яна икки метр чуқурлаштирилган, эндиликда биз билан муздан холи сувнинг оралиги атиги икки метр қолган эди.

Бироқ ҳаво резервуарлари тамоман бўшаган ва Руквейрол аппаратларидаги запасгина қолган эди, холос.

Кемага келиб, скафандрни ечганимда, ўша заҳотиёқ бўғилишимга сал қолди. Тунни қандай даҳшат билан ўтказ-

дим! Уни ифодалаш мумкин эмас, чунки бундай азоб-уқубатларни сўз билан баён этиб бўлмайди.

Эрталаб нафас олишим янада оғирлашган эди. Бош оғриғи устига тез-тез бошим айланиб, мастга ўхшаб каловланадиган бўлдим. Йўлдошларим ҳам худди шундай қийналишаётган эдилар. Матрослардан баъзи бирлари хириллай бошлаган эди.

Қамалиб қолганимизнинг ана шу олтинчи кунда капитан Немо чўкич билан иш ниҳоят даражада суст кетаётганини ва у охирига етказилмай ҳаво запаси тугаб қолишини ўйлаб, бизни очиқ сувдан ажратиб турган муз қатламини бошқа йўл билан тешишга қарор қилди. Бу одам идрок этиш, ғайрати ва ўзига хос совуққонлигини бирдай сақлаб турар эди. Ирода кучи билан у ўзини жисмоний азобларга кўниктирарди. У идрок этар, ихтиро қилар, интилар эди.

Унинг буйруғига биноан «Наутилус» резервуарларидан бир қисм сув сиқиб чиқарилди.

Кема муздан кўтарилганда уни биз қазиган улкан чуқурнинг худди марказига келтиришди. Сўнгра резервуарларга яна сув тўлатилди ва «Наутилус» чуқурнинг тубига бориб ўрнашди.

Бутун экипаж кемага қайтди ва икки қаватли эшик зич ёпилди.

«Наутилус» қалинлиги бир метрдан ошмайдиган, бунинг устига минг ери пармаланган муз қатламида турар эди. Капитан Немо резервуарларига сиққанча сув солишни ва шу йўл билан «Наутилус» оғирлигини юз минг килограммга етказишни буюрди.

Биз чекаётган азобларимизни ҳам унутиб, қулоқ солиб жон-жаҳдимиз билан кугиб турар эдик. Қутулиш учун қилинаётган таваккал эди бу.

Қулоқларим қаттиқ ғувиллаб турганига қарамай, кўп ўтмай мен «Наутилус» корпуси остида муз шарақлаётганини эшитдим. Овоз борган сари кучаймоқда эди. Биз пастлашиб борардик. Муз қоғозни йиртаётгандагига ўхшаш ғалати овоз чиқариб ёрилмоқда эди. «Наутилус» пастга туша бошлади.

— Утаяпмиз,— дея қулоғимга шивирлади Консель.

Унга жавоб беришга ҳолим келмади. Унинг қўлини олиб маҳкам сиқиб қўйдим.

«Наутилус» оғир балласи билан бўшлиқда учаётган ўқ сингари денгиз қаърига тошдай тушиб кетди.

Бир зумда батареялардаги бутун қувват насосларга берилди ва резервуарлардаги сув шувиллаб чиқа бошлади. Бир неча минутдан сўнг бизнинг пастлашувимиз секинлашди, сўнгра эса тамоман тўхтади ва манометр мили кўгарила бошлаганимизни кўрсатди.

«Наутилус» винти шу қадар тез ишлаб кетдики, бутун кеманинг корпуси зирллаб, қалдирай бошлади ва биз шимол томон учиб кетдик.

Бироқ бу муз остидан очиқ денгизга сузиб чиққунча қанча вақт кегади? Яна бир кунми? Унда мен бардош беролмайман...

Мен кутубхонадаги диванда ёнбошлаб ўтирган эдим. Нафасим бўғилаётган эди. Юзим кўқариб, лабларим тамоман қорайди. Бармоқларимни қимирлатишга ҳам дармоним қолмаган эди. Мен ҳеч нарсани кўрмасдим, қулоқларим эшитмасди, вақтни идрок этишдан маҳрум бўлган эдим. Мушакларим қотиб қолди..

Шу аҳволда неча соат ётганимни билмайман. Бироқ ўқтин-ўқтин ҳушимга келганимда жон талвасаси бошланганини сездим. Жон беришим муқаррарлигини билдим...

Тўсатдан ўзимга келдим. Упкамни тоза ҳаво сийпа-лаб ўтди. Наҳотки сув сатҳига чиққан бўлсак? Узлуксиз яалит музлар минтақасидан ўтганимизни қандай қилиб сезмай қолдим экан?

Йўқ, биз ҳамон муз остида эдик! Бу Консель билан Нед Ленд, содиқ дўстларим, мени қутқариш учун ўзларини қурбон қилаётган эдилар. Руквейрол аппаратларидан бири-да бир оз ҳаво сақланиб қолган экан. Ўзлари фойдаланмай бўғила туриб, бу ҳавони инъом этиб, менга ҳаёт нафасини уфурдилар.

Ҳушимга келгач, қутқарув аппаратини ўзимдан нари итармоқчи бўлдим, аммо улар қўлларимни ушлаб турдилар ва мен бир неча минут давомида ҳаётбахш газни роҳатланиб ютдим.

Соатга қарадим. Эрталабки ўн бир эди. 28 март бошланган эди.

«Наутилус» даҳшатли тезлик билан — соатига қирқ миля босиб, сувни ўқдай ёриб борар эди.

Капитан Немо қаерда қолди экан? Тирйкмикин? Унинг ўртоқлари омон қолишдимикин?

Шу дақиқада манометр мили денгиз сатҳидан атиги йигирма фут пастда кетаётганимизни кўрсатарди. Очиқ

ҳаводан бизни фақат юпқагина муз яланглиги ажратиб турар эди. Наҳотки уни ёриб бўлмаса?

Йўқ, мумкин! Ҳар ҳолда «Наутилус» шунга ҳозирлик кўраётган эди.

У қуйруқ томонини пастлатиб ўткир форштевнини кўтараётганини пайқадим. Кемани бундай ҳолатга келтириш учун қуйруқ томондаги резервуарга озроқ сув қуйиш кифоя эди. Шундан сўнг кучли винтлар воситасида юқорига кўтарилди ва муз яланглигига улкан таран сингарин ҳужум бошлади.

«Наутилус» бир жойнинг ўзига бир неча марта узоқдан тез сузиб келиб муз қатламини ўз оғирлиги билан тешиб чиққунимизча ура бошлади.

Люк очиқ, тўғрироғи, бузилган, бинобарин «Наутилус»нинг бурчак-бурчакларигача тоза ҳаво оқими кириб келди...

### *Ун еттинчи боб*

## ГОРН БУРУНИДАН АМАЗОНКАГА

Палубага қандай қилиб чиққанимизни эслай олмаймман. Эҳтимол у ерда мени канадалик олиб чиққандир. Мен ҳаётбахш денгиз ҳавосидан кўкрагимни тўлдириб, роҳатланиб нафас олар эдим. Ёнимда турган Нед Ленд билан Консель денгизнинг тоза нафасидан тўйгунча симиришга ётган эди.

Узоқ вақт оч юрган одам унга берилган таомни ниҳоят даражада меъёрида истеъмол қилиши керак, акс ҳолда касал бўлиб қолади. Биз эса тамоман бошқа гап,— бизлар ўзимизни чеклаб қўйишимизга ҳожат йўқ эди ва бинобарин, ўпкамизни тўлдириб нафас олавериб сармаст бўлдик.

— Оҳ,— дея хитоб қилди Консель,— тоза ҳаво нақадар соз! Хўжам истаганча нафас олаверсинлар — бу ерда ҳаво ҳаммамиз учун ҳам етарли.

Нед Ленд гапирмас, аммо оғзини шу қадар катта очаётган эдики, ҳатто унга акуланинг ҳам ҳаваси келган бўлур эди. Бунинг устига у ҳавони нақадар зўр куч билан ўпкасига торгар эди! Канадалик уни чарсиллаб ёнаётган печкадай ҳуштак чалиб симирар эди.

Тезда мадорга келдик. Эс-ҳушимиз тўла ўзимизга келгач, у ёқ-бу ёққа қарасам, палубада ёлғиз эканмиз. Бу ерда «Наутилус» матросларидан ҳеч ким кўринмас эди.

Капитан Немо ҳам йўқ эди. Бу ғалати одамлар кема ичида айланаётган ҳаво билан қаноатланишаётганга ўхшарди. Улардан ҳеч ким тоза денгиз шабадасидан баҳра олишга чиқмади!..

Менинг биринчи айтган сўзларим ҳамроҳларим ва содиқ дўстларимга миннатдорчилик бўлди.

Жон талвасаси бошланганда Нед Ленд билан Консель ҳаётимни сақлаб қолишди. Уларнинг бу олижаноб ишига сўз билан миннатдорчилик билдириш қийин эди!

— Қўйинг, жаноб профессор,— дея менинг миннатдорчилик сўзларимни бўлиб қўйди Нед Ленд,— бу ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ. Бу айтарли иш ҳам эмас. Бунда оддий нарсага амал қилинди: кимнинг ҳаёти зарурроқ? Узўздан равшанки — сизники. Бинобарин, биринчи навбатда уни сақлаб қолишимиз керак эди, вассалом!

— Йўқ, Нед, у сизларникидан зарурроқ эмас! Ҳеч кимнинг ҳаёти олижаноб ва ҳимматли одамларнинг ҳаётидан азиэроқ бўлиши мумкин эмас, сизлар эса ҳам олижаноб, ҳам ҳимматли кишиларсизлар!

— Бўлди, бўлди,— деб гудурлади хижолатомуз ваэиятда канадалик.

— Сен-чи, азизим Консель, жуда қийналдингми?

— Худди шундай, менга қиттаккина тоза ҳаво етиқирамай қолди, аммо яна бир оздан сўнг ўшанақа ҳавога ҳам кўникардим, назаримда. Бундан ташқари, хўжам қийноқдан тиришиб қолганини кўриб, нафас олгим ҳам келмай қўйди. Бунақа вақтда одатда айтганларидай нафас айланмай бўғивимга...

Довдираб қолган Консель гапини тугатолмай жим бўлиб қолди.

— Дўстларим,— дея ҳаяжонланиб жавоб бердим мен,— бошимиздан кечирган оғир дамлар бизларни умрбод мустаҳкам биродарлик иплари билан боғлади, бинобарин сизлар мендан истаган нарсаларингизни талаб этишларингиз...

— Талаб этамиз ҳам!— сўзимни бўлди канадалик.

— Нимани?— сўради Консель.

— Шу лаънати «Наутилус»дан қочишга қарор қилганимизда жаноб профессорнинг бизга қўшилишини.

— Айтгандай,— сўради Консель,— «Наутилус» қаёққа кетяпти? Шимолга кетяпмизми?

— Худди шундай,— деб жавоб бердим мен,— биз қуёшга қараб кетяпмиз, бу ерларда эса қуёш — бу шимол.

— Атлантик океангами ёки Тинч океанга, яъни серқат-

нов денгизларгами ёки камқатновига кетаётганимизни аниқлаб олсак бўлди экан-да?— сўради канадалик.

Бу саволга жавоб беролмадим. Аммо ҳар ҳолда капитан Немо кемасини Осиё ва Америка соҳилларидан ўтган ўша бепоён океанга олиб бормаса, деб қўрқяпман. Шундай қилиб, у жаҳон бўйлаб саёҳатини тугатиб, дунёнинг «Наутилус» ўзини эркин ҳис этадиган ўша қисмига қайтади.

Борди-ю, биз яна одам яшайдиган ерлардан узоқ бўлган Тинч океаннинг бепоён сувларига бориб қолсак, унда Нед Ленд режаларини қандай амалга оширамиз?

Бу муҳим саволга кўп ўтмай жавоб олишимиз мумкин эди. «Наутилус» катта тезликда сузиб борар эди. Биз тездз Қутб доирасини ортда қолдириб, Горн буруни томон йўл олдик.

31 мартда кечқурун соат еттига яқин Америка қитъасининг ана шу сўнгги нуқтаси траверсида<sup>1</sup> сузиб борар эдик.

Бу вақтга келиб бошдан кечирилган азоб-уқубатлар унутила бошланди. Муз бандиси бўлиб қолган кунлар ҳақидаги хотиралар анча сўниб қолган эди. Биз фақат келажак ҳақида ўйлаётган эдик. Капитан Немо салонда ҳам, палубада ҳам кўринмас эди.

Капитан ёрдамчиси кунда картага тушираётган белгилар кемамиз қайси томонга кетаётганидан мени хабардор қилиб турар эди. Шу кеча биз Атлантик океанга борадиганга ўхшаб қолдик.

Мен ўз кузатувларим натижасини Консель билан Нед Лендга айтдим.

— Бу хушхабар,— деди канадалик.— Аммо «Наутилус» қаёққа кетяпти?

— Ҳозирча бунисини айтолмайман, Нед.

— Балки капитан Немо Жанубий қутбдан сўнг Шимолійсини ҳам очиб, ундап эса машҳур Шимоли-ғарб бўғози орқали Тинч океанга ўтмоқчидир?

— Ҳар ҳолда биз уни бунга гижгижлатмасмиз!— деди Консель.

— Аммо биз уни бу режасини амалга оширгунча жамиятимиздан маҳрум этишга ҳаракат қиламиз,— деб қўйди канадалик.

— Нима бўлганда ҳам,— деди Консель,— ўша капитан Немо қондини урсин ва мен у билан тапшиганимга ачинмайман.

<sup>1</sup> Траверс — кема туган йўлга перпендикуляр йўналиш.

— Айниқса, ундан жудо бўлганингиздан кейин,— дея киноя билан қўшиб қўйди канадалик.

Эртаси куни, 1 апрелда, «Наутилус» тушдан бир неча минут олдин денгиз сатҳига кўтарилганда, биз аллақандай соҳил кўриниб турган жойда эдик.

Бу Оловли Ер эди. Маҳаллий аҳоли кулбаларининг томларида беҳисоб тутун бурқсиб турганидан уни дастлабки тадқиқотчилар шундай деб аташган.

Жанубий кенгликнинг 53 ва 56-градуси ҳамда гарбий узунликнинг 67-градус, 50-минут ва 77-градус, 15-минуту оралигида жойлашган Оловли Ер ороллар тизмасидан иборат бўлиб, узунлиги бир юз йигирма ва эни уч юз йигирма километр ерни ишғол этган эди. Биздан унча узоқ бўлмаган орол пасттекислик эди, бироқ уфқда баланд тоғлар кўзга ташланди. Сармиенто тоғига ўхшатгандай бўлдим. Бу тоғнинг ингичкалашиб борган чўққиси денгизчиларга об-ҳавони олдиндан билдириб турар эди. Ёнидан аррасимон бўлиб кўринадиган тоғ кўм-кўк осмон фонида ёрқин акс этса, ҳаво яхши бўлади, туман пардасига ўралиб қолса, демак ёмон ҳаво кутилади. Нед Ленд менга шундай деб тушунтирди.

— Хўш, Нед, бу барометр тўғри кўрсатадими?— деб сўрадим мен.

— Жуда тўғри, жаноб профессор,— жавоб берди канадалик. Магеллан бўғозидан неча марта сузиб ўтган бўлсак, у бизни бирор марта ҳам алдагани йўқ.

Шу дақиқада тоғ чўққиси кўм-кўк осмон фонида яққол кўзга ташланиб турар эди. Бу яхши ҳаво бўлишидан далолат берар эди. Дарҳақиқат тўғри чиқди.

«Наутилус» яна сув остига шўнғиб, шимол томон сузини шитоб билан давом эттирди.

Кечқурун биз Фалькленд оролларига етиб келдик ва эртаси куни тонг палласида океан сатҳига кўтарилганимизда, мен у ердаги тоғларнинг даҳшатли чўққиларини кўрдим. Океаннинг бу жойи унча чуқур эмас эди. Бу мени ороллар тизмасининг иккита асосий ороли ва унга туташган бошқа майда оролчалар узоқ ўтмишда Магеллаң ерларининг бир қисмини ташкил этган, деган фикрга олиб келди.

Фалькленд ороллари, афтидан, машҳур Жон Дэвис томонидан очилган бўлиши керак, у Дэвис жанубий ороллари деб номланган эди. Анча вақтдан кейин уни Бокира аёл ороллари деб, XVIII асрнинг бошларида Сен-Мало



денгизчилари бу оролларни ўз шаҳарлари шарафига Малуин деб, ниҳоят ороллар ҳозир ҳам ҳукмронликларида бўлган инглизлар унга Фалькленд деб ном қўйишган.

Ёввойи ғоз ва ўрдаклар гала-гала бўлиб, палуба устида чарх уришарди ва улардан кўпи ўша куниеқ дастурхонимизни бевади

Балиқлардан колбен оиласининг турлари, айниқса узунлиги йигирма сантиметр келадиган, ҳамма ёғи қўнғироқ ва сариқ қашқа билан қопланган бичок-колбенларни айниқса синчиклаб кўздан кечирдим.

Фалькленд оролларидаги тоғ кўздан ғойиб бўлгач, «Наутилус» сувга шўнғиди ва йигирма-йигирма беш метр чуқурликда Жанубий Америка соҳиллари бўйлаб сузиб кетди.

Капитан Немо илгаригидай кўринмас эди.

3 апрелгача биз патагон сувларида гоҳ океан қаърига шўнғиб, гоҳ сатҳига кўтарилиб суздик. 4 апрелда «Наутилус» Ла-Плага дельтаси ҳосил этган кенг лиман<sup>1</sup> ёнидан ўтиб, соҳилдан эллик миляча берида Уругвай траверсига чиқди. Капитан Немо Америка қитъасининг барча илонизи соҳилларидан ўтиб, ҳамон шимол томон йўл тутаётган эди. Сув ости кемасига Япон денгизида чиққанзимиздан буён «Наутилус» ўн олти минг лье ёки олтмиш тўрт минг километр масофани босиб ўтган эди.

Эрталаб соат ўн бирларга яқин биз ўттиз еттинчи меридианда Козерог тропигини кесиб ўтдик. Афтидан, капитан Немога, Нед Ленднинг бахтига қарши, аҳоли яшайдиган бу жойларнинг Бразилияга яқинлиги ёқмади шекилли, у ўз кемасини кишини эсанкиратувчи катта тезлик билан ҳайдади. Қанчалик тез ҳаракат қилмасин, биронта балиқ, бирор қуш «Наутилус»ни қувиб етолмасди ва шунинг учун ҳам биз бу денгизлардаги ҳайвонот дунёсини кузатиш имкониятидан маҳрум эдик.

9 апрелгача ўша шиддатли тезликда сузиб бордик. Шу кун кечқурун биз Жанубий Америка қитъасининг энг шарқий нуқтаси — Рок буруни ёнига келиб қолдик. Бироқ бу ерда «Наутилус» йўлини ўзгартириб, анча чуқурликка шўнғиди ва Рок буруни ҳамда Африка соҳилидаги Леон қояси оралиғидаги сув ости пастлиги томон сузиб кетди. Бу пастлик Антиль ороллари баландлигида иккига ажрайдди ва шимолга бориб, тўққиз минг метр ичкарида улкан

<sup>1</sup> Л и м а н — дарё этакларидаги кўрфаз.

чуқурлик билан тугайди. Бу ерлардан Кичик Антиль ороллариғача океан тубининг геологик кесими баландлиги олти минг метрли тикка қоялардан иборатдир. Яшил Бурун ороллари яқинида баландлиги бундан кам бўлмаган икки девор ўтиб, у жанубда сувга чўккан Атлантида қитъасига бориб тақалади. Бу улкан водий тубининг баъзи ерлари тоғлар билан қопланган бўлиб, сув ости манзарасини гўзаллаштириб юборган эди. Мен бу гапни асосан капитан Немонинг бевосита кузатувлари натижасида, ўз қўли билан тузилган бўлса ҳам ажаб эмас, картага қараб айтялман.

Икки кун мобайнида бу сувларнинг барча чуқурликларида бўлдик. «Наутилус» ўзининг чуқурлик рулларини ишга солиб, тикка ҳолатда ортида илон изи ҳосил этиб сузар эди.

Аммо 11 апрелда у тўсатдан сув сатҳига кўтарилди ва биз Амазонка дарёси қуйиладиган жойда яна ерни кўрдик. Бу дарё дельтасидан денгизга шу қадар кўп сув қуйилар эдики, соҳилдан жуда кўп миля нарида ҳам океан суви чучуклашиб борар эди.

Биз экватордан ўтдик. Жуда яхши бошпана бўла оладиган Франция мустамлакаси Гвиана биздан йигирма миляча гарбда қолиб кетди. Аммо кучли шамол ва шиддатли тўлқинлар енгил қайиқчани сувга туширишни хаёлга ҳам келтиришга қўймас эди. Бу Нед Лендга ҳам аён бўлса керак, қочиш ҳақида оғиз очмади. Мен ҳам оқибати албатта фалокатга олиб келадиган тентакона бирор ишни бошлаб қолмасин деб, унга бу ҳақда ҳеч нарса демадим.

Сирасини айтганда, бу монеликдан мен сира ўксинмай, ўзимни ажойиб кузатувлар билан овунтирар эдим. Икки кун давомида — 11 ва 12 апрелда «Наутилус» ҳамиша денгиз сатҳида бўлди ва унинг тўрларига жуда кўп зоофитлар, балиқлар ва ўрмаловчилар тушди.

Тўрга тушган балиқлардан бири Конселнинг хотирида яхши сақланиб қолди, ҳатто анчагача эслаб юрди.

Воқеа бундай бўлган эди.

Матрослар ташлаган тўрга бошқа балиқлар қаторида ясси ва агар думи қирқиб ташланса дум-думалоқ скатнинг хиан тушди. Бу скат каттагина бўлиб, вазни йигирма килограммдан кам эмас эди; унинг қорни оқ, қўнғир сикасида мрамарга ўхшаш катта-катта қашқалари бор, териси силлиқ ва сузғичлари икки парракли эди.

Тўрдан палубага ташланган скат жон ҳолатда типирчилаб, қорнига ағанаб олмоқчи бўлди ва чангак бўлиб палуба четига шу қадар яқинлашиб қолдики, сувга думалаб тушишига бир секундгина кифоя эди. Аммо у Конселнинг диққатини жалб этгани учун мен уни тўхтатишга улгурмай, балиқни икки қўллаб ушлаб олди.

Шу заҳотиёқ у ярим шол ҳолатида ўзини палубага ташлади.

У қичқирарди:

— Оҳ хўжам, хўжагинам! Ёрдам беринг!

— Бу — мен у билан танишганимдан буён шўрликнинг биринчи бор учинчи шахсда эмас, иккинчи шахсда мурожаат этиши эди.

Канадалик билан мен уни оёққа тургиздик ва тез ишқалай бошладик. Консель оёқ-қўлларини идора этиш даражасига етгач, бу абадий классификатор узиқ-юлиқ овозда шивирлади:

— Балиқлар синфи, қилтаноқли балиқлар синфчаси, скатлар гуруҳи, электр скатлар оиласи, мрамар электр скатлар тури...

— Ҳа, оғайни, — дедим мен, — худди шу мрамар электр скат сени шу азобга солиб қўйди.

— Хўжамни ишонтириб айтаманки, — дея эътироз билдирди Консель, — мен скатдан ўч оламан.

— Қандай қилиб?

— Мен уни ейман!

— У ўша кечасиёқ скатнинг гўшти жуда бемазалигига қарамай, афтидан фақат ўч олиш учунгина бўлса керак, айтганини қилди.

Шўрлик Консель электр скатларнинг энг хавfli турига дуч келган эди. Яхшигина ўтказгич ҳисобланган сувда туриб бу скат ўзидан бир неча метр масофадаги балиқни ўлдиради: унинг электр заряди шу қадар кучли.

Эртасига, 12 апрелда, кундузи «Наутилус» Марона дарёси қуйиладиган жойга яқин ерга Голландия мустамлакасига яқинлашди.

Бу ерда биз бир неча ламантинлар оиласини кўрдик. Бу манатлар бўлиб, дюгонлар сингари сиренлар гуруҳига кирар эди. Бу улкан махлуқларнинг узунлиги олти-етти метр бўлиб, вазни салкам тўрт минг килограммга борар эди.

Мен Конселга тадбиркор табиат бу сутәмизувчиларга фойдали ишни топшириб қўйганини гапириб бердим:

улар тюленлар билан бирга сув ости кенгликларида яшаб, тропик дарёлар қўйиладиган жойни ифлослантирадиган ўтлардан тозалайдилар.

— Биласизми, — деб қўшиб қўйдим мен, — одамзод Жанубий Америка соҳилларида бу махлуқларни бутунлай қириб ташлагандан кейин нима бўлган? Дарёлар қўйиладиган жойлардаги чириган йўсинлар ҳам сувни, ҳам ҳавони заҳарладилар, заҳарланган ҳавода эса бу ажойиб мамлакатлар учун офат бўлган сариқ безгак кенг тарқалади. Бутун тропик денгизларнинг соҳиллари заҳарли ўсимликлар билан тўлиб кетди, бинобарин, бу касаллик Рио-де-ла-Платадан Флоридагача тарқалди.

Туснелнинг фикрича, сўнгги тюленлар ва китлар қириб битказилгач, келажак авлод бошига тушадиган фалокатлар олдида бу ҳали ҳеч гап эмас. Унда денгизлар бемалол кўпая оладиган медуза ва кальмарлар билан тўлиб-тошиб, турли инфекцияларнинг катта ўчоғи бўлиб қолади, чунки «табиат денгизларни тозалаш вазифасини юклаган бу кагта қоринлар йўқолиб кетади».

— «Наутилус» экипажи бу назарияларга унчалик ишонмайдиганга ўхшайди, шунинг учун ҳам гўшти молниқдан анча мазалироқ манатларнинг олтитачасини овлаб олди.

Бу махлуқларни овлашнинг ҳеч қандай қизиғи йўқ эди — манатлар ўзларини ҳимоя этмай, қочиб қутулишга ҳаракат ҳам қилмай, ўлимларига тик қараб тураверар эдилар. Шундай қилиб, «Наутилус» омборхоналари ён нечанинг килограмм гўшт билан тўлди, бу эса кейинчалик қуритилиб, бизга анчагача мазали таом бўлди.

Уша куни бойликларга тўла бу сувлардаги яна бир антиқа ов «Наутилус»да озиқ-овқат миқдорини кўпайтирди. Палубага тортиб олинган тўрларнинг ҳалқасида боши четлари гўштдор, тухумсимон ясси шаклдаги пластинка билан тугайдиган бир неча балиқлар илиниб қолган эди. Бу макрел балиқлари оиласига мансуб бўлган прилипаллар эди. Уларнинг тухумсимон пластинкалари ҳаракат қилиб турадиган кўндаланг кемирчаклардан иборат бўлиб, ана шу кемирчаклар оралиғида балиқлар бўшлиқ ҳосил этарди, бу эса уларга истаган нарсанинг юзасига ёпишиб олиш имконини берар эди.

Тўрлардаги барча прилипалларни матросларимиз ўша заҳотиёқ сув тўлатилган махсус челақларга олиб ташлашди.

Балиқ ови тугагач, «Наутилус» сув сатҳида жуда кўп сонли йирик денгиз тошбақалари мудраб ётган соҳилга яқинлашиб келди.

Бу камёб денгиз ўрмаловчиларини тутиб олиш унча осон эмас эди, чунки улар тик ётган товушдан ҳам уйғониб кетадилар, мустаҳкам косалари эса гарпундан сақлайди. Аммо прилипаллар ёрдамида тошбақаларни тутиб олиш жуда осон. Бу балиқ — тирик қармоқ ҳар қандай балиқчи-га омад келтирар эди.

Матрослар прилипалларнинг ҳар бирининг думига биттадан ҳалқа кийгизишди. Бу ҳалқалар уларнинг эркин ҳаракат қилишига халақит бермайдиган даражада кенг эди. Ана шу ҳалқаларга узун арқон боғлаб, унинг бир учини палуба панжарасига маҳкамлаб қўйдилар.

Сувга туширилган прилипаллар ўша заҳотиёқ тошбақалар олдига сузиб бордилар ва уларнинг косаларига ёпишиб олдилар. Улар шу қадар қаттиқ ўрнашиб олишдики, узиб олишдан кўра бурдалаб юлиш осонроқ эди. Энди улар ёпишиб олган тошбақаларни палубага чиқариш учун арқонни тортиш кифоя эди.

Бу ов саранжомланиши билан Амазонка қуйилишидан жўнаб кетдик ва тунда «Наутилус» яна очиқ денгизда сузар эди.

### *Ун саккизинчи боб*

## САККИЗОЕКЛАР

Бир неча кунгача «Наутилус» Америка соҳилидан узоқда сузди. Капитан Немо, афтидан, Мексика қўлтиғига ҳам, Антиль ороллари бўйлаб ўтадиган сувларга ҳам киришни истамаётганга ўхшарди. Бунга саёзликни сабаб қилиб кўрсатиб бўлмайди, чунки бу денгизларнинг ўртача чуқурлиги бир минг саккиз юз метрга етади. Беҳисоб ороллар билан тўлган, пароходлар тез-тез учраб турадиган бу сувлар капитан Немога шунчаки ёқмаган.

16 апрелда қарийб ўттиз миля масофадан Мартиник оролини кўрдик. Узоқдан унинг тоғ қирралари ажралиб турар эди. Капитанга сездирмай қайиқни олишга эришса ерга ёки ороллар оралиғида қатнаётган жуда кўп кемалардан бирига чиқиб олиш борасидаги режаларини шу

ерда амалга оширишга умид боғлаган канадаликнинг тарвузи қўлтигидан тушди. Аммо очиқ денгизда бу ҳақда ўйлаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

Биз Нед Ленд ва Консель билан бу аҳволни атрофлича фикрлашиб олдик. Роппа-роса олти ойдан буён «Наутилус» кемасида бандимиз. Ун етти минг лье — олтиш сакиз минг километр йўл босдик ва Нед Ленд айтганидай, вақти келиб саёҳатимиз поёнига етади, дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Шунинг учун канадалик менга капитан Немони бизни умр бўйи ўз кемасида сақламоқчи бўлса рўй-рост айтишга мажбур қилиб кўришни таклиф этди.

Бу менга унчалик ёқмади. Менимча бу тамоман бефойда уриниш. Ахир биз капитан Немо марҳаматига умид боғлаб бўлмаслигига аллақачон ишонч ҳосил қилганмиз-ку! Бунинг устига охириги пайтларда капитан илгаригидан ҳам тундроқ, биқиқроқ, баджаҳлроқ бўлиб қолди.

У ўзини мендан олиб қочаётгандай эди. Мен уни аҳён-аҳёнда кўрар эдим. Бир вақтлар у менга сув ости мўъжизаларини имконият борича кўрсатиб, шундан баҳра олар эди; энди у салонга ҳам келмай қўйди.

Унда қандай ўзгариш содир бўлди экан? Нимадан? Мен уни ранжитганим йўқ. Балки бизнинг кемадалигимиз унга оғир ботаётгандир? Нима бўлганда ҳам вақти келиб шу одамнинг бизни озод этишига умид қилмас эдим.

Мен Нед Ленддан унинг таклифларини ўйлаб кўришга имкон беришини сўрадим. Борди-ю, бу уриниш қутилган натижани беролмаса, унда капитан Немода шубҳа уйғотиб қўяди ва канадаликнинг режаларини амалга оширишга ҳалақит беради. Бизнинг кемадаги ҳаётимиз янада оғирлашади.

Шуни эътироф этишим керакки, биронтамиз ҳам соғлигимиздан сира шикоят қилолмас эдик. Жанубий қутб музликларидаги қаттиқ синовни ҳисобга олмаганда биз, на Нед, на Консель, на мен ўзимизни ҳеч қачон бундан яхшироқ ҳис этмаганмиз. Фойдали овқат, соф ҳаво, бир меъёрдаги ҳаёт, ҳамизга мўътадил иқлим — буларнинг бариси касални йўлатмас эди.

Капитан Немо учун ердаги хотиралар афсусланишига сира ўрни қолдирмаслигини, қасрда бўлмасин, ўзини уйдагидай ҳис этишини, шунақа умр кечириш унинг учун аъло ҳисобланганини яхши тушунар эдим. Аммо биз инсоният билан алоқамизни узмаган эдик ва бундай қилганини ўйлаётганимиз ҳам йўқ. Чунинчи, мен шов-шувга сабаб

бўладиган сув ости кузатувларимни ўзим билан бирга гўрга олиб бориш ниятим сира йўқ.

Энди мен денгиз тубининг сирлари ҳақида китоб ёзишга шак-шубҳасиз ҳақлиман ва албатта, бу китоб эртамикечми рўёбга чиқишини истар эдим.

Лоақал Антиль оролларида ўтадиган мана шу сувларни олинг. Океан сатҳидан ўн метр чуқурликда ҳар куни қандай ажойиб кузатувлар олиб бориб, кундалигимга ёзганман!

Бу ерда теккан жойни қичитқи ўт сингари куйдирадиган ва заҳарли суюқлик ажратадиган медузалар учради. Ҳалқага ўхшаган қуртлардан бу ерда узунлиги бир ярим метр, пушти ранг хартумли ва бир минг етти юзта ҳаракат органи бўлган аннелидлар бор эди. Улар сув остида буралиб, атрофга камалак сингари барча рангда нур таратарди. Кемирчакли балиқлардан бу ерда узунлиги ўн фут ва вазни икки юз қирқ килограмм келадиган, кўкрак сузгичлари учбурчак, кифти дўппайган, кўзлари бошининг олд томонининг икки четида лўқ бўлиб турадиган скатлар бор эди. Улар бизнинг деразаларимизга зич қилиб қоқилган тўсиқлардай ёпишиб, ҳалокатга учраган кема парчалари сингари сузар эди. Бу ерда табиат фақат икки — оқ ва қора бўёқ берган Америка спинороглари; узунлиги бир ярим метр, калта, аммо ўткир тишли макреллар учради. Шунингдек, бошидан думигача олтин ранг тасма билан қопланган, сузгичлари бениҳоя гўзал султон балиқлар гала-гала бўлиб сузиб юришар эди. Табиат яратган бу энг гўзал балиқлар бир вақтлар маъбуда Дианага бағишланган бўлиб, айниқса давлатманд римликлар томонидан юксак баҳоланган эди. Улар ҳақида ҳатто мақоллар тўқилган: «Султонбалиқлар уни овлаганларга насиб қилмайди». Ниҳоят духоба ва ипаклик кийиб олгандай қоя балиқлари оиласидан олтин ранг монахлар кўз олдимиздан Веронезе<sup>1</sup> расмидаги синьорлар сингари сузиб ўтишар эди. Кичкинагина чаққон спарлар бу балиқлар яқинлашиши билан дуч келган томонга қочишарди. Кефаллар ўзларининг гўштдор думлари билан сувни ёриб сузишар эди. Ўз номларига муносиб ойбалиқлар сузган жойларида атрофларига оқ ёғду таратар эдилар.

«Наутилус» бундан чуқурроқ сув қатламларига тушмаганида, яна аллақанча ажойиб ва янги турларни кўрган

<sup>1</sup> Веронезе — машҳур итальян рассоми.

бўлур эдим! Пастга қаратиб қўйилган горизонтал руллар уни икки, уч ва уч ярим минг метр чуқурликка олиб тушиб кетди. Бу ерда ҳайвонот олаmidан денгиз юлдузлари, медузалар ва баъзи бир хил моллюскаларгина бор эди.

20 апрелда биз бир ярим минг метр чуқурликда суздик. Энг яқин ер сув сатҳида харсанг тошлари кўриниб турган Багама ороллари эди. Енларини сув силлиқлаган ва улкан йўсинлар қоплаб ётган баланд сув ости қоялари чиқиб турар эди. Бу титанлар оламига муносиб чинакам денгиз боғи эди!

Ҳоят катта бу ўсимликлар бизни табиий равишда баҳайбат денгиз ҳайвонлари ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Бироқ «Наутилус» деразаларидан узун сув ости новдалари устида мен қисқичбақасимонлар оиласининг фақат айрим намуналарини — узун қисқичли бинафша ранг қисқичбақаларни кўрдим.

Нед Ленд баланд сув ўтлари орасида бир нима бўляпти, деб диққатимни жалб этаётганида соат ўн бир эди.

— Бу саккизоёқлар учун жуда қулай жой, — дедим мен, — ва бу ерда у баҳайбат махлуқларни кўргудай бўлсам, сира ажабланмас эдим. Аммо дўстим Нед, афтидан, адашганга ўхшайди, чунки бу ерда шубҳалантирувчи бир нарса кўрмайман.

— Аттанг, — деди Консель. — Эшитишимча бутун бошли кемаларни тубсиз денгиз қаърига судраб кета оладиган шу саккизоёқлардан бирини жон деб томоша қилган бўлардим. Бу баҳайбат махлуқлар крак...

— Крак ҳам, бошқа ҳамма нарса ҳам шу ерда! — деб киноя билан унинг сўзини бўлди Нед.

— ... кракенлар, — дея масхара қилинаётганига сира парво қилмай сўзини тугатди Консель.

— Дунёда шунақа баҳайбат махлуқлар борлигига, — деди Нед Ленд, — сира ишонмайман.

— Нега энди? — дея эътироз билдирди Консель. — Ахир биз нарвалнинг мавжудлигига ишонган эдик-ку.

— Аммо адашган эканмиз, Консель!

— Шубҳасиз! Бироқ бошқалар унинг мавжудлигига ҳамон ишонишмоқда.

— Эҳтимол шундайдир, Консель, аммо менга қолса бу баҳайбат махлуқларни ўз қўлим билан ёриб кўрганимдагина уларнинг мавжудлигига ишонаман, — дедим мен.



— Шундай қилиб,— деди Консель,— хўжам гигант саккизоёқлар борлигига ишонмас эканлар-да?

— Илгари биров ишонганмиди? — дея қичқирди Нед Ленд.

— Жуда кўп одамлар ишонган, дўстим Нед.

— Фақат балиқчилар эмас! Олимлар — бўлиши мумкин.

— Мени кечирасиз, — Нед, — балиқчилар ҳам, олимлар ҳам.

— Аммо мен, шахсан ўзим, — деди Консель жуда жиддий қиёфада, — саккизоёқнинг чангалида катта кеманинг чуқурликка чўкаётганини ўз кўзларим билан кўрганман.

— Шахсан ўзингиз кўрганмисиз? — деб сўради канадалик.

— Ҳа, Нед.

— Ўз кўзларингиз билан, а?

— Ҳа, дўстим Нед.

— Қаерда, билсак бўладими?

— Сен-Малода, — деб парвосизгина жавоб берди Консель.

— Портдами? — масхараомуз сўради Нед.

— Йўқ, черковда, — жавоб берди Консель.

— Черковда? — таажжуб ичида хитоб қилди канадалик.

— Ҳа, дўстим Нед. Бу биз худди ҳозир гапирганимиздай саккизоёқ тасвирланган сурат эди.

— Ҳа, бундоқ денг! — дея қичқирди Нед Ленд ва қаҳқаҳ отиб кулди. — Консель мени калака қиляпти!

— Ахир Консель тўғри айтяпти, — дедим мен. — Мен бу сурат ҳақида эшитганман. Унинг сюжети афсонадан олинган, табиёт тарихига доир афсоналарга қандай муносабатда бўлиш кераклигини биласизми, айниқса, гап баҳайбат махлуқлар устида борганда. Бу ўринда тасаввурнинг чегараси бўлмайди. Одамлар бутун бошли кемани денгиз қаърига чўктирадиган саккизоёқлар ҳақидаги ҳикоялар билангина кифояланаётганлари йўқ. Николай Магнус деган кишининг айтишича, у узунлиги бир миляга етадиган ва тирик мавжудотдан кўра оролга ўхшаган саккизоёқни кўрган экан. Бошқа «ўз кўзи билан кўрган» кишининг хабар беришича: бир куни епископ Нидросский катта қоя устига меҳроб қурган экан. Ибодат қилиб бўлган, қоя ўрнидан қўзғалиб денгизда сузиб кетибди. Маълум бўлишича, у қоя эмас, саккизоёқ экан.

— Ҳаммаси шуми? — сўради канадалик.

— Йўқ, — деб жавоб бердим мен. — Бошқа бир епископ, Понтопидан Берхемский устида бутун бир отлик ас-жарлар полки бемалол машқ ўтказган саккизоёқ ҳақида хабар қилган.

— Аммо бу епископлар қанчалик ёлғончи-я! — деди Нед.

— Ниҳоят қадимги табиатшунослар оғзи бутун бир қўлтиқдай келадиган, ўзи шу қадар каттаки, Гибралтар бўғозидан сигмаган баҳайбат махлуқлар ҳақида ҳикоя қилганлар.

— Катталигини қаранг-а! — деди канадалик.

— Аммо шу ҳикояларнинг биронтасида лоақал зигирча ҳақиқат борми? — деб сўради Консель.

— Ҳеч қандай ҳақиқат йўқ, дўстларим. Буларда ҳатто ҳақиқатнинг сояси ҳам йўқ. Ҳикоя қилувчиларнинг тасаввурига баҳона бўлмаса ҳам туртки керак бўлган. Каттагина саккизоёқлар ва кальмарлар борлигини инкор этиб бўлмайди, аммо барибир улар катталиқда китсимонлардан ортиқ эмас. Чунончи, Аристотель, узунлиги беш тирсақ, яъни уч метру ўн сантиметр келадиган кальмарлар борлигини тасдиқлаган. Бизнинг балиқчиларимиз узунлиги қарийб икки метрга етадиган кальмарларни тез-тез учратиб турганлар. Натуралистларнинг ҳисобига кўра бошоёқли — кальмар ёки саккизоёқлар — диаметри атиги олти футлисининг роса йигирма етти футли чангали бўлади. Баҳайбат махлуқ бўлиб кўриниш учун шунинг ўзи тамоман кифоя!

Ҳозирги кунларда ҳам саккизоёқларни ушлашадими? — деб сўради канадалик.

— Ушлашадими, йўқми, бунисини билмайману, аммо денгизчилар баъзан уларни учратишади. Дўстларимдан бири, гавралик капитан Поль Бос Ҳинд океанида жуда катта саккизоёққа дуч келганини айтган эди. Аммо бу гигант ҳайвонларнинг борлигига шубҳа қолдирмаган энг ҳайратомуз воқеа 1861 йили содир бўлган эди.

— У қандай воқеа экан? — деб сўради Нед Ленд.

— Ҳозир айтаман. 1861 йили Тенерифнинг шимоли-шарқида, деярли биз ҳозир турган кенгликда, турли жойларга юбориладиган «Алектон» кемасининг экипажи ўзидан унча узоқ бўлмаган ерда даҳшатли саккизоёқни кўрди. Кема командири Буге махлуққа яқинлашди ва гарпун, ҳамда қурооллардан ўқ узиб, ҳужум бошлади, аммо кўнғилдаги на-

тижага эришилгани йўқ. Чунки ўқ ва гарпунлар унинг юмшоқ танасига хамирга тушгандай ботиб қолаверар эди. Узоқ давом этган, ammo натижасиз уринишлардан сўнг экипаж махлуқ танасига сиртмоқ ташлади. Арқон дум сузгичига сирғалиб тушиб, унга илиниб қолди. Баҳайбат махлуқни кема бортига тортиб олишга уриниб кўришди, ammo у шу қадар оғир эдики, арқон уни иккига бўлиб, зуми узилди ва бу беагидан ажраб қолган баҳайбат махлуқ тўлқинлар ичига ғойиб бўлиб кетди.

— Бўлган воқеами? — деб сўради Нед.

— Шубҳа қилиб бўлмайдиган даражада аниқ воқеа, дўстим Нед. Бу саккизоёқни Буге саккизоёғи деб номлашни таклиф этишган.

— Узунлиги қанча бўлган? — деб сўради канадалик.

— Олти метрча бўлса керак, тўғрими? — деди дераза олдида туриб, яна сув ости қояларидаги ёриқларни кўздан кечири бошлаган Консель.

— Жуда тўғри, — жавоб бердим мен.

— Бундан ташқари унинг бошида, сувда илон инидай буралиб турадиган саккизта чангали ҳам бўлганми?

— Худди шундай.

— Кўзлари косасидан чиққан.

— Ҳа, Консель.

— Оғзи ҳам тўғиқушнинг тумшугига ўхшагану, фақат ҳаддан ташқари каттами?

— Худди шундай.

— Жуда соз! Хўжамнинг рухсатлари билан, — бамайлихотир деди Консель, — мана, ўша Буге саккизоёғи ёки жуда бўлмаганда унинг энг яқин уруғларидан бири!

Мен ҳайрат билан Конселга қардим. Нед Ленд дераза томон шошилди.

— Қандай даҳшат! — қичқириб юборди у.

Мен деразага қараб ваҳимадан юзимни буриштирмай туролмадим. Кўз олдимда ҳар қандай энг кўрқинчли афсонада тилга олинса бўладиган даҳшатли махлуқ намоён бўлди. Бу ғоят улкан, саккиз метрча келадиган саккизоёқ эди. У йирик кўкимтир кўзларини биздан узмай шиддат билан «Наутилус» томон сузиб келаётган эди. Унинг саккизта чангали ёки оёқлари худди бошидан чиққани учун ҳам шу хилдаги ҳайвонлар бошоёқлилар деб аталиб, — бу унинг танасини ҳам икки беравар каттароқ қилиб кўрсатар эди. Чангаларининг ички томонидаги икки юз эллик сўргичи

яққол кўриниб турар ва ярим айлана шаклидаги шишга ўхшарди. Баъзан ана шу чангаллар салон деразасига ёпишиб қолгандай бўлар эди.

Баҳайбат махлуқнинг тўти тумшугига ўхшаш шохсимон ва қайрилма оғзи бир очилиб, бир ёпиларди. Шунингдек унинг шохсимон моддали ўткир ўсимталар билан қопланган тили шу бесўнақай омбирлар орасидан қалтираб кўрилиб турар эди. Табиатнинг инжиқлигини қаранг! Моллюскада қуш тумшуги!

Саккизоёқнинг урчуқсимон, ўртаси шишган танаси гўштдор бўлиб, камида йигирма ёки йигирма беш минг килограмм келар эди. У тургун бир рангда эмас — тинмай тўқ кул рангдан жигар ранг-қизғиш бўлиб ўзгариб турар эди. Бу моллюска нимадан жаҳли чиқаётган эди? Шубҳасиз, сўргич чангаллари ва даҳшатли жағлари зигирча ҳам қор қилмаётган «Наутилус»дан даргазаб эди.

Бу саккизоёқлар нақадар даҳшатли, табиат уларга қанчалик куч-қудрат бахш этган, уларнинг ҳаракатлари нақадар шиддатли!

Тасодиф бизни саккизоёққа йўлиқтирди, бинобарин мен шу яккаю ягона имкониятдан фойдаланиб, бошоёқлиларнинг бу намунаси билан атрофлича танишмоқчи бўлдим. Махлуқни кўргандаги қўрқувимни босиб, қўлимга қалам олдим ва унинг суратини чиза бошладим.

— Балки бу ўша «Алектон» ушлаган саккизоёқдир? — деди Консель.

— Йўқ, — дея эътироз билдирди канадалик, — ахир бу бут-бутунку, у эса думидан ажралган!

— Бу исбот бўлолмайди, — дея эътироз билдирдим мен. — Бу махлуқнинг чангаллари ва думи қайта ўсиб чиқаверади, бинобарин, менимча Буге саккизоёғининг думи қайта ўсиши учун старли вақт ўтди.

— Модомики, — деди Нед, — бу нозанин саккизоёқ Бугеники эмас экан, балки у мана бу ерда, булар орасидамикин?

Дарҳақиқат, штирборт томондан ойнада яна бир неча саккизоёқ кўринди. Улар еттитача эди. Саккизоёқлар «Наутилус» атрофида тантанавор юришар ва мен уларнинг тумшуқлари кеманинг темир қопламасига тегиб фикжирлаётганини эшитиб турар эдим. Кузатиш учун ажойиб фурсат! Мен ўз ишимни давом эттирдим. Махлуқлар биздан бир қадам ҳам нари кетишмас, гўё ҳаракатсиз тургандай,— бинобарин, истасам уларнинг аксини ойнага туши-

ришим ҳам мумкин эди, зеро жуда осойишта тезликда су-  
зардик.

«Наутилус» тўсатдан тўхтади. Қаттиқ турткидан кема  
корпуси қалдираб кетди.

— Биз бирон нарсага урилдикми? — сўрадим мен.

— Нима бўлганда ҳам бу тўсиқ ортда қолиб кетди, не-  
гаки биз яна суза бошладик, — деб жавоб берди канадалик.

«Наутилус», шубҳасиз, сузишга ҳаракат қилаётган эди,  
аммо ўрнидан қўзғала олмас эди. Унинг винт парраклари  
тўлқинларни кесолмаётган эди.

Бир дақиқадан сўнг капитан Немо ёрдамчиси билан са-  
лонга киришди.

Капитанни анчадан буён кўрмаётган эдим. Назаримда у  
анча маънос кўринди. Бизга сира эътибор бермай, эҳтимол  
кўрмагани учундир, дераза ёнига борди, саккизоёқларга қа-  
раб олгач, ёрдамчисига бир неча оғиз сўз айтди.

У чиқиб кетди. Кўп ўтмай тўсқичлар ёпилди ва салон  
шиппи ёришди.

Мен капитан олдига бордим.

— Саккизоёқларнинг ажабтовур коллекцияси, — дедим  
мен назар-писанд этмагандай сохталик билан.

— Тўғри айтяпсиз, жаноб натуралист ва биз улар би-  
лан ҳаёт учун эмас, ўлимга юзма-юз туриб курашамиз!

Мен ҳайрон бўлиб капитанга қарадим. Эшитилмагандай  
бўлиб туюлди менга.

— Ҳаёт учун эмас, ўлимга юзма-юз туриб дейсизми? —  
деб қайтардим.

— Ҳа, профессор. Винт тўхтаб қолди. Менимча, бу сак-  
кизоёқлардан биронтасининг шох жағлари парракка тиқи-  
либ қолган. Бу эса ҳаракат қилишимизга халақит беряпти.

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

— Сув сатҳига чиқиб, бу лаънатиларни битта қолдир-  
май қириб ташлаймиз.

— Оғир иш.

— Билиб турибман! Электр ўқлари бу юмшоқ нарсага  
кор қилмайди: ўқлар қаршиликка дуч келмаяпти ва шу-  
нинг учун портлай олмайди. Уларга болта билан ҳужум қи-  
лашга тўғри келади.

— Гарпун билан ҳам, капитан, кўмагимни қабул этсан-  
гиз, — деди канадалик.

— Қабул этаман, мистер Ленд.

— Биз ҳам бирга борамиз, — дедим мен капитанга.

Трап олдида ўн матрос болта ушлаб туришарди. Мен

билан Консель ҳам биттадан болта олиб олдик. Нед Ленд гарпунини олди.

«Наутилус» океан сатҳига кўтарилди. Денгизчилардан бири трапнинг сўнгги зинапоясида туриб люк қопқоғининг болталарини буради. Гайкаларни олиши биланоқ саккизоёқ чангалидаги сўргичлар ёрдамида бўлса керак, люк қопқоғи зарб билан очилди. Уша ваҳотиёқ унинг узун оёқларидан бири илондай тўлганиб ичкарига кирди.

Капитан Немо бу даҳшатли чангални болта билан бўлиб ташлаши ҳамоно зинадан сирғалиб ва буралиб пастга думалади...

Бир-биримизга туртинишиб тез палубага чиқаётганимизда саккизоёқнинг бошқа иккита чангали яшин тезлигида капитан Немо олдида турган денгизчига ўралиб, уни вўр куч билан сиқа бошлади. Капитан Немо қичқириб, ўзини олдинга ташлади. Биз унинг кетидан чопдик. Қандай даҳшатли манзара! Сўргичлар билан қисиб олинган шўрлик ҳавога кўтарилди-да, хириллаб, нафаси бўғилганча муаллақ осилиб қолди. У қичқирар эди:

— Ёрдам беринглар! Ёрдам беринглар!

Француз тилида айтилган бу сўзлар мени ғоят тааж-жубга солди. Демак, кема бортида менинг ватандошим бор экан, балки улар бир неча кишидир? Қалбларни зир титратадиган бу бақириқни мен бир умр унутмайман!

Бечора ҳалок бўлаётган эди.

Бу забардаст чангалдан уни ким ҳам қутқара оларди? Капитан Немо саккизоёққа тезда яқинлашиб, болта билан унинг яна бир оёғини қирқиб ташлади. Унинг ёрдамчиси жон-жаҳди билан «Наутилус» бортига ўрмалаб чиққан бошқа саккизоёқлар билан курашаётган эди. Бутун экипаж қўлларига болта ушлаб жангга киришди. Канадалик, Консель ва мен ўз қуролимизни юмшоқ гўштга ботириб олар эдик. Ҳавони мушк ҳиди тутиб кетди.

Наваримда бир зумгина саккизоёқ кўтариб турган ўша шўрлик унинг даҳшатли сўргичларидан ажратиб олинадигандай бўлиб туюлди. Унинг саккизта оёғидан етти таси қирқилди, аммо биргина чангал ўз қурбонини кичик бир патдай айлантириб ҳавода буралиб турар эди. Бироқ капитан Немо билан ёрдамчиси унга ташланганда, махлуқ ошқозонида жойланган халтачадан қорамтир суюқлик пуркаб юборди. Бизлар ҳеч нарсани кўролмайд қолдик. Орадан бу парда кўтарилганда, саккизоёқ ватандошим билан бирга гойиб бўлган эди...

Ўзимизни қўярга жой тополмадик! Ғазабдан шер бўлиб кетгандик. Ўн-ўн иккитача саккизоёқ «Наутилус» палубасига чиқиб олган эди. Биз палубада қон ва қорамтир суюқлик ичида тўлғонаётган илонсимон чангаллар орасида сакраб юрардик. Бу шилимшиқ чангаллар ўн икки бошли аждарники каби яна ўсиб чиқаётгандай эди.

Ленд гарпунининг ҳар бир зарби саккизоёқларнинг кўк-яшил кўзларига санчилиб тешиб ташлаётган эди. Аммо тўсатдан шижоатли ўртоғимизни махлуқ чангали ўраб олди, бунга у чап беролмай қолган эди.

Даҳшат ва қўрқувдан юрагим ёрилиб кетишига сал қолди! Саккизоёқнинг даҳшатли тумшуғи Нед Ленд устида очилди. Яна бир секунд ўтса шўрликни иккига бўлиб ташлайди! Мен унга ёрдамга отилдим. Аммо капитан Немо мендан олдинроқ улгурди. У қўлидаги болтасини махлуқнинг жағига туширди ва мўъжиза билан омон қолган канадалик оёққа туриб, саккизоёқнинг улкан юрагига гарпунини дастагигача ботирди.

— Сизнинг олдингизда қарздор эдим, — деди капитан Немо канадаликка.

Нед индамай таъзим этди.

Бу жанг чорак соатдан ортиқ давом этмади. Мағлубиятга учрагач, жароҳатланган саккизоёқлар жанг майдонини ташлаб, тўлқинлар ичра ғойиб бўлдилар.

Ҳамма ёғи қонга беланган капитан Немо прожектор дўнги олдида қимир этмай туриб, ёшли кўзларини ўртоқларидан бирини ютган денгизга тиккан эди.

## *Ун тўққизинчи боб*

### ГОЛЬФСТРИМ

Ҳеч қайсимизнинг хотирамиздан кўтарилмайдиган бу даҳшатли воқеа 20 апрелда содир бўлган эди. Мен уни қаттиқ ҳаяжонланаётган ҳолда янги таассурот билан ёздим. Сўнг қайта кўриб чиққач, Консель билан канадаликка ўқиб бердим. Улар воқеа баёни жуда аниқ, аммо унча таъсирили чиқмаган, дейишди. Бунақа манзарани тасвирлаш учун энг машҳур шоирларимиздан бири, «Денгиз заҳматкашлари»нинг авторни Виктор Гюгодай қобилият эгаси бўлиш керак.

Капитан Немо денгизга қараб йиғлаганини айтдим. У қаттиқ қайғурди. Бирга суза бошлаганимиздан буён у иккинчи ўртоғидан жудо бўлди. Бунинг устига, қандай мудҳиш ўлим! Баҳайбат махлуқ чангалида эзилган, унинг темир жағларига ем бўлган ўртоғи ҳатто маржон қабристонининг осойишта сувларидаги биродарлари билан ҳам ёнма-ён ётмайди!

Менинг ўзим олишув вақтида тўсатдан эшитган қичқириқдан юрак-бағрим эзилиб кетди. Бу француз шўрлик ўзининг шартли тилини унутиб, ҳалок бўлаётиб она тилида сўзлади!..

Шундай қилиб, «Наутилус» матрослари орасида капитан Немога ҳам руҳан, ҳам жисман содиқ, унинг ўзи сингари инсоният билан алоқасини узганлар қаторида менинг вагандошим ҳам бор экан! Албатта улар турли миллат вакилларидан ташкил топган бўлса керак, бу ғалати тўдада у ёлғизмикин? Бу олдимда турган ҳал этилмаган муаммолардан бири бўлиб қолди.

Капитан Немо каютасига кириб кетди ва мен уни бир неча кун кўрмадим.

Аммо мен сув ости кемасининг ҳолатига қараб унинг юраги ҳисобланган ва барча изтиробларини ўзида акс эттиришидан капитан Немонинг қайғуси нақадар оғир ва самимий эканлигини тушундим. «Наутилус» бошқарилмаётган эди. У мурда сингари тўлқинлар сурган томонга кетаётган эди. Унинг винти сув кесиб, йўл босишдан ҳоли, аммо аранг айланаётган эди. Капитан олишув бўлган бу жойдан сира ажралгиси келмас, ўртоқларидан бирини ютган денгиздан кеголмай турар эди.

Шу алфозда ўн кун ўтди.

Фақат 1 майда «Наутилус» шимолга, Багам ороллари ёнида, Багам каналининг қуйилиш жойига қараб қатъий йўл олди.

Биз энди соҳиллари, ҳайвонот олами ва ўз ҳарорати бўлган океаннинг катта дарё оқимидан сузиб борар эдик. Мен Гольфстрим ҳақида сўзлаяпман.

Дарҳақиқат, бу Атлантик океаннинг ўртасидан эркин оқадиган суви океанники билан сира аралашиб кетмайдиган чинакам дарё эди. Бу дарё суви атрофини ўраб олган денгизникидан шўрроқ эди. Унинг ўртача чуқурлиги — уч минг фут, ўртача кенлиги эса олтимиш миля, ўрта ҳисобдаги тезлиги соатига тўрт километр.



Атлантук океаннинг экваториал қисмида шимоли-шарқий пассатларнинг<sup>1</sup> доимий равишда эсиб туриши таъсирида тропик қуёши иситган сув сатҳининг жуда катта оқими Атлантук океанни кесиб ўтиб, Жанубий Америка томон шошилади. Унинг соҳилларида бу қудратли оқим Гольфстрим номини олиб Антиль денгизининг иссиқ сувларидан ўтгач, янада қизийди. Худди мана шу ерда ер юзидаги ҳароратни бир меъёрда сақлаши керак бўлган Гольфстрим ўз вазифасини ўташга киришади.

Мексика қўлтиғига келиб, деярли қайнаш даражасига етадиган бу оқим шимол томон Америка соҳилларига кўтарилиб Ньюфаундлендгача боради. Бу ерда Дэвисов бўғозининг совуқ оқими таъсирида йўналишини ўзгартиради ва яна катта доира ясаб океанга оқади.

Қирқ учинчи параллелда Гольфстрим икки тармоққа бўлиниб кетади. Улардан бири шимоли-шарқий пассат таъсирида Бискай қўлтиғи ва Азор ороллариغا қайтади, бошқаси эса Ирландия ҳамда Норвегия қирғоқларини илтиб, Шпицберген томон боради ва у ерда тўрт даражача совуқ, Шимолий қутбда денгизни муздан ҳоли этади.

Багам каналидан чиқаверишда Гольфстримнинг эни ўттиз миля ва чуқурлиги уч юз эллик метрга етиб, соатига саккиз километр тезликда оқади. Шимолга яқинлаша борган сари бу тезлик сусаяди. Бу эса айни муддао. Чунки тезлик ва оқим йўналиши ўзгарса, Европа иқлими ақл бовар қилмайдиган даражада бошқача бўлиб қолади.

«Наутилус» океандаги ана шу дарё бўйлаб сузиб борар эди.

Пешинда биз Консель билан палубада турар эдик. Мен унга Гольфстримнинг айрим ўзига хос хусусиятларини сўзлаб бераётган эдим.

Бу ҳақда гапириб бўлгач, ундан қўлини сувга тиқиб кўришини сўрадим.

Консель сувда на иссиқ, на совуқни сезмай, жуда тааж-жубланди.

— Бунинг сабаби шундаки, — дедим мен унга, — Мексика қўлтиғидан чиққач, Гольфстрим ҳарорати одам бадаидаги ҳароратдан деярли фарқ қилмайди. Гольфстрим — бу жуда катта иссиқлик манбаи, у туфайли Европа соҳиллари ҳаминша ям-яшил гилам билан қопланган. Морининг

<sup>1</sup> П а с с а т — қуруқ тропик шамол.

ҳисобига кўра, табиат Гольфстрим сувини илтишга сарфлаган иссиқлик энергияси билан катталиги Амазонка ёки Миссуридай келадиган бутун бир дарёдаги темирни эритилган ҳолда сақлай олиши мумкин экан.

Бу ерда Гольфстрим тезлиги секундига иккию чорак метрга етар эди. Бу оқим уни ўраб олган денгиздан кескин фарқ қилади. Унинг қорамтир, сертуз суви денгиздаги яшил тўлқинлар фонида ўзининг тиниқ, кўк ранги билан яққол ажралиб туради.

Уларни ажратиб турадиган демаркация<sup>1</sup> чизиғи шу қадар аниқ эдики, Каролина ороллари яқинида «Наутилус» бир зумгина тумшуғи билан Гольфстрим сувини кесаётганда, унинг винти океан тўлқинларини чайқатаётгани жуда яққол кўзга ташланди.

Гольфстрим бир олам тирик мавжудотларни оқизиб боради. Унинг сувида Уртаер денгизда бўладиган аргонавтларнинг катта тўдалари сайр қилиб юришарди. Бу ердаги кемирчакли балиқларнинг кўп учрайдиган намояндалари скатлар бўлиб, уларнинг думлари таналарининг деярли уч қисмини ташкил етар эди; улар узунлиги йигирма беш футча келадиган улкан торбурчакка ўхшарди. Яна биз боши катта, тумшуғи эса калта ва думалоқ, бир неча қатор ўткир тишли, узунлиги бир метр келадиган кичик акулаларни кўрдик; уларнинг таналари тангачалар билан қоплангандай эди.

Қилтаноқли балиқлар орасида фақат шу денгизларда учрайдиган губанларни; усти ўтдай чақнаб турган денгиз товонбалиқларини; узунлиги бир метр келадиган, танасидаги худди атайлаб чизилгандек тасмалари нуқта ҳамда қайқа шаклида сузгичларигача давом этадиган чипор илонбошларни; кўкиш товланадиган, олтин ранг ажойиб олтин макрелларни; кўзи ўнг томонда жойлашган палтуслар ёки флетанларни; палтуслар оиласига мансуб бўлган, аммо кўзлари ва каттагина оғзи чап томонда жойлашган ромблар; карнайсимон тумшуқли, елкаси оч пушти ва қорни кумуш ранг жуда кўп лойхўрак балиқларни, сёмга оиласига мансуб жуда кўп балиқларни ва ҳоказоларни кўрдим.

Тун қоронғисида ялтиллаб турадиган Гольфстрим суви прожекторимиз ёғдусидан қолишмас эди. Унинг ёғдуси айниқса момақалди роқ бошланишидан олдин янада ёрқинроқ бўлиб кетар эди.

<sup>1</sup> Демаркация — ажратиб турадиган чегара.

8 майда ҳали Шимолий Каролина кенглигидаги бурунгида сузар эдик. Бу ерда Гольфстримнинг эни етмиш беш миля, чуқурлиги эса икки юз метр эди.

«Наутилус» илгаригидай таваккал қилиб сузаётган эди. Ҳар қандай эҳтиёт чоралари унутилгандай эди. Бундай шароитда қочиш учун барча имкониятлар мавжуд эди. Чиндан ҳам: аҳоли яшайдиган барча соҳиллар бизга бошпана бўлиши мумкин эди; денгизда Бостон билан Нью-Йорк ёки Мексика қўлтиғи оралигида жуда кўп пароходлар қатнамоқда эди; икки-уч мачтали элканли кемачалар кечаси-ю кундузи Америка соҳилларидаги турли ерларга юк ташиётган эди. Улар бизни олиб кетишига умид боғлаш мумкин эди.

Қўшма Штатлар соҳилларидан биз уч юз миля масофада бўлишимизга қарамай, бу қочиш учун «энг қулай фурсат» эди.

Аммо, афсуски, биргина вазият канадалик режаларининг амалга ошувига тўсқинлик қилар эди: ҳаво жуда расво эди. Биз тинмай момақалди роқ бўлиб турадиган ерларга яқинлашаётгандик, — бу ер Гольфстрим бошлаб келадиган довул ва қуюнлар макони эди. Мўртгина қайиққа тушиб, бўронни қаршилаб йўлга чиқмоқ — муқаррар ҳалокатга юз тутиш билан баробар эди.

Нед Ленд буни тушунар ва бинобарин қаҳр-газабдан тишларини ғижирлатиб, қочишни кун сайин ортга сурар эди. Ниҳоят, ўз ватани дардида касалга чалинди, уни бу хасталиқдан фақат қочиш даволаши мумкин эди.

— Жаноб профессор, — дерди у менга, — тезроқ қочиш керак! Сизнинг Немоингиз борган сари аҳоли яшайдиган ерлардан узоқлашиб, шимолга қараб кетяпти. Аммо Жанубий қутбнинг ўзи ҳам менга кифоя, Шимолийсига тоқатим йўқ, деб сизга илгари ҳам айтган эдим.

— Бунақа вақтда қочишнинг иложи бўлмаса нима қилиш керак, Нед?

— Мен олдинги таклифимни қайтараман. Капитан билан гаплашиб кўриш керак. Ватанингиз соҳиллари бўйлаб сузиб бораётганимизда индмадингиз. Ҳозир биз менинг ватаним соҳиллари бўйлаб сузаямиз ва мен жим гурулмаيمان! Бир неча кундан кейин «Наутилус» Янги Шотландияга етиб боришини ўйлаганимда ва у ерда Ньюфаундленд ёнидан кенг кўрфаз бошланиши, муқаддас Лаврентий дарёси шу кўрфазга қуйилиши ва муқаддас Лаврентий менинг жонажон дарёимлигини, жонажом шаҳрим Квебек

нинг дарёсилгини — буларнинг барини элаганимда жиним қўзғаб, қалтираб кетаман! Жаноб профессор, ортиқ чндай олмайман, ўзимни денгизга ташлайман! Бу ерда қолмайман! Диққинафас бўлиб кетяпман!

Канадаликнинг сабр косаси тўлиб-тошганга ўхшарди. Унинг жўшқин табияти бу узоқ муддатли бандиликка ортиқ бардош беролмас эди. Унинг қиёфаси кун сайин гам-гуссага ботиб борар эди. Ватанни соғиниб, ўзим ҳам беҳол бўлганимдан у чекаётган азобни чуқур ҳис этар эдим.

Ер билан алоқамизни тамоман узганимиздан буён ордан етти ой ўтди. Бунинг устига капитан Немонинг одамовилиги, саккизоёқлар билан олишувдан сўнг кайфияти ўзгаргани, оғзига талқон солгандай индамай юриши — буларнинг бари ишни чалкаштириб юборди. Мен биринчи кунлардаги завқ-шавқни энди ҳис этмас эдим. Одамлар учун эмас, балки китлар ва бошқа денгиз жониворлари учун бўлаверадиган бу шароитга кўникиш учун Консель сингари фламандиялик бўлиш керак эди. Тўғриси, агар бу ажойиб одамнинг ўлка ўрнига жабралари бўлганида, яхшигина балиқ бўла оларди.

— Шундай қилиб, нима бўлди, жаноб профессор? — сўради Нед Ленд жавоб бермаётганимни кўриб.

— Шундай қилиб, Нед Ленд, сиз капитан Немодан бизни нима қилмоқчи эканлигини билиб олишимни истайсиз?

— Ҳа, профессор.

— У бу ҳақда бир марта айтганига қарамай, сиз фикрингизда қатъиймисиз?

— Ҳа. Мен бу ҳақдаги унинг фикрини узил-кесил билмоқчиман. Истасангиз, ўзим ҳақимда, ёлғиз ўзим тўғримда гапиришингиз мумкин.

— Аммо мен уни деярли учратмаяпман. У мендан қочиб юрипти.

— Демак, учрашйш учун кўпроқ асосингиз бор!

— Яхши, сўраб кўраман, Нед.

— Қачон? — туриб олди канадалик.

— Уни учраганимда.

— Жаноб Аронакс, капитанини ўзим қидириб топсам майлими?

— Йўқ, йўқ, бу ишни ўзимга қўйиб беринг. Эртага...

— Бугун, — деди Ленд.

— Жуда соз. Бугуноқ учрашаман, — дея қолдим канадаликка, бунга унинг ўзи киришса ҳамма ишни бузиб юборишидан қўрқиб.

Ёлғиз қолдим. Ваъда берганим учун уни дарҳол бажаришга қарор қилдим. Мен ҳамиша аччиқ бўлса ҳам ҳақ гапни азобга соладиган мавҳумликдан афзал деб билар эдим.

Хонамга қайтдим. Девор ортидан капитан Немо одимлаётгани эшитилди. Бу яхши фурсатни қўлдан бой бериш ярамайди. Мен унинг эшигини тақиллатдим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Мен яна тақиллатдим, сўнг эшик қабзасини бурдим. Эшик очилди.

Кирдим. Капитан хонасида экан. Ёзув столига энгашиб бир нима ёзаётган эди. Оёқ товушимни эшитмади.

Гаплашмай кетмасликка қарор қилиб, унга яқинлашдим.

У бошини кескин кўтарди, қошини чимириб, анча қўпо оҳангда мендан сўради:

— Шу ердამидингиз? Менда ишингиз бормиди?

— Сиз билан гаплашиб олишим керак, капитан.

— Аммо мен бандман, жаноб, ишляяпман. Мен сизга ёлғиз қолишга тўла ҳуқуқ бердим. Наҳотки, менинг ўзимни бу ҳуқуқдан маҳрум деб ўйласангиз?

Бундай совуқ кутиб олишдан бўлажак музокаранинг муваффақиятли ўтишига унчалик умид қилиб бўлмас эди. Аммо нима бўлса ҳам ишни охирига етказишга қарор қилдим.

— Жаноб, — дедим мен совуққина, — сиз билан кечиктириб бўлмайдиган иш ҳақида гаплашиб олишим керак.

— Қанақа иш экан, профессор? — деб сўради у масхараомуз. — Диққат-эътиборимдан четда қолган бирор кагифиёт қилиш бахтига муяссар бўлдингизми? Денгиз бирор янги сирини очиб бердимиз?

Ҳали жавоб беришга улгурмай, у менга столи устида ётган қўлёзмасининг варақларини кўрсатди ва анча жиддий оҳангда қўшиб қўйди:

— Мана, жаноб Аронакс, бир неча тилда ёзилган қўлёзма. Булар мен олинб борган илмий тадқиқотларим натижалари ва аминманки, мен билан бирга ўлиб кетмайди. Отим ёзилган ва бошимдан кечирганларим битилган бу қўлёзма сувда чўкмайдиган кичик аппарат ичига солинади. «Наутилус» бортида тирик қолган сўнгги киши аппаратни денгизга ташлайди ва тўлқинлар уни кўтариб олади.

Бу одамнинг номи! Ўз қўли билан битган ҳаёт йўли! Демак, шундай қилиб, унинг сирини вақти келиб очилар экан-да?

Аммо унинг бу айтганлари мени қизиқтираётган масалага кўчиш учун туртки бўлаётганини сездим.

— Капитан, — дедим мен, — сиз амалга оширмоқчи бўлаётган ишингизни фақат маъқуллашим мумкин. Меҳнатларингиз самараси йўқолиб кетиши телбааяк бўлур эди. Аммо сиз ихтиро қилган восита, назаримда, жуда ибтидоий. Бу аппаратни шамол қаёққа олиб боришини ва у кимларнинг қўлига тушишини билиб бўлармиди! Бошқа бирон ишончлироқ йўли йўқмикан. Балки сизнинг ўзингиз ёки ўртоқларингиздан бири...

— Ҳеч қачон, жаноб! — жонҳолатда сўзимни бўлди капитан.

— Ундай бўлса, мен билан ҳамроҳларим — биз, агар озодлик ҳады этсангиз, бу қўлёмани асрашга тайёرمىз...

— Озодлик? — деди капитан Немо тураётиб.

— Ҳа, капитан, мен сиз билан шу ҳақда гаплашмоқчи эдим. Биз етти ойдан буён «Наутилус» дамиз, бинобарин, мен бугун ўз номимдан ва ўртоқларим номидан сиздан сўрамоқчиман: бизни ўз кемангизда умрбод банди қилиб сақламоқчимисиз?

— Жаноб Аропакс, мен сизга бундан етти ой олдин берган жавобимни қайтараман: «Наутилус»га тушган одам уни ҳеч қачон ташлаб кетмайди!

— Ахир бу қулликнинг худди ўзи-ку!

— Буни нима деб атасангиз ҳам ўзингиз биласиз.

— Қул озодликка интилишга ҳақли! Бунинг учун барча шаронт ҳам яхши саналади.

— Сизни бу ҳуқуқдан ҳеч ким маҳрум этаётгани йўқ, — деб жавоб берди капитан Немо. — Мен сизни бирор қасам-ёд билан боғлаб қўйдимми?

Капитан Немо қўлини кўкраги устига чамбарак қилиб қўйиб, менга қаради.

— Жаноб, — дедим мен унга, — мен ҳам, сиз ҳам иккинчи марта шу масалага қайтишни истамас эдик. Аммо гап очилгач, келинг, уни охирига етказайлик. Яна қайтараман, гап ёлғиз ўзим устимда бораётгани йўқ! Мен учун фан қудратли таянч, ҳавас, кўнгил ёзиш, у ёгини ҳам билмоқчи бўлсангиз, у менга ҳамма нарсени унутиб юборишга ёрдам беради, завқ-шавқ бағишлайди. Сизга ўхшаб мен ҳам вақти келиб меҳнатим натижаларини бирор аппарат билан денгизга ташлаб инсопийатга васият қилиб қолдириш умиди белангина овуниб мавҳум ҳаёт кечиришим мумкин. Қисқаси, мен сизга қойил қолишим, баъзи масалаларда ҳақли эканлигингизга тан беришим ва ҳатто оворай жаҳон бўлиб юришингизда ҳамроҳ бўлаганимга маълум даражада

ҳузур қилишим ҳам мумкин. Аммо ҳаётингизнинг бошқа томонлари ҳам борки, унга бу кемада фақат мен билан ўртоқларимгина мутлақо дахлсизмиз. Ҳатто қайғунгизга шерик ёки истисод ва ақлингизга қойил қолиб, қалбларимиз сизники билан ҳамоҳанг тепганда ҳам, биз ажойиб ҳамда эзгу нарсаларни кўрганда беихтиёр туғиладиган меҳр тушиб қолишидан ўзимизни тийдик. Сизгагина дахлдор барча нарсаларга бегоналимиз бизнинг, ҳатто менинг ҳам бу ерда туришимизга монелик қилади. Бу айниқса Нед Ленд учун ғоят машаққат. Ҳар бир одам, у одам бўлгани учун ҳам у ҳақда ўйлашга сазовордир. Озодликни севадиган ва қулликдан ҳазар қиладиган одам ўч олишга қандай режалар тузиши мумкинлигини ўзингиздан ҳеч сўраб кўрдингизми? Айниқса, бизнинг канадаликка ўхшаган одамдан? У нималарни ўйлаб чиқаришини, нималарга жазм қилиши мумкинлигини ўзингиздан сўраб кўрдингизми?..

Капитан Немо ўрнидан турди.

— Нед Ленд нималарни ўйлаб чиқариши ва нималарга жазм қилишини дейсизми? Буларнинг бариси билан менинг неча пуллик ишим бор? Мен уни қидирганим йўқ эди! Бу ерда уни ўзимнинг шахсий ҳаловатим учун ҳам тутиб турганим йўқ. Сизга келганда, жаноб Аронакс, сиз ҳамма нарсани, ҳатто индамасликнинг ҳам сабабини тушунадиган одамлар тоифасидансиз. Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Мен билан бу мавзуда гаплашиб кўришга уришингиз биринчи ва охиригиси бўлсин, чунки иккинчи марта ҳатто гапларингизни ҳам эшитиб ўтирмайман.

Мен чиқиб кетдим. Шу кундан бошлаб муомалаларимиз вўрма-эўраки бўлди.

Орамизда бўлган гапни ҳар икки ўртоғимга айтдим.

— Энди биз, — деди Нед Ленд, — бу одамдан марҳамат кутиб бўлмаслигини биламиз. «Наутилус» Лонг-Айлендга яқинлашяпти. Биз об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, қочишимиз керак!

Аммо осмон борган сари қовоғини солар эди. Довул хабарчиси пайдо бўлди. Ҳавони сутдай оппоқ туман ўраб олди. Уфқни қора булутлар қоплади. Булутлар денгиз устидан пастлашиб, ғоят тез ўта бошлади. Денгиз қутурарди. Бўрон хайрихоҳлари бўлган бўрон қушларидан бўлак қушлар ғойиб бўлди. Барометр мили тушиб кетди.

12 майда «Наутилус» Нью-Йоркдан бир неча миля берида, Лонг-Айленднинг ёнида сузаётганида қаттиқ момақалдироқ бошланди. Мен стихиянинг бу курашини тасвир-

лаб беришим мумкин, чунки денгиз қаърига кириб яшири-  
ниш ўрнига капитан Немо нимагадир унинг сатҳида  
қолаверди.

Шамол жануби-шарқдан секундига ўн метр тезликда  
эсар эди; кундузи соат учда унинг тезлиги секундига йи-  
гирма беш метрга етди. Бу — чинакам довул эди.

Капитан Немо палубага чиқиб олди. Тошқин тўлқинлар  
олиб кетмасин деб, у ўзини панжарага боғлаб қўйди. Мен  
ҳам бўрондан, ҳам бошини баланд кўтариб бўронни қар-  
шилаган бу ажойиб одам билан баробар завқланиб, ўзимни  
унинг ёнига боғладим.

Лахтак булут денгизда кўтарилган тўлқинга тегиб  
ўтди. Одатда катта пўртана оралиғида бўлиб турадиган  
кичик тўлқинларни кўрмадим. Қурум сингари қоп-қора  
пўртана ва тўлқинлар қирраларидан бўлак ҳеч нарса кў-  
ринмас, булар ҳам шу қадар зичлашиб кетган эдики, ҳатто  
парчаланмас эди. Уларнинг баландлиги борган сари оша-  
ётган эди.

«Наутилус» гоҳ ёнбошлаб қолар, гоҳ тумшуғи юқорига  
кўтарилиб ва қуйруғи сувга шўнғиганча мачта сингари  
шиддат билан чайқалар эди. Кечқурун соат бешда шарил-  
лаб ёмғир қуйган бўлса-да, бироқ у на шамолни тинчлан-  
тира олди ва на денгизни. Довул секундига қирқ беш метр,  
яъни соатига қирқ льедан ортиқ тезликда бўлаётган эди.  
Бундай довуллар уйларни ағанатади, черепида томларни  
учириб кетади, темир панжараларни бузади ва кема палу-  
баларидаги катта тўпларни контоқдай думалатади. Бироқ  
«Наутилус» бу жаҳаннам ичида бир машҳур инженернинг:  
«Денгиз билан кураша олмайдиган кема йўқ, албатта у  
яхши қурилган бўлса», деган сўзларини тўла тасдиқла-  
ди. Бу — тўлқинлар емириши мумкин бўлган ҳаракатсиз  
қоя эмас, бу — инсонга бўйсунадиган ҳаракатдаги пўлат  
урчуқ эди; арқонсиз ва мачтасиз кема қутурган стихияга  
қарши тап тортмай курашар эди.

Мен занжирни узган каби пўртаналарни диққат билан  
кузатиб турар эдим. Улар юз эллиқдан бир юз етмиш беш  
метргача узунликда ўн беш метр баландликка кўтарилар  
ва шамол тезлигининг ярмичалик тезлик билан отилар эди.  
Уларнинг ҳажми ва қуввати денгиз чуқурлигига қараб  
сшар эди. Мен тўлқинларнинг ўзига ҳаво йиғиб, уни ден-  
гиз қаърига олиб бориб, шу йўл билан у ерни кислород  
билан таъминлашдаги ролини ўшанда тушундим. Олим-  
ларнинг ҳисобларига кўра, улар тушган сув сатҳида энг



кучли босим ҳар бир квадрат футга уч минг килограммдан тўғри келади. Гебрид оролларида худди шунақа тўлқинлар вавни ўттиз уч минг килограммга қояни ўрнидан жилдирган. Худди шу тўлқинларнинг ўзи 1864 йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтган бўрон вақтида Япониядаги Иеддо<sup>1</sup> шаҳрининг бир қисмини вайрон этгач, соатига етти юз километр тезлик билан океандан ўтиб, ўша куннинг ўзида Америка соҳилларига бориб урилганлар.

Тун бошланиши олдидан уфқда бўронга қарши жонжаҳти билан курашаётган катта кемани кўрдим. У жойидан қимирламай турар эди. Бу Нью-Йорк ва Ливерпул ёки Гавр орасида қатнайдиغان пароходлардан бири бўлиши керак. Кўп ўтмай қоронғиликка сингиб кетди.

Кечкурун соат ўнда осмон аланга ичида қолгандай бўлди. Ҳавони чақмоқлар қирқиб ўта бошлади. Мен уларнинг ниҳоят даражада кучли нурига тик қарай олмадим, аммо капитан Немо осмондан кўз узмас эди. У бўрондан лаззатланаётганга ўхшар эди.

Ҳавони гоят даражада кучли шовқин: пўртаналарнинг бир-бирига урилиб қарсиллаши, шамолнинг увиллаши, момақалдиरोқнинг овози қоплаб кетди... Шамол тинмай йўналишини ўзгартирар ва шарқдан бошланган бўрон шимол, ғарб ва жанубни айланиб, яна ўша ёққа қайтар эди.

Гольфстримни қаранг! У бўрон қироли деган номига тамоман мос эди! Унинг йўлида учрайдиган ҳарорати турлича сув ва ҳаво қатламлари худди ана шу даҳшатли бўрон ва довуллари ҳосил этади.

Ёмғирдан сўнг чақмоқ аралаш чинакамига олов сели қўйилди. Сув ирмоқлари эритилган металл оқимига айланганга ўхшар эди.

Гўё капитан Немо ўзига муносиб ўлим истар, чақмоқ остида ўлишни афзал кўрган, деб ўйлаш мумкин эди.

Кема узунасига даҳшатли куч билан чайқала бошлагач, «Наутилус» пўлат тумшугини яшинқайтаргичдай ҳавога кўтарди, — унга учқунлар келиб урилганини кўрдим.

Тамоман ҳолдан тойгач, қорнимда ётиб олиб, люк олдига эмаклаб келдим. уни очиб, салонга тушдим. Бу вақтда довул жуда авжига чиққан эди. «Наутилус»нинг ичида бир секунд ҳам оёқда туриб бўлмас эди.

<sup>1</sup> Ие д до — Япония пойтахти Токионинг қадимги номи.

Капитан Немо ярим кечадагина пастга тушди. Резервуарлар сувга тўлаётганини эшитдим ва «Наутилус» аста-секин денгиз қаърига тушиб кетди.

Салондаги тўсиқлар очиқ эди, бинобарин мен оловли сувда шарпадай гангиб юрган катта балиқларнинг бутун бошли тўдаларини кўрдим. Улардан айримларини кўзим олдида яшин уриб ўлдирди.

«Наутилус» ҳамон пастлашиб борар эди. Ун беш метр чуқурликда у ўзига сокин жой топади, деб ўйлаган эдим. Аммо денгиз сатҳи шу қадар тошқин эдики, биз эллик метр чуқурликдаги океан қаърига тушишга мажбур бўлдик.

Бу чуқурлик нақадар осойишта, қандай ажойиб олам, қандай сукунат! Денгиз сатҳида даҳшатли довул қутураётганини ким хаёлига келтира олади!

### *Йигирманчи боб*

#### **КЕНГЛИКНИНГ 47-ГРАДУС 24-МИНУТИ ВА УЗУНЛИКНИНГ 17-ГРАДУС 28-МИНУТИДА**

Бўрон бизни шарққа олиб келиб ташлади. Нью-Йорк соҳилларига яқин ердан ёки муқаддас Лаврентий дарёси қуйилишидан қочиш борасида барча умидлар барбод бўлди. Бечора Нед ғам-андухга тўлиб, капитан Немо сингари ёлғизланиб қолди. Биз Консель билан ҳеч ажралмас эдик.

«Наутилус» шарққа, аниқроғи, шимоли-шарққа келтириб ташланганини юқорида айтдим. У бир неча кун давомида денгизчилар учун хавfli туман ичида гоҳ сув остида, гоҳ денгиз сатҳида дайдиб юрди. Бу туманлар асосан музларнинг эришидан ҳавони буғ қоплаши натижасида ҳосил бўлади.

Бу ерларда соҳилдаги сароб шуълаларга интилиб, қанчадан-қанча кемалар ҳалок бўлади! Туман оқибатида қанчадан-қанча бахтсизлик рўй берган. Фонарлар ёниб турганига, гудок чалишларига, кема жомларининг даҳшат билан урилишига қарамай қанчадан-қанча кемалар ҳалок бўлди! Шамол тўлқиннинг қирғоққа урилиш овзани босиб тушадиган жойларда сув ости тошларига қанчалар келиб урилган!

Бу жойларда денгиз губи жанг майдонини эслатишига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ер ҳалокат қолдиқлари билан қопланган — баъзи бирлари эски ва тўзиган, бошқалари янги, мис қопламаси ҳали ҳам қораймаган ва улар прожек-торимиз ёғдусида жиолоналар эди.

Бу ерда бутун экипажи ва тирик юки — муҳожирлари билан бирга дом-дараксиз йўқолган қанчадан-қанча кемалар ётар эди. Барча справочникларда кўрсатилган энг хавфли зоналар — Сен Поль ороли, Рас буруни, Бель-Иль бўғози ёнида, Лаврентий дарёси қуйиладиган жойда ҳар йили қанчадан-қанча ҳалокат юз беради!

Кейинги бир неча йил мобайнидагина шу жойларда фарқ бўлган кемаларнинг қайғули рўйхатига: «Сольвей», «Изида», «Параматта», «Венгриялик», «Канадалик», «Англо-сакс», «Гумбольдт», «Қўшма Штатлар» сингари довулда гарқ бўлган кемаларни; «Арктика» ва «Лионц» каби тўқнашиб ҳалок бўлганларни; «Президент», «Тинч океан», «Глазго шаҳри» каби номаълум сабаблар билан ҳалокатга учраган кемаларни киритишга тўғри келди.

«Наутилус» ҳалокат қолдиқлари оралаб, худди мурдаларни кўздан кечираётгандай сузиб борар эди.

15 майда биз Ньюфаундленд саёзлигининг жанубий чеккасида эдик. Бу саёзлик денгиз оқизиб келган нарсалардан ҳосил бўлган эди. Булар турли-туман органик қолдиқлар йиғиндиси бўлиб, бу ерга экватордан Гольфстрим ёки Шимоллий қутбдан Америка соҳилини айланиб ўтадиган қарама-қарши совуқ оқим олиб келган. Шунингдек, бу ерда миллиардлаб ҳалок бўлган, ҳаддан ташқари кўп балиқ устухонлари, моллюска ҳамда зоофитларнинг қолдиқлари уюлиб ётар эди.

Ньюфаундленд саёзлигида денгиз айтарли даражада чуқур бўлмай бир неча юз футдангина иборат эди, холос. Бироқ жануброқда бирдан катта чуқурлик — уч минг метрли жарлик ҳосил бўлган. Бу ерда Гольфстрим кенгайди. У бу ерда бутун бир денгизни ҳосил этади, аммо шу билан бирга ўзининг тезлиги ва ҳароратини йўқотади.

«Наутилус» яқинлашиб чўчитиб юбораётган балиқлар орасида мен катталиги ярим метр келадиган, елкаси қорамтироқ ва қорни пушти ранг думалоқсузгичларни, — буларнинг нари билан модаси бир-бирига гоят садоқатли бўлишининг ажойиб тимсолидир; таъми мазали узун зумрад муренларни; боши нимаси биландир ит бошига ўхшаб кетадиган йирик кўзли карракларни; бичок ва губанларни

ажрата олдим. Аммо кўпинча бизга треска учрар, уларни эвлари ёқтирадиган жойлари — Ньюфаундленд саёзликларида кўрар эдик. Треска — тоғ балиги, деб дадил айтса бўлади, чунки Ньюфаундленд сув ости тоғи-да. «Наутилус» саф тортиб тизилишиб юрган трескалар орасидан бизга йўл очиб бераётганида Консель ҳайратини яширолмади.

— Бу қапақаси бўлди, треска! — дея қичқирди у. — Мен бўлсам треска ҳам камбала сингари ялпоқ бўлади деб юрибман.

— Бу қанақа сафсата! Треска ичак-чавоғи олиб ташланиб чиқариладиган балиқ дўконларидагина ялпоқ бўлади. Денгизда у головаъ сингари урчуқсимон балиқ ва сувишга яхшигина мосланган!

— Хўжамга кўпроқ аён, — жавоб берди Консель. — Аммо бу ерда балиқларнинг кўплигини қаранг — чумолини-я!

— Агар уларнинг ғанимлари — одамлар бўлмаганида эди, дўстим, янада беқийёс даражада кўпаяр эди. Унинг биттагина модаси қанча уруғ қўйишини биласанми?

— Фараз қилайлик, беш юз минг.

— Ун бир миллион, оғайни!

— Ун бир миллион! Йўқ, ўзим санаб кўрмагунча бунга сира ишонмайман.

— Санаб кўр! Аммо менга ишонсанг, унга кетадиган вақтингни тежаб қоласан. Трескани жуда катта миқдорда тутишларини унутма. У ниҳоят даражада кўп истеъмол қилинади, бинобарин кўпайишга ғоят қобилиятли бўлмаганида, бу балиқдан аллақачон ном-нишон қолмас эди. Биргина Англия билан Америкада етмиш беш минг денгизчилари бўлган беш минг кема треска овлайди. Бу кемалардан ҳар бири мавсум давомида ўрта ҳисобда камида қирқ минг треска овлайди, демак, жами қарийб йигирма миллионни ташкил этади. Норвегия соҳилларида ҳам уни шу миқдорда овлайдилар.

— Жуда соз, — деди Консель. — Мен хўжамга ишондим ва санаб ўтирмайман.

— Нимани санаб ўтирмайсан, Консель?

— Ун бир миллион уруғни. Аммо мен бир нарсани айтиб қўйишим керак.

— Нимани?

— Шуники, борди-ю, ҳар бир уруғдан балиқ бунёдга

келганида, икки жуфт треска билан бутун Англия, Америка ва Норвегияни боқса бўлар эди.

Биз кема тумшуғи қумга тегай-тегай деб Ньюфаундлендинг энг саёз жойларидан ўтаётганда, мен треска овлаш учун икки юзтадан қармоқ илиб қўйилган узун илгичка арқонларни кўрдим; балиқ овлайдиган ҳар бир кема улардан бир неча ўнтасини сувга ташлайди. Бир учи илгакланган арқоннинг иккинчи учи денгиз сатҳида буйкалар<sup>1</sup> ёрдамида сақланар эди. «Наутилус» ана шу сув ости тўрларининг ўртасидан сузиб борар эди.

Аммо сув ости кемаси одам кўп учрайдиган бу жойларда узок турмади. У Европани Шимолий Америка билан боғлайдиган телеграф линияси кабелининг Атлантек океандан кесиб ўтиб тугаган жойи Сен-Жонс оролида Ньюфаундленд кенглигигача борди.

«Наутилус» бу ердан ўз йўлини шимол томон давом эттириш ўрнига, остидан кабель ўтган ясси тепаликни тадқиқ этмоқчи бўлгандай шарқ томон йўл олди. Зонд билан неча марта лаб текшириб кўрилгани учун бу ерларнинг рельефи энг майда икир-чикирларигача маълум эди.

17 майда Сен-Жонсдан беш юз миля нарида, икки минг саккиз юз метр чуқурликда қумда чўзилиб ётган кабелни кўрдим. Консель, бундан хабардор қилишга улгурмаганим учун, уни гоят улкан денгиз илони деб ўйлаб, энди ўзича классификациялашга киришмоқчи эди. Аммо мен бу ажойиб одамни шахтидан қайтариб қўйдим ва уни тинчлантириш учун кабель қандай ётқизилгани ҳақида батафсил ҳикоя қилиб бердим.

Дастлабки кабель 1857 ва 1858 йиллар мобайнида ётқизилган эди. Аммо тўрт юз телеграмма узагилгандан кейин у тўсатдан ишламай қўйди. 1863 йилда инженерлар узунлиги уч минг тўрт юз километрли янги кабель ётқиздилар; унинг вазни тўрт минг беш юз тонна бўлиб, бу гоят оғир юкни ётқизиш учун махсус «Great Eastern» пароходга жиҳозланди. Бироқ бу уриниш ҳам муваффақиятсизликка учради.

25 майда «Наутилус» уч минг саккиз юз ўттиз олти метр чуқурликка шўнгиб, худди кабель узилган жойнинг ўзига келиб қолди.

---

<sup>1</sup> Буйка — хатарли жойларни кўрсатадиган аломат.

Бу Ирландия соҳилларидан олти юз ўттиз саккиз миля масофадаги жойда содир бўлган эди. Европа билан алоқа узилганини кундуз соат иккида пайқаб қолишди. «Great Eastern» бортдан инженерлар узилган жойни топдилар ва кечқурун соат ўн бирдагина кабелнинг ҳар икки учини сувдан чиқариб олдилар. Кабелни улагач, яна сувга туширдилар. Аммо бир неча кун ўтгач, яна узилди ва бу гал кабелни океан қаъридан чиқариб олишнинг иложи бўлмади.

Бироқ инженерлар қийинчиликлар олдида таслим бўлмадилар. Улар анчагина мукаммаллаштирилган янги кабель тайёрладилар. Устига гуттаперча<sup>1</sup> ўралган бир боғлам сим толали моддалардан қилинган ёстиқча ёрдамида иҳота қилиниб, темир арматура ичига жойланди.

«Great Eastern» 1866 йилнинг 13 июлида денгизга чиқди.

Ҳамма иш кўнгилдагидай кетаётган эди. Аммо бир кун шундай воқеа содир бўлди. Сувга тушириш олдида кабель боғламини очаётган инженерлар унинг бир неча жойи миҳ билан тешилганини кўриб қолдилар. Буни кабелнинг ўртасини бузиш учун қилинган бўлиши керак. Капитан Андерсон, кема офицерлари ва инженерлар йиғилишиб, бу ишни муҳокама қилдилар ва айбдор топилса, уни ҳеч қандай судсиз кема бортдан улоқтириб ташлашга қарор қилдилар. Шундан кейин жинорий уринишлар қайта содир бўлмади.

27 июлда «Great Eastern» туманни ёриб ўтиб, Америка соҳилига етди. Мўлжалдаги иш хайрли тугади.

Мен, албатта, электр кабелни дастлабки яппа-янги ҳолича, яъни завод устахонасидан чиққанидай кўришга умид қилганим йўқ.

Тошлоқ устида чўзилиб ётган темир илон оҳак пўстлоққа ўралган бўлиб, бу уни пармачи-моллюскалардан муҳофаза қилар эди.

Кабель денгиз тубида, тўлқинлардан холи жойда ётар ва у орқали Европада Америкага электр сигналнинг етиб бориши учун бир секунднинг юздан ўттиз икки улуши кифоя эди. Гуттаперча денгиз суви таъсирида мустаҳкамланишини ҳисобга олганда, бу кабель абадий сақланиб

---

<sup>1</sup> Гуттаперча — баъзи тропик ўсимликларнинг каучукка ўхшаб қотиб қоладиган шираси; техникада ишлатилади.

қолади. Бунинг устига кабель йўналиши шу қадар қулай танланганки, ҳар қандай шароитда ҳам кучли сув босимидан узилиб кетадиган даражадаги чуқурликка тушиб кетмайдн.

«Наутилус» кабель ётқизилган энг чуқур жойлардан — тўрт минг тўрт юз ўттиз бир метр чуқурликдап ўтди.

У ердан биз 1863 йилда авария содир бўлган жойга жўнадик.

Бу ерда денгиз туби кенглиги бир юз йигирма метрли торгина водий ҳосил этган эди. Агар Монбланни шу ерга кўчириш мумкин бўлганида у бутунисича сувга чўкиб турар эди. Бу водийнинг шарқий қисми икки минг метрли қоя девор билан тугар эди. Биз бу ерга 28 майда етиб келдик. Энди «Наутилус» Ирландиядан бир юз эллик километрдан ортиқ бўлмаган масофада эди.

Балки капитан Немо Британия оролларида ёнлаб ўтиб кетмоқчидир? Йўқ. Мени таажжубга солган нарса шундаки, у яна жануб томон, Европа денгизлари сари йўл олган эди.

Биз Энглеза оролини айланиб ўтаётганда, мен бир зумгина Глазго ёки Ливерпулдан келаётган минглаб кемаларнинг йўлини ёритиб турган унинг маёқлари чироғини кўрдим.

Хаёлимни муҳим бир масала банд этди: «Наутилус» Ла-Маншга киришга журъат эта олармикин?

Ерга яқинлашишимиз билан ўз катагидан чиққан Нед мендан тинмай шуни сўрар эди. Мен унга нима ҳам дея олар эдим? Капитан Немо илгаригидай кўринмас эди. У Америка соҳилларини кўрсатиб, канадаликнинг қитигига тегди; энди у Франция соҳиллари билан мснинг жиғимга тегмоқчимикин?

Бу орада «Наутилус» жануб томон сузишини давом эттирди. 30 майда у Британия оролларига яқин, Ленд ороли кўриниб турган жойдан ўтди.

Капитан Немо Ла-Маншга кириш нияти бўлганида, шарқ томон йўл тутар эди.

Аммо у бундай қилмади.

31 майда «Наутилус» кун бўйи мени гоят ҳайратга солиб, денгизда илон изи қилиб гир айланиб юрди. У бирон қидирган ерини тополмаётганга ўхшар эди.

Пешинда капитан Немонинг ўзи кузатув олиб борди. У мен билан бир оғиз ҳам гаплашмади. У ҳар галгидан

хомуш эди. Нимадан бунчалик хафа бўлди экан? Узи ташлаб кетган ватани ҳақида бирор хотира уни қийнаб қўяётганмикин? Хаёлимни анчагача шу фикр банд этиб турди. Нима бўлганда ҳам бирор воқеа капитан Немонинг сирини ошкор этишини олдиндан сезган эдим.

Эртаси куни, 1 июнда «Наутилус» ўзининг галатти маневрларини давом эттирди. У океанда муайян бир жойни қидираётгани аниқдай бўлиб қолди. Пешинда капитан Немо олдинги галгидай, кузатувни яна ўзи олиб борди.

Денгиз сокин, осмон тиниқ эди.

Биздан саккиз миляча шарқда, уфқда шитоб билан келаётган катта кема кўринди. Унда ҳеч қандай байроқ бўлмаганидан қайси миллат кемаси эканлигини аниқлай олмадим.

Қуёш меридиандан ўтаётганда капитан Немо секстантни олиб диққат билан кузата бошлади. Денгиз ғоят сокин бўлгани учун у бу ишни осонлик билан бажараётган эди. Қимири этмай турган «Наутилус»ни тўлқин ёндан ҳам, қуйруқдан ҳам чайқамас эди.

Шу пайтда мен палубада эдим. Пеленгация<sup>1</sup> тугатилиши билан капитан Немо:

— Шу ерда! — деди.

У трапдан пастга тушди. Юришини секинлатиб, бизга қараб келаётгандай бўлиб туюлаётган кемани кўрдимикин? Буни билолмадим.

Салонга қайтдим. Люкни ёпишди ва резервуарларда сувнинг шовиллашини эшитдим. «Наутилус» шўнғий бошлади. Винт ишламаётгани учун у тик йўналишда чўкаётган эди.

Бир неча минутдан кейин у саккиз юз ўттиз уч метр чуқурликда тўхтаб, тумшуғи денгиз тубига тегди.

Салонда чироқ ўчди. Тўсиқлар очилгач, мен дераза ойналаридан ярим миля масофада прожекторимиз қаттиқ ёритиб турган денгизни кўрдим. Чап томондаги деразада сокин сувдан бўлак ҳеч нарсани кўрмадим. Унг томонда esa чуқурликдаги аллақандай қора нарса диққатимни ўзига жалб этди. Бу нарсанинг усти оқ чиганоқлар билан қопланиб, қор чодирини ёпингандай эди. Синчиклаб қарасам, денгиз тубига тумшуғи билан чўккан бўлса керак, мачта-

<sup>1</sup> Пеленгация — компас мила билан кўринган нарса ёки эшитилган овоз орасидаги бурчакни аниқлаш.



лари йўқ кема экан. Шу қадар оҳак қатламлари қоплаганига қараганда, ҳалокатга учраган бу кема океан тубида кўп йиллардан буён ётганга ўхшарди.

Бу қанақа кема бўлди? Нега «Наутилус» унинг қабрини зиёрат қилишга келди? Балки унинг ҳалокатига денгиздаги бўрон сабаб бўлмагандир?

Нималигини тушунмай бошим қотиб турганда, тўсатдан капитан Немо гапириб қолди:

— Бир вақтлар бу кема «Марселлик» деб аталар эди. У 1762 йили денгизга туширилган бўлиб, бортида етмиш тўртта тўп бор эди. 1778 йилнинг ўн учинчи августида Ла-Пой-па-Ветрие қўмондонлигида бу кема «Престон»га қарши жон-жаҳди билан курашди. 1779 йилнинг тўртинчи июлида у адмирал д'Эстен эскадраси составида Гренадани забт этишда қатнашди. 1781 йилнинг бешинчи сентябрида у Чизпик қўлтигида граф де Гресс раҳбарлигида жанг қилди. 1794 йили Франция республикаси унинг номини ўзгартирди. Уша йилнинг ўн олтинчи апрелида у Брестда адмирал Ван-Стабель қўмондонлигида Америкадан галла ортиб келаётган транспортга соқчилик қилаётган Виларе-Жуаез эскадрасига қўшилди. Республиканинг иккинчи йилида прериал<sup>1</sup>нинг ўн биринчи ва ўн иккинчисида бу эскадра инглиз кемалари билан учрашди. Жаноб профессор, бугун прериалнинг ўн учинчиси — 1868 йилнинг биринчи июни Роппа-роса етмиш тўрт йил муқаддам, худди шу ерда, кенгликнинг 47-градус 24-минут ва узунликнинг 17-градус 28-минутида қаҳрамонона жангдан сўнг ярим чўккан ҳолда ўз мачталари ва экипажининг тўртдан уч қисмини йўқотган кема таслим бўлишдан кўра фарқ бўлишни афзал билди... Тирик қолган уч юз эллик олти жангчи: «Яшасин Республика!»— дея ҳайқириб фарқ бўлди.

— Бу «Қасоскорлар?!»— дея хитоб қилдим мен.

— Ҳа, жаноб, бу — «Қасоскор». Ажойиб ном,— дея шивирлади капитан Немо қўлларини чамбарак қилар экан.

---

<sup>1</sup> П р е р и а л ь — Француз революцион календарининг тўққизинчи ойи (20—21 майдан 19—20 июнгача).

## Нигирма биринчи боб

### «ҚАСОСКОР»

Тўсатдан шундай бўлиши, революцион кема тарихининг осойишта ва холис бошланиб, пировардида аллақандай ҳаяжонланиш билан тугалланиши, моҳияти диққат-эътиборимни ўзига тортган «Қасоскор» деган ном — буларнинг бари мени ғоят ҳайратда қолдирди. Мен капитандан кўз узолмай қолдим. У қўли билан денгизга ишора қилиб, ўзи эса бу шонли ҳалокат қолдиқларига суқланиб боқар эди.

Эҳтимол капитан Немонинг кимлигини, унинг қаердан келиб, қаёққа кетаётганини билиш менга ҳеч қачон nasib этмас, бироқ ундаги инсонийлик олимлигига инсбатан тобора яққолроқ намоён бўлаётганини кўрдим.

Йўқ, капитан Немо ва унинг ўртоқларини бу темир деворлар ичига инсонларни шунчаки севмаслик эмас, балки ўтиб кетган дамлар ҳам сўндиришга қодир бўлолмаган кучли ва даҳшатли нафрат бошлаб келган.

Балки у қасос олишга ташна бўлиб юргандир?

Бу орада «Наутилус» шошилмай юқорига кўтарилди ва «Қасоскор» аста-секин кўздан ғойиб бўлди. Кўп ўтмай кема енгил чайқала бошлади, бу денгиз сатҳида сузиб бораётганимизни билдирар эди. Шу пайт мен гумбурлаган бўғиқ овоз эшитдим.

Капитанга қарадим. У қимир этмади.

— Капитан!— дедим мен.

У жавоб бермади.

Мен уни ёлғиз қолдириб, палубага чиқдим. Консель билан канадалик ўша ерда экан.

— Бу қандай гумбурлаш?— сўрадим мен.

— Тўп овози,— деб жавоб берди Нед Ленд.

Мен боя кема кўринган томонга қарадим. У шитоб билан «Наутилус»га яқинлашиб келаётган эди. Орамиздаги масофа олти милядан ортиқ эмас эди.

— Бу қанақа кема, Нед?

— Гаров ўйнашим мумкин, бу ҳарбий кема,— жавоб берди канадалик.— Бу унинг анжомлари ва мачталарининг баландлигидан яққол кўриниб турибди. Оҳ, қани эди у бизга ҳужум қилиб, шу лаънати «Наутилус»ни чўктириб юборса!

<sup>1</sup> В и м п е л — кема мачтасига ўрнатилган узун камбар байроқ.

— Дўстим Нед,— дея жавоб берди унга Консель,— бу кема «Наутилус»га бирон зиён етказа олармиди? Ахир у бизнинг кемамизга на сув остида ҳужум қила олади, на денгиз қаърида ўқ уза олади.

— Қани айтинг-чи, Нед,— деб сўрадим мен,— сиз бу кеманинг қайси миллатга мансублигини аниқлай оласизми?

Канадалик қошларини чимириб ва кўзларини қисиб кема тархига синчиклаб қаради.

— Йўқ, профессор,— дея жавоб берди у ниҳоят,— унинг қайси миллатга мансублигини аниқлай олмайман: байроги йўқ. Аммо яна бир карра айтишим мумкинки, бу ҳарбий кема, негаки, унинг грот-мачтасида узун вимпел<sup>1</sup> ҳилпираб турибди.

Тўғри бизга қараб келаётган кемани чорак соат давомида кўздан кечирдик.

Шунча масофадан унинг «Наутилус»ни таниб олганига сира ақлим бовар қилмас эди; бунинг устига, умуман бу сув ости кемасининг мавжудлиги унга аёнлигини тасаввур этолмасдим.

Кўп ўтмай канадалик, бу дандонли ва иккита зирҳланган палубаси бўлган катта ҳарбий кема, деб айтди. Унинг трубасидан қуюқ қора тутун чиқар эди. Унинг йиғиб қўйилган елканлари реяларга<sup>1</sup> туташиб кетган эди. Унда байроқ йўқ эди. Орадаги масофа туфайли ҳавода энсиз лента сингари ҳилпираб турган вимпелининг рангини ажратиш бўлмади.

Кема тез яқинлашиб келар эди. Борди-ю, капитан Немо унинг янада яқинлашувига йўл қўйиб берса, бизнинг қутулиб кетишимизга имконият туғилади.

— Профессор,— деди Нед Ленд,— бу кема билан орамиз бир миля қолганда ўзимни денгизга ташлайман, сиз ҳам шундай қиласиз!

Мен канадаликнинг бу таклифига ҳеч нарса демай, кўз олдимизда тобора улғайиб бораётган кемага қараб туравердим. У хоҳ инглиз, хоҳ француз, хоҳ америка ёки рус кемасими — унгача сузиб ета олсак, барибир бизни қабул қилиб олади.

— Сузиш борасида оз бўлса ҳам тажрибамиз борлигини хўжам унутмагандирлар,— деди Консель.— Борди-ю, дўстимиз Неднинг маслаҳатига кўнадиган бўлсалар, хўжамни шатакка олишимга ишонаверишлари мумкин.

Мен жавобга эндигина оғиз ростлаган эдим, тўсагдан

<sup>1</sup> Рея — мачтада елкани тикиб қўядиган кўндаланг ёғоч.

ҳарбий кема тумшуғида оқ тутун кўринди. Орадан бир неча секунд ўтгач, сув оғир жисм тушганидан кўпириб, «Наутилус»нинг қуйруқ томонига кўтарилиб тушди. Тўпнинг гумбурлаган овозидан қулоқларим батанг келди.

— Бу қанақаси? Бизга қараб ўқ узишяптими?— дея қичқирдим мен.

— Матонатли кишилар,— шивирлади канадалик.

— Демак, улар бизни ҳалокатга учраган деб ўйламаётган экан-да!— дея хитоб қилдим мен.

— Агар хўжам истасалар...— дея сўз бошлади Консель.

Шу пайт янада яқинроқ жойга тушган тўп ўқидан сачраган сув парчалари уни бошдан-оёғигача шалаббо қилди.

— Хўжам изм берсалар шуни айтмоқчиманки,— дея сўзини давом эттирди Консель,— улар бизни баҳайбат махлуқ деб ўйлаб, ўқ узишяпти.

— Аммо улар одамларга учраганларни кўришлари керак-ку, ахир!— хитоб қилдим мен.

— Балки, худди шунинг учун ҳам ўқ узишаётгандир,— жавоб берди Нед Ленд менга маъноли қараб кўйиб.

Бу сўзлар кўзимни мошдай очиб қўйди. Ҳеч шубҳа йўқки, баҳайбат махлуқнинг мавжудлиги тўғрисидаги тахминлар эндиликда бутун дунёга маълум. «Авраам Линкольн»нинг тўқнашувида канадалик ўз гарпунини баҳайбат махлуққа урганида, капитан Фарагут бу «баҳайбат махлуқ» сув ости кемасидан бошқа нарса эмаслигини, бу эса улкан денгиз махлуқидан ҳам хавфлироқ эканлигини билди.

Лол қолдирувчи бу хабар барча халқларни ҳаяжонга солган ва бинобарин эндиликда бутун мамлакатларнинг ҳарбий кемалари бизнинг изимизга тушган деб ўйлаш мумкин.

Шундай қилиниши адолат юзасидандир, зеро капитан ўз кемасини қасос олишга сафарбар этганини ҳисобга олганда, «Наутилус» даҳшатли ва қўрқинчли қуролнинг энг чўққиси эди.

Эндиликда ўша туни Ҳинд океанида капитан Немо бизни темир қафасга солиб қўйганида, «Наутилус» аллақандай кема билан жанг қилганига ортиқ шубҳам қолмади. Эндиликда менда маржон қабристондан макон тутган киши «Наутилус» қўзгаган жангнинг қурбони бўлганига ортиқ шубҳа қолмади.

Капитан Немонинг сирли ҳаёти устидаги парда хиёл кўтарилди. Гарчанд унинг шахси аниқланмаган бўлса-да, ҳар ҳолда турли миллат вакиллари бирлашиб, аллақандай ҳаёлий бир махлуқни эмас, балки бутун инсониятга шафқатсиз нафрат билан қарашга аҳдлашиб, эндиликда ўша ашаддий душман — инсонни таъқиб этмоқда эдилар.

Бу фикр ҳаёлимдан ўтар экан, яқинлашиб келаётган кемада биз дўстларимизга эмас, балки шафқатсиз душманга дуч келишимиз ўз-ўзидан аён бўлди.

Бу орада атрофимизга ҳамон тўп ўқи ёғилиб турган эди. Улардан айримлари сув сатҳига маълум бир бурчак остида тушиб, анча жойгача сакраб кетиб, сўнгра тўлқинлар ичига кириб ғойиб бўларди. Бироқ битта ҳам ўқ «Наутилус»га тегмас эди.

Ҳарбий кема энди биздан нари борса уч миля масофада эди.

Тўплардан ўқ узиш тобора кучайиб бораётганига қарамай, капитан Немо палубада кўринмас эди.

Сирасини айтганда, борди-ю, ача шу конуссимон ўқлардан бири тўппа-тўгри «Наутилус» корпусига келиб тушганида, унинг зарби сув ости кемасига жиддий хавф турдириши мумкин эди.

Канадалик менга бундай деди:

— Жаноб, биздан бадгумон бўлишларига йўл қўймаслигимиз керак! Сигнал беришга урилиб кўриш керак. Жин урсин! Балки улар ҳар ҳолда виждонли одамлар билан муомала қилаётганларини тушуниб олишар!

Нед Ленд чўнтагидан дастрўмолини олди. Аммо дастрўмолни энди ёйган эди, темир қўллар уни маҳкам қисиб олиб, зўр қудрат билан палубага ағанатди.

— Бадбахт!— дея қичқирди капитан.— Сени ўша дандонга у бу кемага қадамасдан олдинроқ илиб қўйишимни истаб қолдингми?

Капитан Немонинг гапларини эшитишнинг ўзи даҳшат, аммо унинг вазоҳати янада даҳшатлироқ эди. Унинг юзи мурдадай оқарди. Ғазабдан кўз қорачиқлари торайиб кетди. Овози бўкираётганга ўхшарди. Узала тушиб ётган канадалик устига энгашиб, уни палубага миҳлаб қўйгандай эди.

Ниҳоят, у Нед Лендни ўз ҳолига қўйиб, тўплардан ҳамон гинмай ўқ узаётган ҳарбий кема томон юзарилиди.

— Сен менинг кимлигимни биласанми, лаънат тамга-

си босилган халқ кемаси!— дея ҳайқирди у момақалдироқ сингари гумбурлаган овозда.— Сени таниш учун байрогингни кўрарга кўзим йўқ! Разм сол! Мен ҳозир сенга ўз байрогимни кўрсатаман.

Капитан Немо шундай деб Жанубий қутбда тикканига ўхшаган қора байроқни ёйди.

Худди шу пайтда тўп ўқи «Наутилус»нинг қуйруғига келиб тегди-ю, аммо ҳеч қандай зиён келтирмади; сал бўлмаса капитан Немога тегай деб ёнидан ўтиб, денгизга тушди.

Капитан елкаларини қисди. Менга қараб қатъий оҳангда деди:

— Пастга тушинглар! Сиз ва ўртоқларингиз...

— Капитан,— дея қичқирдим мен,— наҳотки бу кемага ҳужум қилсангиз?

— Ҳужум қилибгина қолмай, чўктириб ҳам юбораман!

— Бу ишни қилманг!

— Албатта шундай қиламан,— дея совуқ жавоб берди капитан Немо.— Мени тергаш сизнинг ишингиз эмас! Кўришингиз лозим бўлмаган нарсани тасодифан кўриб қолдингиз. Душманларим менга ҳужум қилишди, уларга қақшатқич зарба берилди.

— Бу кимнинг кемаси?

— Сиз буни билмайсизми? Ундай бўлса, жуда соз. Жилла бўлмаса бу кеманинг қайси миллатга мансублиги сизга сир бўлиб қолсин. Қани, жўнанглар энди!

Канадалик, Консель ва менинг кўникишдан бўлак иложимиз йўқ эди. «Наутилус»нинг ўн беш матроси капитан Немони ўраб олиб, яқинлашиб келаётган кемага нафрат билан қараб туришар эди. Мен трапдан тушаётганимда яна бир тўп ўқи «Наутилус»нинг қуйруғига келиб урилди. Капитан Немонинг қичқирган овозини эшитдим:

— Отавер, тентак кема! Беҳудага ўқларингни сарфлайвер! «Наутилус»дан қочиб қутула олмайсан! Бироқ мен сени бу ерда ҳалок қилмоқчи эмасман! Сенинг парчаларинг олижаноб «Қасоскор» парчалари билан қўшилиб кетишини истамайман.

Мен ўз хонамга кетдим. Капитан билан унинг ёрдамчиси палубада қолишди. Винт айлана бошлади. «Наутилус» тез юриб кетди ва ҳадемай ҳарбий кема қувиб етолмайдиган масофага етди. Бироқ қувиш тўхтатилмаган эди ва капитан Немо орадаги шу масофани сақлаб борди.

Кундузи соат тўртда сабр ва бардошим чидамай трапга яқинлашдим.

Эшик очиқ эди. Мен палубага чиқдим. У ерда капитан ҳаяжон ичида у ёқдан бу ёққа одимлар эди. У биздан нари борса беш-олти миля масофада шамолга қарши келаётган кемадан кўз узмас эди. Кема атрофини ёввойи паррандадай гир айланиб, унга шарқ томон орқасидан қувиб боришга имкон бераётган эди. Аммо ҳозирча ўзи унга ҳужум қилмаётган эди. Балки у иккиланаётгандир?

Мен яна аралашишга уриниб кўрдим. Бироқ энди бир неча сўз айтган эдим, капитан Немо овозимни ўчиришга мажбур этди.

— Адолат ва ҳаққоният мен томонда, — деди у. — Мен эзилган, мана у эса ситамгар! У туфайлигина мен сеvimли ва ноёб ҳамда муқаддас ҳисобланган ҳамма нарсадан — ватандан, хотинимдан, болаларимдан, отамдан, онамдан — ҳаммасидан жудо бўлдим! Нимаики нафратимга дучор бўлган бўлса ҳаммаси мана шу кемада! Овозингизни ўчирисангиз-чи!

Мен шитоб билан яқинлашиб келаётган ҳарбий кемага сўнгги бор қараб, пастга — Нед билан Консель олдига тушдим.

— Биз қочишимиз керак! — дея қичқирдим.

— Жуда соз, — деди Нед. — Аммо бу кимнинг кемаси?

— Бунисини билмадим. Аммо кимники бўлишидан қатъи назар у тун бошланмай денгиз қаърига гарқ этилади. Адолатданми йўқми — буниси бизга қоронғи, бироқ жиноятга шерик бўлгандан кўра бирга ҳалок бўлганимиз афзал.

— Мен ҳам шу фикрдаман, — совуққина жавоб берди Нед. — Тун бошлангунча сабр қиламиз.

Тун бошланди. Кемада сукунат ҳукмрон эди. Компас «Наутилус» ўз йўналишини ўзгартирмаганини кўрсатиб турар эди. Мен унинг винтининг бир маромдаги овозини эшитаётган эдим. Кема сув сатҳида сузар эди.

Кема бизни эшитадиган ёки жила бўлмаса кўрадиган даражада яқинлашган пайтда қочишга қарор қилдик, — уч кундан кейин ой тўлишади, бинобарин у яхшигина ёғду таратмоқда эди. Нариги кема бортига ўтиб, уни ҳалокатдан қутқариб қололмаган тақдирда ҳам, ҳар ҳолда вазият имкон берганича барча чораларни кўрамай.

Бир неча марта «Наутилус» жангга ҳозирлик кўраётгандай бўлиб туюлди, бироқ ўз душманининг бир оз яқин-

лашиб келишига имкон бергач, яна тезликни ошириб, ундан узоқлашди.

Туннинг бир қисми осойишта ўтди, Биз ора-чора бир-биримизга гап қотиб, қочиш учун қулай фурсат пойлаб турар эдик. Қаттиқ ҳаяжонланаётган эдик. Нед Ленд кема томон сузмоқчи ҳам бўлди. Мен уни сабр қилишга мажбур этдим. «Наутилус» уни таъқиб этаётган кемага денгиз сатҳида ҳужум қилишига ишончим комил эди, бундай вазиятда қочишга имконият туғилибгина қолмай, иш осонлашади ҳам.

Тонг отишидан олдин — соат учда безовталаниб, яна палубага кўтарилдим. Капитан Немо ўша ерда эди. У кема тумшугида турарди. Боши узра қора байроқ ҳилпирар эди. У кемадан кўз узмас эди. Унинг қаттиқ нигоҳи таъқиб этувчини гипноз билан шатак арқонида ортидан эргаштириб, ўзига тортаётгандай эди.

Ой меридианни кесиб ўтди. Шарқда Юпитер кўринди. Атроф жимжит. Осмон билан океан осойишталикда ким ўзарга ўйнашаётгандай эди.

Мен стихиянинг бу осойишталигини тутқич бермас «Наутилус»нинг ҳар бир бурчагидаги нафрат билан қиёс қилганимда бутун вужудим қалтираб кетар эди.

Кема биздан икки миля нарида эди. У «Наутилус» прожекторидан таралаётган ёғду изидан яқинлашиб келаётган эди. Мен унинг кўк ва қизил таниб олиш чироқларини ва фок-мачтасига илиб қўйилган, тўғри ёғду таратаётган фонусни кўрдим. Мўрисидан ҳалқа-ҳалқа аланга отилиб чиқаётган эди — афтидан кема буғ босимини юқори нуқтасигача кўтарганга ўхшарди.

Мен эрталаб соат олтигача палубада қолдим. Капитан Немо илгаригидай мени кўрмас эди. Ҳарбий кема биздан атиги бир ярим миля масофада эди ва тонг отиши биланоқ яна отишмани бошлаб юборди.

«Наутилус» ўз ғанимига ҳужум бошлайдиган дам яқинлашаётган эди ва у амалга ошган заҳоти мен ва ўртоқларим тергашга журъат этолмайдиган одамни бир умрга ташлаб кетамиз. Капитан ёрдамчиси палубага чиққач, Консель билан Недни огоҳлантириш учун пастга тушмоқчи бўлдим. У билан бир неча денгизчилар ҳам чиқшди.

«Наутилус»да жангга ҳозирлик кўрилаётган эди Бу ҳозирлик унча мураккаб эмас эди. Палубани ўраган панжара туширилди. Прожектор вишкеси ва штурваль ҳужра-



си сув ости кемасининг ичига тортиб қўйилди. Пилуба юзаси узун темир сигарага ўхшаб қолди. Энди унда бирон та ҳам дўнглик қолмади — демак маневр қилишига янги ҳеч нарса халақит бермас эди.

Мен салонга қайтдим. Ҳамон денгиз сатҳида турган «Наутилус»га қуёшнинг дастлабки нурлари ёғду сочар эди. Унинг қизғиш шуъласи ойналарда акс этар эди.

Даҳшатли 2 июнь куни бошланди.

Соат бешда лаг менга «Наутилус» тезлигини секинлаётганини кўрсатди. Ҳарбий кемани ўзига яқинроқ масофага келтирмоқчи бўлганини фаҳмладим. Тўп ўқларининг овози борган сари кўпроқ эшитила бошлади. Уқлар сувга қаттиқ ҳуштак овози билан келиб тушиб атрофимизга кўпик сачратар эди.

— Дўстларим,— дедим мен,— фурсат етди! Қани, қўлни қўлга беринглар, у ёғига таваккал!

Нед Ленд ҳозирнинг ўзидаёқ тайёр, Консель осуда, мен қамраб олган ҳаяжондан ўзимни аранг тутар эдим. Биз кутубхонага ўтдик. Трапга олиб чиқадиган эшик қабзасини итарганимда тўсатдан люк қопқоғи ёпилганини эшитдим.

Канадалик зина томон югурган эди, мен уни тўхтатдим. Шовиллаган таниш овоз «Наутилус» резервуарларига сув тўлатаётганини билдим. Чиндан ҳам кўп ўтмай «Наутилус» денгиз сатҳидан ўн метр чуқурликка шўнғиди.

Маневрнинг мақсади менга аён бўлди. «Наутилус» мустаҳкам зирҳ билан қопланган ҳарбий кемага юқоридан туриб ҳужум қилмоқчи эмас эди. У кемага сув остидан, ватерлиниянинг пастки қисмидан, темир қоплама тугайдиган жойдан ҳужум қилмоқчи эди.

Шундай қилиб, биз яна бандилигимизча колавердик, бунинг устига тайёрланаётган даҳшатли фожианинг беихтиёр шохидлари бўлишимиз ҳам керак эди. У ёғини суриштирсангиз, ўйлашга ҳам фурсат қолмаган эди. Менинг хонамга кириб яшириниб олиб, овоз чиқармай бир-биримизга қараб турар эдик. Бутун вужудимни даҳшатли қўрқув қамраб олди. Мен одатда аллақандай даҳшатли воқеа содир бўлиши олдидан одамда пайдо бўладиган оғир вазият ҳолатида эдим. Мен ҳалокатни кутар эдим, тиқ этган ҳар бир овозга қулоқ тутар эдим, бутун вужудим қулоққа айланган эди.

Бу орада «Наутилус» тезлигини анчагина оширди. Афтидан у бориб уруш учун тезлашаётган эди. Унинг бутун корпуси қалдиради

Мен тўсатдан қичқириб юбордим. Кемалар тўқнашди. Бу шунчаки енгил туртки эди. Шунга қарамай, пўлат дандон ёғочга зарб билан қадалганини сездим. Гижирлаган ва ёғочнинг ёрилган овози эшитилди. Аммо «Наутилус» ҳаракат инерцияси билан игна матони тешиб ўтгандай ҳарбий кемани ёриб ўтди.

Мен ортиқ ўзимни тутиб туrolмадим. Даҳшатдан эсим оғиб хонадан салонга чошиб кирдим. Капитан Немо ўша ерда эди. Ойна ортида содир бўлганларни хомуш туриб, маъюс, бераҳмлиқ билан кўздан кечирар эди.

Сув остида жуда улкан, шаклини йўқотган қора жисм кўришиб турар ва «Наутилус» унинг жон талвасасини ҳам охиригача кўриш учун у билан бирга денгиз тубига шўнғир эди. Узимдан ўн метрча нарида деярли иккига бўлинган кема корпусини кўрдим; унга даҳшат билан шовиллаб сув кирар эди. Юқорироқда икки қатор тўп кўришиб турар эди. Палубада жуда кўп қора соялар ҳаракат қилиб турар эди.

Сув кириши кўпайиб бормоқда эди. Шўрлик одамлар ванталарга<sup>1</sup> ёпишар, мачталарга тармашиб чиқишар, сувда шалоплашар эдилар. Бу тўсатдан тошқинга учраган инсон чумолихонаси эди.

Даҳшатдан донг қотган, сочларим типпа-тик туриб, аранг нафас олган ҳолда деразадан кўз узишга ҳам мадорсиз бу даҳшатли манзарага боқар эдим.

Улкан кема аста-секин ғарқ бўлди. «Наутилус» у билан изма-из тушар эди. Тўсатдан портлаб кетди. Сиқик ҳаво кема палубасини шу қадар зўр куч билан парчалаб ташладики, гўё порох омбори портлагандай бўлди. Сув босими шу қадар кучли эдики, «Наутилус»ни бир чеккага итқитиб ташлади.

Шундан сўнг шўрлик кема тезроқ ғарқ бўла бошлади. Қурбонлар ёпишиб қолган мачталари, жасадлар огирилгидан эгилиб кетган реялар, сўнгра грот-мачталао аранг кўринар ва ниҳоят қора жисм ўликлардан иборат ёкипажи билан бирга гирдоб ичига кириб ғойиб бўлиб кетди...

Мен капитан Немо томон бурилдим. Бу даҳшатли судья, чинакам ғазаб алвастиси ҳамон зулматга тикилиб турар эди. Ҳамма нарса тамом бўлгандан кейин у ўз хонаси

---

<sup>1</sup> Вант-а — мачтани ушлаб турадиган йўгон арқон.

эшиги томон бориб, уни очди ва ичкарига қадам қўйди. Мен уни кузатиб турар эдим.

Хона тўридаги деворда унинг севимли қаҳрамонлари портретлари остида ҳали жуда ёш аёл ва икки кичик бола портретини кўрдим.

Капитан Немо бир зум уларга тикилиб турди-да, сўнг тиз чўкиб, ўкириб йиғлаб юборди.

### *Йигирма иккинчи боб*

## КАПИТАН НЕМОНИНГ СУНГИ СУЗЛАРИ

Даҳшатли манзара кўздан ғойиб бўлиб, деразалар ёпилди. Бироқ салонда чироқ ёнмади. «Наутилус»да қоронғилик ва сукунат ҳукмрон эди. Капитан Немо бу даҳшатли жойдан шитоб билан қочаётгандай эди. У қайси томонга йўл тутди экан? — Шимолгами ёки жанубга?

Каютамга қайтганимда, у ерда мени Нед билан Консель вазмин сукут сақлаб кутиб туришар эди. Мен капитан Немодан сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада даҳшатга тушган эдим. У одамлар туфайли қанчалик азоб-уқубатга дучор бўлмасин, бари бир уларни шу тарзда жазолашга ҳаққи йўқ эди. Бу билан бирга у ўз қасосини олишга мени иштирок эттирмаган бўлса-да, унинг шоҳиди қилиб қўйди. Буниси ортиқча эди!

Соат ўн бирда электр чироқ ёнди. Мен салонга ўтдим. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Асбобларга қарадим. «Наутилус» шимол томонга соатига йигирма беш миля тезликда гоҳ денгиз сатҳида, гоҳ сув остида ўттиз фут чуқурликда сузиб борар эди.

Қаерда сузаётганимизни картадан топиб, Ла-Манш қуйиладиган жойнинг ёнидан ўтганимизни ва ҳозир шимолӣ денгизларга кетаётганимизни аниқладим.

Кечга бориб биз Атлантик океан бўйлаб икки юз лье босиб ўтдик.

Оқшом қоронғилиги қуюқлаша бориб, ой чиққунча денгиз зулмат қўйнида қолди.

Шу кеча ухлай олмадим Ваҳималар тинчлик бермади. Кема ҳалокатининг даҳшатли манзараси кўз олдидан сира нари кетмас эди.

Шу кундан эътиборан ҳар кунги босилган йўлни салондаги картага туширмай қўйдилар.

«Наутилус» шимол туманлари оралаб бир хил тезликда Атлантик океаниннг шимоли томон қанчалик кириб

борганини ким айта олар эди? Шпицбергенга яқинлашдимикин ёки Новая Земля соҳиллари томон сузиб кетдимикин? Балки унчалик маълум бўлмаган денгизлар: Оқ денгиз, Карск ва Обь кўлтиқлари бўйлаб Ляхов ороллар тизмаси ёнидан ўтиб, деярли номаълум Шимолий Осиё соҳиллари яқинидан ўтган бўлса ҳам ажаб эмас. Мен бунга жавоб беролмас эдим.

Мен вақт ҳисобидан адашиб қолдим. Назаримда энди кеча билан кундуз одатдагидай ўз навбати билан ўрин алмашиб турмаётгандай эди. Мен ўзимни ҳаёт воқелигидан кўра кўпроқ Эдгар По<sup>1</sup> хаёлига ўхшаб кетадиган сирли ва даҳшатли гирдобга киргандай ҳис этар эдим. Ҳар дақиқала кўз олдимда По асарларининг қаҳрамони Артур Гордон Пим сингари «чодирга ўралган ва Ер юзидаги тирик мавжудотларнинг барисидан катта, қутбга бориладиган йўлни бекитадиган инсон танаси» намоён бўлаётгандай туюлар эди.

Назаримда, — аммо, эҳтимол менга шундай туюлаётгандир, — бу сафар омадимиз келиб ўн беш ёки йигирма кун давом этгандай ва фавқулодда воқеа содир бўлиб саёҳатимизга чек қўймаганида, унинг яна қанчага чўзилиши номаълум эди.

Капитан Немо, шунингдек, унинг ёрдамчиси кемада йўқдай эди. Экипаждан ҳеч ким бирон дақиқа ҳам кўринмас эди. «Наутилус» деярли ҳамма вақт сув остида сузиб бораётган эди. У сув сатҳига ҳаво олиш учун чиққанида люк автоматик равишда очилиб ёпиларди. Мен қаерда кетаётганимизни мутлақо тасаввур эта олмас эдим.

Бунинг устига тинка-мадори қуриб, тоқати тоқ бўлган канадалик каютасидан чиқмасди. У бирдай индамас эди. Консель уни бир оғиз ҳам гапиртиролмас ва ватанини қўмсаб, қайғу-аламига чидай олмай ўзини бир нарса қилиб қўймасин, деб хавотирда эди.

Консель Нед Ленднинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб юрди.

Ўз-ўзидан аёнки, бундай шароитда ҳаёт кечирish жуда оғир бўлиб қолди.

Бир гал — қайси числолигини айтолмайман — тонготарда бўшашиб, қаттиқ ухлаб қолибман. Уйғониб қарасам, тепамда Нед Ленд турибди.

<sup>1</sup> Эдгар По — Америка ёзувчиси, фантастик ҳикоялар автори.

У менга энгашиб, шивирлади:

— Қочамиз!

— Қачон?— сўрадим мен.

— «Наутилус»да ҳар қандай кузатиш йўқ бўлиб кетди. Кема уйқуга киргандай. Шундай эмасми?

— Шундай. Биз қаердамиз?

— Аллақандай ерга яқин жойдамиз. Мен уни эрталаб туман ичида шарқ томонда йигирма миляча масофада кўрдим.

— У қанақа ер экан?

— Билмадим, аммо у қанақа бўлмасин, биз у ердан бошпана излаймиз.

— Тўғри, Нед... Розиман: пешонамизда денгизда ҳалок бўлиш ёзилган бўлса ҳам биз шу кеча қочамиз!

— Денгиз тўлқинли, қаттиқ шамол бўляпти, аммо «Наутилус»нинг энгил қайиқчасида йигирма миля сузиш унчалик қийин бўлмайди. Мен унинг ичига билдирмай у-бу егулик ва бир шиша сув олиб бориб қўйдим.

— Изингиздан боришга тайёрман!

— Шуни билиб қўйинг: қўлга тушсам, ўзимни ҳимоя қиламан. Таслим бўлишдан кўра ўлимга ҳозирман!

— Биз бирга жон берамиз, дўстим Нед.

Мен ҳамма нарсага тайёр эдим. Канадалик кетди. Палубага чиқдим. У ерда оёқда зўрга турарди киши — шу қадар қаттиқ тўлқин бўлаётган эди. Осмон даҳшатли эди. Бироқ бу қалин туман ортида ер бўлгани учун ҳам қочиш керак эди. Биз бир кун, бир соатни ҳам қўлдан бой бермаслигимиз керак.

Мен капитан Немо билан учрашишдан ҳам қўрқиб, айни вақтда ҳам буни истаб салонга қайтдим; уни ҳам кўргим келаётган эди, ҳам йўқ. Унга нима дейман? У менда содир эта оладиган қўрқувни яшира олармикинман? Йўқ, у билан учрашмаганимиз маъқул! Яхшиси уни унутиш керак! Аммо ҳар ҳолда...

Бу кун, «Наутилус»да ўтказадиган сўнгги куним қанчалик чўзилиб кетди-я! Мен ҳамиша ёлғиз бўлдим. Нед Ленд билан Консель ҳаяжонларини билдириб қўйишдан қўрқиб, мен билан гаплашмас эдилар.

Соат олтида мен овқатланиб олдим. Қорним оч эмас эди, аммо кўнглим тортмаса ҳам, ҳолдан тоймаслик учун зўрлаб едим.

Олти яримда Нед Ленд менинг хонамга кирди. У менга бундай деди:

— Энди қочадиган пайтгача бир-биримизни кўролмай-миз. Ҳозир соат ўнда ой чиқмаяпти. Қоронгидан фойдаланиб қоламиз. Тўғри қайиққа боринг. Мен сизни Консель билан ўша ерда кутаман.

Канадалик жавоб беришимга вақт ҳам қолдирмай чиқиб кетди.

Мен «Наутилус» қайси томонга сузаётганини аниқлаш учун қайтиб салонга кирдим. Биз шимол — шимоли-шарқ томон йўл олиб, эллик метр чуқурликда даҳшатли тезлик билан бораётган эдик.

Мен бу музейда сақланаётган табиат мўъжизалари ва санъат асарларига, бутун ер юзиде мисли бўлмаган ва айни вақтда уни тўплаган одам билан бирга шу ерда ўлимга маҳкум этиладиган коллекцияларга сўнги бор нигоҳ ташладим. Мен буларнинг барини узоқ вақт хотирамда сақлашни истар эдим. Мен бир соат давомида ойна тагига терилган ва шипдан электр чироқ билан майни нуруланаётган тилсиз хазина мавжига маҳлиё бўлиб турдим. Сўнгра каютамга қайтдим.

У ерда мен иссиқ костюм кийдим, барча ёзувларимни йиғиб, кўйлагимнинг остига тиқдим. Юрагим гупиллаб урар эди. Ҳозир капитан Немога йўлиққанымда ҳаяжоним, ташвишли қиёфам, шубҳасиз, мен фош этиб қўйиши аниқ эди.

У ҳозир нима қилаётган экан? Мен унинг каютаси эшиги олдига бориб, қулоқ сола бошладим. Оёқ товушини эшитдим. Капитан Немо шу ерда эди. Тиқ этган товушдан чўчир эдим. Назаримда, у ҳозир чиқиб, нега қочаётганимни сўрайдигандай эди. Мени тобора қўрқув босиб, хаёлнинг ёққа олиб бора бошлади. Бу ҳолат шу қадар оғир эдики, мен беихтиёр ўзимга савол бердим: хонага кириб, капитан билан юзма-юз бўлиш яхшироқ эмасми?

Албатта, бу тентаклик бўлур эди, яхшиям бахтимга ўзимни вақтида тутиб олдим. Каютамга қайтиб келиб, ўрин устига чўзилдим ва ҳаяжонимни босишга уриндим.

Ҳаяжоним аста-секин босилди-ю, аммо ҳар хил фикрлар тинчлик бермас эди. Мен «Наутилус»да барча бошимдан ўтганларни, «Авраам Линкольн» палубасидан учиб кетганимдан кейинги барча бахтиёр ва қора кунларимни хотирлай бошладим. Сув ости овлари, Торрес бўғози, Янги Гвинея ваҳшийлари, саёзликка тиқилиб қолганимиз, маржон қабристон, Арабистон туннели, Санторин

ороли, Критдаги ғаввос, Атлантика, муз тувоқ, Жанубий қутб, узлуксиз музликлар, саккизоёқлар билан жанг, Гольф-стримдаги бўрон, «Қасоскор» ва ниҳоят шу ҳарбий кеманинг бутун экипажи билан бирга ҳалок бўлиш манзараси! Барча мана шу манзаралар кўз ўнгимдан театр сахнасида тинимсиз ўзгариб турадиган декорациялардай бирмабир ўтар ва бутун хотираларимда капитан Немо бирдай қатнашар эди. У энди барча кишиларга ўхшаган одам эмас, балки қандайдир сирли сув мавжудоти, океан мутафаккири эди.

Соат тўққиз яримга занг урди. Бошим ғувилларди, мен уни қўлларим билан сиқиб, кўзларимни юмиб олдим. Ҳеч нарса ни ўйламасликка тиришар эдим. Яна ярим соат кутиш керак. Мени жинни қиладиган ярим соат!..

Тўсатдан органнинг аллақандай мавҳум овози, қандайдир қўшиқнинг ҳазин куйи қулоғимга чалинди. Нафасимни ютиб, бутун вужудим билан капитан Немони музика забт этгандай тинглай бошладим.

Шундан сўнг бир фикр тўсатдан мени таажжублантириб қўйди; капитан Немо хонасидан чиқди. У салонда эди. Мен қайиққа етиб бориш учун босиб ўтишим зарур бўлган салонда мени гапга тутиб қолса-чи! Унинг биргина нигоҳи мени ер билан яксон қилади, бир оғиз сўзи мени умрбод шу кемадан чиқолмайдиган қилиб қўйиши мумкин!

Ниҳоят соат ўнга занг урди. Каютадан чиқиб, дўстларимга бориб қўшиладиган вақт келди. Ортиқ иккиланиб ўтиролмас эдим.

Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан эшикни очдим. Назаримда у қаттиқ гижирлаётгандай эди. Эҳтимол менинг назаримдагина гижирлаётгандир. Мен «Наутилус»нинг қоронғи йўлакларидан юрак уришини босиб олиш учун ҳар қадамда бир тўхтаб, пийпаслаб борар эдим.

Ниҳоят салон эшигига етиб келдим ва уни аста очдим.

Салон зим-зиё қоронғи эди. Орган аккордлари оҳиста таралар эди. Капитан Немо ўша ерда эди. У мени кўрмади. Менимча у кундузги ёғдуда ҳам мени кўролмаслиги мумкин эди: шу қадар музикага берилиб кетганди.

Келганимни билдирмаслик учун тиқ этган товуш чиқаришдан қўрқиб гилам устига қадам қўйдим. Салоннинг тўридаги кугубхонага олиб чиқадиган эшиккача етиб олишга беш минут кетди.

Мен уни энди очаман деб турганимда бирдан капитан

Немонинг хўрсинганини эшитиб колдим Бу хўрсиниш мени турган жойимда михлаб қўйди. Капитан Немо орган олдида кетди; кутубхонадан гира-шира ёғду тушиб тургани учун қоронгида ҳам мен унинг қорасини кўрдим. У қўллари кўксиди чамбарак қилгани ҳолда оҳиста менга яқинлашаётган эди. Назаримда у юриб эмас, соядай ўрмалаб келаётгандай эди. Йиғидан унинг қалби ёнаётгандай эди. Мен шивирлаб айтган сўзларини эшитдим, бу мен эшитган унинг сўнгги сўзлари эди:

— Етар, бас!

Демак, ҳар ҳолда виждон азоби бу одамни қийноққа соляптимикин?..

Мен беихтиёр кутубхонага отилиб кирдим. Трапдан кўтарилиб ўртоқларим мени кутаётган қайиқ олдида бордим.

— Қочдик! Қочдик!— дея шивирладим мен.

— Ҳозир!— деб жавоб берди менга канадалик.

«Наутилус» корпусидаги темир қонқоқ инглиз калити билан маҳкам бураб қўйилар эди. Нед Ленд ҳар эҳтимолга қарши шундай калит олган экан. Қайиқча қопқоғи ҳам худди шу тариқа маҳкамланиб қўйилар эди. Канадалик бизни сув ости кемаси билан боғлаб турган сўнгги нарса — ана шу гайкаларни бураётганда, кема остидан алақандай бўғиқ шовқин эшитиб қолдик. Бу қандай шовқин бўлиши мумкин? Бизнинг йўқ бўлиб қолганимизни билиб қолишдимикин?

Нед Ленд қўлимга пичоқ тутаётганини сездим.

— Ҳа,— дея шивирладим мен,— биз ўлимга юзма-юз туришимиз керак.

Канадалик ишини тўхтатди.

Аммо биргина сўз, ўнлаб марта қайтарилган ёлғиз даҳшатли сўз менга «Наутилус»даги тушунилмас ҳаяжоннинг сирини очиб берди.

Унинг бизга мутлақо алоқаси йўқ эди.

«Мальстрем, Мальстрем!»

Мальстрем! Бу биз эшитган сўзлардан энг даҳшатлиси эди. Шундай қилиб, биз анча хавфли жойларда, Норвегия соҳиллари яқинида эдик! Наҳотки келиб-келиб «Наутилус» бу ҳалокатли гирдобга биз озодликка чиқишга ҳаракат қилаётган дақиқаларда тушса?

Маълумки, сув кўтарилган пайтларда Фарер ва Лофотен ороллари сиқиб қўйган бу жойларда ғоят катта куч билан ўтади. У ҳосил этган гирдобдан ҳозиргача биронта



кема бутун чиққани йўқ. Ҳамма ёқдан, уфқнинг барча нуқталаридан бу ерга дастлабки кучи ўн беш километргача сақланиб борадиган даҳшатли пўртаналар келади. Бу гирдобда фақат кемаларгина эмас, балки китлар ва ҳатто арктик мамлакатларнинг оқ айиқлари ҳам ҳалок бўлади.

Капитан Немо беихтиёрми ёки атайлабми ўз «Наутилус»ини ана шу ерга олиб келган эди. Кема спираль бўйлаб ҳаракат қилар, унинг радиуси борган сари тораяётган эди. У билан бирга ҳали бортдан олинмаган бизнинг қайиқчамиз ҳам даҳшатли тезлик билан айланар эди. Мен буни ҳис этиб ўтирар эдим. Бошим қағтиқ азоб бериб айлана бошлади. Бизни қаттиқ қўрқув қамраб олиб, томирларимиздаги қон тўхтаб қолгандай бўлди. Юрак уришдан тўхтаб қолди назаримда. Жон талвасасида бўладигандай биздан совуқ тер чиқа бошлади. Шу мўртгина қайиқча атрофида қандай даҳшатли шовқин-сурон! Унлаб миля масофада тинимсиз акс садо бериб қайтарилаётган қанчалик гувиллаш! Тўлқинларнинг сув ости қоялари қирраларига урилишидан чиқаётган қандай даҳшатли овоз! Бундай чуқурликда энг улкан дарахт таналари ҳам ушоқ хас-чўпга айланади!

Қандай даҳшат!

Биз қаттиқ чайқалар эдик. «Наутилус» тирик мавжудот сингари тўлқинларнинг келиб урилишидан ўзини ҳимоя қилар эди. Унинг пўлат мускуллари қирсиллар эди. Баъзан кема тикка тургандай бўлар эди.

— «Наутилус»ни қаттиқ ушлаб туриш керак,— деди Нед.— Ҳамма гайкаларни қайтадан бураб қўйишга уриниб кўрамиз. «Наутилус»дан узилиб кетмасак, қутулиб қолишимиз мумкин...

У оғзидаги гапни айтиб улгурмай қарсиллаган қаттиқ овоз эшитилди. Гайкалар узилиб, ўз ўрнидан чиқиб кетган қайиқча сопқондан отилган тошдай гирдобнинг ўрта-сига итқитиб ташланди.

Бошим билан темир бортга урилиб, қаттиқ силкинишдан ўзимдан кетиб қолдим.

## Иигирма учинчи боб

### ХОТИМА

Шундай қилиб, сув ости саёҳатимиз ҳам поёнига етди. Уша даҳшатли тунда нима бўлди, қайиқчамиз ўлим гирдобдан қандай қилиб чиқди, Нед Ленд, Консель ва мен бу тубсиз жойдан қай йўл билан қутулиб қолдик — буни сени айтолмайман. Лофотен оролларидаги биридаги балиқчи кулбасида ҳушимга келдим. Иккала дўстим ҳам эсон-омон, ҳеч қандай зарар кўрмай рўпарамда туришар ва қувончдан қўлларимни сиқишар эдилар. Биз бир-биримиз билан маҳкам қучоқлашдик.

Йилнинг бу пайтида Францияга қайтишни хаёлга ҳам келтириб бўлмасди.

Шимолий ва Жанубий Норвегия ўртасида йўл алоқалари ёмон эди. Ҳаво юришиб кетиб, Шимолий бурунга қатнайдиغان пароход келишини узоқ вақт кутишга тўғри келди.

Бошимдан кечирган саргузаштларим ҳақидаги ҳикояни шу ерда, бизни топиб олган шу содда, ажойиб одамлар орасида қайта кўриб чиқяпман. У аини ҳақиқат. Биронта факт тушириб қолдирилгани йўқ. Биронта воқеа ҳам ўзгартирилмади. Бу инсон оёғи тегмаган, вақти келиб фан эркин йўл очиб берадиган стихияга қилинган жуда ажойиб тарихий саёҳат ҳақидаги ҳақиқатдир.

Менга ишонишармикин? Бунисини билмайман. Сирасини айтганда, менга барибир эмасми?

Салкам ўн ой давомида сув остида саксон миғ километр сузганим, бу жаҳон бўйлаб саёҳат вақтида Қизил ва Уртаер денгизлари, Атлантика, Тинч, Ҳинд, Шимолий ва Жанубий Муз океанлари ўзларининг энг нодир сирларини очганликларининг ўзи менга кифоядир.

«Наутилус»нинг тақдири нима бўлди? У гирдобдан қутулиб чиқдимикин? Капитан Немо тирикмикин? Қасос олишдек даҳшатли ишини ҳозир ҳам давом эттираётганмикин ёки ўша охириги қурбонлари билан қаноатланганмикин? Вақти келиб тўлқинлар унинг бутун ҳаёт тарихи ёзилган қўлёзмаларини олиб келармикин? Мен бу одамнинг стини била олармикинман? Ҳалок бўлган кеманинг қайси миллатга мансублигидан капитан Немонинг миллатини билиб олармикинмиз?

Бунга умидворман. Шунингдек, унинг ажойиб кемаси

ёнғ даҳшатли денгиз гирдобида ҳам голиб чиққан ва «Наутилус» қанчадан-қанча кемалар ҳалок бўлган жойда ҳам варарланмай қолган, деб умид қиламан! Агар шундай бўлса, борди-ю, капитан Немо ватанига айланган океанда ҳозир ҳам сузаётган бўлса, унинг шафқатсиз қалбидаги нафрат юмшасин. У олам-жаҳон мўъжизаларни кўради, шу гўзалликлар ундаги қасос алангасини сўндирсин! Қаҳри қаттиқ судья йўқолиб, ўрнини денгизни тинчлик мақсадлари учун тадқиқ этаётган олимга берсин. Капитан Немо тақдирини жуда қизиқ, аммо у кўтаринки руҳда. Буни ана шу ғалати одам билан елкама-елка туриб ўн ой бирга яшаган мендан бошқа ким билсин! Ниҳоят энди бундан олтининг йил илгари «Экклезиаст»<sup>1</sup>нинг: «Тубсизликнинг чуқурлигини қачондир бирон киши ўлчаганми?» деган саволига Ер юзидаги жамики одамлар орасидан икки киши: «Мен!»— деб жавоб беришга ҳақли.

Бу — капитан Немо билан мен.

### Иккинчи қисм тамом

---

<sup>1</sup> Инжилнинг шоҳ Соломонга мансуб, деб фараз қилинадиган китобларидан бири.

**МУНДАРИЖА**  
**БИРИНЧИ ҚИСМ**

<i>Биринчи боб. Ҳаракатдаги сув ости қояси . . . . .</i>	3
<i>Иккинчи боб. Тарафдор ва қаршилар. . . . .</i>	9
<i>Учинчи боб. «Хўжам шуни истасалар». . . . .</i>	15
<i>Тўртинчи боб. Нед Ленд. . . . .</i>	20
<i>Бешинчи боб. Кўр-кўрона қуввиш . . . . .</i>	27
<i>Олтинчи боб. Шитоб билан . . . . .</i>	33
<i>Еттинчи боб. Ғалати кит . . . . .</i>	42
<i>Саккизинчи боб. «Ҳаракатчан ҳаракатчанликда» . . . . .</i>	49
<i>Тўққизинчи боб. Нед Ленд ғарабнок . . . . .</i>	57
<i>Унинчи боб. Ғалати одам . . . . .</i>	64
<i>Ун биринчи боб. «Наутилус» . . . . .</i>	75
<i>Ун иккинчи боб. Ҳамма нарса электр воситасида . . . . .</i>	81
<i>Ун учинчи боб. Бир неча рақамлар . . . . .</i>	88
<i>Ун тўртинчи боб. «Қора дарё» . . . . .</i>	95
<i>Ун бешинчи боб. Таклафнома . . . . .</i>	106
<i>Ун олтинчи боб Сув ости текислиги бўйлаб сайр . . . . .</i>	114
<i>Ун еттинчи боб. Сув ости ўрмони . . . . .</i>	120
<i>Ун саккизинчи боб. Тинч океан остидан 16.000 километр . . . . .</i>	127
<i>Ун тўққизинчи боб. Ваникоро . . . . .</i>	134
<i>Иигирманчи боб. Торрес бўғози . . . . .</i>	144
<i>Иигирма биринчи боб. Қуруқликда ўтказилган бир неча кун . . . . .</i>	152
<i>Иигирма иккинчи боб. Капитан Немонинг чақмоғи . . . . .</i>	163
<i>Иигирма учинчи боб. Яна қамоқхонада . . . . .</i>	175
<i>Иигирма тўртинчи боб. Маржонлар оламида . . . . .</i>	184

**Иккинчи қисм**

<i>Биринчи боб. Ҳинд океани . . . . .</i>	193
<i>Иккинчи боб. Капитан Немонинг янги таклифи . . . . .</i>	202

<i>Учинчи боб. Ун миллион франк турадиган марварид . . . . .</i>	212
<i>Тўртинчи боб. Қизил денгиз . . . . .</i>	223
<i>Бешинчи боб. Арабистон туннели . . . . .</i>	235
<i>Олтинчи боб. Грек тизма ороллари . . . . .</i>	244
<i>Еттинчи боб. Уртаер денгизи бўйлаб қирқ саккиз соат . . . . .</i>	255
<i>Саккизинчи боб. Виго кўрфази . . . . .</i>	263
<i>Тўққизинчи боб. Йўқолган қитъа . . . . .</i>	274
<i>Унинчи боб. Сув ости конлари . . . . .</i>	284
<i>Ун биринчи боб. Саргассо денгизи . . . . .</i>	295
<i>Ун иккинчи боб. Кашалотлар ва китлар . . . . .</i>	303
<i>Ун учинчи боб. Музликларда . . . . .</i>	316
<i>Ун тўртинчи боб. Жанубий қутб . . . . .</i>	328
<i>Ун бешинчи боб. Тузоқда. . . . .</i>	339
<i>Ун олтинчи боб. Ҳаво етмай қолли . . . . .</i>	346
<i>Ун еттинчи боб. Горн бурунидан Амазонкага . . . . .</i>	357
<i>Ун саккизинчи боб. Саккизоёқлар . . . . .</i>	365
<i>Ун тўққизинчи боб. Гольфстрим. . . . .</i>	375
<i>Иигирманчи боб. Кенгликнинг 47-градус, 24-минут ва узунлик- нинг 17-градус, 28-минутда . . . . .</i>	386
<i>Иигирма биринчи боб. «Қасоскор» . . . . .</i>	394
<i>Иигирма иккинчи боб. Капитан Немонинг сўнги сўзлари . . . . .</i>	403
<i>Иигирма учинчи боб. Хотима . . . . .</i>	410